Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Алишер Навоий номидаги
Самарқанд Давлат университети

К а р и м о в С.А.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ГРАММАТИК УСЛУБИЯТИ
(Маърузалар матни)

С а м а р қ а н д - 2012

К И Р И Ш

Ўзбек адабий тилининг кейинги ўн йилликлардаги тараққиётини кўз олдимизга келтирар эканмиз унинг функционал – вазифавий имкониятларининг нақадар кенгайиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу тараққиёт босқичида, айниқса, халқимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги давр алоҳида бир мавқени ташкил қилади.

Бунинг сабаби шундаки, XX асрнинг охирги ўн йиллигида собиқ Иттифоқ барбод бўлиб, мустақилликка эришилгандан кейин ўзбек халқи тарихида бутунлай янги бир давр бошланди. Давлатчилик тизимининг ўзгариши муносабати билан халқимиз ўз ҳаётига тегишли бўлган барча ижтимоий-сиёсий масалаларни ўзи ҳал қилиш имкониятига эга бўлди.

1991 йилда муқобил сайловлар асосида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти этиб сайлангандан сўнг юртбошимиз томонидан республикамиз ўз танлаган йўлининг иқтисодиётнинг сиёсатдан устувор бўлиши, давлат асосий ислоҳотчи бўлиши, қонун ва уларга риоя қилишнинг ҳамма нарсадан устунлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритилиши, бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши сингари тамойиллари ишлаб чиқилиб, бу тамойиллар тараққиётимизнинг ва ривожланишимизнинг асосига айланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтларда дунё XXI асрга қадам қўяётган бўлиб, у билан ҳамқадамлик ватанимизнинг ривожланиш стратегиясини, ислоҳотларни чуқурлаштиришни ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олишимизни тақозо қилар эди. Ана шундай бир пайтда Президентимиз И.А.Каримов томонидан ривожланиш ва тараққиётимизнинг омиллари сифатида қуйидаги олтита устувор йўналиш ҳам белгилаб берилди: 1) Мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш; 2) Жамият маънавиятини янада юксалтириш; 3) Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш; 4) Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши учун аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоялаш; 5) Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш; 6) Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллат ва фуқароларо тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш.[1]

Янги ўзбек давлатчилиги тарихидаги ана шу тамойиллар ва омиллар ғоятда ҳаётийлиги билан халқимиз фаолиятида зарур қўлланмага айланди. Бунинг натижаси ўлароқ бугун биз дунё ҳамжамиятида ўзимизнинг муносиб ўрнимизга эгамиз. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини янада такомиллаштириб боришнинг аниқ

[1] **Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда.** – Т.:Ўзбекистон, 2000, 13-16-бетлар.

йўллари бор. Халқимизни порлоқ манзилларга етакловчи **миллий истиқлол ғояси** ишлаб чиқилди.

Шундай экан, бу жараённинг тилимиз функционал тараққиётига таъсири сезиларли даражада бўлаётганлиги ҳам табиий бир ҳолдир.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг шарофати билан дунё эшигининг кенг очилиши тилимиз ривожида янги босқични юзага келтирди. Биз коммунистик мафкура истибдодидан қутулганимизнинг исботи ва натижаси сифатида русча-байналмилал деб номланган, четдан кириб келган бирликларни, айниқса жой номларини қайтадан кўриб чиқдик, тилимизнинг амалда бўлиш кўлами, таълим тизимидаги ўрнини бир қадар аниқ белгилаб олдик. Бунда ҳали мамлакатимиз мустақил бўлмаган пайтлардаёқ қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонун (1989 йил 21 октябрь) катта тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Шундай қилиб, жаҳон цивилизацияси ва илмий-техникавий инқилоб туфайли рўй бераётган ўзгаришларнинг ўзбек тилига таъсири энди бошқача бир тарзда кечмоқда. Тилимиз ички ва ташқи имкониятларига таянган ҳолда бойишнинг янги йўлларидан бормоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мустақиллик туфайли халқимиз ҳаётида янги ижтимоий муносабатлар шаклланди, мавжудлари такомиллашди. Бу ҳол айниқс дипломатик алоқаларда, интернейт тизимининг юзага келишида, ахборот технологияларининг такомиллашувида, халқаро тажрибаларнинг кириб келишида, янги иқтисодий, диний, маданий муносабатларнинг шаклланишида кўринади. Бинобарин, ана шу ислоҳотларга боғлиқ ҳолда тилимизнинг расмий, оммабоп ва илмий услублари тараққиёти янги босқичга кўтарилганлигини таъкидлаймиз. Коммунистик мафкура ва социалистик реализм тазйиқидан халос бўлган бадиий адабиётимиз ҳам бугун бошқача ўлчовлар, талаблар ва эҳтиёжлар асосида ривожланмоқда. Кишиларда бадиий тафаккур ва мушоҳадани чуқурлаштириш, уларнинг қалбида бадиий-эстетик завқ уйғотиш, юксак инсоний туйғулар ва фазилатлар, маънавий қадриятлар руҳида камол топишига кўмаклашиш ўзбек адабиётининг бош мақсадига айланган ҳозирги даврда бадиий услубнинг лингвистик имкониятлари ҳам ўзгарди. Сўзга, бадиий сўзга бўлган талаб, масъулият кучайди. Ўзбек миллатининг дунё ҳамжамиятидаги мавқеи, унинг бугунги ривожланиш даражаси, бунинг устига «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» она тилимиздан сўзлашув жараёнида фойдаланиш олдига мутлақо янги талабларни қўймоқда. Умуммиллий тараққиётимиз ва маданиятимиздан орқада қолиб бораётган оғзаки нутқ маданияти муомала, мулоқот жараёнининг бу муҳим йўналишига алоҳида муносабатни кутмоқда.

Шундай экан, ўзбек тили нутқ маданияти, меъёрий ммуаммолари қаторида унинг стилистикаси – услубшунослиги, хусусан функционал – вазифавий услубшунослиги соҳасида юзага келган тадқиқотлар умумлаштирилиши, назарий пойдевори

мустаҳкамланиши, замон талаблари даражасида айрим ўринлари қайта кўриб чиқилиши лозим.

Таълим тизимининг олий босқичида филологик йўналишда ўзбек тилшунослиги бўйича тайёрланадиган магистрларга фанимизнинг ана шу долзарб масалалари бўйича сабоқ бериш лозимлигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Маърузалар матни шаклида юзага келган ушбу рисолада, биринчидан, ана шу шарафли вазифанинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини амалга ошириш - ўзбек тилидаги грамматик воситаларнинг семантик-услубий хусусиятлари юзасидан маълумот бериш мақсад қилиб қўйилган бўлса, иккинчидан, бу қўйилган масалаларга муаллифнинг баъзи қарашлари ва муносабатларини ифода этиш назарда тутилган.

Матнлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳамкасбларимизга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Биринчи маъруза:

ЎЗБЕК ТИЛИ СТИЛИСТИКАСИНИ, ЖУМЛАДАН ГРАММАТИК СТИЛИСТИКАСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДАГИ МУАММОЛАРИ

Р е ж а :

1. Стил – услуб тушунчаси ҳақида.
2. Ўзбек тилшунослигида стилистикасининг ўрганилиши.
3. Ўзбек тили стилистикасининг йўналишлари.
4. Тил услуби ва нутқ услуби тушунчалари.
5. Бадиий адабиёт стилистикаси.
6. Вазифавий услубшунослик.
7. Услубшуносликнинг ҳозирги босқичдаги муаммолари.

Таянч сўз ва иборалар:

Стил ва стилистика атамалари. Уларнинг таърифи.Ўзбек тилшунослигида ўрганилиши. Предмети, мақсад ва вазифалари. Йўналишлари. Назарий масалаларини ўрганишга ҳисса қўшган олимлар.. Тил ва нутқ услублари. Тилшунослик ва адабиётшунослик стилистикаси. Вазифавий услубшунослик. Муаммолар ва вазифалар.

Ўзбек адабий тилининг кейинги ўн йилликлардаги тараққиётини кўз олдимизга келтирар эканмиз унинг функционал – вазифавий имкониятларининг нақадар кенгайиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу тараққиёт босқичида, айниқса, халқимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги давр алоҳида бир мавқени ташкил қилади.

Бунинг сабаби шундаки, XX асрнинг охирги ўн йиллигида собиқ Иттифоқ барбод бўлиб, мустақилликка эришилгандан кейин ўзбек халқи тарихида бутунлай янги бир давр бошланди. Давлатчилик тизимининг ўзгариши муносабати билан халқимиз ўз ҳаётига тегишли бўлган барча ижтимоий-сиёсий масалаларни ўзи ҳал қилиш имкониятига эга бўлди.

1991 йилда муқобил сайловлар асосида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти этиб сайлангандан сўнг юртбошимиз томонидан республикамиз ўз танлаган йўлининг иқтисодиётнинг сиёсатдан устувор бўлиши, давлат асосий ислоҳотчи бўлиши, қонун ва уларга риоя қилишнинг ҳамма нарсадан устунлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритилиши, бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши сингари тамойиллари ишлаб чиқилиб, бу тамойиллар тараққиётимизнинг ва ривожланишимизнинг асосига айланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтларда дунё XXI асрга қадам қўяётган бўлиб, у билан ҳамқадамлик ватанимизнинг ривожланиш стратегиясини, ислоҳотларни чуқурлаштиришни ва

жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олишимизни тақозо қилар эди. Ана шундай бир пайтда Президентимиз И.А.Каримов томонидан ривожланиш ва тараққиётимизнинг омиллари сифатида қуйидаги олтита устувор йўналиш ҳам белгилаб берилди: 1) Мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш; 2) Жамият маънавиятини янада юксалтириш; 3) Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш; 4) Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши учун аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоялаш; 5) Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш; 6) Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллат ва фуқароларо тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш.[1]

Янги ўзбек давлатчилиги тарихидаги ана шу тамойиллар ва омиллар ғоятда ҳаётийлиги билан халқимиз фаолиятида зарур қўлланмага айланди. Бунинг натижаси ўлароқ бугун биз дунё ҳамжамиятида ўзимизнинг муносиб ўрнимизга эгамиз. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини янада такомиллаштириб боришнинг аниқ йўллари бор. Халқимизни порлоқ манзилларга етакловчи **миллий истиқлол ғояси** ишлаб чиқилди.

Шундай экан, бу жараённинг тилимиз функционал тараққиётига таъсири сезиларли даражада бўлаётганлиги ҳам табиий бир ҳолдир.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг шарофати билан дунё эшигининг кенг очилиши тилимиз ривожида янги босқични юзага келтирди. Биз коммунистик мафкура истибдодидан қутулганимизнинг исботи ва натижаси сифатида русча-байналмилал деб номланган, четдан кириб келган бирликларни, айниқса жой номларини қайтадан кўриб чиқдик, тилимизнинг амалда бўлиш кўлами, таълим тизимидаги ўрнини бир қадар аниқ белгилаб олдик. Бунда ҳали мамлакатимиз мустақил бўлмаган пайтлардаёқ қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонун (1989 йил 21 октябрь) катта тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Шундай қилиб, жаҳон цивилизацияси ва илмий-техникавий инқилоб туфайли рўй бераётган ўзгаришларнинг ўзбек тилига таъсири энди бошқача бир тарзда кечмоқда. Тилимиз ички ва ташқи имкониятларига таянган ҳолда бойишнинг янги йўлларидан бормоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мустақиллик туфайли халқимиз ҳаётида янги ижтимоий муносабатлар шаклланди, мавжудлари такомиллашди. Бу ҳол айниқс дипломатик алоқаларда, интернейт тизимининг юзага келишида, ахборот технологияларининг такомиллашувида, халқаро тажрибаларнинг кириб келишида, янги иқтисодий, диний, маданий муносабатларнинг шаклланишида кўринади. Бинобарин, ана шу ислоҳотларга боғлиқ ҳолда тилимизнинг расмий, оммабоп ва илмий услублари тараққиёти янги босқичга

[1] **Ўзбекистон ХХ1 асрга интилмоқда.** – Т.:Ўзбекистон, 2000, 13-16-бетлар.

кўтарилганлигини таъкидлаймиз. Коммунистик мафкура ва социалистик реализм тазйиқидан халос бўлган бадиий адабиётимиз ҳам бугун бошқача ўлчовлар, талаблар ва эҳтиёжлар асосида ривожланмоқда. Кишиларда бадиий тафаккур ва мушоҳадани чуқурлаштириш, уларнинг қалбида бадиий-эстетик завқ уйғотиш, юксак инсоний туйғулар ва фазилатлар, маънавий қадриятлар руҳида камол топишига кўмаклашиш ўзбек адабиётининг бош мақсадига айланган ҳозирги даврда бадиий услубнинг лингвистик имкониятлари ҳам ўзгарди. Сўзга, бадиий сўзга бўлган талаб, масъулият кучайди. Ўзбек миллатининг дунё ҳамжамиятидаги мавқеи, унинг бугунги ривожланиш даражаси, бунинг устига «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» она тилимиздан сўзлашув жараёнида фойдаланиш олдига мутлақо янги талабларни қўймоқда. Умуммиллий тараққиётимиз ва маданиятимиздан орқада қолиб бораётган оғзаки нутқ маданияти муомала, мулоқот жараёнининг бу муҳим йўналишига алоҳида муносабатни кутмоқда.

Шундай экан, ўзбек тили нутқ маданияти, меъёрий ммуаммолари қаторида унинг стилистикаси – услубшунослиги, хусусан функционал – вазифавий услубшунослиги соҳасида юзага келган тадқиқотлар умумлаштирилиши, назарий пойдевори мустаҳкамланиши, замон талаблари даражасида айрим ўринлари қайта кўриб чиқилиши лозим.

Таълим тизимининг олий босқичида филологик йўналишда ўзбек тилшунослиги бўйича тайёрланадиган магистрларга фанимизнинг ана шу долзарб масалалари бўйича сабоқ бериш лозимлигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Маърузалар матни шаклида юзага келган ушбу рисолада, биринчидан, ана шу шарафли вазифанинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини амалга ошириш - ўзбек тилидаги грамматик воситаларнинг семантик-услубий хусусиятлари юзасидан маълумот бериш мақсад қилиб қўйилган бўлса, иккинчидан, бу қўйилган масалаларга муаллифнинг баъзи қарашлари ва муносабатларини ифода этиш назарда тутилган.

Матнлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳамкасбларимизга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Ҳар бир миллий тил стилистикасини алоҳида фан сифатида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганишнинг қанчалик муҳимлиги булунги кунда ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Акад. В.В. Вингорадов таъкидлаганидек, у тилни тадқиқ этишнинг ўзига хос чўққиси, миллий нутқий маданият тараққиётининг назарий асосидир.[1]

Зеро Ўзбекистон Республикасининг ҳам мустақил давлат сифатида ташкил топиши дунё халқлари олдида ўзбек маънавиятини аввалгидан ҳам кенгроқ кўламда намойиш этиш заруриятини юзага

[1] **Вингорадов В.В.** Предисловие // Ефимов А.И. Стилистика русского языка. – М., 1969, с.5-6.

келтирди ва бу масъулият ўзбек тилшунослигида шу пайтга қадар эришилган ютуқларни яна бир бор қараб чиқиш, ана шу асосда саводхонлигимиз ҳамда нутқий маданиятимз савиясини янада ошириш масаласини ўртага қўймоқда. Демак, бу борада кўплаб саволларга амалда жавоб бера оладиган ўзбек стилистикаси фани билан ҳар қачонгидан ҳам жиддий шуғулланишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Бундан беш аср муқаддам буюк мутафаккир Алишер Навоий ўзбек тилининг, айниқса унинг поэтикасининг тасвирий ва услубий имкониятлари нақадар кенг эканлигини ўзининг юксак бадиий асарлари ҳамда «Муҳокамат ул-луғатайн» каби бир қатор тарихий ва илмий асарлари билан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлаб берган эди. Бу масаланинг бир томони бўсла, иккинчи бир муҳим жиҳати – у зотнинг ўзбек тилининг улкан ҳимоячиси эканлигини ҳам эътироф этмаслик, тан олмаслик асло мумкин эмас. ХУ аср шароитида туркий халқлар орасида араб ва, айниқса, форс-тожик тилларининг таъсири баланд бўлиб турган, ҳатто айрим кишиларнинг туркий тилни камситишгача борган бир пайтда уни дадил ҳимоя қилиб чиқиш ва унинг тенглар ичида тенг (араб, форс-тожик тиллари билан) эканлигин исботлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас эди. Буни Алишер Навоийнинг ўзи «Муҳокамат ул-луғатайн»ни ёзиб тугаллаётганида фахр билан қайд этади: «Ва хаёлимға мундоғ келурким, турк улуси фасиҳлариға улуғ ҳақ собит қилдимки, ўз алфоз ва иборатлари ҳақиқати ва ўз тил ва луғатлари кайфиятидин воқиф бўлдилар ва форсигўйларнинг иборат ва алфоз бобида таън қилур сарзанишинидан қутулдилар».[2]

Жамият, унда фаолият кўрсатаётган халқ тинимсиз ривожланиш ва тараққиётда бўлгани каби уларнинг тили ҳам узлуксиз бойиб бориши табиий бир ҳолдир. Кўп асрлардан буён ўз халқи ва миллатининг алоқа воситаси бўлиб келаётган ўзбек тилининг имкониятлари унинг барча кўринишларида яна ҳам кенгайди, замонлар силсиласида, бадиий ижод жарайнида яна ҳам сайқал топди. У энди ўзбек халқи учун ўзаро алоқа қилиш ва бир-бирларига хабар етказиш воситасигина эмас, билки юксак бадиий-эстетик туйғуларни ҳам ифодалай оладиган ва худди шундай таъсир кўрсата оладиган, кишиларга завқ берадиган нодир бойликка айланди.

Ана шу нодир бойликни, бошқача қилиб айтганда, она тилимизнинг серқирра имкониятларини бутун нозикликлари билан таҳлил қилиш ва уни яна тилнинг ўз ижодкори –халққа қайтариш ўзбек тили стилистикаси – услубшунослигининг бош масаласидир.

Стил ва ***стилистика*** сўзлари филология фанида қадимдан маълум эканлигига қарамасдан, Европа ҳамда рус тилшунослигида бу

[2] **Алишер Навоий.** Муҳокамат ул-луғатайн. Асарлар, 15 томлик. 14-том. – Тошкент, 1967, 132-бет.

масала билан асримизнинг бошларида шуғуллана бошланди. Аммо таъкидлаш лозимки, стилистика масалалари тилшуносликда 20-йиллардаёқ тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига қаратган бўлса ҳам, у кўпроқ адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиб келинаётган эди. У фақат 40-йиллардан кейин Прага лингвистик тўгараги ҳамда В.В.Виноградовнинг бу соҳадаги илмий ишлари пайдо бўлиши билан янгича мазмун касб этди, 50-йиллардан бошлаб тилшуносликнинг диққат марказида туриб, унинг энг қизиқарли мавзусига айланди.

Ўзбек тили стилистикасини тадқиқ қилишнинг бошланиши ҳам ана шу йилларга тўғри келади. Аммо шу пайтгача юзага келган кўплаб ишларни кўздан кечириб, унинг назарий асослари ва амалий жиҳатларини бирмунча батафсил ишлаб чиқиш 70-йилларнинг ўрталаридагина бошланган, деб хулоса чиқаришимизга имкон беради.

Шу сабабли стилистика ўзбек тилшунослигининг бошқа соҳалари – фонетика, грамматика, лексикология, лексикография, фразеология, диалектологияга нисбатан янги фан ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослари Европа, рус ва туркологияда эришилган ютуқларга таянган ҳолда стилистика фанининг предмети, унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат эканлигини аниқлашга ва шу билан ўзбек тили стилистикасини назарий асосга қўйишга киришдилар.

Ўзбек тили стилистикасининг имкониятларини тадқиқ этиш борасидаги дастлабки ишлар асосан бадиий адабиёт тилини ўрганишга бағишланган бўлиб, А.Ғуломовнинг «Бадиий асар тилидаги камчиликлар ҳақида» («Қизил Ўзбекистон» газ., 1954 йил 2 август), Ш.Шоабдураҳмоновнинг «Пўлат қуювчи» поэмасининг тили ҳақида баъзи мулоҳазалар» («Шарқ юлдузи» ж., 1948, 4-сон), «Моҳир сўз санъаткори» («Қизил Ўзбекистон» газ., 1953 йил 20 май), «Ойбек романларининг тили» («Шарқ юлдузи» ж., 1955, 10-сон), М.Пўлатовнинг «Бадиий асар тилини ўрганиш ҳақида» («Совет мактаби» ж., 1957, 7-сон), А.Шомақсудовнинг «Муқимий сатирасининг тилига доир» («Шарқ юлдузи» ж., 1953, 9-сон), «Ўзбек адабий тилининг ривожланишида Ҳамза ижодининг аҳамияти» («Шарқ юлдузи» ж., 1954, 3-сон), «Муқимий сатирасидаги халқ сўзлашув тили элементлари ҳақида» («Ўзбек тилшунослиги масалалари» тўплами. САГУ илмий асарлари. – Тошкент, 1957), «Муқимий сатирасининг тили ва стили» («Ўзбек адабиёти масалалари» тўплами. – Тошкент, 1959), Р.Қўнғуровнинг «А.Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» асарининг лексик ва стилистик хусусиятлари» (ЎзДУ асарлари, янги серия, №1. – Самарқанд, 1956), «Кечирилмас гуноҳлар» пьесасининг тили ҳақида баъзи мулоҳазалар» (СамДУ илмий асарлари, янги серия, №77. – Самарқанд, 1958), «Алишер Навоийнинг «Чор девон»ида келишик категорияси» (СамДУ талабалари тадқиқотлари тўплами, янги серия, №2. – Самарқанд, 1959), Ж.Ҳамдамовнинг «Муқимий асарларида рус тили лексикаси

ҳақида» (СамДУ асарлари, янги серия, №91. – Самарқанд, 1959), М.Ҳусаиновнинг «Ойдин ҳикояларида халқ мақолларининг қўлланиши» (СамДУ асарлари, янги серия, №91. – Самарқанд, 1959) каби қатор тадқиқотлар ана шу уринишлар натижасидир. Бу йилларда шоир ва ёзувчиларнинг тили ва услубини ўрганишга бағишланган номзодлик диссертациялари ҳам ёзилган эди.[3]

Аммо бадиий асар тилини ўрганиш борасида юзага келган юқоридаги асарларни ҳисобга олмаганда, бу иш маълум тартиб ва тизим асосида олиб борилмади. Фақат 60-йилларга келибгина тадқиқотчилар сони ва кузатишлар кўлами кенгая борди. Бунда собиқ Иттифоқ миқёсида бадиий асар тилини ўрганиш муаммоларига бағишлаб 1951-1959 йилларда «Литературная газета»да, «Вопросы языкознания» ҳамда «Вопросы литературы» журналлари саҳифаларида уюштирилган, 1965 йили «Литературная газета»да бадиий адабиёти стилистикасига бпғишланган баҳслар ижобий роль ўйнади. «Ўзбек тили ва адабиёти», «Шарқ юлдузи», «Совет мактаби» журналлари саҳифаларида, кўплаб илмий тўпламларда ўзбек тили стилистикасини, унинг назарий асосларини ўрганишга бағишланган илмий-методик мақолалар эълон қилина бошланди. Худди ана шундай баҳслар «Бадиий тил муаммолари» мавзусида «Шарқ юлдузи» журналининг 1985 йил 1-сонидан эътиборан бошлаб берилди.[4]

Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Рабғузий,Муҳаммад Солиҳ, Алишер Навоий, Бобур, Юсуф Амирий, Дурбек, Умар Боқий, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Элбек, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Зулфия, Шароф Рашидов, Ойдин, Саид Аҳмад, Мақсуд Шайхзода, Шуҳрат, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Шукур Холмирзаев каби кўплаб шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларини, халқ оғзаки ижоди намуналарини, жумҳуриятимизда пайдо бўлган илк вақтли матбуот материалларини тил аспектида ўрганишга бағишланган монографик кузатишлар тадқиқотчиларимизнинг кенг йўлга тушиб олганлигидан, бу борадаги ишларнинг бирмунча тартибга солинганлигидан далалот берди.[5] Шу нарса диққатга сазоворки, бу кузатишларнинг аксарият қисми тил материалини лингвостилистик йўналишда ўрганишга, ижодкорларнинг индивиуал тили ва услубини тадқиқ этишга бағишланган.

---

[3] **Шоабдураҳмонов Ш.** О художественном языке дастана «Равшан»:Автореф.дис. …канд.филол.наук. –Ташкент, 1949. **Пинхасов Я.Д.** Фразеологические выражения в языке произведений Хамида Алимджана»:Автореф.дис. …канд.филол.наук. –Бухара, 1953. **Хусаинов М.** Фразеология прозы писательницы Айдин»:Автореф.дис. …канд.филол.наук. –Самарканд, 1959 кабилар

[4] Бу чиқишлар таҳлили **Х.Дониёров** ва **Б.Йўлдошев**ларнинг «Адабий тил ва бадиий стиль» (Тошкент, 1988) китобида бирмунча кенг ёритиб берилган.

[5] Бу ҳақда қаранг: **Қўнғуров Р., Каримов С.** Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд, 1984; **Каримов С., Жўраев Т.** Ўзбек тили услубиятива нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд, 2001.

Бу даврда яна бир гуруҳ олимлар ўзбек тили стилистикасининг назарий масалаларини ёритишга, айрим стилистик категорияларнинг амалда бўлиш қонуниятлари ва бадиий асар тилининг ўзига хос жиҳатларини очиб беришга киришдилар. А.Шомақсудов, И.Расулов, Х.Дониёров, Р.Қўнғуров, И.Қўчқортоев, Ҳ.Рустамов, Э.Бегматов, М.Мукаррамов, Х.Назарова, Н.Маҳмудов, М.Содиқова, Б.Бафоев, Б.Ўринбоев, Б.Йўлдошев, Қ.Самадов, Л.Абдуллаева, Б.Турдиалиев, М.Турсунпўлатов, Б.Умуркулов, Б.Файзуллаев, А.Ҳазратқулов, Э.Хўжаниёзов, Ж.Эсонов ва бошқаларнинг илмий ишларида ана шу муаммоларни ҳал қилиш масаласи ўртага қўйилди. Х.Дониёров ва С.Мирзаевнинг «Сўз санъати» (Тошкент, 1963), С.Тўрабекованинг «Тил ва услуб» (Тошкент, 1963), Н.Шукуровнинг «Ғафур Ғуломнинг лирик поэзиядаги маҳорати» (Тошкент, 1966), «Услублар ва жанрлар» (Тошкент, 1973), А.Шомақсудовнинг «Муқимий сатирасининг тили» (Тошкент, 1971), «Ўзбек тили стилистикаси, 1-П қисмлар» (Тошкент, 1974), Х.Дониёровнинг «Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили» (Тошкент, 1972), М.Султоновнинг «Ёзувчи услубига доир» (Тошкент, 1973), Р.Қўнғуровнинг «Ўзбек тили стилистикасидан очерклар» (Самарқанд, 1975), «Ўзбек тилининг тасвирий воситалари» (Тошкент, 1977), «Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари» (Тошкент, 1980), «Стилистика имени существительного в узбекском языке» (Ташкент, 1983), И.Қўчқортоевнинг «Бадиий нутқ стилистикаси» (Тошкент, 1975), Б.Ўринбоевнинг «Ўзбек сўзлашув нутқи» (Тошкент, 1982), Б.Ўринбоев ва Д.Ўринбоеваларнинг «Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби» (Тошкент, 1991), М.Содиқованинг «Феъл стилистикаси» (Тошкент, 1975), Қ.Самадовнинг «Ойбекнинг тил маҳорати» (Тошкент, 1981), Ў.Носировнинг «Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи» (Тошкент, 1981), «Образларда услуб жилолари» (Тошкент, 1991), Б.Турдиалиевнинг «Ҳамза ва ўзбек адабий тили» (Тошкент, 1981), Б.Йўлдошевнинг «Бадиий нутқ стилистикаси» (Самарқанд, 1982), «Стилистический анализ узбекской художественной прозы» (Ташкент, 1989), Э.Қиличевнинг «Бадиий тасвирнинг лексик воситалари» (Тошкент, 1982), Б.Бафоевнинг «Навоий асарлари лексикаси» (Тошкент, 1983), М.Мукаррамовнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили» (Тошкент, 1984), Х.Дониёров ва Б.Йўлдошевнинг «Адабий тил ва бадиий стиль» (Тошкент, 1988), Б.Умуркуловнинг «Поэтик нутқ лексикаси» (Тошкент, 1990), С.Каримовнинг «Бадиий матннинг услубий аломатлари» (Самарқанд, 1992), «Ўзбек тилининг бадиий услуби» (Самарқанд, 1992), «Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари» (Самарқанд, 199), Э.Абдиевнинг «Язык и стиль произведений Камиля Яшена» (Тошкент, 1990), Б.Чориевнинг «Ғафур Ғулом шеърияти тили» (Тошкент, 1990), М.Бўроновнинг «Ҳамза асарлари тилининг баъзи лексик-морфологик хусусиятлари» (Нукус,

1991), муаллифлар ҳамкорлигида нашр қилинган «Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги» (Тошкент, 1984), «Адабий турлар ва жанрлар, 1-П томлар» (Тошкент, 199-1992) каби монографиялар ва ўқув қўлланмалари ана шу асарлар жумласидан бўлиб, ўртага ташланган ва очиб беришга ҳаракат қилинган масалаларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, уларда тилнинг алоқа воситаси сифатида муомала жараёнида турли соҳа ва вазиятда қўлланиши, бунда нутқни ташкил қилиш қонуниятлари, тил тизимидаги барча воситаларнинг имкониятларини, маъно нозикликларини аниқлаш стилистиканинг объекти сифатида қаралади. Кейинги йиллардаги катта ютуқлардан бири бўлган А.Шомақсудов, И.Расулов, Р.Қўнғуров, Ҳ.Рустамовларнинг «Ўзбек тили стилистикаси» (Тошкент, 1983) дарслиги эса бу фаннинг предмети, мақсад ва вазифалари, тил услублари ва нутқ услублари, вазифавий услублар, синонимия каби қатор муаммоларни бирмунча тартибли ва батафсил ёритганлиги билан ўзбек тили стилистикасининг тўғри йўлдан ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Стилистика муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган кўплаб асарларда унинг таърифига ҳам тўхталиб ўтилган. Улардан муҳимлари сифатида қуйидагиларни келтирамиз:

Вингорадов В.В.: …миллий тил стилистикаси тилнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олади – «унинг товуш тузилишини ҳам, грамматикаси, гуғати, фразеологиясини ҳам. Бироқ у маълум тил ҳодисасини тарихий тараққиётдаги яхлит тил қурилишининг ички боғланган элементлари сифатида эмас, фақат функционал дифференциация, у ёки бу даражада бир хил бўлган маъно ифодасида бир-бирига яқин, мувофиқ, параллел ёки синонимик воситаларнинг ўзаро муносабати ва таъсири ҳамда турли нутқий ҳодисалар экспрессив маъно ва оттенкаларининг мос келиши нуқтаи назаридан қараб чиқади; бошқа томондан эса, стилистика бу ҳодисаларни нутқий муомаланинг алоҳида шакллари ёки алоҳида ижтимоий чегараланган типлари ва кўринишлари билан алоқадорлиги нуқтаи назаридан ўрганади».[6]

Ефимов А.И.: «…стилистика ижодий маҳорат, тилнинг тасвирий воситалари ҳақидаги фан ҳисобланади. Сўз эстетикаси ва унинг матндаги ролини ўргана бориб, у лексикология ва грамматикага боқланган. Аммо, шу билан бирга, ўрганиш объекти, вазифаси ва методлари билан улардан тубдан фарқ қилади».[7]

Кожина М.Н.: «Энг умумий маънода стилистикани нутқий таъсирчанлик воситалари ҳамда баённинг мазмуни, мақсади ва муомала доирасига боғлиқ ҳолда тил бирликларидан бир қадар мақсадга муофиқ фойдаланиш шарт қилиб қўйилган тилнинг амал

---

[6] **Виноградов В.В.** Итоги обсуждения вопросов стилистики // Вопросы языкознания, 1955, № 1, с.66.

[7] **Ефимов А.И.** С тилистика русского языка. – М., 1969, с.23.

қилиш қонуниятлари ҳақидаги лингвистик фан сифатида таърифлаш мумкин. Бунда, энг аввало, хизматга доир, илмий, балиий, публицистик, маиший каби бир қолипдаги ва социал аҳамиятли бўлган муомала соҳалари ажралиб туради».[8]

Расулов И.: «Миллий тил стилистикасининг мундарижаси бирмунча кенг бўлиб, у тилнинг барча стилистик системасини текширади. Бу стилистик система стиллардан ташқари, тилнинг ёзма ва оғзаки формаларини, адабий ва сўзлашув нутқ кўринишларини ҳам ўз ичига олади. Шундай қилиб, стилистика тил бирликларидан қайси бири у ёки бу стилда, ёзма ёки оғзаки нутқда кўпроқ ишлатилади, деган масала билан шуғулланади, Бундан ташқари, стилистикага фикр ва мақсадни ифодалашда, тил воситаларининг тўғри танлангани ёки танланмаганлигини аниқлаш ҳамда шу тил воситаларини мақсадга мувофиқ танлаш ва ишлатиш йўлларини белгилаш вазифалари юклатилади».[9]

Демак, тилдаги барча бирликлар – фонетик, морфологик, синтактик ва лексик бирликлар ҳам нутқ жараёнидаги ҳолатда стилистиканинг предмети бўлиши мумкин. Аммо уларнинг бирламчи маъноси кенгайиб, маълум эмоционал-экспрессив оттенкага эга бўлса, ва ҳатто, эстетик таъсир кучига эга бўлсагина шундай бўлади.

Ўзбек тили стилистикасининг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини ишлаб чиқишда ҳам, унинг асосий йўналишларини белгилашда ҳам ана шу мулоҳазалар таянч фикр сифатида олинган: «Стилистика – тилда мавжуд бўлган барча воситалар – лексик, грамматик, фонетик воситалардан нутқда қандай фойдаланиш зарурлигини, маълум бир типдаги форма, сўз ва конструкциялардан қайси бирини қўллаш мувофиқ эканини, яхши ва энг мувофиқ воситасини тавсия этади, норма қилиб белгилайди, нутқнинг турли стилистик қатламларида қўлланадиган воситаларни белгилаб беради. Шунга кўра, стилистика сўз санъати, ифода воситалари ҳақидаги алоҳида бир фандир».[10]

Энди бир неча оғиз гап стилистиканинг йўналишлари ҳақида. Унинг асосий масалаларини чуқур таҳлил қилган В.В.Виноградов қуйидаги муҳим тезисни илгари сурган эди: «…тадқиқотнинг ҳеч бўлмаганда, уч хил доирасини чегаралаш лозим бўлади. Бу – биринчидан, «тизимлар тизими» сифатидаги тил стилистикаси ёки структурал стилистика, иккинчидан, нутқ стилистикаси, яъни тилдан ижтимоий фойдаланишнинг турли кўриниш ва ҳолатлари, учинчидан, бадиий адабиёт стилистикаси. Поэтик нутқ назарияси ва тарихи ҳамда поэтика айнан кейингиси қаторига киради».[11]

---

[8] **Кожина М.Н.** Стилистика русского языка. – М., 1983, с.23.

[9] **Шомақсудов А. Ва бошқ.** Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент, 1983, 6-7-бетлар.

[10] **Абдураҳмонов Ғ.** Стилистик нормалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969, 6-сон, 50-бетю

[11] **Виноградов В.В.** Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М., 1963, с.5.

Р.А.Будаговнинг бу борадаги фикри эса қуйидагича: «…стилистикани «тизимлар тизими» сифатида бир четга қўйиб туриб (бу тушунча ҳозирча жумбоқ бўлиб қолмоқда) бирмунча бошқача ва нисбатан содда бўлишини таклиф қилишни истар эдим: 1) умумхалқ тили стилистикаси, 2) адабий тил стилистикаси, 3) бадиий нутқ стилистикаси (ёки – бадиий адабиётнинг ўзи)».[12]

Стилистиканинг йўналишлари ҳақидаги М.Н.Кожина таснифи бирмунча содда ва тушунарлидир:

1. Тилнинг стилистик ресурсларини ўрганувчи йўналиш. У анъанавий характерда бўлиб, маълум маънода тилнинг бўёқдор воситаларини, тасвирий имкониятларини, сўзлар, формулалар ва қурилмаларнинг семантик-функционал оттенкаларини изоҳловчи тасвирий стилистикадир. Унинг асосий объектларидан бири стилистик синонимия саналади. Тилнинг фонетик, лексик, фразеологик, морфологик ва синтактик воситаларини стилистик йўналишда ўрганиш ҳам шу соҳанинг вазифасига киради.

2. Функционал стилистика. Бу йўналиш тилнинг коммуни-катив вазифасидан келиб чиқиб муомаланинг у ёки бу доирасида амал қилиш қонуниятларини ўрганади.

3. Бадиий адабиёт стиллари ҳақидаги фан. Бу йўналиш адабий тил билан бадиий адабиётнинг турли хил жанрлари ўртасидаги муносабатни тадқиқ қилади. Ёзувчи ёки алоҳида олинган асар услубини ўрганиш ҳам шу соҳага киради.

4. Ва ниҳоят сўзловчи ёки ёзувчининг вазиятга, муомала муҳитига қараб тил бирликларидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни ўргатувчи амалий стилистика.[13]

Гарчанд В.В.Виноградов мулоҳазалари, кўп ўринларда тилга олинса-да, ўзбек тили стилистикаси йўналишларини тадқиқ этишда М.Н.Кожина таснифи етакчи ўринда турганлиги маълум бўлади. Р.Қўнғуровнинг қуйидаги фикрлари ҳам бунинг далилидир: «Ўзбек тилинистилистик нуқтаи назардан тадқиқ этишга бағишланган илмий ишларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: бир хилларида стилистиканинг умумназарий масалалари, функционал стиллар таҳлил қилинади, бошқаларида тил нормалари, бадиий асар тили қараб чиқилади, учинчи бир хилларида ўзбек тилининг тасвирий воситалари ўрганилади».[14]

Стилистиканинг қамрови шу қадар кенгки. Унинг айрим тушунчаларига аниқлик киритиб олишга тўғри келади. Тил стиллари ва нутқ стиллари ўртасидаги муносабатни аниқлаб олиш, бадиий адабиёттилини ўрганиш аспектларини белгилаш, уни функционал

---

[12] **Будагов Р.А.** Литературные языки и языковые стили. – М., 1967, с.129.

[13] **Кожина М.Н.** Стилистика русского языка, с.24-26.

[14] **Кунгуров Р.** Стилистика имени существительного в узбекском языке. – Ташкент, 1983, с.8-9.

услублар йўналиши бўйича ўрганиш ана шундай муаммолар қаторига киради.

В.В.Виноградов уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида муносабат билдирган:

«Тил стилистикаси ёки структурал стилистика формалар, сўзлар, сўз қаторлари ва қурилишларининг, тилнинг яхлис тструктураси ичида «тизимлар тизими» сифатида, мунасабатдош бўлган турли хусусий тизимларни баён қилади, уларга баҳо беради, ўзаро муносабатларини, таъсирини ва алоқасини изоҳлайди. У типик белгилар йиғиндиси билан характерланувчи тил стилларининг тарихан ўзгариб турадиган тенденциялари ёки ўзаро муносабатларининг кўринишларини ўрганади. Бу стиллар одатда функционал стиллар дейилади, масалан, китобий стилга умуман қарама-қарши қўйилган ва коммуникатив-маиший вазифаси билан ҳамда шу сабабли баъзан кундалик-маиший ва кундалик-хизматга доир деб ажратиладиган, бошқа стиллардан чегараланган сўзлашув; махсус ва ўзига хос хусусиятлари, илмий-коммуникатив вазифага тегишлилиги билан аниқ билиниб турувчи илмий-хизматга доир; характерли сифатлари ва ташвиқот коммуникатив аломатлари билан кўзга ташланувчи газета- ва журнал-публицистик; расмий-идоравий ҳамда расмий-ҳужжат ва бошқалар (масалан, тантанали-риторик, бадиий-тасвирий)».

«Нутқ стилистикаси ҳиссасига турли жанрлар ҳамда оғзаки ва ёзма нутқнинг ижтимоий шартлашилган кўринишларининг ўзаро семантик ва экспрессив-стилистик характердаги нозиу фарқларини аниқлаш вазифаси тушади. Чунки, оғзаки нутқнинг мунозараларда чиқиш қилиш, маъруза, кенгаш, матбуот конференцияси, доклад, у ёки бу аудитория билан суҳбат ва шу каби композицион шакллари одатда сўзлашув ва китобий тил элементларининг кўп кўринишдаги алмашиниб туриши ёки қоришиқ ҳолда келиши асосига қурилади».

«Бадиий адабиёт стилистикаси учун адабиёт тизими ўзининг асосий стилистик шакллари ва бу шаклларнинг жанр кўринишлари билан, индивидуал-бадиий, мактаблар ва йўналишлар услублари ва шу кабилар атрофида айланадиган қиёслаш ва қарама-қарши қўйишлари билан биргаликда тадқиқот предмети саналади».[15]

А.В.Степанов ҳам тил стили ва нутқ стилини фарқлайди. У тил стилистикасига адабий тилнинг ёзма кўринишлари бўлган адабий-бадиий, илмий, публицистик, нотиқлик, амалий, эпистоляп услуб тараққиётини ўрганувчи тарихий соҳа деб қарайди. Унингча, адабий тил тарихи шу услублар тарихидан иборат. Нутқ стилистикаси ҳам услубларни ўрганади. Аммо улар тарихий тараққиётда, ўзаро бир-бирига ўтиб ёки яқинлашиб бориш ҳолатида эмас, балки ҳозирги нутқий жанрларда қўлланишини ўрганади. Тил стили фақат ёзма

[15] **Виноградов В.В.** Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика., с.5, 15, 75.

шаклда, нутқ стили эса ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклда фаолият кўрсатади. Тил белгиси унинг ҳамма жанрларида ҳам ядролилигича қолаверади. Нутқ стилистикаси тилнинг ҳозирги ижтимоий, ёки бизда «оммавий алоқа тили», нутқ маданияти деб аталадиган қўлланилишини ўрганади.[16]

Р.А.Будагов ҳам бу масалага ўз муносабатини билдирган. Унингча бу стиллар бир-бирларидан фарқланиши керак. Чунки, тил стиллари фонетик, лексик, синтактик асосларга таяниб шаклланади Нутқ стиллари эса нутқ жараёни билан боғлиқ равишда сон жиҳатдан жуда кўпдир.[17]

Бизнингча, тилнинг амалий қонуниятларини чуқур ўрганган М.Н.Кожина бу масалаларга тўғри ёндошган. Унинг фикрича, тилнинг динамик ҳодиса деб изоҳланиши, ўзининг келиб чиқиши ва амалда бўлишига кўра стилистик аспекти айнан нутқий фаолият тилнинг функционал томони билан боқлангани тил стиллари ва нутқ стилларини қарама-қарши қўйиш муаммосини олиб ташлашни тақозо қилади.

Функционал стиллар тилнинг амалий жиҳатларини кўрсатувчи ҳодисадир. Гарчи у тил стиллари саналса ҳам, бироқ «функционал» атамаси тилнинг динамик томони – унинг нутқ жараёнида амал қилиши билан боғлиқ. Шу маънода уларни нутқий дейиш мумкин. Натижада «функционал» аниқловчиси бу ерда «нутқий» сўзи билан синонимик вазифанибажаради. «Шундай қилиб, функционал стил – бу бир вақтнинг ўзида ҳам тил стили, ҳам нутқ стилидир, аниқроғи эса, *тилнинг функционал аспекти услубидир*».[18]

Демак, тил стиллари ва нутқ стилларини доимо биргаликда, диалектик алоқадорликда олиб қаралгандагина, тилга, унинг аҳамиятига тўғри муносабатда бўлинади. Ўзбек услубшунослигида ҳам таҳлил жараёнида мана шу хулосаларга таяниб иш кўрилмоқда.

Энди бир неча оғиз гап бадиий адабиёт стилистикаси ва бадиий услуб ҳақида. В.В.Виноградов стилистиканинг уч йўналишини белгилашда, унинг учинчиси – бадиий адабиёт стилистикасининг ҳам объектини кўратиб берган эди: «Бадиий адабиёт стилистикасининг мақсади маълум таҳлил йўли билан адабий асарни ташкил этишнинг қонуниятлари ва усулларини очишдир, ёзувчини индивидуал услубини, адабий мактаблар, бадиий асарлар ва шу кабиларнинг тузилиш тизимидаги индивидуал ўзига хослигини тасвирлаб бериш ва аниқлашдир».[19]

Демак, бадиий адабиёт стилистикаси ёзувчи ёк унинг маълум асари, адабий мактаблар, йўналишлар ҳамда маълум давр

---

[16] **Степанов А.В.** Основные понятия стилистики. – М., 1966, с.10-13, 66.
[17] **Будагов Р.А.** Литературные языки и языковые стили, с.70-75, 372.

[18] **Кожина М.Н.** Стилистика русского языка, с.56.
[19] **Виноградов В.В.** Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика., с.79.

адабиётининг услубий ўзига хосликларини ўрганади. Бунда энг кичик бир асарнинг сюжети ва композициясидан тортиб, ёзувчи яшаган муҳит ёки асар воқеалари акс эттирилган давргача бўлган жуда катта чегара ҳисобга олинади ва албатта асарнинг тилига ҳам мурожаат қилинади. Бошқача қилиб бу стилистикани адабиётшунослик стилистикаси, деб ҳам атайдилар.

Бадиий асар матнини таҳлил қилишнинг тилшунослик фани манфаатдор бўладиган бошқа бир жиҳати ҳам борки, уни икки йўналишга ажратиб қарашга тўғри келади.

Биринчидан, бадиий асар матнидан тилни синхроник ва диахроник йўналишда ўрганишда, тилшуносликнинг эса назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишда, унинг маълум даврдаги ёки ҳозирги пайтдаги аҳволини,тараққиёт қонунларини ўрганишда, турли категорияларни илмий таҳлил қилишда материал сифатида фойдаланади. Худди ана шундай материал вазифасини турли даврларда ёзилган тарихий ва илмий асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам бемалол ўтайвериши мумкин. Бу тадқиқот бадиий асар ёки унинг муаллифининг, ижодий оқимлар, йўналишлар, мактаблар ёки маълум давр тили ва услубининг ўзига хослиги ҳақида тўлиқ тасаввур бера олмайди ва бу унинг вазифасига ҳам кирмайди.

Иккинчидан, бадиий асар материалидан тилда юз бераётган сифат ўзгаришлари, яъни маъно тараққиётини аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Бунда тадқиқотчининг ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқиб, тилдаги ҳамма бирликлар – фонетик бирликдан тортиб фразеологизмларгача бўлган катта материал қамраб олинади в улар янги бир призмадан – стилистик призмадан ўтказилади. Бу тадқиқотларда тил воситаларининг ўз бирламчи маънолари эмас, балки матний, нутқдаги қўшимча маънолари, уларнинг бажарган вазифалари ва бу бажарган вазифасига қараб чегараланишлари ўрганилади. Миллий тил бойлигини, унинг бугунги аҳволини белгилашда катта роль ўйнайдиган бу йўналишни лингвистик стилистика деб атайдилар.

Масалага худди мана шу тарзда ёндошилсагина бадиий асар тилини ким ўрганиши керак – тилшуносларми ёки адабиётшунослар, деганмунозарага бирмунча аниқлик киритилади.

Бу ўринда фақат шуни қўшимча қилиш мумкинки, адабиётшуносликда тилни блимасдан туриб асарнинг бадиий- эстетик қиммати тўғрисида тўлақонли хулоса чиқариб бўлмайди. Худди шунингдек, турли жанрлардаги бадиий асарларга материал сифатида таянмаган тилшуносликнинг тараққиётини ҳам тасаввур қилиш қийин бўлади.

Бадиий асар тилини тилшунослик аспектида ўрганишнинг катта умумназарий аҳамияти бор. Биринчидан, у маълум бир давр тилини, унинг тараққиётини ҳамда вазифавий услубларини ўрганиша ёрдам

беради, иккинчидан, ёзувчининг тил материалидан фойдаланишдаги индивидуал ўзига хослигини аниқлашга кўмаклашади.

Шундай қилиб, стилистика ҳам адабиётшуносликнинг, ҳам тилшуносликнинг интеграл узвий қисмига киради. Айни пайтда уларнинг тадқиқот доираси қисман бир-бирига мос келади, қисман фарқ қилади.

Навбатдаги гап функционал стиллар – вазифавий услублар ҳақида. Маълумки, кишилар ўз ижтимоий фаолиятларида тилдаги барча воситалардан – фонетик, грамматик, лексик, фразеологик бирликлардан фойдаланганларида, аввало, уларни ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, нутқ мавзусига, вазиятга қараб танлайдилар ва ишлатадилар. Тилимиздаги воситаларнинг бир нечалаб кўринишларга эга бўлиши, синонимик ранг-баранглик шундай йўл тутишга имкон беради. Мана шу танлаш нутқ жараёнида тил бирликларининг ўзига хос услубий чегараланишини тақозо қилади. Тил элементларини ижтимоий муҳитда танлаб ишлатиш зарурати ва уларни тилшуносликда илмий-амалий таҳлил қилиш стилистикада янги соҳани – функционал стилистикани – вазифавий услубшуносликни вужудга келтирди.

Тилшуносликда, жумладан ўзбек тилшунослигида вазифавий услублар таснифи борасида мунозарали фикрларнинг бўлишидан қатъий назар, бунда икки йўл аҳамиятли ҳисобланади: 1) тилнинг ижтимоий вазифасига асосланиш; 2) у қўлланадиган доирани, муҳитни эътиборга олиш. Бундай пайтда тил бажарадиган ижтимоий вазифадан келиб чиқиб иш кўриш мақсадга мувофиқлиги асос эътиборга олинса, В.В.Виноградов таснифининг нима учун шуҳрат қозонганлигининг сабабини тушунса бўлади: «Тилнинг алоқа, хабар ва таъсир каби муҳим ижтимоий вазифалари ажратилганда тил структураси умумий планида қуйидаги услублар чегараланган бўлиши мумкин эди: кундалий-маиший услуб (алоқа вазифаси), кундалик-хизматга доир, расмий-ҳужжат ва илмий (хабар вазифаси), публицистик ва бадиий-беллетристик (таъсир вазифаси)».[20]

Баъзи тадқиқотчилар вазифавий услублар таснифида фақат тил бажараётган вазифани ҳисобга олишнинг ўзи етарли эмас деб ҳисоблайдилар. Бунда улар нутқнинг мавзуси, сўзловчи ва тингловчининг (ёзувчи ёки ўқувчининг) шахси ва улар ўртасидаги муносабат, мулоқот пайтидаги вазият кабиларнинг ҳам аҳамияти муҳим эканлигини алоҳида қайд қиладилар. «Ҳозирги замон стилистикасида, - деб ёзади В.Г.Кузнецов. – вазифавий услубларни ижтимоий онгнинг маълум соҳалари билан ўзаро муносабати ҳамда ижтимоий муносабатларга алоқадорлигига боғлиқ ҳолда ажратиш принципи кенг тарқалди. Моддий борлиқни, реал воқеликни акс эттира бориб ижтимоий онг – жамият ҳаётининг маънавий томони –

[20] **Виноградов В.В.** Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика., с.6.

маълум ҳуқуқий, юридик, сиёсий, илмий, эстетик, этик ва бошқа қарашларни, тасаввур ва назарияларни ўзига қўшиб олади. Ижтимоий онг доираси услубга нисбатан бирламчи бўлиб, унинг шаклланиши, амал қилиши ва ривожланишини белгилайди. Ижтимоий онгнинг ҳар бир соҳаси маълум тил воситаларини танлаш ва (маълум матнга) беркитишда ўз ифода усулига эга. Шундай қилиб, функционал услубларни аниқлаш замирида экстралингвистик омил бўлиши керак».[21]

Ҳар икки омил – лингвистик ва экстралингвистик (паралингвистик) омиллар биргаликда олингандагина вазифавий услубларга бўлган қараш атрофлича бўлиши, уларнинг қамров доираси бирмунча аниқ ифодаланиши мумкин.

Ҳозирги ўзбек адабий тили вазифавий услублари миқдори ва таснифи ҳақида ҳам турлича қарашлар мавжуд. А. Сулаймоновнинг «Тил стиллари ҳақида» номли мақоласи ана шу масалага ойдинлик киритиш йўлидаги дастлабки уринишлардан биридир. Муаллифнинг «Стилистиканинг вазифаси у ёки бу стилда ёки нутқ формасида, яъни оғзаки ва ёзма нутқда, қандай тил ҳодисалари кўпроқ қўлланишини аниқлашдан иборатдир»[22] деган гапларидан тушуниш мумкинки, у тил ёки нутқ стилларини ёзма ва оғзаки – сўзлашув услубларига ажратган. Ғ. Абдураҳмонов таснифида ҳам ана шу фикр етакчи ўринда туради: «Маълумки, нутқ икки хил (ёзма ва оғзаки) нутқдан иборат.

Ёзма нутқ: 1) бадиий нутқ, 2) илмий нутқ, 3) публицистик нутқ, 4) расмий нутқ, 5) нейтрал нутқдан иборатдир (Бу нутқ турлари айрим адабиётларда стилистик қатламлар сифатида талқин қилинади).

Оғзаки нутқ эса турли ижтимоий қатламларнинг нутқларидан, турли шева нутқларидан ташкил топади.

Нутқ стили бўлса қуйидаги қатламлардан иборат бўлади : 1) нейтраль стиль, 2) тантанали стиль, 3) интим стиль, 4) юмористик стиль ва сатирик стиль, 5) расмий стиль.

Нутқда (хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки бўлсин) бу стиль қатламлари аралашиб келади, нутқ жанрига кўра бирор стилистик қатлам етакчи, асос бўлади».[23]

И. Қўчқортоев бу масалага анча эҳтиёткорлик билан ёндошади: «Ўзбек адабий тилининг стилистик ихтисослашуви, унинг функционал услублари илмда ҳам қатъий чегаралаб берилган эмас. – дейди у. – Шунинг учун бу масала юзасидан ҳозирча аниқ, изчил бир фикр айтиш қийин, албатта. Лекин ўзбек адбий тили доирасида бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий услубларнинг ўзига хос

---

[21] **Кузнецов В.Г.** Функциональные стили современного французского языка. – М.,1991, с.14.

[22] **Сулаймонов А.** Тил стиллари ҳақида // Совет мактаби, 1964, №6, 21-23-бетлар.

[23] **Абдураҳмонов Ғ.** Стилистик нормалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969, № 6, 51-бет.

хусусиятлари, уларни бир-биридан фарқлайдиган белгилар маълум даражада аниқ сезилиб туради».[24]

Вазифавий услублар таснифи масаласига оид фикрлар С. Муҳамедов томонидан ҳам айтилган.[25]

Б.Ўринбоев ҳам «Функционал услубият ва унинг моҳияти» асарида ушбу масалага тўхталади: «Ҳозирги ўзбек тилидаги услублар қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

I.Тил услублари.

1.Китобий услуб; 2. Сўзлашув услуби.

II. Нутқ услублари.

1.Асосий коммуникатив услуб. Бу услубга ўз навбатида: а) сўзлашув нутқи услуби; б) илмий нутқ услуби; в) газета – публицистик услуби; г) расмий – иш нутқи услуби киради» .[26]

Н.А. Баскаковнинг қуйидаги мулоҳазалари туркий тилларда унинг яна бошқа турлари мавжуд бўлганлигидан далолат беради: «Туркийнинг ҳар бир маҳаллий варианти стилистик системалари, биринчидан, ҳам прозаик, ҳам поэтик жанр типлари ва кўринишларининг улкан ривожи ва мураккаблашиши билан, иккинчидан, барча функционал услубларнинг; 1. илмий – публицистик, (тарихий) жуғрофий, филологик характердаги прозаик ва поэтик трактатлар, табиий ва аниқ фанлар бўйича прозаик ҳамда поэтик асарлар ва бошқалар; 2) бадиий (прозаик ва улкан даражадаги поэтик асарларнинг кўплаб поэмалар, достонлар, ғазаллар, мухаммаслар, соқийномалар, қитъалар, рубоийлар, туюқлар каби ҳар хил турлари ва хиллари); 3) хизматга доир (фармонлар, тархон ёрлиқлари, номалар, турлича дипломатик ҳамда ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқалар); 4) диний услуб (вақф ҳужжатлар, диний фалсафий ва ҳуқуқий асарлар, тафсирлар, имомларнинг диний мурожаатлари каби) ларнинг кўплаб поэтик ва прозаик жанр кўринишлари шаклланиши билан характерланади.

Функционал услубларнинг бу барча типлари ва кўринишлари ўрта ва янги давр ёзма ва оғзаки туркий тилларда сезиларли даражада кўпчилик туркий халқлар учун расмий дин бўлган ислом таъсирида, у орқали эса ўша даврда амалда бўлган қоидалар – адабий ёзма, қисман оғзаки, араб ва форс тиллари таъсирида шаклланди».[27] Кўринадики, ўзбек тилидаги вазифавий услубларга доир қарашлар умумлаштириладиган бўлса, услублар дастлаб оғзаки ва ёзма

---

[24] **Қўчқортоев И.** Адабий тилнинг стилистик табақаланиши ва нутқ маданияти // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973, 110-бет.

[25] **Муҳамедов С.** Ўзбек тили функционал стилларини белгилаш тўғрисида // Ўзбек тили ва аабиёти, 1983, № 4, 58-бет.

[26] **Ўринбоев Б.** Функционал услубият ва унинг моҳияти. - -Тошкент: Фан, 1992, 32-33-бет.

[27] **Баскаков Н.А.** Структурные и функциональные стилистические модификации в современных тюркских языках // Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР. – Ашхабад, 1968, с.57.

шаклларга, уларни яна ўз навбатида илмий, расмий, оммабоп, бадиий, диний ва сўзлашув каби кўринишларга ажратиш ҳақида қарашлар мавжуд. Ҳозирча улардан бештаси – илмий, расмий, оммабоп, бадиий, сўзлашув услублари ва уларнинг меъёрий хусусиятлари, тил материали сифатидаги ҳамда нутқ жараёнидги ўзига хосликлари ўзбек тилшунослигида монографик йўналишда ўрганилган.[28] Аммо диний услуб ўзбек тилида ҳақиқатдан мавжудми, агар мавжуд бўлса, унинг лингвостилистик хусусиятлари нималардан иборат, деган масала ҳозирча ўрганилган эмас.

Шундай қилиб, тадқиқотларда вазифавий услублар сони ўнтагача кўрсатилади: бадиий-беллетристик, ижтимоий-публицистик (матбуот), илмий баён, техник-ишлаб чиқариш, расмий-ҳужжат (идоравий), эпистоляр, нейтрал, нотиқлик, маиший нутқ, диний каби. Бу таснифларнинг кўпчилигида асосан бешта услуб такрорланади: сўзлашув услуби, расмий услуб, илмий услуб, оммабоп услуб, бадиий услуб. Ўзбек тили услубшунослигида ҳам вазифавий услублар учун ана шу тасниф асос қилиб олинган.

Айтилганлардан маълум бўладики, ўзбек тилшуносл гида услубшуносликнинг предметини, мақсад вазифаларини, ундаги асосий йўналишларни белгилашда маълум ишлар амалга оширилган ва шу асосда тегишли назарий хулосалар чиқарилганки, уларга асосланиб бундан кейинги тадқиқотларни давом эттириш мумкин бўлади.

Шу билан бирга амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам оз эмас. Улар назаримизда қуйидагилар:

1. Ўзбек тили услубшунослигида унинг фоностилистика – фонетик услубшунослик масалалари етарли даражада ўрганилган эмас. Тўғри, Х.Дониёров ва Б.Йўлдошевларнинг «Адабий тил ва бадиий стиль» монографиясида, А.Абдуазизовнинг «Фоностилистик воситаларни ўрганишга доир» мақоласида мавзунинг долзарблиги, унинг предмети, мақсад ва вазифалари белгилаб берилган. Г.Яхшиева томонидан «Фонографик услубий воситалар» номи билан номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди.[29] Аммо бу соҳадаги тадқиқотлар давом эттирилиши, ўзбек тилининг фонетик стилистикаси назарий асосга қўйилиши, уни ўрганиш методлари белгилаб берилиши лозим.

2. Лексик ва грамматик услубшунослик ҳам мукаммал тадқиқотлар амалга оширилишини тақозо қилмоқда. Жумладан,

---

[28] **Ўринбоев Б.** Ўзбек сўзлашув нутқи масалалари. ДД. – Тошкент, 1974; **Мукаррамов М.** Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий услуби семантик-функционал аспектда. ДД. – Тошкент, 1985; **Каримов С.А.** Ўзбек тилининг бадиий услуби. ДД. – Тошкент, 1994; **Бобохоно- в а Д.А.** Ҳозирги ўзбек адабий тилининг расмий-иш услуби, НД. – Тошкент, 1978; **Қурбонов Т.И.** Ҳозирги ўзбек адабий тилининг публицистик услуби. НД – Тошкент, 1987.

[29] Қ а р а н г: **Дониёров Х., Йўлдошев Б.** Адабий тил ва бадиий стиль. – Тошкент, 1988, 70-77-бетлар. **Абдуазизов А.** Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985, 2-сон, 24-бет. **Яхшиева Г.** Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. – Тошкент, 1996. **Яхшиева Г.** Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол.фан.номз. …дис.автореф. – Тошкент, 1997. –25 б.

лексик бирликлар тарихийлик ва ҳозирги истеъмол даражаси (диахроник ва синхроник), маъно ва шакл муносабати ҳамда услубларо вазифавий тақсимланиши нуқтаи назаридан кенг кўламда тадқиқ этилиши зарур. Морфологик услубшуносликдаги бўшлиқ ҳам тўлдирилиб, сифат, сон, олмош, равиш, кўмакчи, боғловчи, юклама, ундов, тақлид, модал сўзлар сингари сўз туркумлари монографик кузатиш объектига айланмоғи лозим. Содда гап услубияти ўрганилиши, улар қўшма гаплар билан қиёсланиши, умуман гап услубияти янада жиддий тадқиқотларни тақозо қилади.

3. Вазифавий услубшунослик соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам анчагина. Гарчи ўзбек тилида бешта – сўзлашув, расмий, илмий, оммабоп ва бадиий услублар мавжудлиги эътироф этилиб, ҳар бири монографик кузатиш мавзуси бўлган бўлсада, улар умумлаштирилиб, ўзбек тили вазифавий услублари амалда бўлишининг қонуниятлари тўғрисида яхлит назарий хулосаларга келинган эмас. Бу услубларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, ҳар бир даврга хос хусусиятлари босқичма-босқич ўрганилгани йўқ. Уларнинг шаклланишидаги тил ва тилдан ташқарида бўлган омилларнинг намоён бўлиш хусусиятлари ҳар бир вазифавий услубнинг жанрлари мисолида ўрганилиши зарур. Бу услубларнинг шаклланишида ташқи таъсир масалалари ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

4. Кейинги пайтларда ўрта мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларига мўлжаллаб, она тили фанидан ёзилган дарсликлар кўпайиб кетди. Бу эса мавзунинг турли муаллифлар томонидан турлича ёритилишига сабаб бўлмоқда, бинобарин, материалнинг ўқувчи томонидан ўзлаштирилиши қийинлашмоқда. Бу муаммолар услубшуносликка оид мавзуларни ёритишда айниқса сезилади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бу қийинчиликларга маълум даражада чек қўйди. Таълим тизимининг қайси босқичида бўлмасин, бундан кейин дарсликлар Давлат таълим стандартлари асосида ёзилади. Таълим тизимида услубшунослик масаларини ўрганиш ҳам ушбу ҳужжатлар асосида тартибга келтирилиши тақозо қилинар экан, дастлаб ягона дастур ва методика ишлаб чиқилиши зарур.

Бу қайд этилганлар ўзбек тили услубшунослиги олдида тадқиқ этилиши лозим бўлган галдаги вазифалардир.

И к к и н ч и м а ъ р у з а:

ГРАММАТИК СТИЛИСТИКА, УНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Р е ж а :

1. Стилистиканинг объекти ҳисобланиши мумкин бўлган воситалар.
2. Грамматик услубшуносликнинг объекти.
3. Грамматик услубшуносликнинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши.
4. Морфологик услубшунослик.
5. Синтактик услубшунослик.
6. Грамматик услубшуносликни ўрганишнинг мақсад ва вазифалари.

Таянч сўз ва иборалар:

Стилистика, объект, бирламчи маъно, матний маъно, эмоционал-экспрессив оттенка, эстетик таъсир кучи, матн, грамматик воситалар, қурилмалар, Р.Қўнғуров, грамматик стилистика, стилистик грамматика, услубий бўёқ, синонимлар ва вариантлар, морфологиянинг услуби имкониятлари, сўз туркумлари, от ясовчи –чи ва синонимия, оддий нутқ, эмоцинал нутқ, анъанавий синтаксис ва вазифавий чегараланиш, Ф.И.Буслаев фикри, М.Н.Кожина таснифи, мустақиллик ва тил таълими.

Таъкидлаб ўтилганидек, тилдаги деярли барча бирликлар – фонетик, лексик, фразеологик, морфологик ва синтактик элементлар услубшуносликнинг предмети бўлиши мумкин. Аммо уларнинг бирламчи маъноси кенгайиб, маълум эмоционал-экспрессив оттенкага ва эстетик таъсир кучига эга бўлса ёки амал қилиш ва вазифавий доираси кенгайсагина шундай бўлади. Бу эса матн билан боғлиқ бўлиб, нутқ жараёнидагина улардаги услубий имкониятлар юзага чиқади. Грамматик услубшунослик йўналишида грамматик воситаларнинг, қурилмаларнинг ана шу имкониятлари тадқиқ этилади.

Ўзбек тилшунослигида грамматик услубшунослик масалалари билан шуғулланиш бевосита ўзбек тили стилистикасига оид тадқиқотларнинг давоми сифатида майдонга келган бўлиб, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу соҳадаги дастлабки умумназарий хулосалар проф. Р.Қ.Қўнғуров қаламига мансуб. Олимнинг бу соҳадаги қарашлари катта-кичик ҳажмдаги илмий мақолалардан тортиб, «Ўзбек тили стилистикасидан очерклар» (Самарқанд, 1975), «Ўзбек тили грамматикаси»нинг академик нашри (Тошкент, 1975), «Стилистика имени существительного в узбекском языке» (Ташкент,

1983), ҳаммуаллифликда ёзилган «Ўзбек тили стилистикаси» (Тошкент, 1983), «Ўзбек тилининг функционал стиллари» (Самарқанд, 1983), «Нутқ маданияти ва услубият асослари» (Тошкент, 1992) сингари алоҳида нашрлари ҳамда «Ўзбек тилида отлар шакл ясовчи морфемаларининг семантик-услубий хусусиятлари» мавзусидаги докторлик диссертациясида ўз ифодасини топган. «Ўзбек филологияси» тўпламига киритилган йирик ҳажмдаги «Грамматик стилистика» (Самрқанд, 1976) ва «Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари» (Тошкент, 1980) монографияси эса бевоста ўзбек тили грамматик услубияти муаммоларини ҳал этишга бағишланган.

Р.Қўнғуров санаб ўтилган асарларида «грамматик услубшунослик» тушунчасининг изоҳини беради ҳамда ўзбек тили стилистикасидаги мазкур соҳанинг предмети, мақсад ва вазифаларини белгилаб беради. Бундай мураккаб вазифани ҳал қилиш мақсадида асосан чех, рус ва ўзбек тилшунослигида баён этилган қарашларни синчиклаб ўрганади ҳамда шу қарашларга таянган ҳолда ўз мулоҳазаларини баён этади.

Маълумки, ҳозирги замон услубшунослигининг мана шу тармоғи икки термин – «услубий грамматика» ва «грамматик услубшунослик» атамалари билан номланиб келинмоқда. Олим бу терминлардан бирини - «грамматик услубшунослик»ни қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Бунда у, биринчидан, терминнинг ишлатилишида «фонетик услубшунослик», «лексик услубшунослик», «функционал услубшунослик», «қиёсий услубшунослик» сингари атамаларга мувофиқликни кўради. Иккинчидан эса, ўзбек тилшунослигида бу соҳанинг деярли ўрганилмаганлигини таъкидлаб, тилдаги морфологик ва синтактик ҳодисалар ва воситаларда нутқ жараёнида шаклланадиган услубий хусусиятлар ана шу соҳанинг тадқиқот объекти бўлиши лозимлигини уқтиради. Шу тарзда Р.Қўнғуров томонидан грамматик услубшунослик алоҳида бўлим сифатида ажратилиши ва ўрганилиши керакми, деган тарзда ўртага қўйилган масала назарий жиҳатдан асослаб берилади.

Дарҳақиқат, ўзбек тилидаги грамматик воситаларнинг жуда катта қисми услубий бўёққа ва тасвирийликка, синонимия ва вариантларга эга эканлиги олим қарашларининг тўғри эканлигидан далолат беради. Маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган тил бирликларини нутқий вазият талаби билан танлаб ва алмаштириб ишлатиш ва шу орқали маъно нозикликларини фарқлаш, бир мазмунни маънолари бир-бирига яқин бўлган бир неча грамматик воситалар билан ифодалаш сабабларини топиш ва қонуниятларини белгилаш ҳам бу соҳани алоҳида йўналиш сифатида ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради.

«Грамматик стилистиканинг асосий вазифалари ҳам умумий стилистиканинг вазифаларидан келиб чиқади. – дейди Р.Қўнғуров. –

Шу сабали тил фактларининг ижтимоий қўлланиш сфераси жиҳатдан қайси бирига тегишли эканлигини, қайси стиль билан чекланганлигини, грамматик синонимия, айрим грамматик категорияларнинг стилистик имкониятларини очб бериш (қўшимча маъно оттенкалари, экспрессив-баҳолаш имкониятлари), грамматик форма, бирикма, гап ва бошқа конструкцияларнинг контекст билан боғлиқ равишда ҳосил қиладиган маъно нозикликларини аниқлаш (коннотатив маънони аниқлаш), ҳатто баъзан тил фактларига структурал ва функционал модификация нуқтаи назаридан қараш, ўрганиш (Н.Баскаков) грамматик стилистиканинг асосий вазифаларидан ҳисобланади».[1]

Услубшуносликда морфология доирасидаги грамматик кўрсаткичларда услубий имкониятлар чегараланган, деган фикр мавжуд. Бу мулоҳазани ҳатто В.В.Виноградов, А.М.Пешковскийдек таниқли тилшунослар ҳам эътироф этишган. Р.Қўнғуров кўп йиллик кузатишлари натижаларига таяниб, ана шу қарашнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди ҳамда унинг сабабларини ўзбек тилидаги грамматик шаклларнинг семантик-стилистик хусусиятлари тўғрисида кенг миқёсда монографик кузатишлар амалга оширилмаётганлиги, аффиксларнинг синонимияси, омонимия, полисемия ва антонимияси етарли тадқиқ этилмаганлиги билан изоҳлайди.[2] Фикрни исботлаш учун келтирилган далиллар асосли, албатта. Аммо амалда эса олим от сўз туркумининг эгалик, келишик, субъектив баҳо ифодаловчи грамматик шакллари мисолидаги кузатишлари билан морфологик кўрсаткичларда ҳам услубий имкониятларнинг кенг эканлигини исботлаб берди.

Агар бу тадқиқотлар доирасига унинг олмош, сифат ва кўмакчилар услубияти,[3] М.Содиқованинг феъл услубияти[4] юзасидан олиб борган кузатишларини ҳам киритсак, ўзбек тили морфологиясининг услубий имкониятлари ҳақидаги хулоса бироз шошилибайтилгандай туюлади.

Р.Қўнғуровнинг қуйидаги фикрига ҳам муносабат билдиришга тўғри келади: «Тўғри, баъзи олимлар грамматик формаларнинг қайси бири қайси стилда кўпроқ ишлатилишини аниқлаш ҳам стилистиканинг вазифасига киради, дейишади ва шундан келиб чиқиб, грамматик формаларнинг стилларда қўлланиш статистикаси билан шуғулланишни лозим кўрадилар. Маълум даражада бу усул ҳам

---

[1] **Қўнғуров Р.** Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари, 11-бет.

[2] **Қўнғуров Р.** Юқоридаги асар, 12-13-бетлар.

[3] **Қўнғуров Р.** Олмош стилистикасига оид айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар. – Самарқанд, 1981, 4-21-бетлар; **Шу муаллиф.** Сифат стилистикаси // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. – Самарқанд, 1982. 3-10-бетлар.**Шу муаллиф.** Кўмакчилар синонимиясига доир // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. – Самарқанд, 1982. 20-41-бетлар.

[4] **Содиқова М.** Феъл стилистикаси. – Тошкент, 1975.

айрим формаларнинг қайси стилга хослигини аниқлашга ёрдам беради. Лекин бу масалани тўлиқ ва тўғри ҳал қилиб беролмайди».[5]

Ҳарқалай, грамматик шакллар ўртасида синонимик муносабатлар мавжуд бўлишининг ўзи бир бойлик. Уларнинг қўлланишида ажралишлар юз бериб, фарқланишлар, нозикликлар сезилиб, қайси вазифавий услубда қайси морфологик бирликнинг фаол қўлланилиши тобора аниқ бўлиб бориши эса она тилимиз услубий кўламининг яна ҳам кенгаяётганидан далолат беради, деган фикр тарафдоримиз. Лекин «грамматик стилистика, хусусан морфологик стилистика кўпроқ маъно масаласи, ингрент адгрент экспрессивлик масалалари билан шуғулланади»,[6] деганда олим мутлақо ҳақ.

Ўзбек тилшунослигида грамматик шакллар ўртасидаги синонимик муносабатларнинг йирик тадқиқотчиси проф. Ё.Тожиев ҳисобланади. Олим фақатгина шахс оти ясовчи ***–чи*** қўшимчасининг ***–гар*** *(сеҳрчи-сеҳргар, ҳолвачи-ҳолвагар),* ***-кор*** *(хизматчи-хизматкор, пахтачи-пахтакор),* ***-каш*** *(жувозчи-жувозкаш, аравачи-аравакаш, пиллачи-пиллакаш),* ***-шунос*** *(тилчи-тилшунос, тарихчи-тарихшу-нос),* ***-фуруш*** *(эски-эскифуруш, дўппичи-дўппифуруш),* ***-соз*** *(машиначи-машинасоз, самолётчи-самолётсоз),* ***-паз*** *(сомсачи-сомсапаз, ҳолвачи-ҳолвапаз, кабобчи-кабобпаз),* ***-гўй*** *(қасидачи-қасидагўй, маслаҳатчи-маслаҳатгўй),* ***дўз*** *(этикчи-этикдўз, ямоқчи-ямоқдўз),* ***-боз*** *(қушчи-қушбоз, каптарчи-каптарбоз),* ***-дор*** *(ижарачи-ижарадор),* ***-хўр*** *(қасамчи-қасамхўр),* ***-хон*** *(муштумчи-муштумхон),* ***-дон*** *(сиёсатчи-сиёсатдон),* ***-навис*** *(ғазалчи-ғазалнавис, қасидачи-қасиданавис, ҳикоячи-ҳикоянавис)* ҳамда рус тили ва у орқали кириб келган ***–ист*** *(тракторчи-тракторист, футболчи-футболист),* ***-ер/-ёр*** *(гримчи-гример),* ***-(и)онер*** *(пенсиячи-пенсионер),* ***-ант*** *(музикачи-музикант),* ***-граф*** *(фоточи-фотограф),* ***-атор*** *(эксплуатациячи-эксплуататор),* ***-ик/авик*** *(фронтчи-фронтовик, прозачи-прозаик, сатирачи-сатирик),* ***-шик*** *(сваркачи-сваршик, эксковаторчи-эксковаторшик),* ***-он*** *(почтачи-почтальон),* ***-смен*** *(спортчи-спортсмен),* ***-лог*** *(рентгенчи-рентгенолог)*[7] сингари аффикслар, яна бу аффиксларнинг ўзаро синонимик муносабатда бўлишини ва бу муносабатларда вужудга келадиган услубий нозикликларни таҳлил қилиш билан ўзбек тилидаги морфологик кўрсаткичларнинг услубий имкониятлари нақадар кенг эканлигини амалда исбот қилиб берди.

«Бизнингча, - деб ёзади олим. – ҳар қандай аффикснинг маъно доирасини белгилашда икки нарсага эътибор қилиш керак:

---

[5] **Қўнғуров Р.** Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари, 13-бет.

[6] **Қўнғуров Р.** Юқоридаги асар, 13-бет.

[7] Мустақиллик шарофати ва ижтимоий-сиёсий тузумнинг ўзгариши билан бу каби сўзларнинг қўлланиш имконияти тобора камайиб бораётганлигини ҳамда ***–чи*** қўшимчасига ўз ўрнин бўшатиб бераётганини таъкидлаймиз.

биринчидан, аффикснинг қанлай ўзакка қўшилаётганлигига қараб, унинг маъноларини белгилаш керак бўлса, иккинчидан, шу аффикснинг синонимларини келтириш орқали белгилаш керак. Бу иккала нарсани ҳисобга олмасдан туриб, аффиксларнинг маъно хусусиятларини тўла белгилаш мумкин эмас.

Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ***-чи*** аффиксининг маъносини унга синоним бўлиб кела олиши мумкин бўлган аффиксларнинг ва уни маъно жиҳатдан қоплайдиган бошқа воситаларнинг миқдори билан белгиланиши мумкин. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ***–чи*** аффикси 20 дан ортиқ шахс отлари ясовчи аффикслар билан синоним бўлиб кела олади».[8]

-чи қўшимчасининг истеъмолда бўлиш имконияти бошқа манбаларда ҳам таъкидланган.[9] Биз уларга ана шу имкониятнинг яна бир қирраси – услубий бўёққа эгалик ёки эга эмаслик нуқтаи назаридан ёндошиб кўрамиз. Унинг қўлланишидаги биринчи йўналишни олиб қарайлик: *китоб+ча, стол+ча, қалам+ча* каби. Бу ерда у сўзлар таркибида услубий бўёқнинг вужудга келишига хизмат қилаётган эмас. Бир предметнинг иккинчисига нисбатан ҳажм жиҳатдан кичиклигини кўрсатмоқда, холос. Демак, у, энг аввало, ўзбек тилида кичрайтириш маъносини ифодаловчи морфологик кўрсаткич сифатида баҳоланади. Аммо қўшимчанинг қўлланиш кўлами кенгая боргани сари унинг морфологик-услубий имкониятлари ҳам кенгайиб бораверади.

Аффиксни иккинчи йўналишда кузатамиз: *ука+ча, жиян+ча, сингил+ча, бола+ча* сингари. Аслида бу сўзларнинг ўзагидан кичиклик маъноси англашилмоқда. Чунки айтилиши биланоқ онгимизда уларнинг *ака, тоға, опа, катта* сингари ботиний оппозицияси шаклланади. Шунинг учун ҳам ***–ча*** қўшилгач, бу сўзларда эркалаш оттенкасига эга бўлган ижобий услубий бўёқ шаклланади. Нуткда аксинча бўлиши ҳам мумкин. Буни учинчи йўналишда кузатамиз: *эркак+ча, ойим+ча, отин+ча, хотин+ча, Салим+ча* каби. Сўзларнинг ***-ча*** билан бу бирикишларида матний вазиятга қараб камситиш, илтифотсизлик, назарга илмаслик, менсимаслик, пичинг ва, ҳатто, ҳақорат сингари салбий услубий оттенкалар вужудга келади.

Шундай қилиб, морфологик услубшунослик доирасида ҳам услубий таҳлил учун материал етарли, деб айтиш мумкин. Бу, бир томондан, грамматик шаклларнинг синонимияси ва вариантларининг мавжудлигида намоён бўлса, иккинчи томондан, улардаги услубий бўёқдорликда кўринади. Грамматик шаклларнинг синонимлар ва вариантларга эга бўлиши ифодада нозик жиҳатларни ҳам бера олишга

---

[8] **Тожиев Ё.** Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синонимияси. – Тошкент, 1987, 13-14-бетлар.

[9] Бу ҳақда қаранг: **Ғуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р.** Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент, 1977, 442-бет.

имкон туғдиради, уларнинг вазифавий тармоқланиши, чегараланиши ва маълум услуб доирасида мустаҳкамланиши ва қўлланилишининг одат тусига киришига ҳам шароит яратилади. Қўлланишдаги вариантлар кўпая ва имкониятлар кенгая боргани сари ифода ҳам тобора аниқлаша ва нозиклашаверади. Морфологик кўрсаткичлар ўзи қўшилаётган сўзлар маъносининг кенгайиши, услубий бўёқдорликнинг орта боришида фаол аралашади.

Тилнинг ижтимоий вазифаси ҳақида гап кетганда унинг таъсирчанлиги масаласини эътибордан четда қолдирмаймиз. Тил материалининг таъсир кучи, эмоционал-экспрессивлик имконияти фақатгина матнда намоён бўлиши мумкинлиги эса алоҳида исбот талаб қилмайди. Шундай экан, грамматик воситалар ва ҳодисаларнинг услубий имкониятлари ҳам айнан ана шу матн туфайли рўёбга чиқишини яна бир марта эслаб ўтишимизга тўғри келади.

Хўш, оддий нутқдан эмоционал нутқнинг, оддий грамматик қурилишдан маълум экспрессив оттенкага эга бўлган қурилманинг фарқи нимада? Тил қандай ҳолатларда ва қандай воситалар ёрдамида ўзининг дастлабки – алоқа-хабар вазифасини бажаришдан ташўари яна тингловчи ёки ўқувчига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиш воситасига айланади? Саволлар ана шу мазмунда қўйилганда миллий тилнинг эмоционал-экспрессивлик касб этувчи нутқи синтаксисини ўрганишга эҳтиёж сезилади.

Грамматиканинггина эмас, балки услубшуносликнинг ҳам тадқиқот объекти бўлган эмоционал матн қурилиши одатдаги, айтайлик, ўзбек тилининг табиий қурилишидан фарқ қилади. Бинобарин, ана шу нотабиий қурилма эмоционал-экспрессивликни юзага келтирадиган воситага айланади. Бу ўринда *нотабиий* деган сўз бироз ғализдай туюлиши мумкин, албатта. Бунда тилнинг жуда кўп вақт мобайнида қўлланилиб келинаётган, анъанавий синтаксис меъёрининг нутқ талабига кўра, вазифавийлик нуқтаи назаридан ўзгариши назарда тутилади.

Услубий синтаксис муаммоларини ўрганиш миллий тилни ўрганишнинг муҳим вазифаларидан бири саналади. Чунки биз мана шу ўриндагина тилни ўрганиш ва ундан фойдаланишдаги олий мақсадимизга – фикримизни ўз ниятимиздан келиб чиқиб, муддаомизга мослаб ўқувчи ёки тингловчига етказишга эришамиз. Нутқнинг маълум қурилишда шаклланиши эса бу борада ёзувчи ёки сўзловчига фикрини нозик жиҳатлари билан етказишга кўмаклашадиган муҳим грамматик омил ҳисобланади.

Сўзлашув нутқига хос айрим хусусиятларни кўз олдимизга келтирайлик. Эмоционаллик инсоннинг руҳий ҳолати ҳисобланади. Бу ўринда унга икки нуқтаи назардан ёндашамиз. Биринчидан, сўзловчи ёки ёзувчининг руҳий-эмоционал ҳолатини ҳисобга олишимиз лозим. Бу руҳий ҳолат инсоннинг ёши, жинси, саломатлиги, жамиятдаги мавқеи ва бошқа кутилмаган вазиятлар билан баҳоланиши мумкин.

Руҳий ҳолатга қараб инсоннинг тилдан фойдаланиш даражаси ўзгаради. Шунинг учун ҳам ёш ёки қари, аёл ёки эракак, оддий ишчи ёки мансабдор кишининг яхши кайфиятдаги ҳолати билан кайфияти бузуқ пайтдаги нутқий воситаларни танлаши бир хил кечмайди. Оқибатда эмоционал-руҳий ҳолатни турлича ифода этадиган кўплаб нутқий синтактик вариантлар вужудга келади.

Грамматиканинг, мана шу ўринда синтактик васиталар ва жараёнларнинг эмоционал-экспрессивликни юзага келтирувчи омил сифатида қаралиши эса масаланинг иккинчи томони ҳисобланади. Уларни эмоционал-экспрессивлик ва вазифавийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш она тилимизнинг кенг лингвостилистик имкониятларини англаб етишимизга кўмаклашади.

Матн синтаксисининг услубий хусусиятларини ўрганишда худди морфологик услубшуносликдаги сингари воситалар – синонимия ва вазифавий чегараланишлар тилдаги грамматик қурилмалар ва ҳодисалар нуқтаи назаридан ўрганилиши услубшунослик учун қизиқарли материаллар беради. Бунинг устига матндаги айрим лексик, морфологик ҳамда фонетик ўзгаришлар унинг нафақат грамматик қурилишига, айни пайтда,услубий фарқланишига сабаб бўлиши ҳам мумкин, Масалан, *Файзи Ҳайдар Ургутга кетди - Файзи Ҳайдар Ургут кетди - Файзи Ҳайдар Ургутга қараб кетди - Файзи Ҳайдар Ургут қараб кетди - Файзи Ҳайдар Ургутга томон кетди - Файзи Ҳайдар Ургут томон кетди.* Аммо гапдаги бўлаклар ва англашиладиган уумий маънога путур етмайдиган қилиб, *Файзи Ҳайдар Ургут сари борди - Файзи Ҳайдар Ургут сари кетди - Файзи Ҳайдар Ургут сари отланди - Файзи Ҳайдар Ургутга сурди - Файзи Ҳайдар Ургутга қараб сурди - Файзи Ҳайдар Ургут томон сурди* тарзида гаплар тузилса, улар ўзаро синтактик-услубий парадигмани ташкил этади ва бунда сўзловчининг ифодага муносабати ҳамда баён қилиш усули ўзгаради, имконияти кенгаяди.

Шу тарзда грамматик услубшунослик масалаларини таҳлил қилишда матнсиз иш кўриб бўлмаслиги, услуб учун қимматли ҳисобланган тил бирликларидаги коннотатив маъно фақат нутқий жараёндагина юзага келиши ҳақида хулоса қиламиз. Матннинг услубий имкониятлари шу қадар кенгки, бу айниқса синтактик воситаларнинг қўлланишида яққол сезилади. Шунинг учун ҳам Ф.И.Буслаев қуйидагиларни таъкидлаган: «Услубшунослик грамматикага асосланиши лозим, чунки унинг ўзи ҳам грамматикадан бошқа нарса эмас. Фақатгина у ёзувчининг ўқиш-ўрганиш ва индивидуал ижод қилишида собитқадамлик билан татбиқ этиладиган грамматикадир».[10]

Ҳозирги замон услубшунослигининг қамров доирасини таҳлил қилган тилшунослар унинг тил услубшунослиги ёки тасвирий

[10] **Буслаев Ф.И.** О преподавании отечественного языка. – Л., 1941. с.168.

услубшунослик, функционал – вазифавий услубшунослик, индивидуал нутқ услубшунослиги, ташқи ёки қиёсий услубшунослик сингари тўрт йўналиши мавжуд эканлигини таъкидлаб, уларнинг ҳар бирининг тадқиқот объектини, мақсад ва вазифаларини белгилайдилар.[11] М.Н.Кожина ҳам услубшуносликнинг йўналишлари тўғрисида мулоҳаза юритиб, уларни юқоридаги таснифдан бироз фарқ қиладиган тарзда изоҳлаган эди. Булар қуйидагилар: тил ресурслари услубшунослиги ёки ресурслар услубшунослиги, вазифавий услубшунослик, бадиий адабиёт услублари билан шуғулланувчи услубшунослик (индивиуал нутқ услубшунослиги мана шу йўналишга киради), амалий услубшунослик. Бундан ташқари у қиёсий услубшунослик ва матн услубшуносликларини ажратиш мумкинлигини ҳам қайд қилиб ўтган.[12]

Бу таснифлар морфологик аспектда грамматик бирликлар ва воситаларнинг, синтактик аспектда грамматик қурилмалар ва гап шаклларининг услубий имкониятларини таҳлил жараёнида чегаралаб ва аниқлаб олишимизга имкон беради. Биз ҳам тилнинг грамматик бирликлари ва воситаларига услубий ресурс сифатида қараймиз ҳамда уларнинг нутқ жараёнидаги услубий чегараланиши, яъни услубшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқорида айтилганлардан услубшунослик, хусусан грамматик услубшуносликнинг предмети қандай тил бирликлари бўла олиши мумкин ва уларни ўрганишдан мақсад нима, деган саволларга жавоб келиб чиқади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шарофатида она тилимизни янада чуқур ўрганиш ва ўргатиш баркамол авлод тарбиясида муҳим ҳалқа саналар экан, бу авлоднинг саводли, маълумотли, юксак савияли, она тилимизнинг услубий имкониятларидан ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида юксак маданият билан фойдалана оладиган қилиб тарбиялаш тил таълими тизимининг барча босқичларида энг муҳим вазифалардан бўлиб қолади.

+++

Грамматик стилистика турли грамматик категорияларнинг, масалан, сон категорияси ва бошқаларнинг стилистик имкониятларини ўрганади. Синтактик стилистик сўз тартибининг ўзгаришини, нутқ фигураларини ўрганади. Абзацнинг, яъни гапдан катта бўлган қурилманинг стилистик вазифасини қараб чиқади.[1]

---

[11] Бу ҳақда қаранг: **Балли Ш.** Французская стилистика. – М.,1961, с.20-21, 27-28; **Долинин К.А.** Стилистика фрацузского языка. – М.,1978, с.54.

12 **Кожина М.Н.** Стилистика русского языка. – М.,1983, с.23-28.

[1] **Стилистика английского языка Дата создания документа:** 23.05.2003**. 73 Kb - http://www.durov. com/stylistics.doc**

У ч и н ч и м а ъ р у з а:

МОРФОЛОГИК УСЛУБИЯТ.
ОТ СТИЛИСТИКАСИ

Морфологик услубиятнинг ўзбек тили услубшунослигида ўрганилиши.

Морфологиянинг услубий манбалари: синонимлар, дублетлар ва вариантлар. Улардаги эмоционал-эксперсив бўёқларнинг лексика ва сўз ясовчи воситалардаги нисбаттан камлиги.

Морфологик воситаларнинг адабий тил меъёри нуқтаи назаридан барча вазифавий услублар, нутқ шакллари ва кўринишлари учун умумийлиги ҳамда, айни пайтда, қўлланишдаги услублараро чегараланиш ҳолатлари. Китобий ва оғзаки услубда морфологик бирликлар қўлланишининг ўзаро фарқлари.

От услубияти унинг ўзбек услубшунослигида ўрганилиши. Отларда сон категорияси ва уларнинг услубий хусусиятлари. Эгалик категорияси ва уларнинг услубий хусусиятлари. Келишиклар ва кўмакчилар синонимияси. Отлардаги субъектив баҳо шакллари. Уларнинг экспрессив-эмоционаллик нуқтаи назаридан таснифи.

От туркуми доирасидаги грамматик бирликларда вариантлилик ва уларнинг синонимияси услубий ранг-баранглиқни келтириб чиқарувчи воситалар эканлиги.

МОРФОЛОГИК СТИЛИСТИКА. Маълум бир фикрни ифодалаш учун морфологик шаклларнинг ва стилистик қурилмаларнинг стилистик вариантларидан фойдаланиш ва тилда ана шундай синтактик ва морфологик синонимиянинг мавжудлиги грамматик стилистика ҳақида ҳам сўз юритишга асос бўлади. Маслан, *Мен кеча қишлоғимизга келган Аҳмедов билан танишман. Мен қишлоғимизга кеча келган Аҳмедов билан танишман. Кеча қишлоғимизга келган Аҳмедов билан мен танишман* гапларининг учаласи ҳам грамматик жиҳатдан содда, ёйиқ, дарак гап. Стилистик жиҳатдан эса улар фикр нозикликларига эга. Шунга кўра уларга стилистикада бир хил ҳодиса сифатида бефарқ қараш мумкин эмас. Стилистика ҳар бир гапнинг маълум мақсадда ишлатилишига алоҳида аҳамият беради ва уларни танлаш имкониятини яратади, яъни: сўзловчи бир неча Аҳмедовлар ичидан қишлоққа келган Аҳмедовнинг танишлигини баён қилмоқчи бўлса, юқоридаги гапларнинг биринчисидан, агар қишлоққа бир нечта Аҳмедов келиб кетган-у, аммо улардан қишлоққа фақат кеча келганинингина

танишлигини айтмоқчи бўлса, иккинчи гапдан фойдаланиш лозим. Учинчи гап эса тамоман бошқа мақсад учун ишлатилади: бунда қишлоққа келган Аҳмедов билан бошқа киши эмас, балки фақат сўзловчигина таниш эканлиги ифодаланган.
Ҳозирги ўзбек тилида келишик аффиксларининг, замон, майл

шаклларининг, айрим ясовчи аффиксларнинг бир-бирига

нисбатан синонимик муносабатда бўлиши, уларнинг бири ўрнида

иккинчисини ишлатиш имконияти масаласи ҳам грамматик

стилистиканинг ўрганиш объектидир.

Минг йиллик алоқалар натижасида ўзбек тилига араб, форс-тожик тилларидан турли-туман грамматик шакллар кириб кулди. Уларнинг баъзилари соф ўзбек аффиксларига синоним бўлиб қолди. Бундай аффиксларнинг баъзилари ҳозир ҳам қўлланмоқда. Жумладан, форс-тожик тилидан қабул қилинган но-, бе-, сер-, ба- **каби префикслардан** но-, -бе- **префикслари ўзбек тилидаги сифат ясовчи –**ли **аффикси билан синонимдир. Лекин уларнинг қайси негизларга қўшила олиш, қўшила олмаслик хусусиятини, қайси вақтларда бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин эмаслигини – синоним бўла олмаслигини билиш лозим. Масалан, *ноўрин, нобоп, номаҳрам*** **сўзларидаги** но- **префикси ўрнида ўзбекча** –сиз **аффиксини ишлатиш мумкин бўлмагани каби, ўзбекча *тузсиз*** **сўзидаги** –сиз **ўрнида** но- **префиксини қўллаш мумкин эмас.** **<u>Чоғиштиринг</u>: *нотўғри//тўғрисиз, нобоп//бопсиз, номаҳрам//маҳрамсиз, тузсиз//нотуз*** **каби.**

Стилист, адабий кузатув иши билан шуғулланувчи киши, норматив грамматика талабларини ҳисобга олиш билан бирга, морфологик ва синтактик воситалардан стилистик мақсадда фойдалана олиш имкониятларига ҳам аҳамият бериши керак.

Тилнинг у ёки бу грамматик шакли маълум давр учун эскирган бўлиши ёки фақат ёки фақат айрим услублар учунгина характерли бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабли зарур грамматик шаклни танлаётганда, унинг тўри ёки нотўғри танланганлигини текшираётганда матн мазмуни, унинг қандай жанрга тегишли эканлиги, қайси давр воқеа-ҳодисаси баёнига бағишланганлиги ёки умумий стилистик йўналишини албатта ҳисобга олиш лозим.

Синтактик воситаларнинг ва сўз туркумларининг стилистик мақсадда қўлланиши фақат уларнинг маъндеб чегаралаб қўйиш ҳам тўғри эмас.оси билангина эмас, балки айрим қўрилма ва грамматик шаклларнинг бир неча хил

вариантларга эга бўлиши, у ёки бу кқурилма ва шаклларнинг бирини озроқ, бирини эса кўпроқ қўлланиши адабий тил меъёрларидан чекиниш ҳолатлари билан ҳам боғлиқдир.

Лекин синтактик синонимларнинг ва морфологик вариантларнинг қўлланишида уларнинг бир-биридан фарқи грамматиками ёки стилистиками эканлигини англаш лозим. Қурилма ва грамматик шаклларнинг ҳар қандай фарқланишиҳа стилистик қийматга эга бўла бермайди.

Стилистиканинг объектини фақат синонимия ҳодисасини ўрганиш деб чегаралаб қўйиш ҳам тўғри эмас.

+++

Морфологик стилистика. *Услубшуносликда морфология доирасидаги грамматик кўрсаткичларда услубий имкониятлар чегараланган, деган фикр мавжуд. Бу мулоҳазани ҳатто В.В.Виноградов, А.М.Пешковскийдек таниқли тилшунослар ҳам эътироф этишган. М.Н.Кожина бу ҳақда қуйидагиларни ёзган: "Морфологик воситалар лексик ва сўз ясовчи воситалардан фарқ қилиб, уларга нисбатан кам даражада эмоционал-экспрессив, аммо у ёки бу шаклни оғзаки-сўзлашув ёки илмий ва расмий усулбга хос ёзма-китобий доираларда бўлган анъаналар билан боғлиқ ҳолда кўпроқ функционал бўёқ беради".*[2]

Р.Қўнғуров кўп йиллик кузатишлари натижаларига таяниб, ана шу қарашнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди ҳамда унинг сабабларини ўзбек тилидаги грамматик шаклларнинг семантик-стилистик хусусиятлари тўғрисида кенг миқёсда монографик кузатишлар амалга оширилмаётганлиги, аффиксларнинг синонимияси, омонимия, полисемия ва антонимияси етарли тадқиқ этилмаганлиги билан изоҳлайди.[2] Фикрни исботлаш учун келтирилган далиллар асосли, албатта. Аммо амалда эса олим от сўз туркумининг эгалик, келишик, субъектив баҳо ифодаловчи грамматик шакллари мисолидаги кузатишлари билан морфологик кўрсаткичларда ҳам услубий имкониятларнинг кенг эканлигини исботлаб берди.

Агар бу тадқиқотлар доирасига унинг олмош, сифат ва кўмакчилар услубияти,[3] М.Содиқованинг феъл услубияти[4] юзасидан олиб борган кузатишларини ҳам киритсак, ўзбек тили

---

[2] ***Кожина М.Н.*** **Стилистические ресурсы русского языка как предмет исследования лингвистической стилистики. Глава вторая. Дата индексирования:** 30.11.2004**. 120 Kb - http://syrrik.narod.ru/ kozhina.htm.**

[2] **Қўнғуров Р. Юқоридаги асар, 12-13-бетлар.**

[3] **Қўнғуров Р. Олмош стилистикасига оид айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар. – Самарқанд, 1981, 4-21-бетлар; Шу муаллиф. Сифат стилистикаси // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. – Самарқанд, 1982. 3-10-бетлар.Шу муаллиф. Кўмакчилар синонимиясига доир // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. – Самарқанд, 1982. 20-41-бетлар.**

[4] **Содиқова М. Феъл стилистикаси. – Тошкент, 1975.**

морфологиясининг услубий имкониятлари ҳақидаги хулоса бироз шошилиб айтилгандай туюлади.

Р.Қўнғуровнинг қуйидаги фикрига ҳам муносабат билдиришга тўғри келади: "Тўғри, баъзи олимлар грамматик формаларнинг қайси бири қайси стилда кўпроқ ишлатилишини аниқлаш ҳам стилистиканинг вазифасига киради, дейишади ва шундан келиб чиқиб, грамматик формаларнинг стилларда қўлланиш статистикаси билан шуғулланишни лозим кўрадилар. Маълум даражада бу усул ҳам айрим формаларнинг қайси стилга хослигини аниқлашга ёрдам беради. Лекин бу масалани тўлиқ ва тўғри ҳал қилиб беролмайди".[5]

Ҳарқалай, грамматик шакллар ўртасида синонимик муносабатлар мавжуд бўлишининг ўзи бир бойлик. Уларнинг қўлланишида ажралишлар юз бериб, фарқланишлар, нозикликлар сезилиб, қайси вазифавий услубда қайси морфологик бирликнинг фаол қўлланилиши тобора аниқ бўлиб бориши эса она тилимиз услубий кўламининг яна ҳам кенгаяётганидан далолат беради, деган фикр тарафдоримиз. Лекин "грамматик стилистика, хусусан морфологик стилистика кўпроқ маъно масаласи, ингрент адгрент экспрессивлик масалалари билан шуғулланади",[6] деганда олим мутлақо ҳақ.

М.Н.Кожина таъкидлайдики, морфологиянинг стилистик ресурсларини фақат стилистик синонимия билан чегаралаб қўйиш тўғри эмас. Чунки морфологик воситалар лексик воситалардан фарқли ўлароқ нутқнинг барча услублари, жанрлари ва шаклларида баб-баравар қўлланилади. Лексиканинг функционла-стилистик қатламланиши ҳақида гапириш мумкин бўлгани ҳолда, у фикрни умумий характер касб этадиган грамматика, унинг категориялари, шакллари ва қурилишлари ҳақида айтиб бўлмайди. Аммо, барибир функционал-стилистик ихтисослашиш грамматикани ҳам забт этади. Бу икки ҳолатда ифодаланади: биринчидан, турли функционал услубларда у ёки бу шаклларнинг қўлланиш частотасининг турли даражадалиги; иккинчидан, айрим шакллар маъноларининг айрим функционал услублар билан боғлиқлиги (Мана шу маъноларни функционал-стилистик деб аташ мумкин).

Иккинчи ҳолат асосан муҳим. Чунки, морфологик сатҳдаги тил бирликларининг семантик-грамматик хусусиятларида у ёки бу услубнинг ўзига хослиги намоён бўлади. Морфологиянинг стилистик ресурсларига морфологик шаклларнинг шундай функционал имкониятлари дахлдорки, улар бир хил шаклларга турли хил стилистик вазифаларни адо этиш учун имкон беради. Бу билан

---

[5] Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари, 13-бет.
[6] Қўнғуров Р. Юқоридаги асар, 13-бет.

кўпинча семантика томон силжиш рўй беради. Ниҳоят, анъанавий стилистика ўз ўрганиш орбитасига морфологик воситалар берадиган барча маъно оттенкаларини қамраб олади.[3]

Услубшунос, адабий кузатув иши билан шуғулланувчи киши, норматив грамматика талабларини ҳисобга олиш билан бирга, морфологик ва синтактик воситалардан стилистик мақсадда фойдалана олиш имкониятларига ҳам аҳамият бериши керак.

Тилнинг у ёки бу грамматик шакли маълум давр учун эскирган бўлиши ёки фақат ёки фақат айрим услублар учунгина характерли бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабли зарур грамматик шаклни танлаётганда, унинг тўғри ёки нотўғри танланганлигини текшираётганда матн мазмуни, унинг қандай жанрга тегишли эканлиги, қайси давр воқеа-ҳодисаси баёнига бағишланганлиги ёки умумий стилистик йўналишини албатта ҳисобга олиш лозим.

Морфологиянинг стилистик ресурслари "тилда бир қатор сабабларга кўра: тил тараққиётининг ички жараёнларига боғлиқ тарзда, оғзаки-ёзма ва китобий-сўзлашув, шунингдек турли функционал услублар, ва ниҳоят, маъновий ва эмоционал-экспрессив оттенкаларни ифодалаш заруриятидан пайдо бўлади. Аммо морфологиянинг синонимик воситалари ҳамма вақт ҳам айнан стилистик характер касб этмайди".[4]

Шундай қилиб, морфологик услубшунослик доирасида ҳам услубий таҳлил учун материал етарли, деб айтиш мумкин. Бу, бир томондан, грамматик шаклларнинг синонимияси ва вариантларининг мавжудлигида намоён бўлса, иккинчи томондан, улардаги услубий бўёқдорликда кўринади. Грамматик шаклларнинг синонимлар ва вариантларга эга бўлиши ифодада нозик жиҳатларни ҳам бера олишга имкон туғдиради, уларнинг вазифавий тармоқланиши, чегараланиши ва маълум услуб доирасида мустаҳкамланиши ва қўлланилишининг одат тусига киришига ҳам шароит яратилади. Қўлланишдаги вариантлар кўпая ва имкониятлар кенгая боргани сари ифода ҳам тобора аниқлаша ва нозиклашаверади. Морфологик кўрсаткичлар ўзи қўшилаётган сўзлар маъносининг кенгайиши, услубий бўёқдорликнинг орта боришида фаол аралашади.

Морфологиянинг стилистик ресурсларини сўз туркумлари мисолида қисқача кўриб чиқамиз.

От стилистикаси. **От туркумига хос бўлган категориялар турлича стилистик имкониятларга эга. Юқорида**

---

[3] ***Кожина М.Н.*** **Стилистические ресурсы русского языка как предмет исследования лингвистической стилистики. Глава вторая. Дата индексирования:** 30.11.2004**. 120 Kb - http://syrrik.narod.ru/ kozhina.htm.**

[4] ***Кожина М.Н.*** **Стилистические ресурсы русского языка как предмет исследования лингвистической стилистики. Глава вторая. Дата индексирования:** 30.11.2004**. 120 Kb - http://syrrik.narod.ru/ kozhina.htm.**

таъкидлаганимиздек, ўзбек тилида от сўз туркумига оид лингвистик категорияларнинг стилистик ресурслари Р.Қўнғуров томонидан атрофлича ўрганилган, докторлик диссертацияси ёзилган ва бир неча алоҳида монографиялар, ўқув қўлланмалари нашр этилган. Шунинг учун бу ўринда олимнинг ана шу асарлари ва мавзуида оид қарашларидан фойдаланамиз.

Тилни, хусусан от туркумига оид элементлар морфологик қурилишини стилистик нуқтаи назардан тадқиқ этишда энг муҳим масала сўзларнинг денотатив ва коннотатив маъноларидаги чегарани тўғри аниқлай билишдадир. Бу маъноларнинг юзага келишида эса морфологик кўрсаткичлар муҳим аҳамият касб этади. Ана шу кўрсаткичлар кўплик, эгалик, келишик ва субъектив баҳо шаклларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам уларга стилистик ресурс сифатида қараш ва матндаги қўшимча маъноларини ва функционал-стилистик чегараларини ўрганиш тилшунослик учун муҳим саналади.

Кўплик **кўрсаткичи** ***–лар*** **грамматик маъно – предметнингбирдан ортиқлигини, яъни мавҳум кўпликни англатишдан ташқари яна нутқда ўзи қўшилиб келаган сўз билан биргаликда ҳурмат, киноя, пичинг, кесатиш, такрор, таъкид, ноаниқлик, кучайтириш, муболаға, ажратиб кўрсатиш каби қатор коннотитив маъноларни ҳам ифодалаши тилшунослигимизда айтилган.[5] Бу коннотатив маънолар, айни пайтда, семантик-стилистик маънолар ҳамдир.**

Кўплик категориясининг турли семантик оттенкаларидан ташқари уларнинг функционал чегараланишларини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, умуман ўзбек тилида ***–лар*** **кўпликни англатиши мумкин бўлгани ҳолда, илмий услубда унинг вазифаси ўзгаради.** ***Сувлар, ёғлар*** **дейилганда у кўплик маъносини англатиш доирасидан чиқиб, сувларнинг ёки ёғларнинг турини англатиш вазифасини бажаришга ўтади. У терминологик лексиканинг шаклланишига хизмат қилиши мумкин. Бу ҳолатга ономастик терминологияда ҳам дуч келамиз.** ***Мирзаевлар, Намозовлар*** **каби. Ҳатто шеваларда улар орасига** ***–чи*** **қўшилиб айтилади:** ***Мирзаевчилар, Намозовчилар*** **сингари. Топонимикада эса шакл ясовчилик доирасидан ташқарига чиқади ва сўз ясовчилик вазифасини бажаради:** ***Беклар, Каллар*** **каби. Мана бу мисолларда у конверсия ҳодисасининг юз беришига кўмаклашади:** ***Катталар келди, яқинларини чақирди, биз катталар – биз катта ёшдаги бир неча одам.*** **Мана шу ҳолатлар функционал бўёқдорлик ҳисобланади.**

---

[5] **Қаранг:** ***Ғуломов А.*** **Кўплик категорияси. – Т., 1944; Ўзбек тили грамматикаси, I том. – Т., 1975;** ***Зулфиев Я. –лар*** **аффиксининг сўз таркибида қўлланиш хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 5-сон;** ***Абдуллаев А.*** **Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Т., 1983**

Демак -*лар* услубларарo чегараланиш хусусиятига эга, яъни илмий ва расмий услубларда у адабий тил учун меъёрий ҳолатда, денотатив маънода келади ва кўпликни англатади. Бу услубларда ҳам худди сўзлашув ёки бадиий услубдаги сингари қўллаш нуткда ғализликни келтириб чиқаради: *Севимли шоиримиз – таҳририятимиз аъзоси Нормурод Нарзуллаевнинг вафоти сафимизга айрилиқ солди. Лекин кўнглимизда, қалбимизда улар доимо тирик* (“Hamshira” j.) каби. Бундай ҳолатларда *–лар* ўрнида *киши, инсон* сўзларини қўллаш ва қўшимчани феъл таркибида келтириш мақсадга мувофиқ. Қиёслаймиз: *улар доимо тирик – у киши доимо тирик – у киши доимо тириклар.*

Сўзлашув, оммабоп ва бадиий услубларда коннотатив маънолар кенг кўламда намоён бўлади. Масалан, сўзлашув услубида: *дадамлар келди. “Дадам! Дадамлар қайтибдур” деган фикр миясида чақмоқдай чақнади-ю, уй тўла эркак экани ҳам эсидан чиқиб, меҳмонхонага қараб югурди* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Ушбу қўшимчанинг феълга ҳам қўшилиши унинг коннотатив оттенкаси билан боғлиқ. Қиёс учун: *дадамлар келди – дадам келдилар.* Аммо ҳар иккала компонентга ҳам қўшилиб *дадамлар келдилар* дейиш стилистик фарқланишни келтириб чиқаради, яъни биринчи сўздаги *–лар* кўпликни англатади ва иккита даданинг, масалан, ўз отаси ва қайнотасининг биргаликда келганлигини англатади. Мана бу ўринда унинг от таркибида қўлланиши стилистик ғализликни келтириб чиқарган: *Адаларингизнинг тузук бўлганларини айтиб мени хурсанд қилдингиз* (Мирмухсин. Умид). Сўзлашув усулбида бу кўрсаткич яна киноя, пичинг ва эркалаш маъноларини англатиши ҳам мумкин: *Э-э, мулла Эшмат, келсинлар, қандай шамол учирди; Э-э, мулла Эшмат, келсинлар-келсинлар* каби.

Сўзлашув нутқида ўзига хос баён услубининг шаклланишига олиб келади. Бу ҳолат бадиий ва оммабоп услубга ҳам ўтади. *Катта танаффусларда мактаб кутубхонасига кириб, китобларга кўмилган ҳолда, дарсларга кечикканларим, муаллимлардан дакки еганларим ҳамон ёдимда; 90-йилларнинг охирларида шу ҳудудга бориб қолсангиз, аянчли манзарани – темир-бетондан тикланган қатор-қатор бир ва кўп қаватли бинолар “қабристон”ини кўрар эдингиз. Қўшма корхона таъсисчиларининг эса фиғонлари фалакда.* (“Зарафшон” газетаси).

Бадиий услубда таъкид, кучайтириш, муболаға сингари оттенкалар кўпроқ англашилади: *Шу кўзлар юлдуздай абадий кулсин, / Баҳор йўлларингга тўшасин чечак* (Зулфия. Келинчак) У ниҳоятда кучли эмоционалликни ифода этиши, поэтик маҳорат намунасига айланиши ҳам мумкин: *Умрингга ачинмаган кетмайдими чиқиблар* (У.Азим). Қуйидаги мисолда у илтифотсиз муомалани маданий шаклда ифодаловчи кучли стилистик

воситага айланган: ***Ичкари тарафдан кекса бир ходима – эшикочар хола кўриниб, Гулшанга салом берди ва "****хуш келдилар****" деди, Гулшанни ичкари киритиб, эшикни беклади*** **(А.Қодирий. Меҳробдан чаён).**

Кўплик қўшимчасининг сўзлашув ва бадиий нутқда қўлланилишида яна бошқа ўзига хосликлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, сўзлашув услубида, аниқроғи ўзбек тилининг айрим йиланувчи шеваларида у қисқарган ҳолда ***–ла*** **шаклида қўлланилади:** ***дадамла, поччамла, аямла*** **каби. Бундай қўлланиш адабий тил меъёрлари нуқтаи назаридан ижобий ҳодиса саналмайди ва нутқнинг бузилиши деб ҳисобланади. Же-ланувчи шеваларда эса** ***–лар*** **қўшимчаси семантик-стилистик маънолар ифода этиш учун қўлланилмайди ва у юқоридаги каби қисқарган шаклда ҳам учрамайди. Бадиий услубда мавзу талаби билан бу қўшимчанинг дилектал ва тарихий вариантлари ишлатилишига йўл қўйилади:** ***Ипак эдинг арқоғингни бўз*** *қилдило,* ***/ Гавҳар эинг нархинг қаро туз*** *билдило,* ***/ Қисмат демай, сени ризқу рўз*** *билдило,* ***/ Сени ким ғамгузор этди, / Моли арзон бозор этди*** **(О.Ҳожиев. Дардлашув).**

Кўплик ўрнида бирликни қўллаш: ***профессор-ўқитувчилар талаба нигоҳида; ҳурматли ўқувчим, шу билан китобимга охирги нуқтани қўйдим; ҳурматли томошабин, энди мана бу лавҳага бир назар ташланг*** **каби. Бу ҳам нутқий экспрессиянинг бир кўриниши саналади.**

-лар **матнда англатадиган семантик-стилистик маънолар кўлами унинг тилимизда қўлланиши ниҳоятда фаоллиги билан изоҳланади.**

Эгалик. **Эгалик қўшимчаларининг морфологик вариантлари ўзбек адабий тилида озчиликни ташкил қилганлиги сабабли уларнинг услубий чегараланишлари яққол сезилиб турмайди. Улар қуйидагилар II шахс кўплиги** ***-ингиз, -инглар, -ларинг*** **ва III шахснинг** ***–и, -си*** **вариантлари. Лекин шунга қарамаасдан тажрибали кўз уларни пайқаши мумкин.**

II шахс кўплиги сифатида қаралидган ***–ингиз*** **да кўпликни кўрсатишдан кўра ҳурмат оттенкаси кучли:** ***Фақир*** *ҳузурингизга* ***маслаҳат сўраб келдим*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси),** ***Сиз кимни зурриётини бозорга олиб*** *чиққанингизни* ***биляпсизми? Кимсан, Мирзахўжабойни зурриёти!*** **(Т.Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди). Бошқа бир ҳолатда тегишлиликни, эгаликни билдиради:** ***- Мана шу қизалоқнии олиб кетинг, катта бўлса,*** *эшигингизни* ***супуради! – деди. – Бир ҳовуч кепакка бераман, бир ҳовучгина!*** **(Т.Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди). Расмиятчилик юзасидан сизлаш маъносини беради: -***Эрингиз иккинчи курсда бўлган..; - Шоматов бир вақтлар судда ишлаганидан хабарингиз борми?..* **(Ў.Хошимов. Тушда кечган умрлар). Умумлаштириш оттенкаси сезилади:**

Ҳадисларда: қабр устида ўтиришдан кўра чўғ устида ўтириб... кийим ва *баданларингиз* ***куйса, яхшироқдир, дейилади!*** **(Т.Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди). Кўпликни маъносини эса –*лар* ўз зиммасига олади: *Пурҳикмат*** *насиҳатларингиз* ***учун ташаккур, тақсир, – деди; Токи расадхонага кўмилган тилла ва жавоҳирларни, маъжусийлар ва бединлар битган куфр китобларни даҳрий*** *шогирдларингиз* ***ўгирлаб кетмасин!*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Мана бу мисолда ҳам шундай: *Йўқ – деди. – Аммо-лекин тополмади****ларинг!*** **(Т.Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди).**

Ушбу мисоллар келтирилган О.Ёқубовнинг, Т.Муроднинг юқоридаги асарларида *–инглар* учрамади. Уни Ў.Хошимовнинг "Тушда кечган умрлар" ромнидан топиш мумкин бўлди: - ***Тўй****инглар* ***қачон бўлган? —Ҳовли****нглар* ***каттамиди? — Раҳмат! Овқат****инглар* ***ширин бўпти. — Умидахон иккинчи исменда, холагинанг ўргилсин. Невараларим ёлғиз. Худо хоҳласа, ой****инглар* ***келганларида, албатта, кираман! — дедию шоша-пиша тушиб кетди.*** **Бу ҳолат ижодкорнинг индивидуал услуби, шевага бўлган муносабати билан белгиланади. Биз *–инглар* ни *–ларинг* нинг шева кўриниши деб ҳисоблаймиз.**

Баъзан поэтик нутқда – шеър техникаси талаби билан бўлган бўлиши мумкин – эгалик қўшимчалари тушириб қолдирилади ва фикрнинг қайси шахсга тегишлилиги қаратқич келишигида келган олмошлардан англашилади: ***сенинг бункерда, менинг ёшлик*** **каби. Эски ўзбек тилида ҳам абстракт эгалик маъноси қаратқич келишиги шакли билан ифодаланган ва баъзан замонавий поэзияда ҳам кўзга ташланиб туради.[6]**

Бадиий услуб ва сўзлашув услубида эгалик қўшимчаларининг алмашиниб қўлланиш имкониятлари ҳам мавжуд. Айниқса I шахс бирлиги ўрнида I шахс кўплигини ишлатиш фаоллигини кузатамиз: - ***Унда*** *бизга* ***рухсат, - деди такаббурона. Поччамизни сўраб қўясиз*** **(Ў.Усмонов. Гирдоб).** *Биз* ***ит бўлсак бўйнимиздаги тилла занжирингиз ўзингизга: янгичасига айтганда мен қизингизни хоҳламайман, эскичасига керак бўлса – уч талоқ қўйдим*** **(А.Қаххор. Қўшчинор чироқлари).**

"Ўзбек тили стилистикаси" китобида эгалик, қарашлилик маъноси *эга, қарашли, тегишли, шахсий, хос, ўз* **каби махсус сўзлар ёрдамида ифодаланиши ҳақида ҳам маълумот берилади.[7]**

Келишиклар. **Келишик қўшимчалари гапда сўзларнинг ўзаро грамматик муносабатга киришиши учун хизмат қилади ва бу ҳолат морфологик воситаларнинг синтактик алоқаларни вужудга келтиришдаги ўрини белгилайди. Шу билан биргаликда,**

---

[6] Қаранг: *Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш.* Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Фан, 1973, 32-б.; *Кўнғуров Р.* Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд, 1975, 60-б.

[7] *Шомақсудов ва бошқ.* Ўзбек тили стилистикаси. – Т.,1983, 98-б.

келишик шаклларининг бир неча хил кўринишларга эга бўлиши, уларнинг ўзаро ёки кўмакчилар билан синонимик муносабатга кириши уларга стилистик ресурслар сифатида қарашга ҳам имкон беради.

Жумладан, *қаратқич келишигини* олиб қарайлик. Бу келишикнинг эски ўзбек тилида *–ниң / -ныӊ, -нуӊ / -нгӊ, -иӊ / -ыӊ, -гӊ / -гӊ* шакллари, оғзаки нутқ ва мумтоз адабиётда, шева ва диалектларда *–нинг, -тынг, -тинг, -динг, -дынг, -ты, -ти, -ды, -и , -ин, -нунг, -дунг, -инг, -ми, -пи* каби шакллари мавжудлиги илмий манбаларда қайд этилган.[8] Уларнинг бундай турлича фонетик вариантларда ишлатилишининг сабаби, - деб кўрсатишади Ғ.Абдураҳмонов ва Ш.Шукуровлар, - асосан шу аффиксни қабул қилган сўзнинг характерига, фонетик қурилишига боғликдир.[9]

Юқорида келтирилганлар қаратқич келишиги қўшимчасининг вариантлари вариантлари бўлганлиги туфайли бу ўринда уларнинг синонимияси ҳақида гапириб бўлмайди. Фақат адабий тил меъёри нуқтаи назаридан уларни икки қутбга – адабий варианти *–нинг* ни бир томонга, қолган барча кўринишларни иккинчи томонга ажратиш мумкин. Адабий вариант барча функционал услублар учун умумий ва мажбурий саналади. Шундай бўлишига қарамасдан бу вариантларнинг айримларини (мас., *-тынг, -тинг, -динг, -дынг, -ты, -ти, -ды* кабилар) шеваларда қўллашга ҳамон йўл қўйиб келинмоқда ва бу адабий тил меъёри нуқтаи назаридан ижобий ҳодиса саналмайди.

Қаратқич келишиги шаклларига функционал-услубий нуқтаи назардан қараганда, уларда баъзан бадиий услубга хос бўлган вариантлрни кузатиш мумкин. Масалан: *-(и)м* қўлланилади: *Ахир ҳаяжонлар ўзлигим маним, майли қалбингга ҳам кўчсин ҳаяжон* (К.Бахромова. Жўшқин болалик), *Ё раб, ёзуғим недур маним?* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). *Маним* сўзи билан параллел ҳолда *меним* ҳам қўлланилади: *Нега меним қулоғимда тун ва кун, / Бойқушларнинг шумли товши бақирар?; Нега меним* борлиғимга ҳар ўйун, / *Ва ҳар кулгу оғу сепар, ўт қўяр* (Чўлпон. Ёнғин); *-н* қўлланилади: *Қариндош гоҳ, пуч ёнғоқ қучоқ кўриб донг қотган, / Инисин қўлида гоҳ пичон кўриб донг қотган* (Ҳ.Худойбердиева).

Келишик қўшимчаси вариантларининг маълум қисми мумтоз адабиёт матнларига хос. Масалан, қаратқич-қаралмишли бирикманинг инверсияга учраган ҳолда қўлланилиши: *Сели ашким бирла тутмиш жумлаи оламни су, Жумлаи олам неким бу обгун торамни су* (Навоий. Сели ашким бирла). Бу анъана ҳозирги шеъриятда ҳам давом этмоқда: *Ярқирар минг бир баҳор*

---

[8] ***Қўнғуров Р.*** **Ўзбек тили стилистикасидан очерклар, 55-б.**

[9] ***Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш.*** **Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 36-б.**

кўрки *камолингда сенинг, /* ***Офтобнинг акси бор ўтлуғ*** *жамолингда сенинг* **(Ж.Жабборов. Сенинг). Мумтоз адабиётда қаратқич келишигини ифодаловчи аниқловчи-аниқланмиш қурилмали бирикмада аниқловчи рукнлардаги очиқ ёки ёпиқ бўғинларнинг қатъий тартибини сақлаш мақсадида қисқарган шакли** ***–инг*** **ишлатилади:** ***Шавқимнинг шуҳраси бошинг уза зар тора фидо, /*** *Кўнглуминг* ***маҳзани гул ораз гулнора фидо*** **(Жоний) каби.**

Меъёрий грамматика қоидасига мувофиқ аниқловчи-аниқланмиш қурилмали бирикмада аниқловчи қаратқич келишиги шаклини олганда аниқланмиш ҳам унга мос шаклда турланиши лозим. Аммо бадиий услубда мисралардаги бўғинлар сонининг қатъий бўлиши ҳақидаги қоидадан келиб чиқиб, бундай бўлмаслиги ҳам мумкин: ***Ғурурнинг сиғмайди пўлат теринга, / Шарафлар юки бор*** *сенинг бункерда* **(Ғ.Ғулом. Ғалабамизнинг заррин саҳифаси).**

Қаратқич келишиги баъзан белгисиз қўлланади. Масалан: ***Қаршингда турибди*** *умрим бир куни,* ***/ Менинг увоқ шеърим – менинг дилпорам*** **(Ж.Камол. Саккизлик). Аммо унинг бу тарзда қўлланилиши барча услубларда учрайди.**

Оғзаки нутқда қаратқич ва тушум келишигини фарқламаслик тил маданиятига ниҳоятда зиддир. Достонлар матнида унинг *Кимники* ***сулув қизи бўлса Паҳлавон Қайсарга буюради*** **(Ойсулув) тарзида учраши ҳам шевачиликнинг таъсиридир.**

Р.Қўнғуров Алишер Навоий асарларида қаратқич келишиги вазифасида бошқа келишик қўшимчалари, масалан, қаратқич ўрнида чиқиш ва жўналиш келишиклари ишлатилганлигини кўрсатиб ўтган: ***Ишқ боғи ҳолатин сўр ошиқу огоҳдин, / Ким фазосинда тафовут йўқ*** *гадоға шоҳдин* **(Чор девон),** ***Лаълигун ҳар майки ичдим ул майилаб ҳажридин /*** *Кўздин ашки,* ***лаълигун ёнглиғ равона айларам*** **(Чор девон). Олим шоир асарлари матнида эпизодик ҳолатларда** ***у*** **нинг ҳам қаратқич вазифасида келганлигини пайқаган:** ***Сойил*** *мену* ***мақсадим эрур, нақди висолинг бухл айлама жона...*** **(Чор девон).**[10]

Тушум келишиги **кўрсаткичи** ***–ни*** **барча функционал услублар учун меёр ҳисобланади. Унинг** ***–ди/ды, -ти/ты*** **шаклларда қўлланилиши бузилган шева кўринишларидир:** ***китапти бэр, тоғомди кўрдингма*** **каби.** ***–(и)н*** **шакли ва белгисиз қўлланиши эса бадиият билан боғлиқ ва адабий асарларда фаол учрайди. Масалан:** ***Эрка малак, аччиғланмам сенга. / Учирсанг-да кўкка юрак*** *кулин,* ***/ Аччиғланмам сенга нозил қуёш, / Ёндирсанг-да умидимнинг гулин*** **(Фитрат. Аччиғланма деган эдинг),** ***Зеро маърифат*** *машъалин* ***ўчириб, элни зулматга солмоқни ният қилган***

[10] ***Қўнғуров Р.*** **Ўзбек тили стилистикасидан очерклар, 58-б.**

бирда-бир мустабид машъум мақсадига етмагандур **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси);** ***Улуғ Ҳоқон, сендан сўров шу эрди. Элга сабр, бардошдан бўлак*** *нарса бер* **(Ҳ.Худойбердиева. Бўлак нарса).** ***Ул кўприк остида солғай*** *иморат* **(О.Ҳожиева. Қисмат). Белгисиз қўлланиш бошқа функционал услубларда, айниқса сўзлашув услубида тез-тез учрайди:** ***китоб ўқимоқ, сув ичмоқ, овқат емоқ*** **каби.**

Аммо ҳамма вақт ҳам тушум келишигининг белгили-белгисиз ҳолатларини матнда тенг қўйиб бўлмайди. Уларнинг ноўрин алмаштирилиши стилистик ғализлик ва ноаниқликни келтириб чиқариши мумкин. Р.Қўнғуров бу ҳолатни ***милтик отди →ўқ узди / милтьиқни отди →қуролнинг ўзини улоқтириб ташлади; бола кўрди →туғди / болани кўрди →кимдир қандайдир болани кўрди; қўл қўйди →имзо чекди / қўлни қўйди →қўлини қаергадир (масалан елкага) қўйди; от қўйди →номлади / отни қўйди →отни боғликдан бўшатди*** **каби мисоллар ёрдамида таҳлил қилади ва бу фарқланишларнинг сабабини тушум келишигидаги сўзнинг ўзи боғланган феълга ниҳоятда зич боғлиниб, қўшма сўз ташкил этганлиги билан изоҳлайди.[11]**

Р.Қўнғуров мумтоз адабиётда, баъзан шеваларда ушбу келишикнинг ***-и/-ы*** **шакллари ёрдамида ифодаланишини қайд этган:** ***Хоним суюкли сочинг вор, на суд шонаси йўқ, / Очиб десам*** *сўзими* ***маърифат нишонаси йўқ*** **(Сўфизода).[12]**

Жўналиш келишиги **кўрсаткичи** ***–га*** **ўзининг** ***–ка, -қа, -га*** **кўринишларига эга ва бу вариантларнинг юзага келиши улар қўшиладиган сўзнинг охири қандай товуш билан тугаганлигига боғлиқ бўлади. Масалан:** ***мактаб+га, юрак+ка, қишлоқ+қа*** **каби. Аммо** ***–га*** **шаклининг қўлланилиши бироз фарқланади. Бу шакл ҳозирги адабий тил меъёрларига мос келмайди ва шунинг учун эски ўзбек тилининг намунаси сифатида бадий матнларда ва халқ оғзаки ижоди намуналарида учрайди:** ***–Ҳақ*** *таолоға* ***шукурким, ўз пушти камаримдан бўлган фарзандларимдан ёлчитмаса-да, сендай шогирд ато қилди... –Мирзо Улуғбек қалтираган қўллари билан Али Қушчини қучоқлаб, пешанасидан ўпди. "Мусофир юртига кетмоқдамен, ўз элимга қайтмоқ насиб бўлурму, йўқму–билмаймен, шу сабаб–китоблар*** *қайға* ***яширилган–билмоғим даркор, дарвеш",–деган гаплари унинг кўнглини вайрон қилди*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).** *Шовқимға* ***ирғийди араби тулпор, / Бораётган шундай давлатли шунқор*** **(Алпомиш) каби. Аммо "Кунтуғмиш" достонидан олинган мана бу парчада** ***–га*** **нинг қўлланилишида сунъийлик бордек туюлади. Бу ноқислик достонни ёзиб олувчининг достон айтувчи тилининг диалектал**

---

[11] ***Қўнғуров Р.*** **Ўзбек тили стилистикасидан очерклар, 58-б.**
[12] ***Қўнғуров Р.*** **Ўзбек тили стилистикасидан очерклар, 77-б.**

хусусиятини тўғри англаб етмаганидан бўлиши мумкин: ***Шаҳзода кўнглида: "Шу қора ё тоғ бўлғай, ё бир қора дарахт эл бўлғай", - деб иккови қўл ушлашиб шу*** *тарафға* ***қараб равона бўлди.***

Жўналиш келишигининг –а, -на кўринишлари бадиий нутққа хосланган бўлиб, бу қисқарган шакл поэтик талаб натижаси билан юзага келади: Базм аро ёзим била туфроққа гоҳ май тўкунг, / Ким эрур ул ҳам яқинким, тўккасиз туфроғима **(Навоий. Баски қон борди), Ул қуёш ҳажрида заъфим ўйладурким, ўлғамен, / Соя тушса ногаҳон бу жисми бетоб** устина **(Навоий. Нилдин беҳол ҳолинг). Бу вариантларнинг шеваларда, масалан, хоразм шеваларида ҳозирда ҳам қўлланилиб келинатёганлиги адабий тил нуқтаи назаридан меъёрнинг бузилишидир. "Алпомиш"даги мана бу мисралар ҳам шевачилик таъсирида бадиий достон матнига кириб келган: Хазон бўлиб боғда гуллар сўлибди, / Шум фалак** бошима **савдо солибди, / Худо дейин, яратганга жилайин, / Ўз** акама **қандай закот берайин.**

Жўналиш келишиги маъноси белгисиз ҳолатда ҳам англашилади ва бу жиҳат сўзлашув ҳамда бадиий услубларга хосланган: Кунларимиз жилғалардай ўтдилар оқиб, / Мактаб бордик **оғир бўлиб қолдик дафъатан (А.Орипов. Ўйларим).**

Ушбу келишикнинг кўмакчилар билан синонимик муносабатга киришиши унинг кўзга кўринарли стилистик аломатларидан биридир. Аммо бу синонимияда услубий фарқлар кўзга ташланади. "-га ли конструкция ҳамма стиллар учун умумий бўлса, томон кўмакчили конструкция кўпроқ илмий стиль, ёзма нутқ учун характерлидир. Сари кўмакчили форма эса, асосан, поэтик нутқ учун хос".[13] Айрим мисоллар келтирамиз: Хоразм Жалолиддин хаёлидек қизиқ туш, / Таъбирга пар бермаса на бир пари, на бир қуш, / Содда Гурлан сари **бор, келар бир босиқ товуш: / "Кўнгилни кўтаргувчи сабони кўрмоқ бўлсанг, / Бор Аму бўйларига, боргин дўстгинам" (О.Матжон. Чорлов).**

Жўналиш келишиги табиатида кўмакчилар билан синонимлик хусусияти мавжуд. Масалан у учун кўмакчиси билан шундай муносабатга киришади: Укамга **китоб олдим -** Укам учун **китоб олдим. У бу ерга дам** олишга **келган - У бу ерга дам олиш учун келган каби.**

Чиқиш келишигининг **грамматик кўрсаткичи –*дан* бўлиб, унинг мумтоз адабиётда ва шеваларда *-дин/-дон, -тан/-тон, -нан/нон* каби кўринишлари мавжудлиги ҳақида илмий манбаларда маълумотлар мавжуд.[14] *-дан* барча функционал услублар учун баб-баравар, аммо унинг –дин вариантида бадиий услуб учун хосланганлик кузатилади: *Топмади ҳиргиз бу Машраб***

---

[13] ***Шомақсудов А. ва бошқ.*** **Ўзбек тили стилистикаси, 87-б.**

[14] **Бу ҳақда қаранг:** ***Ғуломов А.*** **Ўзбек тилида келишиклар // ЎзФА филилали асарлари, II серия, II китоб. – Т.,1941.**

ўз вужудидин ***хабар, / Бир назар қилсангки роҳат топқуси жону таним*** **(Машраб). Бу анъана ҳозирги замон поэзиясида ҳам давом этмоқда: Ватан** севмакдин **ортиқ / Менга оламда шиор бўлмас, / Ватан ишқида ёнган қалб / Билингки, асти хор бўлмас (Ватандир яхши ёр бўлмас).**

Оғзаки нутқда унинг *-тан/-тон, -нан/нон* шаклларининг қўлланилишини рад этиб бўлмагани ҳолда, уни ёзма нутққа олиб киришни ижобий ҳодиса сифатида қараб бўлмайди.

Чиқиш келишиги ҳамда бошқа келишиклар ва кўмакчилар билан юз берадиган синонимия ифодада турли маъно нозикликларининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, у тушум келишиги билан синонимик муносабатда бўлади: *гуноҳи**дан** ўтмоқ/гуноҳи**дан** **кечмоқ** - **гуноҳи**ни **ўтмоқ/гуноҳи**ни **кечмоқ*** **каби. Аммо келишик қўшимчалари ўртасидаги бу яқинлик ҳам уларнинг бемалол алмашиниб қўлланилишига монелик қилади. О.Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романида *дан* нинг *ўтмоқ* билан, *-ни* нинг *кечмоқ* билан қўлланилганлиги бу қўшимчаларнинг ўзи бирикиб келган сўзлардаги семантик оттенкаларни фарқлаш хусусиятлари билан изоҳланади. *Гуноҳидан ўтмоқ* да аниқ бир вазиятдан амалга оширилган фаолият, *гуноҳини кечмоқ* да умуман фаолият назарда тутилади. Шу билан бирга бу бирикмаларни қўллашдаги анъанавийликнинг ҳам таъсири бўлади:** *Агарчи сиз шаҳзоданинг гуноҳидин ўтсангиз... **Ғофил банда,** гуноҳимдан ўтгайсиз, **бону... Бенуқсон парвардигор, бандаи ғофилнинг** гуноҳидин ўтгайсиз, **мавлоно... - Шаҳзода унинг** гуноҳларини кечмайдими***?**

Агар кейинги гапдаги *кечмоқ* феъли унинг варианти *кечирмоқ* билан алмаштирилса, вазият яна ҳам ойдинлашади. *Гуноҳларини кечмоқ, гуноҳларидан кечмоқ* ва *гуноҳларини кечирмоқ* дейиш мумкин бўлгани ҳолда, *гуноҳларидан кечирмоқ* деб бўлмайди: *–Ҳайҳот!– деб хитоб қилди.–Агарчи масала шаҳзоданинг гуноҳларини кечирмоқда **бўлса, юрт осойишталиги йўлида мен сулҳдан бош тортмас эдим.*** **Қиёс учун: *Шаҳзоданинг** гуноҳини кечиргай* **(О.Ёқубов) - *Шаҳзоданинг*** *гуноҳидан кечиргай* **каби.**

Чиқиш келишиги қўшимчаси қаратчич келишиги кўрсаткичи билан синоним бўлиши мумкин. Ў.Хошимовнинг "Тушда кечган умрлар" романидан айрим мисоллар келтирамиз: ***Бултур қайсидир совхозда*** *талабалардан бири* ***сирғаниб, қудуққа тушиб кетибди. Сигирни етаклаб ўтиб кетишаётганида дўкон олдида домино қарсиллатиб ўтирган*** *мужиклардан бири* ***гап отди - Ўқитувчиларнинг муомаласи ўзгариб қолганига,*** *синфдошларининг бири* ***ачиниб, бири ҳавотирланиб қараётганига эътибор бермасликка ҳаракат қилар, дадасидан эса на хат, на хабар бор эди.*** **Матнларда *бир* сўзи таъкиддан ташқари қўшимчалар**

ўртасида синонимияни қувватловчи восита вазифасини бажаради. Бошқа ҳолатларни ҳам кузатамиз: ***Қани*** *шунақалардан ўн минги,* ***боринг, ана мингтаси бўлса!***

Чиқиш келишиги жўналиш келишиги билан ҳам синонимик муносабатда бўлади. Аммо бу синонимия ***кўра, қараганда, нисбатан*** **сингари кўмакчилар воситачилигида амалга оширилади:** ***айтишидан - айтиши бўйича – айтишича – айтишига қараганда.*** **Масалан:** *Хондан кўра* ***биз турган жой Чечиктуга яқинроқ эди*** **(П.Қодиров. Юлдузли тунлар) –** *Хонга нисбатан* ***биз турган жой Чечиктуга яқинроқ эди –*** *Хонга қараганда* ***биз турган жой Чечиктуга яқинроқ эди. Маҳкамнинг босиқлиги эса уни Очилга*** *нисбатан* ***бир неча ёш катта кўрсатарди*** **(П.Қодиров) -** ***Маҳкамнинг босиқлиги эса уни*** *Очилдан* ***бир неча ёш катта кўрсатарди.***

Ушбу келишикнинг кўмакчилар билан синонимияси сезиларли услубий характерга эга. Масалан, ***-билан*** **га синоним. Синонимик муносабатнинг бу кўринишида бироз зўрама-зўракилик бордай туюлади. Бунда** *–дан* **ва** ***билан*** **синонимияси ўзлари биргаликда келаётган сўз таркибидаги грамматик ўзгаришга боғлиқ ҳолда юз беради:** *Ўтириши билан* ***гап бошлади / Ўтиргандан гап бошлади*** **каби.** ***Орқали*** **кўмакчиси ўрин маъносини билдирганда** *–дан* **билан синоним бўлиш мумкин:** ***пахтазор орқали - пахтазор билан - пахтазордан.*** **Гарчи улар синонимик муносабатга киришиб, ҳаракат йўналишини умумий маънода кўрсатса ҳам, маълум стилистик нозикликларга эга.** ***Пахтазордан*** **дейилганда ҳаракатнинг бевосита бошланиш нуқтаси тушунилади,** ***пахтазор орқали*** **дейилганда эса ҳаракат пахтазордан эмас, балки бошқа жойдан бошланиб, пахтазорни ҳам қамраб олганлиги маъулм бўлади. Сабаб муносабатлари англашилганда** ***учун*** **кўмакчиси ҳам синоним бўлади:** ***У кўп*** *ўқигани учун* ***кўп билади У кўп*** *ўқиганидан* ***кўп билади. Ёрмат шаҳардан пиёда қайтиб, ўлгудай*** *ҳоригани учун,* ***ҳамма отларга Йўлчи қаради (Ойбек) - Ёрмат***

шаҳардан пиёда қайтиб, ўлгудай *ҳориганидан****, ҳамма отларга Йўлчи қаради.***

-дан **қўшимчасининг нутқда туширилиб қолдирилиши адабий тил учун меъёрий ҳолат эмас. Аммо сўзлашув услубида бу камчилик кўзга ташланиб туради. Масалан, "Ойсулув" достонида** ***–дан*** **тушиб қолган ҳолат кўп учрайди ва бу ҳам же-ланувчи шеванинг, яъни достон айтувчи лаҳжасининг достон тилига таъсири натижасида содир бўлгандир:** ***борган сўнг, отган сўнг, бўлмаган сўнг, келган сўнг, қайтган сўнг, кетган сўнг*** **каби.** ***Булар*** *кетган сўнг* ***Офтобой Кунботирнинг тулпорини, эгар-абзалини, ёв-яроғини олиб, ўзининг сайрибоғ қилиб ўйнаб келадиган гулшан боғига жўнатди.***

Ўрин келишиги кўрсаткичи ***–да*** **ҳам барча функционал услублар учун умумий саналади ва сўзлашув услубидаги кўриниши** ***–та*** **ни истисно қилганда асосан шу шаклда қўлланилади. Ушбу келишик қўшимчасидан бадиий услубда фойдаланиш айрим ўзига хосликларга эга. Масалан, сўз ўзаги ва қўшимча орасида битта** ***–н*** **товуши орттирилади:** ***Сурхонингда анор гули каҳрабодиур, / Ёбонингда бодомларинг талх ғизодир, / Қовун-тарвуз*** *қурсоғинда* ***селитродур, / Кимлар сени бемор этди, / Табиатингни хор этди*** **(О.Ҳожиева. Дардлашув).** ***–н*** **товушининг орттирилиши қадимги туркий тилда ҳам мавжуд бўлган.**

Ўрин келишиги қўшимчаси айрим кўмакчилар билан синонимик муносабатга киришади. У восита, ҳолат, биргалик сингари маъноларни англатиш баробарида *билан* **кўмакчисига синонимик муносабатда бўлади:** ***Қишлоқдан*** *машина билан* ***келдим / Қишлоқдан*** *машинада* ***келдим*** **ва бунда восита оттенкасини ифодалайди;** ***Эртага нима бўлар экан, деган*** *хаёл билан* ***кун бўйи ўйланиб юрдим / Эртага нима бўлар экан, деган*** *хаёлда* ***кун бўйи ўйланиб юрдим.*** **Ҳатто мана бу:** ***Қаландаров бир ҳафтанинг*** *ичида* ***ҳамма расм-русумни жойига қўйиб, Ҳуринисони никоҳлаб олибди*** **мисолидаги** *ичида* **сўзини** *ичи билан* **га алмаштириш мумкин.**

У поэтк услубга хос бўлган ***узра*** **кўмакчиси билан ҳам синоним бўлади:** ***Хок деди: Эй Ер, жаҳон тупроғи бошим*** *узра-ку, /* ***Ер деди: Ҳаёт ғамининг тоғи бошим*** *узра-ку, /* ***Сўрсалар бу ҳол сирин инсон умридан, ул деди: / - Иккисининг ҳам ахир сўроғи бошим*** *узра-ку* **(О.Матжон. Тўртлик).**

А.Ғуломов ва Р.Қўнғуровлар унга боғловчи сифатида қарашади: "-*да.* V боғловчи, бундай вақтда у *ва, ҳам* боғловчилари билан синонимик муносабатда бўлади (маъно

оттенкасида фарқ бор): *…келди/да кетди // …келди ва кетди; келса/да ишламади // келса ҳам ишламади*".[15]

От сўз туркуми доирасида қараладиган субъектив баҳо шаклларида ҳам модаллик муносабатлари мавжуд. Бу каби кичрайтиш маъносини билдирувчи *-ча, -чоқ, -лоқ,-чиқ,-чак;* эркалаш оттенкасини берадиган *-гина/-кина/-қина, -хон, -жон, -бой, -бек, -қул, -той, -ой, -бека, -бекач, -пошшо, -биби, -пари, -бону, -нисо;* кучайтирув, катталаштириш, улуғлаш, тантанаворликни ифодаловчи *–он, -кон, -вор, -гон, -дон* каби қўшимчалар ва аффиксоидлар, камситиш маъносини ҳосил қилишнинг йўллари хусусида Р.Қўнғуровнинг "Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари" асарида батафсил илмий мулоҳазалар баён этилгани сабабли масаланинг бу жиҳатига тўхталиб ўтирмаймиз.

Р.Қўнғуров ушбу монографиясида субъектив баҳо маъносининг фонетик, лексик, лексик-грамматик усуллари ҳақида мулоҳаза юритиб, бу шаклларнинг ҳамма кўриниши ҳам, асосан оғзаки нутқ учун хос бўлган ҳодисалар эканлигини, бадиий асар тилида тез-тез учраб турувчи бу каби шаклларнинг аслида оғзаки нутқ учун хос бўлганлигини таъкидлайди ва субъектив баҳо формаларининг стилистик қиймати уларнинг турли хил маъно нозикликлари ҳосил қилиши, баҳолаш моментига эга эканлиги билангина чегараланмаслиги, бу формаларнинг стилистик хусусияти ҳақида гапирганда ҳам уларнинг ўзи учун нотипик контекстда ишлатилиши, уларнинг функционал стиллар нуқтаи назаридан характеристикаси, ўрни билан субъектив баҳо формаларининг синонимияси масалалари ҳақида ҳам сўзлаш лозимлигини айтиш баробарида масаланинг ана шу жиҳатларини ҳам атрофлича таҳлил этади.[16]

От сўз туркумига оид стилистик ресурслар ҳақида сўз юритилар экан, ўзбек тилшунослигида грамматик шакллар ўртасидаги синонимик муносабатларнинг йирик тадқиқотчиси бўлган проф. Ё.Тожиевнинг тадқиқотларига ҳам тўхталмасдан ўтолмаймиз. Олим фақатгина шахс оти ясовчи *–чи* қўшимчасининг *–гар (сеҳрчи-сеҳргар, ҳолвачи-ҳолвагар), -кор (хизматчи-хизматкор, пахтачи-пахтакор), -каш (жувозчи-жувозкаш, аравачи-аравакаш, пиллачи-пиллакаш), -шунос (тилчи-тилшунос, тарихчи-тарихшу-нос), -фуруш (эски-эскифуруш, дўппичи-дўппифуруш), -соз (машиначи-машинасоз, самолётчи-самолётсоз), -паз (сомсачи-сомсапаз, ҳолвачи-ҳолвапаз, кабобчи-кабобпаз), -гўй (қасидачи-қасидагўй, маслаҳатчи-маслаҳатгўй), дўз (этикчи-этикдўз, ямоқчи-ямоқдўз), -боз (қушчи-қушбоз, каптарчи-*

---

[15] *Ғуломов А., Қўнғуров Р.* Ўзбек тилининг морфем луғати.- Т.: Ўқитувчи, 1977, 410-б.

[16] *Қўнғуров Р.* Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Т.: Фан, 1980, 61,49-бетлар.

каптарбоз), -дор (ижарачи-ижарадор), -хўр (қасамчи-қасамхўр), -хон (муштумчи-муштумхон), -дон (сиёсатчи-сиёсатдон), -навис (ғазалчи-ғазалнавис, қасидачи-қасиданавис, ҳикоячи-ҳикоянавис) **ҳамда рус тили ва у орқали кириб келган *–ист (тракторчи-тракторист, футболчи-футболист), -ер/-ёр (гримчи-гример), -(и)онер (пенсиячи-пенсионер), -ант (музикачи-музикант), -граф (фоточи-фотограф), -атор (эксплуатациячи-эксплуататор), -ик/авик (фронтчи-фронтовик, прозачи-прозаик, сатирачи-сатирик), -шик (сваркачи-сваршик, эксковаторчи-эксковаторшик), -он (почтачи-почтальон), -смен (спортчи-спортсмен), -лог (рентгенчи-рентгенолог)*** [17] сингари қўшимчалар, яна бу қўшимчаларнинг ўзаро синонимик муносабатда бўлишини ва бу муносабатларда вужудга келадиган услубий нозикликларни таҳлил қилиш билан ўзбек тилидаги морфологик кўрсаткичларнинг услубий имкониятлари нақадар кенг эканлигини амалда исбот қилиб берди.**

“Бизнингча, - деб ёзади олим. – ҳар қандай аффикснинг маъно доирасини белгилашда икки нарсага эътибор қилиш керак: биринчидан, аффикснинг қанлай ўзакка қўшилаётганлигига қараб, унинг маъноларини белгилаш керак бўлса, иккинчидан, шу аффикснинг синонимларини келтириш орқали белгилаш керак. Бу иккала нарсани ҳисобга олмасдан туриб, аффиксларнинг маъно хусусиятларини тўла белгилаш мумкин эмас.

Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, *-чи* аффиксининг маъносини унга синоним бўлиб кела олиши мумкин бўлган аффиксларнинг ва уни маъно жиҳатдан қоплайдиган бошқа воситаларнинг миқдори билан белгиланиши мумкин. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *–чи* аффикси 20 дан ортиқ шахс отлари ясовчи аффикслар билан синоним бўлиб кела олади”.[18]

-чи **қўшимчасининг истеъмолда бўлиш имконияти бошқа манбаларда ҳам таъкидланган.[19] Биз уларга ана шу имкониятнинг яна бир қирраси – услубий бўёққа эгалик ёки эга эмаслик нуқтаи назаридан ёндошиб кўрамиз. Унинг қўлланишидаги биринчи йўналишни олиб қарайлик: *китоб+ча, стол+ча, қалам+ча* каби. Бу ерда у сўзлар таркибида услубий бўёқнинг вужудга келишига хизмат қилаётган эмас. Бир предметнинг иккинчисига нисбатан ҳажм жиҳатдан кичиклигини кўрсатмоқда, холос. Демак, у, энг аввало, ўзбек тилида**

---

[17] **Мустақиллик шарофати ва ижтимоий-сиёсий тузумнинг ўзгариши билан бу каби сўзларнинг қўлланиш имконияти тобора камайиб бораётганлигини ҳамда *–чи* қўшимчасига ўз ўрнин бўшатиб бераётганини таъкидлаймиз.**

[18] ***Тожиев Ё.*** **Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синонимияси. – Тошкент, 1987, 13-14-бетлар.**

[19] **Бу ҳақда қаранг: *Ғуломов А., Тихонов А., Қўнгуров Р.* Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент, 1977, 442-бет.**

кичрайтириш маъносини ифодаловчи морфологик кўрсаткич сифатида баҳоланади. Аммо қўшимчанинг қўлланиш кўлами кенгая боргани сари унинг морфологик-услубий имкониятлари ҳам кенгайиб бораверади.

Аффиксни иккинчи йўналишда кузатамиз: *ука+ча, жиян+ча, сингил+ча, бола+ча* сингари. Аслида бу сўзларнинг ўзагидан кичиклик маъноси англашилмоқда. Чунки айтилиши биланоқ онгимизда уларнинг *ака, тоға, опа, катта* сингари ботиний оппозицияси шаклланади. Шунинг учун ҳам *–ча* қўшилгач, бу сўзларда эркалаш оттенкасига эга бўлган ижобий услубий бўёқ шаклланади. Нуткда аксинча бўлиши ҳам мумкин. Буни учинчи йўналишда кузатамиз: *эркак+ча, ойим+ча, отин+ча, хотин+ча, Салим+ча* каби. Сўзларнинг *-ча* билан бу бирикишларида матний вазиятга қараб камситиш, илтифотсизлик, назарга илмаслик, менсимаслик, пичинг ва, ҳатто, ҳақорат сингари салбий услубий оттенкалар вужудга келади.

Айтилганлар от сўз туркумининг функционал-стилистик имкониятлари сўз туркумлари орасида анча кенг эканлигидан далолат беради.

Адабиётлар

1. ***Абдуллаев А.*** **Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Т., 1983.**
2. ***Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш.*** **Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Фан, 1973.**
3. ***Ғуломов А.*** **Кўплик категорияси. – Т., 1944; Ўзбек тили грамматикаси, I том. – Т., 1975.**
4. ***Ғуломов А.*** **Ўзбек тилида келишиклар // ЎзФА филилали асарлари, II серия, II китоб. – Т.,1941.**
5. ***Ғуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р.*** **Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент, 1977.**
6. ***Зулфиев Я.*** *–лар* **аффиксининг сўз таркибида қўлланиш хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 5-сон.**
7. ***Тожиев Ё.*** **Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синонимияси. – Тошкент, 1987.**
8. ***Шомақсудов А. ва бошқ.*** **Ўзбек тили стилистикаси.**
9. ***Шомақсудов ва бошқ.*** **Ўзбек тили стилистикаси. – Т.,1983.**
10. ***Қўнғуров Р.*** **Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд, 1975.**
11. **Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Т.: Фан, 1980.**

Тўртинчи маъруза **:**

СИФАТ, СОН, ОЛМОШ СТИЛИСТИКАСИ

Р е ж а:

1. Сифат туркумига оид сўзларнинг стилистик хусусиятлари:

-поэтик матн;

-поэтик аниқловчилик хусусияти;

-доимий ва метафорик эпитетлар;

-сифатлар синонимияси;

-сифат даражалари стилистикаси.

2. Сон туркумига оид сўзларнинг стилистик хусусиятлари:

-*бир* сўзининг стилистик хусусиятлари;

-сонларда рамзийлик, қўлланишдаги анъанавийлик;

-нумератив лар ва сонга оид аффикслар синонимияси.

3. Олмош туркумига оид сўзларнинг стилистик хусусиятлари.

-умумлаштирувчилик хусусияти ва танланиш имконияти;

-қўлланишдаги вазифавий чегараланишлар;

-ҳар бир турнинг ўзига хос стилистик хусусиятлари;

-олмошлар синонимияси.

Сифат стилистикаси. *Ўзбек тилидаги бошқа сўз туркумларида бўлгани каби сифатларда ҳам стилистик ресурслар мавжуд. Уларни шартли равишда иккига бўлиб қарашимиз мумкин. Эмоционал-экспрессив оттенкага эга бўлган ва матнда эпитет вазифасини ўтайдиган алоҳида сўзлар биринчи гуруҳни ташкил этса, сифат ясовчи ёки унинг даражаларини белгиловчи морфологик кўрсаткичлар иккинчи гуруҳни ташкил этади.*

Шундан келиб чиқиб, сифатлардаги стилистик ресурсларни уч йўналишда – эмоционал-экспрессив моттенкалари мавжуд бўлган лексик бирликлар, синонимияни вужудга келтирадиган морфологик кўрсаткичлар ва сифатларнинг функционал услублар доирасида чегараланиши нуқтаи назаридан ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Масалан, сифатнинг орттирма даражасини кўрсатишда *ажойиб, беҳад, бениҳоя, бир, бирам, гўзал, жуда, зап, нақ, нақадар,*

не-не, ниҳоят, ниҳоятда, тағин, тим, чексиз, энг, яна, янада, яна ҳам, ғоят, ғоятда; **озайтирма даражасини кўрсатишда эса *айтарли, ним, оч, сал, унча, унчалик у қадар эмас, хиёл, хийла, эмас, ярим* каби махсус сўзлар иштирок этади. Булар орасида *беҳад, бениҳоя, беқиёс, ниҳоясиз, ним, хиёл, не-не, ғоят* сўзларида бадиийлик кучлидир. Мисоллар: *На бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам, / Лабинг япроғидан томганки гўё қатра бол бўлсам* (Ҳ.Олимжон. Ғазал), *Бир лаҳзали дил айёмидан, / Сира сўнмас ширин боқишинг* (Зулфия. Висол байрами), *Шунда шивирлар менга кафтда қолган чимдим қум, / Хоразм бир ширин туш, гар они кўрмоқ бўлсанг, / Қол Аму бўйларида қолгин дўстгинам* (О.Матжон. Чорлов).**

Қип-, сап-, қоп- **кучайтирувчи воситалар ёрдамида ясалган *қип-қизил, сап-сариқ, қоп-қора* сингари сифатларда ҳам экспрессив-эмоционал оттенка мавжуд.**

Сифат ясовчи қўшимчалар экспрессияси стилистик жиҳатдан ранг баранг. Масалан, *-боз (ишқибоз), -хон (китобхон), -хўр (ароқхўр), -шунос (тилшунос), -соз (машинасоз)* лар асосан нейтрал бўлгани ҳолда *–симон, -намо, -сифат, -параст* каби ясовчилар китобийлиги билан фарқланади ва бу аффиксоидлар билан ясалган сифатларда экспрессивлик мавжуд. Шунинг учун бўлса керак О.Ёқубов бу қўшимча ёрдамида ясалган *қуббасимон, ойсимон* эпитетларига «Улуғбек хазинаси» романида тез-тез мурожаат қилган: *Хуршида бону уни тирноғининг учи билан кўчириб олди, лекин оғзига солишдан олдин, кўнгли бир хил бўлиб, зеб-зийнатларга тўла чароғон хонага, шифтдаги олтин қандилга, нозик ўймакорлик билан ишланган қуббасимон токчалардаги мунаққаш идишларга бир-бир тикилди. Лекин ойсимон эгри қиличларини ўйнатиб, устига бостириб келаётган икки суворийни кўриб, ҳушини йиғди.*

-намо **ёрдамида ясалган эпитетлар эса китобийлик оттенкасига эга: *Воажабо! Бу телбанамо дарвеш не дейди?* Шунинг учун ҳам у айрим сўзлар таркибида ўзакка мустаҳкам боғланиб, ажратиб бўлмайдиган ҳолатга келган ва отлашган: *Нақшбандийлар жамоасининг раҳнамоси жаноб Низомиддин Хомуш янглиғ дин пешволарининг домига илиниб қолди.* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).**

-сифат **аффиксоиди ёрдамида образли, бадиий услубга хосланган эпитетлар юзга келади: *мажнунсифат, девсифат, занжисифат, қароқчисифат* каби. *Бу жунунсифат девона тилланинг дарагини қайдин эшитди? Уни бу ерга ким юборди?* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).**

-параст **ёрдамида ҳам ана шундай эпитетлар ҳосил қилинади. Масалан: *О, инсоф нелигин билмаган шаҳватпараст ҳоқон!* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси), *Булар рус оппозициячилари***

эди, бети йўқ *мансабпараст-шуҳратпарастлар* ***эди.*** **(Т.Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди).**

Худди шу каби ҳолатларни экспрессивлик оттенкаси бўлган *нотавон, нодон, нокас, ноёб, нотекис* сифатларига нисбатан айтишимиз ҳам мумкин. Бу экспрессиф *бе-* ёрдамида ясалган *бетавфиқ, бебақо, беҳузур, бетоб, беҳаё, беҳуда, беозор, бенасиб; бад-* орқали шаклланган *бадфеъл, бадхулқ, баднафс, бадбўй, бадном* каби сифатларда ҳам бор.

Сифат ясовчи пассив қўшимчалар сифатида қараладиган *-вор, -кор, -қин/-гин/-ғин, -он* элементларида китобийлик оттенкаси, бинобарин эксперссивлик мавжуд: *улуғвор, тантанавор, мардонавор, фусункор, шиддаткор, нақшинкор, тошқин, шошқин, ғамгин, сўлғин, чароғон, заъфарон, нурафшон, дарахшон* каби.

Мисоллар сифат кўрсаткичлари модаллик муносабатларини юзага келтиришга ҳам хизмат қилишини кўрсатади. Бу модаллик *-гина/-кина/-қина* қўшимчаларида айниқса сезилади: *Бу ерда эса... қора мовут чакмони озғин танасида қопдай шалвираган,* *нимжонгина* ***бир кимса оёқлари остида юмалаб ётарди. Мирзо Улуғбек чакмонининг қўлтиғидан* *озгина* ***тивит юлиб, пилик ясади*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).**

Ушбу ясалган сифатлардаги нейтраллик ва экспрессивлик қўшимчалар туфайли услубий чегараланишлар содир этаётганлигини сезиш мумкин. Кўринадики, сифат ясовчи қўшимчаларнинг асосий қисми умумистеъмолдаги бирликлар бўлиб, сўзлашув услубида фаол ишлатилса-да, *-дор, -кор, -омуз, -парвар, ба-, но-* лар адабий тилда сўзлашувчилар нутқида, *-ий, -вий, -ган, -симон, -он, -ик, ив, -ал, -шунос* элементларининг илмий, оммабоп ва расмий услубларда бирмунча фаоллиги сезилади. Улар бу услубларда атамалар ясашга хизмат қилади. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчидан, ҳар бир фан соҳасида алоҳида атамали бирликлар ясайдики, бу ҳам уларнинг функционал хусусиятларидан далолат беради. Фикримиз асосли бўлиши учун айрим фанларга оид атамаларни келтирамиз.

Иқтисодиёт соҳасида: *-ик: аналитик ёндашув, аналитик машиналар, демократик тузум, диалектик боғлиқлик, математик аппарат, математик методлар, математик таҳлил, математик таъминлаш, математик усуллар, монополистик бирлашма, статистик маълумот; -ив: коллектив қарор, корпоратив шакл, норматив ёндашув, объектив асос, объектив қонун, объектив шарт-шароит, пассив ижрочи, субъектив қарор* (Р.Валижонов. Менежмент асослари)

Биология соҳасида: *-ик: ароматик моддалар, биосинтетик функция, генетик ахборотлар, меристематик тўқима, осмотик босим, осмотик иш фаолияти, осмотик муносабат,*

паренхиматик-юмалоқ ҳужайралар, прозенхиматик-чўзиқ ҳужайралар, систематик белги, соматик бўлиниш, соматик ҳужайралар, спазматик нурланиш, фотосинтетик крахмал, цитопластик компонентлар, эграстик моддалар, эластик оқсил, эластик пўст, эндоплазматик тўр, энергетик марказ; -ив: вегетатив ҳужайра, вегетатив тана, пигментатив таркиб, радиоактив нур, ферментатив актив, ферментатив жараён **(С.Мустафаев. Ботаника).**

Оммабоп услубда: *-ик: аналитик химия, генетик устунлик, дипломатик манбалар, либерал-демократик партия, энергетик ресур* («Zarafshon»)

Кўздан кечирилган «Zarafshon» газетаси матнларида *–ив* қўшимчаси ёрдамида ясалган сифатлар кўзга ташланмади. Аммо *–вий* билан ясалиш фаол эканлиги маълум бўлди ва бу ҳол кейинги ўн йилликлардаги тилимизда кечаётган ўзгаришлар ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқдир. Масалан: *тарбиявий, маънавий, маърифий, оммавий, конституциявий, анъанавий, ноанъанавий, замонавий, дунёвий, афсонавий* каби.

Илмий матнлардан ҳам айрим мисоллар келтирамиз: *Ҳужайравий* ***тузилишга эга ўсимликлар гуруҳига танаси мураккаб тузилишга эга бўлган тубан ва юксак ўсимликлар киради. Цитоплазманинг*** *химиявий* ***таркиби ниҳоятда хилма-хил. Бошқарув аввало бажариладиган ишларнинг ҳажми ва турини аниқлаш, ходимлар ўртасида тақсимлаш, ресурсларни етказиб бериш, ҳисоб-китоб ва*** *молиявий* ***натижаларни шакллантириш улардан фойдаланишни кузатиб бориш ва назорат қилиш демакдир.*** *Синфий, носинфий замонавий* ***бошқариш мактабларини шаклланиш шартлари ва унинг ҳозирги даврда кенг қўлланиладиган турларини тавсифлаш*** **каби.**

Бадиий услубга хосланишни эса *–лик* қўшимчасининг *–лик, -лиғ, -луқ, -луғ* вариантларида кузатамиз: *Эй Навоий дард тоғинда соғинғай лолазор / Боққан эл ҳам тоза қонлиқ, ҳам қаролиғ доғима* (Навоий. Баски қон борди), *Шоҳигул эрмас бу ўтлуғ / Юзларинг ҳижронида / Интизор боғ кўксида / Чиққан фиғону оҳи гул* (Э.Воҳидов. Шоҳигул), *Қулоқ тут саҳфалардан нола-ю ўтлуғ фиғон бирлан, / Садо келгай Ироқу, Шому, Ҳинлу, Рум, Фарангдан* (Э.Воҳидов. Хазина).

Чароғон, шодон, заъфарон **каби сўзлар таркибидаги *–он* қўшимчасида ҳам бадиий услубга алоқдор чегараланганлик сезилади. Албатта, бундай аффикс қўшилган сўзларнинг семантик маъносини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Чунки «ҳар бир аффикс ифодалаган конкрет эмоционал-экспрессив маъно оттенкалари улар қўшилган сўзнинг семантик хусусияти билан**

чамбарчас боғлиқ ҳолда рўёбга чиқади».[20] Масалан: *Сўнг бу ифлос зафардан, / Улар шодон юрдилар. / Оламда мард йўқ экан, / Бизлар мардмиз дедилар* (О.Матжон. Мардга марсия), *Бошидаги тождор телпаги бир томонга оғиб кетган, кўзлари қинидан чиқаёзган шаҳзода гандираклай-гандираклай чароғон хонага кирди* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

***Чиркин, оташин* каби сўзлардаги *–ин* қўшимчаси тўғрисида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. *Ботир фирқа Ражабовдай оташин бир коммунист холидан... эзилди! Оташин коммунист ҳолидан... куюнди! Оқибат, ўзини кўз-кўз этиш, оташин нутқлар сўзлаш — қайта қурувчи демократлар учун тасалли-таскин бўлади.* (Т.Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди).*Гўё у кутубхонага эмас, бу чиркин оламдан тамом бошқа, ҳаётнинг икир-чикир ташвишларидан йироқ, мусаффо бир дунёга парвоз қилган эди...* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).**

***Ғамгин* сўзининг синоними бўлган *ғамнок* бирлиги ҳам бадиий услубда ишлатилади: *Аламда тутоқиб дарахтга кўчди, / Куртакни уйғотиб сўйлади ғамнок* (Зулфия. Баҳор келди сени сўроқлаб).**

Сифатларнинг даражаланиш хусусияти уларда стилистик оттенкаларнинг мавжудлигидан далолат беради. Белгининг, сифатнинг кўплиги, ҳаддан ташқари ортиқлиги, ниҳоятда муҳим эканлиги ёки аксинча, камлиги, унчалик аҳамиятли эмаслиги, қатъий ифода этиб, фарқланиб турмаслиги - буларнинг ҳаммаси сифатлардаги семантик-стилистик маъно оттенкаларини ажратишга хизмат қилади.

Ўзбек тилида ана шу белги-хусусиятларни кўрсатиб турадиган махсус грамматик белгилар мавжуд ва бу белгилар ўрни билан ўзаро синонимик муносабатда бўлади.

Масалан, сифат даражаларини кўрсатувчи *–ли* билан *-сиз, бе-, но-, сер-; -ли* билан *–ган (ўқимишли-ўқиган); ли* билан *–лик (ёзги-ёзлик, қишки-қишлик); -ги* билан *-даги (ёзги-ёздаги, баҳорги-баҳордаги, кузги-куздаги, қишки-қишдаги), -к* билан *-ган (чирик-чириган), -ма* билан *-ган (сузма-сузилган), -ма* билан *-диган, -лайдиган (ғирчиллама-ғирчиллайдиган, қирчиллама-қирчиллайдиган), -кир* билан *-ағон (чопқир-чопағон), -ли* билан *-манд (ҳунарли-ҳунарманд), -намо* билан *-га ўхшаш (олимнамо-олимга ўхшаш), -симон* билан *-га ўхшаш, каби, сифат (маймунсимон-маймунга ўхшаш, маймун каби, маймунсифат)* ўртасида, улар билан сифатнинг айрим аналитик шакллари ўртасида ҳам функционал чегараланишларини келтириб чиқариш мумкин бўлган синонимик муносабатлар мавжуд. Аммо уларнинг бу муносабати стилистик талаблар даражасида

[20] Ўзбек тили лексикологияси, 169-б.

турличадир. Масалан, *қишки кийим - қишдаги кийим - қишлик кийим* бирикмаларининг семантик мавқеи бир хил эмас.

Ўзаро вариантлар ҳосил қиладиган *-дай,-дек, -дайин* қўшимчаларида услубий чегараланишлар кўзга ташланади. *–дай* барча функционал услублар учун баравар бўлса, бу гапни *–дек* ва *–дайин* ҳақида айтиб бўлмайди. *–дек* нинг китобий услубга, *-дайин* нинг сўзлашув услубига хослангани кузатилади. *–дек* бадиий матнларда жуда ҳам фаол: *Сочлари оппоқ оқарган, юзларини қат-қат ажин босган бу муштдеккина кампирнинг нигоҳи чексиз меҳрга, унсиз бир изтиробга тўла эди* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Жонли халқ услубида ижро этилган достонлар тилида *–дайин* кўп ишлатилади: *Ғам билан саргайиб гулдайин дийдор, / Бир нечалар ўз ҳолидан бехабар,* (Алпомиш), *Туйғундай суратинг, лочин юракли, / Шердайин қайқирган, арслон билакли* (Кунтуғмиш). *–дак* қўлланилиши эса сўзлашув услубида ҳам, бадиий услубда ҳам чегараланиб қолган: *Қаландар қалин жингадак соқолини силаб, мийғида кулимсиради. Ҳа, ҳа, токчада, унинг зеб-зийнатлари солинган тилла қутичасида, узукнинг кўзига яширинган мошдаккина оғу бор* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Қўшимчанинг *-доғ* варианти бадиий услубга хосланган: *шундоғ, қандоғ, мундоғ, ушмундоғ* каби.

Сифатнинг орттирма даражасини кўрсатадиган морфологик ва лексик воситалар предметлардаги белги-хусусиятнинг меъёрдан ортиқлигини турли йўллар билан ифода этади ҳамда бунинг натижасида бирликлараро синонимик муносабат вужудга келади. Масалан: *дум-думалоқ пак-пакана, кап-катта, сап-сариқ, қип-қизил, сип-силлиқ, қоп-қоронғи, ям-яшил* сўзларидаги морфологик-фонетик йўл билан ҳосил қилинган интенсив шакл сифатдаги белги-хусусиятнинг меъёридан ортиқ эканлигини кўрсатмоқда. Ана шу ортиқликни бу ўринда *жуда, ўта, ғоятда, ниҳоятда* каби лексик воситалар ёрдамида ҳам юзага келтириш мумкин. Масалан: *дум-думалоқ - жуда думалоқ, ўта думалоқ, ғоятда думалоқ, ниҳоятда думалоқ; кап-катта - жуда катта, ўта катта, ғоятда катта, ниҳоятда катта* каби. Аммо масаланинг нозиклиги шундаки, бу ўзаро ўрин босишлар умумий маънодадир. Стилистик жиҳатдан олиб қараганда эса улар бир хил қийматда эмас.

Айрим мисолларни таҳлил қиламиз. *Кап-катта бола ҳар куни сийиб қўяди, деб нолигандан кўра ётар чоғи қовуғини жиндай ёғлаб қўйса-ку, олам гулистон!* (Ў.Хошимов. Тушда кечган умрлар). *Ўғлининг болалик чоғларидагина эмас, Али Қушчи кап-катта йигит бўлиб, улоқ, пойга ва човгон ўйинларига қатнашиб юрадиган пайтларида ҳам Тиллабиби унинг орқасидан қолмас, гоҳо: 'Эҳтиёт бўл, бўталоғим!" деб қичқирганча асов отлар орасига кириб кетар эди* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Мисоллар

олинган ҳар икки роман матнида ҳам *кап-катта* нинг синонимлари сифатида қаралган *жуда катта, ўта катта, ғоятда катта, ниҳоятда катта* бирикмалари учрамади.

Гарчи, илмий ва расмий услубларда белгининг ортиқлик даражасини кўрсатиш фаол бўлмаса-да, уларга оид матнларда қуйидаги гапларда қўлланган: *Жумладан, маъмурий-буйруқбозлик, тўрачилик тизимининг ўзагини ташкил этган, марказдан туриб режалаштириш тизими мустаҳкамлиги ва бузилмаслигининг ифодаси бўлган давлат режа қўмитаси, давлат таъминот қўмитаси, давлат нархлар қўмитаси ва бир қатор вазирликлар ҳамда жуда катта маъмурий аппаратлар тугатилди; Энг катта камчиликлари «инсон омилига» етарли эътибор бермаслик, инсон хулқи, мотивлар ҳақидаги тасаввурнинг саёзлигидир.* (Р.Валижонов. Менежмент асослари). *Ҳозир фарзандларининг энг каттаси лицей талабаси, ўша жаҳлдор эр марказдаги обрўли ўқув муассасаларининг бирида раҳбарлик қилади* («Zarafshon»). Аммо мисоллардан шу нарса англашилмоқдаки, улар каттани яна катта қилиб кўрсатиш мақсадида қўлланилмаган, балки биринчи мисолдаги *жуда* бошқарув аппаратида ишлайдиганлар қаерда сон жиҳатдан кўп бўлса, ўшалар орасидан энг кўпи танлаб қисқартирилганини кўрсатишга; иккинчи мисолда *энг* қиёс маъносида келиб, кўзга ташланиб турган камчиликлардан муҳимларини англатишга; учинчи мисолда эса у *фарзандларнинг каттаси* жумласидаги маънони бўрттиришга хизмат қилаётгани маълум бўлади.

Кўринадики, уларни фақат умумий лексик фонда маънодош сифатида қараш мумкин. Аммо матнда уларнинг стилистик маънолари кескин фарқланмоқда. Шу фарқлар мавжудлиги учун ҳам юқридаги мисолларда *кап-катта бола, кап-катта йигит* бирикмаларини *жуда катта бола/йигит, ўта катта бола/йигит, ғоятда катта бола/йигит, ниҳоятда катта бола/йигит* билан алмаштириш стилистик жиҳатдан мутлақо мумкин эмас. Чунки буларнинг бирортаси ҳам юқридаги гапларда *кап-катта* ифода этган субъектив муносабатни бера олмайди.

С.Мустафаевнинг «Ботаника» асарида орттирма даражани ифодалашнинг халқ тилига хос бўлган варианти қўлланган ва бу қўлланиш стилистик жиҳатдан ўзини жуда оқлайди: *У одатда шунчалик катта бўладики, кўпинча ҳужайра умумий ҳажмининг 70—90 % ини эгаллайди.*

Ранг билдирувчи сифатлар даража кўрсаткичлари стилистикасида ҳам қизиқарли ҳолатларга дуч келинади. Уларнинг кўпроқ бадиий ниятга хизмат қилганлигини кузатамиз. Агар Ў.Хошимовнинг «Тушда кечган умрлар» асаридаги *Қозон тўла сап-сариқ палов кўринди* гапида *сап-сариқ* шунчаки белгининг ортиқлигини кўрсатган бўлса, Т.Муроднинг «Бу

дунёда ўлиб бўлмайди» романида у стилистик вазифа адо этган: *Уфқларга туташ чўл. Сап-сариқ чўл. Бийдай чўл. Ана шу сап-сариқ чўл қўйнида гимн янгради*. Чўлни кўз олдимизга келтирайлик. Унинг *бийдай, сап-сариқ* сингари тасвирий воситалар билан берилиши тасаввуримизни яна ҳам ойдинлаштиради. Айни пайтда шундай бир вазиятда гимннинг чалиниши ва уни чалишнинг мажбурият сифатида қабул қилиниши энсани қотиради. Чўл ва гимн. Улар кишининг руҳияти ва тасвирланаётган воқелик нуқтаи назаридан қарама-қарши қутбда турибди. Уларга берилган *бийдай* ва *сап-сариқ* сифатлари эса айнан ана шу қарама-қаршиликни кучайтирувчи, ёзувчи юрагидаги иронияни бера олувчи стилистик воситага айланган.

Шунингдек, *қип-қизил* сифати ҳам бадиий матнларда экспрессивлик учун хизмат қилади. Ў.Хошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романида бу сўз эпитет сифатида 7 марта қўлланган: *Ҳар йили сомоншувоқ қилинавериб қалин тортиб кетган томлар устида қип-қизил лолақизғалдоқлар, мунис чучмомалар очилар, қишлоқ этагида ёйилиб оқаётган Қонқус олисдан жигарранг илондек тўлганаётгани кўзга ташланарди. Бир тепган эди, тарвуз паққа ёрилиб, шимининг почасига қип-қизил шарбат сачради*.

Юқоридаги мисолларда у белгининг ортиқлигини кўрсатиш баробарида эстетик завқни қўзғатувчи стилистик воситага ҳам айланган бўлса, Т.Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» асарида у нафратланиш, масхаралаш оҳангини пайдо этувчи поэтик восита сифатида намоён бўлади: *Мана шу қип-қизил билет бизга ҳаёт ҳадя этибди! Шугина билет-а' Демак шу қизил билет бўлмаса — ҳаёт бўлмас эканда?* .

О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романида эса бу сўз падаркуш Абдулатифнинг тахтни эгаллагандан кейинги руҳий ҳолатини очишдаги муҳим деталлардан бири сифатида иштирок этади. Унинг туш кўриш жараёни қуйидагича чизилган: *Эгнида ял-ял ёнган зарбоф тўн, бошида гўё қонга бўялгандай қип-қизил салла, ҳатто соқол-мўйловлари ҳам қип-қизил Мирзо Улуғбек, кўзларида ёш, худди қанот ёзгандай қўлларини ёзиб, унга томон оҳиста тушиб келарди...* Асарда 10 марта қўлланган бу сўз ҳар бир вазиятда белгининг ортиқлигини кўрсатиш билан биргаликда фикрнинг эмоционал ифодаси учун ҳам хизмат қилган.

Қип-қизил, қоп-қора* моделидаги *ям-яшил* сифати ҳам бадиий нуткда самарали қўлланилади. Аммо насрий ва назмий асарлар қиёсланган кўпроқ поэтик асарлар матнида учрашлиги маълум бўлади. М.Алининг «Сайланма»сида у 9 марта ишлатилган: *Бугун барг ёздими ям-яшил ва ё / Маъюс хотирага айланди улар?* (Бекинмачоқ), *О, жанубнинг қуёши қайноқ, / О,

жанубий *ям-яшил* ***бағир!*** **(Сени соғинганда). Ў.Хошимов ва О.Ёқубов романларида ҳам бу сўзга 5 ва 8 марта мурожаат қилинган.**

Функционаллик нуқтаи назаридан орттирма даражанинг мураккаб шакли умумий ҳисобланади (*энг яхши, энг арзон*), оддий шакли эса (*яхшироқ, арзонроқ*) китобий бўёқдорликка эга ва белгининг «фаоллигини» ифодалаш ва баҳолашни ҳам ўз ичига олади. *Буюклардан буюк ҳар қачон* каби орттирма шакллар ҳам муболағa хусусиятига ва экспрессив характерга эга.

Ўзбек тилида сифатнинг *–иш/-ғиш, -мтир/-имтир, бир оз, ним, ярим, оч, хиёл, сал, унча* каби озайтирма даража кўрсаткичлари мавжуд ва улар ҳам ўзаро синонимик муносабатга кириша олади. Масалан: *қизғиш-бироз қизил-ним қизил,оч қизил-сал қизил; қораматир-бироз қора-сал қора; сарғиш-сарғимтир-бироз сариқ-нимсариқ, оч сариқ, сал сариқ* каби. *Тошлар кўк, қизғиш, яшил ва фирузаранг нур таратар, бу нурлар бир-бирига қўшилиб, қамалакдай ажиб бир манзара касб этарди. Унинг кўзлари қисилиб, бурун катаклари пирпирай бошлаган, жағ пайлари бўртиб чиққан қораматир юзида, бутун важоҳатида шафқатсиз бир ифода пайдо бўлган эди. Устод бу ишда даркор бўлур деб, бир оз тилла ва қиммматбаҳо тошлар қолдир ди...* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). *Ядрода унчалик катта бўлмаган шарсимон шаклдаги ядроча ҳам жойлашган* (С.Мустафаев. Ботаника).

Аммо бу сифатлар рангларнинг барчаси учун ҳам қўлланилавермайди. *Қора* га нисбатан *–иш/-ғиш* кўрсаткичини, *ярим,* сўзларини ишлатиб бўлмагани сингари, *оқ* қа нисбатан ҳам *ним, оч* сўзларини қўллаш кулгили вазиятни келтириб чиқаради. Бу кўрсаткичлардан *ним* абадий-бадиий нутқ учун хосланган: *Мавлоно сергакланиб юқори ошёнанинг дарчадан кичик ўймакор эшигига тикилди, нимқоронғи расадхонада йўғон ва ўктам овоз янгради Нозик нимпушти ва ложувард рангга бўялган баланд пештоқлар, айвоннинг ўймакор устунлари, безакли эшик ва дарчалари ҳозиргина чиққан совуқ куз офтобида чарақлаб, кенг ҳовлини аллақандай нурафшон қилиб юборган эди* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

Китобий мазмунга эга бўлган *нисбатан* сўзи ҳам қиёслаш орқали белгининг оз ёки кўплигини кўрсатади: *Ёш ҳужайраларда ядро нисбатан катта ва ҳужайра марказида жойлашади.* (С.Мустафаев. Ботаника).

Сифатнинг даража кўрсаткичини ифодалайдиган *–роқ* да икки хусусият – ҳам озлик, заифлик маъносини бериш, ҳам қиёслаш хусусияти мавжуд. Масалан: озлик: *Парда очилганда бир киши зўрға сиғадиган, рахларига мис тасма қоқлиган кичиқроқ эшик кўринди. Ҳовлининг сўл томонида пастқамроқ бинолар саф тортган бўлиб, бу – девонхона эди* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси);

қиёслаш: *Лекин ўшанда уни бу мудҳиш* *тушдан ҳам кўра кўпроқ* ***ҳайратга солган нарса шу бўлдики, тонг пайтида олис Яссидан унинг ҳузурига ўн нафар йигит арз қилиб кел-ди*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).**

Ушбу сифатга хос грамматик кўрсаткичнинг фаол қўлланилиши унда семантик-стилистик оттенкалар кўламининг кенгайишига олиб келган. «Ўзбек тили грамматикаси»да бу қўшимча яққол ифода этган озлик, заифлик ва қиёслаш маънолари ҳақида гап кетган бўлса, мисоллар таҳлили ҳозирги ўзбек тилида у англатадиган маъно оттенкалари кўпайганлигидан далолат беради. бу отткенкаларни аниқлаш учун мисолларни солиштириб кўрамиз: *Ундан* *нарироқдаги* ***рахларига ҳайвон ва қушларнинг суратлари ўйилган нақшинкор жавонларга Чин ва Ҳиндистондан келтирилган ноёб китоблар терилган*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси)-** ***Ундан*** *наридаги* ***рахларига ҳайвон ва қушларнинг суратлари ўйилган нақшинкор жавонларга Чин ва Ҳиндистондан келтирилган ноёб китоблар терилган.*** **Биринчи ҳолатда рахлар ва жавонлар жойлашган ўрин аниқ эмас, яъни ундан умуман нарида, жойлашган ўрин ҳақида тасаввур ҳам мавҳум. Иккинчи ҳолатда, рахлар ва жавонлар жойлашган ўрин аниқ, ёзувчи уни ўз кўзи билан кузатганлик маънолари англашилади. Шундай экан, баён мантиқи нуқтаи назаридан биринчи ҳолат бадиий ҳақиқатга яқин келади. Демак, бу ўринда –** ***роқ*** **яна бир вазифани – умумийлик оттенкасини бермоқда.** ***Ундан*** *сал берироқда,* ***ўша ҳарир қирмизи парда орасида, Улуғбек мадрасасининг юксак пештоқлари товланади, Чодирларнинг орқасидаги яшил бедазорга оқ биялар боғланган,*** *биялардан олисроқда* ***кийикчаларга ўхшаган гўзал тойчалар кишнашиб турарди*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси) гапларида ҳам у шу маънодадир.**

Ана шу мантиққа қуйидаги мисол ҳам тўғри келади: *Шу боисданми, аълоҳазратларининг ёнида устод Қозизода Румий яна ҳам* *нимжонроқ* ***ва*** *ожизроқ* ***кўринарди*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси) -** ***Шу боисданми, аълоҳазратларининг ёнида устод Қозизода Румий яна ҳам*** *нимжон* ***ва*** *ожиз* ***кўринарди*****. Иккинчи ҳолатда фикр аниқ ва кескин баён этилган. Аммо тавсифнинг бу даражада баён этилиши ёзувчи ниятига тўғри келмаётган бўлиши мумкин, у фикрни бироз юмшоқ тарзда келтирмоқчидир. –*роқ* эса ана шу кескинликни юмшатувчи стилистик воситага айланган.** ***Ҳушига келди-ю, қўлидаги шамни*** *баланд* ***кўтариб, чор-атрофига қаради*** **мисолидаги ҳаракат (*кўтармоқ*) нинг бажарилишида қатъият маъноси мавжуд. Аммо бу мантиққа зид. Чунки, энди ҳушига келган одамнинг қатъият ва ишонч билан ва меъёрига етказиб ҳаракат ҳаракат қилиши қийин. Шунинг учун ҳам ёзувчи сўзнинг *баландроқ* вариантини ишлатади: *Ҳушига келди-ю,***

қўлидаги шамни *баландроқ* ***кўтариб, чор-атрофига қаради*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).**

-роқ **айрим ҳолатларда белгини кучайтириш учун хизмат қилади:** ***Мавлоно Муҳиддин ҳамон бояги вазиятда чурқ этмай ўтирар, фақат, духоба тақя кийган боши яна ҳам*** *пастроқ* ***эгилган эди*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). У** ***тез*** **равишига қўшилганда бу маънога яна ҳаракатни жадаллаштириш оттенкаси ҳам қўшилади:** ***У фақат бир нарсага пушаймон қиларди:*** *тезроқ* ***жанг бўлмади-ю, шаҳзодани бир кўрмади!..*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Бу унинг нутқий жараёнда юзага келган қўшимча имкониятларидир.**

Сифат доирасидаги грамматик кўрсаткичларда эмоционаллик даражаси турли бўлишини юқорида таҳлил этган мисоллар асосида кузатдик. Улар ёрдамида белгини англатувчи шаклларнинг турли хил вариантлари юзага келиши маълум бўлди. Масалан: ***ширин, ширинроқ, бирам ширин, жуда ширин, ғоятда ширин, ўта ширин, ширингина, бирам ширингина*** **каби вариантларда даражаланиш, яъни предметдаги белгихусусиятнинг тобора орта боришини кўрамиз. Бу эса ўз навбатида сифатларнинг функционал услубларга хос чегараланишларни келтириб чиқаради. Масалан, ботаникага оид адабиётларда** ***Шафтоли олмага қараганда ширинроқ*** **дейиш мумкин бўлгани ҳолда,** ***Шафтоли олмага қараганда ширингина*** **деб бўлмайди.**

Бу эса ўзбек тилида сифатларда стилистик ресурслар кўлами кенг эканлигидан далолат беради ва келажакда масаланинг ушбу жиҳатлари турли услубларга тегишли бўлган матнлар мисолида статистик-лексикографик усулга таянилган ҳолда таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, ўзбек тилининг имло ва терс луғатларини солиштириш ёрдамида бу ишни амалга ошириш ва бундан муайян стилистик вазифа бажариши тўғрисида асосли хулосалар чиқариш мумкин бўлади.

Адабиётлар

1. Миртожиев М. *Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Т.,2000.*

2. Пардаев З.Н. *Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. – Самарқанд, 2004. – 22 б.*

3. Ўзбек тили лексикологияси. - Т.:Фан , 1981.–314 б.

Қўнғуров Р. **Сифат стилистикаси // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1982.**

Сон. Ўзбек тилида, гарчи от, феъл ёки сифат сўз туркумлари даражасида бўлмаса-да, сонга оид бирликларнинг ҳам стилистик имкониятлари ҳақида сўз юритиш мумкин.

«Ўзбек тили грамматикаси»да тилимиздаги барча сонлар ва нумеративлар ҳисобланадиган *дона, нусха, бош, туп, нафар; парча, варақ, оғиз, луқма, сиқим, тилим, чимдим, қултум/ютум/ҳўплам, томчи/қатра, чақмоқ, нимта, тўғрам, пой, бўлак, шингил; гала, тўп, гуруҳ, тўда, даста, боғ/боғлам, қучоқ, шода, ҳовуч; жуфт; грамм, килограмм, метр, пуд, ботмон, центнер, тонна, пиёла, қошиқ, коса, чойнак, қоп, қути, чамадон, жўра/кийим,кийимлик, той, арава/машина/туя, қават/қат, қатор, ўрим, тандир; метр, сантиметр, километр, газ, таноб, тош, қарич, қулоч, чақирим, қадам, фарсаҳ; ёш/яшар, ойлик, кунлик; аср, йил, ой, ҳафта, сутка, кун, кеча, кундуз, соат, дақиқа, минут, секунд; сўм, тийин, танга, чақа, тилла, мири, пақир, чиқим; марта, навбатда, карра, бор, ҳисса, қатла, даъфа, сидра, баравар* сингарилар келтирилган.[21] Уларнинг экспрессивлик ва функционал имкониятлари турлича.

Сон сўз туркуми доирасидаги бирликлар орасидан эмоционал экспрессив оттенкалар ва семантик-стилистик ҳамда функционал-стилистик маънолар яққол кўзга ташланиб турадиган элементларни қараб чиқамиз. Бунда биринчи навбатда диққатимизни *бир* сўзи тортади.

Дарҳақиқат, сонлар орсида *бир* ўзининг қўлланиш частотаси ва англатган семантик-стилистик маънолари билан алоҳида мавқега эга. Ундаги рақамни англатишдан ташқарида бўлган бу қўшимча оттенкалар айниқса бадиий матнда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ана шу алоҳидаликлар нималардан иборат эканлигини кўрсатиш мақсадида Зулфия асарлари тили ва услуби юзасидан олиб борган тадқиқотларимиз материаллари ҳамда бошқа манбалардан фойдаланамиз.

Ўзбек тилшунослигида *бир* сўзининг лексик-грамматик маъноси дуруст ёритилган дейиш мумкин.[22] *Бир* сўзининг С.Низомиддинова томонидан 20 ортиқ маъноси изоҳланган.[23]

***Бир* сўзи Зулфия ижодида 442 марта қўлланган.[24] Шоира асарларида бу сўзнинг семантик-стилистик маънолари унинг грамматик маъноси билан уйғунлашиб кетган. Лексик бирлик сифатида бу сўзнинг вазифаси сонни ифодалаш, предмет ёки воқеа-ҳодисанинг якка-ягона эканлигини кўрсатишдан иборат**

---

[21] **Ўзбек тили грамматикаси, I том. – Т.:Фан, 1975, 307-331-бетлар.**

[22] ***Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқ.*** **Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Ўзбек тили грамматикаси, I том. –Тошкент:Фан, 1975; Ҳозирги ўзбек адабий тили, икки томлик, I том. – Тошкент: Фан, 1966.**

[23] ***Низомиддинова С.*** **Ҳозирги замон ўзбек тилида сон. – Тошкент: Фан, 1963, 43-бет.**

[24] ***Қўнғуров Р., Каримов С.*** **Зулфия поэзияси тилининг луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981, 41-42-бетлар.**

бўлса, матнда унинг маъноси жиддий равишда кенгайиб кетгандир. Жумладан:

1. *Бир* сўзи сонни англатади:

а) яккалик маъносини ифодаловчи саноқ сонни кўрсатади ва бу унинг асосий лексик маъноси ҳисобланади: *Қандай пайдо бўлди, билмайман ҳали / Қаршимда* *бир барно йигит* ***ни кўрдим*** **(1.66). Бундай вақтда у матнда *якка, ёлғиз*** **сўзларига синоним бўлиши мумкин: *Икки бўлса*** *ёлғиз бошинг,* **/ *Армоним шу болажоним*** **(2.98).** *Бир дарахт* ***турарди йўл чеккасида, / Шамол урар эди уни муттасил*** **(1.217). Бу сўзлар лексик жиҳатдан бирининг ўрнини иккинчиси боса олса-да, стилистик жиҳатдан уларнинг ҳар бирининг маъно оттенкаси фарқланиб туради. Юқоридаги мисолларда *бир*** **сўзида маънони таъкидлаб, ажратиб кўрсатиш хусусияти *якка*** **ва *ёлғиз*** **сўзларидагидек кучли эмас;**

б) гарчи семантик табиатига зид бўлса-да, у матнда кўпчилик маъносини ифода этади. Бунда *бир* **қўшилиб келиб, микроматн ҳосил қилаётган сўзнинг ҳам сезиларли аҳамияти бордир. Шунинг учун ҳам сонлар маъносининг реаллашувидаги матннинг роли тадқиқотчилар томонидан алоҳида таъкидланади.[25] Бирикмадаги иккинчи сўз мазмунан кўпликни англатиб туради, *бир*** **ана шу кўпликни реаллаштиришга, бўрттиришга хизмат қилади: *Ҳарорат не ўзи? / Ҳарорат, ҳарорат,*** */ Бир жаҳон* ***оғушида сезасан ўзингни*** **(1.9) ёки** *Бир осмон* ***юлдузни қамраган океандай кенгмисан, / Ҳар эзгу инсонга порлаган зарранг бор?*** **(1.9) парчаларидаги *бир*** **сўзли бирикма ўзини алоҳида урғу билан талаффуз қилишни талаб этади. Шоира қўллаган *бир олам*** **(1.44), *бир дарё*** **(1.78), *бир дунё*** **(1.146)**

---

[25] ***Низомиддинова С.*** **Ҳозирги замон ўзбек тилида сон, 41-бет.**

бирикмаларида ҳам бу сўз ўзи бирикиб келган сўз билан бирга ана шу маъноларни ифодалаш мақсадига бўйсундирилган.

Булардан ташқари, Зулфия асарларида *бир тўда* (1.234), *бир неча* (2.91,117), *бир гала* (2.14), *бир даста* (2.73), *бир қучоқ* (2.34) каби бирикмалар ҳам учрайди. Аммо кўплик маъноси ифодаланган бу бирикмаларда образлилик юқорида келтирганимиз мисоллардаги каби сезилиб турмайди.

2. *Мен кетдим бир ўзим, кўзда суратинг / Қалбда хандонингдан лаззатлар қолди* (1.69) парчасида бир сўзи стилистик жиҳатдан ортиқчадай кўринса-да, аслида бундай эмас. Бу сўз ўзида маълум стилистик юк ташийди. Бу ўринда *бир* орқали эгалик аффиксидан англашилаётган яккалик маъноси таъкидланмоқда.

Мана бу мисолдаги такрор қўлланилаётган *бир* сўзи шоира учун шеърий таъкидни, поэтик образни кучайтириш, бадиийликни таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилган: *У бир қуёш, у бир тонг, гўзал бир достон, / Айтай десам тилим лол, ким, у йигит ким* (2.72).

Бир гапнинг ўзида *бир* сўзининг такрорий қўлланилиши ҳам турли семантик маъноларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Масалан, ҳаракатни бажарувчиларни алоҳида ажратиб кўрсатилади: *Чойхурлар бири ***тиззасига шаппатилаб,** бири ***корнини ушлаб хохолашади*** (Ў. Хошимов Икки эшик ораси), санаш маъноси: *Даладан туппа-тугри хашарга келган колхозчилар** бири ***лой отиб,** бири ***лумбоз босиб, мактаб деворини кутаради.** Бирининг ***бошида куя ялаган телпак,** яна бири ***кийикчаси билан кулогини боглаб олган эди;*** тенглик маъноси: ***Тўйга борса** бир ёнига ***Фотима келинини,** бир ёнига*

Зуҳра келинини олиб чўғдай ясантириб оборади **(Ў. Хошимов Икки эшик ораси).**

Умуман, *бир* сўзи ёрдамида таъкид оттенкасини бериш қулайроқдир. Бир неча мисоллар келтирамиз: *нурли бир паноҳ* (1.293), *меҳрибон бир қўл* (1.293), *оғир бир сукут* (1.294), *ажиб бир қудрат* (1.296), *ўктам бир вазминлик* (1.299), *мунис бир латофат* (1.303), *шундай бир қисса* (1.299) каби. Бундай таъкидлаш орқали ижодкорнинг тасвир объектига бефарқ қарамаётганлиги, унинг алоҳида эътибори кузатилади. Масалан: *У бир ўтки, сени кўрмасам, / Изтиробга солар жисмимни* (1.19).

3. Биргалик, умумлаштириш маъноси англашилади: *Фикрлаб кўраман зафар боисин: / Ишчи-ю деҳқону олим бир оғуш* (1.300). *Дўсту оғайнидан, юз тил, бир дилдан / Ўқилган таҳсинлар муборак бўлсин!* (1.301).

4. *Бир* сўзининг уюшиқ бўлаклар таркибида такрорланиши яқинлик маъносини ифодалайди ва бунда у от ясовчи *–дош* аффикси билан вазифадош бўлади: *Шодман: Адиб билан бир сув, бир тупроқ, / Бир элга фарзандлик орттирар фахрим* (2.52). *Лекин бир ҳаводан олади нафас, / Кўки бир, суви бир, бирдир тупроғи* (1.101).

5. Бирикма ичидаги сўз таркибида келган *–ча* аффикси билан биргаликда қиёслаш воситаси бўлиб хизмат қилади ва бунда у кўпликни ҳам англатади: *Сизнинг бир хирмонча шеър ёзмасам ҳам, / Бахт ҳаққи, қалбимдан қиламан таъзим* (1.305).

6. Камтарлик, оддийлик маънолари ифодаланади ва шу йўл билан фахрланиш оттенкаси ҳам берилади: *Бу – Ойжамол, бир чўпон қизи, / Ўқиб келди шаҳарда шу қиш* (1.150). Бу оттенка қуйидаги мисолда яна ҳам сезилади: *Мен оддий бир ўзбек*

чўпоннинг қизи, **/** ***Мени фан доктори қилган Ватаним*** **(1.136).**

7. Бир сўзи ёрдамида тасвир объектининг ноаниқ эканлиги ифода этилади: ***Балки аллақачон*** *бир дор* ***тагида, / Менга мунтазирдир оғзи қон жаллод*** **(1.49).** *Бир тингловчи* ***қоламан излаб / Ва орқага тортар юрагим*** **(1.288). Мана бу мисолдаги бир сўзли бирикма англатган стилистик оттенка бир оз бошқача:** ***-Домла, энди бизда сизнинг ихтиёр!- Дейди мезбон. – Иш бас, оласиз ором.*** *Бир ерга* ***борамиз! «Яна ҳойнаҳой Серҳашам хонада минг турли таом…»*** **(1.58). Бир ерга бирикмаси алоҳида олинса ноаниқлик ифодаланади, борамиз феълида эса қатъиятлик маъноси бор. Бу қатъиятдан бориладиган жойнинг сўзловчига маълум, аммо ҳурмат ва камтарлик юзасидан меҳмонга айтилмайди. Демак, бу ўринда шоира стилистик мақсадни назарда тутиб, ноаниқликни ифодалайдиган бир сўзли бирикмадан аниқ маънони ифодалашда фойдаланади. Баъзан шоира уни нарса сўзи билан ҳам биргаликда қўллаб (1.66; 2.81), ноаниқлик маъносини ифодалайди. Аммо уларда экспрессия юқоридаги бир сўзининг ўзи англатаётгандай эмас.**

Зулфия асарларида учрайдиган ***бир*** **сўзининг таҳлили шуни кўрсатадики, у жуда кўп ўринларда маънонинг шаклланишида асосий ёрдамчи восита сифатида иштирок этади. Масалан,** ***бир кун*** **(1.23),** ***бир нафас*** **(1.59),** ***бир зум*** **(1.75),** ***бир замон*** **(1.80),** ***бир чоқ*** **(1.91),** ***бир дам*** **(1.94),** ***бир палла*** **(1.226),** ***бир сукут*** **(1.294),** ***бир вақт*** **(2.60),** ***бир пас*** **(1.88),** ***бир лаҳза*** **(1.115),** ***бир дақиқа*** **(2.148),** ***бир сония*** **(2.17),** ***бир муддат*** **(2.66),** ***бир фасл*** **(1.96),** ***бир кеча*** **(2.167) каби умуман вақтни, пайтни англатаётган бирикмалардаги етакчи сўзнинг стилистик**

маъноси *бир* туфайли реаллашмоқда. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчидан, *бир* сўзли бирикманинг қандай маънода қўлланаётганлигини матн ҳал қилади.

Юқоридаги вақтни билдирувчи бирикмаларни қўллашда шоира учун хос хусусият шуки, у бу бирикмалардаги нозик стилистик маъноларни фарқлаб ишлатади, баъзан ўрни билан уларнинг бири ўрнида иккинчисини синоним сифатида қўллайди. *Бир кун* бирикмасини олайлик. Шоира унинг маъноларини қуйидагича фарқлайди:

а). *Пайти келиб, вақти келиб* маъносида: *Дунёда зулмдан қолмас бир кун* *из, / Бутун ер куррасин ғалабанг тутар* (1.23);

б). Номаълум бўлган вақт маъносида: *Барчасини кўзга суртайин - / Ўгирламанг қаламим бир кун* (1.286);

в). *Ўтган кунларнинг бирида* маъносида: *Пайқаб қолиб бир куни* *шовқин-суронни, / Хиёл очиб чиптани ташладим назар* (2.194);

г). *Бир марта* маъносида: *Танти дўст, машинанг бир кун* *кетсин бўш, / Ё у кўлга ташла – юрсин парилар* (1.206).

Бу бирикмалар умуман вақтни англатса-да, ана шу англатган вақтнинг давомлилиги ва замонни англатиш нуқтаи назаридан бир-бирларидан фарқ қилади. Масалан, *бир сония, бир дақиқа, бир кун, бир лаҳза, бир нафас, бир дам* бирикмалари воқеа-ҳодисанинг жуда қисқа вақт ичида юз бериб ўтишини билдиради: *Ўзинг кетдинг, қолди хаёлда / Хумор кўзлар, иссиқ боқишинг. / Бир лаҳзали дил айёмидан, / Сира сўнмас ширин ёқишинг* (1.115). *Бир сония синовчан боқди-ю гўё, / Шу қарашда қалбимни бехато топди* (2.171). *Меҳрибон, азиз овоз менга бир онда / Гўё бахш этди ҳаёт, янги жон, умид* (2.204).

Барисига етади ақлим / Сизга қиммат ҳар бир дақиқа **(2.149).**

Бундай пайтларда улар бир-бирига синоним бўла олади. *Бир нафас, бир дам* **бирикмаларини шоира айрим ўринларда бироз бошқача қўллайди. Бирикманинг маъносидан маълумки, уларда бир нафас олганчалик вақт назарда тутилади. Аммо мана бу** *Бир дамда* ***саҳрони тутди тўполон, Қум тўла бўроннинг ошди хуружи*** **(1.94).** ***Салқинда*** *бир нафас* ***олди ним совуш, / Қайноқ кўк чой берди, муздек бир ҳузур*** **(1.229) мисолларида воқеа-ҳодисанинг шунча қисқа вақт ичида бўлганлигини хаёлга келтириш мантиқсизлик бўлар эди. Бу ўринда шоира воқеанинг нисбатан қисқа вақт ичида бўлиб ўтганлигини шу бирикмалар ёрдамида поэтик тарзда ифодаламоқда, тасвирни бўрттириброқ кўрсатишга интилмоқда.**

Бир вақт, бир чоқ, бир замон **бирикмаларини шоира асосан ўтган замон воқеаларини ҳикоя қилишда ишлатади. Аммо улар ўзи боғланиб келган феъл билан биргалик келаси замон маъносида қўлланган:** ***Ўлганлар хотираси ўчмайди тамом, / Мадҳ этилур*** *бир чоғлар* ***ўлмас куйларда*** **(2.161).**

Зулфия *бир оз* (2.147), *бир ҳафта* (2.148), *бир йил* (2.182), *бир кеча* (2.167) каби бирикмаларни ҳам вақтни билдириш учун қўллаган. Лекин улар стилистик оттенкага эга эмас.

Бир **сўзи иштирок этиб вақтни билдирувчи бу бирикмаларга муносабатдаги шоиранинг ўзига хос услуби шунда кўринадики, Зулфия қисқа вақтни кўрсатувчи айрим бирикмалар маъносини матнда бутунлай ўзгартириб юбориб, уларни тинимсизлик, муттасиллик, доимийлик маъноларида қўллайди. Бу шоиранинг юксак поэтик маҳоратидан, сўз**

қўллаш уқувидан далолатдир. Масалан: ***Қалб сени танлаган, сенинг дардинг-ла,*** */ Бир нафас* ***билмайди ором, фароғат*** **(1.70).** ***Терамиз, суратни бўшатмай*** *бир дам,* **/** ***Ишонч зўр, чиқамиз сўзнинг устидан*** **(1.145).** ***Москва кўчасидай нурга кўмилган /*** ***Машиналар занжири узилмас*** *бир зум* **(1.175).**

Бу мисолларда юқорида айтганимиз маъноларнинг шаклланишида феъл таркибида келган бўлишсизлик шакли –*ма* нинг аҳамиятини ҳам қайд этиб ўтишимиз лозим бўлади. Бу шаклни олган феълнинг маъносига боғлиқ равишда вақтни кўрсатувчи бу *бир* сўзли бирикмаларнинг давомлилик маъносини ҳам англаш мумкин бўлади. Улардан англашилган доимийлик, муттасиллик матнда ҳар уч замоннинг бирида юз бериши мумкиндир.

Юқорида айтилганлардан ташқари *бир* сўзи ёрдамида ҳаракатнинг белгисини англатиш, предметларнинг бир турда эканлигини, кетма-кетлик, чегаралаш, мўлжал, тенгликни, ҳодисанинг тўсатдан бўлганлигини кўрсатиш каби маънолар ҳам ифодаланади.[26] Аммо биз бу ўринда эътибор унинг стилистик оттенка сезилиб турадиган, шоиранинг субъектив муносабатини ифодалай олган жиҳатларигагина қаратилди.

Сўзлашув услубида *бир* сўзининг имкониятлари янада кенг эканлиги маълум бўлади. Масалан, «Алпомиш» достонидан олинган қуйидаги *Яқин келди* *бирдай* ***бўлиб, / Бу юртга овоза тўлиб; Хизмат қилар санам дилбар,*** */ Бирдай* ***ўтирибди беклар; Бари шундай коса берар, / Қирқин қизлар*** *бирдай* ***бўлиб*** **парчаларида сўз таркибидаги ўхшатиш воситаси –*дай* нинг *бир* сўзига қўшилиши янги семантик маънони – тенглик маъносини келтириб чиқарган.** ***Қалмоқларни тўплаб олди,*** *Бирор майдон* ***уруш бўлди*** **мисолида эса *бир* ва *майдон* сўзларининг қўшилишидан пайт маъноси англашилмоқда. *Бир* элементисиз бу сўзлардаги пайт маъноси англашилмайди. *Бир маҳал ўзимга келсам Кимсан***

[26] Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқ. **Ҳозирги ўзбек адабий тили, 262-265-бетлар.**

акам елкасида қоп, бир қўлида тугун билан поезд ёнига чопиб кетяпти **(У. Хошимов Икки эшик ораси) мисолида ҳам шу ҳолатни кузатамиз.**

Ҳатто жонли мулоқот жараёнида баъзан ғоятда кучли стилистик воситага айланади. Жумладан, у қуйидаги ҳолатда нозланиш, эркалаш маъносини бермоқда: ***Бу сўзни эшитиб: — Эй, закот олмай ўлинг сиз бир, — деб ўтиб жўнай берди*** **(Алпомиш). Агар гап** ***Бу сўзни эшитиб: — Эй, закот олмай ўлинг сиз, — деб ўтиб жўнай берди*** **тарзида тузилса, унинг стилистик маъноси ҳам ўзгаради, ундан юқридаги маънонинг акси бўлган аччиғиланиш маъноси англашилади.**

Ушбу сўз туркуми доирасидаги бошқа сонларда эмоционал-экспрессивлик ва семантик-стилистик оттенкалар ***бир*** **сўзидагичалик эмас. Шундай бўлса-да, уларда ҳам кўзга ташланиб турадиган жиҳатларга О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романидан олинган мисолларга таяниб мулоҳаза юритамиз.**

Икки. **Бу сонда миқдорни кўрсатишдан ташқари яна қуйидаги семантик-стилистик маънолар англашилади:**

а) тасвирни аниқ беришга кўмаклашади: ***Гўри Амирга қараган*** *икки табақали* ***қуйма дарвозанинг ён эшиги секин ғичирлаб очилди. Девонхонанинг ортида баланд девор билан тўсилган ҳарам бинолари оқариб кўринар, ўнг томонда*** *икки ва уч ошёнали* ***кошоналарнинг тиллакори гумбазлари ял-ял ёнарди;***

б) кетма-кетликни ифодалаш жараёнида иштирок этади: ***Навкарлардан*** *бири* ***олдинда,*** *иккинчиси* ***ёнма-ён от чоптириб борарди;***

в) ***бир*** **ёки** ***уч*** **сонлари билан биргаликда келиб умумлаштириш, тахмин маъноларини келтириб чиқаради:** ***Мана,*** *бир-икки йил* ***бўлди, олис Ҳиротдан Хоқони Саид аталмиш Шоҳруҳ Мирзо вафоти тўғрисида машъум хабар келганидан буён Мовароуннаҳр ва Хуросон осмонидан қора булутлар аримай қолди. Номага қараганда, шаҳзода қўшинлари*** *икки-уч фарсаҳ* ***жойга келиб қолган, Мирзо Улуғбек қандай қарорга келмасин, бу қарорни дарҳол қабул қилмоғи лозим эди!***

Бу каби умумлаштирувчилик, тахминни билдириш хусусияти бошқа сонларнинг жуфтлашишида ҳам кўринади: ***Бойбури: «Шу ёмонлагурнинг ўйнагани ҳам яхшилик эмас», — деб сағрисига*** *уч-тўрт таёқ* ***тушириб, табладан чиариб, Қултойнинг қошига йилқиларга оп бориб, қўшиб юборди. У ёқдан, бу ёқдан гап***

ташлашиб, *беш-тўрт оғиз гап* ***бошлашиб, шунда кампир бойбичага қараб, шу қизингнинг боши бўшми, — деб сўраб турган ери. Элакка жўнаб кетди, борса,*** *беш-олти* ***хотинлар уни-буни гапириб ўтирибди*** **(Алпомиш).** ***Ижозат этсангиз*** *беш-ўн минг* ***черик йиғар эдик. Шаҳар бундан*** *етти-саккиз* ***ой муқаддам қандай бўлса шундай, мубҳам бир ҳаёт кечирар, кўча ва гузарларда одам сийрак, расталар, дўконлар ёпиқ, ҳамма ёқ жимжит эди*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси) каби.**

г) шаклан бироз ўзгарган ҳолда илмий ва расмий услубларга хос бўлган санаш оҳангини юзага келтиришда иштирок этади: ***Мирзо Улуғбек юраги яна туз сепгандай ачишиб, қизнинг*** *икки юзи****дан ўпди. Бу мақбарани тикламоқдин яна бир муродим:*** *бирламчи,* ***қора ҳалқни,*** *иккиламчи,* ***Олтин Ўрда ила Қалмоқ ва Дашти Қипчоқ ҳоқонларини титратмоқ эди!.. Бобоси Амир Темур*** *бирламчи* ***– доруссалтана Самарқандни обод қилган бўлса,*** *иккиламчи* ***– ўз она шаҳри Кешни обод қилдирган Қаландар Қарноқий ўрнидан тура бошлади-ю, боши хонақоҳнинг шифтига тегиб, икки букилганича қолди.***

д) Тасвирнинг муҳим ҳисобланган объектини янада аниқлаштиради: ***Гул мисоли*** *икки лабинг* ***лаъли маржон куйдурур...***

е) ФБлар ва мақоллар таркибида иштирок этади: ***икки букилмоқ, бир гапи икки бўлмаслик, икки ўт ўртасида ёнмоқ, икки ёрти бир бутун ва бир қинга икки қилич сиғмаслик*** **каби. Масалан:** ***Айниқса қўрқувдан*** *икки букилиб,* ***титраб- қақшаб қолган отасининг дир-дир титрашини эсласа, ёдига шу йил кўкламда содир бўлган бошқа бир мудҳиш воқеа тушиб, юраги ўйнаб кетади... Лекин унинг оппоқ боғланган гавдасида, эгнидаги қимматбаҳо саруполари ва нозик зеби зийнатларида, гап-сўзларида бўлакча бир виқор ва маҳобат бор эдиким, ҳамма ундан ҳайиқар,*** *бир гапи икки бўлмас* ***эди.*** **Яна:** ***Мен ҳам қўйдан келаётирман, мен ҳам шу баччағарнинг тўйига борайин, қўлимдан келганча бузиб кўрайин, деб келаётирман, сен нораста гўдак, биз ёши етган «чол»,*** *икки ёрти бирикса, бутун* ***деган гап бор*** **(Алпомиш).** ***Шундай пайтларда Али Қушчи унинг ақлидан озишидан ё ўлиб қолишидан қўрқиб ваҳимага тушар, гўё бунга ўзи айбдордай кечаси***

билан мижжа қоқмай қийналиб чиқар, айни замонда юрагидаги сирни оча олмаслигини, бу сирни очишга ҳаққи йўқ эканини тушуниб *икки ўт ўртасида ёнар* ***эди.*** *Бир қинга икки қилич сиғмайди,* ***деб қўрқадур.***

Жонли тилда *икки* сони иштирок этган ва гумон маъносини англатадиган *икки бошдан* ибораси ҳам мавжуд: *Бола-чақанг кўрмай ғариб қоласан, Ҳайдаб борсак,* *икки бошдан* *ўласан. Бунга ҳам туш десанг, тушаман, тушган билан бундан омон топмайман, лекин бу ҳаддили зўр, бунга тушсам,* *икки бошдан* *ўламан* (Алпомиш) - *Бола-чақанг кўрмай ғариб қоласан, Ҳайдаб борсак,* *балки ўлсанг керак. Бунга ҳам туш десанг, тушаман, тушган билан бундан омон топмайман, лекин бу ҳаддили зўр, бунга тушсам,* *балки ўлсам керак.*

Айрим матнларда, масалан Фбли матнларда *бир* ва *икки* сўзлари ўзаро синонимик муносабатга киришиши мумкин: *бир оғиз гап – икки оғиз гап* (*жуда қисқа гап* маъносида). Аммо *бир оғиз гапирган эмасман* дейиш мумкин бўлагни ҳолда *икки оғиз гапирган эмасман* деб бўлмайди. Бу *икки* сўзининг *бир* га нисбатан стилистик имкониятлари чегараланганлигидан далолат беради.

Мисоллар таҳлили *уч, тўрт, беш, олти* ва *етти* сонларида стилистик имкониятларнинг жуда кам эканлигини кўрсатади. Ўзбек тилидаги *саккиз, тўққиз, ўн* сонларининг стилистик ресурслари ҳақида гапириш қийин. *Тўхтаб-тўхтаб* *уч марта* *тиқирлади...Тўхтаб-тўхтаб* *уч марта* *чертди... Одатдагидай* *уч марта* *чертди. Али Қушчи бу сувнинг ярмини ичиб, ярми билан юз-қўлларини ювган булар, арпа кулчани учга бўлиб, бир қултум сув билан* *уч маҳал* *тановул қиларди* мисолларида у ўзининг асосий лексик маъносидан ташқари қандайдир шартлилик, келишганлик маъноларини ҳам англатмоқда. Ушбу сондаги шартлилик ва анъанавий айниқса достонлар матнида яққол сезилади: *Уч шартнинг олдини шул ўзбак олди* каби.

Тўрт* сони *кўзи тўрт бўлмоқ* ибораси таркибида иштирок этади. *Тожу тахтдан воз кечар-ку, аммо шу дамларда қўшни ғўшада* *кўзи тўрт бўлиб* *уни кутаётган юлдузи, қариганда топган бебаҳо гавҳари –Биби Юлдузнинг қисмати не бўлади?* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Лекин уч-тўрт қадам ўтмасданоқ нимагадир қоқилиб йиқилди.** *Кўзинг тўртдир* ***Қоражоннинг йўлига **(Алпомиш).** *Тўртовлан тугал* ***бўлса, ўнмаганин ўндирар, олтовлан ола бўлса, оғзидангин олдирар*** **мақолидаги *тўрт* худди матндаги *ола* сўзи *олти* ни чақиргани сингари *тугал* нинг талаби билан**

жумла таркибига киритилган, яъни мақолларга хос бўлган оҳангдорлик зарурати шуни тақозо қилган.

Беш **сони** ***беш қўлдай билмоқ, беш кунлик дунё*** **каби турғун бирикмалар таркибида экспрессивлик учун хизмат қилган:** ***Нечун ҳамма даври даврон, ҳамма давлат ва ҳамма шоҳ ва фотиҳларнинг тарихини*** *беш қўлидай биладиган* ***бу зукко донишманд тож ва ҳокимият ҳеч бир кимсага вафо қилмаганини тушунмади ёхуд тушунса-да, уни тарк этишга иродаси етмади? У тожу тахтдан ўз идроки ва ихтиёри билан воз кечмоққа азм қилганини шаҳзодага айтмоқчи ва ундан ёлғиз бир нарсани–қолган*** *беш кунлик умр***ини** ***илм-маърифатга бағишлашига имкон беришини сўрамоқчи эди.***

Олти **сонида қандайдир рамзийлик оттенкаси сезилади. Буни «Алпомиш»дан олинган қуйидаги парсалардан англаймиз:** ***Ана шунда бойлар кўчиб жўнади, моллари Кўкқамиш кўлидан чиқиб бориб, тўқсон тоғдан ўтиб, юрту жаҳонни тўзон, чанг қилиб, молнинг олди неча кун йўл юриб, бул орадан*** *олти ой ўтиб, олти ой деганда****, бойлар тўқсон тоғдан молларини ўтказиб, қалмоқ юртига етказиб, ўзларининг бир хил бойлари шул молларнинг олдини олиб, йўл бошқариб келаётган эди, бир вақтида бойлар қалмоқ юртига неча довонлардан ошиб етиб келди. Бошидаги саржиғани кўриб, алпларнинг зўри эканини билиб, алпларга қараб,*** *олти ойга муҳлат* ***сўраб, бир сўз деб турган ери экан.*** *Олти ойчалик йўлга* ***келдим... Алпомиш келсин, бўлмаса, жавобимни берсин*** **каби. Яна: «*Падаркуш ... тожу тахт...* *олти ойдан* *ошмайдур...*» (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Шу рамзийлик сабаб бўлса керакки, А.Орипов ҳам «Ўйларим» шеърида қуйидаги мисраларни ёзган:** *Олти ой**ким шеър ёзмайман юрагим зада, / Олти ой**ким ўзгаларга тилайман омад.*

Халқ оғзаки ижодига хос бўлган шартлилик ***етти*** **сони орқали ҳам юзага чиққан:** ***Тойчи вилоятинда, Қалмоқ музофотинда бир Сурхайил деган кампир бор эди. Жуда ҳаддили зўр кампир эди, бу кампирнинг*** *етти ўғли* ***бор эди Қоражоннинг*** *етти қобирғаси* ***синди Хоннинг Чибор оти пойганинг олдини олиб, шашти биланг келиб, бахмал ўтовни*** *етти марта* ***айланиб, отнинг тизгинини ушлаб Қоражон тўхтатди.*** *Етти йил* ***зиндонда хор бўлган бошим, Ҳеч хабар билмади қавми-қардошим. Кўринг назаркарда бекнинг Чибори,*** *Етти марта* ***бу зиндонни айланди*** **(Алпомиш). Бу сон ФБлар таркибида ҳам иштирок этади:** ***Лекин бу даргоҳда Қаландар Қарноқийга дуч келаман, деган ўй*** *етти ухлаб тушига ҳам кирмаган* ***эди.*** ***Етти танга атамоқ*** **ни қўллашда диний ва миллий урф-одатлар билан боғлиқ бўлган анъаналар мавжуд:** ***Бу кун ёмон туш кўриб, Хожа Баҳовуддин ҳазратларига*** *етти танга атаган* ***эдим. Ақчангиз бўлса шу гадога*** *етти танга инъом қилинг***... (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).**

Матнларда *юз* сони ҳам учраб туради. Аммо уларда стилистик оттенкаларни пайқаш қийин. Ушбу сон *Юз хил ноз-неъматлар билан меҳмон қилиб, кўнглини олди. Юз маротаба айтдим... Бобокалон Амир Темур ўзига доруссалтана қилган бу шаҳри бузрук кўчаларидан бир маротаба от чоптириб ўтмоқ, оломоннинг тиз чўкиб, саждага бош эгиб турганини кўрмоқ учун бир эмас, юз жон бўлса ҳам тикмоққа арзийди!..* мисолларида ўзининг асосий маъносидан четлашиб, умуман кўплик, *"Қоровултепа"да кўринган юз чоғлик отлиқлар қилич ва чўқморларини бошлари узра ўйнатиб, аллақандай совуқ қийқириқ билан қора бўрондай бостириб келарди. қўлингга юз тилла санаб берамен!..* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси) тахмин маъноларини англатмоқда.

***Минг* сўзини сон маъносида қўллаш илмий ва расмий услубларга хос. Ана шу услубларга дахлдор бўлган мавзулар ёритилганда оммабоп услубда ҳам қўлланилиши мумкин. Сўзлашув ва бадиий услубларда эса у асосан тасвир объектининг умуман кўплигини кўрсатишга хизмат қилган. Масалан, Зулфияда унинг ёрдамида шаклланган қуйидаги бирикмаларга кўзимиз тушади: *минг баҳор* (1.9), *минг дил* (1.9), *минг йиллар* (1.9), *минг авлод* (1.9), *минг тил* (1.186), *минг ғулу* (1.223) ва бошқ. *Тупроғинг кўксини тутади ажиб куй, малоҳат, / Минг баҳор жамоли тиндирар кўзингни!* (1.9).**

Бу умуман кўплик маънолари *минг* сўзини такрор қўллаш йўли билан алоҳида таъкидланади: *Оҳ, буни мен англаб етгунимча минг- / Минг аламларни қилмадим тортиқ* (1.291). *–Фақирга қилган барча яхшиликларингга минг-минг раҳмат, иним!–деди у овози қалтираб* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Икки *минг* сўзи орасида *ва* боғловчиснинг қўлланилиши ёки биринчи *минг* сўзидан чиқиш келиги қўшимчасининг келиши эса экспрессив маънони яна ҳам кучайтиради: *Токай шундай бўлур, ё кулар тақдир, / Бу заиф қўлларга минг ва минг лаънат* (1.306). *Мингдан-минг розимиз!..* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Бу сўзни такрор ҳолда қўллаш шоира ижодида нисбатан сермаҳсул: *минг-минг ғунча* (1.183), *минг-минг кўз* (1.202), *минг-минг юлдуз* (1.267), *минг-минг ҳаёт* (2.52), *минг-минг чироқ* (1.53) ва бошқ.

***Минг* сўзи ёрдамида матнда тавсирнинг образлилигига хизмат қиладиган зидлаш усули юзага келади: *Минг кўз бўлиб йигит боққандай, / Чақнаб қарар қизга минг юлдуз* (1.30). Зулфия ушбу матнда *минг* сўзини кўчма маънода қўллаб, *кўзи тўрт бўлмоқ* фразеологик бирлигининг оргинал эквивалентини ҳосил қилган. Қиёслаймиз: *кўзи тўрт бўлмоқ – минг кўз бўлиб боқмоқ.* Умуман халқ тилида бу сўз ёрдамида шаклланган *минг қўйли бой, сичқоннинг ини минг танга бўлмоқ, минг эшитгандан бир кўрган яхши* сингари перифрастик ва фразеологик иборалар**

шаклланган. Улар сўзлашув услубида, унга боғлиқ тарзда халқ оғзаки ижоди намуналарида фаол қўлланилади: ***Сағрилари ёйдай бўлиб, Бир*** *минг қўйли бой****дай бўлиб. Жасадинг ўхшайди буз қарчиғайға, Ёнбошлаб ётишинг*** *минг қўйли бойға****. Бундай тегина берсанглар, бир кунлари шунинг нори келар, бошимизга бало бўлар, бизга*** *чичқон ини минг танга* ***бўп қолар*** **(Алпомиш).** ***–Балли! Аммо тилла-тилла деб,*** *минг сўзлагандан бир марта унинг ўзини кўрмоқ яхшидур****, дарвеш!*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси) каби. Ҳатто халқ оғзаки ижодида бу сўз иштирокида анъанавий одатлар ҳам ифода этилган:** *Минг қадимдан танга-пулни урган****ға, Мен тағаман шул қираға****й мерганга* **(Алпомиш).**

Халқ оғзаки ижоди учун типик бўлган ***минг бир*** **бирикмасининг қўлланилиши ҳам Зулфия поэзияси учун характерли:** ***минг бир тангри*** **(1.235),** ***минг битта баҳор*** **(1.206),** ***минг бир хил неъмат*** **(1.235),** ***минг бир тил*** **(2.56) ва бошқ.** ***Сенга*** *минг бор ҳамд****лар айтамен, парвардигори олам. Мавлонони қутқаришнинг*** *минг бир йўл****ини ўйлаб кўрган Қаландар ва унинг дўстлари кеча, ниҳоят, шу қарорга келишди. –Ўзингиз биласиз, бошимда*** *минг бир ташвиш****, бону...*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Матндаги худди** ***бир*** **сўзи сингари бошқа ўринларда кучайтириш оттенкаси** ***қатла, чандон, бор*** **бирликлари ёрдамида ҳосил қилинади:** *Минг қатла* ***шукр, осий бандангта не-не саодатли дамларни инъом этдинг, яратган эгам. У шогирди Али Қушчининг*** *минг чандон* ***ҳақ эканини дил-дилидан ҳис этар, айни замонда унинг бояги гаплари қайта-қайта эсига тушиб, юрагини ўртар эди. Сўнгги кунларда мавлононинг иккала оёғи шишиб, бурунги оғриғига*** *минг чандон* ***оғриқ қўшилди. Фақир сиздай шогирдларимдин минг*** *бор* ***розимен.*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).**

О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романида унинг ***минг хил режа, минг йил, минг ҳийлаю найранг, минг мақом*** **каби кўплаб бирикмалар ҳосил қилганлиги сўзнинг бу икки услубда қўлланиш имконияти жуда кенг эканлигидан далолат беради.**

Матнларда сон маъносини англатадиган ***туман*** **сўзи ҳам кўзга ташланади.** ***Ўн минг*** **маъносини англатадиган ушбу бирлик айнан шу маънода эскирган ва фақат бадиий-тарихий асарларда учрайди:** ***Амир Жондор билан амир Султоншоҳ барлос бошчилигидаги ҳировул қисмлар қўшиндан илгарилаб кетган,*** *бир неча туман* ***чап қанот ва қалб лашкари орқада келар, лашкарнинг кетидан аслаҳа ортилган туя ва хачирлар, баковуллар билан сарой маҳрамларининг соябон аравалари судралиб келарди. Бутун қўшин*** *бир-икки тумандан* ***ошмаса ҳам, кенг дашт лашкарга тўлиб кетганга ўхшар, сипоҳлар сон-саноқсиз туюлар, отларнинг кишнаши, эшак ва хачирларнинг ҳанграши, туяларнинг бўкириши еру кўкни ларзага солган эди. Одатда бундай юришларда аълоҳазратни ўраб оладиган амирлар,*** *туман* ***бошлиқлари ва***

муқарраб-ус султонлар бугун бирмунча орқада келар, гўё Мирзо Улуғбекнинг хаёлини бузишни истамас эдилар **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).** ***Туман*** **ҳозирги тилимида аввалги** ***район*** **сўзи ўрнида қўлланилмоқда.**

Сон туркуми доирасида қараладиган бирликларнинг иккинчи катта қисмини ***нумеративлар*** **ташкил қилади. Уларнинг баъзилари функционал жиҳатдан хосланган бўлади. Масалан,** ***карра, баравар, сутка, секунд, центнер, нафар, нусха*** **каби нумеративлар китобий характерда бўлиб, илмий, расмий ва қисман оммабоп услубларга хосланган. Шунингдек, улар бадиий матнда фаол ишлатиладиганлари ҳам бор:** ***бор, дақиқа, даъфа, зум, карра, лаҳза, он, палла, сония, фурсат, чимдим, шода, қатра*** **кабилар:** ***Икки кунгача устоднинг маҳзун нигоҳи кўз олдидан кетмай изтироб чекди, бир неча*** *бор* ***Кўксаройга боришга чоғланди, лекин журъат этолмади. Мана энди устоз ўзлари уни Кўксаройга чорлабдилар. Гарчи, Али Қушчи ва унинг шогирдлари кўп нодир китоб ва қўлёзмаларни гумдон қилган бўлса ҳам, шаҳзода кутубхонани кўздан кечираётиб, бунга яна бир*** *карра* ***иноңди! Сиз билан ўтган бир дақиқа висол*** *онларимни* ***юз йил умрга алмашмаймен. Чопар устига чопар келар, арбоби дин ва аркони давлат, аъён ва боёнлар, амирлар таширифбуюришар, қўш тавақали залварли дарвоза бир*** *сония* ***ҳам ёпилмас эди*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).** ***Шунда шивирлар менга кафтда қолган*** *чимдим* ***қум*** **(О.Матжон. Чорлов).** ***Кунтуғмиш тўра Моҳини кўкрагига олиб: - Шамолни очинглар, - деб ҳар кўзидан етмиш*** *қатра* ***ёшини тўкиб, қадди букилиб, Моҳининг бетига тиклаб турибди (Кунтуғмиш). Бир*** *дақиқа* ***фурсат бергайсиз*** **(О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).** ***Мен ҳам бир*** *зум* ***яшай бир одам каби*** **(А.Орипов).** ***Бир*** *лаҳзали* ***дил айёмидан, / Сира сўнмас ширин боқишинг*** **(Зулфия. Висол байрами).**

Боғ, бош, бўлак, гала, оғиз, пой, сиқим, тилим, томчи, тош, туп, тўда, тўғрам, тўп, қарич, қулоч, қултум **сингари нумеративлар эса сўзлашув нутқида фаол ишлатилади. Улар орасида** ***чиқим, чақмоқ, чақирим*** **сингари қўлланиши камайиб кетган нумеративлар ҳам бор. Бундан ташқари адабий тилимизнинг меъёрлари ва замонавий ўлчов атамаларининг фаоллашиши туфайли** ***пуд, ботмон, той, газ, таноб, тош, чақирим, фарсаҳ, чақа, мири, туя*** **каби нумеративларнинг қўлланиш имкониятлари торайган ва уларни асосан бадиий матнларда учратиш мумкин:** ***Сену мен ўз тошимизга*** *бир ботмон* ***бўлиб юрибмиз-да, бунинг тоши билан тортилсак, посангисига ярамаймиз*** **(А.Қаҳҳор. Синчалак).** ***Номага қараганда, шаҳзода қўшинлари икки-уч*** *фарсаҳ* ***жойга келиб қолган, Мирзо Улуғбек қандай қарорга келмасин, бу қарорни дарҳол қабул қилмоғи лозим эди! Қудуқ чуқур эмас, нари борса*** *ўн-ўн беш газ* ***бўлиб, унинг бир томонидан одам аранг сиғадиган туйнук очилган эди*** **(О.Ёқубов.**

Улуғбек хазинаси) Ўзининг кўчма маъноларида нумеративлар вазифасини бажарадиган *пиёла, қошиқ, коса, чойнак, қоп, қути, машина* маиший ҳаётда фаол ишлатилади. *арава/ чамадон, жўра/кийим,кийимлик, қават/қат, қатор, ўрим, тандир* сўзларининг эса фаолият доираси билан боғлиқ ҳолда нумератив сифатида ҳозирги кунда имкониятлари чекланган.

Айрим нумеративлар муайян сонлар билан турғун бирикма ҳосил қилади. Масалан, *қатла* сўзи ҳамиша *минг* сони билан биргаликда келади: *Минг қатла шукр, осий бандангта не-не саодатли дамларни инъом этдинг, яратган эгам. Ҳа, парвардигоримга минг қатла шукур* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси), *Минг қатла фарёд айларам* каби. *Чақа, мири* сўзлари ҳам инкор маъносида фақат *бир* сони билан биргаликда қўлланади: *Бир чақа ҳам оломайсан. Бир чақага қиммат одам. Бир мири ҳам пули йўқ* каби. Тақлидий сўздан пайдо бўлган *қултум* бирлиги фақат суюқликка нисбатан қўлланилади ва шу ҳолда турғунлик касб этади: Али *Қушчи бу сувнинг ярмини ичиб, ярми билан юз-қўлларини ювган булар, арпа кулчани учга бўлиб, бир қултум сув билан уч маҳал тановул қиларди. –Бир қултум май ичасизми? Бону майиздеккина заҳарни оғзига солди-да, бир қултум совуқ шарбат ичиб ўзини ёстиққа ташлади.* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Бу турғун бирикмаларда ҳам экспрессия мавжуд ва уларни ҳам стилистик ресурслар сифатида қарашга асослар бор.

Нумеративлар тилимизда сон жиҳатдан кўчиликни ташкил этгиши туфайли уларнинг айримларига мисоллар келтириш билан чегараланамиз: *Шунда саркасини тайинлаб,* икки оғиз сўз *айтиб турган экан* (Алпомиш). *Кел-е, бу баччаларнинг оғзига* бир луқма *солай (Кунтуғмиш). Сўнг, раҳматлик уста Темур Самарқандий ясаб берган пўлат пичоғи билан ерни ковлаб* бир сиқим тупроқ *олди* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). *гўё масжид гумбазига қадалган кумуш ҳилолдай* бир тилим ой *ялтиллаб турар* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси). *Қанча хор айласанг, фалак ризоман, Бўлдим энди* қултум *сувнинг гадойи* (Кунтуғмиш). *Гарчи, Али Қушчи ва унинг шогирдлари кўп нодир китоб ва қўлёзмаларни гумдон қилган бўлса ҳам, шаҳзода кутубхонани кўздан кечираётиб, бунга яна* бир карра *иноңди! Шаҳзода* бир неча бор *расадхонага пинҳона бориб, бу китобларни кўздан кечирган эди.* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

Энди эътиборимизни сонлар таркибидаги грамматик воситаларга қаратамиз. А.Нурмонов ва Н.Маҳмудовлар «Ўзбек тили сўз ясалишига бир назар» мақоласида сон сўз туркумига оид сўзларнинг грамматик табиати хусусида сўз юритиб, «Ўзбек тили фактларининг таҳлили шуни кўрсатадики, сон туркуми доирасида сўз ясалиши йўқ ва кўрсатилган «сон турлари»ни ҳосил қилувчи қўшимчалар сўз ясовчилар эмас. Масалан:

беш+инчи=бешинчи **ясалишида мотивловчи база (беш) билан ясалма (*бешинчи*) алоҳидадан денотат ва сигнификатга эга эмас.**

Демак, функционал форма ясалиши, шунингдек, вариацион форма ясалиши ўз моҳиятига кўра сўз ясалишидан мутлақо фарқ қилади, уларни қориштириш жуда кўп бошқа назарий янглишишларга олиб келиши табиий», деган фикрни баён этган.[27] Сон таркибидаги функционал ва вариацион шакл ясайдиган қўшимчалар янги сонлар ясалиши нуқтаи назаридан ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаса-да, уларга стилистик ресурслар сифатида қараш мумкин.

Ушбу туркум доирасида *-(и)нчи, -(и)нчидан, -ов, -ала, -та, -тача, -тадан, -лаб* сингари шакл ясовчи аффикслар категориал жиҳатдан гуруҳланади. Масалан, предмет, нарса-ҳодисаларнинг тартибини кўрсатувчи *-(и)нчи* қўшимчаси барча функционал услублар учун тенг бўлгани ҳолдан, унинг *–дан* қўшилган *-(и)нчидан* шаклида илмий ва расмий услубларга хос бўлган услубий чегараланиш мавжуд. Чунки *–(и)нчи* га *–дан* нинг қўшилиши натижасида таъкидлаш, санаш оттенкаси ҳосил бўлади ва бу оттенкалар илмий ва расмий баён услуби учун хос ва муҳим хусусият саналади. Бу услублар талаб қиладиган аниқлик ҳар бир ҳолат, фикр ва хулосани *биринчидан, иккинчидан, учинчидан* ва ҳоказо тарзида санаш ва таъкидлашни тақозо этади.

Гуруҳлашни, тўдани, биргаликни ифода этадиган *-ов, -ала* хусусида ҳам шу гапни айтиш жоиз. Улар ёрдамида шаклланган *икков, учов, тўртов, бешов, олтов, еттов* каби сўзлар оғзаки услубга хосланган бўлса, *иккала, учала, тўртала, бешала, олтала, еттала* кўринишлари китобий услубга хосланган.

Аниқ маънони ифода этганлиги сабабли *–та, -тадан* барча услублар учун умумий саналади. Аммо тахминни билдирадиган *-тача, -лаб* элементларида функционал чегараланишни кузатамиз. Одатда ўндан баланд бўлган йирик сонларга *–тача* нинг қўшилиши натижасида уларнинг аниқлиқ маъноси йўқолади ва тахминийлик, гумон, ишончсизлик, мавҳумлик, фараз оттенкалари пайдо бўлади: *ўнтача, юзтача, мингтача* каби. Аммо бу қўшилиш ҳам санашнинг инсон тасаввурига сиғадиган даражада амалга оширилади. Шунинг учун одатда *миллионтача* дейилмайди. *–лаб* ҳам худди шу тарзда қўшила олади: *ўнлаб, юзлаб, минглаб* каби. Ҳатто *миллионлаб* дейиш ҳам мумкин. Бу эса қўшимча қўшилгандан кейинги ҳолатда мавҳумликнинг нисбатан кучли эканлиги ҳамда рақамни бўрттириб кўрсатишга интилиш мавжудлигини кўрсатади.

---

[27] ***Нурмонов А., Маҳмудов Н.*** **Ўзбек тили сўз ясалишига бир назар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987, 3-сон, 41-б.**

Фнукционаллик нуқтаи назаридан –*тача* оғзаки нутққа, -*лаб* эса китобий нутққа хосланган. Масалан: *Минглаб беморлар* ***дардига дармон бўлаётган шифокорлар ҳамда ҳамшираларлардан миннатдормиз. Мукофот таъсис этилгандан буён вилоятимиздан етти нафар қизимиз Зулфияхоним номидаги Давлат мукофотига расман эга бўлган бўлсалар-да, ушбу саралаш баҳсларида*** *юзлаб қизларимиз* ***ўзларидаги бор қобилият ва истеъдодларини ишга солишди, ўзларини синаб кўришди. Боиси, хафтанинг икки-уч куни – бозорда*** *минглаб бозорчилар* ***оёғи тегади-ки бу ҳудудда бозор хизматчиларидан ташқари маҳалламиз ёшлари, фаоллар ҳам бевосита ободончилик-тозалик ишларига бош қўшадилар. Ўзининг кичиккина оиласида тартиб ўрнатолмаган, бундай кишига*** *юзлаб ёшлар* ***таълим-тарбия олаётган ўқув маскани ишониб топширилганлигига ҳайратланасан. Лекин у киши ҳаёти давомида қилган ишлари, тайёрлаган*** *юзлаб шогирдлари* ***билан ургутликлар қалбида яшаб келмоқда. Натижада*** *ўнлаб поездларнинг* ***қатнови бекор қилинган. Унинг айтишича, телефон сўзлашувиларини тинглаш амалиёти беш йил илгари қўлланилганида, 11 сентябр воқеаларининг олди олинган ва*** *минглаб одамлар* ***омон қолган бўлур эди. Бу ҳолда Миллий Хавфсизлик Агентлиги Федерал қидирув Бюросини*** *минглаб фамилиялар,* ***телефон рақамлари, электрон почта адресларига кўмиб ташламайдими? Расмий маълумотларга кўра, Чилида ҳарбий тузум ўрнатилган йиллар мобайнида сиёсий сабабларга кўра уч мингдан ортиқроқ киши нобуд қилинган,*** *минглаб кишилар* ***бедарак кетган.*** **(«Зарафшон» газ.). Оғзаки нутқда:** ***ўнтача китоб, йигирматача одам, ўттизтача машина*** **каби. Бу сўзларни таққослашдан яна шу нарса англашиладики, бу икки элемент қўшилган сўзлар умумий маънода тахминийлик, гумон, ишончсизлик, мавҳумлик, фаразни англатса ҳам, хусусий ҳолларда сонга –*тача* қўшилганда маълум маънода тахмин ҳақиқатга яқин бўлади. Агар шундай бўлмаганда** *Дарсга ўн бештача* ***талаба келди*** **дейилмасди. –*лаб* қўшилганда эса сонлар кўпроқ мавҳумликни ифода этади, миқдорнинг кўплигини муболағали тарзда баён қилади.**

Сонлар ёзувда рақамлар тарзида намоён бўлади. Ушбу рақамларнинг ёзма матнларда учраши ҳам сон туркумининг табиатига боғлиқ ҳолда турлича кечади. Аммо улар қандай матнлар учрамасин, барчаси учун умумий бўлган хусусият мавжуд. «Рақамларга аввало ахборот бериш хусусияти хосдир. Бироқ рақамларнинг ҳаддан ташқари кўплиги ҳамма вақт ҳам муаллифнинг ҳодиса моҳиятини тўлиқ англаб етганлигидан далолат беравермайди», деб ёзади К. М. Накорякова.[28]

---

[28] ***К. М. Накорякова*** **Цифра в публицистическом тексте. Часть 2 Дата создания оригинала документа:** 05.02.2004**. 43 Kb | koi8-r | http://www. gramota. ru/mag new.html?id=42.**

Дарҳақиқат, сонларнинг ёзувдаги белгиси бўлган рақамларнинг информатив характери бу сўз туркумига оид сўзларнинг функционал чегараланишларини яна ҳам ойдинлаштиради. Бошқача айтганда ҳамма услубларда ҳам рақамларга фаол мурожаат қилиш хос эмас. У асосан расмий услубга, унинг молиявий ва ҳисоб-китоб билан боғлиқ бўлган жанрларига хосдир. Илмий услубда ҳам мавзу ва фан соҳалари тақозоси билан рақамларга тез-тез мурожаат этилади. Улардан оммабоп услубда ҳам баъзан фойдаланиш мумкин. Масалан: ***Тадқиқот натижаларига кўра, яқин ўн йил ичида кўпроқ солиқ тўлашга тўғри келади, деб ҳисоблайди аҳолининг 77 фози. Атиги 3 фоиз фуқаро солиқларнинг камайишидан умидвор. 82 фоиз аҳоли 2015 йилда ишсизлик кўпаяди, деб ҳисоблайди. 7 фоизи эса бунинг ткскарисини танлаган. Иштирокчиларнинг 51 фоизи ўн йилдан сўнг мамлакат камбағаллашади, деган фикрда бўлса, 6 фоизи аксинча, деб ҳисоблаган. Беш йил аввал ўтказилган сўровлар натижаларига кўра, мазкур кўрсаткич 36 фоиз ва 12 фоизга тўғри келган эди. 76 фоиз аҳоли 2015 йилга қадар Австрияда чет элликлар сони кўпайиб боради, деб жавоб берган*** **каби. («Даракчи» газ.)**

Тилдаги сонларга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири, айни пайтда, экспрессивликни юзага келтирувчи хусусият уларнинг бирикмалар таркибида турғунлик касб этиши ва анъанавийлиги саналади. Бадиий адабиёт ва халқ оғзаки ижодига хос бўлган ***қирқ кокил*** **(1.64),** ***ўн саккиз ёш*** **(1.20,262),** ***етти қуш*** **(1.209),** ***етти мўъжиза*** **(1.210) каби анъанавий шакллар шулар жумласиданбир. «Алпомиш» достонида** ***беш юз*** **сони алоҳида мазмун ва урғу билан қўлланилган:** ***беш юз оқсоқол, арбоблари, беш юз мирғазаб, жаллод, беш юз сўм, беш юз нор, беш юз тилла, беш юз қадам, беш юз от, беш юз отли, беш юз одам, беш юз киши, беш юз ботмон, беш юз қулоч арқон, беш юз қўй, беш юз арава*** **каби. Сонларнинг қўлланилишидаги бу хусусиятларни улардаги рамзийлик, диний ақидалар, миллий урф одатлар ва анъаналар нуқтаи назаридан ўрганиш маънавиятимиз учун қизиқарли материаллар бериши мумкин.**

Англашиладики, ўзбек тилида ҳам сонлар алоҳида туркум сифатида ўзининг нафақат лексик-грамматик, балки стилистик ресурсларига ҳам эга. Уларнинг намоён бўлиши турли услубларда турличадир. Устунлик эса сўзлашув ва бадиий услубларда кўзга ташланади.

Адабиётлар

1. ***Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш.*** **Ўзбек тили тарихий грамматикаси. – Тошкент, 1973.**

2. ***Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А.*** **Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент, 1984.**
3. ***Благова Г.*****Ф. Характеристика грамматического строя (морфология) староузбекского языка конца XV в. по «Бабур-намэ»: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – М.,1954.**
4. ***Жўраев М., Холмуҳаммедов К.*** **Етти иқлимдаги еттилар. – Т.,1989.**
5. ***Жўраев М.*** **Ўзбек халқ эртакларида сеҳрли рақамлар. – Т.: Фан, 1991. –152 б.**
6. ***Комилова Х.*** **Ўзбек тилида олмош ва сон. – Тошкент, 1953.**
7. ***Кононов А.Н.*** **Грамматика узбекского языка. – Ташкент, 1948.**
8. ***Низомиддинова С.*** **Ўзбек адабий тилида сон.- Тошкент, 1963.**
9. ***Накорякова К. М.*** **Цифра в публицистическом тексте. Часть 2 Дата создания оригинала документа: 05.02.2004. 43 Kb | koi8-r | http://www. gramota. ru/mag new.html?id=42.**
10. ***Нурматова М.*** **Сонларнинг дона ва чама категориялари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, 5-сон.**
11. ***Нурмонов А., Маҳмудов Н.*** **Ўзбек тили сўз ясалишига бир назар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987, 3-сон.**
12. ***Раҳматуллаев Ш.*** **Ҳозирги замон ўзбек тилидаги сон туркуми ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўр.ОсиёДУ илмий асарлари. Ўзбек тили масалалари. – Тошкент: СаГУ,1957.**
13. ***Решетов В.В.*** **Современный узбекский язык, ч.I.- Ташкент, 1946.**
14. ***Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқ.*** **Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.**
15. ***Шодиев Ф.*** **«Бир» сўзи ва унинг ҳосилалари ҳамда айрим услубий хусусиятлари//Услубшуносликнинг долзарб муаммолари. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Самарқанд, 1999.**
16. ***Ўринбоев Б.*** **Номлардаги қирқ қандай сўз // Ўзбек филологияси масалалари. Самарқанд,1998.**
17. **Ўзбек тили грамматикаси, I том. – Т.:Фан, 1975.**
18. ***Қўнғуров Р., Каримов С.*** **Зулфия поэзияси тилининг луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981.**
19. **Ҳозирги ўзбек адабий тили, икки томлик, I том. – Тошкент: Фан, 1966.**

Олмош. Олмошларнинг гапда от, сифат, сон ўрнида келиши, унинг эквиваленти сифатида қўлланилиши бу сўз туркуми гуруҳидаги бирликларнинг грамматик жиҳатидир. Уларнинг нутқда боғловчилик

вазифасини бажариши ҳам ана шу грамматик вазифалар доирасида қаралади. Олмошларнинг бу сифати тилшуносликда уни дейксис белгилар сифатида қарашни тақозо этган. «Дейксис белгилар – воқеа, белги, нарсаларни бевосита ифодаламайди, балки уларга ишора, ҳавола қилади, шунга кўра уларни мазмунан кучсиз, бўш сўзлар сифатида қараш мумкин», деб ёзади Н.Маҳмудов.[29] О.С.Ахманова ҳам «дейксис кўрсатиш функциясини бажарувчи олмошлар учун характерли» эканлигини қайд этган.[30]

Бу туркумдаги бирликларга стилистик ресурс сифатида қаралганда бутунлай бошқа бир манзара ҳосил бўлади ва бу манзара ана шу ресурасларнинг ғоятда кўп эканлигидан далолат беради.

От, сифат, сон каби туркумларга оид бирликларнинг олмошлар билан алмаштирилишини олиб қарайлик. Нима учун улар тилдаги бошқа бирликлар билан алмаштирилади? Бунда қандай мақсадлар кўзда тутилади? Саволнинг қўйилишидан шу нарса сезиладики, бу ўзро алмаштиришлар замирида қандайдир ифода мақсади ётади. Бу мақсад эса фақат олмошлар қўлланилаётган матнлар орқали маълум бўлиши мумкин. *Мен – Эркин Зубайдуллаев, Алишер Бозоров ва Самандар Шукуровлар келдик* дейилганда фикр мантиқий жиҳатдан ғоятда аниқ ифода этилган. Агар гапнинг уюшиб келган эгаси олмош билан алмаштирилиб *Бизлар келдик* дейилса, гап грамматик жиҳатдан зарар кўрмайди, яъни ҳар икки ҳолатда ҳам предикативликни юзага келтирувчи асосий бўлаклар мавжуд. Аммо масалага синчиклаб қаралганда бу гаплар ўртасидаги тенглик фақат грамматик, яъни шакл томондан эканлиги, фақтгина теманинг мавжудлиги маълум бўлади. Мазмунан эса бу гаплардаги эга қисми биринг ўрнини иккинчиси боса олмайди. *Бизлар келдик* гапидаги *бизлар* сўзининг маъносини англамоқ учун тингловчи ким келишлигидан аввалдан хабардор бўлиши керак. Ҳатто шундай бўлганда ҳам айнан юқоридаги гапда номлари келтирилган кишиларми, уларнинг бир қисмими ёки қайси бири келмай қолганми, яна кимлардир қўшилганми эканлиги аниқ бўлмасдан қолаверади. Демак, бу ўринда *бизлар* нинг *Эркин Зубайдуллаев, Алишер Бозоров ва Самандар Шукуровлар* ўрнини босиши юзакидир. *Бизлар* сўзини ишлатиш бошқа тарафдан қулайдир. Масалан, биринчидан, фикр қисқа ва лўнда ифодаланмоқда, иккинчидан, у умумлаштирувчилик хусусиятини юзага чиқармоқда. Бу эса тилимизнинг амалда бўлиш қонуниятларига мос келади. Гапда *бизлар* нинг *Эркин Зубайдуллаев, Алишер Бозоров ва Самандар Шукуровлар* ўрини алмаштириши, яъни унинг эквиваленти бўлиши мутлақо грамматик ҳодиса. Аммо умумлаштирувчилик ва фикрни қисқа тарзда ифода этиши эса *сизлар* бирлиги зиммасига юклатилган

---

[29] ***Маҳмудов Н.*** **Эргаш гапларнинг табиати ва таснифи масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1991, 3-сон, 18-б.**

[30] ***Ахманова О.С.*** **Словарь лингвистических терминов. – М.,1969, с.126.**

қўшимча вазифадир. Шунинг учун ҳам у гапда стилистик вазифа адо этмоқда деб айта оламиз.

Шундай қилиб, олмошларнинг гапда от, сифат, сонга тенг келадиган грамматик вазифани бажаришидан ташқари, яна кўплаб стилистик отткенларни юзага келтириши бу туркумдаги бирликлар семантик маъноларининг ва қўлланиш кўламининг кенгайиб боришига асос бўлади. Олмошларнинг стилистик ресурслари ахтарилганда масаланинг ана шу жиҳатларини ҳамиша диққат марказида ушлаб туриш лозим бўлади.

Аммо *биз келдик* типидаги гапларда олмошлар англатаётган қўшимча маънолар тингловчи томонидан ҳамма вақт ҳам пайқалиб, тўғри баҳоланавермайди. Чунки нутқимизда олмошларнинг ниҳоятда кўп қўлланилиши, уларнинг муайян кўринишларда турғунлашишига ва анъанавий тус олишига олиб келганки, улар ҳар қандай тингловчи томонидан ҳам пайқалавермайди.

Олмошларга тилимиздаги стилистик ресурс сифатида баҳо бериш учун уларнинг функционал услубларо қўлланиш хусусиятлари, ўзаро ва бошқа тил элементлари билан синонимик муносабатга киришиш йўллари, нутқда олмошлар боғланаётган бирликлар ва бу боғланишлар орқали вужудга келган семантик маънолар ўрганилиши лозим. Бу ҳолатларга эса олмошларнинг барча турларида дуч келамиз. Уларга қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтамиз.

Кишилик олмошлари. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қуйидагилар кишилик олмошлари саналади: *мен, сен, у, биз, сиз, улар.*

I шахс бирлик олмоши *мен* сўзлашув услубида фаоллиги билан характерларланади. Шунга боғлиқ ҳолда бу фаоллик бадиий ва оммабоп услублар матнига кўчади. Расмий ва илмий услубларда деярлик ишлатилмайди. Унинг гапда от ўрнида қўлланилиб, эга бўлиб келишида грамматик ва стилистик эҳтиёждан кўра мантиқий эҳтиёж устундир. Чунки одам ўзи ҳақида ахборот бераётганда исми шарифини айтиш одатдаги сўзлашув мантиқига тўғри келмайди. Фақатгина расмий ҳужжатларда, масалан, таржимаи ҳол баён этилаётганда ***Мен*** *Мадиев... Ленин район, Ленин совхоз, Ленин участкасида туғилдим* (ТМ) ёки *Мен – Каримов Суюн Амирович 1950 йилда Самарқанд вилояти Нуробод тумани Улус қишлоғида туғилдим* дейилганда у тўлиқ келтирилиши мумкин. Шунда ҳам унинг гапдаги бошқа аъзоларга грамматик боғланиши олмошсиз ёки тиниш белгиларисиз (*Каримов Суюн Амирович - 1950 йилда Самарқанд вилояти Нуробод тумани Улус қишлоғида туғилдим*), оғзаки нутқда эса вазиятга қараб махсус оҳангларсиз амалга ошмайди. Қолган пайтларда эса бу вазифани олмош бажариши ўзбек тили учун меъёрий ҳолатдир. Баъзан кесимнинг бажарувчи шахсни кўрсатиб туриши олмошни бу вазифадан озод қилади: *Самарқанд вилояти Нуробод тумани Улус қишлоғида туғилдим* каби.

Шунга қарамасдан нутқда *мен* га фаол мурожаат қилинади: *Бир сўз билан айтсак* ***мен*** *шу кундан бошлаб Ботир фирқа бўлдим!* (Т.Мурод), ***Мен*** *баъзи бировлар юрган йўлларидан юрмайман* (Т.Мурод). Бундай гап қурилишидан уни, юқоридаги сингари, бемалол олиб ташлаш мумкин: *Бир сўз билан айтсак шу кундан бошлаб Ботир фирқа бўлдим! Баъзи бировлар юрган йўлларидан юрмайман.* Асосий мазмунга ҳам, грамматик қурилишга ҳам жиддий путур етмайди, унинг грамматик вазифасини кесимдаги шахс кўрсаткичи ўз зиммасига олади. Аммо унинг келтирилишидан гап зарар ҳам кўрган эмас. Бу гапларда *мен* озгина бўлса-да, таъкид оттенкасини вужудга келтирмоқда.

Бошқа бир ўринларда *мен* ни гап таркибидан чиқариб ташлаб бўлмайди: *Халқни нима қиласиз? – деди. – Мана мен Халқ, ўзимга айта беринг! Мана, мен — обком Ражабов!* (Т.Мурод).У гапларда шахсни кўрсатиш билан биргаликда, унинг ким томонидан айтилаётганини билдиришдек қўшимча вазифа бажармоқда. Агар у гапда олиб ташланса, гапнинг муаллифи бошқа кишига айланади. У *Худо мен бандасини-да ўз раҳматига олса эди!* (Т.Мурод) жумласидан олиб ташланганда, гап ким ҳақида кетаётганлиги ноаниқ бўлиб қолади.

Мен* олмоши бадиий матнда кучли поэтик воситага айланиши мумкин. Т.Мурoднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида у асар қаҳрамони Ботир фирқанинг ички дунёси, руҳий қолатини очиб беришда жуда фаол қўлланилган: «*Мен учун ***меҳнат шон-шараф бўлди. *Мен учун* ***меҳнат ғурур ҳам фахр бўлди.*** *Мен* ***ҳаётни меҳнат деб билдим.*** *Мен* ***яшашни меҳнат деб билдим.*** *Мен* ***яратдим,*** *мен* ***бино этдим. Мана шу XX асрни...*** *мен* ***яратдим,*** *мен!* ***Ана шундай зот кетса –*** *мен* ***ўлсам,*** *мени...* ***ювмайдилар, ювмайдилар!*** *Мендай* ***бир зот ўлса...*** *Менга...* ***жаноза ўқимайдилар, жаноза ўқимайдилар! Демак, шариат бўйича... ўлиб бўлмайди! Урф-одатлар билан ўлиб бўлмайди. Эскичасига ўлиб бўлмайди.*** *Мен* ***чин коммунистман.*** *Мен* ***эл-юртга партиявий назар билан меҳнат қилдим.*** *Мен* ***эл-юртга марксизм-ленинизм ғоялари билан хизмат қилдим. Бир сўз билан айтсак,*** *мен* ***меҳнат қилдим, меҳнат!*** *Мен* ***бола-бақрам демадим – жамиятим, дедим.*** *Мен* ***бола-бақрам учун меҳнат қилмадим – жамиятим учун меҳнат қилдим. Бир сўз билан айтсак, совет жамияти бор бўлсин, дедим. Коммунистик жамият бор бўлсин, дедим... Чин,*** *мен* ***коммунистман, коммунист. Аммо-лекин*** *мен* ***ҳам одамман, одам.*** *Мен* ***жаннат билан дўзахга ишонаман». Ботир фирқа унсиз-унсиз йиғлади.*** **(Т.Мурод). Баъзи ўринларда ушбу олмошнинг ёнига бошқа лексик воситалар қўшилиши ёки ўзининг такрорланиши орқали ифода эффекти яна ҳам кучайтирилган: *Ука,* *шахсан мен ўзим* ***сизни коммунистик партия сафига қабул қилдим. — Биринчи ғиштини Йўлдош***

Охунбобоев қўйиб эди, — деди. — Иккинчи ғиштини... *мен* ***қўйиб эдим,*** *мен!* **(Т.Мурод).**

Тилимиз тарихида мен ўрнида *камина, фақир, банда* сўзлари қўлланган: *Сизни ёлғиз юбормаймен, давлатпаноҳ сизни эҳтиёт қилмоқни* *каминага* ***топширгандур, устод; Фақир ҳам ўз устодимни кўргим келади*** **(О.Ёқубов). Сўзларнинг бу тарзда ишлатилиши, бир томондан, кишилардаги камтаринлик фазилатини жуда нозик тарзда ифодалай олса, иккинчи томондан, бадиий асардаги тарихийлик руҳини ушлаб туришга ҳам хизмат қилади.**

Ш.Шукуров «Шайбонийнома» муаллифи Муҳаммад Солиҳ ўзига нисбатан, яъни кишилик олмошининг I шахс бирлиги *мэн* ўрнида *банда* сўзини қўллаганлиги тўғрисида маълумот беради: *Тэнүридин* *банда* ***тилэр-мэн даим гаҳ закир болубан, гаҳ саим.*** *Банда* ***хан сары азимат қылса...***[31] **Бу анъана ҳозирги адабиётимизда ҳам давом этмоқда:** *Камина* ***ана шундан кейин КПСС сафига ўтишга мажбур бўлдим. Чунки кўриб турибсиз —*** *камина* ***бир ожизаи заифа, КПСС эса, диктатор эди!*** **(Т.Мурод).**

Сўзлашув ва бадиий услубларда баъзан *мен* ўрнида *биз* қўлланилади ҳамда бу ҳол сўзловчининг характерини, айтайлик, унинг манманлигини, кибру ҳавога берилганлигини очишда самарали усул ҳисобланади. Масалан, тахтни эндигина эгаллаган Абдулатиф тилидан қуйидаги сўзларни эшитамиз: *-Ма, ич, амир, -* *деди ва кулди.* ***– Билиб қўй,*** *биздай* ***амирул-мўмин қўлидан ёлғиз сен май ичурсен*** **(О.Ёқубов). Бу услубларда баъзан *мен* ўрнида *сен* (*-Билмайдиким, ...йўқ, тўхта Муҳаммад Тарағай! Нечун*** *сен* ***шаҳзодадан ранжийсен?*** **О.Ёқубов.), *сиз* ўрнида *сен* (*Изн айла! Она, дариғ тутма лутфингни, / Аввал шуки,*** *сенга* ***қалқон бўла олмаган / Бизни – ношуд фарзандларни афу этгайсен.*** **Э.Самандар. Аждодлар қиличи) қўлланилади ва бадиий ифоданинг ранг-баранг усулларининг юзага келишига кўмаклашади. *Мен* ўрнида *биз* қўлланилганда иложсизлик, чорасизлик оттенкалари ҳам англашилиши мумкин:** *Биз* ***бир далада юрган деҳқон бўлсак?*** **(Т.Мурод).**

Сўзлашув услубида *мен* нинг *ман* шакли ҳам учрайди, аммо бу шакл адабий тил меъёри нуқтаи назаридан ижобий ҳодиса саналмайди. Бадиий матнларда эса поэтик ижоддаги анъана маҳсули сифатида бунга йўл қўйилади: *Дунё бўлди чаманим маним, /* ***Ўзбекистон Ватаним*** *маним* **(А.Орипов. Ўзбекистон). Ҳатто бу ҳолатда *маним* ни *меним* тарзда қўллаш, худди *менинг* ни *манинг* каби ишлатиш сингари ғализ туюлади:** ***Изғиринлар устидан елар менинг Ғиротим. / Қайга учмак керакдир — билар менинг Ғиротим!*** **(М.Али. Парвоз).**

I шахс кўплик кўрсаткичи *биз* олмоши ҳам ўзининг асосий

---

[31] ***Абдураҳмоно Ғ., Шукуров Ш.*** **Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 89-б.**

функционал-грамматик маъносидан ташқари қўшимча маънолар ифодалайди. Жумладан, матнда унинг қуйидаги семантик маънолари юзага келади: а) биргалик: ***Бутун туманда шундай, – деди катталар. –*** *Биз* ***юқорига хабар бердик ёрдам берамиз, деди*** **(Т.Мурод). Бу оттенка олмошларга –*лар* қўшилиши билан янада кучаяди:** ***Жаҳонку бор гапни кўриб турибди /*** *Бизлар* ***шундай эдик,*** *бизлар* ***шунақа*** **(А.Орипов); б)бошқалардан ажратиб кўрсатиш, чегаралаш оттенкаси юзага келади:** *Биз* ***ана шу ердан яралдик.*** *Биз* ***ана шу ердан одам бўлдик*** **(Т.Мурод). Т.Мурод ўзининг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида унинг ана шу ажратиб кўрсатиш, чегаралаш оттенкасидан фойдаланишни бадиий маҳорат даражасига кўтарган. Собиқ иттифоқнинг емирилиш паллаларидаги қайта қурувчиларнинг тилида уни самарали қўллайди. Минбарларда халқ номидан ўзларини *«биз»* деб, қайта қурувчилар деб кўкрагига урувчи мақтанчоқлар, лўттибозларнинг характерини очишнинг кучли бадий воситасига айлантиради. Мадиевнинг нутқидан айрим намуналар келтирамиз: —** ***Хонимлар ва жаноблар! - деди Мадиев. — Жамият қандай бўлса, инсон ҳам шундай бўлади. Жамият қандай бўлса, ҳукумат ҳам шундай бўлади, ҳуқуқ-тартибот ҳам шундай бўлади, туриш-турмуш ҳам шундай бўлади.*** *Биз* ***яшаган жамият — социализм жамияти эди.*** *Биз* ***қурмоқчи бўлган жамият — коммунистик жамият эди. Биласиз, социализм жамияти ақлли шахсларни жини ёқтирмас эди. Социализм ақл-заковатли шахсларни бир четга суриб қўяр эди, овозини чиқармис эди. Чунки социализм ақл-заковатли шахслардан қўрқар эди! Мана, ватанимизга ҳам озодлик шамоли уфуриб, бизга ҳам эркинлик ҳуқуқи тегди.*** *Биз* ***ҳам ўз сўзимизни айтиш ҳақ-ҳуқуқига эга бўлдик. Бунинг учун худога минг қатла шукурлар бўлсин!*** *Биз* ***нега етмиш йил оч-наҳор яшадик? Чунки*** *биз* ***социализм тузуми занжирида яшадик. Социализм тузуми қонимизни сўриб келди. Социализм меҳнат ҳақимизнинг учдан бирини бериб келди, гадойга бериладиган меҳнат ҳақини бериб келди. Натижада,*** *биз* ***гадойларча яшадик.*** *Биз* ***коммунизм учун сув текин меҳнат қилиб яшадик. Пешона теримиз билан топилган меҳнат ҳақимизни эса, СССР отли аждарҳо ўз домига тортиб келди.*** *Биз* ***эса, қуруқ қўл билан қолавердик. СССР*** *бизни* ***алдади. СССР*** *бизнинг* ***меҳнат маҳсулотларимизни, ер ости-ер усти бойликларимизни ташиб кетди.*** *Биз* ***энди ўз юртимизга ўзимиз бош бўлишимиз керак.*** *Биз* ***энди ўз мулкимизга ўзимиз эгалик қилишимиз керак.*** *Биз* ***энди халқ бўлишимиз керак, халқ!***

30-йиллардаги НКВД командирининг нутқида ҳам *биз* айнан ана шу мазмунда эди:- ***Биз, сиз фаолларга суянамиз! – деди командир. – Сизлар қанчалик кўп ёрдам берсаларингиз,*** *биз* ***очарчиликни шунчалик тез тугатамиз.*** *Биз* ***бу борада етарли***

тажрибага эгамиз. Йигирманчи йилларда Украинада худди шундай очарчилик авж олиб эди. Миллион-миллион қурбонлар бўлиб эди. Миллион-миллион! Москва *бизни* ***Украинага сафарбар этди.*** *Биз жуда қисқа муддат ичида Украинада очарчиликка нуқта қўйиб келдик!*

Биз **нинг** ***мен*** **ўрнида қўлланиши илмий ва расмий нутқ учун хос хусусият саналади. Масалан: Шунинг** ***учун ҳам*** *бизни* ***жисмоний тарбия ва спортга доир атамаларнинг луғатларда акс эттирилиши даражаси қизиқтиради. Айтилганлардан келиб чиқиб,*** *биз* ***русча-байналмилал*** ***<u>физкультура</u>*** ***ва*** ***<u>физвоспитание</u>*** ***тушунчаларини ўзбек тилида ифодалайдиган жисмоний маданият ва жисмоний тарбия атамаларини бирлаштириб, биргина жисмоний тарбия атамаси билан ифодалаш тарафдоримиз.*** **(Диссертацион ишдан).**

II шахс бирлигини ифодалайдиган ***сен*** **олмоши ҳам нутқда фаол. Бу унинг, аввалambор, ўз грамматик вазифасини адо этиши билан, иккинчидан эса, у орқали айрим эмоционал-экспрессив оттенкаларнинг берилиши билан изоҳланади. Аммо бу оттенкалар сўзлашув ва бадиий услуб доирасида ва уларга боғлиқ тарзда оммабоп услуб билан чегараланган. Расмий ва илмий услублар учун хос эмас. Ушбу олмош матнда қуйидаги оттенкаларнинг юзага чиқишига сабаб бўлади: беписандликни билдиради:** *Сен* ***ўзи кимсан-ки, «задерживать» қиласан?*** **(Т.Мурод). Агар унга** ***–лар*** **қўшилса, бу оттенка яна ҳам кучаяди:** *Сенлар* ***қачон менга орден бериб эдинг?*** **(Т.Мурод); ажратиб кўрсатади: —** *Сен-чи, сен***?** *Сен* ***Кутузов бўлиб… қарши ҳужумга ўтдинг-ку? —*** *Сен* ***палатадагиларни қиличдан ўтказдинг! —*** *Сен* ***тўппонча билан отдинг! —*** *Сен* ***чамбарак отдинг!*** **Унинг кичик бир микроматнда такрорий қўлланиши бу эффектни янада кучайтиради.**

II шахс олмоши ***сиз*** **да унинг асосий маъносидан ташқари яна ҳурмат ва кўплик оттенкалари ҳам англашилади:** *Сиз* ***туман бориб келдингиз,*** *сиз* ***айтинг; Мана,*** *сиз* ***фарғоналиксиз*** **(Т.Мурод). Баъзи матнларда ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилади:** ***Орол*** *сиз билан биздан* ***олдин ҳам бор эди,*** *сиз билан биздан* ***кейин ҳам бўлади! Суви камайса,*** *сиз билан биз* ***айбдор бўлмаймиз.*** *Сиз билан биз* ***мана шу чўл-биёбонларни инсон яшайдиган маконга айлантирмасак... коммунист бўлиб нима қилиб юрибмиз?*** *Сиз билан биз* ***ҳақимизда! Айб*** *сиз билан бизда!* ***Бу,*** *сиз билан бизнинг…* ***Гап келганда, отангни аяма, дейдилар. Бу*** *сиз билан бизнинг* ***ювошлигимиздан, ҳа, қўймижозлигимиздан!*** **(Т.Мурод).**

Т.Мурод «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида аслида бир-бирига оппозицияда бўлган ***сиз*** **ва** ***биз*** **сўзларини ёнма-ён қўллаб, уларни совет даври коммунистик эътиқоди фанатикларининг дунёқарашини, фаолиятидаги кўр-кўрона тарғибот ва**

сафарбарликни ифода этувчи воситага айлантиради: ***Нега*** *сиз билан биз* ***юрибмиз, улар эса очликдан ўлади?*** *Сиз билан биз* ***фирқамиз. Шундай экан,*** *сиз билан биз* ***совет тузуми душманларига қарши кўкрагимизни қалқон қилишимиз керак. Шунинг учун*** *сиз билан биз* ***очарчиликка қарши шафқатсизларча кураш олиб боришимиз керак.***

Сиз **олмоши К.Яшиннинг «Нурхон» пьесасида Ҳожининг ўз хотини билан бўлган суҳбатида сенлаш ўрнига сизлаш ва шу тарзда муомала меъёрининг бузилиши матнда жуда кучли бадиий-эстетик вазифа бажариб, беписандлик, пичинг, зўравонлик каби оттенкаларни ифода этган:** *Кимё.* ***Жон отаси, қизимга раҳм қилинг. Ёш нарсани сил қилиб, ажалидан беш кун бурун ўлдирманг!*** *Ҳожи.* ***Овозингизни кўтарманг, жим... Эшитилади!*** *Кимё.* ***Етти ухлаб тушига кирмаган кунларни кўрадими энди шўрлик қизим...*** *Ҳожи.* ***Жим!! ...Гап битта, индинга тўй, бу ҳақда бировга оғзингизни оча кўрманг! Шу кундан бошлаб хотиним касал, деб гап тарқатаман, агар бирор нарса пайқаб қолсам, эртага хотиним ўлди, деб овоза қилиш ҳам қўлимдан келади! Уқдингизми, айланай хотин!..***

Бу олмош ҳам расмий ва илмий услублар учун хос эмас.

Олмошнинг III шахс кўрсаткичлари, айниқса, бирлик шакли *у* барча функционал услублар учун бар-баравар эканлиги билан характерланади. Кишилардан кўра предмет, нарса-ҳодисаларга нисбатан кўп қўлланилади. Алоҳида фарқи шундаки, улар бир вақтнинг ўзида кўрсатиш вазифасини ҳам бажаради ва шунинг учун илмий адабиётларда *кишилик-кўрсатиш олмошлари* деб ҳам юритилади: ***Менинг қисматимни кўролмагай*** *у* **(А.Орипов).** ***Қани*** *улар,* ***қайда ошиёнлари? / Уларнинг ёрлари кетдилар қаён? / Қайдадир*** *уларнинг* ***қиз-ўғлонлари? / Уй-рўзғори қайда? / Этингиз баён!*** **(М.Али. Армон).** ***Бугун барг ёздими ям-яшил ва ё / Маъюс хотирага айланди*** *улар****?*** **(М.Али. Бекинмачоқ.).**

Олмошларнинг бири ўрнида иккинчисининг қўлланиши мумкинлиги халқ тилида алоҳида мазмун касб этади. Масалан, қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи аёллар одатда ўз эрларига уларнинг исмини айтиб мурожаат қилишмайди. Мурожаат жараёнида фарзандларининг бирининг исмидан фойдаланиши мумкин. Мана шу эр-хотин ўртасидаги нозик муносабатни бериш мақсадида Тоғай Мурод ўзининг «Отамдан қолган далалар» романида олмошлардаги имкониятлардан жуда яхши фойдалана олган: ***сиз*** **ўрнида** ***ўз*** **олмоши:** ***Мен тағин кўрпадан ошимни оламан. Кўзларимни катта-катта очаман. Пичир-пичир эшитаман. – Мени қизиллар йўқламаяптими? –Йўғ-а. –Йўқласа, тоққа ўтинга кетиб эди, де.*** *Ўзи* ***қаерда юрибди? - Ишинг бўлмасин.***

Матннинг давомида сиз ўрнида, гарчи белгисиз бўлса-да, тўлдирувчидан англашилган аниқловчи у қўлланилганлигини кузатамиз: -*Нимага ишим бўлмайди?* *Ўлик-тиригини* ***билайин-да.* Яна: -*Бўлди, энди қайтиб келсин. Анави Деҳқонқули безорижонимни чиқарди, - дея пичирлайди онамиз.* Яна бир жойда *сиз* ўрнида *бу (киши)* олмоши қўлланилган: - *Кимлар бўларди – қизиллар-да. Кимлар бўларди – падар лаънат чўчқалар-да. Чўчқалар ўзлари юртимизга бостириб келди. Яна тағин, бизни босмачи деб атади. Падар лаънат чўчқалар ўзларини ёрлиқларини бизнинг пешонамизга ёпиштирди. – Унда** *бу киши* ***ким бўлди?***

Кўрсатиш олмошлари **ўзбек тилида қуйидагилар: *у, бу, шу, ўша.* Улар олмош сифатида ўзининг асосий вазифасини бажаришидан ташқари нутқ бўлаклрини ҳам ўзаро боғлашга хизмат қилади: *Фалсафа фанида «сабаб» ва «оқибат» категориялари мавжуд. Бу категорияларнинг моҳияти…* (Р.Отаев).**

У, таъкидланганидек, ниҳоятда фаол ва барча услублар учун баравар олмош ҳисобланади, аммо унинг кўрсатиш даражаси мавҳумроқ ва асосан умумийлик касб этади: *Дашт аро кетмакда бир соя якка: / Шоир,* ***у*** *Руҳ эмас, мангулик Армон!..* (М.Али.Армон). *Ирмоқ, сен эмасми,* ***у*** *чопқир ирмоқ, / Эзгу ниятини куйлаган умр?* (М.Али.Ирмоқ). Кўплик кўрсаткичи маъноси ҳам асосан шундай: -*Йўқ,* ***улар*** *ўлимга маҳкум этилмаган, – деди Ботир фирқа. – Мен олдин* ***уларга*** *биттадан кулча берар эдим; -Йўқ,* ***улар*** *интеллектуал, ўртоқ Эсонов, ҳа,* ***улар*** *интеллектуал* (Т.Мурод). Баъзан объектни аниқ кўрсатади: - *У-у-уҳ!.. – дея оҳ урди. – Тирик, тирик! Ўртоқ командир,* ***улар*** *тирик! Шўро ҳукуматига ишчи кучи керак, ўртоқ командир,* ***улар*** *ҳали иш беради* (Т.Мурод). Бу хусусият уларни кўрсатиш маъноси кучли бўлган *шу, шулар* олмошлари билан қиёслаганда яна ҳам ойдинлашади: ***Шу*** *чирой,* ***шу*** *ёшлик, умринг баҳори / Сарғайиш билмасин, сулув келинчак* (Зулфия. Келинчак). *Шунда қоғозларга меҳр-ла боқдим, Дунё* ***шулар*** *билан эди нурафшон* (М.Али. Подшо ва шоир).

Сўзлашув нутқида *улар* ёрдамида тушуниб-тушунмай ҳурмат маъносини ифодалашга интилиш кучайиб бормоқда. Бу айниқса телекўрсатув иштирокчилари нутқида сезилиб туради: ***Улар*** *яхши одам эди. Лекин кўнглимизда,* ***улар*** *доимо тирик* каби.[32]

Кишилик-кўрсатиш олмошининг ушбу шакли бадиий услубда алоҳида тарзда намоён бўлиши унинг китобий-тарихий вариантлари мавжудлиги билан изоҳланади. Масалан, унинг III шахс бирлиги

---

[32] **Бу ҳақда ишнинг эгалик кўрсаткичлари таҳлилида фикр юритганмиз. Яна бўлароқ маълумот олиш учун қаранг: *Қўнғуров Р.* Ўзбек тили стилистикасидан очерклар, 27-30-бетлар; *Раҳматуллаев Ш.* Ҳурмат формаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973 йил, 1-сон, 28-30-бетлар.**

кўрсаткичи *у* поэзияда, тарихий мавзудаги бадиий асарларда алоҳида кўринишларга эга бўлади. Шеъриятда *ул,* қаратқич келишиги билан бирга келганда эса, асосан тарихий мавзудаги асарларда, *анинг* тарзида ифода этилади: *Гуллар ичида Шоҳи ўзим дер эди лола, / Мағрурлигидин,* ***Ул*** *ўзи шарманда бўлибдур* (Э.Воҳидов. Гуллар базми). *Инчунун, савоб* ***анинг*** *фазли карами ва азоб-уқубат* ***анинг*** *адолати ва бандасидин* ***анинг*** *қарзи йўқдур* (О.Ёқубов).

Бундай матнларда битта *–л* товуши *бу, шу, ўша* сўзларида ҳам орттирилади. Улар ҳам тарихий мавзудаги ва поэтик матнларда қўлланилади: *Надоматлар бўлғайким,* ***ўшал*** *тўйдан кейин устига жанда, бошига кулоҳ кийиб, мадрасани тарк этди* (О.Ёқубов). *Инсон жисми бўлуб менга* ***бул*** *сифат, / Кенг оламни қилдинг кўкрагимга жо* (Э.Воҳидов. Илтижо). *Агар алдамаса шу совуқ симлар, / Гар* ***шул*** *эшитганим бўлмаса рўё* (А.Орипов. «Муножот»ни тинглаб).

Бу **олмоши функционал услублараро чегараланмайди, уларнинг барчаси учун баравар. Семантик жиҳатдан олиб қаралганда** ***у*** **олмошига нисбатан яқинда, яқинроқда бўлган кишиларни, нарса-ҳодисаларни кўрсатиши мумкин:** ***Йўқ,*** *бу яқинда* ***шариатпешво сиймолар йўқ*** **(Т.Мурод). Олмошнинг бу хусусияти** ***мана*** **сўзи ёрдамида яна ҳам кучайтирилади:** *Мана бу зотлар* ***зиёли эмас!*** **(Т.Мурод). Айни пайтда, ажратиб кўрсатиш, санаш оттенкаси кучли бўлади:** *Мана булар* ***эса – ҳуқуқни ҳимоя қилувчи беморлар ҳисобланади.*** *Мана булар* ***- партия-ҳукумат раҳбарлари ҳаётига суиқасд қилмоқчи бўлганлар.*** *Мана булар* ***эса – ҳақиқатсеварлар. Энди булар лидер, ҳа, лидер!*** **(Т.Мурод).**

Т.Мурод «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида ушбу олмошлардан зидлаш усули воситаси сифатида фойдаланади ва ниҳоятда кучли бадиий манзара ҳосил қилади. Қиёс учун: *Бу дунёда* ***эса... яшаса бўлади!*** *Бу дунё* ***– яшаш учундир! ...*** *Бу дунёга* ***келдингми? Энди яша! Тишни тишга қўйиб-қўйиб яша. Муштни тугиб-тугиб яша. Алп-алп одим отиб яша. Чидаб-чидаб яша. Яшашни чидаганга чиқарган!*** *Бу дунёга* ***келдингми? Энди чида! Дунё – чидаганники! Охиригача чида, худо берган кунгача чида;*** *У дунёда...* ***ўлса бўлади!*** *У дунёда* ***қуёш йўқ.*** *У дунёда* ***сув йўқ.*** *У дунёда* ***нон йўқ. Шу боис, у дунёда яратиб бўлмайди.*** *У дунёда* ***экин экиб бўлмайди.*** *У дунёда...* ***КПСС йўқ, КПСС йўқ!*** *У дунёда* ***социализм қуриб бўлмайди.*** *У дунёда* ***коммунизм қуриб бўлмайди.*** *У дунёда...* ***орден-медал йўқ, орден-медал йўқ! Қўша-қўша унвонлар йўқ.*** *У дунёда...* ***гимн айтиб бўлмайди!*** *У дунёда* ***«Интернационал» айтиб бўлмайди!*** *У дунёда...* ***пенсия бермайди!*** *У дунёда* ***пенсия йўқ!*** *У дунёда...* ***кампири нозик таъб билан боқмайди. Силаб-сийпаламайди. Саранжом-саришталамайди. Шу боис,*** *у дунёда...* ***ўлса бўлади!*** *У дунёда* ***оёқ узатиб ётса бўлади! Кўз юмиб ётса бўлади!***

Кўрсатиш олмошлари *Бу одам келди, Шу одам келди, У одам келди, Ўша одам келди* гапларидаги ўзининг асосий семантик-грамматик маъносидан ташқари матнда маъноларни кескин фарқлашга ҳамда қўшимча маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Агар юқоридаги Т.Мурод романидан олинган парчада *у, бу* олмошлари иштирок этмаганда эди, тириклик ва йўқлик оламини, фоний ва боқий дунёни фарқлаб бўлмас эди. Бу олмошлар айрим сўзлар билан шу даражада мустаҳкам боғланганки, уларни ажратиш мантиқсизликка олиб келади. Масалан: *Биз *бу борада* ***етарли тажрибага эгамиз.*** *Бу ҳақда* ***буйруқ бор. Ана*** *бу* ***бошқа гап! – деди командир. Аммо-лекин биз совет халқи шугина қисқа вақт мобайнида оламшумул муваффақиятларни қўлга киритдик,*** *бу билан* ***бутун совет халқи, шу жумладан, озод Шарқ хотин-қизлари ҳар қанча фахрлансалар арзийди...*** *Бу деган сўз****, генерал Григоренко совет халқи назаридан олисда, чет эл матбуотидан олисда, жаҳон оммаси эътиборидан олисда, деган сўз*** **(Т.Мурод). Матндаги *бу борада, бу ҳақда, бу билан* кабилар ана шундай жумлалардир. Уларни бир-биридан ажратиб қўллаб бўлмайди. Жумлаларнинг бу тарзда қўлланилишида услубий чегараланиш бор, улар китобий услублар учун хос. Аммо ноаниқлик, мужмаллик маъносини берадиган *бу бир* шаклида қўлланилиши сўзлашув услубига тегишли:** *Бу ўзи бир**... **эскилик сарқити бўлса, нимасини аяйди? – деди Ботир фирқа*** **ёки** *Бу бир гап***. (Т.Мурод).**

Таркибида ушбу олмош иштирок этган *бу қадар, бунчалар* элементлари ёрдамида предмет ва ҳолат-ҳаракатдаги белги ғоятда кучли эканлиги кўрсатилади: *Бу қадар* ***нонкўр бўлма-да, қайта қурувчи демократ! Ҳой кемачи қиз,*** *бунчалар* ***шошма, / Уммон қолиб, сен қайнама, тошма!*** **(М.Али. Вашингтон кўлида)**

Кўрсатиш олмошларидан яна бири *шу* олмоши семантик маъноларига кўра *бу* га бирмунча яқин туради. Шунинг учун уларни синоним сифатида қўллаш ҳам мумкин: *Шу даражага* ***кўтарилишингиз учун хиёл бўлса-да, улушим бор, деб ўйлайман*** **(Т.Мурод)-** *Бу даражага* ***кўтарилишингиз учун хиёл бўлса-да, улушим бор, деб ўйлайман.*** **Яна:** ***Ана,*** *ана шу* ***уч тоифа одам кўп овоз олади!*** *Шу билан* ***ҳафта етти кун бўлиб қолди*** **(Т.Мурод).** *Шу* ***билан нима демоқчисан? -*** *Бу* ***билан нима демоқчисан?*** **Аммо бу синонимликни доимий хусусият деб бўлмайди. Қиёслаймиз:** ***Мен*** *мана шу* ***Мадиевнинг шеърларини ўқиганман*** **дейиш билан *Мен* *мана бу* *Мадиевнинг шеърларини ўқиганман* дейиш стилистик жиҳатдан фарқ қилади. Иккинчи гапдан бир неча Мадиевлар шеър ёзади-ю, уларнинг орасидан фақат биттасининг шеърларини ўқиганман, деган маъно келиб чиқади.**

Ушбу олмош иштирок этган *шу қадар, шунчалик, шу даражада, шу боис, шу сабаб, шу сабабдан, шу жумладан, шу*

мақсадда, шу сингари, шу каби, шунингдек, шу пайт, шу лаҳза, шу он, шу дам, шу билан **жумлалари нутқда тез-тез учраб туради. Улардан** ***шу қадар, шунчалик, шу даражада*** **кабилар белгининг ортиқлини билдиради.** ***Шу боис, шу сабаб, шу сабабли, шу сабабдан, шу жумладан, шу мақсадда, шу сингари, шу каби, шунингдек*** **сингарилар функционал жиҳатдан расмий ва илмий услублар доирасида чегараланган бўлади.** ***Пайт, лаҳза, он, дам*** **каби сўзлар умуман вақт маъносини ифода этса,** ***шу пайт, шу лаҳза, шу он, шу дам*** **жумлалари вақтни замон жиҳатдан чегаралайди, аниқ бўлган вақтни кўрсатади.** *Шу боис* ***бу ерда менежернинг қобилиятига кўпчиликнинг фаолиятини уйғун ҳолда ташкил эта олишига, уларни бир бутун жамоага айлантира билишига қараб баҳо берадилар (Р.Валижонов).*** *Шу сабабли* ***алейрон доначалари ўсимлик уруғининг униб чиқиш даврида сувни шимиб катталашади.*** **(С.Мустафаев).** ***Концепция — ер, конлар, корхона ва*** *шу кабилардан* ***фойдаланиш ҳақида давлат билан айрим ташкилот ва фирма орасида улардан узоқ муддатда фойдаланиш ҳақидаги шартнома*** **(Р.Валижонов).** ***Дарахтсимон ўсимликларнинг ёғочланган ҳужайралари асосан поя ва илдизида жойлашган ана шу ёғочланиш туфайли дарахт танасини тик тутиб туриш қобилиятига эга бўлади.*** *Шунингдек,* ***ёғочланишнинг муҳим хўжалик аҳамияти ҳам бор*** **(С.Мустафаев).** *Шундай экан,* ***мен бечораям... шу бугун омонатимдан қутулиб олсам бўларди!*** **(Т.Мурод).**

Бу каби гап қурилишларида олмошли бирлик ўзи иштирок этган гапни ўзидан олдинги гап билан боғлаш учун хизмат қилади. Бу хусусият эргаш гапли қўшма гапларда янада аниқ сезилади: ***Бунинг маъноси*** *шуки:* ***ишсизларга фақат нафақа бериб ўлкан пул маблағларини сарф қилишнинг кераги йўқ, бунинг ўрнига ишсизларни қайта тайёрлаб, уларнинг малакасини ошириб меҳнатнинг бошқа турларига йўналтиришга қаратилади*** **(Р.Валижонов) каби.**

Ўша **олмоши бошқа кўрсатиш олмошларидан семантик жиҳатдан фарқ қилиб, ё масофа, ёки вақт нуқтаи назардан узоқлик маъносини беради:** *Аслида ўшалар* ***ҳам Москванннг буйруғи билан қилган бу ишни*** **(Ў.Хошимов).** ***Бир лаҳза, бир лаҳза орзиққанча шод / Қайтгим келар*** *ўша* ***оппоқ кечага...*** **(М.Али. Бекинмачоқ).**

У кўрсатиш маъносидан ташқари яна ишора қилиш, шама қилиш оттенкаларини ҳам беради: ***Кимдир фароғатсиз яшаб ўтгану / Ўшанинг руҳи бу, демоқ бўламан*** **(М.Али. Армон).** ***Доно юрак хуноб қилгапда / Ўшаларга ёрилдим фақат. / Тентак ақл қаҳ-қаҳ урганда, /*** *Ўшаларга* ***берилдим фақат.*** **(М.Али. Далаларга қилайлик таъзим).**

Баъзан матнда эллиптик жараён юз беради, гапда тушиб қолган бўлак маъносини англатишини ўша *олмоши ўз зиммасига олади. Қуйидаги мисолда у шу вазифани адо этиб, пайт маъносини англатган*: Сен **ўшанда** ўксимоқни ташларсан, / Оппоқ тожинг кўз-кўз қилиб яшарсан! *(М.Али. Баҳор келганда).*

Келтирилган мисоллардан англашиладики, ҳамма ҳолатларда ҳам ушбу олмошда таъкидлаш оттенкаси сезилиб туради. Агар унинг таркибига *ана, мана* сўзлари қўшилса, бу таъкид оттенкаси яна ҳам кучаяди: *ана ўша, мана ўша* каби. Бу хусусият унинг китобий услубга хосланишини келтириб чиқаради: *Ана ўшанда **бир иложини қилса бўлар эди. Ҳаммаёқ...** ана ўшанақа **бўлиб кетди!*** **(Т.Мурод).**

Бошқа кўрсатиш олмошлари каби *ўша* ҳам гапларни ўзаро мазмунан боғловчи вазифасини бажаради. М.Ҳакимов бундан ташқари *ўша* нинг баъзи ҳолларда ўзида кўрсатиш, масофа маъноларини сақлаган ҳолда, эслаш маъносини ҳам ифода этишлигини таъкидлаб, қуйидагиларни ёзади: «Бу ўринда «ўша» олмошидаги кўрсатиш семаси иккинчи планга ўтади, нутқий вазият туфайли юзага келган эслаш маъноси эса биринчи даражали сема ҳисобланади».[33]

Баъзи ҳолларда *ушбу* олмоши *шу* олмоши билан синоним бўлади: ***Фақат** шу **ёдгорлик уйғоқдир, унда / Йигирма ўғлоннинг ёзилган номи*** **(М.Али. Армон) -** ***Фақат** ушбу **ёдгорлик уйғоқдир, унда / Йигирма ўғлоннинг ёзилган номи.***

М.Али «Адабий соғинчлар» асарида олмошнинг *ушмундоқ* вариантини қўллаган: ***Қандай зарурат уни ушмундоқ жасоратга ундади экан? Ҳа,** ушмундоқ **Ҳошими Лаъинлардан ўзга бир ишни кутмоқ мумкин бўлмас...***

Ўзбек тилида *ана, мана* сўзлари ҳам кўрсатиш маъносини ифодалайди: *Ана **иккитасини олиб келдик,** ана* **(Т.Мурод).** *Мана **мен Халқ, ўзимга айта беринг!** Мана шу...* ***мен-а? – деди. –** Мана шу **мен.*** **Улар *бу, шу* олмошларига қўшилиб, юқоридаги ҳолатлардаги каби қўшимча оттенкалар пайдо қилади. Масалан, таъкид:** *Ана шунда – ўсасан**!** Ана шунда – кўтариласан**!** Ана гап, ана**!** Мана шундай **маданий-маиший корхоналардан бири тарихий ва кўҳна Қўқон шаҳрида очилди;*** **маънони кучайтириш:** ***Аммо-лекин мен** мана бундай **ўйлайман: эл-юртга бўлган меҳр-муҳаббат... ўта ички бир муҳаббат бўлади*** **(Т.Мурод) каби. Бу сўзлар таркибининг сўзлашув вариантлари ҳам бор:** ***Энди,** манавиндай **шиорлар замони келди. -** Манавигами**? Бу – ҳовуз-ку? – деди*** **(Т.Мурод).** ***Анақа*** **ҳам баъзи шеваларда фаол ишлатилади:** ***С приветом...** анақароқ бўлиб қолган**ингизни..; Тажрибаларимиз бундай: сиз айтган** анави **қабристон ўз ажали билан ўлганлар учундир*** **(Т.Мурод) каби.**

Таҳлил этилган мисоллар *ана* сўзининг семантик маънолари тараққий этганлигидан далолат беради. Жумладан у

---

[33] ***Ҳакимов М.Х.*** **Ўзбек тили матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол.фан.номз. …дис.автореф. – Тошкент, 1993, 7-бет.**

қуйидаги маъноларни англатиш хусусиятига эга: ҳайратланиш, ажабланиш, тажжуб (*Ана* ***мэр,*** *ана* ***раҳбар!*** *Ана* ***гап!*** *Ана, холос****!*** *Ана****, қўймижозлик.*** *Ана сизга озодлик, мана сизга озодлик****!*** **Т.Мурод*);* қўрқинч, ваҳима, афсусланиш (***Ана, ана энди қўлга тушдим! Уҳ*** *ана ўлдим, мана ўлдим****, дея ўз ўлимини ўзи тезлатади.*** **Т.Мурод*);* писанда:** *Ана****, қайта қуриш шарофати,*** *ана. Ана* ***буни қайта қуриш деса бўлади.*** *Ана энди…* ***ўс, ўзбек хотин-қизлари, ўс!*** **Т.Мурод*);* таъкид (***Ана бу бошқа гап****!* **– деди командир.** **Т.Мурод*);* кучайтириш:** ***Лекин*** *ана шундай* ***буйруқ ҳам бор!*** **Т.Мурод*);* маъно изчиллигини таъминлашда иштирок этиш *(Олдин тинчлик,*** *ана ундан кейин* ***реформа, шиори остида реформа қилди.*** *Ана ундан кейин* ***телефонни кўтариш керак.*** **Т.Мурод*)* ва ҳоказо.**

Мана **сўзи ҳам олмошдаги маънони кучайтириш (***Мана,* ***мен кимман,*** *мана****!*** **Т.Мурод*);* ниманидир узатишни ифодалаш *(Ботир фирқаман. Бери кел! – деди она. – Бери кел,*** *мана нон.* **Т.Мурод*);* санаш *(Масалан,*** *мана бу* ***палаталарда диний-руҳий беморлар даволанади.*** *Мана булар* ***эса – ҳуқуқни ҳимоя қилувчи беморлар ҳисобланади.*** *Манавилар* ***– бойвачча беморлар.*** *Мана бу* ***беморлар эса – ҳарбий қонун-қоида қурбонлари.*** *Манавилар* ***– ихтирочи-кашфиётчилар.*** *Мана булар* ***- партия-ҳукумат раҳбарлари ҳаётига суиқасд қилмоқчи бўлганлар.*** *Мана булар* ***эса – ҳақиқатсеварлар.*** **Т.Мурод*);* хунобликни кўрсатиш (***Мана, баранлик!)*** **каби. Бундан ташқари *мисол учун, айтайлик* маъноларини (***Мана, сен****!* **— деди.** ***— Тилинг бор-а?*** *Мана, мен* ***— обком Ражабов!*** **Т.Мурод*)* ва намуна қилиш оттенкаларини (*Ўртоқ Ленин қўлини** *мана бундай* ***узатиб, йўл кўрсатиб турар эди.*** **Т.Мурод*)* ҳам бера олади.**

Сўроқ олмошлари. Ўзбек тилида *ким, нима* олмошлари қўлланиш частотасига кўра энг фаол бирликлардан ҳисобланади ва барча функционал услублар учун баравардир. Аммо улар *Мени ким чақирди? Уйга ким келди? Нима олиб келдинг? Дўконда нима бераётибди?* каби мисоллардаги соф сўроқ маъносидан ташқари матнларда турли хил қўшимча маъноларини ифодалаш имкониятига ҳам эга.

Юқорида таҳлил этилган баъзи олмошларга ўхшаб *ким* ҳам бошқа сўзларга бирикиб турғун жумлалар ҳосил қилади ва уларнинг биргаликда қўлланилиши ўзбек тилида одат тусига кирган бўлиб, турли хил семантик-стилистик оттенкаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, риторик сўроқ ҳосил қилишда фаол иштирок этади: *Сенга* ***ким қўйибди*** *идорани томига чиқишга?* ***Ким қарабди****, ўртоқ командир. Ишқилиб, бир гўдак одамча-да! Қизингизни ўзи* ***ким бўлибди****! Шоирингиз* ***ким бўпти?*** (Т.Мурод); гумон маъносини келтириб чиқаради: ***Ким билади****, балким намоз ўқимоқни ихтиёр этгандир?* (Т.Мурод); ажабланишни ҳосил қилади: *Ия, бу отинбиби* ***ким бўлди****? — деди Ботир фирқа Булар* ***ким бўлди, ўзи?*** (Т.Мурод); ажратиб кўрсатади: ***Ким*** *паранжида юрса, олдин жарима солинсин*

(Т.Мурод), қиёс: *Паранжида юрган одамга олдин жарима солинсин;* иккиланиш оттенкаси шаклланади: - ***Ким билади****. Узоқ муддат - Шунгаям,* ***ким қанча*** *вақт бўлди-я?* (Т.Мурод) ва бошқалар. Уларда ушбу маъноларнинг келиб чиқиши матний қуршовда реаллашади. Чунки *Шу вақтгача* ***ким эдинг?*** типидаги гапларни ҳам тўғри маънода, ҳам риторик сўроқ сифатида қараб, тескари маънода тушуниш ҳам мумкин.

Нима олмошида ҳам худди *ким* даги сингари турғун жумлалар ҳосил қилиш ва турли хил семантик-стилистик оттенкаларни юзага келтириш хусусиятлари мавжуд. Риторик гап мазмунини келтириб чиқаради: *Битта кулча* ***нима бўлади****? – деди аёли.* (Т.Мурод). ***Нима фарқи бор, ўз ажали билан ўлди нима, очликдан ўлди нима****?* (Т.Мурод). ***Нима фарқи бор****, ўртоқ раис,* ***нима фарқи бор****?* (Т.Мурод).*Ўладиган одамга... сув* ***нима керак****?* (Т.Мурод); эшитмаганлик англашилади: ***Нима-нима****?* (Т.Мурод); рад, инкор этиш маъноси тушунилади: *Аммо-лекин шундай фаолларимизни қизи ишқбоз бўлса, бошқалардан* ***нима умид, нима хайр****? – деди райком Эсонов* (Т.Мурод); гумон маъноси берилади: *Кимдандир қўрқув,* ***нимадандир*** *қўрқув: гап тегиб қолмаса эди* (Т.Мурод); ноаниқлик, мавҳумлик сезилади: *Мотам ҳовлида* ***бир нима****... чирқ-чирқ учади* (Т.Мурод). *... қалби* ***нималарнидир*** *сезади. Биров* ***бир нималар*** *еб-еб шошилди* (Т.Мурод); хабар, маълумот маъносида келади: *Мен сенга* ***бир нима*** *айтайми, кампир?* (Т.Мурод); чорасизлик, иложсизлик оттенкаларини ифода этади: *Кунжара берсам, емаса* ***нима қилайин****? Зоғора нон отлиққа йўқ бўлса,* ***нима қилайин****?* (Т.Мурод) ва бошқалар.

Ушбу олмош бошқа олмошлар билан синонимик муносабатга киришиши мумкин. Масалан: ***нима-қандай: Туманда*** *нима гап****лар бор, гапиринг, қани*** **(Т.Мурод) -** ***Туманда*** *қандай гап****лар бор, гапиринг, қани; нима-нарса: Манави Мадиев шоирий... соқолидан бошқа*** *нимаси йўқ* ***бўлса керак?*** **(Т.Мурод) -** ***Манави Мадиев шоирий... соқолидан бошқа*** *нарсаси йўқ* ***бўлса керак?. Манавилар эса… ўз тарихига тош отишдан*** *бошқа нимани* ***билмайди*** **(Т.Мурод) -** ***Манавилар эса… ўз тарихига тош отишдан*** *бошқа нарсани* ***билмайди*** **(Т.Мурод)*; нима-қандай, қанақа: КПСС*** *нима номаъқулчилик* ***қилган бўлса — шу номақулчиликни мен қилдим!*** **(Т.Мурод) -** ***КПСС*** *қандай номаъқулчилик* ***қилган бўлса — шу номақулчиликни мен қилдим! Бу*** *нима қилиқ****?! — дея бақирди*** **(Т.Мурод).** ***Бу*** *қанақа қилиқ****?! — дея бақирди;*** **сўроқ юкламаси –*ми* билан:** ***«Бизга нима хизмат бор?» деб келяпти*** **(Т.Мурод) -** ***«Бизга хизмат борми?» деб келяпти*** **каби.**

Она рўмоли учига тугиклик ***бир нима****ни қўлтиғига олди* (Т.Мурод). *Шу вақт* ***бир нима*** *қарс этди* (Т.Мурод). ***Нимадир бир нима****... лип этиб ерга тушди* (Т.Мурод) гапларидаги *нима* иштирок этиб, гумон оттенкаларини бераётган олмошли бирикмаларни ўрни

билан *нимадир, ниманидир, алланима, қандайдир* сўзларига алмаштириш мумкин.

Нима олмоши *қаерда* олмоши билан баъзан синонимик муносабатга киришиши мумкин. Масалан, *Ана, гап нимада! - Ана, гап қаерда!* Лекин сўроқ мазмуни ифодаланган *Хўш, **гап нимада**?* каби ҳолатларга бу қоида тўғри келмайди. Сўзлашув нутқида баъзан фарқламасдан *ким* ўрнида *нима* олмошини ишлатишади ва буни адабий тил меъёри нуқтаи назаридан маъқуллаб бўлмайди: *Қизалоғингизни **оти нима**?* Ёки *Нима қилмоқчисан* ўрнида *қандай қилмоқчисан* дейиш ҳам мумкин. Аммо алмашинаётган олмошлар ўртасидаги стилистик нозикликлар ўлчами бир хил эмас. *Нима қилмоқчисан* дейилган бирор бир иш назарда тутилса, *қандай қилмоқчисан* орқали суҳбатдошларнинг ҳар иккаласига маълум бўлган ишни қай тарзда амалга ошириш сўралаётгани англашилади. *Нима ишинг бор – қандай ишинг бор* каби гаплардаги оттенкаларни ҳам шундай тушуниш лозим.

Нима олмошининг маънони кучайтиришга хизмат қиладиган, асосан бадиий, қисман сўзлашув услубига хосланган *нимаики* варианти ҳам мавжуд: *Йўқ, Комиссар Ғаниевнинг бировдан тили қисиқ жойи йўқ. **Нимаики** қилса, бурчини адо этди* (Ў.Хощимов).

Нима олмошининг *не, на* тарзида қисқарган шаклларида бадиий услубга хосликни кўриш мумкин: *Аммо ўлганларга шеър, достондан **не** наф, / **Не** фойда йиғлашдан қалб дардин айтиб* (Э.Воҳидов.Нидо); *Бу икки юзли зоҳидда **на** ҳолат, / Мунофиқлик удум, урфу-жаҳолат* (Паҳлавон Маҳмуд. Рубоий).

Нима учун олмошида поэтик талабга кўра биринчи қисм *не* тарзда қисқарганда баъзан *учун* ҳам қисқариб, *чун, чук* ҳолига келиши ҳамда *нечун, нечук* шаклида қўлланилиши мумкин: *Ўйладим шу тонг, неч йил / Дашту саҳролар кезиб, / Таклифи сайл айламабдур, / **Не учун** Қайс Лайлига* (Э.Воҳижов), ***Нечун** керак бўлди сенга кўз ёшим / **Нечун** керак бўлди сенга ғам-алам* (А.Орипов. «Муножат»ни тинглаб), *Чоллар-чи, гоҳида бўлишар ҳайрон, / **Нечук** кампирлардан дарак йўқ ҳамон!* (М.Али.Чоллар).

Қисқарган *–не* қаватланганда олмошлик доирасидан чиқиб, семантик маъноси кенгаяди ва ўзи аниқлаб келаётган кишилар ва нарса-ҳодисалардаги сифатларнинг одатдагидан кўп, бошқачароқ эканлигига ишора қилади: *Не-не одамларни кўрмадим, не-не инсонлар билан суҳбат қурмадим. Не-не балоларни кўрган ўзбекман* каби. Яна: *Лекин Али Қушчи узангини топиб, типирчилаган отга ўзи сапчиб минди-да, жиловини қўлига олди: у «қушчи» номини бекорга олмаган, аълоҳазратлари билан овга чиққан пайтларида, не-не асов тулпорларни жиловлаб, бир лаҳзада ўзига ўргатиб оларди!..* (О.Ёқубов). *Нима* олмошининг бу шакли кўпроқ бадиий матнларда учрайди.

Нима олмошининг *қилмоқ* феъли билан бирикиб, *нима қилмоқ* сўроғини ҳосил қилган феъл шакли бадиий услубда *не қилмоқ, нетмоқ* тарзида қўлланилади: *Лекин,* ***не қилсинки****, теграси буткул / Қора ранг тўрида ётарди ҳали* (М.Али. Навоий). ***Нетай****, мени кўзга илмасдан / Кетганича кетди ул хоним* (М.Али. Третьяков галереясида), *Эл* ***нетиб*** *топгай мениким, / Мен ўзимни топмасам* (Алишер Навоий). Бу сўз Бобур ғазалларида поэтик талабга кўра *нетой* шаклида ишлатилган: *Бу замонни нафй қилсам, эй рафиқ, / Кўрмади ҳаргиз* ***нетойин****, бу замондин яхшилиғ* (Ким кўрибдур).

Тарихий мавзудаги бадиий асарларда *ким, нима* олмошларининг архаик *кимарса, нимарса* шакллари кўзга ташланади: *Қани бир* ***кимарса*** *амрини вожиб қилмай кўрсинчи?* (О.Ёқубов), - *Фарқир бир ғаройиб* ***нимарса*** *кўрдим, амирим!* (О.Ёқубов).

Нега олмоши бирмунча китобий, расмий оҳангга эга: *Ахир...* ***нега*** *очликдан ўлади? Совет замонида-я?* ***Нега*** *сиз билан биз юрибмиз, улар эса очликдан ўлади?* (Т.Мурод). Оғзаки нутқда эса унинг ўрнида кўпинча *нимага* олмоши қўлланилади: *Нимага бординг? Нимага мактабдан эрта қайтдинг?* каби.

Ўзбек тилида *нима учун, нечун* олмошлари ёрдамида ҳам *нега* ифодалаган мазмун юзага чиқиши мумкин: *Ўзбек зиёлилари* ***нега*** *бечора бўлиб қолди?* ***Нега*** *ғариб-бенаво бўлиб қолди?* ***Нега*** *мушгипар бўлиб қолди?* (ТМ). Бу гапларда *нега* нинг ўрнида уларнинг ҳар иккаласини ҳам бемалол қўллаш мумкин. Стилистик фарқ шундаки, *нима учун* да масала бир қадар қатъий қўйилади, *нечун* эса поэтик матнларга хосланган.

Баъзан бу олмош сўраш маъносидан узоқлашиб, тасдиқ оттенкасининг юзага келишига кўмаклашади: *Йўқ,* ***нега*** *қўрқаман, йўқ – дея минғиллади Ботир фирқа* (Т.Мурод).

Ўзбек тилида ***неча*** **олмоши миқдорни аниқлаш билан боғлиқ ҳолда қўлланилади:** ***китоб неча сўм туради, неча минут гапирилди*** **каби. Унинг қўлланилишида китобийлик оттенкаси кучлироқ:** ***Совет ҳокимияти ўрнатилганига*** *неча йил* ***бўлди?*** **(Т.Мурод). Сўзлашув нутқида унинг ўрнига** ***қанча*** **олмошини қўллашга мойиллик сезилади:** ***Совет ҳокимияти ўрнатилганига*** *қанча йил* ***бўлди?*** **Олмош такрор қўлланиб, жуфтлашган ҳолатидаги маънонинг кучайтирилиши ҳам бу ўрин алмашишда ўз кучини сақлаб қолади:** ***Улар*** *неча-неча* ***асрлардан буён киндик қони томган азалий юртида яшаб келди*** **(Т.Мурод) -** ***Улар*** *қанча-қанча* ***асрлардан буён киндик қони томган азалий юртида яшаб келди.*** **Аммо бу алмашиниш олмошлардан умумий маъно англашилганда юз беради. Шунинг учун ҳам** ***Ҳалитдан*** *нечтаси* ***«Бизга нима хизмат бор?» деб келяпти. Отамнинг гарданига йўқ ердаги айбларни илиб қамоққа тиққан, оиламиз бошига шунча кулфат солган Амбарцумян гуруҳидан ақалли биттагинасини топмагунча, кўзига тикилиб туриб, жиллақурса,*** *бир нечта* ***савол***

бермагунча тинчимайман **(Т.Мурод) каби ҳолатларда бу ишни амалга ошириб бўлмайди.**

Бу қоиданинг тўғрилигини унинг нумеративларга қўшилиш ҳолатлари яна ҳам очиқ исботлайди. Улар аниқ ҳисобни кўрсатадиган нумеративларга қўшилади: ***неча дона, нуча нусха, нуча туп, неча варақ, неча грамм, неча метр, неча тонна*** **дейиш мумкин бўлгани ҳолда,** ***неча тўда, неча қучоқ, неча шода, неча гала*** **деб бўлмайди.** ***Дўхтир нуқул тишнинг тузилиши,*** *неча* ***қатлам бўлиши, илдизи*** *нечта* ***бўлишини айтиб, вайсармиш...*** **(Т.Мурод) каби.**

Ушбу олмош айрим матнларда, айниқса сўзлашув нутқида ўзининг асосий вазифасидан ташқарига чиқади: ***Сизга*** *неча марта* ***айтаман, аралашманг, деб?*** **(Т.Мурод) гапида у** ***кўп марта айтганман*** **деган фикрни эмоционал тарзда ифода этишга, бинобарин, нутқ пайтидаги муаллифининг кайфиятини беришга хизмат қилмоқда.**

Худо раҳмат қилсин, *нечада* ***кетибди?*** **(Т.Мурод) гапида метонимизация жараёни юз бериб,** ***ёш*** **сўзи тушиб қолмоқда ва олмош бу сўзнинг маъносини ифодалашни ҳам ўз зиммасига олмоқда. Бу эса** ***неча*** **олмошининг нутқий жараёнда имкониятилари кенг эканлигидан далолат беради.**

Қандай олмоши функционал жиҳатдан нейтралдир. Шу билан бирга, энг кўп қўлланиладиган сўзлардан бири ҳамдир.

Бу олмошнинг *қандай қилиб* шакли ҳам мавжуд: *Ўзидан чиқариб, тўртта шеър ёзолмаган зот...* ***қандай қилиб*** *қайта қуради?* (Т.Мурод). Бирикманинг иккинчи қисми гапда баъзан тушиб қолади: *Ўзимга эн бўлолмайман, сизга* ***қандай*** *бўй бўламан? – дея ўксинди Ботир фирқа* (Т.Мурод).

У ***қайси*** **олмоши билан синоним бўлиши мумкин:** ***Бугун*** *қандай* ***кун? -деди Ботир фирқа*** **(Т.Мурод).**

Ушбу олмош қатнашган айрим матнлардан: ажабланиш ёки хуноб бўлиш (*Қанақа* ***давлат?!*** *Қандай* ***давлат?!*** **Т.Мурод); яхшилик (*Зайнаб момо, маза* *қандай*? – деди, – Ўйнаб-кулиб юрибсизми?* Т.Мурод); нотўғри бўлмасмикан (Ўртоқ командир, тирикларни кўмиш** қандай **бўлади? Т.Мурод) каби маъно оттенкалари англашилади.**

Қандай **олмоши билан** ***шундай*** **олмошини оппозицияда қўллаш нафақат эргаш гап таркибидаги содда гапларнинг мувозанатини келтириб чиқаради, балки, ифодага алоҳида бир экспрессивлик бағишлайди:** ***Жамият*** *қандай* ***бўлса, ҳукумат ҳам*** *шундай* ***бўлади, ҳуқуқ-тартибот ҳам*** *шундай* ***бўлади, турмуш-турмуш ҳам*** *шундай* ***бўлади*** **(Т.Мурод).**

Унинг ***қандайчикин*** **тарзида қўлланилиши шевачилик, бинобарин адабий меъёрнинг бузилиши деб қаралиши керак:** ***Хўп,***

айтинг, *қандайчикин* ***буйруқ экан? Мен қишлоқ шўроси раисиман, билишим керак?*** **(Т.Мурод).**

Қандай **олмоши барча услублар учун тенг қийматда. Аммо унга синоним бўлган *қанақа* олмоши китобий характерда:** *Қанақа* ***одамсиз, ўзи? Пича тийилсанг-чи,*** *қанақа* ***боласан, ўзи? Онангни ичида*** *қанақа* ***ётгансан, ўзи? – дея жеркиди*** **(Т.Мурод).**

Қанақа **олмоши *қайси* олмошига ҳам синоним бўлади:** *Қанақа* ***ишни? Амирларга ўхшаб, чўлларни чўллигича қолдириш, даштларни даштлигича қолдириш ишиними?*** **(Т.Мурод) -** *Қайси* ***ишни? Амирларга ўхшаб, чўлларни чўллигича қолдириш, даштларни даштлигича қолдириш ишиними?*** **У такрор қўланиб жуфтлашганда ажабланиш (-*Ия-ия... – дея ажабланди Ботир фирқа.* – *Қанақа-қанақа*? Т.Мурод), тушунмовчилик -*Қанақа бўпти-қанақа бўпти*? Т.Мурод), кетама-кет келиб такрорланганда хуноби чиққанлик (*Қанақа ***ҳайит,*** *қанақа* ***ҳайит?*** Т.Мурод), пичинг (*Қанақа* ***орден?*** *Қанақа* ***коммунист? — залдан луқма тушди*** Т.Мурод) каби қўшимча оттенкалар юзага келади.**

Қандоқ **олмоши мазмунан *қандай, қанақа* олмошларига яқин туради ва бадиий услубда фаоллиги билан ажралиб туради. Йе-ланувчи шеваларда фаоллигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ў.Хошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романида бир неча марта бу олмошга мурожжат қилинган:** ***Бир замонлар Қатортол*** *қандоқ* ***жойлар эди!*** *Қандоқ* ***ётганийкин Рустам акам? Қайси молни қачон сўяди,*** *қандоқ* ***сўяди — қассобнинг иши.*** *Қандоқ* ***яхши йигит эди... Яратган Эгамнинг ўзи билади ёмонларни*** *қандоқ* ***жазолашни... Бу*** *қандоқ* ***гап!*** **(Ў.Хошимов). Т.Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида эса бир марта ҳам қўлланган эмас. Бу ҳолат ижодкорларнинг қайси шева вакиллари эканлиги билан изоҳланиши мумкин.**

Қайси **олмоши белгини аниқлаш учун қўлланилади:** ***Шариатпешво муллаваччалар билан ювуқсиз отинчалар*** *қайси имон билан* ***ўлади?*** *Қайси шон-шараф билан* ***ўлади?*** **(Т.Мурод). Баъзи ҳолатларда *қандай* олмошига синоним бўлади:** ***Демократлар*** *қайси юз билан* ***ўлади? Шундай экан, мен*** *қайси ғоя учун* ***жон бераман? Шундай азиз жонимни*** *қайси ғоя учун* ***садақа этаман?*** **(Т.Мурод). Ундан ташқари тахминни кучайтириш (-*Мана, Меҳнат шуҳрати ордени! — деди. —* *Қайси бир йили* ***8 март байрами муносабати билан бериб эдилар.*** Т.Мурод), таъкид, ажратиб кўрсатиш (*Қайсики* ***марҳумни жанозасига тумонот одам йиғилдими, бўлди, ана шу одам жаннати бўлади! – ўйлади Ботир фирқа*****. Т.Мурод) маъноларининг юзага келишига ҳам кўмаклашади.**

Қайси олмошининг қай тарзида қисқарган шаклида бадиий услубга хослик мавжуд: *Бемор Ражабов* ***қай даражада*** *бетоблигини ана шу гапларидан билиб олса бўлади* (Т.Мурод). *Қаер олмоши ҳам*

қайси ер нинг қисқарган шаклидир: У вақтларда техника ***қаерда*** *эди!* (Т.Мурод). *Олис кечалари ҳижронда куйдим, / Энди* ***қай*** *сийнага қўяман бошим* (А.Орипов. Табиат). *Гар йўқотсам бу кеча мен /* ***Қайга*** *боргум ахтариб, / тушда кўрдим дилбаримни, / Эй сабо, уйғотмагил* (Э.Воҳидов. Уйғотмагил).

Бу қисқарган шакл олмошнинг яна ўзи каби қисқарган шакли билан синонимик муносабатга киришиши мумкин: ***Қай кўз билан кўрсин****ки, «штангачи» диванда Наташани бамайлихотир эзгилаб ўтирибди! Ўрнимдан қандай туриб кетганим,* ***қай алпоз****да наъматак панасига ўтганимни билмайман.* ***Шундоқ*** *ювош акангни бошига* ***қай кунлар****ни солмади булар!* (Т.Мурод) - ***Не кўз билан кўрсин****ки, «штангачи» диванда Наташани бамайлихотир эзгилаб ўтирибди! Ўрнимдан қандай туриб кетганим,* ***не алпоз****да наъматак панасига ўтганимни билмайман.* ***Шундоқ*** *ювош акангни бошига* ***не кунлар****ни солмади булар!* каби.

Ундан баъзан гумон маъносини англашилади: *Дарсга қўнғироқ бўлганида югуриб синфхонага кирса, синфдош болалардан* ***қай бири****дир шумлик қилиб доскага бўр билан чизма-чизиқ тортиб ташлаб-ди* (Ў.Хошимов).

Қанча олмоши ҳам миқдорни аниқлаш мақсадида ишлатилади. У матнда худди *қандай-шундай* олмошлари сингари эргаш гапли қўшма гап таркибида содда гаплар тенглигини сақлайди ва экспрессивликка сабаб бўлади: *Сизлар* ***қанчалик*** *кўп ёрдам берсаларингиз, биз очарчиликни* ***шунчалик*** *тез тугатамиз. Фитна-фасод* ***қанчалар*** *ёлғон бўлса —* ***шунчалар*** *яшин тезлигида тарқалади* (Т.Мурод).

Унга *–лар* ва *–лаб* қўшимчалари қўшилганда санаш оттенкаси пайдо бўлади: *Петр Биринчи Европага етиб олиш учун* ***қанчалаб*** *қурбон берди,* ***қанчалаб*** *қон тўкди.* ***Қанчалар*** *ҳаётбахш шиор эди,* ***қанчалар*** *эзгу шиор эди!* (Т.Мурод).

Қачон олмоши пайтни, вақтни аниқлаш мақсадида қўлланилади: *Колхоз тузилгани* ***қачон*** *эди? – деди Қушчи. – Сизларга* ***қачон ақл киради?*** (Т.Мурод). Бундан ташқари ушбу олмошга кўплик кўрсаткичи *–лар* қўшилганда узоқ ўтмиш маъноси шаклланади ва бу маъно *–дир* кўрсаткичи билан яна ҳам кучайтирилади: *Катта йўл четида* ***қачондир*** *узилиб кетган танк занжири занглаб ётибди* (Ў.Хошимов). *Француз авангардлари* ***қачонлардир*** *ўтиб кетган.* ***Қачон*** *демократия бўлади,* ***қачон*** *қайта қуриш бўлади?* (Т.Мурод). Бундай пайтда у гумон олмоши бўлган *аллақачон* га синоним бўлади: ***Аллақачон*** *бегона бўлган...*(Ў.Хошимов). ***Қачон қараса*** *масала талашади* (Ў.Хошимов) гапидаги доимийлик, узлуксизлик, *Қачонгача отасини шарманда қилади, аҳмоқ!* (Ў.Хошимов) каби маънолар ҳам унинг иштирокида ҳосил қилинган қўшимча маънолардир.

Қани олмоши ***Қани*** *ўзи?* ***Қани*** *ўша халқлар,* ***қани?*** (Т.Мурод) сингари гапларда ўзининг асосий маъноси - сўраш маъносидан

ташқари қўшимча стилистик маънолар ҳам ифодалайди. Сўзлашув жараёнида унинг ёрдамида даъват, таклиф оттенкалари юзага келади: ***Қани****, нонга қара* (Ў.Хошимов). ***Қани****, йигитлар, манави сенларга совға, хоҳлаган ишингни қил, деб шипшитиб қўярсан.* (Ў.Хошимов). *Марҳамат,* ***қани*** *ичкарига!* (Ў.Хошиов). Истак, хоҳиш билдирилади, орзу қилинади: *— Рустам ака!* ***Қани*** *шунақалардан ўн минги, боринг, ана мингтаси бўлса!* (Ў.Хошимов). ***Қани энди****, Тошкентда кўча четида шовиллаб оқиб турган жумракка шундоқ лабингни боссанг-да, тўйгунча, ёрилиб кетгунча ичсанг!* ***Қанийди****, менга шундоқ келин ато қилса* (Ў.Хошимов). Илтифот кўрсатилади: ***Қани-қани****?* ***Қани****, келинг!* (Т.Мурод).

Сўроқ юкламаси –*чи* га синоним бўлади: -*Туманда нима гаплар бор, гапиринг,* *қани*? Қани*, тумандан гурунг беринг,* *қани*? (Т.Мурод). *Айтинглар,* *қани*, мен кимман?* (Т.Мурод).

Бажарилмаган ҳаракат образли, ҳаяжонли ифода этилади. Қиёслаймиз: *Гриша деразани ёпдиямки, қулоғи тинчиса* *қани*? (Ў.Хошимов) - *Гриша деразани ёпди, лекин қулоғи тинчимади.* *Қани* *уйқу келса!* (Ў.Хошимов). *Тили калимага келса* *қани!* (Ў.Хошимов) - *Тили калимага келмади*.

Ҳаракатнинг бажарилмаганлиги муболағали тарзда баён этилади: Қани **кучи етса! (Ў.Хошимов). «Ҳой онаси, ўликнинг баданига гул тушса, гурзи билан ургандек бўлади, Худонинг қаҳри келади», десам** қани кўнса**! (Ў.Хошимов).**

Бу турли-туман оттенкалар қани олмошининг оғзаки нутқда юзага келади.

Қалай **олмошининг қўлланиш доираси чегараланган бўлиб, сўзлашув услубида, инсонларнинг бир-бири билан ҳол-аҳвол сўрашган пайтларида самарали қўлланилади. У аксарият матнларда самимиятни ифодалайди: *Қалайсиз, домла? Саломатликлар дурустми?* ёки** *Қалайсиз энди,* ***отахон?*** **(Т.Мурод) каби. Баъзан пичинг, кесатиқни ифодалаши ҳам мумкин: *Қалайсиз энди, етиб келган жойингиз шу ер бўлдими?* Шунингдек, беписандлик, менсимаслик оттенкаларини ҳам ифодалайди:** *Қалайсиз* ***энди, ўртоқ Эсонов?*** **(Т.Мурод) — *Хўш, таассуротлар қалай?* (Т.Мурод) сингари.**

Ўзлик олмошининг **гарчи қўлланилиши частотаси турлича бўлса ҳам, барча фукнционал услубларда ишлатилишини таъкидлаш лозим. Аммо «Ўзбек тили грамматикаси»да қайд этилишича, «*Ўз* олмоши ҳар уччала шахс, бирлик ва кўпликдаги кишилик олмошлари ўрнида ишлатилиб, кўпинча шахсни, баъзан предметни кўрсатади. Бу хил функцияда келган олмошлар турли келишик қўшимчалари ва баъзи кўмакчилар билан бирга келади».[34] Мана шу мулоҳазанинг ўзиёқ ушбу олмошнинг**

[34] Ўзбек тили грамматикаси, I том. – Т.:Фан, 1975, 350-б.

стилистик хусусиятидан далолат беради: ***менинг китобим – ўзимнинг китобим, сенинг китобинг – ўзингнинг китобинг, унинг китоби – ўзининг китоби.*** **Ушбу жумлаларда эгалик, тегишлилик** ***мен, сен, у*** **олмошларисиз ҳам** ***китоб*** **сўзи таркибидаги эгалик қўшимчаларидан англашилмоқда.** ***Менинг, сенинг, унинг*** **дейиш билан бу эгалик яна алоҳида қайд этилмоқда. Бу олмошлар** ***ўз*** **олмоши билан алмаштирилгандан кейин эса бу тегишлилик яна ҳам кучайтирилмоқда, унга урғу берилмоқда. Шундай қилиб,** ***китобим – менинг китобим – ўзимнинг китобим*** **дейиш орқали тегишлилик муносабати турли даражада ифода этилмоқда.**

Ўзлик олмошидаги стилистик имкониятиларнинг кенглигини исботловчи иккинчи далил унинг фразеологик бирликлар таркибида иштирок этишидир: ***ўз ёғига ўзи қовурилмоқ. ўзига бино қўймоқ, ўзига келмоқ, ўзига келтирмоқ, ўзига олмоқ, ўзига юқтирмаслик, ўзида йўқ, ўзидан кетмоқ, ўзини еб қўймоқ, ўзини ўнгламоқ, ўзини қаерга қўйишни билмаслик, ўзини қаёққа уришни билмаслик, ўзини қаёққа қўйишни билмаслик, ўзини қайга қўярни билмаслик, ўзини қўйгани жой тополмаслик, ўзини қўлга олмоқ, ўзини қўярга жой тополмаслик.*** **Ушбу ФБлар Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати» (Т.,1978) олинди. Бадиий матнларни кўздан кечириш, уларнинг сони шу келтирилган ФБлар билан тугаб қолмаслигини кўрсатади. Биргина Т.Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» асарида ушбу олмош ўзаги саналган яна қуйидаги ФБлар учради:** ***Тажрибаларимиз бундай: Нима фарқи бор,*** *ўз ажали билан ўлди* ***нима, очликдан ўлди нима?*** *Ўз бошини ўзи еди.* ***Қизларим*** *ўзидан тинган.* ***Фаол зоти бор –*** *ўзини олиб қочди. Ўз-ўзига* ***гўр ковлади. Партактивларни*** *ўзига чорлади. Ўзидан чиқариб,* ***тўртта шеър ёзолмаган зот... қандай қилиб қайта қуради?*** *Ўз оёғи билан келди!.* ***Бу дарвоза*** *ўз оти ўзи билан* ***ижроқўм дарвозаси бўлади.*** *Ўзингиздан қолар гап йўқ.* **ФБлар кўлами бошқа бадиий матнлар ҳисобига яна кенгайиши мумкин. Ўз-ўзидан аёнки, ФБлар эмоционал-экспрессив восита сифатида тилда алоҳида мавқега эга.**

Ўзлик олмошининг эмоционал-экспрессив маъно англатиш хусусияти шулар билангина чегараланиб қолмайди. Бадиий матнларда улар яна бошқа модал муносабатларни ифода этишда иштирок этганлигини кўрамиз: ***Қанақа одамсиз, ўзи? Сиз қайси жамиятда яшаяпсиз, ўзи? Мен тушунмаяпман, ўзи, нима гап? - Пича тийилсанг-чи, қанақа боласан, ўзи? Онангни ичида қанақа ётгансан, ўзи? – дея жеркиди*** **(Т.Мурод). Яқин олиш оттенкасини беради:** ***-Ким бўлардингиз, ўзимизни Ботир Қушчи-да, -деди*** **(Т.Мурод). Маънони фарқлаш учун хизмат қилади:** ***Ота ўз ўғлини бир зоғора нонга алмашди. Она ўз қизини бир ҳовуч кепакка алмашди*** **(Т.Мурод) гапларидан ўғил ва қизнинг кимга тегишли эканлигини пайқаш** ***ўз*** **олмошисиз қийин бўлиши мумкин.**

Оғзаки нутқда у иштирок этган *ўзидан кўрмоқ* ибораси тез-тез ишлатилади: *Кимда-ким мени Ботир фирқа демас экан,* *ўзидан кўрсин!* (Т.Мурод) .

У расмий услубдаги айрим бирикмалар таркибида турғунлик касб этган: *шахсан ўзим, ўз аризаси билан* каби: *Ука,* *шахсан мен ўзим* *сизни коммунистик партия сафига қабул қилдим. Ботир фирқа* *ўз аризаси билан... пенсияга жўнади* (Т.Мурод).

Айрим ижодкорлар томонидан яратиладиган ёки қайта ишланган иборалар таркибида ҳам ўзак сўз сифатида қатнашади: *Гап... ўзгача тўн кийди. Ўзимга эн бўлолмайман, сизга қандай бўй бўламан? – дея ўксинди Ботир фирқа* **(Т.Мурод).**

Озғаки нутқда кўрсатиш олмоши *бу* ва *бир* сўзи ифодалайдиган ноаниқлик, мавҳумлик маъносини яна ҳам чуқурлаштиради: *Бу ўзи бир... эскилик сарқити бўлса, нимасини аяйди? – деди Ботир фирқа* **(Т.Мурод).**

Айрим манбаларда *ўз* сўзи адабий тилда, шу билан бирга, барча функционал услубларда одатда ё бош келишикда ёки эгалик қўшимчасини олган ҳолда қўлланилади. Келишик қўшимчалари эса эгалик қўшимчасидан кейин қўшилади, дейилади.[35] Аммо поэтик асарларда шеърий талабга кўра эгалик қўшимчасини олмасдан ёки умуман белгисиз қўлланилиши мумкин: *Асрим самоларда ёқолдинг чироқ, / Юлдуз қилиб отдинг самога* *ўзни* **(А.Орипов. Уйқу).** *Бу туйғу аёндир – на қилса энди / Оловдек ташланар кўзга* *ўз* *одам* **(Э.Воҳидов. Ватан соғинчи). Поэтик матн хусусиятлари жиҳатдан олмошнинг бу тарзда қўллинилиши меърий ҳолат саналади.**

А.Ғуломов «Ўзбек тилида аниқловчилар» асарида баъзан «ўз» олмоши бўлмаганда маънода аниқлик бўлмаслигини, бундай ўринларда *ўз* арурий аниқловчи бўлишлигини таъкидлаб, фикрини *Солиҳни ёшлигида кўрган* мисоли билан асослаб берган эди. Унинг фикрича, бундай ҳолатда икки хил маъно англашилади: а) *Раҳим ўзи ёш бўлган чоғда Солиҳни кўрган* (*Раҳим ёш бўлган*) лик ва б) *Раҳим Солиҳни унинг ёшлик чоғида кўрган* (*Солиҳ ёш бўлган*) лик. «Бундай ўринларда «ўз» келтириш билан маъно аниқ бўлади: *Раҳим Солиҳни ўз ёшлигида кўрган*».

Бундан ташқари А.Ғуломов бу олмошнинг энг кўп қўлланиши кишилик олмоши билан бўлишлигини ҳам кўрсатиб берган эди:

1. Мен ўзим	***1. Биз ўзимиз***
2. Сен ўзинг	***2. Сиз ўзингиз***
3. У ўзи	***3. Улар ўзи (ўзлари)***

каби.

[35] ***Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш.*** **Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 1965, 50-б.**

«Ўз» аслда «жон» маъносидаги отдир (ДЛТ, III,96- ozim-sanim).[36]

Анъанавий тилшуносликда *белгилаш олмоши* номи билан аталиб келинаётган олмошлар ўзбек тилида салмоқли ўринни эгаллайди ва уларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш бу бирликларнинг лингвиситик табиатини аниқроқ тасаввур қилишга кўмаклашади. Шунинг учун ҳам «Ўзбек тили грамматикаси»да улар жамловчи (*ҳамма, бари, жами, барча, бутун, ялпи*) ва айирувчи, таъкидловчи, ажратувчи олмошларга (*ҳар+олмош /ким, нима, нарса, қанақа, қандай, қайси, қанча, қачон/, ҳар+сон /бир, бири, иккови/)* бўлиб таҳлил этилган.[37]

Бу олмошларнинг биринчи қисми жамликни ифодалаш хусусияти билан бир-бирига яқин туради ва шу боис ўзаро синонимик муносабатга киришиши мумкин. Масалан: *ҳамма-барча: **Ҳаммани** малакали медицина билан таъминлаш қийин. ... **ҳамманинг** диққат марказида турибди* (Т.Мурод) - ***Барчани** малакали медицина билан таъминлаш қийин. ... **барчанинг** диққат марказида турибди.; **Барча** чапак чалиб юборди. Билди-ю... Ўзбекистонни **барча** катталарига хос баҳонани қўллади* (Т.Мурод) - ***Ҳамма** чапак чалиб юборди. Билди-ю... Ўзбекистонни **ҳамма** катталарига хос баҳонани қўллади.. **Ҳаммамиз** учун ҳурматли ва азиз...* (Т.Мурод) - ***Барчамиз** учун ҳурматли ва азиз...*

Ҳамма ва *барча* олмошлари таққосланганда, *ҳамма* барча услубларга барварлиги, *барча* нинг эса китобий-расмий услубга мойиллиги маълум бўлади. Қиёс учун: ***Барчангизни** муборак Рамозон билан муборакбод этаман* - ***Ҳаммангизни** муборак Рамозон билан муборакбод этаман.* Ушбу гапдаги олмошларга *бари* ни ҳам синоним сифатида қўллаш мумкин. Аммо, гапдаги тантанавор оҳанг йўқолади ва у жўн ифодага айланади. *Бари* диалектал хусусияти, жумладан желанувч шевага хослиги билан характерланади. Олмошнинг бу кўринишига бадиий матнларда ҳам дуч келинади: ***Бари** ўйлаб қолди. Бирдан... **бари** хароб бўлди. **Бари** сароб бўлди. **Бариям** ўлим-да, **бариям** гўрга киради-да?* (Т.Мурод).

Ҳамма ва *барча* олмошлари ўртасида синонимик муносабат яққол сезилиб турган бўлса-да, стилистик жиҳатдан улар бир хил эмас. «Ўзбек тили стилистикаси» асарида бу ҳолат қуйидаги мисол билан асосланган: *ҳовлининг **барчасига** гул экдим*[38] *– ҳовлининг **ҳаммасига** гул экдим.*

***Ялпи** маҳсулотнинг учдан икки қисми хусусий секторга тўғри келади - **Жами** маҳсулотнинг учдан икки қисми хусусий секторга тўғри келади - **Ҳамма** маҳсулотнинг учдан икки қисми хусусий секторга*

---

[36] ***Айюб Ғулом.*** **Ўзбек тилида аниқловчилар. Ўзбек тили илмий грамматикаси учун материаллар, I серия. – Тошкент: ЎзФАН нашриёти, 1941.**

[37] **Ўзбек тили грамматикаси, I том, 353-356-бетлар.**

[38] **Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983, 127-б.**

*тўғри келади – **Барча** маҳсулотнинг учдан икки қисми хусусий секторга тўғри келади.. Ҳатто **Умумий** маҳсулотнинг учдан икки қисми хусусий секторга тўғри келади, **Бор** маҳсулотнинг учдан икки қисми хусусий секторга тўғри келади дейиш ҳам мумкин. Аммо бу синонимик муносабат ҳамма ҳолатларда ҳам давом этавермайди. Масалан, Польшада **жами** 144 киши совуққа дош беролмай ҳаётдан кўз юмган («Зарафшон») ва Тарихчи Арузи Самарқандий қолдирган маълумотга кўра, адабиётдан тўла хабардор бўлиш учун ҳар бир киши йигитлик даврида ўтмиш шоирлардан йигирма минг байт, замондош шоирлардан ўн минг байт, **жами** ўттиз минг байтни ёддан билиши керак бўлган («Зарафшон») гапларидаги **жами** олмошига нисбатан уларнинг бирортасини синоним сифатида қўллаб бўлмайди. Жамланган рақамнинг аниқ кўрсатилаётгани бунга халақит беради. Унинг ўрнида фақат **ҳаммаси** бўлиб бирикмасини қўллаш мумкин бўлади.*

Ушбу гуруҳдаги *бутун* олмошига ҳамиша синоним сўз топилавермайди. *Биз, шонли совет халқи, халқаро хотин-қизлар байрами 8 мартни* бутун *халқимиз, жонажон коммунистик партиямиз, меҳнаткаш колхозчи деҳқонларимиз, қаҳрамон ишчилар синфимиз, қўйингки, жамики шонли совет зиёлиларимиз КПСС XX съезди тарихий қарорларини улкан ғайрат-шижоат билан турмушга тадбиқ этмоқда бўлган бир вазиятда кенг байрам қилмоқдамиз* (Т.Мурод) гапидаги *бутун* ни *барча* билан алмаштириш мумкин бўлгани ҳолда, *Бутун **туманда шундай, – деди катталар. – Биз юқорига хабар бердик ёрдам берамиз, деди. Насиб бўлса, бу чинорлар** бутун **туманга соя беради!*** **(Т.Мурод) мисолида бу вазифани амалга ошириб бўлмайди. Чунки *бутун* ишлатилганда бир туман ҳудуди, *барча* дейилганда бир неча туман ҳудуди англашилади. Шундай экан, улар стилистик жиҳатдан бир хил даражада эмас.**

Балгилаш олмошининг иккинчи гуруҳини *ҳар+бошқа бир олмош* ёки *ҳар+сон* шаклидаги бирикмалар ташкил қилади: *ҳар ким, ҳар нима, ҳар нарса, ҳар қанақа, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳар қанча, ҳар қачон; ҳар бир, ҳар бири, ҳар иккови* ва бошқалар. Жумладан, ҳар қанча: ***Озод Шарқ хотин-қизлари** ҳар қанча **фахрлансалар арзийди;** ҳар тугул:* Ҳартугул*, **бир илмоқли гап отиб кўрай. ҳардамхаёллар бўлиши мумкин эмас*** **(Т.Мурод); ҳар қандай: *Океан билан туташмайдиган, океан суви тушиб турмайдиган** ҳар қандай **сув – қуриш хавфи остида бўлади;* ҳар нарса: *Ўзига бино қўйиш, ўта тажанглик, ўта таъсирчанлик,** ҳар нарсани **кўнглига олиш... руҳий касаллик симптомлари;* ҳар ким: *Ўртоқ Ражабов,** ҳар кимни **ўзи билади;* ҳарқалай: *Анави кўнгурадор дарвозали уй — менинг ҳам уйим! Куёвман...** Ҳар қалай*! **Ҳарқалай, Диманинг қўли узун!*** **(Т.Мурод); ҳар икки: *Чунки ўртоқ Ленин бундан олдин икки***

марта қўзғолон уюштириб, *ҳар икки* ***қўзғолонни-да хароб этиб эди*** **(Т.Мурод) каби.**

Белгилаш олмошларининг бу кўринишлари функционал услубларда турли даражада қўлланилади. Масалан, ***ҳар ким, ҳар нима, ҳар нарса, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳар қанча, ҳар қачон; ҳар бир, ҳар бири*** **каби кўринишлари услубий жиҳатдан нейтрал,** ***ҳар иккови, ҳар учови*** **кабилар оғзаки нутққа хос бўлса,** ***ҳар қанақа, ҳар икки, ҳар уч...*** **сингарилар китобий мазмунга эгадир.** ***Ҳар не, ҳар нечук*** **эса бадиий матнларга хосланган:** ***Қулдан жабр кўрди элда катталар, / Давлат шунда,*** *ҳар не* ***деса ихтиёр. Маслаҳат деб ўзинг хафа бўласан, /*** *Ҳар на* ***гапни, шоҳим, ўзинг биласан*** **(Алпомиш). –** *Ҳар нечук* ***бу даргоҳдан олиб кетмоқ даркор,–Қаландар бошидаги кулоҳини тўғрилаб, бир дақиқа ўйланиб турди*** **(О.Ёқубов).**

Белгилаш олмошларидаги услубий хосланиш кўпинча компонентдаги иккинчи сўзнинг маъноси ва услубий хосланишига боғлиқ. Масалан, ***ҳар жиҳатдан*** **дейилганда** ***ҳар*** **нинг ўзи бу белгини кўрсата олмайди. Расмий услубга хосланишни** ***жиҳат*** **сўзи белгилаб беради.**

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу бирикма таркибидаги ҳар бир аъзонинг, гарчи улар грамматик жиҳатдан бир вазифани адо этса-да, ўз семантик-стилистик аҳамияти бор. Бирикманинг иккинчи компоненти бўлган сўз олмошлик вазифасини бажарса, биринчи компонент – ***ҳар*** **семантик-стилистик оттенкага эга.**

Бу турдаги олмошларнинг семантик-стилистик имкониятларини аниқлаш мақсадида Фозил Йўлдош ўғли томонидан айтилган «Алпомиш» достони матнига мурожаат қиламиз. Асарда таркибида ***ҳар*** **сўзи келган олмошлар частотаси юқори эканлиги маълум бўлади. Матнда** ***ҳар ким, ҳар қайси, ҳар на, ҳар кимса, ҳар қандай*** **олмошлари кўп қўлланган. Бундан ташқари замонни (***ҳар дам, ҳар замон, ҳар кеча, ҳар кун, ҳар маҳал, ҳар ой, ҳар оқшом***), маконни (***ҳар дара, ҳар ёқ, ҳар ён, ҳар кўча, ҳар тараф, ҳар юртларда, ҳар ўлка***), инсон ва унга тегишли аъзолар, нарса-ҳодисаларни (***ҳар алп, ҳар билак, ҳар хаёл, ҳар элга, ҳар ягрини, ҳар гариб***) кўрсатишда ва бошқа сўз ва тушунчаларнинг маъносига қўшимча оттенкалар беришда (***ҳар албон, ҳар байроқ, ҳар бир, ҳар бозор, ҳар кўрганда, ҳар кўчганда, ҳар отлар, ҳар талаб, ҳар тола, ҳар қубба***) иштирок этганлиги** ***ҳар*** **таркибли олмошнинг қўлланиш кўлами ўзбек тилида ниҳоятда кенг эканлигидан далолат беради.**

Аслида ***ҳар*** **олмоши бошқа бир сўзга тасодифан боғланиб қолган эмас. Уларнинг ўртасида** ***ҳар*** **таркибли олмошнинг иккинчи компоненти ҳам бўлган, аммо эллиптик жараён юз бериб, унинг вазифасини ҳам** ***ҳар*** **сўзи ўз зиммасига олган:** ***Сўз эшитгин менинг айтган тилимдан, аччиқлансам ҳар иш келар қўлимдан*** **(Алпомиш) -** ***Сўз эшитгин менинг айтган тилимдан,***

аччиқлансам ҳар қандай иш келар қўлимдан **каби. Оғзаки нутқда гапдаги айрим бўлакларнинг тушиб қолишининг мазмунга путур етказмаслиги халқ оғзаки ижодига ҳам ўтган. Шунинг учун ҳам *Ҳар юртларда мусофир бўп юрайик, Бизлар сенга хизматкор бўп турайик* (Алпомиш). *Ҳар тандир ёпишингда биттадан кулча бериб келасан, тушундингми?* (Т.Мурод) каби парчалардаги эллиптик ҳолатларнинг мазмунини англаш ҳам қийин кечмайди.**

Ҳар **сўзининг олмош сифатида мустақил ишлатила бошлаши унинг кенг кўламда қўлланилишига, янги маъно оттенкаларни ифодалашга имконият яратган. Бу кенг кўламлилик унинг асосан оғзаки услуб учун хосланганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам унинг энг яхши намуналари бўлган достонлар тилида бу олмошнинг семантик-стилистик маънолари ҳам турличадир. Ушбу маъноларнинг кўзга кўринарлиси сифатида унинг ёрдамида белгининг меъёрдан ортиқлиги кўрсатилиши, муболағанинг юзага келишини эътироф этиш лозим. Жумладан, «Алпомиш» матнида шундай муболағалар мавжуд: *шунда ўлан кечаси бўлди,* *ҳар қизлар* ***келаётир, ориғи эчкидай диркиллаб, семизи иркиллаб; кўлни ёқалаб бора берди, қараса, оқ чодир, кўк чодир, зангори чодирлар тикиб, йилқи боқадиганларнинг устидан қарайдиган, тўқсон тўқайдаги йилқининг устидан хабар оладиган*** *ҳар қуллар* ***ётир аймашиб, бир хиллари ёнбошлаб, бир хиллари дўстаман бўлиб ётибди. Алпомиш чодирда ўтириб эди, шундай қаради,*** *ҳар қалмоқлар* ***келаяпти: калласи кападай, танаси тепадай, бутлари селанглаб отнинг остига аймашиб кетган.***

Ҳар қандай йўл, ҳар йўл **бирикмаларига синоним бўладиган *ҳар боп* нинг тилимизда қўлланилиши чегараланиб қолган. Уни *Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боп билан* деган мақолдан ташқари бошқа ўринларда деярлик қўлламаймиз. Аммо халқ оғзаки ижоди намуналарида у сақланиб қолинганлиги маълум бўлади:** *Ҳар боп* ***билан ўяй икки кўзини, / Ўлжа қилиб кетай улу қизини*** **(Алпомиш).**

Ҳар **таркибли олмошнинг фаоллиги синонимия учун ҳам шароит яратади: ҳар хизмат - қандай хизмат: *хизматкор-да, шоҳ амрини тутади,*** *ҳар хизмат* ***буюрса булар кетади - хизматкор-да, шоҳ амрини тутади,*** *қандай хизмат* ***буюрса булар кетади*** **(Алпомиш); ҳар гап – не гап:** *Ҳар гап* ***бўлса тақдиримдан кўрарман, ҳар замонда, болам, сени кўрарман*** **-** *Не гап* ***бўлса тақдиримдан кўрарман, ҳар замонда, болам, сени кўрарман*****, ҳар сўз – ҳамма сўз:** *ҳар сўзимни* ***ола бердинг қиёма, қўлингдан келганин қилгин, аяма*** **-** *ҳамма сўзимни* ***ола бердинг қиёма, қўлингдан келганин қилгин, аяма;*** **ҳар – -лар:** ***Шул вақтларда Барчин ҳам баркамол, бўйи етган,*** *ҳар яғрини* ***ўн беш қарич келади - Шул вақтларда Барчин ҳам баркамол, бўйи етган,*** *яғринлари* ***ўн беш***

қарич келади. Ҳар **олмошининг ҳам *бошқа,* ҳам *кўплик* маъносини бериши мана бу мисолда яққол сезилади: *Ҳар шаҳарман шул шаҳарда юраман, Тойчихоннинг мамлакатин кўраман.* Мана бу гапда *ҳар* олмоши *бўлар бўлмас, турли, хилма-хил* маъноларини беради: *Бир нечаси айтди: —Жуда ҳаддили зуғуми зўр ўзбак-да, Кўкалдошдан ҳайиқмади, тилини тортмай гапирди, сўнгги навбатда Қоражон ора тушди, бўлмаса, Кўкалдошни бир ёқлик қилар эди, хили иш бошлаб турар эди, — деб ҳар қайсиси ҳар сўзни гапириб ётди. Ҳар нима* олмошининг *жуда оз миқдордаги улуш* маъносини бериши ўзбек оғзаки нутқининг ўзига хос хусусиятидир: *Ҳали йил эрта, тари-тармоқ эксанг ҳам овқатлигингни олиб қоласан; бу йилги берадиган ҳар нима - подшолик чиқимдан ҳам ўтдим, — деди. «Ҳар нима олганимиз ўзимизга бечиқим тегадиган бўлди», — деб юрибди.***

Бундан ташқари белгилаш олмошлари маълум семантик маъно оттенкаларининг юзага келишига ҳам сабаб бўлади. Маслалан, санаш оттенкасининг: *Мен ҳар йили олти миллион тонналаб «оқ олтин» териб бердим, олти миллион! Минг афсуслар бўлсинки, улар ҳар қадамда учраб туради, ҳар дақиқада учраб туради!* (Т.Мурод); ажратиб кўрсатиш оттенкасининг: *Ҳар бир хонани алоҳида қараб кўрди* (Т.Мурод); ноаниқлик оттенкасининг: *Раҳбарлар ҳам ҳар хил бўлади* (Т.Мурод); салбий оттенканинг: *Қизиллардан ҳар бало келади* (Т.Мурод); эҳтимолликнинг: — *Ҳарқалай-да! Турмушда нималар бўлмайди* ва ҳоказолар.

Табиатида белги хусусиятни алоҳида таъкидлаб, ажратиб кўрсатиш бўлган ушбу олмошларнинг халқ оғзаки ижоди намуналаридаги кўринишлари уларнинг олий даражадаги стилистик имкониятларидир.

Бўлишсизлик олмошларининг **гап мазмунининг шаклланишига таъсири ниҳоятда кучли ва ўзига хос. У гапдаги ниманидир инкор этади. «Сўроқ олмошлари *ҳеч* сўзи билан бирикиб келганда сўроқ олмошларининг маъноси ўзгариб, шахс (*ҳеч ким*), предмет (*ҳеч нима*), миқдор (*ҳеч қачон*), белги (*ҳеч қандай, ҳеч қайси*)га нисбатан инкорни ифодаловчи сўзлар ҳосил қилинади», дейилади «Ўзбек тили грамматикаси»да.[39]**

Функционал жиҳатдан олиб қаралган эса бирор бир услубга хослик ярқ этиб кўзга ташланмайди. Фақат *ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч қайси, ҳеч бир* олмошларига расмий ва илмий услубларда деярли мурожаат қилинмайди, *қаер* олмоши эса ҳуқуқ-тартиботга оид ҳужжатларда қўлланилади (*ҳеч қаерда ишламайди* каби).

Ҳеч бир олмоши матнларда ҳеч қандай, ҳеч ким, ҳеч қайси олмошлари билан синонимик муносабатга киришиши мумкин:

---

[39] **Ўзбек тили грамматикаси, I том, 357-б.**

ҳеч бир – ҳеч қандай*: *Бошидаги тож, тагидаги тахт илми фунун учун даркор эканини тушунмаганида, бу совуқ кошонани, гуноҳи азимга ботиб қолган бу ҳарам, шон-шуҳрат ва мансаб ишқида *ҳеч бир разолатдан тоймаган* ***бу амирлар, саркору саройбонлар, хурофот ва таассуб ботқоғига botган дин пешволаридан юз ўгириб, суюкли талабалари орасига, маърифат даргоҳига кетмас эрдими?*** **(О.Ёқубов).** ***Аммо ушбу гапдаги бир сўзи қандай га нисбатан фикрни бироз силлиқ ифода этмоқда. Ҳеч бир - ҳеч ким синонимиясида ҳам айнан шу фарқни кўрамиз: Ўғлига бўлган бу ҳурмат-эҳтиром туфайли отаси Хожа Салоҳиддин заргар "тархон" номини олди, Мирзо Улуғбек унга савдо аҳлидан*** *ҳеч бирига* ***бермаган имтиёзларни берди, ҳатто тамғадан ҳам озод қилди*** **(О.Ёқубов).** ***Ундан кўра қайси олмоши кўпроқ мос келади - Ўғлига бўлган бу ҳурмат-эҳтиром туфайли отаси Хожа Салоҳиддин заргар "тархон" номини олди, Мирзо Улуғбек унга савдо аҳлидан*** *ҳеч қайсига* ***бермаган имтиёзларни берди, ҳатто тамғадан ҳам озод қилди. Мана бу гапда ҳеч бир – ҳеч қайси олмошлари синонимияси тўла мос келади: Ҳа, болам, ҳаллоқи олам*** *ҳеч бир бандасининг* ***гуноҳини кечмайдур*** **(О.Ёқубов).**

Ҳеч ким **олмоши бажарилмаган ҳаракатнинг эгаси тўғрисида тугалланган ахборот беради:** ***Тепасига ипак попилдириқлар тақилган кимхоб соябоннинг пардалари туширилган,*** *ҳеч ким* ***кўринмас, фақат парда четини ушлаган заифанинг оппоқ қўли кўринар, зумрад кўзли қўш узук тақилган нозик бармоқлар гўё ниманидир тимирскилагандай титрар эди... (О.Ёқубов). Бу олмошли бирикма орасига бир сўзининг қўшилиши эса бу фикрни яна ҳам қатъийлаштиради: Нечун ҳамма даври даврон, ҳамма давлат ва ҳамма шоҳ ва фотиҳларнинг тарихини беш қўлидай биладиган бу зукко донишманд тож ва ҳокимият*** *ҳеч бир кимсага* ***вафо қилмаганини тушунмади*** **(О.Ёқубов) каби.**

Қани бир одам сўраса! Далада бир инсон кўринмайди-я! *Тарзидаги гапларда* бир одам, бир инсон *каби жумлалар* ҳеч ким *га синоним бўлиши мумкин. Умуман олганда,* ҳеч ким *нинг синонимик имкониятлари кам. Функционал жиҳатдан олиб қараганда ҳам уларда чегараланиш сезилмайди. Фақат унинг* ҳеч кимса *сингари вариантида сўзлашув ва бадиий услубга мойиллик мавжуд.*

Ҳеч нима *сўзлашув услубида фаол. Чунки у кўпроқ оғзаки нутқда предмет ёки воқеа-ҳодисага нисбатан инкорни ифода этади:* Кайқубод айтди: — Берадиган **ҳеч нимам** қолмади *(Алпомиш).* **Ҳеч нима** бўлмаса, одамларнинг кўрпасини сотдириб оласанми? — деди *(Алпомиш). Синонимия* ҳеч нарса – ҳеч нима *олмошлари ўртасида кузатилади:* Қаландар эса, **ҳеч нарса**га парво қилмай тобора жадаллаб борарди *(О.Ёқубов).* Тахт азмида **ҳеч нарса**дан тап тортмаган бу кўрнамак ўз падарининг жонига қасд қилмоқ ниятида эмасму? *(О.Ёқубов). Аммо бу синонимияда* ҳеч нима *олмошининг ифода кучи*

ҳеч нарса *га нисбатан паст даражададир. Шу нуқтаи назардан «Алпомиш»даги мана бу гапда у мақсадга мувофиқ қўлланган:* Бу саркага кўп ишқибоз бўлади, **Ҳеч нима** деёлмай қизлар жўнади.

Қатъият, кескинлик каби оттенкалар назарда тутилганда *ҳеч нарса* ни қўллаш мақсадга мувофиқ: *Бундан ташқари кимдир швед модели қотиб қолган ва якунланган нарса, шведлар энди ҳеч нарса қилмай яшайверишлари мумкин деб ўйлайди. Амалда эса бундай эмас* (Р.Валижонов. Менежмент асослари).

Ҳеч қандай *олмоши ҳам барча функционал услублар учун нейтрал:* **Ҳеч қандай** овоз ҳам эшитилмадими? *(Ў.Хошимов).* **Ҳеч қандай** шикоят тушмади *(Ў.Хошимов). Аммо унинг предмет белгисига нисбатан инкорни ифодалаши белгининг аниқлигини талаб этиладиган илмий услубда қўл келади. Шунинг учун ҳам уни илмий матнларда тез-тез учратиш мумкин:* Тирик ҳужайрада ҳужайра шираси **ҳеч қандай** ички тузилишга эга эмас, оптик жиҳатдан бўш ҳисобланади *(С.Мустафаев).* Ҳар қандай фаолиятнинг интеллектуал таркиблари жисмоний элементлардан устун турган шароитда одамларни нафақат қўли билан балки ақли билан ишлашга мажбур этиш **ҳеч қандай** маъмурий буйруқбозлик воситалари билан инсонни ўзи хоҳламаса ижодий фикрлашга ва ҳаракат қилишга мажбур қилиши мумкин эмас *(Р.Валижонов).* Бошқаришнинг янги назарияси юқори даражада инсон манфаатларига йўналтирилган бўлиши керак, чунки эски назариялар инсон билан **ҳеч қандай** ҳисоб-китоб қилишни истамаган *(Р.Валижонов) сингари.*

Шу олмош мазмунига мос келадиган ҳеч қанақа *бирлигида китобийлик оттенкаси устунлик қилади:* Мен **ҳеч қанақа** мусулмончилик-пусулмончиликни билмайман! — Ёвуз Руҳнинг боши соат капгиридек ликиллади *(Ў.Хошимов).*

Ҳеч қайси *олмоши оғзаки нутқда кўп қўлланилади:* Қоражон маҳрамларига айтди: — Бир нечанг жаҳонни сайл этиб юрган, бир нечанг рўзғор кўрган, бир нечанг жаҳонгашта ҳам бўлган, биз ўзбакка куёв бўлдик, ўзбаки расм қилиб борайик, ўзбакнинг куёви не тартиб бўлади экан, **ҳеч қайсинг** кўрибмидинг? *(Алпомиш). Ушбу гапда у* бironта *сўзи Билан синоним бўлган:* Бир нечанг жаҳонни сайл этиб юрган, бир нечанг рўзғор кўрган, бир нечанг жаҳонгашта ҳам бўлган, биз ўзбакка куёв бўлдик, ўзбаки расм қилиб борайик, ўзбакнинг куёви не тартиб бўлади экан, **бирontанг** кўрибмидинг? *Бундан ташқари у матнларда* ҳеч бир, ҳеч ким *олмошларига синоним бўлиши мумкин:* Алқисса, подшонинг олдидаги умаролари, маҳрам, ясовил, ўгачи шиғовул, дарбон, баковул, асабадор туғдор, қози, муҳрдор – **ҳеч қайсиси** шаҳзодага совуқ шамоли раво кўрмай, нима қиларини билмай, шаҳзодани тилаб ололмай, шоҳига бир гапни маъқул қилолмай, лол бўлиб туриб эди, подшо маслаҳат сўраб айтди *(Кунтуғмиш).* Ағдариб, думалатиб кўрди, **ҳеч қайсиси** ҳеч нарса билмади *(Ойсулув). Ёки* Қалмоқнинг айтгани сира бўлмади, Отган ўқи

ҳеч бир гўрга бормади. «Бу иккови эр-хотин бўлсин, Ҳакимбек билан **ҳеч бир киши** баробар бўлолмасин, омин оллоҳу акбар», — деб фотиҳани бетига тортди *(Алпомиш)*.

Ҳеч қачон *олмошининг, худди* ҳеч қанақа *олмошида кузатилгани каби гапдаги иштироки бирмунча мустақилдир:* Эҳтимол, энди **ҳеч қачон** ўзинг суйган чексиз коинотни, тунларда милт-милт ёнган сирли юлдузларни кўрмассен? *(О.Ёқубов). У гапдан олиб ташлангани билан мазмун ўзгармайди, аммо қатъият, кескинлик оҳанги йўқолади. Дарҳақиқат, бу олмошнинг стилистик қиймати ҳам ана шунда. Ушбу олмош таркибидаги* қачон *ўрнида* маҳал, вақт *сўзлари ҳам қўлланилиши мумкин:* Эҳтимол, энди **ҳеч вақт** ўзинг суйган чексиз коинотни, тунларда милт-милт ёнган сирли юлдузларни кўрмассен? - Эҳтимол, энди **ҳеч маҳал** ўзинг суйган чексиз коинотни, тунларда милт-милт ёнган сирли юлдузларни кўрмассен? *Аммо, англашимизча, бу икки сўз* қачон *даги кескинлик ва қатъиятни бера олмайди. Фақат матнга ана шу талаблар қўйилмаган пайтларда бу алмашинишлар ўринли бўлади:* Азбархўжа айтди: - Ёрил-э, баччағарлар, лоф дебди, наинки Қуҳиқоф бўлса, **ҳеч вақтда** одамнинг юзи ҳам қоронғи кечани ёруғ қиладими? *(Кунтуғмиш) каби. Мана бу мисолларда* қачон *нинг* вақт, маҳал, замон *каби сўзларга алоқаси жуда заифдир:* Хаёлингга шундай гаплар келама, / Ҳеч замонда қалмоқ дўстлик қилама?! Ҳеч замонда шундай ишни қилами, / Ҳайвонзодга шундай азоб берами *(Алпомиш)*.

Ҳеч қаер *олмоши сўзлашув услубида маҳсулдор қўлланилади. Бирикманинг иккинчи қисми* қаер – қайси ер, қай ер *нинг қисқарган шаклидир. Шунинг учун унинг ўрнида бемалол* ҳеч ер *жумласини қўллайвериш мумкин:* Қош қорайиб қолган, яқиндаги масжиддан азон айтган муаззиннинг мунгли нидога ўхшаш овози қулоққа чалинар, лекин ҳовли ва ўйлар зим-зиё, **ҳеч қаерда** милт эттан чироқ йўқ, фақат кашта тикиш учун шам ёққан Хуршида бонунинг хонасигина ёруғ эди *(О.Ёқубов)* - Қош қорайиб қолган, яқиндаги масжиддан азон айтган муаззиннинг мунгли нидога ўхшаш овози қулоққа чалинар, лекин ҳовли ва ўйлар зим-зиё, **ҳеч ерда** милт эттан чироқ йўқ, фақат кашта тикиш учун шам ёққан Хуршида бонунинг хонасигина ёруғ эди. Бу ҳоли билан... **ҳеч қаерга** сиғмас эди! *(Т.Мурод)* - Бу ҳоли билан... **ҳеч ерга** сиғмас эди! *Мисоллар қиёсланган* ҳеч қаер *даги* қай *ҳатто ортиқчадек туюлади.*

***Ҳеч* сўзи *қанча* олмоши билан бирикиб, бўлишсизлик олмоши *ҳеч қанча* ҳосил бўлади. Аммо у бошқа бўлишсизлик олмошларига нисбатан кам қўлланилади: - *Ҳа, шонли коммунистик партиямиз XX съездидан кейин ҳали* ҳеч қанча *вақт ўтганича йўқ* (Т.Мурод).**

Матнларда *ҳеч* сўзининг бошқа бирликларга боғланиб бўлишсизлик маъноларини юзага келтирганлигининг ҳам гувоҳи бўламиз. Масалан, «Алпомиш»да гап таркибида *ҳеч ёққа, ҳеч зулм*

қилмаслик, ҳеч идишда қолмаслик, ҳеч киши, ҳеч одамни кўрмаслик, ҳеч сазо чиқмаслик **каби жумлалар учрайди:** *Ҳеч ёққа чиқмасанг, тўғри борасан, Бойсарининг бахмал уйин кўрасан. Қандай экан бир ҳангама қилайин, Ҳеч зулм* ***қилмайман, бориб келайин.****Ҳеч идишда* ***қимиздан нишон қолмади, Сувсаган деб бўлар парвой қилмади, Зиндонни айналган ғойибнинг қуши, Сўроғимни билмас менинг*** *ҳеч киши.****Чарчаб эди, сира парво қилмади, Писиб ётир, ҳеч одамни кўрмади. Бу сўзни эшитиб, турган халойиқлардан*** *ҳеч сазо* ***чиқмади*** **каби. Аслида бу бирикмалар *ҳеч ҳайси ёққа, ҳеч қачон зулм қилмаслик, ҳеч қайси идишда қолмаслик, ҳеч бир киши, ҳеч қандай одамни кўрмаслик, ҳеч бир сазо чиқмаслик*** **каби кўринишда бўлиши лозим эди. Аммо ўзбек тили яшаш қонунларига мувофиқ матнларда, эллиптик ҳолат юз бериб, қисқариш содир бўлмоқда ва олмош таркибидаги сўроқ олмошлари ёки *бир*** **сўзи тушиб қолиб, унинг вазифасини *ҳеч*** **сўзи ўз зиммасига олмоқда. Тилимизда бу ҳолат аста секин меъёрий тусга кириши мумкин.**

Гумон олмошлари **ўзбек тилида бир неча йўллар билан, жумладан *алла* элементига сўроқ олмошларининг, сўроқ олмошларига *–дир* қўшимчасининг қўшилиши ва *биров, баъзан* сўзлари ёрдамида ҳосил қилинади.**

Алла*+сўроқ олмоши бирикувидан ҳосил қилинган гумон олмошлари қуйидагилар: *аллавақт, аллаким, алламаҳал, алланарса, алланега, алланеча, алланечук, алланима, аллапалла, аллақаёқ, аллақаер, аллақайси, аллақандай, аллақанча, аллақачон **каби. Сўроқ олмоларига *–дир*** **қўшилиб қуйидаги олмошлар ясалган: *кимдир, нимадир, негадир, нечукдир, қаёққадир, қаергадир, қайсидир, қандайдир, қанчадир, қачондир*** **сингари.**

Гумон, мавҳумлик, ноаниқлик ва тахмин каби маъноларни ифода этадиган бу олмошларнинг сон жиҳатдан кўплиги уларнинг услубларо хосланиши ва ўзаро синонимик муносабатга кириши учун имконият яратади.

Бу олмошларнинг биринчи *гуруҳидги аллавақт, алламаҳал* олмошлари нутқда камдан кам қўлланилади ва улар ўзаро синоним саналади: ***Аллавақтгача*** *ухламасдан суҳбатлашиб ўтиришди* - ***Алламаҳалгача*** *ухламасдан суҳбатлашиб ўтиришди* каби. *Лекин негадир* ***алламаҳалгача*** *ғор теварагида қаланғи-қасанғиларнинг шарпаси тинмади* (О.Ёқубов). Шунингдек, *алланарса, алланега, алланеча сингари* олмошларнинг қўлланиш частотаси ҳам озчиликни ташкил этади.

Аллаким **олмоши сўзлашув нутқида кўпроқ қўлланилади:** ***Ўша кеча болалар ётган томонда*** *аллаким* ***туни билан қув-қув йўталиб чиқди. Бир маҳал*** *аллаким* ***елкамга туртгандек бўлди.*** **(Ў.Хошимов). Унга кўплик кўрсаткичи *-лар*** **қўшилиши**

натижасида образли қиёслаш ҳосил қилинади: — *Вой ўлмасам, бу қанақа юриш куёвингизни олдида,* *аллакимларга* ***ўхшаб... Боринг, костюм кийиб чиқинг!* **(Ў.Хошимов). Ушбу олмошга *биров* олмоши ва *–дир* кўрсаткичи синоним бўлади: *Худди* *биров* *миямни эринмасдан пармалаётганга ўхшайди* (Ў.Хошимов). *Қаранглар, дераза синибди! — деди* *кимдир* *ҳаяжонли қичқириб* (Ў.Хошимов).**

Алланечук **олмоши бадиий услубга, унинг ҳам насрий жанрига хосланган. Аммо насрий матнлар таҳлили унга бўлган муносабат ижодкорлар томонидан турлича эканлигини кўрсатади. Масалан, Ў.Хошимов «Тушда кечган умрлар» романида унга 9 марта мурожаат қилган бўлса, О.Ёқубов «Улуғбек хазинаси» асарида 3 марта ишлатган. Т.Мурод «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида эса ундан бир марта ҳам фойдаланмаган. Айрим намуналар келтирамиз: *«Душман! Ҳаммаси душман! Илоннинг боласи - илон, чаённинг боласи - чаён!..» - Соат дафъатан хаёлига келган гапдан кўнглида алам ва айни пайтда* *алланечук* ***енгиллик туйди. Қария*** *алланечук* ***осойишта кулди. — Қизим сенга ҳалақит бермайди, — деди онаси*** *алланечук* ***вазминлик билан. — Хоҳлаган жойингни текширавер*** (Ў.Хошимов).**

Ушбу олмош номаълумликка муносабат жиҳатдан *қандайдир* олмоши билан синоним бўлади: *Димоғимга* *алланечук* *қадрдон ис урилди* (Ў.Хошимов). Тушуниб бўлмайдиган вазиятни, ҳолатни ифодалаганда *нимагадир* олмоши билан синонимик ҳолатда бўлади: *Комиссар сут бидонини қор устига қўйиб,* *алланечук* *қунишиб турар, заҳил юзи ўйчан эди* (Ў.Хошимов). Матнларда *алланечук-қандайдир* синонимияси фаол.

Бундан ташқари бу олмош бадиий матнларда ғайриодатийлик, номеъёрийлик маъноларини англатади: *Қаландар юраги* *алланечук* *бўлиб, эшикни очди. Мирзо Абдуллатиф саройбонга "чиқавер" деб имо қилди-да, кўнгли* *алланечук* *бўлиб, Али Қушчининг олдига борди.* (О.Ёқубов). Иккиланиш маъносини беради: *Дўриллаб эшитилган бу товуш* *алланечук* *таниш эди.* *Алланечук* *ҳузурбахш куй вужудини ёқимли сийпалаб ўтди* (Ў.Хошимов).

Алланима олмошидан сўзловчи ёки ёзувчи учун баён жараёнида номаълум, мавҳум бўлган пердмет, нарса-ҳодисалар англашилади: *Ҳамма мунғайиб қолган, оппоқ рўмол остидаги келин бошини қуйи солиб ўтирар, эгнига зарбоф тўн, бошига дўппи кийган куёв унинг қулоғига шивирлаб,* ***алланимани*** *тушунтирар эди* (Ў.Хошимов). Унинг нимага ишора қилаётгани матнда олмош билан ёнма-ён келган бошқа сўзлар маъноси орқали реаллашади. Масалан, *Кирсам, ёши қириқларга бориб-бормаган, аммо кўзларининг таги осилиб кетган,*

чакка сочларига оқ оралаган, юзлари сўлғин, тепакал одам ***алланима*** *ёзиб ўтирибди* (Ў.Хошимов) гапида у орқали умумий маънода хат, *Алланимага қоқилиб кетдим* деганда умумий маънода тўсиқ, *Япроқларини чанг босган сўриток тагига бориб,* ***алланимани*** *ҳидлади* (Ў.Хошимов) дейилганда ўсимлик, балки гул, *Хотини* ***алланима*** *деб пичирлади* (Ў.Хошимов) жумласидан эса гап маънолари англашилади.

Ушбу олмошга кўплик кўрсаткичи *–лар* қўшилганда унинг семантик маъно англатиш кўлами яна ҳам кенгаяди. Масалан, *У оғзи кўпириб, зикр орасида алланималарни гапирар эди* гапида у ҳам сўзловчининг гапларини эшитилмаётганлиги, ҳам нима ҳақда гапираётганлиги номаълумлиги, ҳам бу гапнинг тингловчига маъқул бўлмаётганлиги маънолари англашилади. Бу каби ҳолатлар эса ушбу олмошнинг матнда ғоятда муҳим ўрни борлигини исботлайди. О.Ёқубов олмошнинг бу имкониятларидан унумли фойдаланган. 12 ҳолатдан 10 тасида унинг кўпликдаги шаклини қўллаган:*У оғир ҳансирар, ғулдираб* ***алланималарни*** *айтар, лекин гапини тушуниш қийин эди. Шаҳзода қуруқшаган лабларини ялади, пешанасини, юзини қоплаган жимир-жимир терларни сидириб ташлаб, кўзларини юмиб, яна* ***алланималарни*** *пичирлай бошлади* (ОЁ) ва ҳоказо. Бу эса *алланима* олмошининг бадиий адабиётда муҳим лингвостилистик унсур эканлигидан далолат беради.

Алланима олмошини *нимадир, нималардир, ниманидир, нимадандир, нималарнидир* олмошлари билан синонимик ҳолатда бўлади: *Расадхона қоровули Али Қушчини йўқ деди чамаси, суворийлар амир Султон Жондор билан* ***алланимани*** *маслаҳатлашиб, яна дарвозани қоқишди. Бир кун кечқурун Кўксарой девонида хизмат қилган ёш мирза уйга ранги учиб,* ***алланимадан*** *васвасага тушиб кириб келди. Бир томони мавлонога ҳам қийин, у ҳибсга тушган дастлабки кунлари қаттиқ ётиб қолди, кечалари оловдай ёниб алаҳлаб чиқар, ёмон тушлар кўриб уввос тортиб уйғониб кетар, кўзларига* ***алланималар*** *кўриниб қоронғи бурчакка тикилиб олар ва бир нималар деб пичирлар эди. Лекин ёруққа чиқмади. У қоронғи бурчакда ивирсиб ниманидир қидирар,* ***алланималарни*** *пичирлаб, гўё ақлдан озган одамдай ўзини у ёқдан-бу ёққа отар эди* (О.Ёқубов) ва ҳоказо.

Бирмунча китобий бўлган *аллақаёқ* олмоши бадиий матнларда ҳам кам кўзга ташланади. У *қаёқдандир, қаёқдадир* каби гумон олмошлари билан синоним бўла олади: *Шошилиб кетаётганингизда оёғингиз остида* аллақаёқдан *сакраб тушган чигиртка пайдо бўлади* (Ў.Хошимов). *Ботир фирқани қўллари белида бўлди, хаёллари* аллақаёқларда *бўлди...*(Т.Мурод).

Аллақаер **олмошининг қўлланиш кўлами ҳам унчалик кенг эмас. У ҳам нисбатан китобий характерда бўлиб, *қаердандир, қаердадир, қаеринидир,* ҳатто *нимасинидир* олмошлари билан**

синонимик муносабатга киришади: *Аллақаердан* ***сим топиб, бир учини аккумуляторга улашди-да, бир учини «дух»нинг оғзига тиқишди*** **(Ў.Хошимов)-** *Қаердандир* ***сим топиб, бир учини аккумуляторга улашди-да, бир учини «дух»нинг оғзига тиқишди. Иккови*** *аллақаерда* ***роса футбол тепган шекилли, терга ботиб кетган - Иккови*** *қаердадир* ***роса футбол тепган шекилли, терга ботиб кетган.*** *Аллақаерини* ***онамга ўхшатаман -*** *Қаеринидир* ***онамга ўхшатаман -*** *Нимасинидир* ***онамга ўхшатаман*** **(Ў.Хошимов).**

Аллақайси **олмоши ҳам китобий мазмунда бўлиб,** ***қайсидир*** **олмошига синоним бўлади:** *Аллақайси* ***бурчакдан қулоқлари шалпайган, қўрқувдан кўзлари жавдираган олапар ит чиқиб келди. Назира эса ўғли билан келинининг кетидан ҳайҳайлаб югурганича*** *аллақайси* ***гўрга ғойиб бўлган эди. Шаҳноза*** *аллақайси* ***«Совғалар магазини»дан топиб келган тунчироқ....*** **(Ў.Хошимов).**

Алла **элементи билан бошланувчи гумон олмошлари орасида энг маҳсулдори** ***аллақандай*** **бўлиб ҳисобланади. Бу олмошнинг Ў.Хошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романида 20 марта, О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» асарида 133 марта қўллинилганлиги унинг образлиликни юзага келтирувчи муҳим унсурлардан бири эканлигидан далолат беради. Лекин Т.Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» асарида бирон марта ҳам қўлланилмаганлиги унинг матндаги иштироки ёзувчи ииндивидуал услуби билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкинлигини кўрсатади. Аммо бу ҳол унинг адабий асарда кучли стилистик ресурс эканлиги ҳақида хулоса чиқаришимизга тўсиқ бўлолмайди. Айрим намуналар келтирмиз:** ***Кўнгли нотинч давлатпаноҳ эса бунга*** *аллақандай* ***умид боғлар, ниманидир кутар эди*** **(О.Ёқубов).** ***Тун ойсиз бўлса ҳам, юлдузлар акс этган фируза гумбазлари*** *аллақандай* ***кўкиш жило таратиб, ғалати ялтиллаб турарди*** **(О.Ёқубов).** ***Ҳазин куйга ўхшаган бу товуш гўё бошқа оламдан келаётган чексиз нолага ўхшар, кекса садалар ортидаги улкан қабристонга, қоронғида ҳайбатли кўринган қуббадор даҳмаларга*** *аллақандай* ***илоҳий руҳ баҳш этар, борлиқ сирли ва мудҳиш туюларди*** **(О.Ёқубов).**

Бу олмош қўлланилишида ҳам ***алла - -дир*** **синонимиясини кузатамиз:** ***Шаҳноза зиналардан тушиб бораркан, вужудида*** *аллақандай* ***лоқайдлик, карахтлик сезди*** **(Ў.Хошимов) -** ***Шаҳноза зиналардан тушиб бораркан, вужудида*** *қандайдир* ***лоқайдлик, карахтлик сезди. Ниҳоят чўл-биёбоннинг қоқ ўртасида, бостирмага ўхшаган*** *аллақандай* ***пастак, узун бино олдида тўхташди*** **(Ў.Хошимов) -** ***Ниҳоят чўл-биёбоннинг қоқ ўртасида, бостирмага ўхшаган*** *қандайдир* ***пастак, узун бино олдида тўхташди.*** ***У аллақайси*** **олмошига ҳам синоним бўлади:** *Аллақандай* ***бир талабанинг гапга қўшилиши Гришанинг ғашини***

келтирди **(Ў.Хошимов) -** *Аллақайси* ***бир талабанинг гапга қўшилиши Гришанинг ғашини келтирди.***

Унинг *шунчаки* сўзи билан синоним бўлиши экспрессив жиҳатдан эътиборлидир: *Биринчидан, у умрбод кетмон уриб, ер кавлаб ётадиган* *аллақандай* ***деҳқон эмас!*** **(Ў.Хошимов) - *Биринчидан, у умрбод кетмон уриб, ер кавлаб ётадиган*** *шунчаки* ***деҳқон эмас!***

Номаълум миқдорга ишора қиладиган *аллақанча* олмоши нутқда кам қўлланилади: *Аллақанча* ***болалар ёнғоқзор четидаги майдонда қор-бўрон ўйнаётган экан. Акам*** *аллақанча* ***газета йиғиб қўйган экан.*** **(Ў.Хошимов).**

Аллақачон **ва унинг синоними бўлган *қачондир* олмошларининг бошқа гумон олмошларидан фарқли томони шундаки, уларда замонни, узоқ ўтган замонни билдириш хусусияти мавжуд: *Кампири бу гапни*** *аллақачон* ***эшитган бўлса-да, ўзини энди эшитганга олди. Мазкур кинотеатр*** *аллақачон* ***мачит бўлганини билса-да, ўзини энди билганга олди. У киши*** *аллақачон* ***ҳилқатга кетди-ку.*** **(Т.Мурод). *Катта йўл четида*** *қачондир* ***узилиб кетган танк занжири занглаб ётибди*** **(Ў.Хошимов). Айни пайтда *аллақачон* воқеа-ҳодисанинг ўтган замонда содир бўлганлигини шунчаки, ёки гумон, тахмин оттенкалари билан эмас, балки қатъийлик оттенкаси билан ифода этади: *Йўқ, унинг жисми Самарқандда бўлса ҳам, руҳи қачондан бери ўз маскани–олис Қарноқда эди... У хаёлан*** *аллақачон* ***Хуршида бону билан бирга қир ва адирлар оша ўз элига йўл олган, бутун қалби, бутун вужуди билан ўз юртига қараб талпинар эди. Мана, доруссалтана*** *аллақачон* ***орқада қолди*** **(О.Ёқубов). Ҳатто унга кўплик кўрсаткичи *–лар* қўшилганда ҳам гумон, иккиланиш оттенкалари юзага келмайди, балки яна ҳам узоқ ўтган замонни англашга кўмаклашади: *Агарчи фоний олам юмушлари Али Қушчи йўлагандай осон бўлганида Мирзо Улуғбек бу бевафо ҳокимиятни*** *аллақачонлар* ***тарк этиб, ўзини суюкли ишига бағишламас эрдими?*** **(О.Ёқубов).**

Ушбу олмош орқали сўзловчининг субъектив муносабати ҳам англашиладики, бу унга муҳим стилистик ресурс сифатидаги қарашимизни яна ҳам мустаҳкамлайди: *Маънили расм чизаётган Гўзал Жабборова, Умиджон Султонов* *аллақачон* ***вилоятимиз фахрига айланиб улгуришди*** **(«Зарафшон» газ.). Чунки *Маънили расм чизаётган Гўзал Жабборова, Умиджон Султонов вилоятимиз фахрига айланиб улгуришди* дейилганда ҳам маъно тўлиқ шаклланади, аммо бу юз берган воқеликка сўзловчи ёки ёзувчининг субъектив муносабати англашилмайди.**

Достонлар тилида *алла*+сўроқ олмоши шаклидаги олмошлар деярли учрамаслиги (масалан «Алпомиш»да у фақат бир ўринда учрайди: *Алла нима* ***ейдиган ош бўлган экан),*** **илмий ва**

расмий услублар учун ҳам хосланмаганлиги бунинг ўзига хос олмош шакли эканлиги, китобий-бадиий оттенкаси кучли эканлигидан далолат беради.

Баъзи **олмошида гумон, номаълумлик оттенкаси кучли ва китобий услубларга хосланган. Шунинг учун ҳам фикрни аниқ қилиб айтишдан кўра ноаниқроқ қилиб, умумлаштириб айтишга эҳтиёж пайдо бўлган вақтларда бу олмошга мурожаат этилади ва бу унинг ҳамма ҳам пайқайвермайдиган қўшимча стилистик маъноси саналади:** *Баъзи* ***ташкилотлар... Отставкага чиққан бўлса ҳам тажрибали ходим сифатида маслаҳатга ва умуман...*** *«баъзи* ***юмуш»ларга чақириб туришарди*** **(Ў.Хошимов). Илмий услубга оид матнлардан айрим намуналар келтирамиз:** ***Уларнинг*** *баъзилари* ***бир гуруҳ микроорганизмларга кучли таъсир кўрсатса, бошқалари шу микроорганизм учун хатарсиз - инерт ҳисобланади*** **(С.Мустафаев).** ***Шарқнинг*** *баъзи* ***жойларида ўзлаштириш хўжалигидан (ов, мевалар териш ва ҳ.к.) маҳсулот олишнинг принципиал янги шаклига — уларни ишлаб чиқаришга ўтиш амалга оширилди (ишлаб чиқарувчи, иқтисод)*** **(Р.Валижонов).**

Бундан ташқари у яна қуйидаги маъноларни ифода этади: мулоҳаза объекти сўзловчига маълум, аммо улардан бир қисми ажратиб кўрсатилади: *Баъзилари* ***овозини пастлатиб дўстона масалаҳат беради: «Отангиз «пахта иши» бўйича қамалганми? Яхшиси бу ишга аралашманг». Рухсатингиз билан сиздан*** *баъзи* ***нарсаларни сўрамоқчи эдим*** **(Ў.Хошимов). Мана бу** *Баъзи* ***бировлар ўз ота-онасини қабри қаердалигини билмайди*** **(Т.Мурод) гапида** ***бировлар*** **сўзининг ўзи ҳам объектни ажратиб кўрсатиш имкониятига эга. Аммо унга** ***баъзи*** **сўзининг қўшилиши бу эффектни яна ҳам кучайтиради.** ***Мен баъзи бировлар юрган йўлларидан юрмайман.*** **Олмошдан кейин қўлланилган** ***бир*** **сўзи ҳам ажратиб кўрсатиш эффектини кучайтиради:** *Баъзи* ***бир қабристонларни кўриб, одам ҳам тириклар шаънига ачинади, ҳам марҳумлар ҳолига ачинади*** **(Т.Мурод).** ***Тор хонақоҳда наша ҳиди бурқсир, қора қумғонлар биқирлаб қайнар,*** *баъзилар* ***кўкнори эзар,*** *баъзилар* ***жулдур белбоғларини ечиб, қора дориларини олар, шундан кейин кайфу сафо, фисқи фасод, ғийбат, гоҳида уриш-жанжал бошланиб кетар эди*** **(О.Ёқубов) мисолида олмошнинг такрор қўлланиши ажратиб кўрсатиш билан бирга гуруҳлаш, санаш оттенкасини ҳам бермоқда.**

Айрим ҳолатларда нутқ муаллифининг воқеага бўлган салбий муносабатини кучайтириб беришга кўмаклашади: ***Аввалари лагердаги*** *баъзи* ***оғзига кучи етмаганлар мени «босмачи» деса, хафа бўлардим*** **(Ў.Хошимов).**

Ушбу олмош отлашади ва бунда у ***айрим*** **сўзига синоним бўлиб келиши мумкин:** ***Эшикда Мирзо Улуғбек кўринганда уламолардан*** *баъзилари* ***шоша-пиша ўринларидан туришди, лекин***

тўрда, бошқалардан баландроқ курсида тасбеҳ ўгириб ўтирганлар, қилич таққан амирлар ҳазрат Хомушнинг қаҳрли нигоҳи остида қайта жойларига чўкдилар **(О.Ёқубов) -** ***Эшикда Мирзо Улуғбек кўринганда уламолардан*** *айримлари* ***шоша-пиша ўринларидан туришди, лекин тўрда, бошқалардан баландроқ курсида тасбеҳ ўгириб ўтирганлар, қилич таққан амирлар ҳазрат Хомушнинг қаҳрли нигоҳи остида қайта жойларига чўкдилар.*** **Оғзаки нутқда *айрим* сўзига мойиллик кучли.**

Баъзи **олмоши пайт маъносини ифодалаганда унга *баъзан* варианти ҳам синоним бўла олади:** ***Аълоҳазратлари келган кунлари расадхонага Самарқанддаги барча мударрислар, барча аҳли ирфон, машҳур фозиллар ва алломалар,*** *баъзида эса* ***ҳатто хорижий давлат элчилари ҳам ташриф буюришар, иккинчи ошёнадаги муаззам кутубхонага одам сиғмай қоларди*** **(О.Ёқубов).**

Гумон олмошлари сирасида қараладиган *бир нима* элементи *бир* ва сўроқ олмоши бирикувидан ташкил топган бўлиб, умумий маънода ноаниқликни ифода этади ҳамда сўзлашув услубига хосланган бўлади: ***Қашқир*** *бир нима* ***деб пўнғиллади*** **(О.Ёқубов). Бошқа услубларга эса оғзаки нутқ орқали ўтган:** ***Шаҳзода Абдуллатиф юзи асабий бужмайиб*** *бир нима* ***демоқчи бўлди. Али Қушчи шундагина орқасига ўгирилиб қаради: амир Арслон тархон сойнинг у юзида от ўйнатиб турар, қора айғирини қамчилаб,*** *бир нима* ***деб қичқирар, лекин зорли кишнаб, осмонга сапчиган арғумоқ ҳайқириб оқаётган асов селга бетлаёлмас эди...*** **(О.Ёқубов).**

Ушбу олмошнинг сўзлашув ва бадиий услубларда фаоллиги унинг ифодага жонлилик, ҳаётийлик ва ўрни билан образлилик бахш этишида намоён бўлади ва асосан гапириш жараёнига нисбатан қўлланилади. Бу жараённи ифодалашда қуйидаги оттенкалар фарқланади: *гапирмоқ* **маъносида:** ***Хўжалик сумкасини ерга қўйиб, очилиб-сочилиб,*** *бир нималар* ***деди. Мен*** *бир нима* ***деётганим йўқ. Нима қипти очиб кўрса, биров*** *бир нима* ***дермиди?*** **(Ў.Хошимов); сўзловчига номаълум бўлган предмет ифода этилади:** ***Ногаҳон қибла томондаги деворга тутилган ипак парда орқасида*** *бир нима* ***ғичирлагандай бўлди... У ерда*** *бир нима* ***чирс этиб сингандай бўлди*** **(О.Ёқубов); сўзловчига номаълум бўлган ҳодиса ўрнида қўлланилади:** ***Саман отини бир меъёрда йўрғалатиб бораётган қотма, хушқомат чол қорамағиздан келган шиддатли чеҳрасига ярашган қалин қошларини чимириб, дам орқага, боғлар ортида қолган Самарқандга тикилар, дам ўнг қўлдаги Ургут тоғларига қадалиб-қадалиб қарар, у*** *бир нимадан* ***безовталанаётганга ўхшар, чуқур ботган ўйчан кўзларида ҳам теран бир қайғу, ҳам аллақандай тараддуд сезилиб турарди...*** **(О.Ёқубов); чала эшитилган, тушуниб бўлмайдиган, қулоққа чалинган гап мазмунини беради:** ***Самолётнинг темир «қорнида»***

чўккалаб ўгирган Хайриддин *бир нималарни* ***пичирлаяпти. Қарасам, «аждар териси» орасида*** *бир нима* ***қизариб кўриняпти. «Соат ака»*** *бир нималарни* ***гапирарди. Тепага — Гришанинг деразасига бир зум қараб турди-да, ҳокимона овозда*** *бир нима* ***деб қичқирди*** **(Ў.Хошимов) каби.**

Бу каби умумий маънодаги ноаниқликларни ифода этишдан ташқари *бир нима* яна муҳимроқ семантик-стилистик вазифаларни адо этади. Жумладан, унинг ёрдамида айтиб бўлмайдиган нохуш ҳодиса баён қилинади: — *Агар... сизга* *бир нима* ***бўлса... Кўз ёши аралаш жилмайди*** **(Ў.Хошимов); уят, айтиш ноқулай бўлган гап мазмуни берилади: *Ҳуринисонинг ота-онаси Асад бойваччага рози-лик бериб, «оғизбойлар» бўладиган кунлари Қаландаров*** *бир нима* ***қилибди-ю, ишни бузиб-ди, бир ҳафтанинг ичида ҳамма расм русмни жойига қўйиб Ҳуринисони никоҳлаб олибди*** **(А. Қаҳҳор. Синчалак). Адабий тилда айтиб бўлмайдиган ифодани беришни ўз зиммасига олиши бу олмошнинг бадиий адабиётда ғоятда кучли тасвир воситасига айланганлигидан далот беради.**

Бундан ташқари у туфайли тахмин: *Ойим* *бир нималарни* ***ўйлаб, ўзича жилмайиб қўйди*** **(Ў.Хошимов); руҳий ҳолат ифодаси: *Ботир фирқани ичидан...*** *бир нима* ***ўпирилиб тушди*** **(Т.Мурод); натижа: *Сен ўзингни абгор қилма, бунга тушиб улгандан*** *бир нима* ***чиқарми, ғайратинг бўлса, кўрсат энди, — деб турибди*** **(Алпомиш); илож, имкон: *Бу молларнинг эгаси сўрайди демайди, еган одам*** *бир нима* ***қилар, деб бераётир*** **(Алпомиш); туҳфа, ҳадя: *Бир неча хотинлар «кампир ўлди» бўлиб, ўлганига*** *бир нима,* ***олиб, «ит ириллар» деган расмини қилиб, бунга ҳам*** *бир нима* ***бериб, ҳар замон салом солиб...*****(Алпомиш) маънолари ҳам ифода этилади.**

Ушбу олмошнинг бадиий матнда *Нимадир бир нима...* ***лип этиб ерга тушди*** **(Т.Мурод) тарзида плеонастик ҳолатда қўлланилиши иккиланиш оттенкасини кучайтиришга хизмат қилган. Унинг тилимиз тарихида мавжуд бўлган *нимарса* варианти ҳам фақат бадиий матнларда учрайди: *Кўнглим бошқа*** *бир нимарсани* ***истайди, шуаро тили билан айтганда, гул искамоқни тилайди, амирим!*** **(О.Ёқубов).**

Бир нима **олмошининг гумон олмошлари доирасида синонимлари мавжуд: бир нарса: *Отдан тушган мавлоно тили ғулдираб*** *бир нима* ***деди, лекин унинг сўзини англаб бўлмас эди*** **(О.Ёқубов) - *Отдан тушган мавлоно тили ғулдираб*** *бир нарса* ***деди, лекин унинг сўзини англаб бўлмас эди;*** **нимадир: *Қаландарни кўрган амир ҳам навкарларига*** *бир нима* ***деб бақирди*** **(О.Ёқубов) - *Қаландарни кўрган амир ҳам навкарларига*** *нимадир* ***деб бақирди;*** **алланима: *Бир томони мавлонога ҳам қийин, у ҳибсга тушган дастлабки кунлари қаттиқ ётиб қолди, кечалари оловдай ёниб алаҳлаб чиқар, ёмон тушлар кўриб уввос тортиб уйғониб кетар,***

кўзларига алланималар кўриниб қоронғи бурчакка тикилиб олар ва *бир нималар* ***деб пичирлар эди*** **(О.Ёқубов) -** ***Бир томони мавлонога ҳам қийин, у ҳибсга тушган дастлабки кунлари қаттиқ ётиб қолди, кечалари оловдай ёниб алаҳлаб чиқар, ёмон тушлар кўриб уввос тортиб уйғониб кетар, кўзларига алланималар кўриниб қоронғи бурчакка тикилиб олар ва*** *алланималар* ***деб пичирлар эди.***

Биров сўзи ноаниқ шахсни билдиради ва унинг гумон олмоши таркибида қаралиши ҳам нисбийдир. Сўзлашув ва бадиий услубда ниҳоятда фаол қўлланилади. Бошқа услублар учун хос эмас. Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» асарида 50 марта, О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романида 23 марта, Т.Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» асарида 82 марта, «Алпомиш»да 81 марта қўлланилганлиги ушбу фикрнинг асосли эканлигидан далолат беради.

Унда асосан ноаниқ шахсни кўрсатиш хусусияти кучли. Аммо ўша кўрсатилаётган шахснинг мавҳум, ноаниқ эканлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди: *Биров* ***жиққа сув бўлган сочини силайди,*** *биров* ***баданига ёпишган кўйлагини сийпалайди.*** **Демак, бундай ҳолатларда бу олмош икки вазифани адо этади.**

Қўлланишдаги фаоллик унинг синонимик имкониятларини ҳам кенгайтиради. Масалан қуйидаги сўз ва бирикмалар билан шундай муносабатга киришиши мумкин: ***биров - кимдир: Шаҳнозанинг қулоғи шанғиллар,*** *биров* ***унинг миясига кириб олиб, муттасил тўқмоқ билан ураётганга ўхшар эди*** **(Ў.Хошимов) -** ***Шаҳнозанинг қулоғи шанғиллар,*** *кимдир* ***унинг миясига кириб олиб, муттасил тўқмоқ билан ураётганга ўхшар эди; биров - бошқа:*** *Бировнинг* ***турмушига аралашиш—шайтоннинг иши...*****(Ў.Хошимов)** *- Бошқанинг* ***турмушига аралашиш—шайтоннинг иши. Комиссар Ғаниевнинг*** *бировдан* ***тили қисиқ жойи йўқ*** **(Ў.Хошимов) -** ***Комиссар Ғаниевнинг*** *бошқадан* ***тили қисиқ жойи йўқ. –Қаландар Қарноқий*** *бировнинг* ***ихтиёри билан юрмайдур, мавлоно*** **(О.Ёқубов);** ***биров - бошқа киши/одам:*** *Биров* ***Тошкентнинг ҳавоси қандай экан, деса, бошқаси қулупнай егиси келаётганини айтди*** **(Ў.Хошимов).** ***Гўё*** *биров* ***эшитса роҳатланадиган ҳангомани ҳикоя қилаётгандек, хотиржам давом этди*** **(Ў.Хошимов);** ***бир киши: «Худони ўртага солиб айтинглар-чи, дадам умри бино бўлиб қинғир иш қилдими,*** *бировнинг* ***бурнини қонатдими?» дегин-чи, имони бўлса айтар, рост гапни!*** **(Ў.Хошимов) -** ***«Худони ўртага солиб айтинглар-чи, дадам умри бино бўлиб қинғир иш қилдими,*** *бир кишининг* ***бурнини қонатдими?» дегин-чи, имони бўлса айтар, рост гапни!***

Мен **ўрнида** ***биров*** **нинг қўлланилиши матнга кучли стилистик бўёқ берган:** *Биров* ***сизни гуноҳкор деяптими, нега ваҳима қиласиз, гражданка Тўлаганова!*** **(Ў.Хошимов)-** *Мен* ***сизни гуноҳкор деяпманми, нега ваҳима қиласиз, гражданка Тўлаганова!*** **Оғзаки нутқда II шахс бирлик ёки кўплик маъносида келиб,**

кучли эмоционал-экспрессивликни, аниқроғи пичинг, масхаралаш оттенкаларини юзага келтиради: *Бировлар* ***бугун дарсга келибдими?*** *Бировлар* ***янги костюм сотиб олибдими?*** **каби. Бу оттенкаларнинг кўплик кўрсаткичи** ***–лар*** **туфайли янада ойдин реаллашаётганини қайд этамиз.** ***Ҳамма ерга бурнини суқади.*** *Бировларнинг* ***қабулхонасида соатлаб ўтиради...*** **(Ў.Хошимов) гапидаги аччиқ заҳархандалик ҳам шу йўл билан ҳосил қилинган.**

Нутқда ***биров*** **сўзига яна қуйидаги бирликлар синоним бўлади:** ***кимнидир: Қўшни домда*** *бировни* ***ўлдириб кетади-ю, қулоққа чалинмайдими?*** **(Ў.Хошимов) -** ***Қўшни домда*** *кимнидир* ***ўлдириб кетади-ю, қулоққа чалинмайдими; кимдир: Бир маҳал миямга*** *биров* ***мих ургандек ўкириб юбордим. Ўша томон эмакларканман, ёнбош томонда*** *биров* ***гапиргандек бўлди*** **(Ў.Хошимов) -** ***Бир маҳал миямга*** *кимдир* ***мих ургандек ўкириб юбордим. Ўша томон эмакларканман, ёнбош томонда*** *кимдир* ***гапиргандек бўлди.*** *Биров* ***у ёққа кетяпти,*** *биров* ***бу ёққа…*****(Ў.Хошимов) -** *Кимдир* ***у ёққа кетяпти,*** *кимдир* ***бу ёққа…; ҳеч ким:*** *Биров* ***уни чўри қилиб қўйгани йўқ шекилли?*** **(Ў.Хошимов) –** *Ҳеч ким* ***уни чўри қилиб қўйгани йўқ шекилли? Даданг шунча йил раис бўлиб,*** *бировнинг* ***оҳига озор берганмас*** **(Ў.Хошимов). Аммо бу синонимияда стилистик нозиклик мавжуд.** ***Ҳеч ким*** **да ифода қатъий, кескин,** ***биров*** **да эса бирмунча юмшоқ ва маданий баён қилинади;** ***ўзга:*** *Бировнинг* ***юртида султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл, дерлар*** **(О.Ёқубов) -** *Ўзганинг* ***юртида султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл, дерлар.*** **Мана бу мисолда ҳам ўзлик маъноси мавжуд:** *Биров* ***эмас, уч-тўртта бўп борайин, / Бориб каттасига меҳмон бўлайин*** **(Алпомиш).**

Ушбу сўз отлашганда чегаралаш, айириш ва санаш оттенкасини беради: *Биров* ***йуталади,*** *биров* ***хириллайди...*** *Биров* ***тик турибди,*** *биров* ***тўрвасининг устида ўтирибди;*** *Бирови* ***гўшт чопяпти.*** *Бирови* ***сабзи тозалаяпти*** **(Ў.Хошимов). Бу икки гапдан кейинги** ***Яна биттаси кетмон билан ер ковлаб ётибди*** **гапи бу фикрни исботлайди. Яна:** *Бирови* ***уни даргоҳи илоҳийни тарк этган муртад ва кофир, деб сўкса,*** *бирови* ***бошидаги дубулғаси ва эгнидаги совут ларига ёпишиб кулги қилди, яна*** *бирови* ***дарҳол қўлига наша тутуни буруқсиган чилим тутди*** **(О.Ёқубов).**

Кимдир **олмошида гумон маъносининг пайдо бўлишига асосий сабаб кишилик олмошига қўшилган** ***–дир*** **элементидир. Усиз гумон маъноси ҳосил бўлмайди. Ушбу олмош ёрдамида ҳаракатни баржарган номаълум шахс ифода этилади:** ***Шунақа бўлишини билардим, - деди*** *кимдир* ***беписанд оҳангда.*** *Кимдир* ***чироқни ёқди*** **(Ў.Хошимов).**

У ***биров*** **олмоши билан синонимик муносабатга киришиши ҳақида юқорида сўз юритилди. Айрим ҳолатларда улар экспрессивликни кучайтириш мақсадида қаватланган ҳолда**

қўлланилади: ***Азал-азалдан шундай;*** *кимдир биров* ***лақиллаб, нутқ сўзлаб қўяди*** **(Т.Мурод).**

Ёзувчилар қаламида бу олмош баъзан чинакам маънода стилистик воситага айланади. Т.Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романидан олинган ушбу парчага диққат қилайлик: ***Тўдани ҳамиша*** *кимдир* ***йиғади,*** *кимдир* ***жамлайди. Ана шу*** *кимдир* ***тўдани бошқаради, тўдани йўллайди. Масалан, мания величия — ўзини*** *кимдир* ***қилиб кўрсатишга уста бўлади*****. Биринчи гапда у ҳақиқатдан ҳам гумон маъносини англатади. Иккинчи гапда у реаллашади ва тўданинг, гуруҳнинг лидерини билдиради. Учинчи гапда бу гуруҳ ўзини «мания величия» қилиб кўрсатишга уринувчилар эканлиги маълум бўлади.** ***Кимдир қилиб кўрсатмоқ*** **жумласида эса олмошнинг стилистик имконияти яна ҳам кенгайиб, уларга ёзувчининг субъектив муносабатини билдиришга хизмат қилмоқда, яъни** ***кимдир*** **дан ўзини қайта қурувчи қилиб кўрсатишга ўринаётган, маҳмадона кимсалар қиёфаси англашилмоқда. «Алпомиш» достонидан олинган мана бу мисолда ҳам у гумон маъноси доирасидан ташқарига чиққан:** ***Чулни ёйлаб ётган, чўпон, сўрайин,/ Қўйингнинг эгаси*** *кимдир,* ***билайин?***

Нимадир **олмошида ноаниқлик, мавҳумлик оттенкаси мавжуд:** ***Яна*** *нимадир* ***демоқчи бўлди-ю, шаштидан қайди. Кулиб*** *нимадир* ***деган эди, эшитмадим. Бошимни*** *нимадир* ***таталаётганини ҳис этиб, ғашим келди.*** *Нимадир* ***дейишим керак эди*****. (ЎХ). У** ***бир нарса*** **жумласига синоним бўлиши мумкин:** ***Али Қушчига хонада*** *нимадир* ***етишмаётгандай бўлиб, атрофига қаради, қаради-ю, бир зум ағрайиб қолди. Бир нарса, бир нима*** **жумлаларига синоним бўлади:** ***Али Қушчига хонада*** *бир нарса* ***етишмаётгандай бўлиб, атрофига қаради, қаради-ю, бир зум ағрайиб қолди - Али Қушчига хонада*** *бир нима* ***етишмаётгандай бўлиб, атрофига қаради, қаради-ю, бир зум ағрайиб қолди. Миясида*** *нимадир* ***ярқ этиб, кенг даштда, бобосининг қароргоҳида ўтган илиқ бир оқшом эсига тушди - Миясида*** *бир нарса* ***ярқ этиб, кенг даштда, бобосининг қароргоҳида ўтган илиқ бир оқшом эсига тушди - Миясида*** *бир нима* ***ярқ этиб, кенг даштда, бобосининг қароргоҳида ўтган илиқ бир оқшом эсига тушди*** **(ОЁ). Аммо** ***бир нарса*** **да бу икки олмошга хос бўлган умумий маъно бирмунча кучсиз ифода этилади, гумонсираш оттенкаси англашилади.**

Негадир **олмошида номаълумлик оттенкаси, ҳаракатнинг юзага келишига сабаб бўлган воситанинг номаълумлиги ифода этилади:** ***Рустам акаси бугун*** *негадир* ***кўп ичяпти... Ажаб,*** *негадир* ***йиғлай олмади*** **(ЎХ). У сўзлашув ва бадиий услубларга хос, расмий ва илмий услубларда қўлланилмайди.** ***Нечукдир, нима учундир*** **олмошлари билан синонимик муносабатга киришади:** ***Али Қушчи*** *негадир* ***бир сапчиб тушди - Али Қушчи*** *нима учундир* ***бир сапчиб***

тушди - Али Қушчи *нечукдир* ***бир сапчиб тушди. Одатда Тиллабибининг бу гапи Али Қушчининг ғашини келтирар, ҳатто баъзан кампирни силтаб ҳам ташлар эди, лекин бу сафар*** *негадир* ***юрагини зирқиратиб юборди - Одатда Тиллабибининг бу гапи Али Қушчининг ғашини келтирар, ҳатто баъзан кампирни силтаб ҳам ташлар эди, лекин бу сафар*** *нима учундир* ***юрагини зирқиратиб юборди - Одатда Тиллабибининг бу гапи Али Қушчининг ғашини келтирар, ҳатто баъзан кампирни силтаб ҳам ташлар эди, лекин бу сафар*** *нечукдир* ***юрагини зирқиратиб юборди.*** **Лекин улар** ***негадир*** **га нисбатан кам қўлланилади. Бу эса** ***нима учун*** **нинг чўзиқлиги,** ***нечудир*** **нинг бадиий матнларга хосланганлиги билан изоҳланади.**

Қаёққадир **олмошида ўриннинг, йўналишнинг номаълумлиги, мавҳумлиги оттенкаси мавжуд:** ***Қаландар мармар сағаналар, унгурдай ўпирилиб қолган қабрлар орасидан қоронғида*** *қаёққадир* ***қоқилиб-суриниб бораркан, хаёлан ҳамон кўкка тавалло қиларди*** **(О.Ёқубов).** ***Қаергадир*** **олмоши билан синоним бўлади:** ***Суворийлар Мирзо Улуғбек билан хожанинг юкларини ички ҳовлига олиб кириб бердилар-да, отларни етаклаб*** *қаёққадир* ***чиқиб кетдилар*** **(О.Ёқубов) -** ***Суворийлар Мирзо Улуғбек билан хожанинг юкларини ички ҳовлига олиб кириб бердилар-да, отларни етаклаб*** *қаергадир* ***чиқиб кетдилар*****. Аммо улар ўртасида стилистик нозикликлар мавжуд. Мисолардаги** ***қаергадир*** **олмошидан унча узоқ бўлмаган, шу атроф англашилади.** ***Қаёққадир*** **дан эса мавҳумлик ва ноаниқликнинг чегарасини аниқлаб бўлмайди.**

Қайсидир **олмошида ноаниқлик, номаълумликдан ташқари яна қўшимча оттенка ҳам мавжуд. Ундан сўзловчи қачондир, кимдандир эшитган, аммо унинг ёдидан кўтарилган макон ва замон ҳам англашилади:** ***Бултур*** *қайсидир* ***совхозда талабалардан бири сирғаниб, қудуққа тушиб кетибди*** **(Ў.Хошимов).**

Қандайдир **олмоши расмий услубда умуман қўлланилмайди. Илмий услубда баъзан фаразлар ифодаси сифатида қўлланилиши мумкин. У сўзлашув, айниқса бадиий услубда фаол қўлланилади ва бу унинг образлиликни ифодалашда кучли ресурс эканлигидан далолат беради:** ***У*** *қандайдир* ***дақиқалар ичида «дух»га яқинлашиб борди.*** *Қандайдир* ***ички сезги билан «дух» ғимирлай бошлаганини ҳис этдим*** **(Ў.Хошимов).**

Дарҳақиқат, у бадиий матнларда алоҳида мазмун касб этади, ўқувчини ҳам асарни ўқиш жараёнида бирга ўйлашга, ҳис қилишга ундовчи, бошловчи поэтик воситага айланади: ***Қизиқ, улар ўртасида*** *қандайдир* ***сирли, хатарли девор турганга ўхшар, иккови ҳам ўша деворга яқин келса, бирон кориҳол рўй беришидан ҳадиксираб туришарди*** **(Ў.Хошимов).** ***Шифтдаги олтин қандилда нечундир бир нечтагина шам ёнар, бу шамлар шуъласида ложувард кошинлар билан қопланган деворлар, қуббасимон шифтдаги нозик***

безаклар *қандайдир* ***ҳазин товланиб, хонага аллақандай сирли бир руҳ бахш этган эди*** **(О.Ёқубов) каби. О.Ёқубов уни «Улуғбек хазинаси» романида 56 марта қўллаганлиги ҳам шундан далолат беради.**

Матн ичида аксарият мавҳумликни, ноаниқликни ифодалайдиган, кўпроқ ҳис-туйғулар ифодасида ишлатиладиган *аллақандай, алланечук* ва гумон юкламаси билан бирга келган *қандайдир, нечундир, нимадир, негадир* олмошларини бадиий услуб доирасида қараш тўғри бўлади. Мисоллар: ***Ниманидир*** *ахтараман* ***–*** *шеърдан ҳам улуғ, /* ***Ниманидир*** *ахтараман нондан азизроқ* (А.Орипов. Ўйларим), *...устод остонада тўхтаб, шогирдига* ***аллақандай*** *синовчан тикилди* (О.Ёқубов).

Шу билан бирга, айрим матнларда унинг семантик маънолари яна ҳам кенгайганлигини кўриш мумкин. Масалан, қисқалик оттенкасини беради: ***Қандайдир*** *бирон соат ичида барак томини бир қарич қор босди* (Ў.Хошимов). Тушуниб бўлмасликни ифода этади: *Бу оқсоқол спекулянт эмас, — деди* ***қандайдир*** *асабий оҳангда* (Ў.Хошимов). Гумон маъноси *бир* сўзининг ўзидан ҳам англашилиши мумкин: *Қоронғида* ***бир*** *ҳайвон ерда ётиб, типирчиламоқда эди* (Ғ. Ғулом. Шум бола).

Олмошлар меъёрга келганда Ғ. Каримовнинг «Совет даври ўзбек адабий тили тараққиёти» асарига таяниб айтиш мумкинки, кейинги юз йилликда жиддий ўзгаришлар содир бўлган эмас.[40] Фақат *у, бу, шу* кўрсатиш олмошларининг асримиз бошларида таркибида битта *–н* товуши орттирилиб, меъёр саналган *он – нинг / онларнинг, они / онларни, онга / онларга, онда / онларда, ондан / онлардан, бун – бунинг / бунларнинг, буни/ бунларни, бунга – бунларга, бунда – бунларда, бунда – бунлардан; шун- шунинг / шунларнинг, шуни / шунларни, шунга / шунларга, шунда / шунларда, шундан / шунлардан – шунинг – шунларнинг, шуни / шунларни, мунга/ мунларга, мунда / мунларда, мундан / мунлардан* сўзларининг кўпликни ифодаловчи ҳамда шу билан бошловчи шакллари ҳозирги адабий тилимизда тамоман қўлланилмаслигини, фақат бирликда қўлланадиган ***бунга, бунда, бундан, шунга, шунда, шундан*** шакллари сақланиб қолганлигини кузатамиз.

Маълум бўладики, олмошларнинг қўлланилиши барча вазифавий услубларга хос. Уларнинг бири ўрнида иккинчисининг қўлланиши айрим услубий чегараланишларни, хосликларни, шу билан бирга, синонимик муносабатларни ҳам келтириб чиқаради.

Адабиётлар

1. ***Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш.*** **Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси.**

[40] ***Каримов Ғ.*** **Совет даври ўзбек адабий тили тараққиёти. – Тошкент: ФАН, 1985, 66-68-б.**

2. ***Акрамов Т.*** **Кишилик олмошларининг стилистик хусусиятларига доир. «Лексика, стилистика ва нутқ маданияти» тўплами. – Тошкент, 1980.**

3. ***Раҳматуллаев Ш.*** **Ҳурмат формаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973 йил, 1-сон.**

4. ***Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш.*** **Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 1965.**

5. Ўзбек тили грамматикаси, I том. – Т.:Фан, 1975.

6. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983.

7. ***Қўнғуров Р.*** **Олмош стилистикасига доир айрим мулоҳазалар//Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар. Илмий тўплам. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1981. +**

8. ***Қўнғуров Р.*** **Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд, 1975.**

9. ***Ҳакимов М.Х.*** **Ўзбек тили матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол.фан.номз. …дис.автореф. – Тошкент, 1993.**

Сон. Ўзбек тилида, гарчи от, феъл ёки сифат сўз туркумлари даражасида бўлмаса-да, сонга оид бирликларнинг ҳам стилистик имкониятлари ҳақида сўз юритиш мумкин.

«Ўзбек тили грамматикаси»да тилимиздаги барча сонлар ва нумеративлар ҳисобланадиган элементлар келтирилган [12.307-331]. Уларнинг экспрессивлик ва функционал имкониятлари турлича.

Сон сўз туркуми доирасидаги бирликлар орасида ***бир*** **сўзи эмоционал экспрессив оттенкалари ва семантик-стилистик ҳамда функционал-стилистик маънолари билан яққол кўзга ташланиб туради. Тилшунослигимизда унинг лексик-грамматик маъноси дуруст ёритилган [10;12]. Ҳатто С.Низомиддинова томонидан 20 ортиқ маъноси изоҳланган [5.43]. Биз ҳам Зулфия асарлари тили ва услуби юзасидан олиб борган тадқиқотларимизда ушбу сўзнинг 442 марта қўлланган ҳолати юзасидан мулоҳазаларимизни баён этганмиз [13.41-42].**

Икки **сўзида эса миқдорни кўрсатишдан ташқари яна қуйидаги семантик-стилистик маънолар англашилади:**

а) тасвирни аниқ беришга кўмаклашади: ***Гўри Амирга қараган*** *икки табақали* ***қуйма дарвозанинг ён эшиги секин ғичирлаб очилди*** **(О.Ёқубов);**

б) кетма-кетликни ифодалаш жараёнида иштирок этади: ***Навкарлардан*** *бири* ***олдинда,*** *иккинчиси* ***ёнма-ён от чоптириб борарди*** **(О.Ёқубов);**

в) ***бир*** **ёки** ***уч*** **сонлари билан биргаликда келиб умумлаштириш, тахмин маъноларини келтириб чиқаради:** ***Номага қараганда, шаҳзода қўшинлари*** *икки-уч фарсаҳ* ***жойга келиб***

қолган, Мирзо Улуғбек қандай қарорга келмасин, бу қарорни дарҳол қабул қилмоғи лозим эди! **(О.Ёқубов). Бу каби умумлаштирувчилик, тахминни билдириш хусусияти бошқа сонларнинг жуфтлашишида ҳам кўринади:** ***уч-тўрт, беш-тўрт, беш-олти беш-ўн минг, етти-саккиз*** **(О.Ёқубов) каби;**

г) шаклан бироз ўзгарган ҳолда илмий ва расмий услубларга хос бўлган санаш оҳангини юзага келтиришда иштирок этади: ***Бу мақбарани тикламоқдин яна бир муродим:*** *бирламчи,* ***қора ҳалқни,*** *иккиламчи,* ***Олтин Ўрда ила Қалмоқ ва Дашти Қипчоқ ҳоқонларини титратмоқ эди!..*** **(О.Ёқубов);**

д) тасвирнинг муҳим ҳисобланган объектини янада аниқлаштиради: ***Гул мисоли*** *икки лабинг* ***лаъли маржон куйдурур...***

е) фразеологик бирлик (ФБ)лар ва мақоллар таркибида иштирок этади: ***икки букилмоқ, бир гапи икки бўлмаслик, икки ўт ўртасида ёнмоқ, икки ёрти бир бутун ва бир қинга икки қилич сиғмаслик*** **каби.**

Жонли тилда ***икки*** **сони иштирок этган ва гумон маъносини англатадиган** ***икки бошдан*** **ибораси ҳам мавжуд:** ***Бола-чақанг кўрмай ғариб қоласан, Ҳайдаб борсак,*** *икки бошдан* ***ўласан.*** **(Алпомиш) -** ***Бола-чақанг кўрмай ғариб қоласан, Ҳайдаб борсак,*** *балки ўлсанг керак.*

Айрим матнларда, масалан ФБли матнларда ***бир*** **ва** ***икки*** **сўзлари ўзаро синонимик муносабатга киришиши мумкин:** ***бир оғиз гап – икки оғиз гап*** **(***жуда қисқа гап* **маъносида). Аммо** ***бир оғиз гапирган эмасман*** **дейиш мумкин бўлагни ҳолда** ***икки оғиз гапирган эмасман*** **деб бўлмайди. Бу** ***икки*** **сўзининг** ***бир*** **га нисбатан стилистик имкониятлари чегаралангандир.**

Уч, тўрт, беш, олти **ва** ***етти*** **сонларида стилистик имкониятлар кам. Ўзбек тилидаги** ***саккиз, тўққиз, ўн*** **сонларининг стилистик ресурслари ҳақида гапириш қийин.** ***Тўхтаб-тўхтаб*** *уч марта* ***чертди... Арпа кулчани учга бўлиб, бир қултум сув билан*** *уч маҳал* ***тановул қиларди*** **(О.Ёқубов) мисолларида у ўзининг асосий лексик маъносидан ташқари қандайдир шартлилик, келишганлик маъноларини англатади. Ушбу сондаги шартлилик ва анъанавийлик айниқса халқ оғзаки ижоди матнларига хосдир:** ***Уч шартнинг олдини шул ўзбак олди*** **(Алпомиш) каби.**

Тўрт **сони** ***кўзи тўрт бўлмоқ*** **ибораси таркибида иштирок этади.** *Кўзинг тўртдир* ***Қоражоннинг йўлига*** **(Алпомиш).** *Тўртовлан тугал* ***бўлса, ўнмаганин ўндирар, олтовлан ола бўлса, оғзидангин олдирар*** **мақолидаги** ***тўрт*** **худди матндаги** ***ола*** **сўзи** ***олти*** **ни чақиргани сингари** ***тугал*** **нинг талаби билан жумла таркибига киритилган, яъни мақолларга хос бўлган оҳангдорлик зарурати шуни тақозо қилган.**

Беш **сони** ***беш қўлдай билмоқ, беш кунлик дунё*** **каби турғун бирикмалар таркибида экспрессивлик учун хизмат қилган:** ***Нечун ҳамма даври даврон, ҳамма давлат ва ҳамма шоҳ ва фотиҳларнинг тарихини*** *беш қўлидай биладиган* ***бу зукко донишманд… …ундан ёлғиз бир нарсани – қолган*** *беш кунлик умр****ини илм-маърифатга бағишлашига имкон беришини сўрамоқчи эди*** **(О.Ёқубов).**

Олти **сонида қандайдир рамзийлик оттенкаси мавжуд:…*** ***бул орадан*** *олти ой ўтиб, олти ой деганда****, бойлар тўқсон тоғдан молларини ўтказиб, … неча довонлардан ошиб етиб келди. Бошидаги саржиғани кўриб, алпларнинг зўри эканини билиб, алпларга қараб,*** *олти ойга муҳлат* ***сўраб, бир сўз деб турган ери экан.*** **(Алпомиш), «*** ***Падаркуш ... тожу тахт...*** *олти ойдан* ***ошмайдур...*** **» (О.Ёқубов) каби.**

Халқ оғзаки ижодига хос бўлган шартлилик ***етти*** **сони орқали ҳам юзага чиқади:** ***Жуда ҳаддили зўр кампир эди, бу кампирнинг*** *етти ўғли* ***бор эди. Қоражоннинг*** *етти қобирғаси* ***синди.*** *Етти йил* ***зиндонда хор бўлган бошим.*** *Етти марта* ***бу зиндонни айланди*** **(Алпомиш). Бу сон ФБлар таркибида ҳам иштирок этади:** ***Лекин бу даргоҳда Қаландар Қарноқийга дуч келаман, деган ўй*** *етти ухлаб тушига ҳам кирмаган* ***эди*** **(О.Ёқубов).** ***Етти танга атамоқ*** **ни қўллашда диний ва миллий урф-одатлар билан боғлиқ бўлган анъаналар мавжуд.**

Юз **сўзи** *Юз хил* ***ноз-неъматлар билан меҳмон қилиб, кўнглини олди.*** *Юз маротаба* ***айтдим...*** **((О.Ёқубов)). …** *юз жон* ***бўлса ҳам тикмоққа арзийди!..*** **мисолларида ўзининг асосий маъносидан четлашиб, умуман кўплик,** ***"Қоровултепа"да кўринган*** *юз чоғлик отлиқлар* ***қилич ва чўқморларини бошлари узра ўйнатиб, аллақандай совуқ қийқириқ билан қора бўрондай бостириб келарди*** **(О.Ёқубов) гапларида тахмин маъноларини реаллаштиради.**

Минг **сўзини сон маъносида қўллаш илмий ва расмий услубларга хос. Ана шу услубларга дахлдор бўлган мавзулар ёритилганда оммабоп услубда ҳам қўлланилиши мумкин. Сўзлашув ва бадиий услубларда эса у асосан тасвир объектининг умуман кўплигини кўрсатишга хизмат қилади. Масалан, Зулфияда унинг ёрдамида қуйидаги бирикмалар шаклланган:** ***минг баҳор, минг дил, минг йиллар, минг авлод, минг тил, минг гулу*** **каби.**

Кўплик маънолари ***минг*** **сўзини такрор қўллаш йўли билан алоҳида таъкидланади:–*** ***Фақирга қилган барча яхшиликларингга*** *минг-минг раҳмат****, иним!–деди у овози қалтираб*** **(О.Ёқубов). Икки** ***минг*** **сўзи орасида** ***ва*** **боғловчиснинг ёки биринчи** ***минг*** **сўзидан кейин чиқиш келишиги қўшимчасининг келиши эса экспрессив маънони яна ҳам кучайтиради:** ***Токай шундай бўлур, ё кулар***

тақдир, / Бу заиф қўлларга *минг ва минг* ***лаънат*** **(Зулфия).** *Мингдан-минг* ***розимиз!..*** **(О.Ёқубов).**

Минг **сўзи ёрдамида матнда тавсирнинг образлилигига хизмат қиладиган зидлаш усули юзага келади:** ***Минг кўз бўлиб йигит боққандай, / Чақнаб қарар қизга минг юлдуз.*** **Зулфия ушбу матнда** ***минг*** **сўзини кўчма маънода қўллаб,** ***кўзи тўрт бўлмоқ*** **фразеологик бирлигининг оргинал эквивалентини ҳосил қилган. Қиёслаймиз:** ***кўзи тўрт бўлмоқ – минг кўз бўлиб боқмоқ.*** **Умуман халқ тилида бу сўз ёрдамида шаклланган** ***минг қўйли бой, сичқоннинг ини минг танга бўлмоқ, минг эшитгандан бир кўрган яхши*** **сингари перифрастик ва фразеологик иборалар шаклланган. Улар сўзлашув услубида, унга боғлиқ тарзда халқ оғзаки ижоди намуналарида фаол қўлланилади:** ***Жасадинг ўхшайди буз қарчиғайға, Ёнбошлаб ётишинг*** *минг қўйли бойға* **(Алпомиш). Халқ оғзаки ижодида бу сўз иштирокида анъанавий одатлар ҳам ифода этилган:** *Минг қадимдан танга-пулни урган****ға, Мен тегаман шул қирағай мерганга*** **(Алпомиш).**

Минг бир **бирикмаси халқ оғзаки ижоди учун типикдир. Кучайтириш оттенкаси** ***қатла, чандон, бор*** **бирликлари ёрдамида ҳам ҳосил қилинади:** *Минг қатла* ***шукр, осий бандангта не-не саодатли дамларни инъом этдинг, яратган эгам. Сўнгги кунларда мавлононинг иккала оёғи шишиб, бурунги оғриғига*** *минг чандон* ***оғриқ қўшилди. Фақир сиздай шогирдларимдин*** *минг бор* ***розимен*** **(О.Ёқубов).**

Матнларда сон маъносини англатадиган ***туман*** **сўзи ҳам кўзга ташланади.** ***Ўн минг*** **маъносини англатадиган ушбу бирлик айнан шу маънода эскирган ва фақат бадиий-тарихий асарларда учрайди:…** *бир неча туман* ***чап қанот ва қалб лашкари орқада келар, лашкарнинг кетидан аслаҳа ортилган туя ва хачирлар, баковуллар билан сарой маҳрамларининг соябон аравалари судралиб келарди*** **(О.Ёқубов). Мустақиллигимиздан кейин бу сўзнинг маъносида ўзгариш содир бўлди ва у аввалги** ***район*** **сўзи ўрнида қўлланилмоқда.**

Сон туркуми доирасида қараладиган бирликларнинг иккинчи катта қисмини ***нумеративлар*** **ташкил қилади. Уларнинг баъзилари функционал жиҳатдан хосланган бўлади. Масалан,** ***карра, баравар, сутка, секунд, центнер, нафар, нусха*** **каби нумеративлар китобий характерда бўлиб, илмий, расмий ва қисман оммабоп услубларга хосланган. Шунингдек, улар бадиий матнда фаол ишлатиладиганлари ҳам бор:** ***бор, дақиқа, даъфа, зум, карра, лаҳза, он, палла, сония, фурсат, чимдим, шода, қатра*** **кабилар:** ***…бир неча*** *бор* ***Кўксаройга боришга чоғланди, лекин журъат этолмади. …шаҳзода кутубхонани кўздан кечираётиб, бунга яна бир*** *карра* ***инонди! Сиз билан ўтган бир дақиқа висол онларимни юз йил умрга алмашаймен. …қўш тавақали залварли***

дарвоза бир *сония* ***ҳам ёпилмас эди*** **(О.Ёқубов).** ***Шунда шивирлар менга кафтда қолган*** *чимдим* ***қум*** **(О.Матжон.).** ***- Шамолни очинглар, - деб ҳар кўзидан етмиш*** *қатра* ***ёшини тўкиб, қадди букилиб, Моҳининг бетига тиклаб турибди (Кунтуғмиш). Бир*** *дақиқа* ***фурсат бергайсиз*** **(О.Ёқубов).** ***Мен ҳам бир*** *зум* ***яшай бир одам каби*** **(А.Орипов).** ***Бир*** *лаҳзали* ***дил айёмидан, / Сира сўнмас ширин боқишинг*** **(Зулфия).**

Боғ, бош, бўлак, гала, оғиз, пой, сиқим, тилим, томчи, тош, туп, тўда, тўғрам, тўп, қарич, қулоч, қултум **сингари нумеративлар эса сўзлашув нутқида фаол ишлатилади. Улар орасида** ***чиқим, чақмоқ, чақирим*** **сингари қўлланиши камайиб кетган нумеративлар ҳам бор. Бундан ташқари адабий тилимизнинг меъёрлари ва замонавий ўлчов атамаларининг фаоллашиши туфайли** ***пуд, ботмон, той, газ, таноб, тош, чақирим, фарсаҳ, чақа, мири, туя*** **каби нумеративларнинг қўлланиш имкониятлари торайган ва уларни асосан бадиий матнларда учратиш мумкин:** ***Сену мен ўз тошимизга*** *бир ботмон* ***бўлиб юрибмиз-да, бунинг тоши билан тортилсак, посангисига ярамаймиз*** **(А.Қаххор).** ***Номага қараганда, шаҳзода қўшинлари икки-уч*** *фарсаҳ* ***жойга келиб қолган*** **(О.Ёқубов). Ўзининг кўчма маъноларида нумеративлар вазифасини бажарадиган** ***пиёла, қошиқ, коса, чойнак, қоп, қути, машина*** **маиший ҳаётда фаол ишлатилади.** ***Арава/ чамадон, жўра/кийим, кийимлик, қават/қат, қатор, ўрим, тандир*** **сўзларининг эса фаолият доираси билан боғлиқ ҳолда нумератив сифатида ҳозирги кунда имкониятлари чекланган.**

Айрим нумеративлар муайян сонлар билан турғун бирикма ҳосил қилади. Масалан, ***қатла*** **сўзи ҳамиша** ***минг*** **сони билан биргаликда келади:** *Минг қатла* ***шукр, осий бандангта не-не саодатли дамларни инъом этдинг, яратган эгам*** **(О.Ёқубов) каби.** ***Чақа, мири*** **сўзлари ҳам инкор маъносида фақат** ***бир*** **сони билан биргаликда қўлланади:** ***Бир чақа ҳам оломайсан. Бир чақага қиммат одам. Бир мири ҳам пули йўқ*** **каби. Тақлидий сўздан пайдо бўлган** ***қултум*** **бирлиги фақат суюқликка нисбатан қўлланилади ва шу ҳолда турғунлик касб этади:** ***Бону майиздеккина заҳарни оғзига солди-да,*** *бир қултум* ***совуқ шарбат ичиб ўзини ёстиққа ташлади.*** **(О.Ёқубов). Бу турғун бирикмаларда ҳам экспрессия мавжуд ва уларни ҳам стилистик ресурслар сифатида қарашга асослар бор.**

А.Нурмонов ва Н.Маҳмудовлар «Ўзбек тили сўз ясалишига бир назар» мақоласида сон сўз туркумига оид сўзларнинг грамматик табиати хусусида сўз юритиб, «Ўзбек тили фактларининг таҳлили шуни кўрсатадики, сон туркуми доирасида сўз ясалиши йўқ ва кўрсатилган «сон турлари»ни ҳосил қилувчи қўшимчалар сўз ясовчилар эмас. Масалан:

беш+инчи=бешинчи **ясалишида мотивловчи база (беш) билан ясалма (*бешинчи*) алоҳидадан денотат ва сигнификатга эга эмас.**

Демак, функционал форма ясалиши, шунингдек, вариацион форма ясалиши ўз моҳиятига кўра сўз ясалишидан мутлақо фарқ қилади, уларни қориштириш жуда кўп бошқа назарий янглишишларга олиб келиши табиий», деган фикрни баён этган [8.41]. Сон таркибидаги функционал ва вариацион шакл ясайдиган қўшимчалар янги сонлар ясалиши нуқтаи назаридан ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаса-да, уларга стилистик ресурслар сифатида қараш мумкин.

Ушбу туркум доирасида *-(и)нчи, -(и)нчидан, -ов, -ала, -та, -тача, -тадан, -лаб* сингари шакл ясовчи аффикслар категориал жиҳатдан гуруҳланади. Масалан, предмет, нарса-ҳодисаларнинг тартибини кўрсатувчи *-(и)нчи* қўшимчаси барча функционал услублар учун тенг бўлгани ҳолда, унинг *–дан* қўшилган *-(и)нчидан* шаклида илмий ва расмий услубларга хос бўлган услубий чегараланиш мавжуд. Чунки *–(и)нчи* га *–дан* нинг қўшилиши натижасида таъкидлаш, санаш оттенкаси ҳосил бўлади ва бу оттенкалар илмий ва расмий баён услуби учун хос ва муҳим хусусият саналади. Бу услублар талаб қиладиган аниқлик ҳар бир ҳолат, фикр ва хулосани *биринчидан, иккинчидан, учинчидан* ва ҳоказо тарзида санаш ва таъкидлашни тақозо этади.

Гуруҳлашни, тўдани, биргаликни ифода этадиган *-ов, -ала* хусусида ҳам шу гапни айтиш жоиз. Улар ёрдамида шаклланган *икков, учов, тўртов, бешов, олтов, еттов* каби сўзлар оғзаки услубга хосланган бўлса, *иккала, учала, тўртала, бешала, олтала, еттала* кўринишлари китобий услубга хосланган.

Аниқ маънони ифода этганлиги сабабли *–та, -тадан* барча услублар учун умумий саналади. Аммо тахминни билдирадиган *-тача, -лаб* элементларида функционал чегараланишни кузатамиз. Одатда ўндан баланд бўлган йирик сонларга *–тача* нинг қўшилиши натижасида уларнинг аниқлиқ маъноси йўқолади ва тахминийлик, гумон, ишончсизлик, мавҳумлик, фараз оттенкалари пайдо бўлади: *ўнтача, юзтача, мингтача* каби. Аммо бу қўшилиш ҳам санашнинг инсон тасаввурига сиғадиган даражада амалга оширилади. Шунинг учун одатда *миллионтача* дейилмайди. *–лаб* ҳам худди шу тарзда қўшила олади: *ўнлаб, юзлаб, минглаб* каби. Ҳатто *миллионлаб* дейиш ҳам мумкин. Бу эса қўшимча қўшилгандан кейинги ҳолатда мавҳумликнинг нисбатан кучли эканлиги ҳамда рақамни бўрттириб кўрсатишга интилиш мавжудлигини кўрсатади. Фнукционаллик нуқтаи назаридан *–тача* оғзаки нутққа, *-лаб* эса китобий нутққа хосланган. Масалан: *Минглаб беморлар **дардига дармон бўлаётган шифокорлар ҳамда ҳамширалардан***

миннатдормиз. …ушбу саралаш баҳсларида *юзлаб қизларимиз* ***ўзларидаги бор қобилият ва истеъдодларини ишга солишди, ўзларини синаб кўришди. Натижада*** *ўнлаб поездларнинг* ***қатнови бекор қилинган.*** **(«Зарафшон» газ.). Оғзаки нутқда:** ***ўнтача китоб, йигирматача одам, ўттизтача машина*** **каби. Бу сўзларни таққослашдан яна шу нарса англашиладики, бу икки элемент қўшилган сўзлар умумий маънода тахминийлик, гумон, ишончсизлик, мавҳумлик, фаразни англатса ҳам, хусусий ҳолларда сонга –*тача* қўшилганда маълум маънода тахмин ҳақиқатга яқин бўлади. Агар шундай бўлмаганда *Дарсга ўн бештача* *талаба келди* дейилмасди. –*лаб* қўшилганда эса сонлар кўпроқ мавҳумликни ифода этади, миқдорнинг кўплигини муболағали тарзда баён қилади.**

Сонлар ёзувда рақамлар тарзида намоён бўлади. Ушбу рақамларнинг ёзма матнларда учраши ҳам сон туркумининг табиатига боғлиқ ҳолда турлича кечади. Аммо улар қандай матнлар учрамасин, барчаси учун умумий бўлган хусусият мавжуд. «Рақамларга аввало ахборот бериш хусусияти хосдир. Бироқ рақамларнинг ҳаддан ташқари кўплиги ҳамма вақт ҳам муаллифнинг ҳодиса моҳиятини тўлиқ англаб етганлигидан далолат беравермайди», деб ёзади К. М. Накорякова [6]. Дарҳақиқат, сонларнинг ёзувдаги белгиси бўлган рақамларнинг информатив характери бу сўз туркумига оид сўзларнинг функционал чегараланишларини яна ҳам ойдинлаштиради. Бошқача айтганда ҳамма услубларда ҳам рақамларга фаол мурожаат қилиш хос эмас. У асосан расмий услубга, унинг молиявий ва ҳисоб-китоб билан боғлиқ бўлган жанрларига хосдир. Илмий услубда ҳам мавзу ва фан соҳалари тақозоси билан рақамларга тез-тез мурожаат этилади. Улардан оммабоп услубда ҳам баъзан фойдаланиш мумкин. Масалан: ***Тадқиқот натижаларига кўра, яқин ўн йил ичида кўпроқ солиқ тўлашга тўғри келади, деб ҳисоблайди аҳолининг 77 фози. Атиги 3 фоиз фуқаро солиқларнинг камайишидан умидвор. 82 фоиз аҳоли 2015 йилда ишсизлик кўпаяди, деб ҳисоблайди. 7 фоизи эса бунинг тескарисини танлаган.*** **(«Даракчи» газ.)**

Тилдаги сонларга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири, айни пайтда, экспрессивликни юзага келтирувчи хусусият, уларнинг бирикмалар таркибида турғунлик касб этиши ва анъанавийлиги саналади. Бадиий адабиёт ва халқ оғзаки ижодига хос бўлган ***қирқ кокил, ўн саккиз ёш, етти қуш, етти мўъжиза*** **каби анъанавий шакллар шулар жумласидандир. Сонларнинг қўлланилишидаги бу хусусиятларни улардаги рамзийлик, диний ақидалар, миллий урф одатлар ва анъаналар нуқтаи назаридан ўрганиш маънавиятимиз учун қизиқарли материаллар бериши мумкин.**

Англашиладики, ўзбек тилида сонлар алоҳида туркум сифатида ўзининг нафақат лексик-грамматик, балки стилистик имкониятларига ҳам эга. Уларнинг намоён бўлиши турли услубларда турличадир. Устунлик эса сўзлашув ва бадиий услубларда кўзга ташланади. Бинобарин, сон туркуми доирасидаги элементлар функционал-стилистик таҳлил учун қизиқарли материллар бера олади.

Адабиётлар

1. *Жўраев Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А.* Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент, 1984.

2. *М.* Ўзбек халқ эртакларида сеҳрли рақамлар. – Т.: Фан, 1991. –152 б.

3. *Комилова Х.* Ўзбек тилида олмош ва сон. – Тошкент, 1953.

4. *Кононов А.Н.* Грамматика узбекского языка. – Ташкент, 1948.

5. *Низомиддинова С.* Ўзбек адабий тилида сон.- Тошкент, 1963.

6. *Накорякова К. М.* Цифра в публицистическом тексте. Часть 2 Дата создания оригинала документа: 05.02.2004. 43 Kb | koi8-r | http://www. gramota. ru/mag new.html?id=42.

7. *Нурматова М.* Сонларнинг дона ва чама категориялари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, 5-сон.

8. *Нурмонов А., Маҳмудов Н.* Ўзбек тили сўз ясалишига бир назар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987, 3-сон.

9. *Раҳматуллаев Ш.* Ҳозирги замон ўзбек тилидаги сон туркуми ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўр.ОсиёДУ илмий асарлари. Ўзбек тили масалалари. – Тошкент: СаГУ,1957.

10.*Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқ.* Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

11.*Ўринбоев Б.* Номлардаги қирқ қандай сўз // Ўзбек филологияси масалалари. Самарқанд,1998.

12.Ўзбек тили грамматикаси, I том. – Т.:Фан, 1975.

***Қўнғуров Р., Каримов С.* Зулфия поэзияси тилининг луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981.**

***Б е ш и н ч и м а ъ р у з а* :**

РАВИШ ВА ФЕЪЛ СТИЛИСТИКАСИ

Р е ж а:

1. Равишларнинг ўзгармаслиги.

2. Равишларда синонимия.

3. Равишларда даража ва уларнинг услубий хусусиятлари.

4. Феълнинг сўз туркумлари доирасида миқдорий ва вазифавий имкониятларига кўра алоҳида мавқега эга эканлиги.

5. Феълдаги грамматик категориялар стилистикаси. Замон шаклларининг услубий хусусиятлари.

6. Майл шаклларининг услубий хусусиятлари.

7. Шахс-сон шаклларининг услубий хусусиятлари.

8. Бўлишли-бўлишсизлик шакллари стилистикаси.

Равиш. **Равишларга хос бўлган грамматик хусусиятлар ва бу хусусиятларга боғлиқ ҳолда содир бўладиган лексик-семантик ўзгаришлар ўзбек тилшунослигида ўрганилган ва ўқув адабиётларига киритилган. Бу тадқиқотлар орасида. С.Фузаиловнинг ушбу сўз туркумини ўрганишга бағишланган номзодлик диссертациясини ва «Ўзбек тилида равишлар» номли асарини алоҳида кўрсатишимиз мумкин.[41] Лекин шу пайтга қадар равишлар семантик-стилистик ва функционал-стилистик йўналишда тадқиқот объекти бўлган эмас. Ёзилган айрим мақолалар эса бу вазифаларни талаблар даражасида ҳал этиб бера олган эмас.[42]**

Бу сингари бирликларнинг грамматик хусусиятлари ҳақида деярли барча дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида сўз юритилган. Аммо уларнинг стилистик хусусиятлари тўғрисидаги фикрларни деярли учратмаймиз. Ўзбек тилида равишлар услубияти ва меъёри ҳақида олимларимиз ҳалигача ўз мулоҳазаларини билдиришган эмас. Бунинг сабаблари бор, албатта. Ш.Шоабдураҳмонов ва бошқлар томонидан яратилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигида шундай фикрлар баён этилган: «Равишлар мустақил сўз туркуми сифатида ўзига хос морфологик белгиларга эга. Бундай белгилардан бири равишларнинг ўзгармаслигидир: равишлар бирор сўзга боғланганда, формаси ўзгармайди. Улар таркибид учрайдиган кўплик, эгалик ва келишик аффикслари ҳам форма ясовчи сифатида қатнашмайди. Бу аффикслар равишнинг ўз хилига киради. Яъни шу аффикс билангина у сўз равиш ҳисобланади.

Масалан: *бирдан, бирга, кунда, чалқанчасига, бирданига, ёнламасига, қаторасига* каби равишлардаги келишик ва эгалик аффикслари ўз асл маъно ва вазифасини йўқотган».[43]

---

[41] ***Фузаилов С.*** **Наречие в современном узбекском языке: Автореф. дис... канд.филол.наук.- М.,1953. *Шу муаллиф.* Ўзбек тилида равишлар. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар.- Тошкент: Фан, 1953.**

[42] *Каримов С., Бўриев С.* **Ўзбек тилида пайт равишининг услубияти // Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2001, 65-67-бетлар.**

[43] ***Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқ.*** **Ҳозирги ўзбек адабий тили, I қисм. – Т.: Ўқитувчи, 1980, - бет.**

«Равишнинг асосий белгиси унинг ўзгармаслигидир,- дейилади «Ўзбек тили грамматикаси»да,- яъни равиш бирор сўз билан боғланиб, бирикма ҳосил қилганда, ўз формасини ўзгартирмайди, ҳеч қандай сўз ўзгартувчи аффикс олмайди».[44]

Мана шу масала олимларимизнинг равишлар стилистикасини таҳлил этишдан чўчишларига сабаб бўлгандир. Бунинг устига равишларнинг маъно англатиши бирмунча аниқ бўлиб, синонимик хусусиятлари кўзга кам ташланади. Бу масаланинг иккинчи томони. Аммо қандай мушкулликлар бўлишидан қатъий назар, ўзбек тилидаги равишлар стилистикаси хусусида сўз юритиш лозим ва унга зарурият деб қараймиз.

Равишлардаги белгини, хусусан ҳаракатнинг белгисини ифода этиш хусусияти ва бу жараёнда белгиларни даражалаб кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги ҳамда бунинг натижасида вужудга келган синонимик вариантлар ва услубларо функционал чегараланишлар ушбу сўз туркумининг ҳам стилистик ресурслари етарли даражада эканлигидан далолат берали ва бу ресурсларни келажакда тадқиқот объекти сифатида ўрганиш долзарб масала бўлиб туради.

Равишлардаги ана шу ўзгармаслик унинг қўлланишидаги услубий хилма-хиллик бўлишини чегаралайди. Шу билан бирга, уларнинг нутқ жараёнидаги меъёрлашишини, турғунлашишини осонлаштиради.

Илмий адабиётларда равишлар англатган маънолари жиҳатидан ҳолат-тарз, ўрин, пайт, мақсад, миқдор даража равишларига ажратилган ва шу тарзда талқин қилинган. Биз ҳам анънани бузмасдан, ушбу тартиб асосида уларни қараб чиқамиз.

Ҳолат равиши. **Ўзбек тилида иш-ҳаракатнинг бажарилиш тарзини кўрсатадиган бир қанча равишлар мавжуд ва улар миқдор жиҳатдан равишларнинг бошқа турларига нисбтан кўпчиликни ташкил этади. Улардаги услубий имкониятларни таҳлил этиш мақсадида А.Ҳожиевнинг "Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати" (Тошкент,1974) га мурожаат қиламиз.**

Ўзбек тилида *абадий, мангу, умрбод, тоабад, илалабад* равишларининг маънолари бир-бирига яқин ва шунинг учун бир синонимик қаторни ташкил этади. Улар орасида *абадий* стилистик жиҳатдан нейтрал ва барча услубларда баравар қўлланилади: *Шу кўзлар юлдуздай* *абадий* *кулсин, / Баҳор йўлларингга тўшасин чечак* (Зулфия.Келинчак). *Газ эса* *абадий* *музликлар қаърида ётган ўсимликлар ва дарахтлар қолдиқларини чириши оқибатида пайдо бўлган.* («Зарафшон» газ.). *Умрбод* равиши ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин: *Сенинг дилларингга*

[44] **Ўзбек тили грамматикаси, 1 том, 528-бет.**

бергай ул ором, / Севгим армуғони бўлур *умрбод.* **(Зулфия, Палак). *Қўшиқдай Осиё, қайноқ Африка / Қўлга-қўл берганин маҳкам*** *умрбод.* **(Зулфия. Салом, Миср). Аммо кейинги пайтларда ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, жазони либераллаштириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар *умрбод*** **сўзининг Жиноят кодексига атама сифатида кириб келишини ва расмий услубга хосланишини тақозо этди: *Мазкур Фармонга биноан мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинади ва унинг ўрнига*** *умрбод* ***ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий қилинади.*** **(«Зарафшон» газ.).**

Мангу, тоабад, илалабад **равишларида экспрессивлик оттенкаси кучли бўлиб, бу уларнинг тарихийлиги билан боғлик ва бадиий матнларда фаол қўлланилади: *Бир тасалли:*** *Мангу* ***сарғайиш билмай / Дилда бир баҳор очиб ҳар сўзинг*** **(Зулфия. Оташпарастлар). *–Фақир ҳам розимен, устод,*** *тоабад* ***розимен... Табаррук бошларига қўнган ҳумо қуши бул зоти шарифни*** *тоабад* ***тарк этмагай. Тегсанг... ота қарғишига учраб*** *тоабад* ***бадном бўлурсен!*** **(ОЁ).**

Гарчи бу рвишлар бир синонимик қаторда деб ҳисобланса ҳам, уларнинг стилистик қиймати бир хилда эмас. *Абадий музликлар* **ўрнида *мангу музликлар*** **дейиш мумкин бўлгани ҳолда илмий матнларда бу тарзда қўлланилмайди. Чунки баённинг ахборот характерида экспрессив оттенкаси бўлган сўзни қўллашга эҳтиёж йўқ. *Умрбод қамоқ жазоси*** **ўрнида *абадий қамоқ жазоси*** **ни ҳам қўллаб бўлмайди. Чунки *умрбод*** **сўзида *абадий*** **га нисбатан аниқлик оттенкаси бор. *Тоабад, илалабад*** **сўзларида юқори услубга хос оҳанг мавжуд ва уни асосан бадиий услубда қўллаш мумкин.**

Шошилинч **сememаси остида бирлашадиган *апил-тапил, наридан-бери, шоша-пиша*** **жуфт сўзлари ҳам ҳаракатнинг тарзини ифода этади (***Апил-тапил ўнг чўнтагини ковлади.* **Т.Мурод) ва ўзро синоним бўлади: *апил-тапил - шоша-пиша*: *Ўлим даҳшатидан қўрқиб – ўз жонини*** *апил-тапил* ***топшириб қўяди*** **(ТМ) - *Ўлим даҳшатидан қўрқиб – ўз жонини*** *шоша-пиша* ***топшириб қўяди.*** **Улрга *шошилиб*** **сўзи ҳам синоним бўлади:** *Шошилиб* ***кетаётганингизда оёғингиз остида аллақаёқдан сакраб тушган чигиртка пайдо бўлади*** **(ЎХ). Аммо бу синонимлик одамларнинг ҳаракатига нисбатан қўлланганда амалга ошиши мумкин. *Шаҳноза*** *шошилиб* ***уйга кирди-да, бошига ҳарир рўмол ёпиб чиқди*** **(ЎХ). Шунинг учун ҳам *Эрга баҳордан бўтана бўлиб,*** *шоша-пиша,* ***қирғига сиғмай оққан ариқлар тиниқлашади*** **(Ў.Х) бу ҳаракат белгиси ариқнинг оқишига кўчирилган бу ҳолат юз бермайди. Яна *шошилинч*** **сўзи синоним бўлади: *— Хэх! - деди кулиб, Қуръонни*** *шошилинч* ***варақлади*** **(ЎХ). У тиббий атамага айланганда**

бу ҳолат юз бермайди: ***Йўлда бораётган колоннага*** *шошилинч ёрдам* ***керакдир*** **(ЎХ) -** ***Йўлда бораётган колоннага*** *шошилинч ёрдам* ***керакдир.*** **Бу синонимик муносбатларда айрим стилистик нозикликлр мавжуд. Масалан,** ***шошилмоқ*** **да ҳаракатнинг тезлиги, шу билан бирга, бу ҳаракатда тартиб мавжуд. Бунга қарама қарши тарзда** ***шоша-пиша*** **ва** ***апил-тапил*** **тезликни, аммо бу тез ҳаракатда пала-партишлик мавжудлигини англатади. Бу стилистик муносабатлар уларнинг** ***нари-бери*** **билан бўлган муносабатида айниқса сезилди:** ***Снаряд қутиларию тошлардан*** *наридан-бери* ***қўнқайтириб ясалган "уйча"дан туриб, ҳар куни бир хил манзарани кўрасан*** **(ЎХ).** ***Наридн-бери*** **га** ***шунчаки, юзаки, зўрама-зўраки, номига*** **сўзлари синоним бўлиши мумкин:** ***Снаряд қутиларию тошлардан*** *шунчаки* ***қўнқайтириб ясалган "уйча"дан туриб, ҳар куни бир хил манзарани кўрасан - Снаряд қутиларию тошлардан*** *юзаки* ***қўнқайтириб ясалган "уйча"дан туриб, ҳар куни бир хил манзарани кўрасан - Снаряд қутиларию тошлардан*** *зўрама-зўраки* ***қўнқайтириб ясалган "уйча"дан туриб, ҳар куни бир хил манзарани кўрасан - Снаряд қутиларию тошлардан*** *номига* ***қўнқайтириб ясалган "уйча"дан туриб, ҳар куни бир хил манзарани кўрасан.*** **Аммо улар ҳаракатнинг бажарилишини ифода этишдаги нозикликларга кўра ўзаро фарқланади:** ***шунчаки, юзаки, зўрма-зўраки, номига*** **сўзларида ҳаракатнинг ташқи таъсир, тазйиқ остида бажарилиши англашилса,** ***наридан-бери*** **да вақт тиғизлиги, эринчоқлик, дангасалик оттенкалари мавжуд. Шунинг учун ҳам бу синонимик муносабат ҳамма вақт амалга ошавермайди. Масалан:** *Шунчаки* ***гап-да! Эсимдан ҳам чиқиб кетди...*****(ЎХ) дейиш мумкин бўлгани ҳолда** *Наридан-бери* ***гап-да! Эсимдан ҳам чиқиб кетди...*** **деб бўлмайди.**

Равишлрнинг ушбу турида субъектив муносабат ифодалаш кучли бўлганлиги сабабли улар кўпинча сўзлашув, бадиий ва оммабоп услублар доирасида фаолдир.

Аранг,зўрға, зўрғатдан, базўр, зўрба-зўр, ўлиб-тирилиб **синонимик қаторида** ***аранг*** **ва** ***зўрға*** **синонимияси кучли:** ***Ўзини кулгидан*** *аранг* ***тийди.*** **(ТМ).** ***У қалтирар, оёғида*** *зўрға* ***турар эди*** **(ОЁ).** ***Базўр*** **ҳам синоним бўлади:** ***Парда очилганда бир киши*** *зўрға* ***сиғадиган, рахларига мис тасма қоқлиган кичикроқ эшик кўринди - Парда очилганда бир киши*** *базўр* ***сиғадиган, рахларига мис тасма қоқлиган кичикроқ эшик кўринди.. "Ниҳоят бу қари тулки кўнглидаги бор гапни айт-ди!"–Али Қушчи вужудини қамраб олган титроқни*** *зўрға* ***босиб, чолга юзланди - "Ниҳоят бу қари тулки кўнглидаги бор гапни айт-ди!"–Али Қушчи вужудини қамраб олган титроқни*** *базўр* ***босиб, чолга юзланди*** **(ОЁ). Аммо** ***базўр*** **нинг ўзга тил элементи эканлиги ва талаффуздаги** ***зўрға*** **га нисбатан ноқулайлик унинг қўлланишилини чегаралайди. Бу сўзларда китобийлик оттенкаси мавжуд. Уларга синоним бўладиган** ***бир***

амаллаб **эса, аксинча, сўзлашув услубига хосланган:** ***Ораларида Будённий қиличидан*** *бир амаллаб* ***жон сақлаб қолгани қанчайкин? Бир амаллаб қаддини ростлади*** **(ЎХ).** ***Шундай бўлса-да, революционерлар кечаси соат бир яримларда*** *бир амаллаб* ***дарвозани очади. Мўмин-мусулмонлар ўрис жаллодлари зулми остида бир амаллаб кун кечирди*** **(ТМ). Лекин** ***бир амаллаб*** **ҳам инсон ҳаракатига нисбатан қўлланилиши билан ўзига хослик касб этади ва бу ҳаракатнинг охирги кучни сарфлаб амалга оширилганлигини ифода этади.**

Бир синонимик уяда турадиган ***атрофлича, ҳар томонлама, ҳар тарафлама, батафсил, муфассал, мукаммал, тўла, тўлиқ, тўла-тўкис*** **равишлари китобий услубларга мойиллиги билан ажралиб турди. Улар айниқса расмий ва илмий баёнда қўл келади:** ***атрофлича*****:** ***Суд ҳайъати ишни*** *атрофлича* ***кўриб чиқиб, И.Қаршиевни 1.959.000 сўм жаримага тортди ҳамда икки йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари тайинланиши лозим топди*****. («Зарафшон» газ.).** ***Бир ўқувчи ёки талабага*** *атрофлича* ***тавсифнома ёзиш*** **(ДТС);** ***ҳар томонлама: Мустақил Ўзбекистон давлатини*** *ҳар томонлама* ***ривожлантириш, иқтисодий мустақиллигини таъминлаш кўп жиҳатдан замон талабига жавоб берадиган раҳбар ва мутахассисларни тайёрлаш сифатига боғлиқ. У раҳбарлар ташкилотни одамлар, таркибий масалалар, технология, ресурслар каби*** *ҳар томонлама* ***ўзаро боғлиқ элементлар тўплами деб қарашни назарда тутадилар.*** **(Р.Валижонов);** ***мукаммал: Дарҳақиқат, Наврўз халқ педагогикаси, анъаналари, бошқача сўз билан айтганда, халқ одобномаси, халқ одатномасининг*** *ҳар томонлама мукаммал,* ***ёрқин ифодасидир. Иккинчидан, қамоққа олишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш инсоннинг шахсий ҳуқуқини янада*** *мукаммал* ***таъминлашга эришишимизга кўмаклашади.*** **(«Зарафшон» газ.);** ***тўла, тўлиқ: Қуйидаги тажрибага эга бўлиши керак:- - матнни*** *тўлиқ* ***таржима қилиш. Олий таълим муассасаси қуйидагилар учун масъулиятни*** *тўла* ***ўз зиммасига олади*** **(ДТС)**

Бу равишларнинг бадиий матнларда учаши ҳам ифодадаги ана шу расмий оҳанг билан боғлиқ: ***Демократия — қонун-қоидаларни*** *тўла-тўкис* ***бажариш демакдир, қонун-қоидалар чегарасидан чиқмаслик демакдир*** **(ТМ).** ***Ҳандаса илмининг асосларига бағишланган бу қисмда, Али Қушчи нуқта, чизиқ, сатҳ, тўғри ва эгри чизиқ, мутасави, тўғри мутасави чизиқлар ва ниҳоят доира тушунчаларига*** *батафсил* ***тўхтаган, лекин табиат масалаларига доир иккинчи қисмини ҳали бошлай олмаган эди*** **(ОЁ).**

Бир тизимни ташкил этадиган ***бемалол, бамайлихотир, бафуржа, баҳузур*** **сўзлари орасида** ***бемалол*** **оғзки нутқда кўп учраши, қолганлари эса китобийлиги, айни пайтда, бадиий услуб**

самарали қўлланилиши билан ажралиб туради: ***Батамом*** *бемалол* ***ўтди. Боиси, ит… боғлоқлик бўлди. – Бизга... беш юлдуз яхши! – деб юборди. - Хўп, сиз омонатингизни*** *бемалол* ***топшириб келаверинг. Энди,*** *бемалол* ***оёқ узатсам бўлади*** **(ТМ).** ***Агар унга инонсалар, иноним илму идрок билан*** *бамайлихотир* ***шуғулланишга қўйиб берсалар, у ҳозир ҳам вафосиз ҳокимият, бу тожу тахтдан бажону дил воз кечар эрди...*** **(ОЁ). Ҳаракатнинг белгиси ва хулосанинг қатъий ифодаси сифатида илмий услубда ҳам фаол қўлланилади:** ***Масалан, Ёқутистон ўрмонларида ўсадиган тилоғоч дарахти 52 даража совуққа*** *бемалол* ***чидайди*** **(С.Мустафаев).** ***Бизнинг шароитда*** *бемалол* ***қўлласа бўладиганлари "тўрт мақсад" ва "7-С" тамойилларидир.*** **(Р.Валижонов).**

Бетма-бет, юзма-юз, рўпара, бўбаруў, бақамти **синонимик тизимида** ***бетма-бет, юзма-юз, рўпара*** **сўзлари оғзаки нутқ учун хосланган:** ***Врач билан*** *бетма-бет* ***бўлиб ўтирди. Райком Эсонов Мирзахўжаева билан*** *юзма-юз* ***ўтирди.*** *Юзма-юз* ***ўтирди. Бир-бирига тикилди. КПСС билан олов...*** *юзма-юз* ***бўлди! Шу қизлари қурғур, ўйламай-нетмай, номаҳрам эркакларга*** *рўпара* ***қилади-да*** **(ТМ).** ***Бўбаруў, бақамти*** **бирликлари бошқа тил элементлари бўлганлиги туфайли кам қўлланилади в асосан бадиий нутқда учрайди.**

Равишларнинг синонимик қаторини ташкил қиладиган ва ҳаракатнинг бажарилишида кескинликни, аниқликни ва қатъиятни ифода этадиган ***бутунлай, буткул, батамом, тамомила, тамоман, тамом, мутлақо, паққос, биратўла, кушод*** **сўзлар доирасида ҳам функционал чегараланиш мавжуд. Масалан,** ***тамомила, мутлақо*** **расмий услубда (***Кейин, Орол номи…* *тамомила* ***ғойиб бўлди! — Хонимлар ва жаноблар! — деди Мадиев. — Кейинги йилларда иқтисодий ва маънавий, сиёсий турмушимиздаги тарихий ўзгаришлар, улкан бурилишлар ўзбек халқи ҳаётини*** *тамомила* ***ўзгача баҳолашга эҳтиёж уйғотмоқда.*** **Т.Мурод).** ***Шунинг учун бирор мамлакат жорий этиш учун бошқа бирор давлатнинг моделини кўчириб олиш*** *мутлақо* ***нотўғри эканлиги хақиқатга мос тушади*** **(Р.Валижонов);** ***батамом, тамом, буткул*** **бадиий услубда:** ***У тор хонани оҳиста айланиб фалак илмининг мураккаб қонунларини идрок этаркан, ҳибсда ётгани*** *батамом* ***эсидан чиқар, кўнглидаги барча ташвиш, барча ғам-андуҳ гўё тўзғиб кетар, ҳатто қалбидаги сўнмас дард, энаси Тиллабиби тўғрисидаги нотинч ўйлар ҳам хаёлидан кўтарилар эди. Шундан кейин ҳазратнинг чеҳраси*** *батамом* ***очилиб кетиб, яна бир истак билдирди: шаҳзода туну кун Кўксаройда ўлтиравермай, гоҳо -гоҳо фуқарога ҳам кўриниб турмоғи даркор.*** **(ОЁ).** ***У ҳамон кўзини юмиб турар, иссиқ ҳаммом ва яхши таомдан кейин унинг аъзойи бадани*** *тамом* ***бўшашган, зирқираб оғриган оёқларири қалтирар, кўз олдини туман босиб, хаёли чувалиб борар, агар шаҳзода ижозат***

берса, у ҳозир "шилқ" этиб йиқиларди-ю, уйқуга кетарди... Маъюс хаёлларга чўмган Хуршида бону қўлидаги оғуни *тамом* ***эсидан чиқарган эди, даҳлизда шип-шип оёқ товушини эшитиб ҳушига келди*** **(ОЁ).** ***Иккиси олдига рост келсанг*** *буткул,* ***/ Ташбиҳга мазмунни жуфтлаш ҳам маҳол*** **(Зулфия. Қўшиқ).** ***Бу куйчига тан бериб,*** *буткул* ***/ Қўшиғини кутди булбул.*****(Зулфия.Уни Фарҳод дер эдилар) фаол учрайди.** ***Тамом*** **ва** ***буткул*** **равишлри поэтик матнларга хосланган.**

Ушбу олмошнинг ***бутунлай*** **оғзаки нутқда кўпроқ учрайди ва унда экспрессив оттенка кучли:** ***Орол номи*** *бутунлай* ***йўқолди. У —*** *бутунлай* ***янги уй*** **(ТМ). Равиш ясовчи қўшимча** ***–лай*** **тушиб қолганда ҳам баъзан маъно англашилаверади, аммо равишнинг бу қисқарган шакли ҳатто озғаки нутқда ҳам кам қўлланилади:** ***Аҳмедовни мақтайвриб*** *бутун* ***кўкка кўтариб юборди*** **каби. Ушбу қўшимчада сўз ясашдан ташқари, белгини кучайтириш хусусияти ҳам сезилди. Шу туфайли у бадиий услубда маҳсулдор қўлланилади:** ***Ҳа, мавлоно Муҳиддин расадхонанинг энг пастки ошёнасида ўтириб, бу ғаройиб олат ва устурлоблар ёрдамида кўкка тикилганда фоний дунё ташвишлари хаёлидан*** *бутунлай* ***кўтарилар, дили бўлакча бир завқ ва ҳайратга тўлар, назарида, ҳудудсиз коинот билан, аллақандай илоҳий кучлар билан, милт-милт ёнган сирли ситоралар билан узоқ ва осуда суҳбат қилар эди...*** **(ОЁ). Ҳаракатнинг бажарилишидаги қатъиятни ифода этиш мақсадида илмий ва оммабоп услубларда ҳам қўлланилади:** ***Моддий неъматлар яратиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, халқда хизмат кўрсатиш тизимларида якка ҳокимликни*** *бутунлай* ***йўқотиш ва улар орасида ҳақиқий иқтисодий ишлаб чиқариш рақобатини вужудга келтириш зарур*** **(Р.Валижонов).** ***Биров араб мамлакатларида хотин-қизлар ҳаётини кўкларга кўтарса, бошқаси*** *бутунлай* ***аксини гапиради*****. («Зарафшон» газ.).**

Ўзаро синонимик муносабатда бўлган ***дараксиз, бедарак*** **равишлари сўзлашув нутқида фаол қўлланилади. Уларнинг достонлар матнида кўп учраши ҳам ана шу билан изоҳлнади:** ***Ёлғиз болам*** *бедарак* ***бўп кетарми, / Бунда юрти вайрон бўлиб ётарми*** **(Алпомиш).** ***Юртинг Нўғойда, сан*** *бедарак* ***эмассан, - деб бир сўз деди*** **(Кунтуғмиш).** ***Кунботир билан қирқ йигитнинг "овга борамиз", деб*** *дараксиз* ***кетганига хавотир бўлиб, бир неча амалдор буларни ахтариб, товда чиққан эди*** **(Ойсулув). Отларга қўшилиб, предмет ёки ҳаракат блгисини кўрсатадиган** ***бе-*** **ва** ***–сиз*** **қўшимчалари ушбу ҳолатда мавҳумликни ифода этаётган бўлса, сўз ўзагининг қаватланиши йўқлик маъносининг қатъий ифода этилишига кўмклашади:** ***Қабрларни*** *ном-нишонсиз* ***қолдирганлари камдай, «Яна шундай такрорласам, жиноий жавобгарликка тортинглар», деган тилхат ёздириб оларди.*** *Ном-нишонсиз* ***кўмиб ташлайдилар*** **(ТМ).** ***Йўқ, бу кўраётганлари туш эмас, у чиндан ҳам***

гўрдай совуқ, ярим қоронғи ғорда турар, атрофини қора чакмон кийиб, юз-кўзларини қора мато билан танғиб олган, соқол-мўйловлари ўсиб кетган қароқчисифат одамлар қуршаб олган, улар орасида уч ойдан бери *дом-дараксиз* ***кетган девқомат Қаландар Қарноқий ҳам бор эди...*** **(ОЁ)**

Ҳаркатнинг амалга оширилиш тарзини ифодалайдиган *дарров, дарҳол, тез, тездан, бирпасда, бир зумда, бир лаҳзада, зумда, лаҳзада* **бирликлари семантикасида қатъият мавжуд. Қўлланилишида эса услублараро чегараланади. *Дарров*** **сўзлашув услубига хосланган: — *Эй, бизнинг молимиз шу вақтгача закот бўлмаган, энди акамиз ўғилли киши бўлиб,*** *дарров* ***бизнинг молимизни закот қиладиган бўлибди-да! Калма айтиб*** *дарров* ***бўлгин мусурмон, / Ҳийла қилсанг, мен бўл бошинг оларман*** **(Алпомиш). *Кампири*** *дарров* ***турди*** **(ТМ). *Бир зумда, бир лаҳзада*** **ва *дарҳол*** **равишларида *дарров*** **га нисбатан экспрессивлик кучли ва китобий характерда. Шунинг учун ҳам бадиий услубда фаол қўлланилади: *Шаҳриёри фалак-иқтидор Мирзо Улуғбек Кўрагоний ҳазратлари амр этмишларким, Кўксаройда*** *дарҳол* ***ҳозиру нозир бўлғайсиз! Сиз отлиқ ҳировул билан*** *дарҳол* ***йўлга чиққайсиз!..*** *Бир зумда* ***тоғу тош орасида жилғалар шарқиради. Қалъа катта эмас, ундаги ҳамма ўйлар, тор кўчалар бир-бирига туташиб кетар, томда ўйнаган болалар*** *бир зумда* ***бутун қалъани айланиб чиқишар эди*** **(ОЁ). *Лекин Али Қушчи узангини топиб, типирчилаган отга ўзи сапчиб минди-да, жиловини қўлига олди: у «қушчи» номини бекорга олмаган, аълоҳазратлари билан овга чиққан пайтларида, не-не асов тулпорларни жиловлаб,*** *бир лаҳзада* ***ўзига ўргатиб оларди!..*** *Бир лаҳзада* ***уйлари тўйхонага айланди.*** **(ОЁ). *Дарҳол*** **расмий оҳангга эга:*Унда, ўша усталарингизни чақириб,*** *дарҳол* ***тузаттиринг!*** **(ТМ).**

Тез, илдам, жадал, шитоб, шахт, зудлик билан **синонимик қаторида *тез*** **барча услубларда учрайди. Сўзлашув услубида: *тез бўл; тез-тез бўл, имиллама.*** **Бадиий услубда: *Нима учун тўда*** *тез* ***эътибор қозонади,*** *тез* ***кўзга кўринади?*** **(ТМ). Илмий услубда: *Ҳозирги давр бошқарувида иқтисодий демократияга асосланган ишлаб чиқариш рақобати қанчалик*** *тез* ***ривожланса, шунчалик тез бозор иқтисодиёти самарадорлиги кўзга ташлана бошлайди*** **(Р.Валижонов) каби.**

Тез **асосида ясалган *тезда, тезлик билан*** **равишлари ҳам фаол: *1983 йили англиялик математик Ч. Беббидж ҳорзирги замонавий ҳисоблаш техникаси — “аналитик машиналар” намунаси лойиҳасини ишлаб чиқди ва унинг ёрдамида ўша даврда бошқариш қарорлари*** *тезлик билан* ***қабул қилина бошланди*** **(Р.Валижонов). *Тезда*** ***қайтамен. Дадангизга шикаст етмайди, тезда қайтади, деган эдингиз*** **(ОЁ). У даража кўрсаткичи билан ҳам қўлланилади: *Бизни шаҳримизни кўрган одам...*** *тезроқ*

омонатимни топшириб... шу шаҳардан макон топсам дейди! **(ТМ).**

Синонимик муносабатга киришув жараёнида шаклдаги мослик ҳам сақланади. Масалан, ***тезлик билан – шитоб билан – шахт билан*** **:** ***Мирзо Улуғбек*** *шитоб* ***билан ўрнидан турди. Боғларни шовуллатган совуқ изғирин, гўё уни тўхтатмоқчи бўлгандай*** *шитоб* ***билан кўксига урилар, чанг-тўзон ва чархпалак хазонлар юз-кўзларни аёвсиз савалар эди!.. Амир, елкасида қора хуржун, ойсимон эгри қиличини эшикка шарақлатиб уриб,*** *шахт билан* ***кириб келди-да, пойгакка тиз чўкиб, сажда қилди*** **(ОЁ). Лекин кейинги икки бирликда** ***тезлик билан*** **га нисбатан экспрессивлик кучли. Бунинг устига** ***тез*** **ўзаги асосидаги равишлар умуман ҳаракатнинг белгисини англатса,** ***илдам, шитоб, шахт*** **равишлари инсоннинг ҳаракат тарзи билан боғланган:** ***Хуршида бону дадасини, хусусан бир кундаёқ эгик қаддини ростлаб, бурунгидай*** *илдам* ***одимлаб, нуфузли меҳмонларни ўзи кутиб олиб, ўзи кузатиб қўяётган буваси Салоҳиддин заргарни кўрганида, негадир қайта-қайта Қаландарнинг гаплари эсига тушар ва мавлоно Али Қушчини ўйлар эди... Ойсиз, зим-зиё тунда юриш қийин, оёқ остидаги тошлар ғачир-ғучир қилар, ариқ бўйидаги тол шохлари юзларига урилар, Қаландар эса, ҳеч нарсага парво қилмай тобора*** *жадаллаб* ***борарди*** **(ТМ). Шунинг учун улар ўртасидаги синонимияда бу оттенкалар пайқалади.**

Жадал **равиши илмий ва оммабоп услубларда қўлланилади:** ***Уларга ўзини обрўсизлантириб қўйган маъмурий-буйруқбозлик тизими тузоқдан қатьиян халос бўлишнинг, жадал ўзгариб бораётган иқтисодий шароитларга мос бўлган янги муассасалар тизимини тезлик билан жорий этишни бирдан-бир йўли деб қаралди*** **(Р.Валижонов).*Шундай қилиб, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар қўлни-қўлга беришиб, жадал ишга киришдилар*** **(«Зарафшон» газ.).**

Тўсатдан, тўсиндан, қўққисдан, бехосдан, бирдан, бирданига, дабдурустдан, ногаҳон, кутилмаганда, баногоҳ, иттифоқо, дафъатан, илкисдан, туйқусдан, туюқсиндан, фавқулодда, лоп этиб **синонимик қатори равишлар тизимида энг самарали бўлиб, кутилмаганда содир бўлган воқеани англатади. Улар орасида** ***бирдан*** **равиши энг фаол ҳисобланади ва барча услубларда қўлланилади:** *Бирдан* ***қозиқдай қоқилиб қолди. Ботир фирқа*** *бирдан* ***сергак бўлди. Бирдан эсини йиғиб олди*** **(ТМ). А.Ҳожиев** ***илкисдан, туйқусдан, туюқсиндан*** **равишларини диалектал деб кўрсатади:** ***Етай деганда чап солди, /*** *Илкисдан* ***бурилиб кетиб*** **(Алпомиш).** ***Лоп этиб*** **да кутилмаганликдан ташқари ҳаракатнинг жуда тезлик билан амалга ошганлиги оттенкаси ҳам ифода этилади:** ***Бонунинг эсига*** *лоп этиб* ***отаси берган рисола тушди*** **(ОЁ).**

Бирданига, бехосдан, лоп этиб, қўққисдан **равишлари оғзаки сўзлашувда,** ***тўсатдан, дабдурустдан, ногаҳон, кутилмаганда, баногоҳ, иттифоқо, дафъатан, фавқулодда*** **равишлари китобий услубларда қўлланилади.** ***Тўсатдан*** **расмий оттенкага эга. Масалан,** ***тўсатдан вафот этмоқ*** **каби. Бадиий услубда:** ***Уни*** *дабдурустдан* ***танимай қолган аълоҳазратлари шайхулисломнинг: –Амир Жондор тархон?–деганини эшитиб, бир сапчиб тушди. Ногаҳон, дафъатан, баногоҳ, иттифоқо*** **сингари эскирган равишлар ҳам бадиий матнларга хосланиб қолган:** ***Ғорга ҳайрат билан тикилиб қолган Али Қушчининг эсига...*** *ногаҳон* ***Ургут тоғларида Мирзо Улуғбек билан ов қилиб юрганларида кўрган бир ғор тушди. Бобоси Амир Темур бундай ҳолатларда ғанимнинг ҳировул қўшинларини олдинга ўтказиб юборар, сўнг*** *баногоҳ* ***жаронғир ва баронғир суворийлари билан қуршаб олиб, қопқонга туширар эди.*** *Баногоҳ* ***кўзи ушатилган патирга тушиб, кўнглидан яна ўша фикр ўтди: "Оғу "... Ҳозир китобни очганда*** *дафъатан* ***кўзи тушган илк мисралар... тушида кўрган қонли калладан ҳам даҳшатли эди... Унинг касалманд чеҳрасида теран бир маҳзунлик акс этди, овози*** *кутилмаганда* ***ғамгин ва самимий оҳанглар касб этиб, қалтираб кетди: –Аммо...-сиздан яширмаймен, мавлоно*** **(ОЁ).**

Ҳаддан ташқари, жуда, ғоятда **маъноларини берувчи** ***фавқулодда*** **равишида муболаға оттенкаси мавжуд:** *Фавқулодда* ***қаққайиб қолди*** **(ТМ). Ундаги бу оттенка қўлланиш кўламини кенгайтирган. Равишдаги ва сифатдаги маънони кучайтиришга хизмат қилган:** ***Шу боисдан билмоқчимен: сиз фақирни ким деб биласиз?–шаҳзоданинг овози*** *фавқулодда* ***ғамгин эшитилди. Барваста гавдасини сипоҳий либосларга сиқиб кийинаркан, Қашқирнинг*** *фавқулодда* ***юмшоқ, мулойим овозини эшитди*** **(ОЁ).**

Хомуш, маъюс **равишлари ҳам ўзаро синонимик муносабатда. Хомушлик умуман инсоннинг руҳий ҳолатини ифода этса, маъюслик тушкунлик, умидсизлик маъносида бўлиб, асосан юзда акс этган ифодани билдиради:** ***Лекин эрталабдан қовоғи очилмай,*** *хомуш* ***юрган Мирзо Улуғбек тоққа чиққач, пешанасидаги ажинлари ёзилиб, лабига кулгу югурди. Али Қушчи бу серҳашам ва сержило хонани томоша қиларкан, хаёлига бир фикр келиб,*** *маъюс* ***кулимсираб қўйди. Мирзо Улуғбек, деди-ю, хаёлига яна бир фикр келиб*** *маъюс* ***жилмайди*** **(ОЁ). Шунинг учун ҳам** ***маъюс юз*** **ва** ***маъюс тикилмоқ*** **каби ҳолатларда гапда аниқловчи ҳам, ҳол ҳам бўлиб келаверади.**

Т.Мурод уни инсон қалбига нисбатан ҳам қўллаган: ***Ботир фирқани кўнгли... шомдан-да*** *маъюс* ***бўлди, шомдан-да*** *мунгли* ***бўлди.***

А.Ҳожиев луғатида берилган ***яхши, дуруст, тузук, бинойи, бинойидек, жойида, соз, нозандай (ноппа-нозандай), (ноппа-нозин), боп, бопта, ажабтовур, авло, пошшахон, қойил, қойилмақом***

сўзларида ҳам ҳаракат белгисини англатиш хусусияти мавжуд. Улар орасида энг фаол қўлланиладигани *яхши* сўзи бўлиб, ҳам предметнинг, ҳам ҳаракатнинг белгисини кўрсатади: *яхши бола яхши* ***ўқийди*** **каби. У услубий жиҳатдан нейтрал сўз ҳисобланади:** ***Қоровуллар билади-да, арча ёғоч*** *яхши* ***ёнади. – Ҳали-ҳозирча, областни*** *яхши* ***ўрганганим йўқ. — Йиғилиш*** *яхши* ***ўтдими? Масалан, интеллектуаллар изғирин шамол нималигини*** *яхши* ***билади*** **(ТМ). А.Ҳожиев *бинойи, нозандай, пошшахон, қойилмақом* сўзларининг оддий сўзлашувга хос эканлигини айтади. Мисол: –** *Бинойи* ***қилибсиз, хўп*** *бинойи* ***қилибсиз*** **(ТМ). *Ажабтовур* ни ҳам шу қаторга қўшиш мумкин: *Ҳа, одам мавзолейдан чиқиб...* *ажабтовур бўлиб қолади!* (ТМ). *Қойил* сўзи *бўлмоқ, қолмоқ* сўзлари билан мустаҳкам бирлашиб кетган ва фразеологик бирликнинг таркибий қисмига айланган: — *Мен сизнинг ақл-заковатингизга... обкомдаёқ* *қойил* ***бўлиб эдим! Ўрага қараб ўтирди-ўтирди... ўзига-ўзи*** *қойил* ***бўлди*** (ТМ). *Дуруст, тузук* сўзларида китобийлик, расмийлик оттенкаси мавжуд.**

Ўрин равиши. **Ҳаракатнинг бошланиш нуқтасини, йўналиш томонини кўрсатадиган ўрин равишлари ўзбек тилида тарз равишларидек кўп эмас. «Умуман, нарса-предметнинг бирор ерда мавжуд бўлишини билдирганда, - деб қайд этилади «Ўзбек тили грамматикаси»да. – равиш ҳаракат маъносини билдирадиган сўзларга тааллуқли бўлиши шарт эмас».[45] Бу эса пайт равишларининг гапда бир қадар автоном эканлигидан ва предикативлик вазифасини ўз зиммасига олиши мумкинлигидан далолат беради ва бу ўз навбатида, равишларнинг бу турининг стилистик имкониятларини кенгайтиради. Таъкидланганидек, кўп миқдорни ташкил этмаса-да, ўрин равишлари ўртасида ҳам синонимик муносабат мавжуд. Уларнинг айримларини кўриб ўтамиз. Масалан:**

А.Ҳожиев луғатида қайд этилган *олд(ида), ҳузур (ида), ён(ида), қош(ида)* синонимик қаторида *олдида* равиши услубий жиҳатдан нейтрал ҳисобланади: ***Райкомни машинаси баҳайбат дарвоза*** *олдида* ***бел бўлди. Эрон хотин-қизлари ушбу қарорни эшитиб, Теҳрондаги Франция элчихонаси*** *олдида* ***намойиш ўтказибди*** **(ТМ). Ушбу равишнинг услубий нейтраллиги ва фаол қўлланиши уни аниқ ўринни англатиш доирасидан ташқарига олиб чиқиб, умуман ҳаракатнинг бажарилган ўрнини мавҳум тарзда ифода этади. *Биз Гиппократ* *олдида* *қасам ичганмиз. Бутун партактив* *олдида, афкор омма* *олдида* *шундай қилди* (ТМ). Бу ҳолат синонимик муносабатларда ҳам сезилади. Масалан, аниқ ўринни ифодалаганда *олд* равишига *қош* сўзини синоним сифатида қўллаш мумкин бўлгани ҳолда, у мавҳум маънони**

[45] **Ўзбек тили грамматикаси, I том. – Т: Фан, 1975, 538-б.**

англатганда бу синонимия стилистик ғализликни келтириб чиқаради. Масалан: ***Колхоз идораси*** *қошида* ***оёқ илди. Чойнак*** *қошида* ***ўтирди*****(ТМ) -** ***Колхоз идораси*** *олдида* ***оёқ илди. Чойнак*** *олдида* ***ўтирди.*** **Қиёслаймиз:** ***Гиппократ*** *олдида* ***қасам ичганмиз -*** ***Гиппократ*** *қошида* ***қасам ичганмиз.*** **Ўрин маъноси умуман ифода этилганда** ***олд*** **ва** ***ён*** **равишлари вазифадошлик нуқтаи назаридан бир-бирига жуда яқинлашади:** ***Ботир фирқани*** *ёнидан* ***жой олди -*** ***Ботир фирқани*** *олдидан* ***жой олди; Бутун партактив*** *олдида,* ***афкор омма*** *олдида* ***шундай қилди -*** ***Бутун партактив*** *қошида,* ***афкор омма*** *қошида* ***шундай қилди; Бир маҳаллар Мирзо Улуғбекнинг фармони билан бу қасри олийга илк бор қадам қўйганида вужудини шундай зўр бир ҳаяжон чулғаб олган эдики, бояги мармар ҳовузларнинг*** *ёнидан* ***ўтаётганда оёқлари қалтираб кетган эди*** **(ОЁ)-** ***Бир маҳаллар Мирзо Улуғбекнинг фармони билан бу қасри олийга илк бор қадам қўйганида вужудини шундай зўр бир ҳаяжон чулғаб олган эдики, бояги мармар ҳовузларнинг*** *олдидан* ***ўтаётганда оёқлари қалтираб кетган эди.***

Ҳаракат бажарилган ўринни мавҳум, умумий тарзда ифода этиш ***олд*** **сўзини кўмакчига айлантирган:** ***олдини, олдига, олдида, олдидан*** **каби. Бундай пайтда унинг синонимик муносабатга киришиш имкониятлари ҳам тораяди.** ***Олдига, олдида, олдидан*** **вариантларига расмийлик оттенкаси ва образлилик мавжуд бўлган** ***ҳузурига, ҳузурида, ҳузуридан*** **сўзлари синоним бўла олади:** ***Бир зум гўзалликнинг*** *ҳузурида* ***жим / Самовий ҳисларга бўлиб қолдим банд*** **(А.Орипов).** ***Мана, кун ботиб, намози асрга азон айтилди ҳамки, ҳануз*** *ҳузурига* ***таклиф қилмади*** **(ОЁ). Илмий ва расмий услубларда у** ***олдига қўймоқ*** **тарзида турғунлашган ва уни бошқа маънодош сўзлар билан алмаштириб бўлмайди:** ***Илмий атамашуносликда менежмент деганда шундай ижтимоий-иқтисодий жараён тушуниладики, унинг натижасида ўз*** *олдига* ***қўйилган мақсадларга фирма ресурсларига раҳбарлик қилиш орқали эришилади. “7-С” тамойили корхона, фирма, хўжалик ўз*** *олдига* ***қўйган иқтисодий натижага эришиш учун қўйидаги йўналишларда иш олиб боришини назарда тутади*** **(Р.Валижонов).**

Олдин **равиши** ***илгари, олға*** **сўзларига синоним бўлиши мумкин:**

У идеал ҳокимлик типларига тавсиф берди ва қоидалар асосида таркиб топган тартиб кишиларни ташкил қилишнинг энг самарали шакли — бюрократия (тўрачилик) деган ғояни *илгари* ***сурди.Ҳозирги биринчи ўринга мустақиллик, ташаббускорлик, онгли таваккалчиликка тайёргарлик*** *илгари* ***сурилаётган бир даврда янги хўжалик юритиш шароитида раҳбар меҳнатининг моҳият ва аҳамиятига унинг роли ва табиатига муносабатни ўзгартириш керак*** **(Р.Валижонов).** ***Илгари*** **равишининг** ***илгари сурмоқ*** **тарзда турғунлишиши унинг ҳам маъносида**

мавҳумлашиш содир бўлганлигидан ва кўмакчига ўтганлигидан далолат беради. *Олдин, илгари* сўзларига нисбатан *олға* китобий характерга эга: *Йўқ қоринни олға сурди. Йўқ қоринни олға сураман дея... кетига чалқайиб қолди. Йўқ қоринни тағин-да олға сурди. Кўкрагини олға шиширди. Олға, ўзбек хотин-қизлари, олға! Оролпаноҳ Мадиев бир ўнгга таъзим этди, бир чапга таъзим этди, бир олға таъзим этди* (ТМ)

***Олд* негизида ҳосил бўлган сўзларнинг ўрин маъносини англатиш доирасидан чиқиб, пайт маъносини бериши ҳам уларнинг тилимизда семантик маъноларининг кенгая бораётганлигидан далолат беради. Бундай пайтда улар *аввал* ўзакли сўзларга синоним бўлади: *Плазмолизга учраган ҳужайра сув билан таъминланса, дарҳол у олдинги ҳолатига қайтиши мумкин. Хромасомаларнинг редупликацияси туфайли, уларнинг сони янги ҳосил бўлган ҳужайраларга тақсимлангунга қадар икки баробар ортади Редукцион бўлиниш споралар ҳосил бўлиши олдидан спорангийлар; жинсий гаметалар ҳосил бўлиши олдидан гаметангийлар ва ниҳоят уруғланиш вужудга келган зиготанинг бўлинишидан содир бўлади* (С.Мустафаев).**

Бирор нарсанинг ниҳояси, сўнггини ифодаловчи *охир* сўзи негизида ясалган *охирда, охиригача* сўзлари ҳам равиш саналади: *Йўқ, мен охиригача бораман. Мен охиригача курашаман! Охиригача чида, худо берган кунгача чида!* (ТМ). Унга синоним бўладиган *интиҳо* сўзи экспрессив оттенкага, *ниҳоя* китобий характерга эга: *Одамзотни ибтидоси-да ғойибда бўлади, интиҳоси-да ғойибда бўлади* (ТМ). *У ҳатто ҳинд мунажжимлари яратган машҳур "Сидҳаита" нинг таржимасини ҳам ниҳоясига етказолмади...* (ОЁ).

Худди шу синонимик муносабатлар равиш туркуми доирасидаги *баланд/юқори/юксак, узоқ/олис/йироқ; орқа/кет/орт; паст/қуйи; ўрта/ора, тўғри/қарши,рўпара* бирликларида ҳам мавжуд ва улар ҳам тадқиқот учун қизиқарли материаллар бера олади.

***Пайт равиши.* Грамматикага оид дарслик ва қўлланмаларда пайт равишига ҳам равишларнинг маъно турларидан бири сифатида қаралади ва унинг ҳаракат, ҳаракатнинг бажарилиши, юзага келиш пайтини билдиришга хизмат қилиб, *қачон? қачондан бери?* сингари саволларга жавоб бўлиши, гапда кўпингча ҳол – пайт ҳоли ва баъзан кесим вазифасида келиши таъкидлаб ўтилади. Масалан: *мен бугун кутубхонага бораман = кутубхонага борадиган куним – бугун* каби.**

Шу маънода тилимиздаги *энди, сўнг, кейин, илгари, ҳануз, эрталаб, тунов кун, ҳалигача, кеча, бугун, аллақачон, аввал, қадим, ҳамон, кечаси, кундузи, индинга, ҳар куни, куни билан, йилдан йилга, қишин-ёзин* каби сўзлар равишлар саналади.

Пайт равишларида ҳам синонимик имкониятлар мавжуд ва бу ҳолатнинг нутқ жараёнида аҳамияти катта. Масалан, *сўнг (сўнги), ахир (охирги), кейин (кейинги)* сўзларини олиб қарайлик. *Йиғилиш сўнгида гапир, йиғилиш охирида гапир* дейиш мумкин, аммо *адоқ, ниҳоя, пираворд, интиҳо* сингари пайт маъносини ифода этувчи равишларни улар ўрнида қўллаб бўлмайди. Бу ушбу сўзлардаги семантик-стилистик оттенкалар ва уларнинг экспрссивлик даражаси билан боғлиқ.

Равишлардаги бу каби сон ва сифат жиҳатдан кўплик ва ранг-баранглик, ўз навбатида, уларнинг функционал танланиш ва чегараланишларини келтириб чиқаради. Масалан, *пираворд* расмий услубда, *интиҳо* ва *ниҳоя* бадиий, оммабоп услубларда кўпроқ қўлланилишининг сабаби ҳам ана шунда.

***Илгари, аввал, олдин, қадим, бурун* равишларини олиб қарайлик. Бу равишлар умумий маънода иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтгача содир бўлганини ёки бўлмаганини бидирса ҳам, ана шу содир бўлганлик ёки бўлмаганликни англатиш нуқтаи назаридан матнда фарқланишини пайқаш қийин эмас. Масалан, А.Ҳожиевнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» китобида бу ҳақда шундай ёзилган: «*Аввал, олдин* сўзлари контекст ёки бошқа бирор восита ёрдамисиз ўтмиш маъносини аниқ ифодалай олмйди. *Илгари, бурун, қадим* сўзлари эса ўтмиш маъносини аниқ ифодалй олади. *Илгари* сўзи кўпинча *аввал, олдин* сўзларига нисбатан узоқроқ ўтмишни ифодалаш учун қўлланади. *Олдин* кўпроқ оддий сўзлашувга хос. *Бурун* сўзи *илгари* сўзига нисбатан ҳам узоқроқ ўтмишни билдиради. Лекин *илгари, аввал, олдин* сўзларига нисбатан кам қўлланади. *Қадим* сўзи *бурун* сўзига нисбатан ҳам узоқ ўтмишни билдиради».[46] Мана шу айтилганлар айнан равишлар услубиятининг ўзидир.**

Синонимик муносабатлар доирасида *олдин* ва *аввал*[47] равишлари бир-бирига яқин туради: *Олдин* ***кўзларини чўқиб уйди,***

---

[46] ***Ҳожиев А.* Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати.- Т.: Ўқитувчи, 1974, 8-б.**

[47] **М.Миртожиев бу ҳолатни оддий, лингвистик метафорлар деб баҳолайди: «Умуман, метафораларда ҳосила маънонинг юзага келиши экстралингвистик сабабга кўра ҳам, интралингвистик сабабга кўра ҳам бўлади. Экстралингвистик сабабга кўра асосан оддий метафора ва жонлантириш содир бўлади. Масалан, *Аввал таом, кейин калом* (маҳол) гапидаги *аввал* сўзи пайт маъносини берган. У асли ўрин маъносини берарди. Бу ҳосила маъно экстралингвистик сабабга кўра юзага келган». (*Миртожиев М.* Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Тошкент: Университет, 2000, 11-бет).**

кейин қаноти билан уядан суриб чиқарди. Рисқул. Буйрагингни қўй, *олдин* ***хабарингни айт!*** **(Зулфия. Ой тутилган тунда).** *Аввал* ***Зубаржаднинг бошига ўнг қўлини қўяди.*** **(Зулфия. Ой тутилган тунда).** ***Али Қушчи*** *аввал* ***тортиниб, кейин эса хиёл дадилланиб, ҳамма сўроқларга жавоб берди. Бобоси эса*** *аввал* ***унинг пешонасидан чўлп-чўлп ўпди*** **(ОЁ). Уларга синоним бўладиган** ***бурун*** **сўзи сўзлашув нутқида фаол. Шунинг учун ҳам халқ оғзаки ижоди намуналарида, бадиий матнларда учрайди: Дарвеш.** ***Ташлатишдан*** *бурун* ***бир ҳикоя эшит... Девона. Оқйигит билан Эшмирза ўйланмасларидан*** *бурун* ***қандай яхши одамлар эди-я, ҳеч қачон йиғлаганини кўрган эмасман*** **(Зулфия. Ой тутилган тунда).** *Бурунги* ***кунимиз ҳам тузук экан, ишимиз соп зўрга тушди. Алпомишга кўринмай кетди. Алпомишдан*** *бурун* ***Қултойга етди. Шу ёмон чубир билан биздан*** *бурун* ***келибсан*** **(Алпомиш).** ***Илгари*** **эса бир маъносида уларга синоним бўлади:** ***Бу сўзни эшитиб: — Аҳмоқ қалмоқ,*** *илгари* ***мени кўрибмидинг, ё менинг билан бўлсуҳбат бўлибмидинг, ё бизинг кўзини боқиб, бизникида етим-метим юрибмидинг? Пойганинг бошида тортиб бойласанг, Ўн беш кун*** *илгари* ***берман ҳайдасанг*** **(Алпомиш).**

Бемаҳал, бевақт, бемаврид **синонимик қаторидаги сўзлар семантик оттенкаларига кўра ўзаро фарқланади.** ***Бемаҳал*** **равиши** ***керак бўлмаган вақтда*** **маъносини билан ажралиб туради:** ***Шу сабаб, шизофрения – партия-ҳукумат учун бамисоли*** *бемаҳал* ***қичқирган хўроз бўлади*** **(ТМ).** ***Мусофирман, қирқ газ чўкди кўнгилим,*** *Бемаҳал* ***етмади қайтайин ўлим*** **(Алпомиш). Бундай вақтда у** ***бемаврид*** **сўзига синоним бўлади:** *Бемаврид* ***шодликдан қайнади, тошди! Ва деди: “Кўрингиз, мана, олий зот, Спитамен ўлди! Қирқилди боши!”*** **(М.Али. Спитамен).** ***Сўзлари*** *бемаврид* ***эканини билиб, дарров хатосини тузатди*** **(ЎХ).** ***Бемаҳал*** **сўзи одатдаги вақтдан кеч бўлганда** ***бевақт*** **сўзига синоним бўлади:** ***Ёлғиз юриб кўп йўлларни оламан, Хориб-чарчаб*** *бемаҳалда* ***келаман. Кун*** *бевақт* ***бўлди,*** *бемаҳал* ***борган меҳмоннинг иззати, обрўйи бўлмайди, бугун мен сизларнинг қўшхоналарингда ётайин, эртанги сўнг туриб кетайин. Тун қоронғи,*** *бевақт* ***бўлиб боради, Қўнар фурсат энди яқин келади.*** *Бевақт* ***бориб бахмал уйга киради, Шул замонда Барчинойни кўради*** **(Алпомиш). Лекин** ***бевақт*** **сўзи ўлимнинг аниқловчиси бўлиб келганда бунинг аксини, яъни** ***эрта*** **маъносини билдиради:** ***Қуруқ туҳматдан,*** *бевақт* ***ўлимдан сақлашни Тангридан илтижо қилди*** **(ЎХ).**

Пайт равишлари синонимлари қаторида ***доим, доимо, ҳамиша, ҳамма вақт, ҳар доим, ҳар маҳал, ҳар вақт, нукул, мудом, бирдай, яккаш, яланг, ҳадеб, ўнгкай*** **сўзлари ҳам салмоқли ўрин тутади. Улар орасида** ***доим*** **сўзи оғзаки нутққа хос. Бадиий нутқда ҳам поэтик талаб билан қўлланилади:** ***Гарчанд мен туғилган ермас бу тупроқ, / Лекин хотирада яшайди*** *доим.*

(Зулфия. Жасорат). Унинг варианти ҳисобланадиган *доимо* да расмийлик, кўтаринкилик оттенкаси мавжуд, шунинг учун илмий ва расмий матнларда айнан шу тарзда қўлланилади: *Бундан эса шундай хулоса чиқади: бундай ходимни доимо мажбурлаш, назорат қилиш, жазолаш ва жарима солиш билан қўрқитиб туриш зарур. Раҳбарлар ва ишчиларнинг тақдири бир деб қаралади, улар ҳатто бир ошхонада овқатланадилар ва доимо бирга бўладилар. Бошқариш ҳақидаги фан доимо ҳаракатда бўлади* (Р.Валижонов). *Нуқул* сўзи ҳам сўзлашув услубида фаол: *нуқул кулади,нуқул илжаяди, нуқул гапиради, нуқул овқат ейди* каби. У гапда ҳолдан кўра кўпроқ аниқловчилик вазифасини бажаради: *Нуқул гўдаклар билан / Қолган кунлар ҳам битди* (Зулфия. Икки ўртоқ). *Нуқул асл, қимматбаҳо мол. / Ўн сидирға кўйлак, беш рўмол* (Зулфия. Зайнаб ва Омон). *Хонақоҳнинг эшигида, нуқул оқ жома кийган муридлар даврасида... оппоқ соқоли кўксига тушган, баланд бўйли, ниҳоятда кўҳлик бир чол унга ўткир кўзларини қадаб турарди* (ОЁ).

Мудом, яккаш **равишларида образлилик кучли ва улар бадиий матнларга хос: *Мудом жўшқин умрим ҳукмида юрган, / Қадрига етмаган пинҳон шеъримдир* (Зулфия. Экрандаги юрак). *Ботир фирқа энди... яккаш ўзи ўйлади. (ТМ). Ҳадеб ўтириши жонига тегди* (ТМ). *Унга қуёш, чечак ва денгиз / Куйлар яккаш, «Сен жануб ёқда!»* (Зулфия. Рус аёллари).**

Ҳаракатнинг бажарилишидаги узлуксизликни ифода этувчи *ҳамиша* сўзида китобий оттенкаси кучли ваш у туфайли расмий ва илмий услубларда кўпроқ ишлатилади. Бадиий услубда ҳам ана шу услубларга хос бўлган вазият ифодасида қўлланилади: *Ку-ку-лукс-кланлар ҳамиша бошдан-оёқ оппоқ либосга бурканиб юради. Шу сабаб, ўзларини ҳамиша мен ҳақ деб билади. Тўда ҳамиша айбдор излайди… ҳамиша гуноҳкор излайди. Ана шу икки тоифа ҳамиша курашиб келади. Эл-юрт ҳамиша ғояларга ишониб келди, ғояларга суяниб келди* (ТМ). *Иқтисод аниқ фан сифатида иқтисодий нуқтаи назардан тўла ахборотларга эга бўлиб, ҳар қандай ҳолатда ўзини ақлли тутадиган сунъий шахс сифатида гавдаланади ва у иқтисодчилар учун ҳамиша саждагоҳ бўлиб хизмат қилади* (Р.Валижонов).

Таркибида олмошлар иштирок этадиган *ҳамма вақт, ҳар вақт, ҳар доим* равишларида амалдаги ҳаракатни таъкидлаш оттенкаси кучли: *Ҳамма вақт бедор сув! Куйдор шалола. / Сен бу тупроқда жонсан, ҳаётсан* (Зулфия. Сўроқлайди шоирни шеърим). *Саркардалар ичида яшар у ҳар вақт. / Хотирадан силинмас шуҳрати, шони!* (Зулфия. Княгиня М.Н.Волконская).

Миқдор-даража равишлари сифатида қараладиган сўзларнинг аксарият қисми нафақат равишларга, балки сифатларга ҳам тегишли бўлиб, улардаги белгининг, яъна

ҳаракат ёки нарса-ҳодиса белгисининг оз-кўплигини ифода этади. Шунинг учун бу ўринда уларнинг фақат ҳаракат билан боғлиқ жиҳатларига эътибор қаратилади.

Равишларга қўшилиб, амалга ошаётган ҳаракатни бироз муболағали тарзда ифодалашга, бажарилишини кучайтириб, таъкидлаб ўтишга, миқдорнинг кўп ёки озлигини кўрсатишга хизмат қиладиган ***айни, авжи, роса, жуда, энг*** **сўзлари тизимида** ***энг, жуда, роса*** **бирликлари оғзаки нутққа хослиги билан ажралиб туради:** ***энг кўп гапирган шу бўлди, жуда маза қилдик, роса кулишдик, энг кейин*** **каби. Кейинги икки ҳолатда ҳам улар аслида равишларга қўшилган:** ***жуда кўп маза қилдик, роса кўп кулишдик*** **каби. Аммо кучайтириш оттенкаси равишлар тушиб қолиб, уларнинг вазифасини ҳам бу кучайтирувчи воситалар ўз зиммасига олади. Яна:** *Жуда* ***бўлади-да! Шундай қўли гул усталаримиз бор, боплаб ташлайди.*** *Жуда* ***бўлса – ватанга она сўзини қўшиб айтса бўлади*** **(ТМ).**

Даража-миқдор равиши пайт, ўринни, тарзни ифодалвчи равишлардаги белги-хусусиятларни кучайтирувчи восита сифатида қатнашади ва нутқда қаватланган равишлар пайдо бўлади: пайт маъносининг кучайтирилиши: ***Шу боисдан-да, одамзотни жони*** *энг* ***олдин... оёқдан узилади*** **(ТМ) -** ***Шу боисдан-да, одамзотни жони олдин... оёқдан узилади.*** *Энг* ***олдин қоровулхонага кириб боради*** **(ТМ)-** ***Олдин қоровулхонага кириб боради.*** **Миқдорни ифодаловчи равишларга қўшилганда ҳам маънони кучайтиради:** ***Улар зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига ё оталарига, ё эрларининг оталарига, ё ўғилларига, ё эрларининг ўғилларнга, ё ўзларининг оға-иниларига, ё ўзларининг оға-иниларига, ё оға-иниларининг ўғилларига, ё опа-сингиларининг ўғилларига, ё ўзлари каби аёлларга, қўл остидаги чўриларга, ё аёллардан беҳожат бўлган, яъни*** *жуда* ***кексайиб қолган ёки ақлсиз-девона эркак хизматкор қўлларга, ё аёлларнинг авратларидан хабардор бўлмаган гўдакларгагина кўрсатишлари жоиздир.*** **(ТМ). Сўзнинг такрорланиши маънони янада кучайтиради:** ***Ўйлари эса ҳаётдан жуда-жуда олис бўлади*** **(ТМ). Ҳаракатга нисбатан субъектив муносабат ифодаланади:** ***Одамзот*** *айни* ***пишиб, етилиб кўз юммайди*** **(ТМ). Бу оттенка** ***роса*** **орқали бироз кучлирок ва муболағалироқ берилади ва мақтанчоқлик, мағрурланиш оттенкаси юзага чиқади:** ***Украинада очарчиликка қарши курашиб,*** *роса* ***тажриба тўплаганмиз*** **(ТМ).**

Ҳаракат белгисининг кучайтирувчи ва равиш вазифасини бажарувчи ***ҳар қанча, ҳарчанд, қанча*** **сўзлари ўзаро синонимик муносабатда бўлади:** ***Аммо-лекин биз совет халқи шугина қисқа вақт мобайнида оламшумул муваффақиятларни қўлга киритдик, бу билан бутун совет халқи, шу жумладан, озод Шарқ хотин-қизлари*** *ҳар қанча* ***фахрлансалар арзийди... озод Шарқ хотин-***

қизлари *ҳар қанча* ***фахрлансалар арзийди...*** **(ТМ).** ***Энасининг бу қилиқларидан уялган Али Қушчи*** *ҳарчанд* ***илтимос қилмасин, ялиниб-ёлвормасин, ҳатто қаттиқ-қуруқ сўзламасин, фойда бермас, Тиллабиби: "Бўталоғим!" деб қичқирганича орқасидан югургани югурган эди...*** **(ОЁ). Аммо *ҳар қанча* услубларарo нейтраллиги, *ҳарчанд* бадиий бўёқдорлиги билан ўзаро фарқланади. Бир маъноси билан уларга синоним бўладиган *қанча* сўзи ҳам услубий жиҳатдан нейтрал ҳисобланади: *Ҳа, у ўз умрида*** *қанча* ***хатолар қилмасин,*** *қанча* ***янглишмасин, илм-маърифат йўлида қирқ йил қилган меҳнати зое кетмабди*** **(ТМ).**

Ҳаракатнинг белги-хусусиятларини англатувчи равишлар силсиласида *ҳеч, асло, асти, сира, мутлақо, зинҳор, бутунлай, ҳаргиз, тақир, заррача, тирноқча* синонимик қатори ҳам салмоқли ўрин тутади. Улардан *ҳеч* барча услубларда фаол қўлланилади: ***Баҳоримга ёғгач*** *ҳеч* ***эримас қор, / Гулдай шеър ёзмадим атрлар сочиб...*****(Зулфия. Кечир ёшлик).** *Ҳеч* ***баҳор, тупроқда уйғониш / Ўтдими қалбимнинг ёнидан?*** **(Зулфия. Кечир, баҳор).** ***У кўнглига тугиб қўйган гапларини айтишга ийманар, бу гаплар усиз ҳам аранг ўтирган отасининг ўксик руҳига озор беришидан чўчир, айни замонда Қаландар Қарноқийнинг сўзлари ёдидан*** *ҳеч* ***кўтарилмас эди*** **(ОЁ).** ***Асло, ҳаргиз*** **поэтик услубга,** ***асти*** **сўзлашув услубига хос:** ***Дердим*** *асло* ***ўлмас бургут босган из. / Шу қайрилмас қанотларда учабер*** **(Зулфия. Қишлоқ врачи).** ***Қаро ер бағрига эссиз, бу дўстга алвидо денглар, / Чироғинг учмагай*** *ҳаргиз,* ***яшайсан биз аро денглар*** **(Зулфия. Дўстга марсия).** ***Эндиликда у шарманда қиз, /Келинликка ярамас*** *ҳаргиз!* **(Зулфия. Зайнаб ва Омон). –** *Асти* ***қўйинг, минг шукур, /Туғади офат – уруш*** **(Зулфия. Икки ўртоқ).**

Ҳеч, асло, сира, ҳаргиз **сўзлари ўзаро синоним бўлади:** ***Умри жовид йўқдир*** *асло* ***устивор олам аро, Кетди кўплар, биз кетурмиз, топқусен сен ҳам фано*** **(ОЁ)-** ***Умри жовид йўқдир*** *ҳаргиз* ***устивор олам аро, Кетди кўплар, биз кетурмиз, топқусен сен ҳам фано.. У Амир Камолиддинга ишонар, унинг қалъа калитини шаҳзодага қаршиликсиз топширишини*** *сира* ***кутмаган, чунки уни ўзининг энг содиқ амирларидан бири деб ўйларди!..*** **(ОЁ) -** ***У Амир Камолиддинга ишонар, унинг қалъа калитини шаҳзодага қаршиликсиз топширишини*** *ҳеч* ***кутмаган, чунки уни ўзининг энг содиқ амирларидан бири деб ўйларди - У Амир Камолиддинга ишонар, унинг қалъа калитини шаҳзодага қаршиликсиз топширишини*** *асло* ***кутмаган, чунки уни ўзининг энг содиқ амирларидан бири деб ўйларди.***

Зинҳор **бадиий услубга хосланган:** ***Нигоҳим йўлдадур, келгайми деб,*** *зинҳор* ***билмайсен, Кўнгил оҳин билурми деб, кутармен, ёр, билмайсен*** **(ОЁ). Бу сўз такрор қўлланиб, жуфтлашганда инкор оттенкаси яна ҳам кучаяди: –*Амир Темур***

тошлари... эҳтиёт бўлмоқ керак... *зинҳор-базинҳор* ***эҳтиёт бўлмоқ керак*** **(ОЁ).**

Бутунлай **ва** ***мутлақо*** **равишлари синонимик муносабатда бўлади, аммо** ***бутунлай*** **оғзаки,** ***мутлақо*** **эса китобий мазмунга эга:** ***Ҳа, мавлоно Муҳиддин расадхонанинг энг пастки ошёнасида ўтириб, бу ғаройиб олат ва устурлоблар ёрдамида кўкка тикилганда фоний дунё ташвишлари хаёлидан*** *бутунлай* ***кўтарилар, дили бўлакча бир завқ ва ҳайратга тўлар, назарида, ҳудудсиз коинот билан, аллақандай илоҳий кучлар билан, милт-милт ёнган сирли ситоралар билан узоқ ва осуда суҳбат қилар эди...*** **(ОЁ) -** ***Ҳа, мавлоно Муҳиддин расадхонанинг энг пастки ошёнасида ўтириб, бу ғаройиб олат ва устурлоблар ёрдамида кўкка тикилганда фоний дунё ташвишлари хаёлидан*** *мутлақо* ***кўтарилар, дили бўлакча бир завқ ва ҳайратга тўлар, назарида, ҳудудсиз коинот билан, аллақандай илоҳий кучлар билан, милт-милт ёнган сирли ситоралар билан узоқ ва осуда суҳбат қилар эди...***

Ўзаро синонимик муносабатда бўлган ***жуда, ғоят, ғоятда, бағоят, ниҳоятда, бениҳоя, ашаддий, ўткетган, тоза, роса, хўп(хўб), бирам, чунон, беқиёс, мислсиз, обдан, ўбдан, чандон, зап, кўп, ўта, уввло, бисёр, ёмон, камоли, киройи, ўлгу(н)дай, ўлардай, ўларча, қаттиқ*** **сўзлари ҳам ҳаракатга боғлиқ бўлган белги-хусусиятларни кучайтириб, ошириб кўрсатишга хизмат қилади:** ***Аммо Шароф Рашидовни гапларидан*** *ғоят* ***таъсирланди*** **(ТМ).** ***Ким бўлса-да,*** *хўп* ***айтиб эди*** **(ТМ). Бу равишлар баъзан оғзаки нутқда қаватланган ҳолда ёки юкламалар билан биргаликда келади ва улар ёрдамида ҳаракат белгисининг экспрессивлиги яна ҳам ортади:** ***Суви*** *тоза ҳам* ***тиниқ оқди.*** *Жуда ёмон* ***яраланди! – деди Ботир фирқа*** **(ТМ)**

Пайт маъносини ифода этадиган ***бирпас, бир оз, озгина, андак, сал, пича*** **сўзларида ҳам белгининг даражасини кўрсатиш хусусияти мавжуд. Масалан:** ***Ўз эл-юртингиз эмасми, одамга*** *пича* ***ботар экан. - Вақт*** *пича* ***ўтибди, – деди Ботир фирқа. –*** *Пичагина* ***ўтибди. - Мен*** *пича* ***айта оламан, ўртоқ Рашидов. - Пича тийилсанг-чи, қанақа боласан, ўзи? Аниғи,*** *пича* ***ўтиргиси келди*** **(ТМ).**

Ўзбек тилидаги ***атайлиб, атай, атайин, атайдан, жўрттага, жўртта, махсус, қасддан, азза-базза*** **сўзлари ҳаракатнинг нима мақсадда амалга оширилганлигини билдиради. Улардан** ***атай*** **негизидаги равишлар ва** ***жўрттага*** **равиши оғзики нутққа,** ***махсус*** **ва** ***қасддан*** **эса китобий нутққа хосланган. Синонимик муносабатлар эса қуйидагича: атай, атайлаб – жўрттага:** ***Оч нигоҳинг тушсин деб*** *атай,* ***/ Аланганинг гулидай чақнай*** **(Зулфия. Йўлдаги инсонга).** *Атайлаб* ***тош емагандир, ахир! Қурбоной хола атай гапни бошқа ёққа бурди.*** **(ЎХ). У** жўрттага

"султони соҳибқирон", деди ва бу гапи шаҳзодага ёққанини сезиб, давом этди (ОЁ). ***Махсус*** **ва** ***қасддан*** **сўзлари ҳам синонимик муносабатга киришади. Аммо** ***қасддан*** **нинг ўрнида** ***махсус*** **ни қўллаши мумкин бўлган ҳолда,** ***махсус*** **нинг ўрнида** ***қасддан*** **қўллаб бўлмайди:** ***Эрта-индин совуқ тушса, ўқувчилар ўртасида норозилик кайфиятини туғдириш учун*** *қасддан* ***шундай қилди. Башарти совет печкасини*** *қасддан* ***бузган тақдирда ҳам уни тарбиялаш керак*** **(ЎХ).** ***У тўртинчи курс давомида-умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўрганиш жараёнида, шунингдек, мазкур стандартдаги уни бажаришга ажратилган*** *махсус* ***вақт мобайнида бажарилади*** **(ДТС).** ***Ўлик ташийдиган махсус самолёт бўлади, дейишади. Ўлик ташийдиган*** *махсус* ***самолёт бўлади, дейишади*** **(ЎХ). Шунинг учун ҳам маъно оттенкасига кўра** ***қасддан*** **кўпроқ** ***атай*** **ўзакли сўзларга яқин: -** ***Йиғлама, - деди раҳми келиб. -*** *Атайлаб* ***қилмадим-ку, жинни! Отинг нима?*** **(ЎХ) -** ***- Йиғлама, - деди раҳми келиб. -*** *Қасддан* ***қилмадим-ку, жинни! Отинг нима?*** **Аммо бу қоидани ҳамма ҳолатларга ҳам қўллаб бўлмайди:** ***Қизча ҳам илтижо қилади чунон. – / Раҳмат Ҳурилиққо,*** *атай* ***келамиз*****. (Зулфия. Қуёшли қалам).** ***Атайлаб*** **сўзи** ***махсус*** **га синоним бўлиши мумкин:** ***Ҳовли ўртасида бир вақтлар дадам*** *атайлабдан* ***Бешариқдан қавас қилиб олдириб келган қўқонгуллар яшнаб ётибди*** **(ЎХ) -** ***Ҳовли ўртасида бир вақтлар дадам*** *махсус* ***Бешариқдан қавас қилиб олдириб келган қўқонгуллар яшнаб ётибди.***

Айрим мисоллар таҳлилида равиш сўз туркумига оид ясама сўзларда ҳам синонимик муносабатлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Масалан бу ҳолат *-ларча, - ларчасига* қўшимчалари ўртасида кузатилади. Бу имконият форс-тожик тилидан кириб келган *–она* қўшимчасининг бу сафга қўшилиши билан янада кенгаяди Бу қўшимчанинг ўзбек тилидаги *–лар* ва *–часига* қўшимчаларига тенг келиши илмий адабиётларда қайд қилиб ўтилган.[25] Дабдурустдан қараганда шундайлиги ҳам тўғри. Аммо қатор мисолларни таҳлил қилиб, тил фактларини меъёр призмасидан ўтказа бошлагандан сўнг бу қарашнинг айрим изоҳталаб ўринлари ҳам маълум бўлиб қолади. Мисолларга мурожаат қиламиз: *айёрона – айёрларча – айёрча - айёрчасига, беадабона – беадабларча, биродарона – биродарларча, баҳодирона – баҳодирларча, ботирона – ботирларча – ботирчасига, гўдакона – гўдакларча – гўдакчасига, дўстона – дўстларча – дўстчасига, золимона – золимларча, иблисона – иблисчасига – иблисларча, мағрурона – мағрурларча, мардона – мардларча – мардчасига, мастона – мастча, мағрурона – мағрурчасига, моҳирона – моҳирларча – моҳирчасига, паҳлавонона – паҳлавонларча, тажаввузкорона – тажаввузкорларча, фирибгар – фирибгарларча –*

[25] **Ўзбек тили грамматикаси, 1 том, 532-бет.**

фирибгарчасига, фақирона – фақирларча, хоинона – хоинларча, қаҳрамонона – қаҳрамонларча – қаҳрамончасига каби вариантлар тилимизда яшаб келаётганлиги имло луғатларда қайд этилган. Аммо *адибона, бадбахтона, бетарафона, донишмандона, дилбарона, диловарона, девкорона, жоҳилона, жиноятkорона, жасурона, зоҳидона, заифона, иғвогарона, исёнkорона, камтарона, лутфkорона, мулойимона, маъсумона, мажнунона, музаффарона, маккорона, мутакаббурона, муғомбирона, маъюсона, намойишkорона, ожизона, одилона, ошkорона, оқилона, пайғамбарона, разилона, риёkорона, ситамkорона, санъаткорона, ташаббускорона, такаббурона, фидокорона, холоскорона, хиёнаткорона, холисона, эҳтиётkорона, ғойибона, ғолибона, ғарибона* каби сўзларга *–ларча, -часига* қўшимчаларининг қўшилишини ўзбек тили ва имло ва морфем луғатларида учратмадик. Бундан ана шу сўзлар доирасида улар синоним эмас экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Фақатгина шу нарсани таъкидлаш зарур бўладики, мисоллар таҳлилида бу уч қўшимча синонимиясида нутқий меъёр асосий ўринга чиқиши маълум бўлиб қолади.

Бошқача айтганда, бу сўзларнинг деярлик барчасига, фақатгина *ошkор* ва *ғойиб* сўзларини истисно қилган ҳолда, *-ларча* қўшимчасини қўшиш тўғри бўлади ва уларнинг ишлатилишини меъёр ҳисоблаш мумкин. Лекин *–часига* қўшимчаси ҳақида бу гапни айтиш ҳамма вақт ҳам тўғри эмасдай кўринади. Масалан, биз нутқимизда сўзларни, гарчи грамматик жиҳатдан қўпол хато ҳисобланмаса-да, *бадбахтчасига, бетарафчасига, гўдакчасига, дадилчасига, жоҳилчасига, заифчасига, муҳибчасига, мулойимчасига, масъумчасига, музаффарчасига, маъюсчасига, намойишkорчасига, ожизчасига, ошkорчасига, оқилчасига, олимчасига, разилчасига, ситамkорчасига, тажаввузkорчасига, хоинчасига, холисчасига, ғойибчасига, ғарибчасига* тарзида қўллашга одатланган эмасмиз. Айрим ҳолатларда баъзи шахслар ва бадиий адабиёт тилида қўлланганда ҳам уларни оммалашган, бинобарин, меъёрлашган деб айтиш қийин.

Бу қўшимчаларнинг ишлатилишида баъзан юқорида айтилганларнинг аксини кўриш ҳам мумкин. Мас.: *деҳқончасига, деҳқонларча* тарзида тилимизда фаол ишлатилиши билан бирга *деҳқонона* дейиш меъёрлашган эмас.

Уларга айрим мисоллар келтириш билан чегараланамиз: ***Учала ўғил ҳам сеники-ку! (Тангабекага*** *маккорона* ***жилмайиб қарайди)*** **(Зулфия. Ой тутилган тунда).** ***Бу кўргиликлардан юраги лахча чўғ бўлган Қаландар, ўрнидан туриб кетди,*** *телбаларча* ***атрофига тикилиб, яна ўтирди*** **(ОЁ).** ***–Хушомадни биласен, тулки!–деди шаҳзода*** *мастона* ***кулимсираб*** **(ОЁ).**

Бу қўшимчалар ёрдамида ясалган сўзларда услубий чегараланиш мавжуд. ***–ларча, -часига*** **оғзаки,** ***-она*** **китобий**

оттенкага эга. Масалан, расмий услубда: *Яъни, бировга кўр-кўрона ишониб, кўр-кўрона кафиллик бера олмайди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат тест маркази билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини,*
***уларнинг маънавий-руҳий фазилатлари ва интеллектуал ривожланиш савияси қонунчиликда белгаланган танловнинг ҳарбий-касбий мезонларига қатъий мувофиқ равишда ўрганиб чиқилишини таъминласинлар* («Зарафшон»). Бадиий услубда: *Абдуллатиф аъзойи баданига роҳатбахш бир нарса таралаётгандай бўлиб, мастона сузилган кўзларини очди, очди-ю, ҳайрон бўлиб қолди. Бу қиёмат-қойим босилгунча шаҳардан чиқиб, ғарибона кун ўтказиб турмоқ даркор, – Мирюсуф Хилватий шундай деди-да, елкасидаги хуржунини тўғрилаб, қаршидаги тор кўчага кириб кетди. Шаҳзода бир неча бор расадхонага пинҳона бориб, бу китобларни кўздан кечирган эди* (ОЁ).**

Таҳлиллардан шу нарса маълум бўладики, равишларда ҳаракатнинг алоҳида белги-хусусиятларини кўрсатиш билан биргаликда, бу хусусиятларни сўзловчи ёки ёзувчининг бу ҳаракатларга субъектив муносабатини ифода этувчи имкониятлар ҳам мавжуд. Бир ҳаракат белгисини кўрсатадиган ёки равишлар ясайдиган қўшимчаларнинг бир неча вариантлари мавжуд бўлиши уларнинг синоним тарзда қўлланилиши ва бу қўлланилишда стилистик оттенкаларнинг фарқланиши ҳамда услубларо хосланишини кўрсатади.

Адабиётлар

1. *Асадов А.* Равиш сўз туркуми ва унинг таркиби ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, 2-сон, 53-55-бетлар.

2. *Абдуллаев А.* Маънони кучайтиришнинг морфологик усули // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 1-сон.

3. *Асадов Т.* Сўз туркумлари тизимида равиш: Филол.фан.номз. …дис.автореф. – Тошкент, 2009. –23 б.

4. *Аъламова М.* Орттирма даража формаларининг семантик-стилистик хусусиятлари // ТошДУ илмий асарлари тўплами, № 648. – Тошкент, 1980, 61-65-бетлар.

5. *Кононов А.Н.* Грамматика современного узбекского литературного языка. Морфология – М.Л., 1960.

6. *Фузаилов С.* Ҳозирги замон ўзбек тилида равиш ясалиши // Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари. Филология фанлари, II китоб, "Ўзбек тили масалалари". – Т.: САГУ нашриёти, 1957.

7. *Фузаилов С.* Азалий (туб) равишлар ҳақида // Научные труды ТашГУ, вып.260, Языкознание. – Ташкент, 1964.

8. *Фузаилов С.* Наречие в современном узбекском языке: Автореф. дис... канд.филол.наук.- М.,1953.

9. *Фузаилов С.* О наречии в современном узбекском языке // Труды Среднеазиатского госуниверситета, Новая серия, вып. XXIV, Филологические науки, кн 1. – Ташкент, 1952.

10.*Фузаилов С.* Ўзбек тилида равиш ва унинг сифат билан муносабати // Совет мактаби, 1956, 1-сон.

11.*Фузаилов С.* Ўзбек тилида равишлар. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар.- Тошкент: Фан, 1953.

12.*Хўжаев Т.* Яхши типидаги сўзларнинг адвербиализация процессига доир // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1961, 3-сон.

13.Ўзбек тили грамматикаси, I том. – Тошкент: Фан, 1975. – 612 б.

14.*Ҳамдамов П.* Ўзбек тилидаги ўлчов-миқдор сўзлари ҳақида // Ленинобод педагогика институтининг илмий асарлари, XXIII. Тил ва адабиёт масалалари. – Ленинобод, 1967.

+++

Феъл. **Феъл. Ўзбек тили сўз туркумлари орасида стилистик жиҳатдан энг эътиборга лойиғи феъл бўлиб ҳисобланади. М.Н.Кожина: “Шунинг учун ҳам феъл шаклларининг қўлланиш частотасига кўра илмий ва расмий нутқ сўзлашув ва бадиий нутққа бирмунча қарама-қарши қўйилади” (*Кожина М.Н.* Стилистические ресурсы русского языка как предмет исследования лингвистической стилистики.** Глава вторая**. Дата индексирования:** 30.11.2004**. 120 Kb -** http://syrrik.narod.ru/kozhina.htm**).**

Расмий нутққа расмий характердаги оборот характерли: *таширив буюрмоқ, ҳозир бўлмоқ, иштирок этмоқ, маълум қилмоқ, эътироф этмоқ, камчиликларни бартараф этмоқ* ва ҳоказо.

Бадиий, оммабоп ва сўзлашув услубларида ҳаракат феъллари кўп учрайди ва отли қурилмалардан қочилади. Илмий нутқда гап предметларнинг, қонуний ҳодисаларнинг доимий белгилари ва сифатлари ҳақида кетганлиги ва тасвир асосий ўринни эгаллаганлиги учун уларда тил тизимидан тегишли лексемалар ва феъл бирликлари танлаб олинади. Масалан, айнан илмий услубда ҳозирги замонда қўлланиладиган ҳолат феъллари нутқ пайтидаги сўзлашув-маиший нутққа хос бўлган динамик ҳолатни эмас, балки сифатни билдиради: *Сув аллақачон қайнаяпти - Сув 100 градусда қайнайди.*

Турли феъл категориялари ва шаклларининг стилистик хусусиятлари уларни функционал услубларда қўллаш даражаси

билан белгиланади. Масалан, бошқа услубларда экспрессивлиги ва эмоционаллиги аниқ кўриниб турадига ва кенг қўлланиладиган буйруқ шакли илмий ва расмий услублар учун ҳос эмас. Бу майлнинг айрим шаклларини (мас., *син*) фармонлар, қарорлар ва буйруқларда учратиш мумкин.

Феълнинг грамматик кўрсаткичлари ўртасида синонимия кучли. Масалан замон кўрсаткичлари. Улар бири ўрнида иккинчиси қўлланилаверади. Бадиий услубда бу шаклларнинг турли кўринишлари учратиш мумкин. Аммо илмий ёки расмий услубларда бу имкониятлар чегараланган. Ҳатто бу услуб доирасидаги фанларга қараб ҳам бу қўлланишлар чегараланиши мумкин. Биология фани билан тарих фанидаги баён услуби бир бирларига ўхшамаслиги мумкин.

Шахс кўрсаткичлари синонимияси ғоятда кучли. Улар нутққа қўшича маъно беради, экспрессивликни оширади.

Феъл замонлари кўрсаткичлари ҳам стилистикада қизиқиш уйғотади. Ҳозирги замон шаклининг қўлланиши бадиий, расмий ва илмий нутқларда фарқланади.

“Турли туман замон маънолари гаммаси бадиий нутқ учун характерли, бироқ улар одатда илмий нутқдан фарқланади”. Бу ерда тез-тез ҳозирги-тарихий ёки жонли тасвирга хизмат қиладиган ўтган замон фонидаги шакллар қўлланилади.

Бадиий ва сўзлашув услубида айниқса ўтган замон шаклларининг маъноси ва вазифаси турли-тумандир.

Феъл майллари синонимияси ҳам маҳсулдор.

Равишдош ва сифатдошлар китобий характерга ва оттенкага эга. Тантанаворлик.

+++

Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ.
Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи,
1983. -248 б.

Замон. **«Контекстуал ва ситуатив маъно реал маънога (форманинг одатдаги маъносига) мос келмай қолиши натижасида маънода кўчиш юз беради, яъни маълум форма ўзи англатиши керак бўлган мънони эмас, балки бошқа маънони ифодалаш учун хизмат қилади» 128.**

Фикр: Феъл замонларидаги маъно кўчиши ва орқали маълум стилистик мақсадларнинг юзага чиқиши бадиий матнларда яққол кўзга ташланади. Сюжетли бадиий асардаги воқеалар одатда ўтган замонда содир бўлган, аммо унинг тасвири турли замон шаклларида ифода этилади. (Мана шу фикр мисоллар билан тасдиқланади). Илмий ва расмий матнлардаги замон шаклларида бирмунча турғунлик ҳукмрон бўлади. Улар

асосан ___ замон шаклида ифода этилади. Лекин сўзлашув нутқининг замон шакллари ҳақида гапириш қийин, чунки оғзаки нутқда ҳар уч замон шаклининг баравар ишлатилавериши ушбу услубнинг ўзига хос хусусияти саналади.

+++

Ўтган замон кўрсаткичлари: *-ди, -ган эди, -(и)билан эди, -(а)р эди.* Китобда айтилишича, улардаҳаракат бажарилишининг аниқ ва аниқ эмаслик оттенкалари мавжуд. Ана шу оттенкалар фарқланмаганда уларнинг бири ўрнида иккинчисини ишлатиш мумкин. Мас.: *-ди* – ҳаракатнинг бажарилиш жараёнини, *-ган* бажарилиш натижасини кўрсатади. Бунинг устга *–ган* иш-ҳаракатнинг *–ди* га қараганда яна ҳам илгари бўлиб ўтганига ишора қилади. 129.

Синонимия: *-ди=-ган, -ди =-(и)б, -ди=-ган эди, -ган эди=-(и)билан эди, -ётган эди=-ётиб эди=-моқда эди=-(а)р эди=-гувчи эди*

Хосланиш: *-моқда эди* – китобий, расмий; *-гувчи эди* – сўзлашув.

+++

Ҳозирги замон кўрсаткичлари: *-ётир, -яп, -моқда.* Китобда айтилишича, улар ўзаро синонимик муносабатда бўлади. Оттенкалари билан фарқланади. *-ётир, -моқда* китобий, *-яп* оғзаки услубда. *–моқда* ҳаракатнинг узоқроқ давом этишини кўрсатади. Ҳамма вақт ҳам синоним бўлавермайди. *–моқ* даги расмийлик бунга йўл қўймаса керак. Синтетик шакл: *ишламоқда;* аналитик шакл *ишлаб юрибди. Ёт, тур, юр, ўтир* феъллари. Синонимия. *Бораяпман, бораман, боражакман, борадиганман.*

+++

Келаси замон кўрсаткичлари: *-р, -ар; -а, -й. келасан, келмоқчисан, келажаксан, келадигансан.*

+++

Мақолларнинг мазмунан ҳар уч замонга тегишлилиги.

Майл. **«Феълнинг майл формалари ҳаракат билан субъект алоқасининг объектга муносабатини билдиради». 132. Феъл майлларининг ҳар бири ўз грамматик кўрсаткичига эга ва улар модал маъноларни ифодалаши билан ўзаро фарқланади.**

Бири ўрнида иккинчини қўллаш ўзбек тили учун хос хусусият. (Ижро майли грамматик кўрсаткичга эга эмас).

Ижро майли. *Кечирасиз* – илтимос оттенкаси.

***Борасан, келасан* – буйруқ шакли ижро маъносида (ўзига нисбатан).**

***Олдик* – ижро шакли буйруқ маъносида.**

«Ваъда бердингми – бажар= ваъда берсанг - бажар» .

Буйруқ майли. Буйруқ шакли ижро маъносида: *-диринг=-дирибсиз; -син=-ади;* Фикр: бу каби майл алмашишлари бадиий

матнда катта эмоционал-эстетик эффект беради. Гумон: *-масин (олган бўлмасин* каби*).* Синонимия: *-син=-са, ишонинг=ишонсангиз ҳам.*

Шарт майли: *-са бўладими* (ижро маъносида), *-санг (из)* – буйруқ маъносида.

Шахс-сон. **Агенс- сўзловчи, адресат – тингловчи, нутқ жараёнида иштирок этмаган шахс. I шахс кўплиги – бирлик ўрнида= камтаринлик, манманлик, мағрурланиш, ўзини катта олиш оттенкалари. Камтаринлик – илмий услубда.**

Ўзига ўзи мурожжат қилиш (Улуғбек). III шахс шакли I шахс маъносида: *муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.*

«Баъзан сўзловчи тингловчига II шахсга мурожаатда I шахснинг кўплигидан фойдаланади, яъни *ишингиз қандай, соғлигингиз яхшими, яхши ухладингизми* дейиш ўрнига *ишимиз яхшими, соғлигимиз яхшими, яхши ухладикми* тарзида мурожаат қилади. Тингловчини ўзига қўшиб олдаи ва унинг кўнглини кўтаради. Бу хусусият оғзаки нутқ, бадиий асар тили учун характерлидир». 136.

II шахс кўплиги – ҳам кўплик, ҳам ҳурмат.

II шахс бирлик кўплик ўрнида – *ҳеч қайсинг кетмайсан, кетсанг, кўрадиганингни кўрасан.*

II шахс бирлиги I шахс бирлиги ўрнида.

***Одам, киши* сўзларининг иштироки.**

III шахс ўрнида II шахс (у иштирок этмаётган бўлади) – *Сен ўзинг кимсанки, бунчалик гердаясан.*

III шахс кўплиги III шахс бирлиги ўрнида: кесатиш – *ўзлари ҳам қўйил қилдилар* (мана шу гап II шахс қаратилган бўлиши ҳам мумкин), ҳурмат – *устоз келдилар.*

III шахс кўрсаткичи I шахс бирлиги маъносида: *мен сабрсизлик билан кутар, у эса келишни сира ўйламас эди.* Китобда қуйидаги мисол келтирилган: *Устод! Онҳазратим сизни ғанимлар кўзидан йироқ бўлсин дедилар, камина ўзим бориб келур*…(ОЁ).137. Бу гапга танқидий муносабат билдириш лозим. Чунки гапда *келур* аслида I шахс бирликда, у фақат грамматик жиҳатдан шаклланмаган холос.

Поэзияда: III шахс кўплиги II шахс бирлиги ўрнида: *Роҳат кўриб ўсди қайси биринғиз?* (Ҳ.Олимжон).137.

III шахс кўплиги II шахс бирлиги ўрнида ёки кўплиги ўнида (ҳурмат). Масалан: *Нозик кўнгиллари нимани хоҳлайдилар, а?*

III шахс шакли II шахсга қарата. Масалан: *овора бўлмасинлар, овора бўлмасинлар.*

Бўлишсизлик. **Кўрсаткичи: *-ма.* Инкор орқали тасдиқни ифодалашда стилистика бор. Масалан риторик сўроқ. *Кўра била туриб, қандай индамаслик мумкин? Ким чидаб тура олади?* каби.**

Оҳангнинг роли катта бўлиши мумкин: *Ойлик олдинг? Балони оласан!*

Бўлишсизлик шакли такрор қўлланса тасдиқ маъноси келиб чиқади. *Олмай қўймади. –ма+йўқ* да ҳам= *гапирмаган одам йўқ.* Плеонастик тарзда қўлланса: *одамман, одаммасман.*

«Ҳозирги ўзбек тилида инкор маъноси *йўқ, бе-, но-, на, -сиз* каби сўз ва морфемалар воситасида, тасдиқ *эга, бор, тўғри, ҳам* ва бошқа воситалар билан ҳам ифодаланади».139. *Бор, йўқ* сўзлари махсус оҳанг ёрдамида бўлишли-бўлишсизликни ифодалайди: *бу хонадонда жанжалдан бошқа нима бор? Дастурхон устида нима йўқ, дейсиз* каби.

Сўроқ тасдиқни, бўлишсизлик шакли бўлишлиликни билдиради: *сизни ҳурмат қилишга асос қолдими?*

Бўлишсизлик *на…, на* ёрдамида: *На кулди, на қатра тўкди ёшини* (А.Орипов).

***Вақтида келдимми – вақтида келмадимми.* Бу ҳам махсус оҳанг талаб этади.**

==========

Содиқова Мақсуда. Феъл стилистикаси. –
Т.: Фан,1975. – 108 б.

Ишнинг I бўлими «Феълнинг грамматик категориялари ва уларнинг стилистик хусусиятлари» деб номланган.

Дастлаб феъл майлларининг стилистик хусусиятлари таҳлил этилган. Муаллиф бошқа илмий манбалар ва дарсликлардагидан фарқли ўлароқ феъл майлларини бешга бўлади: баён-дарак майли, буйруқ майли, шарт майли, мақсад майли, гумон-тахмин майли.

Буйруқ майли **соф буйруқдан ташқари яна бир қанча модаллик маъноларини ифодалай олади.**

Фикр: Соф буйруқ майлидаги феъл ҳаракатнинг бажарилишига қатъий ундаш билан боғлиқ. Бу фақат ўзакдан иборат бўлган феълларда аниқ сезилиб туради: *тур, ўтир, юр* каби. Қўшимчалар қўшилган ҳолатларда маънода кенгайтиш юз беради, яъни сўз ҳам вазиятга қараб, ҳам соф буйруқни, ҳам бошқа қўшимча оттенкаларни ифода этиши мумкин. Масалан: *боринг, бажаринг* каби сўзларни иккин маънода - ҳам буйруқ, ҳам илтимос маносида тушуниш мумкин. Унинг қандай маънода эканлигини оҳанг ҳал қилади. Агар урғу биринчи буғиндаги урғуларга тушса, сўз буйруқ оҳангини, сўз охиридаги бўғинга тушса илтимос маъносини англатади.

-син* англатадиган маънолар кўлами кенг. У расмий услубда соф буйруқ маъносини англатади: *Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Республика Маънавият ва маърифат

кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот марказига *айлантирилсин.* ***Қуйидагилар Республика Маънавият тарғибот марказининг асосий вазифалари этиб*** *белгилансин.* **(Президент қароридан).**

Феъл таркибида *деб, учун* сўзларининг иштирок этиши *–син* шаклли феълнинг буйруқ оттенкасини ўзгартириб юборади.

Уларни содиқ бўлсин десанг**, қиличингни илгингда маҳкам ушла! Бошимга** не мусибат тушмасин **сендан нолимаймен, билъакс, минбаад шукрона айтамен. "Фуқаро** кўрмасин **дейдур!"– Мирзо Улуғбек юрагида кўтарилган аламли туғённи ичига ютиб, Муҳаммад Хисравнинг уст-бошига разм солди. Онҳазратим сизни ғанимлар** кўзидан йироқ бўлсин дедилар**, камина ўзим бориб келур... Қочсин, шаҳзода одамларининг кўзига тушмасин дебди! Зеро, муслималар ҳам** ўқисин деб**, уларни йўлдан уриб, гуноҳга ботгандур! (ОЁ)**

Шундай экан, ўшанда ўртоқ Ражабов рапорт ёзмасин эди**! Кейин сўзидан** қайтмасин эди**! Яшасин ва яшнасин, Улуғ Октябрь социалистик революцияси! Яна қочиб чиқиш қулай** бўлсин учун**… эшик олдироғидан жой олди. (ТМ)**

Бу дунёда роҳат кўрмади, ақалли у ёқда тинч ётсин **шўрлик! “**Йўқолсин **текинхўр бой ва эшонлар!” деган хитоблар янгради.** Нима қилсин **деҳқон! Қишлоқда сут** айнимасин деб **ичига қурвақа солиб қўйишарди.** Ким билсин **тағин... Илоё Қуръон** урсин **сени, билдингми? — Фотима кўзлари ўтдек ёниб Соатга чақчайди-да, тиззаларига шапатилаб, фарёд солди: — Қуръон урмаса, розимасман. Онам рози** бўлсин **десанг, ҳар куни хат ёз Шаҳнозага! Бунақа пайтда ўқ ўтмас нимча у ёқда** турсин **комбинезон ҳам ортиқчалик қилиб қолади. Аммо** қаёққа борсин **ярим кечада? Кечаси бўлган воқеани эсламасликка ҳарчанд** уринмасин **аясининг зор қақшаб йиғлагани, анави “Соат ака”нинг дағдағалари ёдига тушиб, юрагига ваҳима ўрмалади. — Нима? Болалар?! — Комиссар квартирага ўрнатилиши эҳтимол бўлган “қулоқлар” ёки пастда, йўл четида пойлаб турган машинадаги “локатор”** эшитсин учун **овози борича ҳайқирди: — Итдан бўлган қурбонликка ярамайди! Жиллақурса, кафтдек бошпана** берсин **менга. (ЎХ)**

Бугун бир бор сийласин мени! / Кўзларимни тарк айласин хоб, Хаёлимда кўрайин сени... (М.Али. Сени соғинганда). Уларга не керак, не керак энди, / Ахир ёш жонингга қилишсин шафқат! (М.Али. Ирмоқ).

Фикр: матнда юзага келаётган эффектни фақатгина майл кўрсаткичларига боғлаб қўйиш тўғри эмас. Масалан юқоридаги мисрада илтимоснинг юқори даражаси бўлган илтижонинг

берилишида *не керак* жумласининг такрорланиши, *ахир* юкламасининг келтирилиши ҳам маълум даражада рол ўйнаган.

Қушлар юраверсин озод фазода, / Шамол елаверсин арзу самода (М.Али. Сенга бағишланган сонетлар). Кўнглин асрасинми, ё ёзсинми шеър, Қай бирига етсин биттагина қалб? (М.Али. Шоир). Тошни олсин, фармон этсин лашкарга, Ланка ёққа келсин энди валломат! (М.Али. Сита). Онт ичай: гар сенга жилмайиб боқсам, Битсин ўшал заҳот бахтли кунларим! (М.Али. Ситанинг қасами). (шарт ва буйруқ майли шаклларининг матнда параллеллик ҳосил қилиши). Ҳар кишини дарди бўлса, йиғласин ёр олдида, Қолмасун армон юракда, этсун **изҳор олдида. (Машраб). Укажон, сенга бир дилдор учрасин, Масиҳо нафасли нигор учрасин! (мисранинг охирига олиш, уни олти қаторлик беш бандли шнърнинг ҳар охирги икки қаторида такрорлаш). Кимларга ҳам бориб дод десин энди, Қайларда ҳам кезсин қон-қора қақшаб? (М.Али. Машраб). Қайдан билсин буни йигитлар? Одими шер, шаҳди бургутлар? (М.Али.Сукунат).**

Бундан ортиқ яна қанақа ҳукумат бўлсин**? (ТМ)**

Шарт майли. ***–са*** **қўшимчасини олган феъл шакли шарт маъносини ифодалайди. Оттенкалари: истак, хоҳиш, орзу, илтимос. Лекин *билиб қолсам, кўрадиганингни кўрасан,* дейилса феъл шакли уларнинг биронтасини ҳам ифода этмайди, балки сўзда экспрессив оттенка юзака келади.**

***-са* шаклли феъллар билан бирга *шояд, зора, қани, қани энди, кошки, кошки эди, нима қиларкан, нима қиларкин-а* каби ёрдамчи сўз ва иборалар қўшилиб ишлатилса экспрессивлик кучаяди.**

***-са ҳам майли, -са бўлди, -са бас, -са бўлгани* каби қолиплар ҳам экспрессияни кучайтиради.**

Шояд шундай бўлса**! Шояд!–Мавлоно Муҳиддин, дилида туғён, кўз олдида қандайдир туман, гўё калима келтираётгандай "шояд" сўзини такрорлай-такрорлай, расадхонага етганини ҳам билмай қолди. Кошкийди, кўзим кўр** бўлса-да**, сени** кўрмасам**!.. О, кошкийди, ҳозир шаҳзода бу машъум фитнани** очса**, унинг тепасида турган барча ғанимларни** тутса**?**

(Қани, ортимдан юр, сенга айтадурғон яна бир сўзим бор!–Мирзо Улуғбек рўпарадаги саломхона эшигини очиб, ичкарига кирди. Қани, юқори ўт! (ОЁ). Қани! Айт, кирсин!..Мисолдаги *қани* сўзида даъват маъноси мавжуд. Иккинчи мисолларда у буйруқни кучайтирувчи қўшимча воситага айланади).

Майли, урса ҳам майли**. Сув яна озгина оқизиб** борса бас**. (ЎХ)**

Насиб қилса **бўлиб қолар, эна... Оғу** бўлса бўлсин**! Алҳол ўз ҳолимга** қўйса **бўлмасму? Бу нобакор шаҳзоданинг қўл остидан чиққунча бирга бўл** деса **бўлмасмиди? Бу мунофиқ Сайид Аббос**

билан бадхоҳ амир Жондорга инонса **бўлурму Бу дарбадарлик, бу кўргиликлардан эзилиб, мусофирликда хор бўлиб юргунча ўша жанг-жадалда ўлиб** кетса **бўлмасмиди? Ҳар қалай, бу ҳибсхонага шукур** қилса **бўларди. Мана энди пок виждон билан Хуршида бонуни олиб ўз юртига** кетса **бўлади. (ОЁ)**

==

Ватаним Истиқлолга эришмаса**, бу асар дунё юзини кўрмас эди...(ЎХ).**

Иложсизлик, мураккаб чигал вазият, куйиниш, нозланиш, киноя,

илтимос, хушмуомалалик (Йўқ демасангиз, ота-онасиникига бир бориб келса);

масалаҳат: ***шу ишни қлимаса деган эдим.***

Таҳдид: ***қўл кўтариб кўрсин-чи, нима қилар эканман!***

— Адабингни бериб қўймасам**, — деди Гриша аламдан титраб. (ЎХ). "Ҳайронман, Шаҳноз, шу қор деган нарса** ёғмаса **кимнинг кўнгли қоларкин?" —деб гапни ҳазилга бурарди. Қайсар йигит экан, бир балони** бошламаса **гўргайди.** Вой ўлмасам**! — деди оёқ-қўлидан мадор кетиб. — Рустамжон-ку! (ЎХ). —** Бўлмаса**, манави протоколни эшитинг. Эскилари ҳам бир-бири билан ҳушига келса саломлашади, бўлмаса серрайиб, ўтиб кетаверади.** Бўлмаса **айтинг-чи, Шоматов жонига қасд қилиб, ўзини ерга ташлаган бўлса, уйдаги жиҳозларни ким синдирди? Мана** бўлмаса**! Гумон: Миллионер** бўлмаса**, "Чайка"ни қаердан олади булар! Ҳушингни жойига келтириб** қўймасам**, юрган эканман! СМЕРШ-чилар жасорат** кўрсатмаса**, ким билсин, нима бўларди бу ёғи! Вақти-вақти билан "тозалаш" ўтказиб** турмаса **эплаб бўладими бу турфа жамиятни! Мунча шўрпешона** бўлмасам**, Худойим! Ишонмасангиз, госпиталга ётқизиб текшириб кўринг. Ўшандаям таможняда олиб** қўймаса**! Мабодо "улар" икки-уч кун катта йўлдан юрмаса, демак, отишма бўлади...** ***Ажабланиш:*** **Ажал билан рўпара келсанг-да, қўрқмасанг!** ***Иккиланиш:*** **—** Билмасам**... Баъзан кечалари ўт қопим оғриб, тўлғаниб чиқаман.** ***Чорасизлик:*** -Билмасам**... — Онаси эгнига эски камзулини кия туриб тағин Аллоҳга тавалло қилди: — Ўзинг асра, яратган Эгам!** ***Билмаганда ҳам:*** **— Соат ака! Тўлаган акам туҳматга қолганини бошқалар** билмаса**, сиз биласиз-ку, барака топгур! Қўшқўллаб тиззасига шапатилай кетди: — Нима қилай ахир! Нима дей? Худога** ишонмасанг**! Қуръонга** ишонмасанг**! Биттаю битта боламни ўртага қўйиб онт ичсам ишонасанми?** Ҳеч бўлмаса **болаларини ўйламайдими, бадбахт?! Қишлоқда туриб сигир боқмаса, қанақа гап бу? — Ўлсин, аксига биттаям такси** учрамаса**! — деди мулойим жилмайиб. Отангни ёнига бадарға** қилмасам**... Унсур! (ЎХ)**

-са нима қипти? –са нима бўпти?

— Тинчлик бермаса нима қилай? Ёзуғи шу бўлса нима қилсин! (ЎХ.)

- Кунжара берсам, емаса **нима қилайин? Буни совет тузуми душманлари** эшитиб қолса **нима дейди? Бироргаси йиғлаб-йиғлаб, ёнғоқ остида…** ухлаб қолса **нима бўлади? Қафасда яшаётган каптарни** қўйиб юборса **нима бўлади? — Маккажўхори** бўлса нима бўпти**? — Собиқ** бўлса нима қипти**, собиқ** бўлса нима қипти**? (ТМ).**

Ажабланиш, ҳайратланиш, ҳаяжонланиш, тутоқиш, киноя, масхаралаш, ўкиниш, куйиниш, афсусланиш *наҳотки, мунчаш/бунча элементлари ёрдамида кучайтирилади.* Наҳотки, шу миттигина кета балиғичалик бўлмасак? «Наҳотки, партия ташкилотлари бефарқ қарайди? - ўйлади Ботир фирқа. — Наҳотки, коммунистлар сукут сақлайди?» (ТМ) - «Наҳотки, партия ташкилотлари бефарқ қараса? - ўйлади Ботир фирқа. — Наҳотки, коммунистлар сукут сақласа?»

Булар бунча бақиради? (ТМ) - Булар бунча бақирмаса?

Фикр: феълнинг майл шаклларининг ўзидангина стилистик оттенкаларни англаб олиш қийин кечади. Бу оттенкалар бутун гапдан англашилади. Феълнинг майл шакллари эса бу маънони кучайтириши мумкин.

Гумон, шубҳа, тахмин, ҳадиксираш маънолари *борди-ю, агар, бирдан* каби ёрдамчи воситалар ёрдамида амалга оширилади. Борди-ю**, ота-онаси, ёр-биродарларидан дуо ёҳуд истиғфор бориб** қолса**, бу марҳум учун дунёдаги барча нарсалардан маҳбуброқ бўлади. -** Агар ҳиди чиқса**, бештамиз ҳам манави ёққа борамиз.** Агар **феодализм замонида** бўлса эди**, Дилядай аёллар... бирор бойни ё ўнинчи, ё ўн бешинчи хотини бўлар эди, — деди Ботир фирқа. Шеърларида ҳаётдан нишона бўлса — ўлсин** агар**! (ТМ).**

***Мободо, яна* сўзлари билан биргаликда:** Мабодо **ошкор бўлиб қолса, ўша суицидчини... ўзини айбладик! (ТМ)**

У яна боягидай сирни очиш-очмаслигини ўйлаб қийналар, очай деса**, унинг юрагини қон қилишдан қўрқар,** очмай деса**... Бону бутун вужуди қулоқ бўлиб кутиб турарди.(ОЁ)**

Яна бирор кори-ҳол қилиб ўтирмаса гўрга эди!

***Тўсиқсизлик: -са бўлади.* Мана энди пок виждон билан Хуршида бонуни олиб ўз юртига кетса бўлади. Бу қоп-қора ҳарфлардан қандай қутулса бўлади? Бунинг синонимии: *ш мумкин.* Лекин айрим ҳужайраларни оддий кўз билан ҳам кўриш мумкин. Қовун, тарвуз, памидор сингари ўсимликларнинг мева эти ҳужайраларини лупа ёрдамида кўриш мумкин. С.Мустафаевнинг «Ботаника» дарслигидан олинган 35 бетлик парчада 18 марта қўлланган. Уларни тамойиллар деб аташ мумкин. (Р.Валижонов). Р.Валижонов ва бошқаларнинг «Менежмент асослари» китобидан олинган 39 бетлик парчада 19**

марта қўлланганлиги унинг илмий матнлар учун хос эканлигидан далолат беради.

-самикин/самикан/сами экан. **Ўзидан сўрасаммикин? Ё бир Москвага бориб келсаммикин? Кампирга айтсаммикин? Чин-да, битта мени кутиб ўтирадими? – деди. – Энди, қайтиб кетаверсаммикин?**

-са керак: **Офтоб ботган бўлса керак, теварак қоронғилашиб қолган, ҳаво совиб, яна кечагидай этни жунжиктирувчи изғирин бошланган эди. У ҳам соқолини тутамлаб, бир нуқтага тикилиб ўтирар, ўз юртини эслаб, ўксинган бўлса керак, сўник юзида теран бир маҳзунлик акс этарди. Тонг яқин бўлса керак, ҳар жой-ҳар жойда хўрозлар қичқирар, итлар ҳурар, эшаклар ҳанграрди. Хилватий янглиғ мунофиқлар кўп бўлса керакким, кеча энаси Тиллабиби яна келди, шаҳардаги ваҳималардан сўзлаб, уни бўйнидан қучиб узоқ йиғлади, уни ҳам шаҳардан чиқиб, бирор жойда яшириниб турмоққа даъват этди, ялиниб-ёлворди... (ОЁ).**

-са ҳам: **Тун ойсиз бўлса ҳам, юлдузлар акс этган фируза гумбазлари аллақандай кўкиш жило таратиб, ғалати ялтиллаб турар-ди. Қаердандир олисдан, Қусам ибн Аббос даҳмаси томондан тиловат қилаётган қорининг мунгли овози келарди. Нозанин ҳарир пуштиранг парда орқасида бош эгиб турган бўлса ҳам, Мирзо Улуғбек унинг бўлакча ҳуснидан, қайрилма қошларининг нафислиги, қирра бурнининг четидаги катта қора ҳоли, ёзилиб кетиб, оқ шоҳи кўйлагининг этагига тушган майин сочларининг хаёлий гўзаллигидан лол қолган эди.**

-са борми: **Мирзо Улуғбекка ўхшаб такаббур бўлса борми? (ОЁ). Агар аортага тегса борми, ҳозир яшикда ётган бўлардинг...(ЎХ).**

-са бўладими: **Петр Первийни генерали мана мен Кутузов деб, бошимга бир солса бўладими? (ТМ). Девор орасидан сирғалиб чиқса бўладими? Анави масала бўйича индинга борса бўладими? – қиёс. Худди шунинг устига анави аҳмоқ келиб қолса бўладими? Кўча супуриб турган жойида тутиб қолса бўладими? (ЎХ).**

-са майли: **Бошим ҳеч чиқмаса майли, маломат бирла бўҳтондан, / Фидо жонимни қилдим йўлингга, майли, увол бўлсам.(ҲО). Сен учун очилган, сенга деб уздим, / Ол,— дединг,— қўлингда сўлса майлига (Зулфия. Ҳижрон кунларида).**

-са эди: **Кимдандир қўрқув, нимадандир қўрқув: гап тегиб қолмаса эди. Шов-шув бўлиб кетмаса эди. Хўжайин билиб қолмаса эди. Ревизия келиб қолмаса эди. Охири вой бўлмаса эди...(ТМ). Агар феодализм замонида бўлса эди, Дилядай аёллар... бирор бойни ё ўнинчи, ё ўн бешинчи хотини бўлар эди, — деди Ботир фирқа. — Қайта қурувчилар... кулмаса эди, дейман-да? Шуни ҳаётида суицид содир бўлмаса эди, деб қўрқаман. (ТМ).**

Пайт маъноси: **Ёнига югуриб борсам, дадам ғойиб бўлиб**

қопти. (ЎХ)

Мақсад, ният маъноси: **Насиб этса, ўз юртимга омон-эсон борсам, Шаҳноза қизимнинг қўлидан албатта ош ейман. Худо насибамни қўшиб омон-эсон борсам, келинимни пешонасидан ўпиб, яна бир карра оқ фотиҳа бераман. (ЎХ).**

Бошқа маъно: **Майлими борсам?(ЎХ). Афғонистонга юборсам бўларкан –афсусланиш (ЎХ).**

Бўлса: **Кадр бўлсам, қонса чанқоқ ўлкам талаби (Зулфия. Қурдош қизга). Уйли бўлса, яйраб ёлчиса, / Яйраганан ўлмайин кўрсам. (Зулфия. Ҳожар). Тун ойсиз бўлса ҳам, юлдузлар акс этган фируза гумбазлари аллақандай кўкиш жило таратиб, ғалати ялтиллаб турар-ди. Насиб бўлса довонда учрашурмиз. Токи бу мушкул ишда суянган бир тоғим сен бўлсанг, бир тоғим мавлоно Муҳиддиндур... Илгари, Мирзо Улуғбек тахтда муқим ўтирган маҳалда улар тишларини тишларига қўйиб бўлса ҳам чидаб юришган эди. –Бу гапинг рост бўлса... шамларни ўчир,–деди маъюс кулимсираб.–Бир дақиқа бўлса-да, оғушингда дам олай, азизам. (ОЁ).**

Офтоб ботган бўлса керак, теварак қоронғилашиб қолган, ҳаво совиб, яна кечагидай этни жунжиктирувчи изғирин бошланган эди. У ҳам соқолини тутамлаб, бир нуқтага тикилиб ўтирар, ўз юртини эслаб, ўксинган бўлса керак, сўник юзида теран бир маҳзунлик акс этарди. Қанча тилла керак бўлса аямаймен: мавлоно Али Қушчини қутқармоқ йўлини ахтариб кўргайсен. (ОЁ). Агар керак бўлса бутун жаҳонни / Нурга ўрагувчи Ўзбекистонсан (А.Орипов0.

-са нима, -маса нима : **–Уйинг бўлмаса ниманг куядур? (ОЁ). Турган бўлса нима? Ёзуғи шу бўлса нима қилсин! (ЎХ).Буни совет тузуми душманлари эшитиб қолса нима дейди? Бирортаси йиғлаб-йиғлаб, ёнғоқ остида… ухлаб қолса нима бўлади? (ТМ).**

Мақсад майли.

-моқчи: **Аммо... сенинг умрингга завол бўлмоқчи эмасмен. Али Қушчи эшикни оҳиста ёпиб, орқага қайтмоқчи бўлди. Али Қушчи «ҳа, мулоҳаза қилиб кўрдим», демоқчи эди. (ОЁ)**

-ман деб : **- Совет тузуми ана шу бешинчи кароматда... қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйди! (ТМ). Лекин уни бу аҳволда кўраман деб, бошида эски кулоҳ, эгнида жулдур жанда, соч-соқоли ўсиб кетган бир девона қиёфасида кўраман деб, ўйламаган эди.- қиёс (ОЁ). Заргар унинг айтганини қиламан деб, бу уқубатга гирифтор бўлди. Али Қушчи шу совуқ бўйрада** ётаман деб **оёқдан айрилди... – *эътибор берилсин* (ОЁ).**

-син учун: **Яна қочиб чиқиш қулай бўлсин учун… эшик олдирофидан жой олди. Яна яширган зеб-зийнатлари билинсин**

учун оёқларини ерга урмасинлар! Ботир фирқа кулиб юбормасин учун — кафтини оғзига қўйди.(ТМ).

-син деб: **–Дафн этдик!–деди.–Бир бандаи мўъмин кўрмасин деб, Мадраса ҳовлисининг бир бурчига ерлатдим, пуштипаноҳ... Зеро, муслималар ҳам ўқисин деб, уларни йўлдан уриб, гуноҳга ботгандур!**

Мен замбараклардан бир йўла йигирматадан ўқ, отилсин деб буйруқ бердим, холос! – мақсад майлига ўхшамайди (ТМ).

Гумон-тахмин майли.

-р(ар): билса билар, билмаа худо билади.

-микин: **Ё бошига тушган ташвиш билан бўлиб, шогирдини чақиргани ёдидан кўтарилдимикин?.. Ё уни чақиртиргани ҳазратларининг ёдидан кўтарилдимикин? Ё у ҳам Мирзо Улуғбекнинг фожиали тақдирини эшитиб, ўйланиб қолдимикин? (ОЁ)**

-дир/-дур: **Бу борада сиз ҳазратимнинг қилган хизматлари шундай улуғдирким, бунга шак-шубҳа йуқдир ... – бу мисол қиёс учун. Балки жаноб ундан норози бўлгандир ё билъакс, бу икки ойда қилган юмушларидан ҳисоб сўрамоқ мақсадидадир? У ўз қиблагоҳи учун хун олмоқ азмида қилгандур бу ишни! Хўш, қай кўчада ётгандур олтину жавоҳирлар? – бу мисол қиёс учун. Демакким, арши аъло ҳисобланмиш осмони фалакни уммонга, оллонинг шамчироқларини балиқларга ўхшатмоқни ҳам ўшал бетавфиқ, воҳиди замон ўргатгандур сизга? (ОЁ)**

-мас: **Агар мавлоно Муҳиддин Али Қушчига ўхшаб, ўз сўзи, ўз эътиқодида қаттиқ турганида шаҳзода эҳтимол боягидан ҳам дарғазаб бўлар, балки уни жаллодга топширишдан ҳам тоймас эди.- гумон бу ерда *балки* сиз шаклланмайди (ОЁ)**

-га ўхшайди: **Гўё доруссалтана Самарқанд таҳлика остида қолганини одамларгина эмас, парранда ва даррандалар ҳам сезгандай, на қушларнинг сайраши эшитилади, на қўй-қўзиларнинг маъраши! Ҳатто итлар ҳам пана-панага кириб кетганга ўхшайди. Филҳақиқат: бу сўзда бир ҳикмат борга ўхшайдиким, кимки у дониши жаҳонга ғанимлик қилса, ҳоли вой бўлди.(ОЁ). — Жаноблар, афтидан, кекса авлод осонликча таслим бўлмоқчи эмасга ўхшайди. Кекса авлод осонликча жон бермоқчи эмасга ўхшайди!— деди. (ТМ).**

-са керак: **У ҳам соқолини тутамлаб, бир нуқтага тикилиб ўтирар, ўз юртини эслаб, ўксинган бўлса керак, сўник юзида теран бир маҳзунлик акс этарди. Тонг яқин бўлса керак, ҳар жой-ҳар жойда хўрозлар қичқирар, итлар ҳурар, эшаклар ҳанграрди. Бу сафар ҳазрат ҳузурида муътабар бир зот бўлса керак, ички ва ташқи ҳовлидаги муридлар оёқ учида юришар, бир-бирларининг қулоқларига шивирлашиб сўзлашар, турнақатор бўлишиб,**

ошхонадан ичкарига кумуш баркашларда овқат ташишар эди... (ОЁ). Менимча, боласи бўлса керак, бағрига бисиб ётибди. - Энди... Энди, гап бундай, – деди Ботир фирқа. – Хабарларингиз бўлса керак, анави сув бўйида бир... эскилик сарқити бўлар эди. Исми шарифидан... араб шайхларидан бўлса керак (ТМ).

-ши мумкин: **Рост, бир оз пул ё тилла бўлса зарар қолмас эди, лекин тиллани ёлғиз шаҳзода инъом этиши мумкин. Шаҳзода Мирзо Улуғбекнинг ўлими ҳақида гап тарқатиши мумкин бўлган Сайид Аббосдан қутулсам кўнглим таскин топар, деган умидда эди.(ОЁ.). Инсон генерал бўлиши мумкин, аксинча, лидер бўлолмайди. Инсон министр бўлиши мумкин, аксинча лидер бўлолмайди. (ТМ).**

балки, шекилли, эҳтимол, худо билади, ким билади **сўзлари иштирок этади.**

Балки жаноб ундан норози бўлгандир ё билъакс, бу икки ойда қилган юмушларидан ҳисоб сўрамоқ мақсадидадир? ***Аммо балки ҳамма вақт ҳам бун маънни беравермайди:*** **Агар мавлоно Муҳиддин Али Қушчига ўхшаб, ўз сўзи, ўз эътиқодида қаттиқ турганида шаҳзода эҳтимол боягидан ҳам дарғазаб бўлар, балки уни жаллодга топширишдан ҳам тоймас эди. (ОЁ). Балки қўлидаги боласиям... ўзларига қарашлидир, ўртоқ раис? — Ким билади, балким намоз ўқимоқни ихтиёр этгандир?**

— Укол... фойдали бўлади шекилли? (ТМ)

–Эҳтимол эшитгандурсиз, устод. Эҳтимол эшитгандурсен, Мовароуннаҳр осмонини қора булутлар қопламоқда. Бу хазина буткул Мовароуннаҳр, эҳтимолки буткул башариятнинг бойлигидур. – қиёс учун. Эҳтимолким, уни тоғларга олиб чиқиб аниқ бир жойга яширурсен. Ҳали "Аждар ғор"га яқинлашганда туялар юролмай қолса эҳтимол. (ОЁ).

+++

Барлас Л.Г. **Русский язык. Стилистика.**
– М.: Просвещение, 1978. -256 с.

Л.Г.Барлас «Русский язык. Стилистика» китобида феъл туркуми қўлланиш кўламининг нақадар кенглигини кўрсатиш мақсадида уларнинг услубларо тахминий қўлланиш частотасини беради ва уларнинг бадиий услубда расмий услубга нисбатан 2,5 баравар, илмий услубга қараганда 1,7 марта кўп қўлланишини таъкидлайди. Шунингдек оммабоп ва сўзлашув услубида ҳам феъллардан самарали фойдаланилади. 220.

+++

Илмий услубда II шахс бирлиги ва кўплиги қўлланилмайди. I шахс бирлиги ҳам қўлланилмайди, кўплиги эса қўлланилади, аммо ўз маъносида эмас. Нега илмий услубда *мен* ўрнида *биз* қўлланилади. Буни биз одатда камтарлик маъносида шархлаймиз.

Л.Г.Барлас эса буни муаллиф субъективлигинидан кўра объективлигини кўрсатишга хизмат қилади, деб изоҳлайди. Айрим феъл замонларининг илмий услубга хосланишини ҳам шу тарзда изоҳлайди. 220.

Расмий матнларда эса I ва II шахс шакллари бутунлай учрамайди. Бу матнлар учун феълнинг ноаниқ (мажҳул нисбат) шакллари хос.

Расмий ва илмий нутқларда феълнинг ҳозирги замон шакллари, бадиий нутқда эса ўтган замон шакллари маҳсулдор. Аммо улар ҳам ўзаро фарқланади. Илмий услубнинг ҳозирги замон кўрсаткичлари умумий маъносини касб этса, расмий услубда бу маънолар аниқ кўрсатилади. (Кодекслардан мисоллар келтириш мумкин).

Сўзлашув нутқида феъл замонлари шакллари тенг пропорционал. 220.

Бадиий нутқда ҳозирги замон ҳикоя феъли шакли кенг қўлланилади ва илгари бўлиб ўтган воқеа ҳақида китобхонда гўё ҳозир бўлиб ўтгандек тасаввур пайдо қилади. Бадиий нутқдаги худди шакл сўзлашув нутқида фарқ қилади ва шунинг учун улар қиёсланиши лозим. Чунки оғзаки нутқда сўзловчининг бевосита иштирок этиши нутқ оттенкасига таъсир қилади. Бадиий нутқда эса сўзловчи ёки баён этувчи билан воқеа ўртасида жонли алоқа йўқ.

Оммабоп услубда муаллиф «мен»и бевосита иштирок этади, баён жуда аниқ берилади.

Баённинг ҳозирги замон шаклида берилишининг бадиий ифода учун ҳам қулайлик томони бор. Муаллиф: ушбу замон шакли берадиган эмоционал-экспрессивликни ўтган замон шакли бера олмаслиги мумкин.221. Ҳозирги замон шакли берадиган эмоционаллик бадиий ва сўзлашув услублари учун характерли.222.

Ҳозирги замон шакли келаси замонни ифодалаши ҳам мумкин.

Сўзлашув нутқида ўтган замон шакли келаси замонни ифодалаши мумкин: *Хўп, мен кетдим - Хўп, мен кетай* каби.

Ўтган замон шаклини қўллаш лимий ва расмий услубларга хос.

Ўтимли-ўтимлилик шакллари қўлланилиши ҳам функционал жиҳатдан фарқланади.

+++

Розенталь Д.Э.: айрим феъллар семантик сабабларга кўра I-II шахс бирлик ва кўплик қўлланилмайди: *зангламоқ* каби. Чунки бу каби феъллар жониворларга, ўсимлик оламига, табиат ҳодисаларига нисбатан қўлланилади. Бу каби феълларнинг шу шахсларда қўлланилиши образлилик талаби билан (масалан

жонлантириш, риторик сўроқ кабилар) амалга оширилиши мумкин.

Баъзи феълларнинг шахс доирасида қўлланилиши семантик жиҳатдан чегараланган. *Ғалаба қилмоқ. Нострификация қилмоқ, компьютерлаштирмоқ.*

Қўлланилиши эскирган феъллар ҳам бўлиши мумкин.

Айрим феъллар бир замон доирасида икки хил маънони англатиши мумкин.

Феълнинг шахс кўрсаткичлари ўзаро синонимик муносабатда бўлади. Бу ўринда айтиладиган гаплар худди олмошлардаги сингари бўлиши мумкин. Масалан: кўпликнинг бирлик ўрнида қўлланилиши: *қайд қиламиз, таъкидлаймиз* каби. Уларнинг илмий услубга хослиги; 2-шахс бирлигининг 1-шахс бирлиги ўрнида қўлланилиши: *бир жаҳон оғушида сезасан ўзингни* (Зулфия); 3-шахс бирлигининг 1-шахс бирлиги ўрнида қўлланилиши: *О, одам, сенга гапираяпти, қулоғингга том битганми!;* 3-шахс бирлигининг 2-шахс бирлиги ўрнида қўлланилиши: *яна унинг бақрайиб туришини қара!* каби; 1-шахс кўплигининг 2-шахс кўплиги ўрнида қўлланилиши: *мана биз қандай одамлармиз!* 2-шахс бирлигининг 2-шахс кўплиги ўрнида қўлланилиши: *Икки қатор бўлиб сафлан!;* 3-шахс кўплигининг 3-шахс бирлиги ўрнида қўлланилиши: *нозик кўнгиллари яна нимани хоҳлайдилар, а!*

Бу синонимик муносабатлар замон кўрсаткичлари ўртасида ҳам содир бўлади: ҳозирги з.нинг ўтган з. ўрнида: (тахминан) *бораяпти, келаяпти* каби. Бу (бадиий) баён учун энг қулай усул; ҳозирги з.нинг келаси з. ўрнида: *бугун кечаси позедда кетаяпман, эртага эрталаб самолётда учаяпман* каби; ўтган з.шаклининг келаси з.маъносида қўлланиши: *мен ишга кетдим, сен эса болани боғчага олиб бориб, кейин ишга ўтасан;* келаси з.шакли ҳозирги з.маъносида: масс., *ит ҳуради, карвон ўтади;* келаси з.шакли ўтган з.маъносида: *кетаяпман, кетаяпман, йўлнинг ҳеч охири кўринмайди.* Феъл инфенетив шаклининг замонлар билан синонимик муносабатини ҳам таҳлил қилиш лозим.

Феъл майлларидаги синонимия. Феъл майлларидаги маъно яқинлиги уларнинг синонимиясига асос бўлади. Буйруқ-истак майлининг бошқа феъл майллари ўрнида қўлланиши. Бу эса истак, мажбур бўлиш, зарурат каби турли хил оттенкаларни келтириб чиқаради. Буйруқ-истак майлининг ўз доирасида ҳам турли хил экспрессив оттенкалар юзага келиши мумкин. Қатъият ўтимли-ўтимсиз ўртасида ҳам фарқланади: *бажаринглар, бажар.* (ушбу мисолдаги *–лар* қатъиятнинг юмшашига таъсир қилиши мумкинми. Чунки кўпликни *–инг* адо этмоқда, уни яна таъкидлашга ҳожат йўқ. У туфайли оҳанг ҳам ўзгариши мумкин. Худди шунингдек, унга қўшилган *–чи* юкламаси ҳам оҳангга

таъсир қилади, буйруқни юмшатади. *–гин* ҳам алоҳида оттенкаларни келтириб чиқаради. Шу ҳолатлар таҳлил этилиши лозим. (*Юринглар-юрайлик* каби ҳолатларни ҳам солиштириб кўриш мумкин).

-ма **қўшимчаси ҳаракатни бажармасликка даъват этиш билан биргаликда огоҳлантириши, эҳтиётқорликка чақириши ҳам мумкин.**

Буйруқ-истак майли ижро майли маъносида: *кун бўйи далада ишлайсан, кечқурун чарчаб уйингга келасан, уйда эса сени кутиб оладиган одам йўқ.*

Феълнинг ўтимли-ўтимсизлик шакллари ўртасида ҳам синонимия мавжуд. Аммо феълларнинг бу шаклларда берилиши маъно оттенкаларига кўра фарқланди. Функционал жиҳатдан ҳам фарқланиши мумкин.

Феълларда жуфтликлар бўлиши мумкин: *слышал-слыхал* каби. Улар ҳам функционал жиҳатдан фарқланади.

Инфинитив кўрсаткичлари *–моқ* **ва *–(и)ш*** **ўртасидаги синонимик муносабат ҳам қизиқарли материал беради.**

Ўтимли ва ўтимсиз феъллар ўртасида ҳам синонимия мавжуд.

Равишдошларда ҳам синонимия бор.

+++

Бондалетов В.Д. и др. **Стилистика русского языка.**
– М.: Просвещение, 1989. -223 с.

Феъл туркумида шаклларнинг синонимик муносабати тараққий этганлиги ушбу сўз туркумининг стилистик ресурслари кўп эканлигидан далолат беради. Ундаги барча категориялар деярли ўз вариантларига эга.

Фикр: аввал ҳам бир ўринда айтилган эди. Айрим феъл шаклларининг функционал хослиниши у билан биргаликда клган бошқа элементларга, масалан, кўмакчиларга ҳам боғлиқ бўлади.

«Богатство стилистических ресурсов глагола создается не только и не столько наличием вариантных форм, сколько их многозначностью, возможностью переносного употребления: категория одного наклонения может употребляться в значении другого, одного времени – в значении другого и т.п.». 112.

Феъл майлларининг кўпмаънолилиги ва синонимияси. Масалан, буйруқ майлдаги оттенкалар қатъий буйруқдан илтимосгача бўлган ораликда бўлади. (Шуни даражаланиш деб қараш мумкинми). Оҳанг эса унга қўшимча экспрессивлик ва эмоционаллик бағишлайди. Эмоционал-экспресивлик даражаси бу феълларнинг ўтимли-ўтимсизлигига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан ўтимлилик қатъиятни ифода этади, шунинг учун расмий услуб учун хос бўлади. Бошқа услубда бу тарздаги қатъиятни

ифода эта олмаслиги мумкин. Расмий ва бадиий услубдан мисоллар солиштирилади. Ўтимсиз феъл эса қатъият, буйруқдан кўра илтимос ва маслаҳат оттенкаларини беради. (Инкор онструкциялар).

Буйруқ-истак майлининг ўтимсиз шаклидаги кенг семантик имкониятлар уларнинг барча услубларда баравар қўлланилишини тақозо қилади.

Уйга бериб ҳаммамиз бироз *дам оламиз,* ***кейин*** *дарс тайёрлаймиз,* ***деди ўқитувчи. Ҳамма уйга бориб бироз*** *дам олади,* ***кейин*** *дарс тайёрлайди.* **(Майл ва шахс жиҳатдан таҳлил қилиш учун). Буйруқ майлидаги сўз ҳарбийларнинг тилида учрайдиган турли хил командаларда меъёр саналса, оддий мулоқот жараёнида қўполликдай туюлади.**

Замон шаклларининг кўпмаънолилиги ва синонимияси. Ҳозирги з.шакли илмий ва оммабоп услубларда етакчилик қилади. «При этом в научной речи настоящее время, как правило, обозначает действие, не связанные с моментом речи, а присуще предмету постоянно» .114.

Ҳозирги з. шаклининг ўтган ва келаси замон маъноларини бериши стилистик жиҳатдан аҳамиятлидир. Булар сўзлашув, бадиий ва оммабоп услубларга хос. Бу ҳам маълум стилистик мақсадлар билан боғлиқ. Масалан, воқеани ҳозир бўлаётгандай қилиб, ишонарли тарзда, жонлантириб ҳикоя қилиш, муҳимлигини таъкидлаш мақсадида ва бошқа интилишлар. Баъзан икки замон шакли уйғунлштирилади.

Ҳозирги з.шалини келаси з.маъносида қўллашда ҳам маълум ишора бор. Воқеанинг содир бўлишига ишонч қатъий бўлгандагина шундай қилинади.

Бадиий нутқда ўтган з.феълининг частотаси баланддир.

Синоним: ҳозирги ва ўтган з.= келаси з.; келаси з.нинг ҳозирги замон ўрнида келиши катта эмоционал-экспрессив оттенка беради: ***Ўз онасини, ватанини ким севмайди!*** **; келаси з.нинг ўтган з. маъносини бериши:** *титрайман* ***ҳамоҳангларни жимгина*** **(А.Орипов).**

Феълнинг шахс ва сон шаклларидаги кўпмаънолилик ва синонимия.

1-шахс бирлик маносини ўзининг асосий вазифасидан ташқари 1-шахс кўплик шакли (Илмий услубда: ***фикримизни исботлашга уриниб кўрамиз*****), 2-шахс бирлик шакли (***бир жаҳон оғушида сезасан ўзингни***), 3-шахс бирлик шакли (***Сенга жойингдан тур деяпти***).**

Сифатдош ва равишдошлар асосан китобий услубларда – расмий, илмий ва оммабоп услубларда қўлланилади. Улар услублараро қуйидагича тақсимланади: ктиобий услубларда – китобий ва нейтарллари; оғзаки услубда – нейтрал, озғаки, жонли

тилга хос. «Обилие причастий в книжных стилях во многом обусловлено емкостью значения их формы: совмещая значение признака и действия, причастия дают возможность определить предмет через действие, назвать действие без указания на конкретное время и лицо. Обобщенно-отвлеченные значения грамматических форм (действительные и страдательные, полные и краткие, настоящего и прошедшего времени) способствует активизации их в современной книжной речи».117. «Частотность деепричастий в книжной речи во многом обусловлена спецификой их форм, позволяющих обозначить не главное, а второстепенное действие, показать последовательность соверешения нескольких действий, передать одновременно значение и действия, и обстоятельства, обозначить действие без указания на конктерное время и лицо. Такие качества деепричастий способствуют активизации этой формы в научной, официально-деловой и художественной речи».117.

Сифатдошлар ва равишдошларнинг вариантлари уларнинг эскирган шакллари ва ҳозиргилари ўртасида юзага келган.

+++

М.Содиқовага қайтамиз.

Феъл замонлари. **Илмий адабиётларда феъл замонлари учта эканлиги кўрсатилади. Бу борада олимларнинг қарашларида зиддият йўқ. Аммо уларнинг ҳар бирининг ички бўлинишларига бўлган муносабатда турли хилликлар, бир-бирига қарама-қарши бўлган фикрлар учрайди. Аммо ўзбек тилшунослигида 40-йиллардан ҳозиргача давом этиб келаётган бу мунозараларга муносабат билдириш бизнинг вазифамизга кирмайди. Чунки стилистикани ушбу уч замон – ўтган, ҳозирги ва келаси замон ўртасидаги ўзаро кўчишлар ва бу кўчиш жараёнида юзага келадиган эмоционал-экспрессив оттенкалар, замонларнинг грамматик кўрсаткичлари ўртасида содир бўладиган синонимик муносабатлар ҳамда уларнинг услублараро функционал хосланишлари қизиқтиради. Шунинг учун ҳам феълга дахлдор бўлган тил фактларини ана шу нуқтаи назардан таҳлил қиламиз.**

М.Содиқова «Феъл стилистикаси» асарида феъл замонларининг ўзаро алмашиниб қўлланишига нисбатан «гарчи мантиққа зид бўлса-да», деган жумлани ишлатади (25). Аммо бу алмашиниб қўлланишда мантиққа зидликни, тил нуқтаи назардан олиб қараганда меъёрнинг бузилишини кузатмаймиз. Маълум бир феъл шакли маълум бир матнда ўзи англатиши лозим бўлган асосий замон доирасидан ташқарига чиқиб, бошқа замон маъносини ҳам англатишга қодир бўлган экан, демак бу икки ҳодисадан далолат беради: иккинчи маъно феълнинг замонни кўрсатиш табиатида ё аввалдан бўлиб, кейинчалик йўқолган ва яна қайта тикланган, ёки унинг замонни англатиши

силжиш рўй бериб, имконяти кенгайган. Ҳозирги тилимизда унинг ўзининг асосий замонни кўрсатиш маъносидан ташқари иккинчи замон маъносини ҳам билдириши тил тараққиёти, унинг стилистик имкониятларининг яна ҳам кенгая бораётганидан далолат деб тушунамиз. Негаки, *эртага Сочига учаман – эртага Сочига учаяпман* дейилганда нафақат замонда фарқлар, балки ифодада ҳам стилистик нозикликлар мавжуд. Феълнинг ҳозирги замон шаклида берилиши айнан ана шу маъно нозиклиги билан боғлиқ, яъни *учаман* деганда фикр ўзига нисбатан қатъий ҳукм тарзида айтилаётган бўлса, *учаяпман* бу қатъият ва ҳукм йўқ. Унда сўзловчининг адресатга ўзи амалга ошириши лозим бўлган ҳаракати тўғрисида хабар маъноси бор, холос.

Ёки бўлмасин, *Аҳмад заводда ишлайди* деган гапда феълнинг келаси замон шаклида берилишини олиб қарайлик. Ўтган замонда *Аҳмад завода ишлаган* дейдиган бўлсак, унинг ҳаракати ҳозирда тўхтаган ва келасида ҳам давом этмаслиги аниқ бўлади. Ҳозирги замон шаклини қўллаб, *Аҳмад завода ишламоқда/ётир/япти* дейдиган бўлсак, аниқ бир пайт, яъни ҳозир назарда тутилади. Гапдан унинг аввал ишлаган, ишламганлиги маълум бўлмасдан қолмоқда. Гапда феълнинг келаси замон шаклида берилишида ҳаракатнинг ҳар уч замонда давомлилик оттенкаси мавжуд ваш у маънода сўзловчининг баёндан кўзда тутилган муддаосига мос келиши мумкин. Бундан ташқари матнни, яъни нутқий вазиятни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Шу маънода бир замон ўрнида иккинчисининг келтирилишида ҳам муайян стилистик мақсад назарда тутилганлиги ҳақида хулоса чиқариш нотўғри бўлмайди.

Ўтган замон маъносининг келаси замон шаклида берилиши маълум услуб билан боғлиқ. Бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилиш тарзи келаси замон шаклини ишлатишга йўл қўяди. Шунинг учун ҳам бадиият билан боғлиқ жанрларда, масалан, халқ оғзаки ижодининг эртак жанрида, ҳикоячилик ва романчиликда келаси шаклидан фойдаланиш хос хусусият саналади. Ушбу замонни қўллашнинг стилистик аҳамияти шундаки, у бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани ҳақида аниқ маълумот беришдан кўра, бу ҳикоя жонли усулда, гўё ҳикоя қилувчи ҳам шу жараённинг фаол иштирокчиси сифатида берилади.

Феълнинг бу шаклини кучайтирувчи воситалар ҳам гапда иштирок этиши мумкин. *Гоҳ-гоҳ, бир* каби сўзлар, такрор усулини М.Содиқова ана шундай воситалар деб ҳисоблайди. (25).

Шу вазифани ҳозирги замон шакллари бажариши ҳам мумкин.

Тилда шундай бирликлар мавжудки, уларнинг замон кўрсаткичлари маъноларни фарқлаш нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлмайди. Фразеологик бирликлар, мақолларни ана

шундай синтактик қурилмалар қаторига киритиш мумкин. Чунки улар мазмунан барчага қаратилган бўлади.

М.Содиқова *эди* тўлиқсиз феъли ҳақида қуйидагиларни ёзган: «*эди* тўлиқсиз феъли турли хил формаларга қўшилиб, субъектнинг объектга, объектив борлиққа бўлган муносабатини, психологик ҳолатини, экспрессивлик маъноларини ифодалайди, бунда замон маъноси кўпинча умумлик ҳолатида бўлади».26.

Юклама учун. Содиқова М.: «Бу форма юклама (охирида келади) ёки келишик қўшимчалари (биринчи компонентга қўшилади) олган ҳолда қўлланиб, экспрессив ҳолат – кутилмаганлик маъноларини бера олади: *У беданинг орасини оча бошлаган эди-ки, тўсатдан овоз эшитилди* (О.Ёқубов). *–Сиздақа… жонон қизлардан бир нечтасини бизнинг консерваториямизга олиб бориб қўйишганда эди… - деди йигит* («Шарқ юлдузи») ва б.». 27.

«*-ми эди.* Бу юклама билан келган сўзлар турли-туман формаларга эга бўлиши мумкин: *-арми+эди, -сами+эди, -ибми+эди (борувмиди* – тошк.шев.*), -синми+эди, -моқчими+эди, -ганми+эди; керакми эди, борми эди, ёўқми эди* ва б. Контекстга қараб, бу формалар оддий сўроқ, риторик сўроқ маъноларини, экспрессив-эмоционаллик, ачиниш, афсусланиш каби модаллик маъноларини ифодалаб келиши мумкин. Бу формалардаги замон маъноси, кўпинча, абстракт бўлади. Бу юклама унли билан тугагани учун *эди* тўлиқсиз феъли *–ди* шаклини олади, ўзидан олдинги сўзга қўшиб айтилади (*-и+э→и*). Орфографияда ҳам шу ҳол сақланган. Бундан ташқари, *-ми* юкламаси *эди (-ди)* билан ўрин алмашиниш хусусиятига эга: *кўрганмиди? Кўрган эдими?* каби.

Экспрессив-эмоционаллик ҳолатларини беришда форма кетига *–я* юкламаси қўшилиб, қўлланиши ҳам мумкин: *айтмаса бўлмасмиди-я?!*

***-ар+ми+эди.* Бу формада *–ми* юкламаси риторик сўроқ маъносини беради ва гапда бўлишсизлик ва экспрессивлик маънолари, модал муносабат маъноси англашилади: *-Ҳазил эмас, чин. Сенга ёлғон гапирармидим?* (А.Иброҳимов)».28.**

+++

***-(и)билан эди = -ган+эди* синонимия.**

+++

Фикр: Майл кўрсаткичларининг ўз маъноларидан ташқари қўшимча оттенкаларни англатиши микроқуршовга боғлиқ бўлади. Масалан, шарт майли кўрсаткичи *–са* ва буйруқ майли кўрсаткичи *–син* нинг иштирокида матнда турли хил эмоционал-экспрессив оттенкаларнинг юзага келиши улар билан бирга келадиган *эди* тўлиқсиз феълига боғлиқ бўлади.

+++

Содда феълларда маъно аниқ, аналитик феълларда эса кўпинча мавҳум бўлади. Бу эса аналитик феълларнинг маъно англатиш имкониятлари кенглигидан далолат беради.

+++

Шахс-сон шакллари. **М.Содиқова шахс-сон шаклларини мураккаб ҳодиса сифатида изоҳлайди ва буни уларнинг бир неча грамматик вазифаларда келиши билан изоҳлайди. Мас., *олдим* сўзидаги *–да* ва *–м* кўрсаткичлари замон, майл ва шахс-сон каби грамматик маъноларни англатиб келаётганини айтиб, «Кейинги яратиладиган ишларда ҳар хилликка йўл қўймаслик учун тил системасининг мустаҳкам грамматик қолипини яратиш ва уни қоидалаштириш, тил фактларини грамматик жиҳатдан анализ қилиш процессида стилистик ҳодисаларни айрим қараш, анормал – нормага зид ҳолатларни аралаштириб юбормалик, уларни алоҳида – стилистик планда ўрганиш керак деб ўйлаймиз». 30.**

Нутқда ҳақиқатдан ҳам замон шаклларини ўрин алмаштириб қўллаш ҳодисаси учрайди. Аммо унга адабий тил меъёри нуқтаи назаридан муносабат билдириш зарур. М.Содиқова: «адабий тил нормаларига мувофиқ ишлатиш (норматив ҳолат) ва стилистик мақсадда – стилистик талаб билан ишлатиш (стилистик ҳолат)». 30.

Фикр: шахс-сон маъноларини гапда от ва олмошлар ҳам ифода этади. Аммо асосий маънони феъл кўрсаткичи шакллантиради. Эга вазифасидаги сўзлар эса бу маънони кучайтирувчи восита бўлиб хизмат қилади, холос. Демак, эътибор феъл кўрсаткичларига қаратилиши лозим.

***Онанг ургилсин, акаси жонидан, ўлсанг армонда кетасан, кўриб-билиб чидаб ўтираверасан; кетаверасан, йўлнинг охири кўринмайди; шу ишни уддалай олмасанг, йигит бўлиб нима қилиб юрибсан, ростини айтганда (айтсам), тўғрисини айтганда (айтсам)* каби ҳолатлар. *Одам, киши, камина, фақир, ким* сўзларининг иштироки.**

М.Содиқова: феъллар кўмакчилар, кириш бўлаклар вазифасида келади: *борди-ю, боринг-ки* каби. Ушбу ҳолатлар ҳам стилистик жиҳатдан эътиборга молик. *Уни қаранг, қаранг-а* каби ҳолатлардаги турғунлик ҳам.

М.Содиқова: «*Сени қара: сен ўзингни (ўзингга) қара;* кейин формаларнинг семантик редукцияси, кўчиш, контоминация каби ҳодисаларнинг таъсири билан бу турғун ибора ҳосил бўлган». 34.

Феъл нисбатлари. **Феъл нисбатлари ва феъл даражалари илмий адабиётларда бир хил маънода қўлланилади. ФНлари қуйидагича гуруҳланади: бош, ўзлик, орттирма, биргалик, мажҳуллик нисбатлари.**

Бош нисбат – ҳаракат грамматик субъект томонидан бажарилади ва бунда мантиқий ва грамматик категориялар бир-бирига мос келган бўлади: ***келдим, келдинг, келди.***

Ўзлик нисбат – ҳаракат бажараувчиси ҳам, ҳаракат объекти ҳам бир хил шахс ёки предмет бўлади: ***ювинди, кийинди, таранди.*** **Бунда:** ***-н(-ин).*** **Қиёс:** ***алмашибди – алмаштирилибди – алмашинибди.*** **МСдан:** ***Биласизми, - деди Носиров*** *куюниб,* ***… колхоз секретари беш марта*** *алмашинибди* **(А.Қаҳҳор). 37.**

Аналитик усул ҳам мавжуд: ***ўзини ўзи.***

Орттирма нисбат – бажартирувчи-бажарувчи муносабатини акс эттиради: ***йиғлатди, қулдирди.*** **Бунда:** ***дир, -тир.*** **Буларга –*каз* синоним бўлиши мумкин. Фарқлар очилиши лозим.**

Олайтирди, чақчайтирди **даги –*дир* орттирма даража эмас.**

-т = -дир/-тир **синонимия:** ***тўлат, тўлдир.***

-каз= -дир/-тир **синонимия: битказ, битир, юргиз-юрдир.**

М.Содиқова: ***-каз, -гиз (-ғиз), -қиз*** **– жонли сўзлашув тилига хос. 42.**

-р (ўткар) **эски ўзбек тилига хос. 42.**

Мажҳул нисбат –

-ил/-ин. **Услубий хосланиш мавжуд. Расмий, фаромнлар, буйруқлар. Шунинг учун «томонидан» каби кўмакчилар билан биргаликда қўлланилади.**

Биргалик нисбат –

гапиришди – гаплашди, ёқалашган – ёқалатишган, хайрлашди – хайрлашишди; ювишишди, тозалашишди, ташишди, кўмалашди.

-ш: тоғамлар келишди = ҳурмат маъноси.

асабийлашди **= биргалик эмас.**

шош = шошир = шоштир = шошилтир.

тиктирди = тиктиртирди; бостирди = бостиртирди.

Биргалик ва мажҳуллик ёнма-ён юради.

алмашди = алмашилди = алмашинди = алмаштирди = алмаштирилди = алмаштиришди.

+++

Феълнинг бўлишсизликни ифода этувчи махсус грамматик шакли мавжуд бўлиб, у –*ма* дир. Аммо бу маънони ифода этишнинг бошқа воситалари ҳам мавжуд: ***-май, мас+эди*** **каби. Бу эса ана шу воситалар ўртасидаги функционал чегараланишларни, синонимик муносабатларни аниқлаш ва улар келтириб чиқарадиган стилистик оттенкаларни фарқлаш имконини беради.**

М.Содиқова: ***-ма*** **орқали овутиш, ачиниб гапириш, жон куйдириш, насиҳат, ҳомия, муҳофаза қилиш, уқдириш, огоҳлантириш, қатъий тартибга чақириш, манъ этиш, истак,**

илтимос, илтижо, сўраш, таъкид каби модал маънолар ифода этилади. 49.

М.Содиқова: кесимни бўлишсиз шаклда қўллаш жонли нутққа хос. 56.

Синонимия: ***-май=-масдан: қўрқмай-қўрқмасдан; –мас=-майдиган: гапирмас-гапирмайдиган; -маган/-ган эмас; -майди/майдиган=-адиган/йдиган эмас: кулмайди-куладиган эмас*** **каби. (М.С.: жонли сўзлашувда қўлланилади). Улар алоҳида эмас, балки кўмакчи феъллар билан биргаликда қўлланилади. Синонимик муносабатда иккичи ҳолат биринчи ҳолат англатадиган барча маъноларни қамраб ололмайди:** ***ҳали-вери бормайди - ҳали-вери борадиган эмас; мактабга бормайди – мактабга борадиган эмас.***

Кўрмаганман- кўрган эмасман, қўрқмаганман – қўрққан эмасман.

Синонимия: ***боргани йўқ- бормаган.***

Синонимия: ***келасанми – келмайсанми.*** **Улар ўртасида, яъни бўлишилилик ва бўлишсизлик ўртасида тенглик пайдо бўлади., лекин стилистик нозиклик мавжуд.**

Мана бу нарса муҳим: ***боласи тушмагур, йигит ўлмагур, қуриб кетмагур.***

+++

На. На кулди, на қатра тўкди ёшини – кулмади, кўз ёши тўкмади. **Инфенетив шакл ва экспрессивлик оттенкаси.** ***На китоб бор, на дафтар – китоб ҳам йўқ, дафтар ҳам.*** **Шу ўринда** ***на*** **ва** ***ҳам*** **синонимиями?**

М.С. ҳам ҳам бўлишсизлик кўрсаткичларининг семантик оттенкалари ва стилистик қўлланиш хусусиятлари кенг эканлиги ҳақида фикр юритган. 48.

Тилдаги бўлишли-бўлишсизлик оппозициясида бўлишсизлик маъносини ифода этувчи грамматик шаклларнинг нафақат ўз маънолари доирасида, балки бўлишлиликни, тасдиқни ифода этишда ҳам иштирок қилиши унинг стилистик имкониятлари кенг эканлигидан далолат беради. Мас., ***айтмай қўймади, гапирмай қўймади, емай қўймади, олмай қўймади*** **каби қўшма феъллар таркибида** ***–ма*** **нинг такрорланиши бўлишлилик маъносини келтириб чиқаради.**

+++

М.Содиқова: «Бўлишсизлик маъноси баъзан бўлишсизлик формалари қўлланмаган тақдирда ҳам ифодаланади: интонация таъсирида, турли юкламалар воситасида бўлишли формадаги гаплар ҳам бўлишсиз маъноларни бера олдаи. Булар кўпроқ экспрессивлик, модаллик маъноларини бўрттиради, таъсирчанликни оширади». ***Қани энди нап уқдириб бўлса*** **(А.Қаххор). 57**

М.С.: *худо билади, олло билади, балки, эҳтимол* кабилар эса кучайтирувчи воситалар.

Ким билади - билмайман, ким билсин - билмайман, қаёқдан билай – билмайман. **Булар сафини кенгайтириш мумкин. Аммо уларнинг стилистик қиймати (мувозанати) бир хил эмас. Биринчи қисмида кучли. Мас., киноя оттенкаси бўлиши мумкин.**

М.Содиқова: «Бўлишсизлик, зидлаш каби мазмунларни беришда актив қўлланиладиган *бўлмаса, бўлмасин, бўлмаса-чи, қарамай, қарамасдан* каби бир қанча бўлишсиз «феъл кўмакчилар» бор». 59.

Маданий муомала: *айтолмайсизми, бериб туролмайсизми* каби.

Ким сенга айтди ёмон деб – ёмон эмас.

Йўқ эмас – бор, нолимаган одам йўқ – ҳамма нолийди.

Гапириб бўпти- гапиролмайди. Гапириб кўрсин-чи – гапиролмайди – таҳдид.

Уйланганини кўрай – уйланмайди, уйлана олмайди.

М.С.: *аккиламай ўл, гапирмай ўл – гапирганинг учун ўл* маъноси. 88.

Феълларнинг семантик-стилистик хусусиятлари. **М.Содиқова феълларни уч гуруҳга ажратиб таҳлил этган: ҳаракат феъллари, ҳолат феъллари, муносабат феъллари.**

Ҳаракат феъллари. **Муаллиф *юрмоқ* феълини таҳлил қилган. «*юрмоқ*» - бу ёлғиз ҳолда қўлланилганда юриш ҳаракатидаги барча усулларни, ундаги манераларни оча олмайди. Бунинг учун тилда лексик воситалар (равишларни қўллаш), морфологик воситалар (равишдошлар, кўмакчи феълларни қўллаш), синтактик-стилистик усуллар (тасвирий йўллар билан бериш) ишга солинади».63. «Юриш усулларидаги турлиликларни, маъно нозикликларини ифодалашга хизмат этувчи кўмакчи феълларнинг ўзи ҳам айни вақтда мустақил феъл вазифасида келиб, «юрмоқ» феълига синонимик вариант бўла олади». 63. *йўрғалаб юрмоқ – йўрғаламоқ.*** **Мана шу мисол асосида таҳлилни кенгайтириш мумкин.**

Фикр: феъл-сўз ўртасидаги синонимик муносабатни лексик стилистика бўлимига қолдириб, феъл стилистикаси қисмида феълга дахлдор бўлган морфологик кўрсаткичлар синонимияси ўрганилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо функционал тақсимланиш масаласида феъл-сўзларга ҳам мурожаат қилишга тўғри келади.

Экспрессив маънонинг ифода этилишида фел асосий вазифани ўз зиммасига олади. Айни пайтда, бу маънонинг юзага чиқишида олмош, юклама, кўмакчи каби лингвистик воситалар комплекси ҳам фаол иштирок этади.

Ҳолат ифодаловчи феъллар. **Ҳолат феъллари турғун бирикмаларнинг таркибий қисми ҳисобланади.**

Муносабат феъллари. **Содда феъллар билан кўмакчили феъллар ўртасида синонимия кузатилади. Аммо уларнинг экспрессивлик хусусияти бир хил эмас.** ***Бети қурсин – қуриб кетсин, ўлсин-ўлиб кетсин, ўлдим- ўлиб бўлдим, ўлиб юрибди, ўлиб қолди (иккинчи маъносида – ичи куйди*** **маъносида*).***

Феълнинг семантик структураси. **Феъл структурал жиҳатдан бир, икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлиши мумкин. Бир маъно атрофида бирлашадиган мана шу структурал фарқлар ўртасида синонимик муносабат бўлиши мумкин.**

МС.: М.Пешковскийдан: «феъл - гапнинг жони», «сўз туркумларини фазода ҳаракат қилиб юрган планеталар деб фарза қилсак, феъл уларнинг қуёшидир». 96.

Ҳожиев А. Феъл. – Т.: Фан, 1973. **-192 б.**

Ҳаракат маъноси бир феъл шакли ва кўмакчи феъллар ёҳрамида ҳам ифодаланиши мумкин.

Кўмакчи феъллар таркибидаги ёрдамчи феъл ҳаракат маъносини ифода этмайди, аммо улар қўшимча маъно ифолашага хизмат қилади. Бу маънолар грамматик ёки стилистик маъно ҳисобланади.

Ёрдамчи феълларни А.Ҳожиев уч гуруҳга бўлиб кўрсатган: боғлама вазифасини бажарувчи, кўмакчи ва тўлиқсиз феъллар. 5. Улар орасида қўшма ва кўмакчи феъллар стилистик нуқтаи назардан аҳамиятлидир. Бу, айниқса, уларни бир маънони ифода этувчи содда феллар билан таққослаганда яққол намоён бўлади.

Феъллар икки хил йўл – аффиксация ва композиция усули билан ясалади. А.Ҳожиевнинг таъкидлашича, ўзбек тилида сўз ясовчи қўшимчалар унчалик кўп эмас, аммо уларнинг сўз ясаш имкониятлари ниҳоятда кенг. 6.

Масалан, ***-ла*** **қўшимчасида бу имконият яққол кўзга ташланади. Уларнинг нутқда маҳсулдор қўлланиши айрим феъллар билан синонимик муносабатларни вужудга келтиради:** *қилмоқ****: шиббаламоқ – шибба қилмоқ, дамбаламоқ – дамба қилмоқ, тамбаламоқ – тамба қилмоқ, пломбаламоқ – пломба қилмоқ, андаваламоқ – андава қилмоқ, калаваламоқ – калава қилмоқ, муқоваламоқ – муқова қилмоқ, майдаламоқ – майда қилмоқ, ифодаламоқ – ифода қилмоқ, бурдаламоқ – бурда қилмоқ, тўдаламоқ – тўда қилмоқ, тозаламоқ – тоза қилмоқ, эрмакламоқ – эрмак қилмоқ, хулосаламоқ - хулоса қилмоқ, эгаламоқ/эгалламоқ – эгалик қилмоқ*** **каби.**

-ла **ясовчиси билан синонимик муносабатга киришиши жиҳатдан ўзбек тилида** *бормоқ* **феъли** *қилмоқ* **дан кейин иккинчи**

ўринда туради: ***баҳоламоқ – баҳо бермоқ, хабарламоқ – хабар бермоқ, заҳарламоқ – заҳар бермоқ, ўгитламоқ – ўгит бермоқ, таърифламоқ – таъриф бермоқ, кафолатламоқ – кафолат бермоқ*** **сингари.**

-ла **қўшимчасининг синонимик муносабатлари кўлами яна қуйидаги феъллар ҳисобига кенгаяди:** *солмоқ:* ***юганламоқ – юган солмоқ, кишанламоқ – кишан солмоқ, қулфламоқ – қулф солмоқ, доламоқ – дод солмоқ;*** *боғламоқ:* ***арқонламоқ – арқон боғламоқ;*** *ташламоқ:* ***қадамламоқ – қадам ташламоқ, одимламоқ – одим ташламоқ;*** *чекмоқ:* ***имзоламоқ – имзо чекмоқ;*** *тизмоқ:* ***сафламоқ – сафга тизмоқ;*** *қоқмоқ:* ***михламоқ – мих қоқмоқ;*** *тортмоқ:* ***уфламоқ – уф тортмоқ;*** *этмоқ:* ***таъминламоқ – таъмин этмоқ;*** *отмоқ:* ***илдизламоқ – илдиз отмоқ;*** *чиқармоқ:* ***баргламоқ – барг чиқармоқ;*** *демоқ:* ***сизламоқ, сенламоқ – сиз демоқ, сен демоқ – сизсирамиз, сенсирамоқ;*** *олмоқ:* ***ёдламоқ – ёд олмоқ, қаршиламоқ – қарши олмоқ;*** *кўрмоқ:* ***ҳидламоқ – ҳидлаб кўрмоқ;*** *урмоқ:* ***болғаламоқ – болға урмоқ, совунламоқ – совун урмоқ;*** *ажратмоқ:* ***гуруҳламоқ – гуруҳга ажратмоқ*** **каби.**

-ла **қўшимчаси ёрдамида тақлидий сўзлардан ҳам феъллар ясалади:** ***визилламоқ, ғизилламоқ, чийилламоқ, чакилламоқ, ликкилламоқ, диркилламоқ, тарилламоқ, дирилламоқ, пирилламоқ*** **каби. Бу содда феълларнинг қўшма феъл вариантлари ҳосил қилинганда унинг тақлидий сўз қисми қаватланади:** ***виз-виз қилмоқ, ғиз-ғиз қилмоқ, чий-чий қилмоқ, чак-чак қилмоқ, лик-лик қилмоқ, дирк-дирк қилмоқ, тар-тар қилмоқ, дир-дир қилмоқ, пир-пир қилмоқ*** **сингари. (шу ҳолатни шарҳлаш керакмикин…)**

-ла **қўшимчаси билан ясалган феъллар фақатгина қўшма феълларга эмас, балки содда феълларга ҳам синоним бўлади:** ***томчиламоқ – томмоқ, уйламоқ – уйлантирмоқ*** **сингари.**

-ла **қўшимчаси ёрдамида ясалган феълларнинг юқорида келтирилган феъллар билан синонимик муносабатга киришиши ушбу қўшимчанинг ясовчилик хусусиятидан ташқари тилда қўшимча вазифаларни ҳам адо этиши ҳақида дастлабки хулосаларни чиқаришга имкон беради. Бинобарин, у сўз ясаш билан биргаликда тилдаги соддаланиш қонунининг амалга ошишига хизмат қилади.** ***Дамба қилмоқ, тамба қилмоқ*** **дейишдан кўра** ***дамбаламоқ, тамбаламоқ*** **дейишнинг ҳар жиҳатдан қулайлик ва осонлик туғдириши тилдаги тежамкорлик қонунларига ҳам мос келади. Лекин масаланинг биз учун ўта жиддий ва муҳим томони – бу матнда параллел қўлланишдаги икки томоннинг бирида ўрни билан вужудга келадиган стилистик ўзгаришлардир.**

Бу синонимик жуфтликлар умумий маънодагина бир-бирига тенг келиши ва бири ўрнини иккинчиси босиб туриши мумкин. Аслида эса, бу синонимик параллеллар ҳамма вақт ҳам бирининг

ўрнини иккинчиси боавермайди. Масалан, *сувамоқ, текисламоқ, силлиқламоқ* маъносини берадиган *андаваламоқ* ўрнида *андава қилмоқ* ни ишлатиш мумкин бўлгани ҳолда, бу сўзда кўчим юз бериб, *бекитмоқ, ёпиб кетмоқ, хаспўшламоқ* маъноларида қўлланилганда *андава қилмоқ* феълини қўллаб бўлмайди. *Овламоқ* феъли *балиқ овламоқ, бедана овламоқ, қуён овламоқ* жумлаларида ов билан шуғулланиш маъноларини берганда *ов қилмоқ* шаклини қўллаш мумкин. Аммо бу сўз маъносида ҳам кўчим содир бўлганда уларнинг ўрнини алмаштириш қийин бўлади. Қиёс учун: *Шунда тўраси Холбеканинг бошига соя солиб, ёрини суяб, кўнглини овлаб: - Бир ғайрат қил, йўлимиз яқинди, - деб кўнглини кўтариб бир сўз деди* (Кунтуғмиш). *Кўнглини қандай овлайди?* (О.Ёқубов). *Садоқати зоҳир қулингиз сиздай валинеъмат пушти-паноҳимга кийик овлаб, тоғларда юрган эдим* (О.Ёқубов). Оғзаки нутқда баъзан бу феълли бирикма қуйидагича шаклланади: *Эрназар йигитлари билан ов овлаб работда ётиб эди* (Якка Аҳмад).

Шу тарзда кўплаб мисолларни таҳлил этиш мумкин. Бу таҳлиллардан шундай хулоса келиб чиқадики, ўзаро синоним бўлган содда ва қўшма феъл шаклларидан содда феълнинг қўлланиш частотаси юқори бўлади ва бу ҳол унда маъно тараққиётининг юз бериши, кўламининг кенгайиб боришига йўл очади. Қўшма феъл қўлланиш частотасининг пастлиги унинг имкониятларини чегаралайди ва асосан ўз – бирламчи ҳамда тўғри маъносида сақланиб қолади.

Бу каби стилистик оттенкалардаги фарқланишлар ва чегараланишлар яна бошқа йўналишда ҳам кузатилади. Содда феъл маъносида содир бўлган кўчим туфайли ундаги икки ёки ундан ортиқ маънолар турғунлашиб, полисемантизм юзага келиши мумкин. Масалан, *хулосаламоқ* сўзи икки маънода тушунилади: а) фикрнинг мантиқий натижасини ифодаламоқ, хулосани баён қилмоқ; б) якунламоқ (ЎТИЛ, 1 том, 338-бет). Ушбу ҳар икки маънони ифода этишда *хулосаламоқ* ўрнида *хулоса қилмоқ* феълини қўллаш мумкин. *Сен ушбу гапда тегишли хулоса чиқар; Мен айтганларингиздан хулоса қилдим* гапларидаги *хулоса чиқармоқ, хулоса қилмоқ* ўрнида эса *хулосаламоқ* ни қўллаб бўлмайди. Бундай шундай хулоса келиб чиқадики, *хулосаламоқ* ва *хулоса қилмоқ* феълларидаги ҳаракатнинг давомлилик даражаси бир хил эмас. *Хулосаламоқ* да ҳаракат ниҳоясига етган, *хулоса қилмоқ* орқали эса бу ҳаракат қандайдир маънода давом этиб турганлиги англашилади. Улар маъносидаги ана шу фарқлар юқоридаги гапларда уларнинг ўрнини алмаштириб қўллашга имкон бермайди.

***-ла* ёрдамида ясалган феъллар билан уларга синоним бўлган феъл шакллари муносабатида яна бир оттенкани – қатъият,**

ахборотнинг аниқлиги оттенкасини сезиш мумкин: ***кўчани тозаладим – кўчани тоза қилдим; ерни эгалладим – ерга эгалик қилдим*** **сингари. Ҳаракатни алоҳида таъкидлаш устун бўлган ҳолатларда қўшма феълга кўпроқ мурожаат қилинганлиги кўзга ташланади. Масалан, О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романида** ***шубҳаланмоқ*** **сўзига 1 марта мурожаат қилингани ҳолда** ***шубҳа қилмоқ*** **сўзи феъли 11 марта қўлланилган:** ***Лекин овқатдан*** *шубҳаланган* ***Мирзо Улуғбек ҳануз туз тотгани йўқ. – Наҳот фақирдан*** *шубҳа қилурсиз,* ***устод? –Йўқ! Агар*** *шубҳа қилсам* ***бу сирни очмас эдим.*** **Ў.Хошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романида улар фақат бир мартадан ишлатилган:** ***“Мабодо у ёққа олиб кетишса Мугулистонга тушдик, деб ёзавер, бўлмаса ойимлар Рустам борган шаҳарнинг адресини нега ёзмайди, деб шубҳаланадилар”, дебди. Қурбоной аясининг гаплари ростлигига шубҳа қилмасди.*** **Т.Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида бир марта ҳам қўлланилмаган.**

Улардаги ана шу хусусиятлардан келиб чиқиб, функционал чегараланишлар ҳам содир бўлади. Бошқача айтганда, синонимик параллелдаги фикрни бирмунча аниқ ва қатъият билан ифода этадиган шакллар шу хусусиятларга талаб ва мойиллик кучли бўлган расмий ва илмий услубларга хослана боради. Расмий услубда: - ***бадиий асар яратиш ва уни*** *таҳлил қилиш* ***жараёнини ўз ичига оладиган йўналиш; - табиатни*** *муҳофаза қилишнинг* ***экологик тамойиллари ва табиатдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, табиатни бузмас технологиялар яратишнинг келажаги ҳақида; - инсон атроф-муҳитини физик, кимёвий ва биологик ҳодисаларнинг зарарли таъсирларидан*** *ҳимоя қилиш* ***воситалари ва усуллари; - манба матнларини*** *транскрипция қилиш* **(Давлат таълим стандартлари). ДТС матнида бу феъллар** ***таҳлилламоқ, муҳофазаламоқ, ҳимояламоқ, транскрипцияламоқ*** **тарзида қўлланган эмас. С.Мустафаевнинг «Ботаника» асарида** ***синтез*** **сўзи 28 марта қўлланилган бўлса, шундан 17 ҳолат ҳаракат билан боғланган. Фақат мажҳул даражада –** ***синтезланмоқ*** **шаклида 3 марта қўлланган, қолган 12 ҳолатда** ***синтез қилмоқ,*** **2 ҳолатда** ***синтез бўлмоқ*** **тарзида қўлланилган:** ***Рибосомаларнинг асосий вазифаси аминокислотадан рибонуклеин кислотаси (РНК) иштирокида цитоплазманинг оқсил молекулаларини*** *синтез қилишдан* ***иборатдир*** **каби.**

Феъл ясовчи қўшимчалар сирасидаги ***–лан*** **ва** ***–лаш*** **кўрсаткичлари бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи ҳаракат маъноларини ифодалайдиган феълларни ҳосил қилишига қарамасдан, баъзан нуткда ўзаро алмаштирилиб қўлланилади:** ***асабийланмоқ-асабийлашмоқ, бараварланмоқ-бараварлашмоқ, дадилланмоқ- дадиллашмоқ, дағалланмоқ-дағаллашмоқ, дармонсизланмоқ-дармонсизлашмоқ, дурустланмоқ-***

дурустлашмоқ, ёмонланмоқ- ёмонлашмоқ, енгилланмоқ-енгиллашмоқ, заифланмоқ-заифлашмоқ, мужассамланмоқ-мужассамлашмоқ, мураккабланмоқ-мураккаблашмоқ, равшанланмоқ-равшанлашмоқ, разилланмоқ-разиллашмоқ, салқинланмоқ-салқинлашмоқ, секинланмоқ-секинлашмоқ, сийқаланмоқ-сийқалашмоқ, сийракланмоқ-сийраклашмоқ, соддаланмоқ-соддалашмоқ, соғломланмоқ-соғломлашмоқ, такомилланмоқ-такомиллашмоқ, тарангланмоқ-таранглашмоқ, тетикланмоқ-тетиклашмоқ, тинчланмоқ-тинчлашмоқ, тўдаланмоқ-тўдалашмоқ, уймаланмоқ-уймалашмоқ, хираланмоқ-хиралашмоқ, чуваланмоқ-чувалашмоқ, юқориланмоқ-юқорилашмоқ, ялқовланмоқ-ялқовлашмоқ, ҳолсизланмоқ-ҳолсизлашмоқ **каби.**

Ваҳоланки, ушбу қўшимчалар янги феъл ясашдан ташқари қўшимча грамматик вазифаларни ҳам бажаради. А.Ҳожиев *–лан* қўшимчаси билан ясалувчи феълларда ўзлик даражага хос хусусиятнинг, *-лаш* қўшимчаси ёрдамида ясалувчи феълларда эса ўзлик ва биргалик даражага хос хусусиятнинг сақланишини таъкидлайди. 9. Шу ҳолатнинг ўзиёқ уларнинг ўзаро алмашиниб қўлланилиши қандайдир маънода мантиққа зид эканлигини кўрсатади. Чунки бир вақтнинг ўзида бир феълда ҳам ўзлик, ҳам биргалик даражасининг мужассам бўлиши қийин. *–лаш* қўшимчасининг даражани кўрсатиш имконияти *–лан* га қараганда кенг бўлиб, у бир ҳолатда ўзлик, бошқа бир ҳолатда биргалик даражасини ифода эта олиши мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, бу икки қўшимчанинг даража кўрсаткичлари ўзаро мос келган, аниқроғи, ўзлик даражани ифодалагандагина уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлади: *дармонсизланмоқ- дармонсизлашмоқ, дадилланмоқ-дадиллашмоқ* ва ҳоказо.

А.Ҳожиев айтган юқоридаги фикрнинг давоми ҳам бор: «*-лан, -лаш* аффикси билан ясалувчи феълларда ўзлик ёки биргалик даражасига хос хусусият маълум даражада сақланса-да, лекин бу феълларни ўзлик ёки биргалик даражалари формалари қаторига киритиш мумкин эмас. Ўзлик ва биргалик даража формалари махсус аффикслар ёрдамида ясалади ва бу аффиксларни феъл ўзак-негизидан ажратиш мумкин бўлади. *Ривожланмоқ, оғирлашмоқ* каби феълларда даража формасини ясовчи формант йўқ. Феълнинг ҳеч қандай даража кўрсаткичига эга бўлмаган формаси эса бош даража ҳисобланади». 10.

Юқорида келтирилган ва ўзаро алмаштириб қўллаш мумкин бўлган феълларнинг бу ўринда қайси даражада келаётганлиги эмас, балки қандай сабабларга кўра бу алмашинишнинг содир бўлиши сабабларини аниқлаш муҳим. Мисоллардан англашилмоқдаки, ясовчи шакллар турлича

бўлишидан қатъий назар, даража мазмуни бир хил бўлган ҳолатлардагина уларни ўзаро алмаштириб қўллаш мумкин бўлмоқда. Иккинчидан, объектли-объектсизлик ҳам ўзаро алмашинишга таъсир ўтказади. Мас., *тўдаланди-тўдалашди* феълларини олиб қарайлик: *хашак тўдаланди* – объектсиз, *хашакни тўдалашди* – объектли феъл. Бундай пайтда уларнинг бири иккинчисининг ўрнини боса олмайди. *Одамлар тўдаланди – одамлар тўдалашди* дейилганда эса уларнинг ҳар иккаласи ҳам объектсиз феъл ва алмаштиришни амалга ошириш мумкин.

Шундай қилиб, *-лан* ва *–лаш* ёрдамида ясалган феъллар даража ва объектли-объектсизлик нуқтаи назаридан бир хил бўлганда улар бир хил маъноларни англатиши мумкин. Ушбу қўшимчалардан ясалган феълларни имло ва терс луғатлар ёрдамида таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу каби феъллар ўзбек тилида саноқли миқдорни ташкил этади.

Энди асосий муддаога ўтамиз. Маълум бир даража шаклидаги ёки объектга муносабатдаги айрим феълларни ўзаро ўрин алмаштириб қўллаш мумкин экан, уларни синоним сифатида қараш ёки стилистик фарқланишларини аниқлаш мумкинми, деган савол туғилади. Мисолларга мурожаат қиламиз: *Эшик очилганда бир зум устоднинг* асабийлашган *бўғиқ товуши эшитилиб, эшик ёпилиши билан яна тинди* (О.Ёқубов) - *Эшик очилганда бир зум устоднинг* асабийланган *бўғиқ товуши эшитилиб, эшик ёпилиши билан яна тинди. Хаёли* чувалашиб *кетган Қаландар, кўз олди қоронғилашиб, устунга суяниб қолди* (О.Ёқубов) - *Хаёли* чувалашиб *кетган Қаландар, кўз олди қоронғилашиб, устунга суяниб қолди.* Ушбу мисолларда *–лан* ва *–лаш* ҳам, ушбу қўшимчалар таркибидаги ўзлик маъносини ифода этувчи *–н* ва *–ш* ҳам бирор бир стилистик оттенкани бера олмаяпти. Бу ҳолат юқорида келтирилган бошқа мисолларда ҳам кузатилади. Фақатгина шу нарсани қайд этиш мумкинки, бу параллелликда *–лан* га нисбатан *–лаш* нинг фаол эканлиги пайқалади. Жумладан, О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романида шу нарса яққол кўзга ташланади. Айрим мисолларни келтириш билан чегараланамиз: *Салоҳиддин заргар* асабийлашиб, *бир қўзғалиб олди* (3 марта). *Шароб унинг фикрини* равшанлаштирди, *оёғини, бутун вужудини қақшатган оғриқни хиёл босди* (2 марта). *Қирлар* баландлашган *сайин туяларнинг юриши* секинлашиб, *"бўҳ-бўҳ"лари кўпайди. Япроқлари* сийраклашиб *қолган ярим яланғоч боғ дарёдай сокин шовиллар, чирс-чирс узилган хазонлар ҳавода пир-пир учиб оёқ остидаги "гилам" устига унсизгина қўнар эди* (3 марта). *Ё кўк унга ўз сирларини очишни тиламас, ё унинг ақл кўзгуси* хиралашиб *қолган* (4 марта). *–лан* қуйидаги гапларда қўлланилган: *Отаси чиқиши билан мавлоно* ҳолсизланиб *тўшакка чўзилди* (5). *Али Қушчи* дармонсизланиб

***кўзларини юмди* (3марта). *Али Қушчи аввал тортиниб, кейин эса хиёл дадилланиб, ҳамма сўроқларга жавоб берди*.**

Келтирилган мисоллар шуни тасдиқлайдики, юқоридаги саволга ижобий жавоб бериб бўлмайди.

+++

Тақлидий сўзлардан *–илла, -ирла* ва *–ира* қўшимчалари билан ясалган айрим феълларни ҳам ўзаро алмаштириб қўллаш мумкин: *бидилламоқ-бидирламоқ, биғилламоқ-биғирламоқ, вағилламоқ-вағирламоқ /ванғилламоқ-ванғирламоқ, гупилламоқ-гупирламоқ, дикилламоқ-дикирламоқ, дўпилламоқ-дўпирламоқ, ғижилламоқ-ғижирламоқ, ғимилламоқ-ғимирламоқ, ғинғилламоқ-ғинғирламоқ, жимилламоқ-жимирламоқ, жингилламоқ-жингирламоқ, зирқилламоқ-зирқирамоқ, йилтилламоқ-йилтирамоқ, қимилламоқ-қимирламоқ, милтилламоқ-милтирамоқ, минғилламоқ-минғирламоқ, мўлтилламоқ-мўлтирамоқ, патилламоқ-патирламоқ, тапилламоқ-тапирламоқ, типилламоқ-тапирламоқ, тўпилламоқ-тўпирламоқ, чикилламоқ-чикирламоқ, чирқилламоқ-чирқирамоқ, чуғилламоқ-чуғирламоқ, шарқилламоқ-шақирламоқ, шатилламоқ-шатирламоқ, ялтилламоқ-ялтирамоқ, ярқилламоқ-ярқирамоқ* каби.

Тақлидий-образли сўзлардан феъл ясаган *–ира* аслида *–ир+ра* қўшилмасидан ҳосил бўлганлиги илмий манбаларда қайд этилган. (*Қаранг: Ғуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р.* Сўз ясовчи ва форма ясовчи аффикслар. Ўзбек тили морфем луғати. – Т.: ўқитувчи, 1977, 419-б.). *–илла* ҳам бу қўшилманинг оғзаки нутқ учун мослашган шакли бўлиши мумкин. Шунинг учун уларнинг қўлланилишига стилистик нуқтаи назардан қараганда *–илла* билан ясалган феъл шаклларини оғзаки, *-ира, -ирла* ёрдамида ҳосил бўлган вариантларини эса китобий услубларга хосланган деб айтиш мумкин. Бунинг устига, уларда аста секинлик билан қўлланиш кўламида чегараланиш юз бера бошлаганлигини ҳам пайқаш мумкин. Масалан, *бел зирқиллайди, юрак зирқирайди; одам ғижиллайди, каравот ғижирлайди; одам вағиллайди/вағирлайди, мотор ванғиллайди/ванғирлайди; бола чуғиллайди, чумчуқ чуғирлайди* ва бошқалар.

(Таҳлиллар буни тасдиқлайди)

+++

Ўзбек тилида феълда соодв ва қўшма сўз шаклларининг мавжудлиги уларни ўзаро синонимик муносабатда олиб қараш ва функционал чегараланишлари ҳақида мулоҳаза юритиш заруриятини келтириб чиқаради.

Икки ёки ундан ортиқ (асосан икки) сўзнинг бирикувидан ҳосил бўлган феъллар ё қўшма, ёки кўмакчили бўлиши мумкин. А.Ҳожиевнинг қайд этишича, ўзбек тилида қўшма феъллар

кўпчиликни ташкил этмайди. Уларнинг ўзига хос хусусияти содда феъллар билан синонимик муонсабатнинг юзага келишидир (ҲА. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар, 37-бет). Олим томонидан келтирилган *олиб бормоқ* феълига *этмоқ* нинг синоним бўлиши ва *олиб бормоқ* нинг бир сўз сифатида қаралиши лозимлиги ҳақидаги фикрига биз ҳам қўшиламиз. Аммо шу ўринда келтирилган *сотиб олмоқ, олиб қолмоқ, қойил қолмоқ, жавоб бермоқ* каби қўшма феъллар улардаги синонимик муносабатларни бир содда феъл билан бўлган муносабат доирасида чегаралаб бўлмаслигини кўрсатади. *Тасдиқ қилмоқ – тасдиқламоқ, олиб бормоқ – элтмоқ* дейиш мумкин бўлгани ҳолда, *сотиб олмоқ* ни бир сўз билан ифодалаб бўлмайди, унга *харид қилмоқ* синоним бўлиши мумкин. *Сотиб олмоқ* оғзаки, *харид қилмоқ* китобий нуткқа хосланади.

***Қойил қолмоқни* ҳам бир сўз билан алмаштириб бўлмайди, *қойил қолмоқ* дейиш мумкин. *Қойил қимоқ* эса *қойиллатмоқ* билан синонимик муносабатда бўлади ва стилистик оттенкаларида ўзаро фарқланади: *Қойил қилиб бажармоқ – қойиллатиб баражмоқ* каби. Иккинчи ҳолатда экспрессия кучли. Улардаги маъно оттанкаларининг фарқланишини қуйидаги мисолларда ҳам кузатса бўлади: *Ҳаммани қойил қилдинг* дейиш мумкин бўлгани ҳолда *ҳаммани қойиллатдинг* деб бўлмайди. Бу ҳаракат объекти предмет ёки нарса-ҳодиса билан боғлиқ бўлган *қойиллатмоқ* ни ҳаракат объекти одам бўлган ҳолатга қўллаб бўлмаслиги билан изоҳланади.**

+++

Кўмакчили феъл шакллари феълларнинг функционал-стилистик кўламини яна ҳам кенгайтиради. Бунга маълум маънода кўмакчи феълнинг семантик майдони ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Синонимик муносабатлар ва функционал чегараланишлар асосий ва кўмакчи феълларни бириктирувчи *–(и)б* ва *–а,-й* равишдош ясовчилар орқали реаллашади. Масалан: *ёзиб бошламоқ – ёза бошламоқ – ёзиб турмоқ – ёза турмоқ – ёзиб билмоқ – ёза билмоқ; ишлаб бошламоқ – ишлай бошламоқ; ўқиб билмоқ – ўқий билмоқ* каби. Бу икки равишдош қўшимчаси иштирок этган феълли бирикмаларнинг адабий тилда меъёрлашув даражаси бир хил эмас: *ёза бошламоқ, ишлай бошламоқ* феъллари уларнинг *ёзиб бошламоқ, ишлаб бошламоқ* шаклларига нисбатан фаол қўлланилади. *Ёзиб турмоқ, ёза турмоқ* қа қараганда кўп қўлланилади. *Ёзиб билмоқ, ўқиб билмоқ* кўринишлари диалектал чегараланишга эга. Шунинг учун *–(и)б*

ва *–а,-й* иштирок этган феълларнинг қайси бири фаоллиги ҳақида қатъий хулоса чиқариб бўлмайди. Функционал жиҳатдан эса фақатгина *ёза турмоқ* нинг китобий оттенкаси ажарилб туради. *Ўқиб билмоқ* ва *ўқий билмоқ* маъносида кўпинча *ўқий олмоқ* феъли маҳсулдор қўлланилади. *Сен мана шу қўлёзмани ўқиб биласанми - Сен мана шу қўлёзмани ўқий биласанми - Сен мана шу қўлёзмани ўқий оласанми* каби. Аммо бу гапда *ўқий билмоқ* феъли *ўқий олмоқ* билан синонимик муносабатга кириша олмайди, мазмн ўзгариб кетади. Умуман олганда, ўзбек тилида бу каби синонимик ҳолатларнинг ўзи кам. Асосий ҳолатларда бу икки қўшимча ясаган феъллар мазмун жиҳатдан фарқланади. Шунинг учун ҳам А.Ҳожиев қуйидагиларни қайд этган: «Равишдошнинг ҳар икки турига бирикканда ҳам бир хил маъно ифодалаш бир-икки кўмакчи феълдагина учрайди: *савалаб кетди – савалай кетди.* Лекин шунда ҳам равишдошнинг *–(и)б* аффиксли турига бириккан форм билан *–а,-й* аффиксли турига бириккан форма маънодаги нозик ўзгачалиги ва бошқа хусусияти билан бир-биридан фарқланади».17.

Синонимия ҳодисаси феълнинг кўмакчи қисмлари ўртасида содир бўлади: *китобни ўқиб чиқмоқ – китобни ўқиб тугатмоқ – китобни ўқиб бўлмоқ – китобни ўқиб тугалламоқ – китобни ўқиб тамомламоқ – китобни ўқиб битирмоқ – китобни ўқиб қўймоқ – китобин ўқит ташламоқ* каби. Бу гапларнинг барчасидан ўқиш ҳаракатининг ўз ниҳоясига етганлиги, якунланганлиги англашилади. Улардан баъзиларида бу маънодан ташқари яна қўшимча оттенкалар ҳам англашилади. Масалан: *китобни ўқиб чиқмоқ* да батафсиллик, бошдан-охиригача маънолари, *китобни ўқиб ташламоқ* да ўқиш жараёни узоқ давом этмаганлиги, тезда тугаганлик, *китобни ўқиб қўймоқ* да китоб омонатга олинган-у, уни қайтаришга тайёр эканлиги маънолари устунлик қилади.

Кўмакчи феъллар орасида *турмоқ* ҳар икки равишдош ясовчи қўшимчани ўзига бириктира олиши билан ажралиб туради. Унинг бу хусусиятлари А.Ҳожиев томонидан яхши таҳлил этилган: «Равишдошнинг *–а, -й* аффиксли турига бирикканда: 1. Ҳаракатнинг вақтинча, бирор бошқа ҳаракат-ҳодиса юз бергунча давом этиши маъносни (русча «пока» деган маънони) билдиради: *бора тур, қўя тур, ёза тур, ишлай тур. Тур* кўмакчи феъли *–(и)б* аффиксли равишдошга бирикканда ҳам шу маънони ифодалай олади. Лекин бу икки форма (*ёзиб тур* ва *ёза тур* формаси) ўзига хос фарқли хусусиятларга эга. Биринчидан, ҳаракатнинг давомлилиги *ёзиб тур* формасидагига нисбатан *ёза тур* формасида қисқароқ бўлади. Иккинчидан, *тур* кўмакчи феъли равишдошнинг *–а, -й* аффиксли турига бирикканда, «вақтинча»,

«ҳозирча» («пока») деган маъно контекстдан ташқарида ҳам аниқ ифодаланаверади… Тўртинчидан, буйруқ-истак майли формасида қўлланганда, *ёза тур, ишлай тур* формасида буйруқ жуда кучсизланади, ҳатто, йўқ ҳолатда бўлади. *Ишлаб тур, ёзиб тур* формасида эса буйруқ ўз кучида бўлади». 20. олим қайд этган кўмакчили феъллардаги маъно оттенкаларининг фарқланиши стилистик нозикликлар сифатида баҳоланади.

-(и)б **ва** ***–а,-й*** **қўшимчалари билан шаклланган равишдошларнинг** ***бормоқ*** **кўмакчи феъли иштирок этадиган бирикувларида ҳам стилистик оттенкалар юзага келади. Масалан:** ***йўқолмоқ - йўқолиб бормоқ, йўқола бормоқ; суюлмоқ - суюлиб бормоқ, суюла бормоқ; тўлмоқ - тўлиб бормоқ, тўла бормоқ; ўрганмоқ - ўрганиб бормоқ, ўргана бормоқ; алангаланмоқ - алангаланиб бормоқ, алангалана бормоқ; тозаланмоқ - тозаланиб бормоқ, тозалана бормоқ; лойқаланмоқ - лойқаланиб бормоқ, лойқалана бормоқ; жонсизланмоқ - жонсизланиб бормоқ, жонсизлана бормоқ; обрўсизланмоқ – обрўсизланиб бормоқ, обрўсизлана бормоқ; яхшиланмоқ – яхшиланиб бормоқ, яхшилана бормоқ*** **каби.** ***–а, -й*** **қўшимчалари айрим феълларга қўшилганда** ***–й*** **га айланади:** ***камаймоқ – камайиб бормоқ, камая бормоқ; кўпаймоқ – кўпайиб бормоқ, кўпая бормоқ; тораймоқ – торайиб бормоқ, торая бормоқ; қораймоқ – қорайиб бормоқ, қорая бормоқ, кичраймоқ – кичрайиб бормоқ, кичрая бормоқ, зўраймоқ – зўрайиб бормоқ, зўрая бормоқ; пасаймоқ – пасайиб бормоқ, пасая бормоқ; кексаймоқ – кексайиб бормоқ, кексая бормоқ; сусаймоқ – сусайиб бормоқ, сусая бормоқ, улғаймоқ – улғаиб бормоқ, улғая бормоқ, соғаймоқ – соғайиб бормоқ, соғая бормоқ*** **сингари. Келтирилган ҳар учала вариант ҳам ўзаро синонимик муносабатга киришиши мумкин. Масалан:** ***Мирзо Улуғбек то Афросиёб харобаларига етгунча гўё онасидан айрилган бўтадай орқасига*** *қарай-қарай* ***борди...*****(О.Ёқубов)-** ***Мирзо Улуғбек то Афросиёб харобаларига етгунча гўё онасидан айрилган бўтадай орқасига*** *қараб-қараб* ***борди. Али Қушчи тепага чиққунча орқасига*** *қарай-қарай* ***борди*** **(О.Ёқубов)-** ***Али Қушчи тепага чиққунча орқасига*** *қараб-қараб* ***борди.*** **Аммо «Улуғбек хазинаси» романидаги равишдош ясовчи ушбу шаклларнинг қўлланиш частотаси шуни кўрсатадики, нуткда** ***-(и)б*** **қўшимасининг қўлланиши ниҳоятда фаол. Асарда бу қўшимча** ***бормоқ*** **феълли бирикувда 119 марта равишдош ясагани ҳолда,** ***-й*** **бор-йўғи 2 марта шу вазифани бажарган. Илмий матнларда ҳам нисбатан шу ҳолат кузатилди.**

Бунинг сабабларини А.Ҳожиев ***бормоқ*** **нинг** ***–(и)б*** **қўшимчаси орқали бириккан тури барча замон шаклларида қўлланила олиши билан изоҳлийди. 23.** ***–(и)б*** **ва** ***–а, -й*** **ўртасидаги**

стилистик нозикликларни эса қуйидагича изоҳлайди: «*-а, -й* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси … контекстдан ташқарида ҳам ҳаракатнинг йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлигини аниқ ифодалайди: *Биз руспублика қишлоқ хўжалик илғорларининг ҳамма ишларини кузатиб борамиз.*

Бу мисолда етакчи феълдаги ҳаракатнинг асосий ҳаркат ёки йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлиги аниқ ифодаланмайди. Агар *кузатиб борамиз* формаси ўрнида *кузата борамиз* қўлланса, етакчи феълдаги ҳаракат йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлиги ифодаланади.

Лекин ҳаракатнинг йўлакай бажарилувчи ҳаракат экани кўпинча, контекст ёки умумий ҳолатдан маълум бўлиб туради. Шу сабабли йўлакай бажарилиш маъносида ҳам *–(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси қўлланилаверади. Бу ҳодиса *–а, -й* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формасининг қўлланиш доирасини анча чегаралаб қўяди».24.

+++

А.Ҳожиев «От+феъл» типидаги феълларнинг компонентлари шеъриятда қофия ва бошқа талабларга кўра ўрин алмашиниши мумкин», дейди ва *чекди имзо, қилар сени ёд* каби мисолларни келтиради. 38.

+++

Ол* кўмакчи феълининг етакчи феълга бирикувида ҳам *–(и)б, -а, -й* равишдош ясовчилари иштирок этади. Улар хртасидаги ҳам *бормоқ* феъли бирикувидаги сингари синонимик муносабат мавжудми-йўқми, деган саволга жавоб топиш мақсадида О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романидаги бирикувларни қараб чиқамиз. *–(и)б олмоқ* бирикувидаги феъллар роман матнида 274 марта учрагани ҳолда *–а олмоқ, -й олмоқ, -я олмоқ* бирикувидаги феъллар 19 тани ташкил этган. Бу рақамлар равиш ясовчи қўшимчаларнинг *бормоқ* феъли бирикувидаги статистикани яна бир бор тасдиқлайди. Улар иштирокидаги мисолларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг *олмоқ* кўмакчи феъли бирикувида бутунлай бошқа манзара кўзга ташланади, яъни бу ерда уларнинг ўзаро синонимик муносабатга кириша олмаслиги маълум бўлади: 1. *Лекин Али Қушчи узангини топиб, типирчилаган отга ўзи сапчиб минди-да, жиловини қўлига олди: у «қушчи»*[48] *номини бекорга олмаган, аълоҳазратлари билан овга чиққан пайтларида, не-не

[48] **Қушчи–бу ерда моҳир овчи маъносида.**

асов тулпорларни жиловлаб, бир лаҳзада ўзига *ўргатиб оларди***!.. *Биринчи ясовул карнай қилиб*** *ўраб олган* ***ёрлиғини кўрсатиб дарвозахонага кирди. Уларни эшикда*** *кутиб олган* ***тунд юзли таниш саройбон Али Қушчини юқорига бошлади;*** **2. *Суюкли юртинг, муқаддас Яссини бадхоҳ Бароқхон зулмидан*** *қутқара олмадим.* ***Боғ томондаги шу эшикдан*** *кира олса* ***бас – мавлононинг меҳмонхонасига ўтиб олиш осон. Неча кунга бардош*** *бера олади***? каби.**

А.Ҳожиев бу ҳолатнинг сабабларини очиб берган. *–(и)б* иштирок этган ҳолатда ҳаракатнинг йўналганлиги, ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши ва бир марталик маънолари англашилса, *-а, -й, -я* иштирок этган ҳолатда ҳаракатни бажаришга қобилиятлилик, бажариш имкониятига эгалик, қодирлик, бажаришнинг уддасидан чиқа олишлик каби маъно оттенкалари ифода этилади. 34. Табиийки, бу каби турли семантик маъноларнинг ифода этилиши жараёнида улар ўзаро синонимик муносабатга кириша олмайди.

+++

Бер **кўмакчи феълининг етакчи феълга қўшилиш жараёнида ҳам *-(и)б*** **ва *а, й*** **қўшимчалари қатнашади. О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романидан олинган *-(и)б* иштирок этган 92 та, *-а* иштирок этган 2 та, *-й* иштирок этган 1 ҳолатни қиёслаш шуни кўрсатадики, уларнинг *бер* кўмакчили феълли бирикувида синонимия ҳодисаси юз бермайди. *-(и)б* да ҳаракатнинг тугалланганлик маъноси, *-а, й* дан давомлилик маъноси англашилганлиги туфайли уларни ҳам синонимик муносабатга кириштириб бўлмайди. *–а бермоқ* ўрнида *–авермоқ* шакли қўлланилишининг фаоллиги сезилади. Романда бундай қўлланиш 12 ўринда содир бўлган.**

+++

I шахс бирлиги ўрнида II шахс бирлиги:
МАВЛОНОЗОДА
Мен, қовоқаридан бол тиладимми?
Ғажирнинг бўрига ҳамтовоқлигин
Наҳотки, унутдим? Наҳот кўзим кўр?!
Кўрсан, Мавлонозода! Теран тикилсанг,
Оқ сутда ҳам қон бор! Сен-чи, кўрмадинг!
Дўст ила ғанимга битта қудуқдан,
Битта пиёлада сув тутдинг, у кўр!
Бўри ожиз эди, ожиз бўрига
Тиғ янглиғ тиш бўлдинг, тирноқ бўлдинг сен
У ғажиб ташлади, ғажиб ташлади! (А.Суюн. Сарбадорлар)

I шахс бирлиги ўрнида II шахс кўплигининг қўлланиши: *Қани энди, отланинг ҳей, Муҳаммад Али! Уйда ётиб бўлармиди тўйлар маҳали!* (М.Али). Масаланинг диққатга сазовор томони шундаки, мазмунан гап I шахс тўғрисида кетаётган бўлса ҳам уни айнан шу шахс кўрсаткичи орқали ифодалаб бўлмайди. Агар шундай қўлланса, балки грамматик мантиқ бузилмас, аммо стилистик мантиқ ва бадиий ифода мантиғи бузилади.

***О л т и н ч и м а ъ р у з а*:**

ЁРДАМИ СЎЗЛАР – КЎМАКЧИЛАР, БОҒЛОВЧИЛАР, ЮКЛАМАЛАР СТИЛИСТИКАСИ .

Р е ж а:

1. Ёрдамчи сўзларнинг грамматик табиати.
2. Кўмакчиларнинг стилистик хусусиятлари.
3. Боғловчиларнинг стилистик хусусиятлари.
4. Юкламаларнинг стилистик хусусиятлари.
5. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар синонимияси.

Ўзбек тилшунослигида кўмакчиларнинг функционал-стилистик хусусиятлари А.Пардаев томонидан монографик йўналишда ўрганилган ва номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Кўмакчиларнинг стилистик хусусиятларини ўрганишда ана шу тадқиқот материалларидан фойдаланамиз.

Кўмакчилар ўзбек тилшунослигида ушбу тадқиқотга қадар ҳам ўрганиш объекти бўлган ва бунинг натижасида катта-кичик мақолалардан тортиб, монографик йўналишдаги ишлар юзага келган.

Жумладан, Ҳ.Бердиёровнинг "Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида сўнгкўмакчилар" мавзуидаги (Самарқанд, 1949), Х.Т.Ахтамованинг "Ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаб аналитик сўнгшакллар" номли номзодлик диссертациялари (Тошкент,1981), А.Н.Кононовнинг "Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўнгкўмакчилар" (Тошкент, 1951), Ш.Шоабдураҳмоновнинг "Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар" (Тошкент,1953), Р.Расуловнинг "Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик-грамматик хусусиятлари" (Тошкент,) Т.Рустамовнинг "Ўзбек тилида кўмакчилар" (Тошкент,1995), "Соф кўмакчилар" (Тошкент,1991) монографиялари бевосита ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг лингвистик табиатини ўрганишга бағишланган.

“Ўзбек тили грамматикаси, I том. Морфология” (Тошкент, 1975.) академик нашрида, А.Н.Кононовнинг “Грамматика языка тюркских рунических памятников.VII-IX вв.” (Л.,1980), “Грамматика современного узбекского литературного языка” (М.-Л., 1960), С.Муталлибовнинг “Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк” (Тошкент,1959), Э.Фозиловнинг “Ўзбек тилининг тарихий морфологияси” (Тошкент,1965), А.М.Щербакнинг “Грамматика староузбекского языка” (М.-Л.,1962), Ғ.Абдураҳмонов ва Ш.Шукуровларнинг “Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси” (Тошкент, 1973) сингари асарларда ҳам кўмакчилар тадқиқига доир махсус бўлимлар мавжуд.

Бундан ташқари ўзбек тили тарихи ва адабий тил грамматикасини ўрганишга доир дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам кўмакчилар борасидаги фикрлар анчагина. У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаевларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (Тошкент,1992), Ш.Шоабдураҳмонов, М.Асқарова, А.Ҳожиев, И.Расулов, Х.Дониёровларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (Тошкент, 1980), Ғ.Абдураҳмонов, А.Рустамовларнинг “Қадимги туркий тил” (Тошкент,1982), Ж.Ҳамдамовнинг “Ўзбек тили тарихи. Иккинчи қисм.Тарихий морфология.Иккинчи бўлим” (Самарқанд, 2003) сингари дарслик ва ўқув қўлланмлари шулар жумласидандир.

Кўмакчиларни ўрганишга бағишланган илмий мақолалар сон жиҳатдан салмоқли бўлганлиги учун уларни маълум гуруҳларга ажратиш мумкин. А.А. Коклянованинг “Ўзбек тилида сўнгкўмакчилар ва кўмакчи отлар”, Ҳ.Ғ.Неъматовнинг “XI-XII аср ёзма ёдгорликларида кўмакчилар (“Қутадғу билиг”, “Девону луғотит турк”, “Ҳибатул ҳақойиқ” материаллари асосида)”, Г.Ф.Благованинг “XV-XVI асрлар эски ўзбек адабий тилидаги кўмакчилар ҳақида” мақолалари кўмакчиларни диахроник, А.Ғуломовнинг “Кўмакчили конструкция ҳақида”, У.Турсуновнинг “Ўзбек тилида сўнг кўмакчилар” мақолалари синхроник йўналишда ўрганишга бағишланган бўлса, Ў.Саидовнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги кўмакчиларнинг ўрганилишига доир” мақоласида эса бу борада яратилган тадқиқотларга обзор берилган. В.Эгамовнинг “Ўзбек шеваларида сўнг кўмакчили сўз бирикмаларининг семантик-грамматик муносабатлари”, Х.Жўраевнинг “Кўмакчиларни шева материалларига таққослаб ўрганиш”, Т.Алмаматовнинг “Халқ шеваларида “тур” кўмакчи феъли ҳақида” мақолаларига шева материаллари асос бўлган. А.Абдуллаевнинг “Кўмакчилар ёрдами билан таркиб топган сўз бирикмаларида ифодаланган синтактик муносабатлар”, О.Амированинг “Сабаб ҳолларининг

кўмакчи конструкцияли сўзлар билан ифодаланиши" кўмакчилар синтакик муносабатлар доирасида қаралган.

Биз уларга заруриятга қараб керакли ўринларда мурожаат қиламиз. Аммо бу соҳада махсус кузатишлар олиб борган Ҳ.Бердиёров ва Т.Рустамовларнинг тадқиқотларига тўхталиш жоиздир.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги кўмакчиларни лингвистик таҳлил қилишга бағишланган дастлабки ишлардан бири Ҳ.Бердиёровнинг "Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида сўнгкўмакчилар" (Самарқанд, 1949) деб аталган номзодлик диссертацияси бўлиб ҳисобланади.

Диссертацион иш икки қисмдан иборат бўлиб, унинг 1-қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, сўз туркумларининг, жумладан ёрдамчи сўзларнинг келиб чиқиши, сўнгкўмакчиларнинг грамматик ва реливацион аҳамияти ҳамда улар билан қўшимчалар ўртасидаги муносабатлар масаласига тўхталиб ўтилган. 2-қисмида эса бевосита сўнгкўмакчиларнинг грамматик табиати ёритилган. Улар асл, равиш, равишдош, чоғиштирма сўз ва аффикс сўнгкўмакчилар тарзида гуруҳларга бўлиб ўрганилган. Кўмакчи отлар кенг ёритилган.

Ишнинг биринчи қисми сўз туркумларининг, жумладан кўмакчиларнинг келиб чиқишини ўрганишга бағишланган. Диссертация муаллифи таъкидлайдики, XIX асрнинг бир қанча тилшунослари (Л.Нуаре, В.Вундт, М.Мюллер) сўз туркумларининг келиб чиқиши тўғрисида гапирганда, феъл туркумини кишилар томонидан биринчи мартаба қўлланган сўзлар деб ҳисоблайдилар ва феълдан бошқа сўз туркумлари ажралиб чиққан дейдилар. Демак, буларнинг фикрича, феъл бошқа сўз туркумларининг тараққиёти учун ажралиб чиқиш имконияти бўлиб хизмат этади. (БҲ, 9).

Ҳ.Бердиёров Н.Я.Маррнинг "Бир вақтлар сўз туркумлари бўлмаган эди. Аста-секин гап бўлакларидан ҳаракатни, яъни ўтимли феъл, кейинроқ ўтимсиз феълни ҳосил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи от ажралади. От – аниқловчи, сифат функциясини бажаради, от (отларнинг маълум доирасида) олмош бўлади, сўнгра боғловчи бўлади ва қолган сўз туркумлари юқорида кўрсатилган сўз туркумларининг биронтасидан ҳосил бўладилар". (*Марр Н.Я.*** **Избранные работы, т.II. – М.,1934, с.417. Таржима Ҳ.Бердиёровники). (БҲ,11), деган фикрига таяниб, "биринчи сўз, турмушда, ишлаб чиқариш процессида кишилик фикрлаши томонидан ажратилган, яъни предметларнинг номини ва муҳит кўринишларини, ҳодисаларини кўрсатувчи от экан", деган хулосага келади (БҲ,12) ва яна қуйидагиларни айтади:"Умуман биз айта оламизки, от, феъл ва олмош туркумлари тил тараққиётида сифат, сон, равиш ва ёрдамчи**

сўзларга қараганда энг аввал ажралиб чиққан сўз туркумларидир". (БҲ,12).

Муаллиф тадқиқотда ўзбек тилшунослигида биринчи марта ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган кўмакчиларнинг ўзи қўшилиб келаётган сўзнинг қандай семантик маънолари реаллишувига ҳамда гапда қандай вазифаларда келишига оид назарий қарашларини баён қилади. Бу кўмакчиларнинг ўзбек тилида мавжуд бўлган маънодош вариантлари тўғрисида эса, буни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўймагани учун, йўл-йўлакай мулоҳаза юритади. Тилшуносликда мавжуд бўлган анъанавий усуллардан чиқмаган ҳолда биз ҳозирда "кўмакчилар" деб ўрганиб келаётган тил бирликларини *олдкўмакчилар*га қарама-қарши равишда *сўнгкўмакчилар* тарзида талқин қилади. Бу қарашлар орасида сўз туркумларининг, хусусан ёрдамчи сўзларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги фикрлар муҳим ўрин тутади.

Тадқиқотда ўрни билан айрим фактларнинг лингвоститистик таҳлили берилганлиги хулосаларнинг илмийлигини таъминлашда ва амалий жиҳатларини кўрсатиб беришда катта аҳамиятга эга бўлган.

Диссертант иш якунида бугунги кунда ҳам ёрдамчи сўзлар реливацион табиатини ўрганишда аҳамиятли бўлган қуйидаги хулосага келади: сўнгкўмакчилар тил тараққиёти нуқтаи назаридан мустақил лексик маънога эга бўлган сўзлардан келиб чиққандир. Булар ҳозирги ўзбек адабий тилининг гап қурилишида, гапларнинг маъносини тайинлашда, сўзларни ўзаро муносабатга келтиришда катта роль ўйнайди.(БҲ,126). Сўнгкўмакчилар гапда турли синтаксистик муносабатларни бажариб, гапнинг бирор бўлагига боғланган ҳолда қўлланилади. Сўнгкўмакчилар мустақил лексик маънога эга бўлган сўзлардан, мустақил ҳолда қўллана олмаслиги, синтагмаларни ёки сўзларни бирлаштириш, кенгайтириш қобилиятига эга эмаслиги, морфологик томондан айрим семантик морфемаларга бўлинмаслиги, урғуни қабул қилмаслиги, гапнинг бирор мустақил бўлаги бўлиб келолмаслиги билан ажаралиб туради. Улар гапда иштирок этган сўзларга боғланиб келгандагина аташ, сабаб, мақсад, фазо каби қўшимча маъноларни ифодалаб келадилар. (БҲ,127).

Ўзбек тили, қолаверса туркологияда кўмакчиларни ўрганишга оид ишлар орасида Т.Рустамовнинг тадқиқотлари ҳам сезиларлидир. У кўмакчиларни ўрганишга бағишланган "Ўзбек тилида кўмакчилар" (Тошкент,1965), "Соф кўмакчилар" (Тошкент, 1991) сингари монографиялар ҳамда ўнлаб мақолалар эълон қилган.

Жумладан, унинг “Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар” монографияси кўмакчиларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги қўлланиш хусусиятлари ва уларнинг таснифига бағишланган бўлиб, ёрдамчи сўзларнинг ушбу тури тилшунослигимизда қай даражада ўрганилганилганлиги ҳамда уларнинг грамматик хусусиятлари бой тил материали асосида таҳлил этилган. Материални ёритишда Е.Д.Поливанов, И.А.Батманов, Қ.Рамазон, Ҳ.Қаюмий, О.Усмон, А.Н.Кононов, Ш.Шоабрураҳмонов, А.А.Коклянова, У.Турсунов, Ҳ.Бердиёров, А.Абдуллаев, В.В.Решетов каби олимларнинг қарашларига таянган ҳолда иш кўради, уларга муносабат билдиради ва “кўмакчилар гап бўлакларининг тобеланиш муносабатини яратувчи ва турли грамматик маъноларни ифодалашда хизмат қилувчи муҳим аҳамиятга эга бўлган лексик-грамматик категория” эканлиги ва унинг “гап қурилишидаги муҳим хусусияти билан ҳам бошқа сўз туркумларидан тубдан фарқланиши” ҳақида ўз нуқтаи назарини баён этади (РТ.ҲЎАТК).

Олимнинг “Соф кўмакчилар” асари ўзбек тилшунослигида кўмакчиларни диахроник йўналишда ўрганишга бағишланган йирик ҳажмдаги тадқиқотлардан биридир. Асарнинг ёзилишига XIII-XX асрлар ёзма ёдгорликлари манба бўлиб ҳисобланган ва минг йилга яқин даврни ўз ичига олган материаллар учга бўлиб ўрганилган:

XIII-XIV аср ёзма ёдгорликлари.

XV-XVI аср ёзма ёдгорликлари.

XVII-XX асрнинг бошлари ёзма ёдгорликлари.

Шу асосда туркий тиллар (ўзбек, туркман, чуваш, қозоқ) ва диалектолок манбалар қиёсий ўрганилган.

Муаллиф тадқиқотнинг кириш қисмида кўмакчиларни ўрганиш нафақат грамматиканинг, шу билан бирга, лексикология ва семасиологиянинг ҳам баъзи масалаларини ҳал этишга кўмаклашишини ва кўмакчилар мустақил маъноли сўзлардан келиб чиққанлиги ҳақидаги фикрнинг тўғри эканлигини таъкидлайди.

Муаллиф кўмакчилар кейинги пайтларда, асосан, иккита катта гуруҳга – соф кўмакчилар ва функционал кўмакчиларга бўлиб ўрганилаётганлини, соф кўмакчилар таркибидаги морфологик қўшимчалар ўзларининг грамматик хусусиятини батамом ёки қисман йўқотиб, ўзи бирикиб келган сўзнинг кўмакчи функциясини бажариши учун хизмат қилишини, ҳозирги нутқимизда ҳам кўмакчи, ҳам мустақил сўз сифатида қўлланаётган кўмакчилар функционал кўмакчилар деб аталишини қайд қилади. Кўмакчилар сўзми, уларда лексик маъно мавжудми деган саволларни ўртага қўйиб, уларга аниқ жавоблар беради. Жумладан, Т.Рустамов кўмакчиларнинг сўз

эканлигини асослайди, кўмакчиларнинг лексик маъноси ўзи бирикиб келаётган мустақил маъноли сўзнинг лексик маъносига боғлиқ эканлигини, уларнинг барчаси учун умумий бўлган хусусият синонимлик бўлиб, албатта, ҳар қайси кўмакчининг ўзига хос стилистик аҳамияти ҳам сезилиб туришини мисоллар асосида далиллайди.

У кўмакчиларнинг мустақил маъноли сўзлардан фарқи кўмакчилар мустақил лексик маъно йўқ эканлигидагина эмас, балки кўмакчилардаги лексик маъно қандайдир ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар мустақил маъноли сўзларга бириккандагина пайдо бўлишидадир, деб ҳисоблайди.

Т.Рустамовнинг кўмакчиларни ҳам диахроник, ҳам синхроник тарзда ўрганишга, уларнинг тараққиёт даражаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишга кўмаклашади. Муаллиф юқорида санаб ўтилган кўмакчиларнинг туркий тилларда, жумладан ўзбек тилидаги амалда бўлиш ва меъёрлашув босқичларини ўрганар экан жуда катта ҳажмдаги тарихий манбалардан материал сифатида фойдаланган. Олимнинг хизматлари шундаки, кўмакчиларни ёрдамчи сўзлар сифатида таҳлил этар экан уларнинг грамматик маъноларини лексик маънолари билан биргаликда кичик синтактик қуршовда олиб ўрганади ва шу йўл билан улар бирикиб келган сўзлар ва уларнинг лексик-грамматик маъноларининг юзага келишидаги хизматлари, бошқа сўзларга бирикиш хусусиятлари кўрсатиб берилади. Шу билан бирга ўрни билан айрим кўмакчиларларнинг бошқа кўмакчиларга ёки грамматик воситаларга синонимияси, фразеологик бирликлар ҳосил қилиш жараёнидаги иштироки хусусида ҳамда уларнинг функционал имкониятлари ҳақида ҳам гап борадики, бу ушбу диссертационнинг иш мавзу эътибори билан аҳамиятлидир. Биз уларга ўрни билан мурожаат қиламиз.

Гарчи ўзбек тилшунослигида кўмакчиларнинг граммтик хусусиятларини диахроник ва синхроник йўналишда текширишга бағишланган тадқиқотлар етарли даражада бўлса-да, биз қараб чиққан манбалардан шу нарса маълум бўлдики, ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг стилистик хусусиятларини ўрганишга оид ҳатто мақола характеридаги кузатишлар ҳам бармоқ билан санарлидир. Фақатгина Р.Қўнғуров ва Т.Қурбоновнинг "Кўмакчилар синонимиясига доир", Т.Қурбонов ва Н.Эрназаровнинг "Ёрдамчи сўзлар стилистикасига доир" мақолаларида бевосита кўмакчилар стилистикасига доир мулоҳазалар баён этилган бўлса, Р.Қўнғуровнинг "Ўзбек тили стилистикасидан очерклар" асарида, Р.Расуловнинг "Аввал", "кейин" сўзларининг баъзи бир стилистик хусусиятлари ҳақида", С.Каримовнинг "Ёрдамчи сўз туркумларининг бадиий услубдаги кўринишлари" мақолаларида эса ўрни билан бу туркум

сўзларнинг синонимияси ва вазифавий чегараланишлари ҳақида фикрлар билдирилган, холос.

Ўзбек тилшунослигида XX асрнинг 80-йилларигача эришилган ютуқларни ўзида мужассам қилган "Ўзбек тили стилистикаси" (Тошкент, 1983) асарида ёрдамчи сўзлар услубиятига оид ҳеч нарса дейилмаганлигининг ўзи ҳам бу масалани ўрганишнинг фанимиз учун нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

Кўмакчилар тарихан мустақил сўзлар ҳисобланиб, ўз лексик маъноларига эга бўлган, аммо даврлар ўтиши билан бу лексик маъноларни йўқотиб, уларнинг маълум қисми ўзгармас бўлиб, ҳеч қандай грамматик шаклларни қабул қилмайдиган ҳолига келиб қолган, ўзидан олдин келган сўзлар билан биргаликда восита, мақсад, сабаб, вақт, макон, объект, ўхшатиш, пайт, масофа, йўналиш сингари грамматик маъноларни ифода этадиган ва ёрдамчи восита саналадиган тил бирликларидир.

Кўмакчилар ҳақидаги бу фикрдан қуйидаги муҳим хулосалар келиб чиқади:

-улар нутқда сўзларни ўзаро боғловчи грамматик воситадир;

-грамматик восита бўлиш жараёнида уларда маълум грамматик маънолар ҳам шаклланади;

-бу грамматик маъноларни англатиш имкониятлари ўзидан олдин келган сўзларга боғлиқ бўлади. Бунинг устига кўмакчилар бўлмаса бу олдин келган сўзнинг ўзи ҳам ана шу маъноларни бера олмайди. Фақатгина уларнинг бирикувигина бу маъноларни келтириб чиқариши мумкин;

-сўзларнинг кўмакчилар билан бирикиш йўллари ва уларнинг бир хил қолип ва мазмунда бошқа кўмакчилар ҳамда келишик кўрсаткичлари билан синонимлик муносабатлари шу даражада турли-туман ва ранг-барангки, улар ўз-ўзидан бу туркум сўзларнинг стилистик имкониятларини юзага чиқаради.

Шундай қилиб, юқорида номлари санаб ўтилган ва мазкур ишда қисман таҳлил қилинган кузатишлар натижаси ўлароқ ўзбек тилшунослигида кўмакчилар ўзининг назарий баҳосига эга бўлди, ёрдамчи сўзлар тизимидаги ўрни белгиланди, нутқ жараёнидаги грамматик вазифалари аниқлаб олинди.

Бу ўринда шу нарсани таъкидлаш зарурки, улар маълум маънода мустақил сўзлар билан ёрдамчи сўзлар ўртасида кўприк вазифасини ўтаб, "ёрдамчи сўзлар мустақил сўзлардан келиб чиққан" деган фикрни доимо эслатиб туради. Бу нозик муносабатларни пайқаган Ҳ.Неъматов уларга нисбатан "мустақил-ёрдамчи сўзлар" атамасини қўллайди ва бу атаманинг моҳиятини қуйидагича тушунтириб беради: "… морфологик қўшимчаларга қисман яқинлашадиган ёрдамчи сўзлар билан

мустақил сўзлар орасида мустақил лексик хусусиятини йўқотмаган, ёрдамчи функцияда кела оладиган кўплаб сўзлар бордир. Бундай сўзлар сирасига ёрдамчи феъллар, от кўмакчилар, равиш кўмакчилар ва бошқалар киради. Бу хилдаги сўзлар, биринчидан, мустақил қўлланила олиш ва мустақил лексик маъно англатишга қодир бўлса, иккинчидан, улар ёрдамчи сўзлар сифатида қўлланилиб, турли грамматик маъноларни ифодалашга ҳам хизмат қилади; лекин шунда ҳам сўз ўзгартириш қобилиятини йўқотмайди (ёрдамчи феълларга нисбат, майл-замон, шахс-сон қўшимчалари, от кўмакчиларга эгалик ва келишик аффикслари қўшила олади)". (НҲ,48).

"Мустақил ва соф ёрдамчи сўзлардан фарқлаш мақсадида ҳам мустақил, ҳам ёрдамчи вазифасида кела оладиган сўзларни мустақил-ёрдамчи сўзлар деб атаймиз.

Соф кўмакчилар функцияси, морфологик ўзгармаслиги, алоҳида урғуга эга эмаслиги, мустақил сўзларсиз қўллана олмаслиги билан, қисман бўлса-да, қўшимчаларга (келишик аффиксларига) ўхшаса, мустақил-ёрдамчи сўзлар морфологик хусусиятлари, якка ҳолда қўлланила олиши билан мустақил сўзларга яқин туради. Демак, мустақил-ёрдамчи сўзлар соф ёрдамчи сўзлар ва соф мустақил сўзлар орасида оралиқ ўринни эгаллайди".(НҲ,48-49).

"Мустақил ва соф ёрдамчи сўзлар орасидаги муносабатларни оралиқ учинчисиз – мустақил-ёрдамчи сўзларсиз аниқлаш қийин. Шунинг учун ёрдамчи сўзларни ҳеч қандай мустасносиз ё қўшимчалар, ёйинки сўзлар составига киритиш бир томонлама фикрдир; ёрдамчи сўз туркумларида уларни қўшичалар билан яқинлаштирувчи элементлар ҳам, мустақил сўзлар билан ҳам яқинлаштирувчи элементлар мавжуд", дейди ва буни тил тизимидаги оралиқ учинчи ҳодиса сифатида белгилайди. (НҲ,49-50).

Кўмакчиларнинг лексик маънога эга эмаслиги, уларнинг ўзига хос лингвистик бирлик эканлиги бундан 55 йил муқаддам Ҳ.Бердиёров томонидан асослаб берилган эди. Жумладан, олим бу ҳақда қуйидагиларни ёзган эди: "Сўнгкўмакчилар гапда турли синтаксистик муносабатларни бажариб, гапнинг бирор бўлагига боғланган ҳолда қўлланилади. Сўнгкўмакчилар мустақил лексик маънога эга бўлган сўзлардан, мустақил ҳолда қўллана олмаслиги, синтагмаларни ёки сўзларни бирлаштириш, кенгайтириш қобилиятига эга эмаслиги, морфологик томондан айрим семантик морфемаларга бўлинмаслиги, урғуни қабул қилмаслиги, гапнинг бирор мустақил бўлаги бўлиб келолмаслиги билан ажаралиб туради. Улар гапда иштирок этган сўзларга боғланиб келгандагина аташ, сабаб, мақсад, фазо каби қўшимча маъноларни ифодалаб келадилар". (БҲ,127). Яна:

“Сўнгкўмакчилар гап ичида мустақил мавқени (ҳолат) эгаллай олмайдилар, шунинг учун ҳам улар гап бўлаклари бўлолмайдилар. Бу эса уларнинг қадимги вақтда мустақил лексик маъноли сўз эканлигини ва мустақил гап бўлаги бўлиб келганлигини инкор қилмайди. Булар, ўтмишда мустақил сўзлар бўлиб, тил тараққиётининг кейинги даврларида сўнгкўмакчи ҳолига келганлиги бизга маълум. (БҲ,31).

Кўмакчиларнинг лексик-семантик маънолари мавжуд эмаслиги ҳақидаги фикрни асосли деб ҳисоблар эканмиз, улар ифода этаётган грамматик маънолар йўқ жойдан пайдо бўлиб қолмаганлиги, балки бу бирликларнинг қадимда мавжуд бўлган лексик маъноларига асосланган ҳолда вужудга келишини таъкидлаймиз. Шундай қилиб, юқорида айтилганларга асосланган ҳолда айтишимиз мумкинки, лексик маъно кўмакчилар учун хос хусусият эмас. Аммо бу фикр айтилганда фақат ўзбек тилидаги соф кўмакчилар назарда тутилади. Функционал кўмакчилар эса матний хусусиятга эга. Улар бир матнда ўзларининг мавжуд лексик маъноларини сақлаган бўлиши, бошқа бир ўринда эса кўмакчи вазифасини бажараётган бўлиши мумкин. Ҳ.Неъматов “мустақил-ёрдамчи сўзлар” деб номлаган оралиқ сўзларнинг мавжудлиги ва уларнинг кўмакчи вазифасини бажариши бу бирликлардаги лексик ва грамматик маъноларнинг бир-бирларига боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Хуллас, кўмакчиларнинг нутқ жараёнидаги асосий вазифаси синтактик муносабатларни шакллантиришдан иборат бўлиб қолади. Аммо шаклланган муносабатлар шунчаки грамматик алоқадангина иборат бўлиб қолмасдан, уларнинг ҳар бирида матний ҳолатга қараб алоҳида услубий оттенкалар намоён бўлади. Бу нарса, айниқса, уларни келишик қўшимчалари билан таққослаганда янада яққол сезилади. Шунинг учун ҳам улар функционал-стилистик йўналишда ўрганилиши лозим бўлади.

Соф кўмакчилар стилистикаси. **Миллий тил ривожланиш жараёнининг таркибий қисми бўлган кўмакчилар ҳам тилдаги алоҳида категория сифатида мазмунан бойиб, такомиллашиб, даврга ҳамоҳанг тарзда меъёрлашиб борган ва уларнинг ўзбек тилида узоқ йиллар давомида қуйидаги арсенали вужудга келган:** ***адын, азақ, азын, айаг, айру/ajру, ал, алд/алдїда/алдїнда, алїда/аліда/аліға/ алдыға/алідін/алінда, алт, аншу, ара/арамызда, арқа, аро, арт, асно, аснода, асносида, асосан, асосида, асра, аст, атраф, атрофида/атрафїда, аша, ашну, арасїда/арасїнда/арасїдїн, астїға/ астїда/астїнда/ астїн/астїдїн; бабпнда, бака/бақа, бараварига/бараварида, баса, баш, баша, башаду, башїда/башїнда/ башынта, башлайу, башка/башқа, бери;, бірlд/ бірlдн, бикин,бекин/бікін, бики, билан/бiлдн/ бирлан/бирла/ бирлэ***

/біріd,била/бiid/ илан/ила/ iid/iidн/ ла, биноан, бўй+и/иға/ида/идан, бўйинча, боб/бобда/бобинда/бобидин, бобида, боис+и/дан(дин), бола, борасида, бурно, бурун, бурун/бурна, бурунроқ (шевада - бурноғи); бэри/ бэрі/бэру/ бэрў; гирд; дамана/ даманасїда, деб, доир, дэгрў/ тэгрў, дэгін/ дэгінчä/ дэгўнчä/ тэгінчä; j(ж)їхатїдін; ийэ, илгари/ илгэру/илгэри, илгарида (шевада –илгэри, иллэй), илгида/илкида/iiкідін, ич/ичинтэ/ічідä/ічіндä/ ічігä/ічінгä, ичра/ичрэ/ічрä; йавуг, йақа, йан, йанлығ йараша, йир, йўз/ йуз, йўлида, йўсинда, йоқару/йўгэрў, йузасиндэ, йынақ (йынгақ); каби/киби/ кэби/кэбі, кейин кэйин/кэjін/кэjінічä, кидин, кидирти, киз/кэз, кин/ки-, киру/кэру, куйи, кэдин, , кэру, кöрä, кўч; мақсадида, менгиз, мобайнида, мувофиқ, мукäбілäсїда; нару/нары/нарї/ нарїға, нисбатан, ниятида; одўнтэ, оғзида/оғзиға, оғрента, оғур, озга/özгä, олдида, он (онг), онгару, они (онги), ора/орада/орала/ораси/ орасига/орасида/орасидан, орқали, орқасида, орнїға, орта/ортасїға/ ортасїнға/ортасїда/ ортасїнда/ ортасїдїн, орту, орунта, откуру, оша, орнїда/ орнунїға/ орнїға/ орнїна; равишда, робаро/рўпара/ рўбäрўjіға/ рўбäрўjіда; сабаб; сајп/сајпн/сайин, сайу, сари/сарї/ сарїға, сингари, сифатида, сў/сўй/сўйи, сонг/ сонїча/сон/сонра/сонгра/сонрарақ, сонїмїзча, соясида, сурат/ суратига/ға/суратида, сынар (сынгар); таба/тапа, табан, табару, табуғїда, тапуқ, тараф, таш, ташқару/ташқары/ ташкарї/ташғару, тег/дег/дек, теги, тегинч/тегинча, тегри/ тегру/декру/текру, тэгі/тэгін/текин, тимин, тогры, тоға, томон/томонга/томонига, томондан/томонидан,томонда/ томонида, томонимизда, тонў, туб, тубіндä, туфайли/ туфайлигина, тылтақынта, тэги, тэгра/тэгру, тэгрэ/тэгирэ/тэгрäсігд/тэгрäсідä/ тэгрäсідін, тэпэ, тўгри+дан/да/га, тўгримда, тўгриси+дан/да/га, тоғрїсїдїн, тўбіда, тэгрäсінгä / тэгрäсідä/ тоғрпсїға; уза/ узэ/ ўзä/ узä, узала, узра/узрэ/узрä, улаты, уск, ускинтэ, уст/ўстігä / устінä/ўстінгä/ ўстідä/ ўстіндä/ ўстўмä/ ўстідін; утру/отру/отрў,/ўтру/ утрусїға, учун/, ўчўн/-чун; хізматіға/ хізматіда, хусус/ хусусда/хусусида; чағлїғ; ыйын/ийин/ивин, ынару/инэру; этэк; юзасидан, юзидин; янглиғ/янлиғ/ jанлїғ, яраша/ jараша, jавукча; ўзга, ўнг/ўнгин,ўнгдин/ўнгдун, ўнгинда, ўнгу, ўрнига, ўст, ўтинтэ; қадар, қарата, қаршы/каршу, қат/катїда / катїнда/ катїдїн/ катїмїзда, қата, катїға/ катїнға/ катїна/ катїда/ катїнда, қаторида, қаш/кашїда/ кашїмда /кашіға/ кашінга/кашінда/ катїмїзга, қоды, қуйи, қырғақ; ҳақ/ҳақда/ҳақина/ҳақинда/ҳақиға/ҳақимда, узур+и/дан(дин)/да, га(ға), ҳолда, ҳузурларига.

Биз ҳам тадқиқотларимиз жараёнида улардан фойдаланамиз ва бунда асосий диққатимизни бу кўмакчиларни ҳозирги адабий тилимиз нуқтаи назаридан функционл-стилистик жиҳатдан баҳолашга қаратамиз. Лексик маънога эга эмаслиги ва шунинг

учун ҳам нутқда алоҳида ишлатилмаслиги ҳамда сўз ўзгартувчи қўшимчаларни қабул қила олмаслиги соф ёки асл кўмакчиларни ажратишда асосий ўчлов бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан ушбу бобда асосан *билан, биноан, бўйича, каби, ора, сайин, сари, узра, учун, қадар* **кўмакчилари ва уларга синонимик ҳолатда бўлган бошқа кўмакчилар таҳлил қилинади.**

Таҳлил жараёнида кўмакчиларга мурожаат қилишда такрорийликдан қочиш мақсадида уларни иложи борича бир синонимик уя доирасида гуруҳлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ кўринади. Тўғри, айрим кўмакчилар иккинчи бир маъноси билан бошқа уядаги кўмакчилар билан ҳам синоним бўлиши мумкин. Бу ҳолат таҳлилда ҳисобга олинади.

БИЛАН. **Ҳозирги ўзбек адабий тилида** *билан* **шаклида қўлланиладиган кўмакчи тарихан** *бирла* **кўринишида бўлган (АҒ., ШШ, 200). Ҳ.Неъматов** *бирлэ-билэ* **кўмакчисининг энг қадимги маъноси бирликни ифодалаш бўлса керак, деган фикрни билдиради. (НҲ,39). Унинг бошқа шакллари кейинчалик пайдо бўлган. Масалан:** *бирлан, билан, ила, илан, -ла.*

Ҳ.Бердиёровнинг "Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида сўнгкўмакчилар" номли диссертацион ишида *билан* **кўмакчиси восита, сабаб, биргалик, ҳолат, усул, пайт, миқдор, жамлик, ҳолатнинг нима билан мавжудлиги, фикрнинг бирор муҳим воқеага оидлиги, томон маъноларини англатиши ҳамда гапда воситали тўлдирувчи, равиш, пайт, сабаб ва мақсад ҳоли вазифаларини бажаришга ва шу маъноларнинг реаллашувига кўмаклашиши таҳлил қилинган. (БҲ,36-40). Ж.Ҳамдамов ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайди. (ҲЖ,82).**

Бу кўмакчида турли вариантларининг юзага келишига поэтик матн ва поэзия талаблари сабаб бўлган, деб ўйлаймиз. Илгари ҳам, ҳозирда ҳам шеърий асарларда, айниқса аруз вазнида ёзилган матнда унинг *-ила, -ла, бирла, бирлан* **шакллари фаол ишлатилиб, улар бадиий услуб ва оммабоп услубнинг баъзи жанрларида хосланган:** ***Бошим ҳеч чиқмаса майли, маломат*** *бирла* ***бўҳтондан Фидо жонимни қилдим йўлингга, майли, увол бўлсам*** **(Ҳ.Олимжон),** ***Сиз*** *бирлан* ***биз парда ичра наво қилали*** **(ИФ.73***) Бу кулбага келганимдан бир неча йил кейин мазкур қаландарлар* *ила* ***шуноса бўлдим. Ул бузрук адиб сабаблари*** *илан* ***Мунтазир ва Гулханий борасида илм пайдо бўлди. Аммо шоир ва мутафаккир Гулханий бори фавт бўлғон экан*** **(ИФ,12).**

Бу фикрни тарихий-бадиий манбалар ва уларга оид олиб борилган тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди.(РТ,31). Т.Рустамов бу борада статистик кузатишлар ҳам олиб борган: XV-XVI асрларда қўлланган *ила* **кўмакчиси, асосан, поэзияга хос бўлиб, Лутфийнинг биз кўриб чиққан асарида 38 марта; Алишер Навоий**

асарида 59 марта учраса, “Бобирнома”да икки мартагина учрайди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида *ила* **кўмакчисининг қўлланиши янада активлашади. У Муқимийнинг икки томлик “Танланган асарлар”ида 136 марта, Мунисниng бир томлик шеърлар тўпламида эса 69 марта учрайди. А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асарида 3 мартагина қўлланиши унинг проза асарига эмас, балки поэтик асарларгагина хос эканини билдиради”. (РТ,32).**

Т.Рустамов *билан* **кўмакчисининг фонетик варианти ҳисобланган** *бирлан, бирла, ила, -ла* **ҳозирги ўзбек тилида учраса ҳам, унинг учун норма ҳисобланмайди, дейди. (РТ,33). Унинг фикрига тўла қўшилиб бўлмайди. Бу фикр** *-ла* **га тааллуқли эмас. Чунки у ҳозирги бадиий нутқ учун ҳам меъёр саналади.**

Сўзлашув услубида асосан *билан* **ҳамда шева вариантлари** *минан* **ва** *билла* **қўлланилади:** ***Укам*** *минан* ***кэлдим, кинога*** *билла* ***боровуза*** **каби. Илмий, расмий услублар ва оммабоп услубнинг алоҳида жанрлари учун фақат адабий шакл** *билан* **хос.**

С.Муталлибов, Ҳ.Неъматов тадқиқотлари шундан далолат берадики, айрим кўмакчилар, жумладан *билан* **ва бошқа грамматик воситалар синонимияси туркий тилларда қадимдан шакллана бошлаган. “Бу кўмакчи, -деб ёзади С.Муталлибов.- баъзан жой, ўрин келишиги функциясида қўлланган:** ***Жақруқ*** *била* ***увут бўлмас.*****(ДЛТ). Бу ерда** ***жақруқ била – кал одамда*** **ибораси ўрин келишиги маъносидадир. Буларнинг ҳар хил функцияда қўлланишига адабий тилда ҳам мисол кўп:** ***Сарой-қарши, ер-сув*** *бирла* ***йўқ*** **(Саройлар, катта ер-сувлар санда йўқ. Қут.билиг)”. (МС,119-120). Ҳ.Неъматов: “Ёдгорликлар тилида** *бирлэ* **кўмакчили конструкциялар кўпинча синтетик қурол-восита келишиги формасининг (қурол, восита, биргалик, баъзан замон маъноларида) аналитик синоними бўлиб келади –** ***тилин йарлықарда огун бирлэ ан (Қ-3960)- “(бек) тил(и) билан буюраётганда, (сен) онгинг билан уқ”; созн бирлэ йанлуқ ағыр қылды оз (Қ-207)- “одам ўзини сўзи билан ҳурмат қилди”; чавықса озун бу эдгу атын – “(сенинг) ўзинг бу яхши ном билан шуҳрат қозонсанг”***

Шунинг учун бу давр тилида қурол-восита белишигининг истеъмолдан чиқа бошлаш тенденцияси кўзга яққол ташланади. Бу ҳодиса эса *бирлэ* **к.чисининг қўлланиш доирасининг кенгайишига қулай замин яратади”. (НҲ,39-40).**

Кўмакчиларнинг X асрларданоқ синонимик ҳолатларда қўлланила бошлаганлиги уларни қўллашдаги стилистик фарқланишнинг бошланганлигидан, бинобарин туркий тил маданиятининг қай даражада бўлганлигидан далолат беради.

Ҳозирги ўзбек тилида *билан* **кўмакчисининг бошқа тил воситалари билан, жумладан, боғловчилар, кўмакчилар, келишик қўшимчалари билан синонимик муносабатга кириш имкониятлари кенг. Уларни кўриб ўтамиз.**

Билан – ва **синонимияси. Бу ёрдамчи сўзлар қуйидаги семантик маъноларни ифода этганда синонимик муносабатга киришади: биргалик маъноси:** ***Аҳмад*** *билан* ***Шавкат дарсга келди / Аҳмад*** *ва* ***Шавкат дарсга келди;*** **тенглик маъноси:** ***Доим у*** *билан* ***мен. У ўхшар сенга, Унинг ҳам сенингдай кўзлари хумор*** **(Зулфия) /** ***Доим у*** *ва* ***мен. У ўхшар сенга, Унинг ҳам сенингдай кўзлари хумор.***

Вазиятга қараб англашиладиган бирлик ва тенглик маъносидан қатъий назар, уларнинг ўрнини ўзаро алмаштириб қўллаш мумкин ва бунда услубий ғализлик пайқалмайди. Лекин бундан уларнинг ўрнини ҳамма вақт ҳам алмаштириб қўллайвериш мумкин, деган маъно келиб чиқмайди. Масалан: ***Ҳикматилло кечи билан индинга эрталаб ўз қисмида бўлиши керак*** **(О.Ёқубов),** ***Таъна, дошном, танқид ва бошқа минг турли дўстона, хайрихоҳона товушларга таҳсин аралашса, қулоққа фақат таҳсингина киради*** **(А.Қаҳҳор). Матнлардаги** *билан* **ҳамда** *ва* **ни ўзаро ўрин алмаштириб қўллаб бўлмайди. Қуйидаги мисол эса бу уринишнинг қўпол хатога олиб келиши ҳам мумкинлигини кўрсатади:** ***Ўзбек тилида яхши фикр*** *ва* ***туйғуларни ифода қилиб бўлмайди деган назарияни Навоий бундан беш юз йил бурун тор-мор қилган*** **(А.Қаҳҳор).**

Бу кўмакчи келишик кўрсаткичлари билан синонимик муносабатга киришади:

-да **билан. Бунда восита оттенкасини ифодалайди:** ***Қишлоқдан*** *машина билан* ***келдим / Қишлоқдан*** *машинада* ***келдим.***

Тарз мазмунини билдирганда: ***Хонага астагина*** *оёқ учи билан* ***кириб келди / Хонага астагина*** *оёқ учида* ***кириб келди .***

Ҳолат маъноси устун бўлганда: ***Қиз кутишнинг*** *завқи билан* ***маст, / Яна юрагида ўт ёнди*** **(Зулфия)** ***// Қиз кутишнинг*** *завқида* ***маст, / Яна юрагида ўт ёнди.***

Биргалик маъноси –*да* **ёрдамида ифодаланганда у** *билан* **га яқинлашади: Эртага нима бўлар экан, деган** *хаёл билан* **кун бўйи ўйланиб юрдим / Эртага нима бўлар экан, деган** *хаёлда* **кун бўйи ўйланиб юрдим. Бу ҳолат "Ўзбек тили грамматикаси"да ҳам қайд этилган: ""Биргалик" объекти маъноси англашилади. Бу маънода ўрин келишиги** *билан* **кўмакчисининг шундай маъносига синоним бўлади. Бунда "биргалик" маъноси ўта мавҳум ифодаланади, чунки ўрин келишиги мавҳум тушунчани англатадиган сўзга қўшилиб келади:** ***Саида гап тамом бўлди деган*** *хаёлда* ***ўрнидан турмоқчи эди, Носиров тўхтатди*** **(А.Қаҳҳор)" (Ўтг, 245).**

-да **нафақат кўмакчи билан синонимик муносабатга киришади, балки ўзи кўмакчи ҳосил қилувчи воситага айланиши мумкин. Бу ҳақда "Ўзбек тили грамматикаси"да қуйидагилар ёзилган: "Келишик формасида маълум маъно тараққиётига учраб, янги, мустақил мундарижа ва вазифа кашф этиш ўрин келишиги формасидаги сўзда ҳам анчагина учрайди. Бу келишик аффиксини олган сўз ўз туркумидан ажралиб чиқиб, қуйидаги туркум сўзга айланади: …2. Кўмакчига айланади:** *ҳақида, тўғрисида* **(Булар актив),** *хусусида, борасида, тарзида, йўсинда, бобида* **(Булар пассив) каби:** ***Урушга кетган ўғли*** *тўғрисида* ***қора хат келди*** **(А.Қаҳҳор)". (Ўтг,247-248).**

Кўринадики, *-да* **қўшимчасининг имкониятлари фақатгина келишик (ўрин ва пайт), юклама, боғловчилик доирасида чегараланиб қолмайди. Балки унда сўз ясаш хусусияти ҳам мавжуд. Бу эса "Ўзбек тили морфем луғати"да унинг тўртинчи белгиси сифатида қайд этилган ва "***ун/да/моқ, ал/да/моқ, ин/да/моқ, ҳай/да/моқ* **кабилар феъллар таркибида учрайдиган ясовчи бўлиб,** *-ла* **ясовчисининг алломорфидир" дейилган (ҒА., ТА., ҚР.,410).**

Демак, унинг янги имконияти юзага чиқиб, кўмакчи ҳосил қилиши эса бу майдонни яна ҳам кенгайтиради: *ҳақ/и/да, тўғри/си/да, хусус/и/да, бора/си/да, тарз/и/да, йўсин/и/да, боб/и/да* **каби. Ушбу мисоллар ёрдамчи сўз туркумларининг, хусусан кўмакчиларнинг ясалмаслиги ҳақидаги қарашларни ўзгартиришга олиб келади. Негаки, бу сўзларнинг биронтасининг** *–да* **қўшимчасисиз қисмини кўмакчи деб айта олмаймиз ва уларнинг бирлашуви жараёнини лексикализация ҳодисаси деб тушунамиз. Ушбу ҳодиса туфайли тилдаги икки бирлик қўшилиб, кўмакчи пайдо бўлмоқда.**

Шундай қилиб, ўрин келишиги кўрсаткичи *-да* **восита, ҳолат, биргалик сингари маъноларни англатиш баробарида** *билан* **кўмакчисига синонимик муносабатда бўлади. Ҳатто мана бу:** ***Қаландаров бир ҳафтанинг*** *ичида* ***ҳамма расм-русумни жойига қўйиб, Ҳуринисони никоҳлаб олибди*** **мисолидаги** *ичида* **сўзини** *ичи билан* **га алмаштириш мумкин. Мазмун бузилмайди ва бу ерда ҳам синонимик муносабат мавжуд бўлади. Аммо шундай қилинса, нутқдаги осонликка интилиш қонуниятига путур етади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики,** *-да* **нинг ҳам,** *билан* **нинг ҳам қўлланишида ўз услубий имконияти ва чегараси мавжуд.**

Ҳарқалай, ўзбек тилида *–да* **қўшимчасининг грамматик имкониятлари кенг кўринади. У бир маъносида** *билан* **кўмакчисига, бошқа бир маъноси билан** *ва, ҳам* **боғловчиларига ҳам синоним бўла олиши мумкин:** *келдида кетди, кирдида ётди, ётдида ухлади / келди ва кетди, кирди ва ўтди, ётди ва ухлади.* **Бу қиёсланаётган мисоллар ўртасидаги фарқ грамматик эмас, балки услубий фарқ саналади. Чунки бу ёрдамчи сўзлар жумлаларда бир**

хил грамматик вазифани - тенгликнинг ифода этаётган бўлса ҳам, маълум услубий айричаликларга эга. Биринчи ҳолатда тенгликдан кўра кетма-кетлик ва таъкид маъноси кучлироқ. Чунки қўшимча бу ерда келишикка эмас, балки юкламага дахлдор. Аммо А.Ғуломов ва Р.Қўнғуровлар унга боғловчи сифатида қарашади: "-*да.*** V боғловчи, бундай вақтда у *ва, ҳам* боғловчилари билан синонимик муносабатда бўлади (маъно оттенкасида фарқ бор): …келди/*да* кетди // …келди *ва* кетди; келса/*да* ишламади // келса *ҳам* ишламади". (ҒА.ҚР. Ўтмл, 410).**

-дан **билан. Синонимик муносабатнинг бу кўринишида бироз зўрама-зўракилик бордай туюлади. Бу –***дан* **ва** *билан* **биргаликда ўзлари биргаликда келаётган сўз таркибидаги грамматик ўзгаришга боғлиқ ҳолда юз беради:** *Ўтириши билан* ***гап бошлади / Ўтиргандан гап бошлади:*** *ўтириши – ўтирган* **каби.**

Қуйидаги чиқиш ўрнини билдирган ҳолатларда улар ўртасида синонимияни пайқаш мумкин: *дала билан* ***келдим*** */ даладан* ***келдим,*** *сой билан* ***келдим*** *сойдан* ***келдим,*** *мактаб билан* ***келдим*** */ мактабдан келдим* **сингари. Бир қараганда уларни синоним деб аташ қийин. Чунки** *–дан* **иштирок этган жумла тўғридан-тўғрилик маъносини англатмоқда. Агар** *билан* **ишлатилган ҳолатни биргалик маъносида тушунсак, мантиққа зид бўлиши мумкин. Шунинг учун бу ерда маълум изоҳ талаб этилади. Бу изоҳ шундан иборатки, гапда ҳар икки восита ҳам алоҳида оҳанг билан, яъни чўзиб талаффуз этилсагина синонимик муносабат вужудга келиши мумкин:** *мактаб била-а-н* ***келдим*** */ мактабда-а-н келдим* **каби. Мана шундай ҳолатда у** *орқали, томондан* **кўмакчилари билан ҳам синоним бўлади:** *дала орқали* ***келдим,*** *сой орқали* ***келдим,*** *мактаб орқали* ***келдим;*** *дала томондан* ***келдим,*** *сой томондан* ***келдим,*** *мактаб томондан* ***келдим*** **сингари.**

Бироқ ҳамма ерда ҳам чиқиш ўрин маъносини англатган ҳолатларда улар синоним бўлаверади, дейиш тўғри эмас: *қишлоқдан келди, юракдан гапирди* **дейиладию, аммо** *қишлоқ билан гапирди, юрак билан гаприди* **дейилмайди.**

Ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлганда синоним бўлади: ***Шу*** *йўлдан* ***боради менинг ёшлик ҳам, Ўша ердан тилайди шараф*** **(Зулфия),** ***Шу*** *йўл билан* ***боради менинг ёшлик ҳам, Ўша ердан тилайди шараф; Бир талай шўх-шодон талабалар*** *зина билан* ***кўтарилишмоқда эдилар / Бир талай шўх-шодон талабалар*** *зинадан* ***кўтарилишмоқда эдилар*** **сингари.**

Матндан сабаб маънолари англашилганда ҳам улар синоним бўлади: ***Бунча гўзал, бу қадар дилбар,*** */ Зафар билан* ***янграган бу соз!*** **(Зулфия) //** ***Бунча гўзал, бу қадар дилбар,*** */ Зафардан* ***янграган бу соз! Ғарбдан келган зулмат сўкилди чок-чок,*** */* ***Сенинг ўгилларинг очган ўт*** *билан* **(Зулфия) //** ***Ғарбдан келган зулмат сўкилди чок-чок,*** */* ***Сенинг ўгилларинг очган*** *ўтдан.*

Мана шундай ҳолатларда улар *сабабли, туфайли* **сўзлари билан ҳам синоним бўла олиши маълум бўлиб туради. Сўзларни чоғиштириш ҳатто бу икки сўз ва** *билан* **ўртасидаги синонимик муносабатнинг –***дан* **га қараганда яқин ва табиийроқ эканлигини кўрсатади:** *Меҳнат билан* ***зумрад далалар / Кундан кунга дилбар бўлади*** **(Зулфия)** *// Меҳнат сабабли* ***зумрад далалар / Кундан кунга дилбар бўлади // Меҳнат туфайли зумрад далалар / Кундан кунга дилбар бўлади.*** **Яна:** ***Ширин экан фарзанд,*** *у билан* ***/ Оилага кирар экан жон*** **(Зулфия).**

-дан **ва** *билан* **синонимиясида нозик ҳолатлар бор. Масалан:** ***Сен*** *билан* ***ажралишни истамайман*** **гапидаги** *–иш* **биргалик даражасини эмас, балки ҳаракат номини ифода этган. Шундай экан, гапда ҳаракатнинг бажарувчиси бир киши ва бу ерда** *билан* **нинг ишлатилиши ўринли эмас. Гап** *Сендан* ***ажралишни истамайман*** **тарзида тузилиши керак. Энди бошқача ҳолатни тасаввур қилайлик. Эр-хотин ўзаро муносабатларини аниқлаштириб, бирга яшаш-яшамасликлари ҳақида гап кетаётган бўлса, унда ҳар икки гап:** ***Сен*** *билан* ***ажралишни истамайман,*** *Сендан* ***ажралишни истамайман*** **ҳам мақсадга яқинлаштирмайди. Бунинг учун гапда ҳаракат номини ҳосил қилувчи қўшимчадан ташқари яна биргалик нисбатни ҳосил қилувчи –***иш* **қўшимчаси** ***Сен*** *билан* ***ажралишишни истамайман*** **тарзида қўшилиши зарур. Бундай пайтда ҳам –***дан* **ва** *билан* **ўзаро синоним бўла олмайди. Масалан:** *Сендан* ***ажралишишни истамайман*** **деб бўлмайди.** ***Сен*** *билан* ***ажралишмоқчиман/ Сен*** *билан* ***ажралмоқчиман,*** **дейиш мумкин бўлгани ҳолда** *Сендан* ***ажралишмоқчиман,*** **деб бўлмайди.** *Сендан* ***ажралмоқчиман*** **гапининг маъноси эса умуман икки киши ўртасидаги муносабатни англатади.**

Билан **кўмакчисининг** *ёрдамида, кўмагида, воситасида, давомида* **сингари сўзлар билан синонимик муносабатда бўлиши ҳам унинг бу борадаги имкониятлари нақадар кенгайиб кетганлигидан далолат беради:** ***ёрдамида – билан: Чамадоннинг қулфи йўқ, қоқ белидан*** *тасма билан* ***чандиб қўйилган эди*** **(О.Ёқубов)** ***/ Чамадоннинг қулфи йўқ, қоқ белидан*** *тасма ёрдамида* ***чандиб қўйилган эди; кўмагида – билан: Яшнаб кетди дилда тилаклар,*** */ Меҳнат билан* ***гуллади турмуш*** **(Зулфия)** ***// Яшнаб кетди дилда тилаклар,*** */ Меҳнат кўмагида* ***гуллади турмуш; давомида – билан:*** *Қиши билан* ***етилган тупроқ / Қиз қўлига очар кўксини*** **(Зулфия)** *// Қиш давомида* ***етилган тупроқ / Қиз қўлига очар кўксини*** **каби.**

“Ўзбек тили грамматикаси”да “Равишдош” мавзуси ёритилиш жараёнида –*(и)б* қўшимчаси ҳақида айтилган қуйидаги: “Боғловчилик вазифасини ўтайди ва шу билан бирга феълнинг қандайдир бир формаси ўрнида қўлланади. Буни

қуйидаги бир мисолдаёқ очиқ кўриш мумкин: *Кекса мастер Кузнецов ўз шогирдларидан фахрланиб, у ҳам яхши билаклар билан бир-икки сўз айтди-да, Омоновга ўрин берди* (Ибохон). Мисолдаги *фахрланиб* формаси ўрнида *фахрланди-да* формасини ва *айтди-да* формаси ўрнида *айтиб* формасини қўллаш мумкин. Демак *фахрланиб* формасидаги *–(и)б* равишдош ясовчиси *–ди* аффикси билан *-да* боғловчисига хос тарзда қўлланаяпти" (Ўтг,516) мулоҳаза доирасини *билан* кўмакчиси ҳисобига кенгайтириш мумкин. Чунки айрим мисоллар таҳлили *–ланиб* ва *билан* ўртасида ҳам синонимик муносабат шаклланишини кўрсатади: *Дунё ортиқ ёриганди сен туғилганда, / Юрагингни севинч билан тинглади онанг* (Зулфия) *// Дунё ортиқ ёриганди сен туғилганда, / Юрагингни севинчланиб тинглади онанг; Кунда қизиб ётган қумликларинг ҳам / Жилва билан боқди меҳрибон* (Зулфия) *// Кунда қизиб ётган қумликларинг ҳам / Жилваланиб боқди меҳрибон* сингари.

Пайт маъносини англатадиган кўмакчиси билан ҳам синонимик муносабатга киришади: *Қора кўзларингнинг дилбар нигоҳи / Кун бўйи яшайди ақлу ҳушимда* (Зулфия) *// Қора кўзларингнинг дилбар нигоҳи / Куни билан яшайди ақлу ҳушимда; Гоҳ қийнайсиз, гоҳ яйратасиз / Туни бўйи бўлиб йўлдошим* (Зулфия) *// Гоҳ қийнайсиз, гоҳ яйратасиз / Туни билан бўлиб йўлдошим* каби.

Ўрин келишиги қўшимчаси ва *билан* ўртасидаги синонимик муносабатлар Р.Қўнғуровнинг "Ўзбек тили стилистикаси" асарида кенг кўламда таҳлил қилинган ва унда ўзаро алмашишлар жараёнидаги улар билан бирга келадиган бошқа сўзлар таркибида юз берадиган ўзгаришлар, агар матн шеърий шаклда бўлса, вазннинг сақланишига таъсири масалаларида ҳам тўхталиб ўтилган. Уларни синоним деб қараш мумкин бўлмаган ҳолатлар ҳақида ҳам фикрлар билдирилган. (ҚР, 126-129).

Шундай қилиб, ҳозирги ўзбек адабий тили учун меъёрий характерда бўлган кўмакчисининг тарихан бир қанча вариантлари бўлган ва уларнинг жуда оз қисимгина бадиий адабиёт матнларида сақланиб турибди. Бу кўмакчининг айрим келишик қўшимчалари билан синонимик имкониятлари кенг бўлиб, бу нарса уларнинг услублараро вазифавий чегараланишларини ҳам белгилайди. А.Пардаевнинг диссертацион ишида бошқа соф кўмакчилар ҳам ана шу тарзда таҳлил қилинган.

Ҳозирги адабий тилимизда ҳам функционал кўмакчиларнинг мавжудлиги, биринчидан, кўмакчиларнинг тарихан мустақил сўзлардан иборат бўлганлиги ва уларнинг дастлаб лексик маъно англатганлигидан, иккинчидан эса, бу жараён тилда ҳали ҳам давом этиб келаётганлигидан далолат беради. Бу тоифадаги кўмакчилар тилимиз тарихи тадқиқотчиларининг кузатш объекти бўлган ва бу тадқиқотлар

натижаси уларнинг асосан феъл, от, равиш, равишдош сингари мустақил сўз туркумларидан келиб чиққанлигидан далолат беради. Ана шундай мулоҳазаларни У.Турсуновнинг "Ўзбек тилида сўнг кўмакчилар", Кононовнинг "Послелоги в современном узбекском литературном языке", А.А. Коклянованинг "Послелоги и служебные имена в узбекском языке", Г.Ф. Благованинг "XV-XVI асрлар эски ўзбек адабий тилидаги кўмакчилар ҳақида", С.Муталлибовнинг "Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк (XI аср ёзма ёдгорликлари асосида)", А.М. Щербакнинг "Грамматика староузбекского языка", Ғ.Абдураҳмонов ва Ш. Шукуровнинг "Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси", Ҳ.Ғ. Неъматовнинг "XI-XII аср ёзма ёдгорликларида кўмакчилар", Т.Рустамовнинг "Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар", "Соф кўмакчилар", Э. Фозиловнинг "Ўзбек тилининг тарихий морфологияси", Ж.Ҳамдамовнинг "Ўзбек тили тарихи. Иккинчи қисм. Тарихий морфология.Иккинчи бўлим" каби асарларидан топишимиз мумкин бўлади.

Функционал кўмакчиларнинг соф кўмакчилардан ажралиб турадиган хусусияти уларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида бир томондан ўзнинг дастлабки лексик маъноларини сақлаб келаётганлиги бўлса, иккинчи томондан гапнинг шаклланишида маълум грамматик вазифаларни бажариши билан боғлиқ. Улардаги бу хусусиятни Ҳ.Неъматов равиш кўмакчилар мисолида қуйидагича изоҳлаган: "Равиш кўмакчилар сўз ўзгартувчи қўшимчаларни қабул қила олмаслиги, ўта абстракт маънога эга эканлиги ва шунинг учун келишик формаларини кўмакчиларга яқинлаш(тир)са, ўз грамматик маъносининг мустақил сўз – равишнинг луғавий маъноси билан алоқадорлиги ва нутқда мустақил қўллана олиш қобилияти билан от кўмакчиларга яқин туради; равиш кўмакчилар соф ва от кўмакчилар орасида оралиқ ўринни эгаллайди. Бу оралиқ ўрин асосида равиш кўмакчиларда ё соф кўмакчиларга (яъни грамматик маъносининг лексик маънодан батамом узилиши) ёинки от кўмакчиларга ўтиш (яъни эгалик ва келишик аффикслари билан бирикиб келиш) тенденцияси кўзга яққол ташланади. Шунинг учун *узэ, отру* **равиш кўмакчилар ўз хусусияти билан соф кўмакчиларга яқинлашса (мас.,** *анын отру (Қ.2562)- "бу туфайли андын отру* **ўрнида,** *сэнин узэ - сэндэ***"), бошқа бир неча кўмакчиларда (чунончи** *асра, тэгрэ, он, баса* **ва ҳ.к.) от кўмакчиларга ўтишни кўриш мумкин". (*Неъматов Ҳ.Ғ.* XI-XII аср ёзма ёдгорликларида кўмакчилар, 45).**

Ҳ.Ғ.Неъматов функционал кўмакчиларга нисбатан "мустақил-ёрдамчи сўзлар" атамасини қўллайди. Олимнинг фикри қанчалик илмий асосга эга эканлигини англаб олиш

мақсадида унинг бу борада қаёд этганларини батафсил келтиришга тўғри келади: "Мустақил ва соф ёрдамчи сўзлардан фарқлаш мақсадида ҳам мустақил, ҳам ёрдамчи вазифасида кела оладиган сўзларни *мустақил-ёрдамчи сўзлар* деб атаймиз.

Соф кўмакчилар функцияси, морфологик ўзгармаслиги, алоҳида урғуга эга эмаслиги, мустақил сўзларсиз қўллана олмаслиги билан, қисман бўлса-да, қўшимчаларга (келишик аффиксларига) ўхшаса, мустақил-ёрдамчи сўзлар морфологик хусусиятлари, якка ҳолда қўлланила олиши билан мустақил сўзларга яқин туради. Демак, мустақил-ёрдамчи сўзлар соф ёрдамчи сўзлар ва соф мустақил сўзлар орасида оралиқ ўринни эгаллайди.

…диалектик материализм ноантогонистик қарама-қарши томонлар бир-бирини рад этибгина қолмай, уларнинг бирлашишини ҳам тан олиш диалектиканинг муҳим элементларидан бири эканлигини уқтиради. …Икки қарама-қарши элементлар (элементлар группаси)нинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштирувчи элемент диалектик логикада *оралиқ учинчи* (включенныое третье) деб аталади ва у диалектик логиканинг муҳим элементлари саналади. Диалекти логика таълимотича, икки ўзаро қарама-қарши элемент орасидаги орлиқ учинчи, унинг таьиати очилмагунча, элементларнинг моҳияти ўрганилган ҳисобланмайди.

Мустақил ва соф ёрдамчи сўзлар орасидаги муносабатларни оралиқ учинчисиз – мустақил-ёрдамчи сўзларсиз аниқлаш қийин. Шунинг учун ёрдамчи сўзларни ҳеч қандай мустасносиз ё қўшимчалар, ёйинки сўзлар составига киритиш бир томонлама фикр дир; ёрдамчи сўз туркумларида уларни қўшичалар билан яқинлаштирувчи элементлар ҳам, мустақил сўзлар билан ҳам яқинлаштирувчи элементлар мавжуд

Оралиқ учинчининг **тил системасидаги ўрни жуда катта; улар тил структур элементлари тараққиётининг натижаси бўлиб, тил системасининг узлуксизлигини (тилдаги турли хусусиятларга эга бўлган элементларнинг узлуксиз равишда бир-бири билан боғланишини) таъминлайди". (*Неъматов Ҳ.Ғ.* XI-XII аср ёзма ёдгорликларида кўмакчилар, 48-50).**

Дарҳақиқат, кўмакчиларнинг функционал кўмакчилар деб аталадиган маълум қисми мустақил ва ёрдамчи сўзлар оралиғида эканлигига ҳеч ким эътироз билдирмайди. Шундай экан, Ҳ.Неъматовнинг бу борадаги қарашлари ҳам чуқур илмий асосга эгадир.

Бизни бу ўринда мавзу тадқиқи талабдан келиб чиқиб, функционал кўмакчилардаги биринчи хусусиятни эътибордан қочирмаган ҳолда унинг иккинчи хусусияти – кўмакчилик вазифасини бажаришдаги ўзига хослиги қизиқтиради, албатта.

Уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ***аввал, аввал, асно, асосан, атрофида, бараварига, бери, бўйи, бўйлаб, бўлак, боб, бошлаб, бошқа, буён, бурун, давомида, деб, довур, ёқ, ён, илгари, ич, йўлида, кейин, кетидан, кўра, мисол, мувофиқ, нари, нарига, натижасида, нисбатан, олдин, олдида, ора, орасида, ост, оша, рўпара, сифатида, сўнг, соясида, таг, тараф, ташқари, тепа, тўғрида/тўғрисида, томон, тортиб, туб, уст, устида, хусусан, хусусида, чамаси, яқин, ўзга, ўрнига, ўртасида, қараб, қарамай, қарамасдан, қарши, қаторида, қош, ҳолда, ҳузури (-га, -да).***

Ишда ҳозирги ўзбек тилида нисбатан фаол ҳисоблаган кўмакчилар атрофида мулоҳаза юритилган.

АВВАЛ.**“Изоҳли луғат”да** *аввал* **сўзининг 4 маъноси берилган бўлиб, у биринчисида от, иккинчи ва учинчи маъноларида равиш, фақат тўртинчи маъносидагина кўмакчидир: “4.*кўм. (бош келишик ва чиқиш келишиги билан)* Бирор воқеа, ҳодиса ёки ҳаракатнинг бошқасидан ёки шу ҳақда сўз бораётган вақтдан олдин бўлганлигини билдиради. *Учрашувдан аввал. Бундан тўрт йил аввал*”. (ЎТИЛ.I,23).**

“Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”да бу сўзнинг синонимик қаторига *илгари, олдин, бурун, қадим* **сўзлари киритилган. А.Ҳожиев бу бирликларнинг мустақил ва ёрдамчи маъноларини фарқлаб, қуйидагиларни ёзади: “**Аввал, илгари, олдин, бурун **сўзлари чиқиш келишигидаги сўзни ёки вақт билдирувчи сўзни бошқариб, кўмакчи сўз вазифасида қўлланади ва ҳаракат-ҳодисанинг чиқиш келишигидаги сўз билдирган нарса-ҳодисагача бўлган вақтга оидлигини билиради. Бунда уларга** муқаддам **сўзи ҳам синоним бўлади”. (ҲА.ЎТСИЛ,9).**

“Ўзбек тили грамматикаси”да эса *олдин/аввал, бурун, илгари* **кўмакчиларининг шарҳи берилган. Жумладан қуйидагилар қайд этилган: “**Олдин/аввал. **Бу кўмакчилар *бурун* ва *илгари* кўмакчиларига синоним бўлиб, улар билдирган маъноларни англатади: *Урушдан олдин* (/*аввал,/бурун*/*илгари*) қурилган”.(I,558). “**Бурун. **Бу кўмакчи иш ва ҳаракатни ўзи бига келган сўз англатган иш-ҳаракатдан, воқеа ва бажарувчи шахслардан олдин содир бўлгани маъносини англатади: *Тансиқ ўз ишини ҳаммадан бурун бажариб уйга қайтди* (Ойбек)”.(I,557). “**Илгари. **Бу кўмакчи пайт муносабати билдириб, бирор ҳодиса, иш-ҳаракатнинг воқе бўлишида ундан олдин содир бўлган ҳодиса ёки вақт маъносини билдириш учун қўлланади. Қуйидаги сўзлар билан муносабатга киришади: От ва олмошлар билан келади: *Бу корхайр. Сендан илгари мен тарафдорман* (Ойбек). Вақт билдирувчи сўзлар билан келади: *Бундан ўн беш кунча илгари Кумуш онасига бир хат ёзган эди* (А.Қодирий). Феъл формалари**

билан келади: ***Амрга эътироз этишдан илгари шу тўғрида жавоб берсангиз*** **(А.Қодирий)".(I,558).**

Ушбу кўмакчи тадқиқига бағишлаб Т.Қурбонов ва Н.Эрназаровлар "Ёрдамчи сўзлар стилистикасига доир" номли мақола эълон қилишган (ҚТ., ЭН. 77-81). Мақолада *аввал* **кўмакчи сифатида бош ёки чиқиш келишигидаги от, отлашган сўзларни бошқариб, уларнинг ҳоким бўлакка тобеланишини кўрсатувчи, шу маънода унга** *илгари, бурун, муқаддам, олдин, қадим* **каби сўзлар синоним бўлиб кела олиши, улар учун умумий бўлган маъно хусусияти – воқеа-ҳодиса ёки иш-ҳаракатнинг ўтган вақтда, ҳозирга қадар содир бўлганлигини англатиш эканлиги, аммо улар ҳамма вақт ҳам функциядошлик қилавермаслиги ҳақида гап боради ҳамда** *олдин* **сўзи** *аввал* **кўмакчисининг асосан оғзаки сўзлашув нутқига хос синоними ҳисобланиши, ўзбек фольклори асарлари тилида эса** *аввал* **нинг синоними сифатида** *қадим* **сўзи кўплаб қўлланганлиги таъкидланади. Шундан сўнг мақолада юқорида келтирилган синонимик қатордаги сўзлар ўзаро вазифадошлигига кўра таҳлил қилинади.** *Биринчи* **тартиб сони ҳам айрим ҳолатларда кўмакчи вазифасини бажариб келиши мумкинлиги айтилиб қуйидаги мисолни келтиради:** *Биринчи* ***ўзларинг бузасанлар қоидани, деб тўнғиллади*** **(С.Сиёев). (ҚТ., ЭН. 78-79).**

Айтилганларга қуйидагиларни қўшимча қилиш мумкин: доминантаси *аввал* **сўзи бўлган синонимик қатордаги сўзларнинг ўрнини бемалол алмаштириб қўллаш мумкин ва бунда деярли мазмунга путур етмайди. Улар орасида фақат** *илгари* **сўзи бўғинлар сонига кўра улардан фарқланади ва бунинг шеърий асарлар учун аҳамияти бор:** ***Туркман қиз қуёшдан туриб*** *илгари,* ***Кўтарма кранда юксак уйларни…*** **(Зулфия)-** ***Туркман қиз қуёшдан туриб*** *аввал,* ***Кўтарма кранда юксак уйларни… Ҳатто томчисидан*** *илгари* ***келиб Териб олажакмиз ҳар кўсак дурни!*** **(Зулфия) -** ***Ҳатто томчисидан*** *аввал* ***келиб Териб олажакмиз ҳар кўсак дурни!*** **(Зулфия).**

Синонимик қатордаги сўзларга услуб талаби нуқтаи назардан қараганда ҳам А.Ҳожиевнинг қуйидаги фикрларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади: "Аввал, олдин **сўзлари контекст ёки бошқа бирор восита ёрдамисиз "ўтмиш" маъносини аниқ ифодалай олмайди.** Илгари, бурун, қадим **сўзлари эса "ўтмиш" маъносини аниқ ифодалай олади.** Илгари **сўзи, кўпинча,** аввал, олдин **сўзларига нисбатан узоқроқ ўтмишни ифодалаш учун қўлланади.** Олдин **кўпроқ оддий сўзлашувга хос.** Бурун **сўзи** илгари **сўзига нисбатан ҳам узоқроқ ўтмишни билдиради. Лекин** илгари, аввал, олдин **сўзларига нисбатан кам қўлланади.** Қадим **сўзи** бурун **сўзига нисбатан ҳам узоқ ўтмишни билдиради" (ҲА.ЎТСИЛ,8). Дарҳақиқат, мана бу мисолларда баён этилаётган воқеадангина**

олдин бўлганини маълум қилиш учун ишлатилади: ***Лекин уни бағримга босишдан*** *аввал,* ***Темир кишанларини кўзимга суртдим!*** **(Зулфия)**. ***Мавлоно Фазлиддин девор тепасидаги хатарга Хонзода бегим ҳаммадан*** *аввал* ***рўбарў бўлишидан қўрқди-ю, зинапояга биринчи бўлиб қадам қўйди*** **(ПҚ,ЮТ,134).** *Олдин* **кўмакчиси орқали эса бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг вақт нуқтаи назаридан мавҳумлиги ифода этилиши маълум бўлади:** ***Улар ҳали бирор марта ҳамсуҳбат бўлмасларидан ва руҳан яқинлашишга улгурмасларидан*** *олдин* ***бошланган жисмоний яқинлик Бобирга уят ишдек туюлар ва унинг илгариги мусаффо туйғуларини поймол қилаётгандай бўларди.*** **(ПҚ,ЮТ,158).** ***Улар айвонга чиқар эканлар, Мавлоно Фазлиддин бундан салкам уч йил*** *олдин* ***Қувасой бўйида бўлиб ўтган қонли воқеаларни яна бир эслади*** **(ПҚ,ЮТ,99).**

Бу ҳолат унинг расмий ва илмий услублар доирасида ҳам фаол қўлланилишига асос бўлади: ***Илмий унвон бериш ҳақидаги қарор ўн йилдан кўпроқ вақт*** *олдин* ***қабул қилинган бўлса, унинг қанчалик асосланганлиги хусусидаги масалани аттестация органлари кўриб чиқмайди.*** **(ОАК Низоми,39).**

Илгари **сўзи ҳам кўмакчи сифатида китобий услубларда фаолдир:** ***Кенгаш мажлисини очиш олдидан "Илмий даражалар бериш таркиби тўғрисида Низом"га мувофиқ*** *илгари* ***тузилган комиссия хулосасининг лойиҳалари кенгаш аъзоларига тарқатилади.*** **(ОАК Низоми,9).**

Аммо *бурун, муқаддам* **ва** *қадим* **сўзларининг ҳозирги адабий тилимизда қўлланиш доираси бир қадар чегараланиб қолганлиги, асосан бадиий матнларда ишлатилаётгани кузатилади:** ***Бундан уч кун*** *бурун* ***нақшбандий дарвишларидан бири Зуҳра бегимга Шайбонийхондан махфий бир хат келтириб берган эди*** **(ПҚ,ЮТ,168).** ***Лекин бундан ўн беш кунча*** *бурун* ***Аҳмад Танбал деган яна бир бадавлат бек Мулла Фазлиддинни сўроқлаб, кечки пайт унинг уйига келди*** **(ПҚ,ЮТ,15).** ***Ғани Муродов икки йил*** *муқаддам* ***отпуска олиб ва шу билан бирга мактабдан ҳам бўшаб кетган эди*** **(П.Турсун)**. ***Нимадир қалбимни уйғотиб, баҳордан*** *илгари* ***Қўзғатар вулқондай севинчбахш илҳомлар*** **(Зулфия). Шу билан бирга ҳуқуқшунослар** *аввал* **ўрнига** *муқаддам* **ни қўллашни афзал кўришади:…*бундан*** *муқаддам* ***судланмаган*** **(тергов баённомасидан).** ***Қабристон бундан ўн йиллар*** *муқаддам* ***тўлганлиги учун марҳумлар дафн этилмай қўйилганди, шу сабабли бу томонга одамлар кам қатнарди*** **(И.Нишонов. Қабр ичидаги қаср,2).**

Аввал **га** *бошда* **сўзнинг ҳам кўмакчи сифатида синоним бўла олиши мумкинлиги унинг нутқий қамров кўламини янада кенгайтиради:** ***Калаваланмасдан*** *бошда* ***шу гапни айта қолсанг бўлмайдими!*** **(Сўзлашувдан). Халқ тилида** *аввал бошдан* **деган**

жумланинг қўлланилиш ҳам уларнинг ўзаро синоним бўла олишини тасдиқловчи далилдир. Ишда бошқа функционал кўмакчилар ҳам ана шу тарзда таҳлил этилган.

Туркий тилларда ёрдамчи сўзлар тизимида қараладиган боғловчилар грамматик жиҳатдан ўзгармайди ва мустақил луғавий маънога эга бўлмайди. Улардан гап бўлаклари ҳамда айрим гапларнинг тузилиши ва маъноларига кўра бўладиган турли хил муносабатларни ифодалаш учун қўлланилади. Боғловчилар ўзлари боғлаган айрим сўзлар ва айрим содда гапларнинг ўзаро қандай муносабатда эканликларини кўрсатиш билан бирга, шу муносабатларининг турини, хусусиятларини ифода этади.

Ўзбек тилшунослигида боғловчилар грамматик йўналишда атрофлича ўрганилган. Проф. А.Мухторов боғловчиларнинг грамматик хусусиятларини ўрганиш соҳасида салмоқли ишларни амалга оширган. У "Ҳозирги ўзбек тилида боғловчилар" (1953) мавзуидаги номзодлик ишини ҳам ҳимоя қилган.
Проф.М.Асқарова "Ўзбек тилида боғловчи-юкламалар ҳақида" номли мақоласини эълон қилиш билан ёрдамчи сўзлар орасида бир-бирига кўчиш, бирининг вазифасини иккинчиси бажаришдек хусусият барча ёрдамчи сўзларга хос эканлигини илмий жиҳатдан асослашга муваффақ бўлган эди. (*Асқарова М.* Ўзбек тилида боғловчи-юкламалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1962, 5-сон.)

Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчиларнинг тараққиёт тарихи эса А.Матғозиев томонидан махсус тадқиқ этилиб, номзодлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилинган эди (1966).

Илмий адабиётларда боғловчилар гапдаги вазифасига кўра қуйидагича икки турга ажратиб тасниф қилинади: а) тенг боғловчилар, б) эргаштирувчи боғловчилар. (Ҳозирги ўзбек адабий тили, икки томлик, I том. – Т.: Фан, 1966, 360-бет; Ўзбек тили грамматикаси, I том, 567-бет; *Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И.* Ўзбек тили. – Т.:Ўқитувчи, 1978, 148-бет; *Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х.* Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм. – Т.: Ўқитувчи, 1980, 425-бет; *Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш.* Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1992, 382-бет).

Гап бўлаклари ва айрим содда гаплар орасидаги тенг муносабатларни ифодаловчи боғловчилар *тенг боғловчилар* деб юритилади. Эргаштирувчи боғловчилар эса қўшма гаплар таркибидаги эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Агар *ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, ё, ёки, ёҳуд, дам-дам, бир-бир, гоҳ-гоҳ, гоҳо, баъзан-баъзан* сингари боғловчилар тенг

боғловчилар таркибига мансуб бўлса, *чунки, шунинг учун, агар, агарда, башарти, агарчи, гўё, гўёки, -ки, -ким, яъни* сингари боғловчилар эса эргаштирувчи боғловчилар сирасига киради. Боғловчиларнинг бундай таснифи шу кунгача нашр этилган деярлик барча илмий адабиётларда такрорланади.

Боғловчиларнинг нутқ жараёнида ўринли, мақсадга мувофиқ ҳолда қўлланиши вужудга келиши мумкин бўлган услубий ғализликнинг олдини олади. Уларнинг нутқдаги қўлланиши эса прагматик (ҳосила) маъноларнинг вужудга келиши билан боғлиқ.

Прагматика тилшуносликнинг назарий ва амалий тармоқларидан бири сифатида инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида мужассамлаштирган нутқий жараён, нутқий вазият таъсири билан намоён бўлувчи коммуникатив ният билан боғлиқ тушунчаларни ўрганади. Прагматика нутқий актнинг бевосита матн билан муносабатини ўрганади. Нутқий акт билан матн ўртасидаги ўзаро хилма-хил муносабат прагматиканинг асосий ўрганиш объекти саналади.(*Нурмонов А., Ҳакимов М.* Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, 4-сон, 55-бет). Масалан, шоир Абдулла Ориповнинг "Йиллар армони" тўпламидан олинган қуйидаги парчага диққат қилайлик:

Мен куйлайман гоҳ дилда қадар,
Гоҳ севиниб шеър тўқийман мен.
Тингламаса ўзгалар агар
Ўз-ўзимга шеър ўқийман мен

Келтирилган матнда *гоҳ* тенг боғловчисининг икки мисрада ҳам такрор қўлланиши лирик қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати (*куйлайман, шеър тўқийман ва шеър ўқийман*)нинг давомийлиги, бир-бири билан узвий боғлиқлигини ифодалашга хизмат қилади.

Энди қуйидаги насрий парчага диққатни қаратайлик: *Шаҳардаги ҳамма соатлар беш минут илгари – нотўғри бўлса ва ҳамма шунга амал қилса, сенинг соатинг беш минут кейин – тўғри бўлганидан нима фойда?!* (А.Қаҳҳор. Ҳикматга мойил фикрлар).

Келтирилган бу парчада *ва* бириктирувчи боғловчи қўлланиб, уюшиқ бўлакларни ўзаро семантик-синтактик муносабатга киритиши прагматик ҳосила маъно – кўпчилик озчиликни енгади, оқимга қарши сузиб бўлмайди, деган муҳим ижтимоий-фалсафий фикрнинг ёркин ифодаланишига восита бўлган. Бу эса ҳар қандай гапдан англашиладиган мазмун билан фикр субъекти ўртасидаги муносабатлар прагматикага даҳлдор эканлигини кўрсатади. Нутқий акт, предикатив бўлмаган сўзлар, контекст, нутқий вазият, сўзловчи шахси каби тушунчалар лингвистик прагматиканинг марказий тушунчалари қаторига

киради. Бундай тушунчалар матн таркибидаги тенг боғловчилар прагматикаси тадқиқида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳар қандай тил бирлиги, жумладан ёрдамчи сўзлар таркибига кирувчи тенг боғловчилар ҳам нутқ жараёнида прагматик, ҳосила маъно касб этади. Аслида боғловчилар қўшма гап таркибидаги айрим содда гапларни ҳамда уюшиқ бўлакли мураккаб содда гаплар орасидаги турли хил муносабатларни ифодалаш учун қўлланувчи ёрдамчи сўзлардир. (*Шоабдурахманов Ш. ва бош.* Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм. – Т.: Ўқитувчи, 1980, 424-бет). Матн талаби билан улар хилма-хил прагматик, ҳосила маънолар ҳам касб этиши мумкин. Масалан, қуйидаги матнга диққат қилайлик: *Самарқанд – ўзининг бой тарихи, буюк маданияти, муқаддас обида ва кошоналари билан шуҳрат қозонган дунё тараққиётининг бешикларидан бири бўлиб, бугун ҳам ўз салоҳияти ва бетакрор қиёфаси билан жаҳон миқёсида минг-минглаб мухлисларни ўзига мафтун этиб келаётгани, халқимизнинг ғурур ва ифтихорига айлангани ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман* (И.А.Каримов).

Бу матнда *ва* боғловчиси уч марта такрор қўлланган, биринчи марта (*обида ва кошоналари билан*) ва иккинчи марта қўлланиш (*салоҳияти ва бетакрор қиёфаси билан*) уюшиқ бўлакли аниқловчиларни таъкидлаш, матнга кучли, кўтаринки руҳ бағишлаш учун хизмат қилган. Сўнгги қўлланишда эса (*ғурур ва ифтихорига айлангани*) тўлдирувчилардан бирининг тушириб қолдирилган грамматик кўрсаткичларини (*-ига*) мантиқан тикланиши учун восита вазифасини бажаради.

Баъзан насрий матнларда ортиқча жимжимадорликка интилиб, ортиқча, ноўрин қўлланган бириктирув боғловчилари ҳам кўзга ташланади: *Муҳаббат – ғиштлари соғинч ва ҳижрон оловида пишган, лойлари кўз ёшларидан қорилган, баландлиги умид ва орзулардан кўтарилган, мардлик ва фидойиликдан зийнатланган ва садоқат туфайли абадиятга юз тутган минорадир* (Муҳаммад Исмоил. Ёзувчи ён дафтаридан). Бу матнда *ва* боғловчисининг тўрт марта қўлланиши, юқорида келтирилган матннинг айниқса охирги қисмларини тушунишни, ундаги прагматик маънони англаш жараёнини қийинлаштиради.

Шеърий матнларда бириктирув боғловчилари турли хил прагматик имкониятларини кўпроқ намоён этади. Масалан, таниқли шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг "Ҳаким ва Ажал" достонидан олинган қуйидаги парчаларга диққат қилайлик:

1. *Кори хайрга бахш этарди лаҳзаю онни,*
Ортар эди китобида қайд ва саҳифа.

Матнда *–ю* юкламаси билан *ва* боғловчиси ўзаро маънодошлик ҳосил қилган. Қиёсланг: *лаҳзаю онни // лаҳза ва онни; қайд ва саҳифа // қайду саҳифа*.

2. ***Уни тафтиш қилмоқдайди Малика аён***
Ва баробар пинхон дилин борарди ёриб.

Матнда *ва* боғловчиси содда гапларни ўзаро боғлаш ҳамда боғланган қўшма гапни вужудга келтириш воситаси сифатида кўринади.

3. ***Ва ахийри паноҳ истаб келмиш бу томон,***
Донғи кетган улуғ Ҳаким, юртдош вазирга

Матнда *ва* боғловчиси олдинги гапни кейинги гап билан боғлайди, шу асосда мантиқий боғланиш вужудга келади.

4. ***Ногаҳонда дув ёришди Ҳакимнинг юзи,***
Деди: - Олгил истаганча олтин ва кумуш,
Сени менга парвардигор йўллади ўзи,
Топшираман сенга Мирзо, оғир бир юмуш.

Матнда *ва* боғловчиси уюшиқ тўлдирувчиларни ўзаро боғлаш учун восита бўлмоқда.

5. ***Қирққа етгач жонланади марҳум мутлақо,***
Тилга кирар ва оёққа тургайдир бешак

Бу матнда *ва* боғловчиси сўзларни эмас, балки ибораларни ўзаро боғлашга хизмат қилмоқда: қиёсланг: *тилга кирмоқ ва оёққа турмоқ*.

6. ***Бормикин ё тирикликда ўзга тартибот,***
Чеклимикан мавжудотнинг ҳадди, саноғи?
Лекин бунда мантиқ қани? Асли не мурод?
Баробарми яхши билан ёмоннинг доғи?

Бу матндаги *билан* ёрдамчиси бириктирув боғловчиси *ва* га маънодош вазифани бажармоқда: қиёсланг: *яхши билан ёмоннинг // яхши ва ёмоннинг*.

7. ***Кўникдилар асрлар ҳам тақдир ишига,***
Салтанатлар келиб кетди такрор ва такрор.
Фақат Ҳаким буюк Чархнинг айланишига
Сукут ичра қулоқ тутиб ётар бедор.

Бу ўринда айнан бир сўз *(такрор)* нинг ёнма-ён боғловчи ёрдамида қўлланиши матн орқали ифодаланаётган чуқур давомийлик, анъанага садоқат мотивларининг ифодаси учун хизмат қилмоқда.

8. ***Бадавий шаклида келиб Азроил***
Муҳаммадга деди: - Жонингни олгум.
Ва лекин ҳурматга эврурсан ноил,

Тила тилагингни, дўст бўлиб қолгум…; Баҳарҳол рўшнолик бўлса бир қўй сўйиб юборишга ҳаракат қилингиз ва лекин мен айтган гап ёдингиздан кўтарилмасин **(А.Қодирий. Обид кетмон) кабилар.**

Охирги парчаларда *ва лекин* боғловчилари ёнма-ён келиб, услубий маъно ифодалашга хизмат қилаётир. Бундан кўринадики, ёрдамчилар, жумладан бириктирув боғловчилари матн талаби билан турлича прагматик (ҳосила) маъноларни ифодалашга хизмат қилади.

Бириктирувчи боғловчилар гапнинг уюшиқ бўлакларини, қўшма гап таркибидаги айрим содда гапларни бир-бири билан муносабатга киритади. Ўзбек адабий тилида бундай боғловчилардан энг фаол қўлланадигани *ва* боғловчисидир: *Ой сузар осмонда оппоқ ва масрур // Ҳув, чўққига чиққанинг замон* **(Ҳ.Асланова);** ***Тонг тортиғи саҳифа ва саҳифа номлар // Бир кунгина қўшиқ туғмай ботмайди шомлар*** **(М.Юсуф);** ***Орадан бор-йўғи уч кун ўтди ва ғурийлар орасидаги сотқинлар кирдикорлари фош бўлди*** **(Э.Самандар. Султон Жалолиддин);** ***Кўкси тўла оппоқ, тўзган соқоли // Оқ яктак, оқ иштон ва ялангоёқ*** **(Ш.Қурбон);** ***Кунлар шу тариқа меҳнатда ўтар // Ўтар сувдай оқиб тинмагур ва шан*** **(Ш.Қурбон);** ***Мулла Муҳсин бошида гапга тушунмай турса ҳам, сўнгра пайқаб олиб илжаяди ва домланинг "маслаҳат"ларини қабул қилган вазият кўрсатади*** **(А.Қодирий. Обид кетмон)кабилар.**

Баъзан шеърий матнларда мисра *ва* боғловчиси билан бошланади, бу эса ифодаланаётган прагматик ҳосила маънонинг кучли, эмоционал-экспрессив оҳангда ифодаланишини таъминлашга хизмат қилади: ***Қанча диёрларда сайр этиб юрдим // Қанча манзилларда туздим ошён // Ва буюк ҳикматга ахир юз бурдим // Сийланган жойида азиздир инсон*** **(А.Орипов);** ***Уни тафтиш қилмоқдайди Малика аён // Ва баробар пинхон дилин бораради ёриб*** **(А.Орипов. Ҳаким ва Ажал) кабилар.**

Ва **боғловчиси уюшиқ сифатловчи аниқловчиларни боғлаганда, улар ифодалаётган маънони кучайтириш, бўрттириш учун ҳам хизмат қилади:** ***Вазир Шамсулмулк ҳикмат ва дониш соҳиби эди, унга изн берилди*** **(Э.Самандар. Султон Жалолиддин);** ***Одам иси ёқмас эмиш, тунд ва бадқовоқ // Фақат китоб варақлармиш қараб дарчадан*** **(А.Орипов. Ҳаким ва Ажал) кабилар.**

Ҳамда **боғловчиси *ва*, *ҳам* боғловчилари сингари гап бўлаклари ва қўшма гап таркибидаги айрим гапларни боғлашга хизмат қилади. Бу боғловчи қатор уюшган бўлакларнинг охиргисидан олдин келганда, уюшган бўлаклар орасидаги тенгликни кўрсатиш билан бирга охирги уюшган бўлакни ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш учун ҳам хизмат қилади:** ***Лицей***

ўқувчиларидан Қодир Валижонов, Каримжон Акобиров, Нилуфар Шомирзаева <u>ҳамда</u> Нигорахон Турсунхўжаевалар фан олимпиадасида ғолибликни қўлга киритганлари учун қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар **(“Самарқанд” газетаси) кабилар.**

<u>Ҳам</u> **боғловчи вазифасида келганда, *<u>ва</u>* боғловчиси каби уюшган бўлакларни боғлайди ва бўлаклар орасидаги тенглик муносабатини ифодалашга хизмат қилади: *Бу гап албатта шу ерда қолиши, Аҳмаджонларга, Сўнагул ҳам Баҳриддинларнинг қулоғига етиб бормаслиги керак*** **(А.Мухтор. Давр менинг тақдиримда); *У Ўктам <u>ҳам</u> Ўсаржонга қарабсалмоқланиб деди*** **(Ойбек. Олтин водийдадан шабадалар) кабилар.**

<u>*Ҳам*</u> сўзи уюшган бўлакларнинг олдида ёки охирида такрорланиб келиши мумкин. У фақат уюшган бўлакларнинг олдида келгандагина боғловчи саналади: *Ўз тўйида <u>ҳам</u> меҳмон // <u>Ҳам</u> мезбон бўлмиш бу жон // Куйлар Яҳё, Қаҳрамон // Хандон бўлган Нурулло* **(Яҳё Тоға. Учсанг, бургутдай уч…) кабилар.**

Агар *<u>ҳам</u>* боғловчиси уюшиқ бўлаклардан кейин такрорланиб келса, бу уюшиқ бўлакларни алоҳида, ажратиб кўрсатиш учун восита вазифасини бажаради: …*Фотима опам <u>ғўзалликда ҳам, шўхликда ҳам, ўйинга усталикда ҳам</u> ўртоқларидан қолишмасди* **(Ў.Умарбеков. Фотима ва Зуҳра) каби. Бу боғловчи матн таркибида иш-ҳаракатнинг бир вақтда (*гапирди ҳам жим турди, борди ҳам қайтди*** **каби) ёки кетма-кет бўлганини кўрсатади (*келди ҳам кетди; ўқиди ҳам ёзди; йиғлади ҳам кулди; чопди ҳам тўхтади*** **каби).**

Умуман олганда, бириктирувчи боғловчилар содда ва қўшма гаплар таркибида қўлланар экан, хилма-хил услубий хусусиятларини ҳам намоён этади. Тенг ббоғловчилар сирасидан ўрин олган зидловчи боғловчилар ҳам матн таркибида хилма-хил услубий ва прагматик хусусиятлари билан ажралиб туради.

Зидловчи боғловчилар содда гаплар ва боғланган қўшма гаплар таркибида қўлланиб, бирор ҳодиса, иш-ҳаракат ёки бирор предметни бошқасига зид қўйиш ва улар орасидаги қарама-қарши муносабатни билдириш учун хизмат қилади. Бундай боғловчилардан фаол қўлланувчилар қаторига *<u>лекин</u>*, *<u>аммо</u>*, *<u>бироқ</u>*, *<u>ҳолбуки</u>* каби ёрдамчилар киради: *Ҳар қандай қонунга чап бериш мумкин, <u>лекин</u> уятга чап бериб бўлмайди. Чунки қонун одамдан ташқарида, уят эса одамнинг кўксида бўлади* **(А.Қаҳҳор. Ҳикматга мойил фикрлар); *Яхши ёзолмаганингни кечириш мумкин, <u>лекин</u> яхши ёзишни истамаганингни кечириш мумкин***

эмас (А.Қаҳҳор. Ҳикматга мойил фикрлар);. *Шуҳратпараст ошнам сен ҳам бўш келма… // Бироқ нима дерди бунга одамлар* (Ҳ.Асланова); *Балки ярим йўлда толарман, лекин – // Ҳеч ким қайтаролмас ниятларимдан* (Ҳ.Асланова); *Бизни не ваҳималар кутиб турибди // Аммо, қўрқинчларга берурмиз бардош* (Ҳ.Асланова) кабилар.

Баъзан *лекин* зидлов боғловчиси билан *ва* бириктирув боғловчиси ёнма-ён ҳолда мисралар бошида келиб, мураккаб образли фикр ифодаси, инкор маъносини кучайтириш учун хизмат қилади: *Бадавий шаклида келиб Азроил // Муҳаммадга деди: - Жонингни олгум // Ва лекин ҳурматга эрурсан ноил // Тила тилагингни, дўст бўлиб қолгум* (А.Орипов. Ҳикмат садолари); *Боғнинг қий-чувига қулоқ тутаман // Бу ерда турфа хил қушлар айланар // Саъваю қалдирғоч – ўзи бир жаҳон // Ва лекин кўпайиб кетмиш майналар* (А.Орипов) кабилар.

Ҳозирги ўзбек шеъриятида *лекин* зидловчисининг қисқарган, архаик шакли *лек* нинг қўлланилиши вазн ва қофия талаби билан юз беради: *Гоҳо портлар аламдан // Лек, айрилмас қаламдан // Янгамизга эгамдан // Эҳсон бўлган Нурулло* (Яҳё Тоға. Учсанг, бургутдай уч…) кабилар.

Айрим шеърий матнлар таркибида *аммо* боғловчиси икки марта ёнма-ён такрорланади, бу эса зид маънони кучайтиришнинг муҳим услубий воситаси сифатида намоён бўлади: *Аммо, аммо сен кетасан, маълум интиҳо // Юракда тизилиб қолади изинг // Уч ой бу оламга улашган Сафо – // Мангу из – баҳорга ўхшайсан ўзинг* (М.Ҳасанова) кабилар.

Зидловчи боғловчилардан *аммо, лекин* боғловчилари қават (ёнма-ён) келиб, аммо лекин тарзида қўлланади. Бундай қўлланиш асосан, сўзлашув услубига хосланган бўлса-да, у ҳозирги кунда бадиий услубда учрайди: *…бир ой Саломат опа, бир ой Кароматхон мухаррир бўлади. Аммо лекин Саломат опанинг газетаси ҳар сафар танқидга учрайди* (А.Мухтор. Давр менинг тақдиримда) кабилар.

***Балки* боғловчиси предмет, шахс ёки иш-ҳаракат орасидаги зид, қарама-қарши муносабатни таажжуб, гумонсираш семаси ёрдамида ифодалашга хизмат қилади: *Бу содиқ қул, балки ундан ҳам баттар одам эди* (Ойбек. Қутлуғ қон); *У икки, балки уч йилдан буён ўз тўйини кутар эди* (Ойбек. Навоий) кабилар.**

Шундай қилиб, ўзбек тили морфологик тизимида *аммо, лекин, бироқ, балки, ҳолбуки* каби зидловчи боғловчилари ўз ўрнига эга, улар гапда мазмунан зид бўлакларни боғлаш, уларни ўзаро муносабатга киритиш учун қўлланувчи муҳим услубий воситалардан биридир.

Сўз туркумлари орасида грамматик муносабатларни юзага келтиришдек вазифани адо этиши билан боғловчилар ўзбек тилида ўзига хос мавқега эга. Уларнинг функционал услублар доирасида қўлланилиши ҳам махсус кузатишларни тақозо этади. Чунки ўзбек тилидаги боғловчиларнинг сон жиҳатдан салмоқли эканлиги, улар ўртасидаги синонимик муносабатлар қўлланилишда функционал чегараланишларни ҳам келтириб чиқарган. Илмий ва бадиий услубга доир бир неча боғловчиларни қиёслаш орқали бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ўзбек тилининг илмий услуби ҳақида докторлик диссертацияси ёзган М.Мукаррамов "Илмий нутқда қўлланган боғловчилар функционал-стилистик нуқтаи назардан текширилса, грамматика китобларида кўрсатилган боғловчиларнинг ҳаммаси тенг ишлатилмаслиги кўринади. Илмий нутқда баъзи боғловчилар актив, баъзилари пассив, айримлари эса умуман қўлланмаслиги маълум бўлади" деган фикрларни баён этган (Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили.- Тошкент: Фан, 1984, 102-б.) ва илмий нутқда фаол қўлланувчи боғловчилар сифатида *ва, аммо, лекин, ёки, яъни, агар, чунки, шунинг учун* каби бирликларни кўрсатган. Аксинча, *ҳамда, -у(ю), ҳам, билан, бордию, деб, балки, бироқ, фақат, ҳолбуки, ё, ё-ё, ёинки, ёхуд, -ким, гўё, гўёки, баъзан-баъзан, бир-бир, агарда, гарчанд, башарти, мободо, зероки, наинки, аммо лекин, гоҳ-гоҳ, дам-дам, хоҳ-хоҳ, ким* каби бирликларнинг пассив эканлигини қайд этган.

Айирув боғловчилари содда гаплар ёки боғланган қўшма гапларда уюшган бўлакларни, шунингдек, қўшма гап қисмларини боғлайди ҳамда улардаги воқеа-ҳодиса, иш-ҳаракат ва ҳолатнинг алмашиниб туриши ёки бир-бирини тақозо қилишини ҳам ифодалайди. Ҳозирги ўзбек адабий тили бадиий ва публицистик услубларида *ё, ёки, ёхуд, ёинки, ё… ё, гоҳ… гоҳ, дам… дам, бир… бир, баъзан… баъзан, хоҳ… хоҳ* сингари ёрдамчилар энг фаол қўлланувчи айирувчи боғловчилар қаторига киради: *Ўтди ёшлик завқ билан, гоҳи тўполон билан // Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан // Айри ҳам тушдим баъзан қалб билан, имон билан // Лекин сени йўқотдим, биринчи муҳаббатим…* (А.Орипов) каби.

Баъзан *ва, ё* боғловчилари мисра бошида ёнма-ён қўлланиб, ифодаланаётган риторик сўроқни кучайтиришга хизмат қилади: *Мен дердим бу қизнинг қайда гўшаси // Йўлларида унинг кимдир зормикан? // О, у севгисидан бахтиёрмикан // Ва ё манзилида хазон тўшаги?* (А.Орипов); *Эшилиб, тўлғониб ингранади куй // Қайлардан келмоқда бу оҳу фарёд // Ким у йиғлаётган,*

Навоиймикин // Ва ё май қуйчиси Хайёммикин, дод! **(А.Орипов) кабилар.**

Баъзан *дам* сўзи айирув боғловчиси сифатида бир банднинг ҳар сатрида такрорланиб келади ҳамда у маъно кучайтириш воситаси сифатида кўринади: *Дам оғир хаёлга бўлур занжирбанд // Дам қўшиқ тўқийди у ёна-ёна // Интилар юлдузлар туманига дам // Дам ойнинг ёнида бўлар парвона* (А.Орипов) кабилар.

На…, на **ёрдамчиси уюшиқ бўлаклар ёки қўшма гап таркибидаги айрим содда гаплар олдида такрорланиб келади ҳамда улар ифодалаётган инкор маъносини алоҳида таъкидлаш, укдириб кўрсатиш учун хизмат қилади: *Энасидан қолган ёдгор буюмдай // Ҳар кимга кўз-кўзлаб керилар аён // На олтинга берар, на берар шундай // Аллақандай очкўз, нокас оломон*** **(Ш.Қурбон); *На бир сўз дедим сенга // На тун бир сўз дегайдир // Дод солиб йўлларингга – // Қўлларим чўзилгайдир*** **(Х. Рустамова. Бир ширин сўз қидирар башар) кабилар.**

Ёрдамчи сўзлар орасида, жумладан тенг боғловчилар орасида ҳам маънодошлик (синонимия) ҳодисаси мавжуд. Синонимия боғловчилар орасида кенг тарқалган. Лекин боғловчилар синонимияси – бу, тенглик, бир хиллик дегани эмас, яъни баъзи ўринларда боғловчилар ўрнини юкламалар, ёки аксинча юкламалар ўрнини айрим кўмакчилар ёки боғловчилар эгаллаши мумкин. Бу ҳолатларда эса услубий маъно нозикликларини тўла инобатга олиш лозим бўлади. Масалан, баъзан *–у, -ю, -да* юкламалари *ва* бириктирув боғловчисига семантик жиҳатдан маънодош бўлади. Бундай маънодошликни қиёслаш орқали сезиш мумкин: *-Бечора онамнинг айби нимада? – деб ўйлади у. – Гуноҳи ўқимаганлигидами? Кечаю кундуз отамнинг инжиқликларини кўтариб, келди-кетдисига қараганими?* **(Б.О.Сурат). қиёсланг: кечаю кундуз // кеча ва кундуз; *Қуёш ҳам айлаган ўлка, чиқадур ҳар куни йўлга // Нурин сочгай боғ-у чўлга, диёри Ўзбекистонда*** **(А.Хишравий. Диёри Ўзбекистонда). Қиёсланг: *боғ-у чўлга // боғ ва чўлга*** **кабилар.**

Шундай қилиб, боғловчилар грамматика доирасида нафақат сўз ёки бирикмаларнинг синтактик муносабатга киришувига кўмаклашади, шу билан бирга, бу синтактик муносабатлар жараёнида турли-туман семантик ва стилистик маъно оттенкаларининг юзага келишига ҳам хизмат қилади.

ЎЗБЕК ТИЛИДА УНДОВЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек тилида лингвистик табиатига кўра алоҳида гуруҳни ташкил этадиган ва сўз туркумлари тизимида ўзига хос мавқега

эга бўлган *ундовлар* тилшунослигимизда тадқиқотчиларнинг эътиборида бўлиб келган. Унинг баҳосини беришда, дастлаб лексик-грамматик талаблар нуқтаи назардан ёндашганлар. Мавзу тадқиқотчиларининг фикрича, номинативлик хусусиятининг йўқлиги, матнда бирон бир гап бўлаги бўлиб кела олмаслиги уларнинг тилимизда алоҳида гуруҳ сифатида қаралишига сабаб бўлган.[49]

Бу тил бирликларининг нарса-ҳодисалар номи бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар, ўзбек тилида *ундовлар* деб аталадиган сўзлар гуруҳи мавжуд ва улар нутқ жараёнида муайян коммуникатив-эстетик вазифани бажаришга хизмат қилиб келмоқда. Агар шундай бўлмаганда уларнинг тилда пайдо бўлишига эҳтиёж ҳам бўлмас эди.

Тилда бирон-бир элемент, ҳодиса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, албатта. Ундовлар тилимизда қандай пайдо бўлган, деган савол қўйилиши биланоқ кўз олдимизга тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги назариялар келади.[50] Улар орасида, гарчи мукаммал илмий асосга эга бўлмаса-да, ундов назарияси ҳам мавжуд. Тилшунослик илми тараққиётининг илк босқичларида тарқалган ушбу назарияга кўра у гўё товушга тақлид назариясининг давомига ўхшаб кетади ва унинг асосида ҳам ҳайвонларнинг бақириқ-чақириқлари ётади. Бу қараш асосчиларининг фикрича, ибтидоий ҳайвонлар одамларнинг бақириқ-чақириқларини ўрганиб, улар орқали ўз-ўзларининг ички кечинмалари, ғам аламларини ифодалашган, *оҳ, уҳ* каби сўзлар шундан келиб чиққан. Мазкур фараз гарчи тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини рад этишга олиб келса-да, назария тарафдорларининг қандайдир бир ҳақиқатга асосланганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бу қарашда бўлган тадқиқотчилар фақат инсонларгагина хос бўлган ички кечинмалар ва ҳис-туйғуларининг тилдаги ифодасини эътибордан четда қолдирмаганлигининг ўзиёқ эътиборга моликдир.

Кишилик жамиятининг ибтидоий босқичида одамлар фикр ифодасига бирмунча камбағал, фикрлар кўпинча имо-ишоралар ёки тақлид қилинган товушлар ёрдамида ифодаланган бўлса, бу жамиятнинг тобора такомиллашуви инсон тафаккури ва дунёни идрок қилишига ижобий таъсир кўрсатиб борган. Буни ўзбек тилидаги ундовлар эволюциясида ҳам кузатамиз. Шунинг учун ундовларни инсоният жамиятининг ва тил пайдо бўлишининг илк босқичидаёқ кишиларнинг руҳияти ва ҳис-туйғуларини

---

[49] **Ўзбек тили грамматикаси, I том. – Тошкент: Фан, 1975, 591-601-бетлар. *Қўнғуров Р.* Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. I қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1978.**

[50] ***Содиқов А., Абдуазизов А., Ирисқулов М.*** **Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981, 206-209-бетлар.**

ифода этувчи алоҳида тил бирликлари сифатида вужудга келганлигини эътироф этиш тўғри бўлади.

Ўзбек тилидаги ундовлар ҳам ўзининг тарихий илдизларига эга. Улар бошқа туркумларга нисбатан олиб қаралганда кўпчиликни ташкил этмайди. Вариантлари билан биргаликда юстача бўлиши мумкин, холос. Агар мозийга қараб кетадиган бўлсак, уларнинг сони янада кам бўлганлигини кузатамиз. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғот-ит турк» асарида бор-йўғи 30га яқин сўзнинг «ундов» белгиси сифатида келтирилганлиги, уларнинг ҳам маълум қисми тақлидий сўзлар эканлиги фикримизни тасдиқлайди. Биз уларнинг фақат 17 тасинигина ҳақиқий ундов сўз сифатида ажрадик.

Семантикасига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг бир қисми уй ҳайвонларини бошқариш билан боғлиқ ҳолда юзага келган буйруқ-хитоб сўзлари эканлигини кузатамиз: зақ-зақ **(**ذق-ذق**) – қўчқорни сузиш учун қистаб ишлатиладиган сўз,**[51] чílík- чílík **(**جلك-جلك**) – эчкини чақирганда «чилик-чилик» дейилади [I.369]. Индекс-луғатда унинг «чиги-чиги» варианти ҳам берилган [IV.332],** тушу-тушу **(**تشو-تشو**) – эшакни тўхтатиш учун қўлланадиган сўз [III.244],** тўкў-тўкў **(**تكو-تكو**) – кучук боласини чақиришга қўлланиладиган сўз [III.249],** қурї- қурї **(**قرى-قرى**) – тойча бия (онаси)дан орқада қолганда етиб олишга ундаб чақириладиган сўз [III.242] каби.**

Иккинчи қисми эса инсонларга қарата қўлланилган: awa **(**آڤ**) – аламланишни билдирувчи сўз. Киши бирор нарсадан хафа бўлса ва ачинса** آڤ-آڤا **awa-awa дейди.** ***Афсус, аттанг, эссизгина*** **демакдир [I.116];** aj **(**ئ**) –** ***Қанча бардїң aj оғул / Эрдиң мунда їнч амул. Нега кетдинг, эй ўғил, бу ерда тинч ва мамнун эдинг*** **[I.104];** ала **(**الا**) – секин, шошилмай;** الا-الا **ала-ала дейдилар.** ***Секин-секин, аста-аста*** **[I.118];** ач **(**آچ**) – «ҳой-ҳой, ҳе» маъноларида қўлланадиган ундов сўз.** آچ برو كل ***ач бэрў кэл, ҳей тез кел*** **[I.71];** ӧп-ӧп **(**اوب-اوب**) – бирон ишда ҳовлиқиб ва мақтаниб, сўнг уни исботлашдан ожиз қолганларга «ӧп-ӧп» дейдилар [I.78]. Шу билан бирга, «Индекс-луғат»да унга** ***афсусланиш, норозилик билдирувчи ундов сўз*** **тарзида изоҳ берилган [IV.196];** балу-балу **(**بلو-بلو**) – оналар боласини бешикда ухлатиш учун қўллайдиган** ***алла*** **ўрнидаги сўз [III. 251];** ва **(**وا**) – I. Сўзловчи буйруғини инкор этишни англатадиган сўз. Изоҳ: бу сўзни грамматик жиҳатдан инкор ундови дейиш мумкин. Ҳозирги ўзбек тилида** ***вай*** **ёки чўзиқ** ***а*** **билан талаффуз қилиниб, сўзланган сўзга норозиликни англатади. II. Қайғу-алам вақтида ҳам сўзланиб, шундай маъно англатади. Изоҳ: бу сўз ҳозирги ўзбек тилида** ***вой*** **тарзида қўлланади [III.234];** jэ/ja **(**يا**) – инкорни**

[51] **Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк, I том. – Тошкент: Фан, 1960, 321-бет. Бундан кейин «Девон»дан мисоллар келтирилганда асарнинг томи ва саҳифаси қавс ичида берилади.**

англатувчи *ва* сўзи маъносидадир [III.234]; јэму **(يعو) – *сўзимни қабул қилдингми, уюрганимни қилишга тушундингми*** **деган маънодаги сўздир. *Сэн баргїл јэму*** **гапининг маъноси *сен бор, хўпми*** **демакдир [III.32-33];** ју **(يو) – хотинлар бирор нарсадан уялганларида сўзланадиган сўз [III.234];** қї **(قى) – *ҳей*** **маъносини билдирувчи ундов сўздир [III.230] каби.**

Бундан ташқари М.Кошғарий ундовлардан феъл ясалиши ҳам мумкинлигини тасдиқлаган ва ahладї **(آهلدى) сўзини келтирган – Ҳақиқий ه ҳарфи асл турк тилларида йўқдир. Фақат** ар آهلدى **– *одам оҳ урди*** **гапидагина қўлланади [III.129] сингари.**

«Девон»да келтирилган ундовлар шуни кўрсатадики, тилимизнинг минг йил аввалги даврида ундовлар ҳам миқдор, ҳам қўлланиш кўлами жиҳатдан озчиликни ташкил қилган. Шубҳасиз, уларнинг ўзбек тили ундовларининг бугунги қўлланиш даражаси билан қиёслаб бўлмайди. Биринчидан, М.Кошғарий даврида қўлланган ундовларнинг кўпчилиги ҳозирги адабий тилимизда фаол эмас. *Зақ-зақ, чїлїк- чїлїк, тушу-тушу, тўкў-тўкў* **ундовлари умуман истеъмолда эмас. *Чиги-чиги, қурї-қурї*** **сингарилар эса аҳолининг чорвачилик билан шуғулланадиган қатлами орасида ва халқ оғзаки ижоди намуналарида сақланиб қолган. *Ётган ерида бир қурҳайт*** ***тортди, тўқсон тўқайдаги йилқи йиғилиб қошига етди, ҳамма йилқилар жам бўлиб турибди*** **(Алпомиш, 82). *Йиғлатмагин Барчин гулдай бебахтди,*** *Куру-ё қур, ҳайт-а,* ***бегимнинг оти!*** **(Алпомиш, 153) каби.**

Awa, aj, ала, ач, ўп-ўп, балу-балу, ва, (вай), јэ/ја, јэму, ју, қї **сингари кишиларга қарата қўлланиладиган ундовлардан эса фақатгина *ай (эй), ва (вай, вой)*** **каби кўринишлари сақланиб қолган. Қолганлари эса ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилмайди. Бу эса тилимиздаги бошқа тил элементлари қатори ундовлар ҳам катта тарихий йўлни босиб ўтганлигидан далолат беради. Уларнинг бир қисми бутунлай қўлланилмайди, қолган икинчи қисми эса ё кам қўлланилади, ёки уларнинг маънолари ўзгариб кетган.**

Ундовлар юзага келишининг экстралингвистик шарт-шароитлари

Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилиб келинаётган ундовлар ўзгармас сўзлар сифатида тадқиқ этилган ва уларнинг грамматик хусусиятлари атрофлича ёритиб берилган.[52] Аммо

---

[52] ***Муҳиддинова Ҳ.*** **Тақлидий сўзлар ва ундовдан ясалган феъллар / Ўзбек тили ва адабиёти.-1978.-№3.-Б.52-54;** ***Солихўжаева С.*** **Эмоционал гапларда ундовларнинг роли / Ўзбек тили ва адабиёти.-1972.-№3.-59-61; Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. -612 б.;** ***Қўнғуров Р.*** **Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. I қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1978. – 67 б.**

уларнинг функционал-стилистик хусусиятлари таҳлил этилганлиги тўғрисида бу гапни айтиб бўлмайди. Масаланинг бу жиҳатини ҳам ўрганиш эса ундовларнинг лингвистик табиати ҳақида кенг кўламли хулосалар чиқаришимизга асос бўлади.

Ундовларни ўрганишга бир тизим сифатида қараладиган бўлса, уларни тил сатҳининг турли йўналишларида ўрганиш бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлиги аён бўлади. Айтайлик, уларнинг гап таркибидаги бошқа бўлаклар билан грамматик алоқага киришмаслиги ва бирон бир бўлак вазифасини бажармаслиги; эгалик, кўплик, келишик каби қўшимчаларни ола олмаслиги, бошқа сўз туркумларидан ясалмаслиги, аммо бошқа туркумдаги сўзларнинг ундовларга ёки ундовларнинг бошқа туркумларга ўтиб туриши мумкинлиги, бир томондан, уларнинг алоҳида лингвистик табиати мавжудлигидан далолат берса, иккинчи томондан, уларнинг нутқда яшаш тарзи ҳам ўзгача эканлигин кўрсатади. Шунинг учун ҳам, мазкур сўзлар туркумининг функционал-стилистик табиатни ўрганиш унинг тилшунослигимизда ҳали эътибор қаратилмаган жиҳатларини тўлдиради.

Ҳар қандай тил бирлигининг лингвистик имкониятлари матнда намоён бўлиши аён гап. Бу имкониятлар ундовларда ҳам бор албатта. Агар шундай бўлмаганда, уларни алоҳида категория сифатида ўрганишга ҳожат ҳам бўлмас эди.

Масаланинг моҳиятини англашимиз учун нутқий жараёнда ундовларнинг ўрни ва лингвистик аҳамияти нимадан иборат деган, саволни ўртага қўйишимиз лозим. Бунинг учун эса, ундовларнинг матнда қўлланилишидаги лингвистик шарт-шароитларни, биринчи навбатда, экстралингвистик омилларни кўз олдимизга келтиришимизга тўғри келади.

Дарҳақиқат, ўзбек тилида ўзига хос лингвистик хусусиятларга эга бўлган ушбу сўзлар туркумининг юзага келишига сабаб бўладиган экстралингвистик омиллар мавжуд. Бу, биринчи навбатда, суъбектнинг воқеликка муносабати акс этиши жараёнида юзага келадиган ҳис-туйғунинг ифодаланиши зарурати. Бошқача қилиб айтганда, фикрни ифодалаш масаланинг бир томони бўлса, шу жараёнда яна инсон ҳис-туйғусининг ҳам қўшимча равишда берилиши иккинчи томонидир. Инсон ҳис-туйғуси ифодасида икки мақсад кўзда тутилиши мумкин: биринчидан, қалбдаги кечинмани ташқари чиқариш зарурати ва, иккинчидан, тингловчига таъсир ўтказиш эҳтиёжи. Агар мана шу нуқтаи назардан қарасак, ундовларнинг нутқда пайдо бўлиш сабаблари бирмунча ойдинлашади, тилимизда ундов сифатида қараб келинаётган айрим элементларга бўлган муносабат ҳам аниқ бўлади. Чунки луғатларда ундов белгиси сифатида берилган айрим сўзлар

мушоҳадаталабдир. Масалан, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (ЎТИЛ)да келтирилган *хе-хе-хе*[53] сўзининг ундов эканлиги кишида шубҳа уйғотади. «Хехелаган кулги товушини ифодалайди» тарзида берилган изоҳнинг ўзиёқ унинг тақлидий сўз эканлигини кўрсатиб турибди. Инсоннинг ичидан отилиб чиқаётган туғённи, ҳис-туйғу ифодаси бўлган сўз билан, табиат ва жамиятдаги нарса-ҳодисалар образига тақлид натижасида ёки бошқа бир сабаб билан юзага келган элементлар бир-биридан фарқланиши лозим.

Илмий манбаларда баъзан улар модал сўзлар билан аралаштириб юборилганлик ҳолатлари ҳам кўзга ташланади. Масалан, «Ўзбек тили грамматикаси», ЎТИЛ ва бошқа манбаларда ундов сифатида келтирилган *алё, алло* [I.70,72], *алло, ассалом алайкум/ассалому алайкум,/салом алайкум/ассалом,/ваалайкум ассалом/салом; балли, баракалла /баракалло, бас,балли, жим, қани,қойил, қуллуқ, лаббай* [II.480], *марҳабо, марҳамат* (II.549), *марш, навзамбилло, омонмисиз, офарин, раҳмат, тавба* [III.631], *ташаккур, ура, хайр, ҳорманг, хўп, шукур, эсонмисиз, эсиз* [V.54], *ўлай* [V.147], болани ухлатиш маъносини берувчи маъноси изоҳланган *оббо* [III.70] каби сўзларнинг ундов эканлиги кишида шубҳа туғдиради. Тўғри, ундовлар ва модал сўзлар стилистик вазифаси жиҳатидан, субъектив муносабат оттенкаси яққол сезилиб туриши нуқтаи назаридан нутқда баъзан бир-бирларига мос келиши мумкин. шундай бўлиши қарамасдан, уларни аралаштириб юбориш мақсадга мувофиқ эмас.

Инсон нутқи унинг муаллифининг эҳтиёжига боғлиқ ҳолда турли вазиятларда турлича шаклланади. Ана шу нутқий вазиятда соф тил воситларидан ташқари сўзловчи ҳис-туйғуларини рўёбга чиқариш, руҳий ҳолатини ифода этиш билан боғлиқ бўлган оҳанг, пауза, жест ва мимикалар сингари турли экстралингвистик омиллар ҳам иштирок этади ва улар лингвистик воситалар ёрдамида берилаётган ахборотнинг таъсирли ва мукаммал бўлишига кўмаклашади. Бинобарин, ундовларнинг юзага келиши ҳам ана шу экстралингвистик омилларга боғлиқдир.

Ундовларнинг стилистик хусусиятлари

Ҳар қандай тил бирликлари сингари ундовлар ҳам ўз лингвистик хусусиятларидан келиб чиқиб, матнда стилистик имкониятларини намойиш эта олади. Бу қўлланишда уч ҳолат

---

[53] Ўзбек тилининг изоҳли луғати, IV том. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, ___ , 394-бет. Бундан кейин янги нашрдаги изоҳли луғатнинг томи ва саҳифаси кўрсатилади.

кўзга ташланади. *Биринчидан*, ундов мустақил қўлланиши, ўзи алоҳида гап мақомида бўлиши ва мана шу ҳолатида муайян семантик ва стилистик маъно ифодалаши мумкин. *Иккинчидан,* ўзи алоқадор бўлган сўздаги маънонинг реаллашувига хизмат қилади. Бундай пайтда у ёнма-ён келган сўз маъносига қўшимча оттенка беради. *Учинчидан*, шундай ҳолатлар борки, ундов сўз иштирок этмаса, бу ёнма-ён келган сўзнинг маъноси реаллашмайди. Масалан, матнда *бош* сўзини *Бошим!* тарзида ишлатсак, унинг маъноси тингловчи учун мавҳум бир ҳолатда туради. Кичик матнга боғлиқ равишда бошнинг оғриётганлиги ҳақидаги хабарни ҳам, бошқа бир мазмунни, масалан, *қаеринг тегди,* деган саволга жавоб бўлиши ҳам, *Қаерларга урилмаган бошим!* гапининг қисқарган шакли бўлиши ҳам мумкин. Лекин, *вой бошим,* дейилганда маъно аниқ – оғриган бош ҳақида гап бораётганлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, нутқда ҳар қандай ундовнинг қўлланишида муайян субъектив баҳо кўзда тутилган бўлади. Шу маънода уларни шартли равишда дастлаб ижобий ва салбий эмоция ифодалайдиган ёки бошқа бир сўздаги шу оттенкаларни кучайтиришга хизмат қиладиган ундовлар тарзида икки гуруҳга ажратиш мумкин бўлади: ижобий: – *Эй, муҳтарам домла!..– деди ва четланиб йўл берди* (А.Қаххор); салбий: *Вой илон-ей! Мактабда интеллигент бўлиб юрасан-да, уйингда аксилинқилобий фаолият олиб борасан! Хэх!* (Ў.Хошимов).

Ундовлар англатадиган маъноларни шартли равишда икки – ижобий ва салбий оттенкаларни ифодалайдиган ёки сўзлардаги ана шу маъноларни кучайтиришга хизмат қиладиган қутбга ажратадиган бўлсак, айрим ундовларнинг бу ҳар икки қутбга дахлдорлиги ва уларнинг оралиқ ундовлар эканлиги маълум бўлиб қолади. Масалан, *Аҳ, ёмон иш бўптида. Аҳ, яхши иш бўптида!* Ёки *вой* ундови бир ўринда кесатиқ маъносини ифодаласа, иккинчи бир ҳолатда ачиниш, куйиниш маънларини ифодалайди: *Вой, тилинг чиқиб қолипти-ку!-деди. – Вой қадрдоним, жигарим* (Ойбек) каби.

Илмий манбаларда ундовлар ясалмаслиги, аммо бошқа сўзларнинг ундовларга ўтиб туриши мумкинлиги ҳақида фикрлар айтилган: *қаранг-а, қани*…каби. [Ўзбек тили грамматикаси, 591]. Дарҳақиқат, ундовлар таркибида қатнашадиган айрим сўзлар мустақил маънога эга бўлган бирликлар ҳисобланади. Масалан, *дариғ, ҳасрат, худо* элементларини олайлик. Уларга *во* бирлиги, *о/ё* унлиларининг қўшилиши натижасида ундовлар юзага келади: *водариғо* [I.464], *воҳасрато* [I.470], *худоё* [IV.421] каби. Биринчи сўзда кучли ҳаяжонни ифодалаш учун *во, о* элементлари орттирилган: *дариғ-водариғ-водариғо.* Кейинги икки сўзда эса *о* ёки *ё* сиз субъектив

муносабат юзага келмайди: *ҳасрат-ҳасрато, худо-худоё* каби. Чунки *водирғ* дейиш мумкин бўлгани ҳолда *воҳасрат, вохудо* дейилмайди. *Ё раззоқ* [III.342], *ё раб* сўзлари ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин.

***Ўл-а* [V.147] сўзидаги *ўл* ҳам ундов эмас. Унга *а* қўшилиши билан ундов ҳосил бўлади. Ана шу элемент туфайли сўзнинг талаффузи ва оҳанги ўзгаради ва шунга боғлиқ ҳолда мазмун ҳам ўзгаради. *Ўл* – буйруқ, *а* қўшилиши билан буйруқ оҳанги сусаяди, унинг ўрнини истак эгаллайди – *бу кунингдан кўра ўлганинг яхши эмасми* мазмунидаги гап шаклланди. Ёки ЎТИЛда келтирилган *аттанг* [I.116] ни ҳам ундов деб бўлмайди. Унга қўшилган *а* ундов. Гарчи *ўл-а* даги сингари сўзнинг мазмунини бутунлай ўзгартириб юбормаётган бўлса ҳам, *аттанг* ни *аттанг-а* билан тенглаштириб бўлмайди. *Аттанг* – умуман афсусланиш, *аттанг-а* – афсусланишнинг суъбектив ифодаси, кучли афсусланиш, бўлиб ўтган воқеага ич-ичдан ижобий муносабат, ҳамдардлик билдириш, тингловчи билан ҳамфикр эканлигини изҳор қилиш.**

Шунингдек, *ол* сўзи ҳам ўзбек тилида мустақил лексик маънога эга бўлган бирлик. Унинг давомидан *а* қўшилса ва *ола-а* тарзида қўшилган товуш чўзиб талаффуз қилинса, у ундовга айланди ҳамда айтилган фикрга қўшилмаслик, менсимаслик, масхаралаш, беписандлик оттенкаларини келтириб чиқаради. Масалан: - *Мен бугун жорий назоратдан юқори балл олдим. – Ола-а!* каби.

Гарчи луғатларда акс этмаган бўлса-да, *йа-а* элементи ҳам ундов ҳисобланади. Унинг айтилиши бирон-бир ҳаракатнинг уят деб ҳисобланишига боғлиқ бўлиб, одатда кичкина болаларга нисбатан қўлланиши билан характерланади: *Йа-а, иштонингни ҳўл қилиб қўйибсан-ку! Майли, майли* каби. У ҳам эркалаш, ҳам танбеҳ бериш, ҳам боланинг бу ҳаракатидан хафа бўлмаганликни билдириш каби оттенкаларни ўзида мужассам қилган ундовдир.

Баъзи ундовлар тилимиз табиатига мос эмас. Улар ўзбеклар билан ёнма-ён яшаётган бошқа миллатларнинг тилидан ўзлаштирилган бўлиб, миллатимизнинг барча вакиллари тилида ҳам қўлланилавермайди. Мас., *ой* ундови [Русско-узбекский словарь, М.,1954, стр.477]: *Мен бугун ўзимга костюм заказ қилдим. Ой, бирам чиройли!* *Уҳ* тарзида таржима қилинадиган *фу* [IV.367] ундови ҳам рус тилидан ўзлаштирилган [Русско-узбекский словарь, М.,1954, стр.929]: *Шу ҳам гап бўлдию, фу!* каби. Бу сингари қўлланишларга тилимиз маданиятига салбий таъсир кўрсатувчи элемент сифатида қарашимиз, бошқалардан ўзини маданий ва билимдан кўрсатишга ҳаракат қилиб, уни тилга олиб киришга интилаётганларнинг хулқини эса салбий баҳолашимиз лозим.

Бирламчи маънолари бутунлай бошқа бўлган айрим сўзлар борки, улар нутқда бемалол ундов бўлиб кела олади. ЎТИЛда шундай сўзлардан бири сифатида *дўст* келтирилган [I.678]. Одатда, ижро этилаётган ашуладан завқланган шинаванда завқнинг, таъсирланишнинг кучлилигидан *«Дўст!»* деб қўяди. Худди шу сингари шахмат ўйинида айтиладиган *шах/шоҳ* сўзини ҳам ундов сифатида қабул қилиш мумкин. У шахмат ўйинида ютишига кўзи етган ва бундан завқ олаётган кишининг хитоби сифатида шоҳ-донани сураётган пайтда айтилади. Ўйин жараёнида пиёда охирги катакка етиб бориб, фарзин бўлганда ҳам *ферз/фарзин* деб юборади. Агар ўйин жараёнида *от, тўра, сипоҳ* ёки *пиёда* дейилмаслигини инобатга оладиган бўлсак, *шоҳ* ва *фарзин* нинг матний ундов эканлигини эътироф этишимизга тўғри келади.

Ўзбек тилида ундовларнинг ёзилишида бир хиллик кузатилмайди. Масалан, *аҳа* [I.129] ундови *а-ҳа, а ҳа, ай-ҳа; оҳо* [III.196] ундови *ох-хо / оҳ-ҳо, оҳа; ўҳў* [V.195] ундови *ў-ҳў, уҳ-ҳу, ўҳ-ҳу, ўҳу, ўҳҳў* [V.195], *ўҳ-ҳў, ҳўҳ-ҳўў* [V.571]; *ҳа-ҳа* [V.523], *ҳа-ҳа-ҳа, ҳаҳа-ҳаҳа* [V.523], *ҳаҳҳа* [V.523], *хах-ха; эҳа* [V.68] ундовининг *э-ҳа, эҳ-ҳа,эҳ-ҳе* тарзида берилиши каби ҳолатлар учрайди. Ҳарқалай бу каби хилма хилликлар тил маданияти нуқтаи назаридан ижобий ҳодиса саналмаслиги керак. Бир ундовнинг талаффузи деярли фарқланмаганлиги учун уни *аҳа, а-ҳа, а ҳа* тарзида уч хил ёзишга ҳожат бўлмайди.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Сиртдан қараганда бу ерда имло қоидаларига риоя қилинмаётгандек туюлади. Аслида шундайми? Грамматик нуқтаи назардан шундай бўлса, бордир. Аммо стилистик жиҳатдан бу гапни айтиб бўлмайди. Айнан ана шу ундовнинг талаффузида ҳар хиллик, аниқроғи узун-қисқалик ва баъзан чўзиқлик мавжуд. Бу ҳолат унинг маъносида дифференциацияни вужудга келтирган, маъно тараққиётига сабаб бўлган. Агар, ЎТИЛда ундов сўз сифатида *аҳа* нинг *Разил кимсаларнинг ҳам Юрагини беомон — Ёндир! Аҳ-ҳа... мен кўрай, Ишқ олови, ён!* [А.Суюн] каби мисолларда бировнинг қийин аҳволидан кулиш, масхаралаш, истеҳзони ифодалашдек фақат бир маъноси келтирилган бўлса [I.129], бошқа матнларда унинг маъно доираси яна ҳам кенгайиши кузатилади: *Аҳа, аҳа, гапиравер, гапиравер* деганда, сўзловчининг фикрини тасдиқлаётгани; *А-ҳа-а, тилинг чиқиб қолдими,* дейилганда эса гапдан *ҳали шунақами?* маъноси англашилиб, объект ҳаракатининг маъқулланмаётгани маълум бўлади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, биринчидан, уларнинг ёзилишида мумкин қадар имло қоидаларига риоя қилиниши мақсадга мувофиқ бўлса, иккинчидан, уларнинг талаффузидаги қисқа-чўзиқлик ва бунинг оқибатида юзага

келадиган стилистик нозикликлар ҳисобга олиниши лозим бўлади.

Ундовларнинг шакллари турлича бўлишига қарамасдан, улар турли эмоцияларни ифода этувчи умумий сема атрофида бирлашади. Масалан, ажабланиш, ҳайратланиш, завқланиш, нафратланиш, аччиғланиш, эътироз ва норозилик каби. Айни пайтда, улар нутқда стилистик жиҳатдан бир хил қийматда деб бўлмайди.

Р.Қўнғуров ундовлар ҳақида қуйидагиларни айтган: «Грамматик жиҳатдан ўзгармайдиган, субъектнинг ҳис-ҳаяжони, буйруқ-хитоби, ҳайдаш ва чақириши ҳамда турли хил ҳаётий муносабатларни билдирувчи сўзлар *ундовлар* дейилади».[54] Бу ва бу каби бошқа таърифлардан маълум бўладики, ундовлар нутқнинг фаол қисми ҳисобланадиган гапнинг таркибига кирмайди, унинг бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайди. Аммо гап билан биргаликда матннинг турли ўринларида келаверади. Демак, ундов ва бошқа тил бирликлари ўртасидаги грамматик муносабатларнинг қандай бўлишидан қатъий назар уларнинг нутқда қўлланишига қандайдир эҳтиёж бор. Ана шу эҳтиёж экстралингвистик омил бўлиб ҳисобланади. Тушунчамизда, бу эҳтиёж – нутқнинг тасвирийлигини, таъсирчанлигини таъминлаш зарурати бўлиб ҳисобланади. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони, нутқ субъектининг воқеликка муносабатини, воқеликдан қай даражада таъсирлаганлигини ифодалаш эҳтиёжи ундовларнинг нутқ жараёнида қўлланиш даражасини белгилайди. Бошқача айтганда, шундай нутқий вазиятларга дуч келинадики, сўзловчининг руҳий ҳолатини, ички кечинмаларини, ҳис-ҳаяжонини фикр ифодаси бўлган гап тўлалигича ўзида мужассам қила олмайди. Нутққа яна қандайдир ёрдамчи воситалар зарур бўлади. Ана шу зарур воситаларнинг бири сифатида ундовлар ёрдамга келади.

Бинобарин, уларнинг нутқда юзага келиши субъектнинг ҳис-ҳаяжони билан, уларнинг объектга нисбатан мурожаати ва муносабати билан боғлиқ. Ана шу ҳис-ҳаяжонни, мурожаат ва муносабатни ифода этувчи тил элементлари нутқнинг алоҳида тури сифатида қараладиган гап таркибида ўзига хос тарзда ёки ундан ташқарида – ўзи ҳам нутқий ифоданинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади.

Мавзу тадқиқотчилари ундовларни маъно жиҳатдан эмоционал ундовлар ва императив ундовлар тарзида иккига ажратганларида ҳамда уларнинг ҳеч бирига кирмайдиган қисмини алоҳида гуруҳ тарзида баҳолаганларида масаланинг ана

[54] ***Қўнғуров Р.*** **Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. I қисм, 40-бет.**

шу томонини ҳисобга олишган.[55] Биз уларга стилистик нуқтаи назардан муносабат билдиришга ҳаракат қиламиз.

Аслида тил элементларининг бу алоҳида гуруҳини иккига – императив ва эмоционал ундовларга ажратиб таҳлил этиш лексик-семантик ва грамматик жиҳатдангина аҳамиятлидир. Стилистика учун эса бу тасниф шартли ҳисобланади. Чунки тилда бу алоҳида туркум сўзларнинг пайдо бўлиши ва қўлланиши нутқий вазият ҳамда суҳбатдошларнинг воқеликка муносабати билан боғлиқ экан, уларнинг нутқий жараёндаги иштироки у ёки бу даражада тасвирийликни келтириб чиқаради.

Императив ундовларнинг стилистик хусусиятлари

Ундовларнинг йирик бир қисми саналадиган императив ундовлар илмий адабиётларда одамларнинг диққатини тортиш, огоҳлантириш ёки жониворларни бирор ишни бажаришга ундаш, тўхтатиш каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилишлиги ва улар муайян объектга (II шахсга) қаратилганлиги билан кўпроқ буйруқ феълларига ўхшаб кетишлиги ҳақида мулоҳазалар баён қилинган.[56] Р.Қўнғуров уларни яна икки гуруҳга ажратган: одамларга қаратилган ҳамда ҳайвон ва жониворларга қаратилган ундовлар.[57]

Императив ундовларнинг катта бир қисмини уй жониворларига қарата қўлланган элементлар ташкил қилади. Масалан, ЎТИЛнинг янги нашрида уларнинг учраши қуйидагича: *ба* (баъзи уй ҳайвонларини чақириш, I.131), *баҳ-баҳ* (итни чақириш, 1.194), *беҳ-беҳ* (ҳайвон ва паррандаларни чақириш, 1.249), *гаҳ* (қўлга ўргатилган қушларни чақириш, 1.490), *дирр* (отни тўхтатиш, 1.626), *ишш* (юриб кетаётган эшакни тўхташи, 2.261), *киш* (товуқ ва бошқа қушларни ҳайдаш, 2.379), *киш-киш* (паррандаларни, асосан товуқни ҳайдаш, 2.381), *ма* (нарсани олишга ундаш, 2.516), *маҳ* (ит ва бошқа баъзи ҳайвонларни чақириш, 2.572), *мўҳ-мўҳ* (уй ҳайвонларини чақириш, 2.671), *пиш-пиш* (мушукни чақириш, 3.273), *пишт* (мушукни ҳайдаш, 3.273), *пўшт* (одамларни йўлдан қочириш, 3.331), *так/тек* (отни тинчлантириш, 3.643), *тис/тисс* (отни орқага тисариш, 4.116), *тисс* (овоз чиқармасликка ёки секин сўзлашга ундаш, 4.116), *ту-ту* (товуқни чақириш, 4.211), *хих* (эшакни тез юришга қисташ, 4.403), *хўш/ҳўш* (молни ҳайдаш ва қайтариш, 4.438), *чув* (отни юргизиш, 4.513), *чуҳ/чу/чух/чув* (отни юргизиш, 4.519), *қурай* (қўйларни ҳайдаш ва чақириш, 5.379),

---

[55] **Ўзбек тили грамматикаси, I том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975, 592-бет.**
[56] **Ўзбек тили грамматикаси, I том. Морфология, 597-бет.**
[57] ***Қўнғуров Р.* Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. I қисм, 50-бет.**

қурей **(қўйларни ҳайдаш ва чақириш, 5.380),** ***ғус*** **(итни тезлаш, қопиш, қувишга ундаш, 5.462),** ***ҳайт/хайт*** **(ҳайвонларни қўзғаш, ҳайдаш, 5.486),** ***ҳуйт*** **(қушларни чўчитиш, 5.558),** ***ҳушт*** **(майда жониворларни ва қушларни ҳайдаш, 5.568) каби.**

Бундан ташқари, гарчи ЎТИЛда берилмаган бўлса-да, қорамолларни кетаётган томонидан қайтариш учун ***бош,*** **аравага қўшилган отни тўхтатиш учун** ***тпр,*** **туяни қўзғаш, ҳайдаш учун** ***ҳачу*** **сингари ундов сўзлари қўлланади. Луғатда келтирилган** ***қурей, хўш/ҳуш*** **сўзларининг такроридан пайдо бўлган** ***қурей-қурей, ҳуш-ҳуш,*** **шунингдек, эчкиларни чақириш учун қўлланиладиган** ***чиги-чиги*** **каби ундов сўзлар ҳам мавжуд.**

Аммо ундовларнинг бу гуруҳи тилимиз учун стилистик жиҳатдан аҳамиятли эмас. Фақатгина одамга нисбатан ***бош*** **сўзини қўллаш каби ҳолатлар бундан мустасно.[58] Қўшимча тарзда яна бир фикрни айтиш мумкинки, улар фақатгина кундалик-маиший жараёнда, яъни сўзлашув нутқида қўлланилади ва бошқа функционал услублар учун хос эмас. Агар бошқа услубларда, масалан, бадиий ёки публицистик услубда ишлатиладиган бўлса, уларга сўзлашув услуби орқали ўтган.**

Ундовларнинг маълум қисмини одамларга қаратилган элементлар ташкил қилади ва уларни ***мурожаат ундовлари*** **деб аташ мумкин. Янги ЎТИЛ маълумотлари бўйича инсонларга мурожаат қилишга қаратилган ундовлар тилимизда унчалик кўп эмас:** ***ай/эй*** **(I.51),** ***вей*** **(I.454),** ***ҳай*** **(V.481),** ***ҳап*** **(V.505),** ***ҳо*** **(V.540),** ***ҳов*** **(V.540),** ***ҳой*** **(V.546),** ***ҳу*** **(V.554-555),** ***ҳув*** **(V.555),** ***ҳўй*** **(V.570) каби. Улар орасида** ***э*** **(V.16),** ***эй*** **(V.23) ундовлари энг фаол ҳисобланганлиги учун уларни кенгроқ таҳлил қиламиз.**

Ай/эй. ***Ай*** **ундови** ***эй*** **нинг ноадабий фонетик ёки шева варианти ҳисобланади (I.51):** *Ай,* ***менга қара!*** *Ай,* ***ундай қилма!*** *Ай,* ***қаёққа бораяпсиз?*** **каби. Шунинг учун ҳам унга ижодкорлар жуда кам мурожаат қиладилар:** *Ай,* ***Зарафшон, ўйнаб-кулиб оқа бер, / Мазлумларнинг юрагини ёқа бер*** **(Чўлпон).** ***Муборак,*** *ай,* ***юртим! Қирқ газ қанотли!*** **(А.Суюн).** *Ай,* ***раис бова, йўл-юзда биров билан майда-чуйда гап қилиб юрманг?*** **(Т.Мурод) каби. Шу маънода у сўзлашув услубига хос бўлган ундов сифатида қаралади.**

Гарчи ***ай*** **нутқда** ***эй*** **нинг варианти саналса-да, уларнинг қўлланиш частотасида муайян фарқлар ва стилистик нозикликлар мавжуд. Бу нозиклик улардаги халқона услуб ва баъзан ифодаланадиган расмийлик оттенкаси билан изоҳланади.**

ЎТИЛда ундов сўз сифатида ***эй*** **нинг икки маъноси: «1.мурожаат, чақириқ; 2.ачиниш, эзтироз, қўшилмаслик» маънолари берилган [V.23].** ***Ай*** **ва** ***эй*** **ундовлари қўлланиши**

[58] **Баъзан ҳеч бир такаллуфсиз, қўпол равишда бир жойга бостириб кириб келган одамга нисбатан ҳайвонга менгзаб, жонли тилда** ***«Бош, бош»,*** **деган жумлани қўллайдилар.**

нисбатида, *эй* кескин равишда кўпчиликни ташкил этади. Қиёсий таҳлил эса улар орасида муайян стилистик нозиклар борлигини ҳам кўрсатади. Бу стилистик фарқ уларнинг фақат адабий ёки шева вариантининг ажратилишида эмас. Масалан, бадиий матнларда *ай* қўлланган ҳолатларда халқ руҳига, жонли тилга яқинлик сезилади. Масалан, Чўлпон «Виждон эрки» шеърида ушбу ундовдан фойдаланганда худди ана шу жиҳатни эътиборга олган: *Ай **тутқинлар, ай эзилган, / Ай қийналган йўқсил эллар. / Ай умидсиз, ай чизилган / Дор олдига… Оппоқ диллар! / Ай бевалар, бечоралар, / Ай богланган кишанларга. / Ай эрк учун оворалар, / Кўп ялинманг сиз уларга.*** **Аксинча, «Кўринган аланга» шеърида эса *эй* вариантини қўллайди ва бу мурожаатга расмийлик оттенкасини беради:** *Эй, **маданий,** эй **файласуф,** эй **аллома «кун ботиш», / Ер юзида кишан ёйиб, қуллик сепиб, охирда / Бу нима, бу – алангалар тўри билан ўралиш?*** **(Чўлпон.).**

Эй* ундови қўлланиш частотасининг юқорилиги, матнда мурожаат ва чақириқ маъноларининг шаклланишида фаол иштирок этиши унинг экспрессивлик даражасига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан,** *Эй, **ёш боламисиз! Нега йиғлайсиз?** Эй **бус-бутун аёлати вайрон ўлон ватан, Ҳар гўшаси замонада зиндон ўлон ватан. Шунинг учун,** эй **болалар, сарлавҳа қўйишни ўрганингиз,– деди Муродхўжа домла **(А.Қаххор).** ***Товусдай ялтироқ,** эй **гўзал йиртқич! Мана, кўксимни йирт, мана, қоним — ич!*** **(У.Азим) мисолларда *эй* иштирок этмаса ҳам у билан ёнма-ён келган сўз мурожаат оттенкасини ифодалай олиши мумкин: *Ёш боламисиз! Нега йиғлайсиз? Бус-бутун аёлати вайрон ўлон ватан, Ҳар гўшаси замонада зиндон ўлон ватан. Шунинг учун, болалар, сарлавҳа қўйишни ўрганингиз, – деди Муродхўжа домла*** **каби. Матнлардаги *эй* нинг экспрессивлиги у билан ёнма-ён келаётган сўз билан биргаликда юзага чиқаётган бўлса ҳам, ундовнинг стилистик аҳамиятини инкор қилиб бўлмайди. Худди ана шу ундов воситасидагина мурожжат эффекти кучаяди, нутқ жонли тус олади. Мана шу маънода *эй* матнда ўзининг стилистик бўёғи билан иштирок этади. Шунинг учун ҳам ижодкорлар бу ундовга тез-тез мурожаат қилиб турадилар. Масалан, О.Ёқубов «Улуғбек хазинаси» романида** *эй **валинеъмат бузруквор,** эй **бандаи гунг,** эй **осий банда,** эй **Муҳаммад Тарағай,** эй **нобакор,** эй **бандаи бероҳ,** эй **каззоб,** эй **нобакор палид,** эй **парвардигор*** **каби жумлаларни қўллаган.**

Ушбу ундов иштирок этган матнлар таҳлили унинг ибтидоий маъноси мурожаат эканлигини, бошқа ҳолатларда ифодалаган стилистик отткеналари туфайли маъно кўлами кенгайиб борганлигини кўрсатади. Қуйидаги оттенкалар ана шу маъно кенгайишининг ҳосиласидир: ҳайратланиш: – *Эй, **муҳтарам домла!..– деди ва четланиб йўл берди*** **(А.Қаххор);**

эътироз: «*Эй ўлинг ота бўлмай», дедим. – Эй... қўйинг... Мен итдан қўрқаман, – деди Мунисхон ва ўнг ёқдаги тор кўчага бурилиб, қўлини кўтарди. – Эй, хайр сенга... қурумсоқ... худомиз бир, пайғамбаримиз бир...* (А.Қаххор); суҳбатдошнинг фикрига қўшилмаслик:– *Эй, сен ўл!– деди домла титраб-қақшаб,– қавм-қариндошинг, маҳалла-кўйинг ўлсин! – Эй, афандим, ишингиз тушсин... Қўй, эй... эримдан қолмайин!..* (А.Қаххор); ачиниш: *Шунда: «Эй, камбағаллик қурсин! Орзум очилмай сўзладиган бўлди, ўзим ҳасратда ўладиган бўлдим», деб бир сўз айтиб турган экан* (У.Азим) кабилар.

Ижодкорлар *эй* ни баъзан такрор қўллаш билан ифодада алоҳида пафосни вужудга келтира оладилар. Масасалан, Чўлпон *эй* дан шундай восита сифатида фойдалана олган: *Эй, букун, оловлар Дунёни ёндирди / Инсонлар оч ерни Қонларга қондирди! / Эй, букун, кўкларда Қуёшлар тутилди, / Эй, букун, шамоллар, Бўронлар қутурди* каби. Ёки: *Эй-эй, келажагим сарбадорлари, — Сиз энди қўзғалинг фақат кўкламда!* (А.Суюн).

Аслида такрорий қўлланиш кўпчилик ундовларга хос хусусият. Бунда икки ҳолат кузатилади: биринчи ҳолатда якка ҳолда ҳам ундов саналадиган бирликлар такрорланади ва жуфтлик ҳосил қилади: *вой=вой-вой,оҳ=оҳ-оҳ, ҳай=ҳай-ҳай, ҳой=ҳой-ҳой.* Иккинчи ҳолатда мустақил маъно эга бўлмаган бирликлар такрорланади ва бунинг натижасида ҳосил бўлган жуфтликдан ундов ҳосил бўлади: *бай=бай-бай* каби. Бу такрорланишлар бирортаси ҳам бекорга амалга оширилмайди. Ҳар бир такрорланишда муайян стилистик мақсад ётади. Шунинг учун ҳам *вой* ёки *вой-вой, оҳ* ёки *оҳ-оҳ, ҳай* ёки *ҳай-ҳай, ҳой* ёки *ҳой-ҳой* элементлари англатган маънолар бир-бирига тўғри келмайди, аксинча, бу такрорланиш оқибатида бутунлай бошқа – биринчи ундовнинг маъносига тўғри келмайдиган маъно оттенкалари юзага келади. Шунинг учун ундовларнинг такрорланишига нуткда рўй бераётган оддий ҳодиса сифатида қараш маъқул эмас.

Баъзан нуткда айрим ундовлар оддий такрорланишлар доирасидан ташқарига чиқади. Масалан: *бай-бай=бай-бай-бай, э-э, э-э-э* сингари. Охирги элементнинг яна такрорланиши ёки товушнинг чўзилиши нуткда қўшимча маъно оттенкаларини юзага келтиради. *Бай-бай* дейилганда ҳайратланиш, ажабланиш, таҳсин ёки хушёқмаслик, норозилик, таассуф маънолари (I.141) ифодаланса, сўз учинчи марта қайтарилиши билан бу оттенкаларнинг самарадорлиги янада ошади ва бу ифода сўзловчининг мақсадига янада тўлароқ мувофиқ келадиган бўлади. *Э* ажабланиш, таажжуб, ҳайрат ҳис-туйғусини билдирса (I.16), *э-э, э-э-э* дейилганда ана шу ҳис-туйғулар ифодаси яна ҳам кучаяди.

Ундовлар матннинг турли ўринларида такрорланиши ҳам мумкин: *Эҳ! Ўзи пишитган чилвир-ку, эвоҳ! Машрабнинг бўйнига солинган арқон!!!* (М.Али) каби.

Ундовлардаги стилистик маъно оттенкаларининг фарқланишида уларни талаффуз қилишнинг ҳам аҳамияти катта эканлиги адабиётларда кўплаб қайд этилган. Бу фикр *эй* га ҳам тегишлидир. Ундовнинг қисқа ёки чўзиқ талаффуз этилиши у билан ёнма-ён келган элементнинг маъно оттенкаларига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Агар у қисқа талаффуз этилса, қатъият, кескинлик, шиддат маъноларининг ифодаланишига хизмат қилиши мумкин: *эй одамлар, эй яхшилар, эй Худо* каби. Кейинги товуш *й* чўзиб талаффуз қилинганда эса бошқа маънолар юзага келади: *эй-й одамлар, эй-й яхшилар, эй-й Худо* сингари. Иккинчи ҳолатда хурсандчилик, фахрланиш, мамнунлик оттенкалари пафос билан ифода этилади. Қиёслаймиз: *Эй одамлар! Юксак юлдузлар / Мен сизларга учиб етсам бас* (Р.Ҳамзатов) – *Эй-й одамлар! Юксак юлдузлар / Мен сизларга учиб етсам бас; Эй-й, фалак! Менга бунча чексиз-чегарасиз бойликни қандай ато этдинг?!* (А.Суюн) – *Эй, фалак! Менга бунча чексиз-чегарасиз бойликни қандай ато этдинг?!* каби.

Ундовлар фаол иштирок этадиган нутқий жараён асосан субъектнинг объектга мурожаати бўлиб ҳисобланади. Тўғри, тилда бу жараённи шакллантирувчи бошқа грамматик воситалар ҳам йўқ эмас. Масалан, ундалмаларни олайлик: *Ука, бу гапларни мен сенга айтаяпман / Укам, бу гапларни мен сенга айтаяпман / Укагинам, бу гапларни мен сенга айтаяпман / Укажоним, бу гапларни мен сенга айтаяпман / Укавой, бу гапларни мен сенга айтаяпман.* Гапнинг барча вариантларида, ҳатто биринчи гапда ҳам аканинг укага илиқ муносабати маълум бўлиб туради. Субъектив баҳо шакллари ана шу муносабатнинг шаклланишига хизмат қилади. Агар ундалмани ундов сўз билан, масалан, *Эй, бу гапларни мен сенга айтаяпман* тарзида алмаштирсак-чи? Оттенка бутунлай ўзгаради. Самимият, меҳрибонлик, яқинлик, ялиниш каби маънолар ўрнини қўполлик, менсимаслик, беписандлик каби оттенкалар эгаллайди.

Бундай шундай хулоса келиб чиқадики, ундовлар шунчаки объектга мурожаат қилиш воситаси эмас. Айни пайтда, у муайян бир стилистик вазифани ҳам адо этишга мўлжалланган. Юқоридаги келтирилган гаплардаги ундалмада объект аниқ билиниб турибди. Бу – *ука.* Иккинчи ҳолатда эса, бу аниқлик ўз-ўзидан йўқолган. Мурожаат кимга қаратилганлиги номаълум. Уни фақат каттароқ матний қуршовда аниқлаб олиш мумкин. шу ҳолатида эса, мурожаат умумга қаратилган бўлиб туради.

Мурожаат характеридаги ундовларни қараб чиқишда давом этамиз.

Вей. **ЎТИЛда унинг маъноси «ҳайронлик, таажжуб, норозилик ҳис-туйғулари ифодаланади» [I.454] тарзида берилган ва С.Аҳмаднинг «Уфқ» романидан** *Вей, ўзинг кимсан? Хотиниммисан? Мен фронтда қон тўкиб келганман* **мисоли келтирилган. Аммо бу мисолдан изоҳда берилгани каби ҳайронлик, таажжуб, норозилик оттенкаларини англаб бўлмайди. Унда мурожаат мазмуни бор, холос.**

Англашимизча, мазкур ундов ҳам *эй, ҳой* **ундовлари сингари бир кишининг иккинчи бир кишига қарата мурожаатини ифодалайди. Аммо унинг қўлланиши диалектал чегараланган бўлиб, шаҳар типидаги шеваларда қўлланиши кузатилади:** *вей, менга қара; вей машинангни четга олиб қўй* **каби. Бу масаланинг бир томони, иккинчи томондан эса, унинг маъносида салбийлик – менсимаслик, илтифотсизлик оттенкалари бўлади. Биринчи сабабга кўра у бадиий ва публицистик матнларда деярли қўлланилмайди.**

Ҳай. **ЎТИЛда уч маъноси келтирилган бўлиб, «1.кимсанинг диққатини ўзига жалб этиш, чақиришни; 2.эътиборни тортиш, огоҳлантиришни; 3.бўлган ёки ўтган ишдан розиликни, эътирозсизликни ва унга эътибор бермасликни, «шундай бўлса бўлибди» маъносини билдиради» тарзида изоҳланган [V.481]:** *Ҳай, менга қара! Ҳай, кўзингга қара! Ҳай, майли!* **каби. Лекин бу каби қўлланишлар нутқда фаол бўлганлиги сабабли, экспрессивлик бўёғи ҳам камайган. Биринчи ва иккинчи мисолларда унга** *эй* **ундови синоним бўлади олади. Унинг ўрнида** *ҳой* **ёки учинчи мисолда** *ҳа* **нинг қўллана олишини вариантлар сифатида қараш керак. Мана бу** *Ҳай хотин, дейман, қандоқ беҳаёсан! Жинними ўзи бу...* **(А.Қаҳҳор).** *Ҳай, болам, давлат орттир, ерни кўпайтир, иморат сол, тилла йиғ...* **(А.Қаҳҳор).** *Ҳай, Мухтор, Муҳаммадражаб қаерда?* **(А.Қаҳҳор) мисолларида у** *хотин, болам, Мухтор* **сингари ундалмалар англатган ўзига жалб этиш, чақириш маъноларини кучайтирувчи вазифани адо этади. Шунинг учун ҳам** *Ҳай, Мухтор, Муҳаммадражаб қаерда?* **ва** *Мухтор, Муҳаммадражаб қаерда?* **гапларининг стилистик қиймати бир хилда эмас.**

Аммо у ҳамма вақт ҳам шу маънолар доирасида қолиб кетмайди. ***Санжоғимда кўтаргум сени! Кўк тукли, Кўк ёлли Бўрим,*** *ҳай!* **(А.Суюн) каби мисраларда у ўзининг экспрессивлик имкониятини қайта тиклайди.** *Ҳай, чақиринг!* **(О.Ёқубов).** *Ҳай, бу шовқин нима? – кампир кўча томонга қулоқ солди* **(Ойбек).** *Ҳай, сенинг димоғ-фироғинг кимга!* **(А.Қаҳҳор).** *Ҳай, тузукмисиз?— дея бош силтади Ҳанифа Ражабовна* **(Ў.Ҳошимов) сингари гапларда унинг вазифаси ўзгаради. Сўз метонимизация ҳодисасига учрайди,** *хотин, болам, Мухтор* **каби элементларининг вазифасини ўз зиммасига олади, гапда ундалма ўрнида келади.**

Айни пайтда, ундовлар муайян стилистик вазифани ҳам адо этади, менсимаслик, беписандлик, ўзини катта олиш каби оттенкалар пайдо бўлиб қолади. Қиёслаймиз: *Ҳай, болам,* ***давлат орттир, ерни кўпайтир, иморат сол, тилла йиғ... – Ҳай, давлат орттир, ерни кўпайтир, иморат сол, тилла йиғ...;*** *Ҳай, Мухтор,* ***Муҳаммадражаб қаерда? –*** *Ҳай,* ***Муҳаммадражаб қаерда?*** **каби.**

Ҳай, майли. ***Ана, қимиз қуйиб ич!*** **(Зулфия) каби мисолларда эса** ***майли*** **сўзидаги розилик оттенкасини кучайтирувчи қўшимча восита бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, унинг иштирок этиш-этмаслиги гапдаги ифодани стилистик жиҳатдан фарқлайди:** *Майли.* ***Ана, қимиз қуйиб ич!*** **дейиш амалга оширилиши лозим бўлган ишга юракдан розилик аломати ҳисобланса,** *Ҳай, майли.* ***Ана, қимиз қуйиб ич!*** **дейилганда эса ноилożликдан ёки хоҳламай розилик билдирилаётганлик маъноси англашилади.**

Айрим мисоллар таҳлили бу ундовнинг ЎТИЛда қайд этилмаган имкониятлари ҳам мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, матнда эслаш: *Ҳай,* ***бир давр эди-да...*** **(Ў.Ҳошимов); афсусланиш:** *Ҳай, номард дунё,* ***номард дунё! – деди Ботир фирқа*** **(Ў.Ҳошимов) каби оттенкаларни ҳам ифодалай олади.**

Ушбу ундов *Ҳай аттанг!* ***Қани, ўртоқ Одилов, сиз айтинг, шу гаплар ростми? Айтинг, Деҳқонбой*** **(А.Қаххор).** *Ҳай аттанг!* ***"Жисми ногирон, қалби маҳзун " бу шаҳзода улуғ падарининг бошига не кулфатлар солмади!*** **(О.Ёқубов).** *Ҳай, аттанг,* ***сизларга тушиб қолибди*** **(Ў.Ҳошимов) мисолларида ҳам соф стилистик вазифани –** ***аттанг*** **сўзидаги афсусланиш маъносини кучайтиришга хизмат қилади. Шу жиҳатдан** ***ҳай*** **ундови** ***э*** **сўзига синоним бўла олади:** *Э, аттанг,* ***сизларга тушиб қолибди*** **каби.**

Афсусланиш маъносини берадиган сўз билан бирга келганда ***во*** **га синоним бўлиши ҳам мумкин:** ***Қори (четга).*** *Ҳай дариғ,* ***вақтида аскарликдан қочмаганимда ҳозир участкалик куёв бўлар эканман!*** **(А.Қаххор) -** *Во дариғ,* ***вақтида аскарликдан қочмаганимда ҳозир участкалик куёв бўлар эканман!.***

Ундовдаги стилистик маънонинг реаллашувида вергул ҳам сезиларли аҳамият касб этади. Яна юқоридаги мисолларга қайтамиз: *Ҳай, болам,* ***давлат орттир, ерни кўпайтир, иморат сол, тилла йиғ...*** *Ҳай, Мухтор,* ***Муҳаммадражаб қаерда?*** **Матндан вергулни олиб кўрамиз:** *Ҳай болам,* ***давлат орттир, ерни кўпайтир, иморат сол, тилла йиғ...*** **(А.Қаххор).** *Ҳай Мухтор,* ***Муҳаммадражаб қаерда?*** **Ундовнинг самарадорлиги бирданига сусаяди, асосий куч ундалмага ташланади. Ундов ундалманинг соясида қолиб кетади. Агар ундов ва ундалма орасида пауза бўлса, нутқнинг оҳанги бошқача бўлади, сўзловчи нутқ объектининг диққатини ундов ёрдамида ўзига қаратиб олади, ундалма ёрдамчи, аниқловчи воситага айланади. Ўзбек нутқи меъёри нуқтаи назаридан ундов ва ундалма ўртасида пауза – узилиш**

бўлмаслиги, бир зарб билан айтилиши мақсадга мувофиқ. Шундагина ундалма биринчи планга чиқади. ***Унга дейман: "****Ҳай гўзал,* ***Бормоқдасан қаёққа?"*** **(Зулфия).** *Ҳай қиз,* ***тўлқинида келади оқиб / Бир олма, арықнинг лабидан жилма!*** **(Зулфия) мисолларидаги ундов ва ундалма ўртасида паузанинг бўлиши эса умуман мақсадга мувофиқ эмас. Бу ерда пауза шеърий ритм ва оҳангнинг бузилишига ҳам олиб келади.**

Ушбу ундовнинг қўлланиши баъзан индивидуал характерга эга бўлади. Масалан, Муҳаммад Али ушбу ундовни ҳай-ё **тарзида, бирмунча маъноси кучайтирилган ҳолда қўлайди** : *Ҳай-ё, бу калом Аъёни салтанат, аъёни қутлуғ* **(М.Али).** ***Қўлидан не келар шоирнинг аммо?*** *Ҳай-ё!* ***Унга ясси кўринар ҳаёт*** **(М.Али) каби.**

Олло исмин зикр этмасанг ҳам, Дилгинангда турсин "*Ҳайё Ҳу!"* **мисраларида шоир уни ЎТИЛда изоҳлангани каби [V.484]** ***қатъият*** **маъносида қўллаган. Шоир** ***ҳай-ё ҳуйт*** **ни ҳам, гарчи ЎТИЛда изоҳланган маъносига тўғри келмаса-да, қатъият маъносида қўллаган:** ***Бу дуррани танғиб олган-да, "****Ҳай-ё, ҳўйт!" деб ишлай берган у* **(М.Али). Бу ундов баъзан ижодкор жўшқинлигини, ҳаяжонини, бир сўз билан айтганда, шеърий матнда пафосни белгилайдиган нутқий воситага айланади:** ***Кўк тукли, Кўк ёлли Бўрим,*** *ҳай!* **(А.Суюн) каби.**

Шунингдек, одатда, ёш одам вафот этганида марҳумнинг яқинлари давра айланиб садр тушадилар. Бунда таъсирли сўз ва ибораларни айтиш йиғлаш билан бирга ҳар жумла охирида *«ҳай!»* **деб кўксига уриб фарёд қиладилар. «Якка Аҳмад» достонида бироз бошқача тарзда берилган:** ***Хончорбоғда ларзон бериб йиғлашиб, / Хотинлар ху, дейишиб садр солади.***

Матнларда учрайдиган ***ҳай-ҳай*** **ундови ЎТИЛда қайд этилганидек [V.488],** ***ҳай*** **нинг шунчаки такрори эмас. Такрорланиш ҳисобига бу сўзнинг маъно доираси яна ҳам кенгаяди. Масалан: -ҳайратланиш маъносини кучайтиришга хизмат қилганда у** ***астағфирулло*** **сўзига синоним бўлади:** ***Айниқса хотин важига келганда,*** *ҳай-ҳай,* ***худо ўз паноҳида сақласин!*** **(А.Қаххор) -** ***Айниқса хотин важига келганда,*** *астағфирулло,* ***худо ўз паноҳида сақласин!*** **каби.**

Шунингдек, ***ҳай-ҳай*** **ёрдамида луғатда акс этмаган яна қуйидаги маъно нозикликлари келиб чиқади:**

-тўхтатиш, бирон-бир номаъқул ишдан қайтариш: ***Ҳайдар ота бир туп садарайҳонга қўл уриб искади, сўнгра, шохидан синдираётган эди, кимдир «****ҳай, ҳай!»* ***деди*** **(А.Қаххор).** ***"****Ҳай-ҳай, тил тегизма худога, кофир, Йўқса, дўзахга ҳам кирмоғинг маҳол!"* **(М. Али).**

-афсусланиш, ачиниш: ***Пишиқлабди ўғлини...*** *Ҳай, ҳай...* ***/ Совчи бормай, ризолик сўрмай...*** **(М. Али).** *Ҳай-ҳай,* ***уввос солиб йиғлайди!*** **(Ў.Ҳошимов).**

-нимадандир маза қилганликни, қаноатланишни маълум қилиш: ***Қори.*** *Ҳай-ҳай,* ***ундай бўлса шодиёнасига биз ҳам андак ишрат қилайлик*** **(А.Қаҳҳор).** ***Асли ани кўрмакка йўқ тоқат, демишлар, / Сўз десалар,*** *ҳай-ҳай,* ***паришон дейдиларму?*** **(М.Али).**

-фикрни тасдиқлаш: *Ҳай-ҳай,* ***бир от ишқибози, бир соз ишқибози ёмон*** **(А.Суюн).**

-гап мазмунидаги нафратни кучайтириш: *Ҳай, ҳай,* ***сен келгинди!*** **(А.Суюн) каби.**

Ушбу ундовнинг отлашуви ва фразеологик бирликлар таркибида келиши ҳам нутқ жараёнидаги кўламининг кенгая борганлигидан далолатдир: *Ҳай-ҳай қилмасангиз* ***Юсуфжон ака ҳам «Алқисса андин сўнг» дея ёзади*** **(А.Қаҳҳор).**

Тан бериш, қойил бўлиш, завқланиш оттенкалари эса бу ундовнинг алоҳида стилистик имконияти сифатида қаралиши керак: ***Асли ани кўрмакка йўқ тоқат, демишлар, Сўз десалар,*** *ҳай-ҳай,* ***паришон дейдиларму?*** **(М.Али).** ***Тошдан эди дийдаси,*** *ҳай-ҳай,* ***Золим эди асли ул пари*** **(М.Али) сингари. С.Зуннунованинг машҳур «Ҳай-ҳай» шеъри ҳам бунинг яққол далилидир.**

Ҳой **эса** ***ҳай*** **нинг варианти ҳисобланади ва энг фаол ундовлар сирасига киради. У сўзлашув нутқида ҳам маҳсулдор қўлланади. Ўз навбатида бадиий ва публицистик матнларда ҳам бошқа ундовларга нисбатан қўлланиш частотаси юқори. Бу матнларда қўлланишнинг фаоллигига тескари ўлароқ семантик имкониятлари чегараланлигини кузатамиз. У субъектнинг объектга мурожаатини ифода этаётганда ундалма ҳам иштирок этади:** *Ҳой,* ***Раҳимжон, шохини синдирасан...*** *Ҳой* ***бола, асли, қачон бўлса-да, рўёбга чиқиш умидида машқингни қилиб юраверсанг бўлар эди*** **(А.Қаҳҳор). Ундалма иштирок этмаса, ундов унинг вазифасини ўз зиммасига олади, ва, айни пайтда, бетакаллуфлик оттенкаси кучли тарзда намоён бўлади:** *Ҳой,* ***дунёга бир марта келасан, ҳамширангни...*** **(А.Қаҳҳор).**

Баъзан мурожаатда ундовлар қўшалоқ ҳолда қўлланиб сўзловчининг алоҳида руҳий ҳолатини ифода этадиган воситага айланади: *Э, ҳой,* ***анор олиб бермадимми?– деди Туробжон майин товуш билан*** **(А.Қаҳҳор).**

Эътиборни қаратишга хизмат қилади: ***Мен биламан, оҳ, биламан сени, / Ҳой, йўловчи қиз! / Денгиздан нари маъбуданг сени, /*** *Ҳой,* ***йўловчи қиз!*** **(Чўлпон).**

Баъзан у сўзловчининг нутқи қаратилганликни шунчаки ифода этади: ***Агар шу кўптирма нондай ерлар чойракорнинг ўзиники бўлса-чи,*** *ҳой...* **(А.Қаҳҳор).** ***Оғайни-чи,*** *ҳой,* ***бу дунёда оғайни бўлиш керак*** **(А.Қаҳҳор). Бўстон** ***(киради). Қани,*** *ҳой,* ***чўзма лағмон қани?*** **(А.Қаҳҳор). Шунчакилик оттенкаси, мазкур ундовнинг гапдаги ўрни алмашганлиги билан изоҳланиши ҳам**

мумкин. Кейинги гапда *ҳўй* унинг варианти сифатида келтирилган.

Ушбу ундовнинг гапдаги ўрнининг алмашиниши баъзан бадиий асарларда жуда катта стилистик вазифани адо этиши мумкин. Масалан, А.Қаҳҳор «Синчалак» асарида бу ҳолатдан мулоқотдаги келишув белгиси сифатида фойдаланган: *Қаландаров мундайроқ меҳмон келса, югурдагига: «Эшон!» дер экан, бу иккита нон билан бир чойнак чой олиб кел» дегани, «ҳой, Эшон» деса, ош буюргани, «Эшон, ҳой» дегани эса, «ҳовлига бориб хотинимга айт, нозик меҳмон олиб бораман», дегани бўлар экан*. Албатта, бу қўлланишни бошқа ўринларга ҳам татбиқ этиб бўлмайди ва у матнда адгерент характерга эга.

Ушбу ундов ёрдамида эътироз, фикрга қўшилмаганлик, аниқлаб олиш оттенкалари реаллашувида иштирок этиши мумкин: *Холнисо. Ҳой, шошманг... нима, нима бўлди, қуда?. . Холнисо. Ҳой, нима деяпсан ўзинг?* (А.Қаҳҳор). Баъзан персонажлар нутқида бу сўзнинг қўлланишида ноаниқликка йўл қўйилади: *Раҳимжон.* *Ҳой аттанг!* (А.Қаҳҳор).

Гарчи жуда кам ҳолатларда бўлса-да, унинг такрор қўлланиши кузатилади: *Ҳой-ҳой, менинг ёримсан, Танимдаги жонимсан* (А.Қаҳҳор). Бундай пайтда у ўзининг асл семантик маъноси доирасидан ташқарига чиқади ва завқланиш, хурсандлик оттенкасини ифодалайди.

Ҳап. **ЎТИЛда *ҳап* тақлидий ва ундов сўз сифатида эътироф этилган ва *жим* деган маънони бериши айтилган (V.505). Луғатда келтирилган мисоллар унинг шевага мансуб сўз эканлигидан далолат беради. Биз қараб чиққан бадиий матнларда бу ундовнинг учрамаслиги унинг қўлланиш доираси ниҳоятда чегараланганлигидан ёки ҳозирги адабий тилимизда деярли қўлланилмаётганлигидан далолат беради. Унинг *Қисинишиб четроқ-четроқда / Кун санаймиз “ҳап, сенимиˮ деб!* (М.Али). *"Ҳап сенимиʔ" деган овози эшитилди. Қалқонбек гурс-гурс юриб Қаландарнинг ёнига келди* (О.Ёқубов) мисолларида *ҳап, сенми* жумласи таркибида қўлланиши ЎТИЛда ундов сифатида келтирилган маънонинг моҳиятини ўзида акс эттирмайди.**

***Ҳап* тақлидий сўз сифатида оғизнинг тез очилиб-ёпилишини, шунда чиқадиган товушни билдиришини, ундан ҳосил бўлган *ҳап этмоқ/ҳап демоқ* эса тишлаш учун очилган оғизни тез беркитиш маъноларини билдирар экан, унинг ундовлик маъноси ҳам ана шу тақлидий сўз замирида пайдо бўлган, деб ўйлаймиз. Чунки луғатда келтирилган мисоллардаги *ҳап ўтир, ҳап тур* гаплари *оғизингни ёпиб тур, оғзингни ёпиб ўтир* маъноларини беради. Шундай экан, *ҳап, сенми* даги *ҳап* сўзнинг луғавий маъносига мос келмайди. Шунинг учун, уни битта *п* товуши орттирилган ва**

аслида у *ҳа, сенми / ҳа-а сенми* тарзида қабул қилиниши лозим бўлади.

Юқоридаги мисолларда қўлланилган *ҳап, сенми* стилистика учун объект бўла олмайди.

Ҳов. **ЎТИЛда унинг уч маъноси берилган бўлиб, иккинчиси ундов сўз сифатида изоҳланган ва «айнан *ҳо*» нинг ўзи деб изоҳланган [V.540]. Дарҳақиқат, мана бундай мисолларда уларни бемалол ўрин алмаштириб қўллаш мумкин: *Ҳов, Шакарбуви, шошилманг, қизингиз боласини туғиб кетсин!* (А.Қаҳҳор). – *Ҳов, йигит, кечаги чопиқни битириб қўйинг!* (Ойбек). *Ҳазил қилма, ҳов бола, нобуд бўласан, - дейишаётибди* («Кунтуғмиш»). *Ҳов йигитлар, бир наъра шер бормисан?* («Маликаи айёр»). Ҳозирда ҳам же-ловчи шеваларда бу икки ундов ўзаро фарқланмасдан қўлланилаверади.**

Аммо ЎТИЛда у матнда ифодалайдиган ҳамма маънолари ҳам ифодаланган эмас. Масалан: ажабланиш, ҳайратланиш, эслатиш оттенкалари ифодаланмаган: – *Ҳов, Йўлчибойми! Келинг, насиба-да. – Ёрмат қичқириб, узоқдан Йўлчини қаршилади* (Ойбек). – *Ҳов, урра қочди-ку, ақчаси қани!* (Ойбек). *Отасининг олдига ўғли борса, ёр-ёр, Ҳов шул ҳам туҳмати бўламикан, ёр-ёр* («Алпомиш»). *Ҳов, ёшроғин уйида, балки, Умр кўшки берилди барбод* (М.Али).

Ҳов **ва *ҳой* сўзлари ЎТИЛда маъноси «айнан *ҳо*» тарзида изоҳланган (V.540, 546). Аммо *ҳой* ни қуйидаги мисолларда ундов деб бўлмайди: *Ҳов анави мажнунтолга етмагунча қўймайди!* (Ў.Ҳошимов). *Ҳов пастда, жарлик орасида вертолёт бўлаклари кўзга ташланади* (Ў.Ҳошимов). Варианти: *ҳовв.***

Ҳой **да эса мурожаат оттенкаси мавжуд бўлганлиги учун уни экспрессив ундовлар қаторига киритиб бўлмайди. Сўзлашув услубида жуда фаол қўлланилади ва бошқа услубларга ҳам у орқали ўтган: *Нимадан кўнглинг ғаш, нимада дардинг, Ҳой, кичик қишлоқнинг жажжи боласи?* (М.Али). *Тайёрланур, Отланур! Ларзаланур ҳозир ерлар, Ғайратлар қанотланур! Ҳой, полвон! Ҳой! Улоқни торт* (М.Али).**

Лекин *ҳой* такрор қўлланиб, *ҳой-ҳой* тарзида жуфтлашганда унинг стилистик қиймати ўзгаради, воқеа-ҳодисага муносабат оттенкаси юзага келади. Масалан, тўпланишиб турган кишилардан бири кутилмаганда ўйинга тушиб кетса, унга қараб «*ҳой-ҳой*», деб қўйиш ҳаракатни маъқуллаш, ҳаракатнинг устидан кулиш, ҳаракатдан тўхтатишга уриниш каби турлича оттенкаларни ифодалайди. Маънодаги фарқлар оҳанг орқали амалга юзага чиқарилади.

ЎТИЛда тўрт маъноси берилган ва биринчиси «айнан *ҳу*» тарзида изоҳланган [V.555] *ҳув* ни ҳам, маъноси «айнан *ҳой*» деб берилган *ҳўй* ни [V.570] ҳам ундов деб бўлмайди. Унинг

қўлланишида ишора, кўрсатиш оттенкаси мавжуд: ***Олмос қояларда олмос нур ўйнар, Чўққилар узра, ҳув, жайрон боласи*** **(А.Суюн).** ***Чунки, ҳув, олис тонгда Кашф этолган қалбин у!*** **(А.Суюн) каби. Дарҳақиқат,** ***ҳу*** **нинг** ***ҳув*** **тарзида қўлланиши билан нуткда бирон бир стилистик ўзгариш содир бўлганлигини пайқаш қийиш:** ***Йиғлама деяпман, ҳув кўз ёшинг ўз бошингни есин!*** **(А.Қаххор) -** ***Йиғлама деяпман, ҳу кўз ёшинг ўз бошингни есин!*** **каби. Шунинг учун унга бир товуш орттирилган вариант сифатида қараш тўғри бўлади.** ***Сўраб нима қилурсан мендан, Ҳув, йўллардан сўрагил уни*** **(А.Суюн);** *Ҳув,* ***четда нур тегмаган булут, Худди нурсиз ўтган бир юрак*** **(М.Али) мисолларида у ундов эмас, кўрсатиш олмошидир.**

Ҳўй **нуткда асосан** ***феъл-ҳўй*** **жуфтлигида қўлланади, алоҳида тарзда эса жуда камдан-кам ишлатилади:** ***Қизиқ*** *феъл-ҳўйларинг* ***бор: қаерда булоқ бўлса, ўша булоқ қо-шига қатор-қатор иморатлар соласан — данғиллама уйлар, таг-тугли зинхоналар қурасан, дов-дарахтлар экасан, боғу роғлар яратасан!*** **(А.Суюн) каби. А.Қаххорнинг «Бошсиз одам» ҳикоясида у ношуд Фахриддин нутқида ишлатилган ва унинг ёрдамида образнинг нафақат қўлидан бир иш келмайдиган, балки гапини ҳам эплаб гапира олмайдиган уқувсиз, беўхшов кимса эканлигига ишора қилинган:** ***– Э, ҳўй!.. Яхшимисан... ҳўй!– деди Фахриддин.***

Улардан ташқари тилимизда яна Аллоҳга қаратилган ундовлар ҳам мавжуд.

Аллоҳга қилинган мурожаатларда ***ё, о, оҳ, ў, эй*** **ундовлари фаол.** ***Ё Олло/Алло, ё Аллоҳ, ё Аллоҳу таоло, ё Раб/Раббий, ё Парвардигор, ё пока Парвардигор, ё Раззоқ, ё Худо, ё Ҳақ*** **тарзида мурожаат қилинганда унинг куч-қудратини тан олиш ва бундан ҳайратланиш, қўрқиш, таъсирланиш каби ҳиссий ҳолатлар фақатгина** ***ё*** **ундови туфайли юзага чиқаётганлигини англаш қийин эмас.**

ЎТИЛда бу элементнинг учта маъноси келтирилган бўлиб, учинчиси ундов ва «хитобни билдирувчи ундалма, сўзлар олдидан келиб, кучли ҳис-ҳаяжонни билдиради» тарзида изоҳланган [II.22]. Ана шу оттенкалар Аллоҳга мурожаатда тўла намоён бўлади. Шу билан бирга, унда расмийлик оттенкаси ҳам мавжуд.

Уларнинг қўлланишида маълум бир услубий фарқланишлар сезилади. Айтайлик, ***ё Олло/Алло, ё Аллоҳ*** **дин пешволарининг ёки художўй, мўмин кишининг оддий кундалик мулоқотида тез-тез ишлатилиб турилади. Бу мурожаатларда экспрессивлик оҳори сезилмаслик даражасига келиб қолган. Диний маросимларда, масалан, амри маъруф қилинганда** ***ё Аллоҳу таоло, ё Парвардигор, ё пока Парвардигор*** **сингари мурожаатлар фаол қўлланилади. Айнан мана шу қолипда улар бадиий услубга ёки публицистик услубга ҳам кўчган. Масалан:** *Ё*

оллоҳ! ***– деб товуш берди Гавҳаршод бегим. – Ўзингга шукур!*** **(П.Қодиров).** *Ё оллоҳу таоло!* ***Муқаддас рамазон кунида рўза тутиб қилган илтижоларимизни ижобат айлагайсен!*** **(П.Қодиров).** *Ё раббий!* ***Не ёзуқлари учун бу хўрлик, бу ажри интиқомни раво кўрдинг унга?"*** **(О.Ёқубов).** *Ё раб...* ***жаннатмакон Беруний ҳазратлари ҳақ: Оллонинг ҳукми ила курраи замин бетиним айланур*** **(О.Ёқубов).** *Ё парвардигор!* ***Осий бандангни бу ёлғон дунёдан ўз раҳматингга чорлагайсен ва лекин юлдузлар тўла коинотни кўрмоқ ва мушоҳада қилмоқ, фалак сирларини идрок этмоқ саодатидан маҳрум қилмагайсен!*** **(О.Ёқубов).** *Ё пока парвардигор,* ***фалак бунчалик чаппа айланди?! – деб ўртаниб йиғлади*** **(П.Қодиров). Тарихий мавзуларда ёзилган «Улуғбек хазинаси» ва «Она лочин видоси» романларида мана шу тарзда ифодада юқори услуб таъмин этилган.**

Мазкур ундов *Ҳақ, Тангри, Худо* сўзлари билан ҳам қўлланилади: ***Театр,*** *ё Ҳақ,* ***деб сенга келурман – Мени ёндира қол, бировнинг дарди!*** **(У.Азим).** *Ё тангрим,* ***нажот бер, нажот бер, ўзинг! Зор бўлди, ў, тангрим, ўзинг қўллагил!*** **(А.Суюн).** *Ё Худо!* ***Бу қандай шармандалик!*** **(Ў.Ҳошимов) каби. Гарчи кам қўлланилса-да, бундай ҳолатлар ҳам юқори поэтик услуб намуналари сифатида қаралади.**

Мурожаатнинг *ё худо* шаклини, одатда, оддий халқ вакиллари фаол қўллайдилар. Масалан, ***Қоч! Қоч, имонсиз!*** *Ё Худо!* ***Бу қандай шармандалик!*** **(Ў.Хошимов).** ***Нега мен кўрмаяпман,*** *ё худо,* ***мен ҳеч кимни кўрмаяпман, Йўлмирза қайси бири?*** **(Зулфия) каби. Биринчи мисолдаги *ё худо* «Тушда кечган умрлар» романидаги Фотима, иккинчи мисолдагиси эса М.Каримнинг «Ой тутилган тунда» трагедиясидаги Шафақ тилидан олинган.**

Ундовларнинг ўзи ёнма-ён келган сўзлардан олдин ёки кейин жойлашиши маълум стилистик аҳамиятга эга эканлиги бу ҳолатда ҳам яққол намоён бўлади. Бу жойлашишлар уларнинг маъно оттенкаларини ўзгартиради: *ё Худо, ё Аллоҳ – худоё, илоё* каби. Бундай қўлланганда *ё Аллоҳ, ё Худо* жумлалари билан *илоё* ва *худоё* сўзлари билан стилистик жиҳатдан тенг қийматда бўлмайди. Биринчи ҳолатда - *ё Худо, ё Аллоҳ* дейилганда бевосита Яратганга мурожаат қилинса, иккинчи ҳолатда – *худоё, илоё* дейилган унинг номи тилга олиниб, истак, ният билдирилади. ***Парвардигоро*** **сўзи ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин:** ***Ўғлим! – деб такрорлади. –*** *Илоё* ***бошинг тошдан бўлсин, омон бўл, онангни сенга, сени Оллоҳга топширдим, болам!*** **(О.Ёқубов).**

Шунингдек, *илоё, худоё* сўзларнинг қўлланишида маълум функционал чегара мавжудлигини таъкидлаймиз. Бу ҳолат *Аллоҳ* ва *Худо* сўзларидаги чегаранишлар, яъни *худо* сўзининг

халқчиллиги ва *аллоҳ* элементининг юқори услубга хослиги билан изоҳланади.

Қўлланишдаги бу каби услубий ўзига хосликлар мана бу мисолда ҳам яққол кўзга ташланади: *Ё қудратингдан! Қачон? Қачон мен кета беринг дедим?* **(А.Қаҳҳор) каби. Матнда бу зотнинг номи тилга олинмаса-да, кимга мурожаат қилинаётганлиги аниқ бўлиб туради. Матнда метонимизация ҳодисасига рўй беради ва *қудратингдан* сўзи буюк зотнинг номини ифодалашни ҳам ўз зиммасига олади. Биз учун муҳими шундаки, Аллоҳга мурожаат қилинаётганлик бу ерда фақат *ё* ундови орқалигина амалга ошади. Акс ҳолда, кимга мурожаат қилинаётганлик аниқлаш қийинлашиши мумкин:** *Қудратингдан! Қачон? Қачон мен кета беринг дедим?* **сингари. Бунинг устига, ҳайратланиш эффектини ҳам фақат ана шу ундов ўз зиммасига олмоқда. Фикримизни қуйидаги мисоллар ҳам тасдиқлаши мумкин:** *Тангрим! Нима жаранглар унда! – Кучер, тўхта, отларни тўхтат* **(Зулфия),** ***Кишанларнинг зори бор бунда!*** *Тангрим...* ***Санаб бўлурми машъум минутда*** **(Зулфия). Кейинги гаплар ёрдамида бу маъно оттенкалари янада кучайтирилиши ҳам мумкин:** *Ё қудратингдан!* ***Тушда ҳам шунчалик ўхшайдими одам?*** **(О.Ёқубов).** *Ё* ***қуруқ*** *туҳматингдан!* ***Ўлимдан хабарим бор, бунақа гапдан*** **(Ў.Ҳошимов).**

Ўзбек тилида *ё+бошқа сўз* қолипида юзага келган ундовли бирикмаларнинг қўлланиш кўлами кенг эканлиги кузатилади. Уларнинг бир қисмида, худди юқоридаги тарзда, одамларга ҳам мурожаат қилинади: *Ё амиралмуслимин,* ***тағин, кўзингизга зарар етказмасин...*** **(А.Қаҳҳор).**

Иккинчи бир қисмида *алҳазар, қозийилҳожат* сингари сўзлар қўлланилади: *Ё алҳазар,* ***жиндаккина жуссасига шунча айёрлик, шунча макр-ҳийла сиғса-я!*** **(А.Қаҳҳор).** *Ё алҳазар!* ***Кечагина тузилган сулҳни бузиб яна уришайликми?*** **(П.Қодиров).** ***Нақ шу пайтда Шоқосимнинг хўжайини Парпихўжа ёғчи ичкари ҳовлидан чиқиб, одатдагича, «ўҳу, ўҳу» билан «ё олло!*** *ё қозийилҳожат!»…деди* **(Ойбек). Гаплардан шу нарса англашиладики, бу ерда ҳам мазмунан:** ***алҳазар – ўзинг сақла, қозийилҳожат – ҳожатни чиқарувчи ҳукмдор*** **маъноларида Аллоҳга мурожаат қилинади.**

Ё+пир **бирикмаси нутқда фақат I шахс бирлик шаклида қўлланилади ва унинг маъносида кенгайиш юз берган. Дастлаб,** ***ё пирим*** **дейилганда мадад сўровчи мурожаат маъноси кучли бўлган:** *Ё пирим,* ***дея, жойидан қўзғолди. Оёқланиб, қалқиб-қалқиб олди*** **(Т.Мурод). Кейинчалик унга ҳайратланиш маъноси қўшилган:** *Ё пирай,* ***сен қаёқдан пайдо бўлдинг!?*** **(оғзаки нутқдан).** *Ё пийрим!..* ***Нусрат акамга минг марта айтдим-а!..*** **(А.Қаҳҳор). Сўзлашув нутқида, одатда, кексалар ўрнидан тураётганларида бу**

сўз тез-тез мурожаат қиладилар: ***ё пирим…*** **каби.** ***Ё чилтон*** **дейилганда ҳам руҳларга мадад сўраб мурожаат қилиш оттенкаси мавжуд:** ***Бу мудҳиш машъум базмга ҳалиги ялмоғиз фолбиннинг хаста овоз билан вайсаши қўшилди: «ё Султон!*** *ё чилтон!* ***ху – ху – ху!..»*** **(Ойбек).**

Ушбу қолипда юзага келган қуйидаги ***ё тавба, ё фалак*** **жумлаларида ҳам ҳайратланиш, ажабланиш оттенкалари бевосита ундов орқали реаллашган:** *Ё тавба!* ***У юлдузларни яхши танимади*** **(О.Ёқубов). –** *Ё тавба!* ***Қилмиш-қидирмиш деганлари шумикан?*** **(П.Қодиров).** *Ё фалак!* ***Ҳой, уни тутингиз, илло, Ундай бадбахт ила қисқа гап лозим!*** **(М.Али).**

Аллоҳга қилинган мурожаатлар орасида ***эй*** **ундовига ҳам алоҳида эътибор берилади:** *эй* ***парвардигори олам,*** *эй* ***ҳаллоқи олам*** **каби. Агар матндан ундов сўз олиб ташланса, фақатгина Аллоҳга мурожаат маъноси қолади ва бу мурожаат маълум маънода ҳис-туйғу ифодасидан маҳрум бўлади.**

Аллоҳга мурожаатда ***оҳ*** **ундовининг қўлланиши билан алоҳида стилистик маънолар юзага келади. Масалан: ҳузурланиш, шукроналик, қаноатланиш туйғулари берилади. Ундовнинг такрорланиши бунга кўмаклашади:** *Оҳ-оҳ, тангрим,* ***бор экансан, Хизматингга минг шукр, Бизларни ҳам дер экансан, Даргоҳингда омон юр*** **(А.Суюн). Унинг ёрдамида ноиложлик, чорасизлик туйғулари ифодаланди:** *Оҳ, тангрим!.* ***Нима гап? Шу етмаганди. Юз бурдингми биздан оллоҳи карим?*** **(А.Суюн).**

Гарчи кам бўлса-да, *ў* **қўлланилади ва у нолаю фиғоннинг юқори нуқтада берилишини таъминлайди:** ***Шайтону мустабид ўчоғи битта,*** *Ў, тангрим,* ***мен уни вайрон истарам!*** **(А.Суюн).**

Аллоҳга бўлган мурожаатда ниманидир сўраш, илтижо, ўтинч оттенкалари ҳам ундовлар орқали амалга оширилади: ***Руҳни саломат қил,*** *э тангрим!* ***Туя бардошини ато қил менга,*** **(Зулфия).** *О, тангрим,* ***сен узун пичоқ бер бизга. Узун пичоқ даркор олмоқ-чун қасос...*** **(Зулфия). Шунингдек, ҳайратланиш:** ***Қанча азизларимдан бўлдим мосуво?!*** *О, тангрим,* ***бу не ҳол, Оқйигит?*** **(Зулфия), саросима:** ***Нега чекка сочларинг бирдан оқариб кетди?*** *Ё худойим!..* *Ё тангрим,* ***ой сўниб боряпти*** **(Зулфия), ғашлик:** *Э худо,* ***кўнглим шундай ғашки, шундай ғашки, ичимни ит тирнаяпти*** **(Зулфия) каби руҳий ҳолатларнинг юзага чиқишида ҳам ундовларнинг хизматлари алоҳида бўлади. Унинг қўлланишидаги самарадорлик Аллоҳнинг бошқа эпитетлари билан биргаликда келганида янада яққол намоён бўлади:** ***Ўзинг инсоф бергайсен уларга,*** *э яратган эгам.* ***Ўзинг инсоф бергайсен...*** *Э, яратган эгам!* ***Фақирга қилган иноятларингни бул набирамдан ҳам дариғ тутмагайсен!–деб дуо қилди*** **(О.Ёқубов).**

Англашиладики, ундовларнинг императив гуруҳидаги кўринишлари ҳам ўзи иштирок этаётган нутқий вазиятга боғлиқ

тарзда мулоқот жараёнининг фаол аъзоси, субъектив муносабатнинг алоҳида ифодаси сифатида намоён бўлади.

Эмоционал ундовларнинг стилистик хусусиятлари

Кишилар нутқ субъекти сифатида турли вазиятларда турлича эмотив ҳолатда бўладилар. «Кишиларнинг ҳис-туйғусини, эмоция ва руҳий ҳолатини билдирувчи ундовлар эмоционал ундовлар бўлиб, энг катта группани ташкил қилади. Бу группаларга кирган ундовлар маъно жиҳатдан жуда ҳам ранг-барангдир. Яъни улар *завқланиш, қувонч, хурсандчилик, ачиниш, шафқат, хайрихоҳлик, мамнуният, ҳузур, ажабланиш, ҳайратланиш, таажжуб, койиш, қойил қолиш, шодланиш, миннатдорлик, ташаккур, қўрқиш, чўчиш, афсусланиш, норозилик, эътироз, жирканиш, нафратланиш, ғазаб, ўкинч, алам, пушаймон, ғам, қайғу, мусибат, кулфат, дард, зарда, ҳазар, нолиш, зорланиш, шикоят, ҳасрат, даҳшат, ваҳима, танбеҳ* каби хилма-хил маъноларни ифодалайди».[59] Ушбу маъноларни ифода этадиган алоҳида ундовлар мавжуд. Уларнинг асосийларини кўриб ўтамиз.

ЎТИЛда маъноси «мурожаат ёки хитобни билдиради» тарзида изоҳланган ва *эск.* белгиси остида берилган *аё* сўзи [I.42] ундовдир. Бошқа функционал услубларда қўлланилмайди ва бадиий услубга хосланган бўлишига қарамасдан, бу услубда ёзилган матнларда ҳам кам ишлатилади: *Аё, халқинг хароб! Беруҳ, паришон! Сени топтар ғаним истаган пайти* (А.Суюн) каби.

Бў. **ЎТИЛда ундов сифатида берилган ва моллар (сигир, бузоқ ва б.) чиқарувчи чўзиқ товушни ифодалаши айтилган [I.395]. Агар сўз мол товушининг ифодаси бўлса, ундов эканлиги шубҳали ва унга тақлидий сўз сифатида қараш лозим. Лекин баъзан эсини таниб қолган бола йиғлаётган бўлса, унга қарата ғашини келтириш мақсадида же-ловчи шеваларда шу сўзни айтадилар. Иккинчи маънода қўллаганиши ҳам кузатилади. Агар бирон киши бировнинг омонатини олган бўлса-ю, олганлигидан тонса, қайтариб бермаса, баҳс жараёнида унга *Олмаган бўлсанг бў де қани*, дейдилар.**

Ва. **ЎТИЛда сўзнинг иккинчи маъноси унинг таркибидаги *а* нинг чўзиб талаффуз қилинишидан юзага келиши ва ундов ҳисобланиши ҳақида изоҳ берилган: «Нарса, кимса, ҳаракат кабиларнинг белгиси меъёрий даражадан пастлиги, мақтайдиган даражада эмаслигини ифодалайди», дейилган [I.430].**

Бу изоҳлар ундов сифатида унинг вазифасини тўлиқ қамраб ололмайди. Бундан ташқари сўзлашув нутқида у ажабланиш

[59] **Ўзбек тили грамматикаси, I том, 592-593-бетлар.**

оттенкасини бериши мумкин: ***Ва-а, шундай бўп чиқдими!*** **Бунда у** ***вой*** **га синоним бўлади. Ёш болага нисбатан** ***Ва-а, ҳолинг шу экану,*** **дейилганда унинг устидан кулиш ёки шижоатга ундаш каби оттенкалар юзага келади.**

Ваҳ. **ЎТИЛда унга «Бировни чўчитиш учун тўсатдан, билдирмасдан айтиладиган сўз» тарзида изоҳ берилган [I.450]. Аммо бу шарҳ унинг имкониятини тўла қамраб ололмаган. Қуйидаги** ***Ваҳший йўлбарс «ов»ин ғажир, бурдалар – Парча-парча оҳу –бегуноҳ бир жон. Ваҳ, не ҳол, сурувни қийратар қашқир (А.Суюн). Маҳбус ўлмоқ истасанг гар, кел анга кўнгилни бер, Ваҳ, анинг қалби Бухоро Аркининг зиндонидир!*** **(М.Али).** *Ваҳ, айлана бошлади тезкор / Бошим узра фалакнинг чархи* **(У.Азим) каби гапларда у сўзловчининг афсусланиш, иложсизлик, куйиниш, ачиниш, изтироб сингари ҳис-туйғуларининг реаллашувига хизмат қилган.**

Воҳ. **ЎТИЛда «ғам, қайғу, алам, афсус ёки оғриқни ифодалайди» тарзида изоҳланган [I.470]. Масалан,** ***На қушларнинг саси келар, воҳ, / На хуш илҳон еллар навоси...*** **(М.Али) каби. У матнда, одатда, бошқа ундовлар билан биргаликда келади:** ***Ўтди умрим*** *воҳ дариғ***... (Қадимги қўшиқ).** ***Қишлоқ каттакон азахонага ўхшаб қолди: босинқи ғовур,*** *оҳ-воҳ,* ***кўз ёши.*** *Эй воҳ, фалак, мен ўлмадим ёшлиғимда, Ҳурлар билан ўйнамадим кавсарингда. Заргаров (дарров креслога ўтириб). Оҳ! Воҳ!* ***Суғур! Суғурсанг-чи!*** **(А.Қаххор) сингари.**

Вуй. **ЎТИЛда муболағани, ҳайратни ифодалайди, деб изоҳланган [I.471]. Бундан ташқари кутилмаган вазиятга дуч келинганда ва чўчиб тушганда ҳам** ***вуй*** **дейдилар. Асосан хотин-қизлар нутқига хос ва якка ўзи қўлланади. Бизнингча, у** ***вой*** **ундовининг варианти. Шунинг учун ҳам** ***вой-вуй*** **тарзида фаол қўлланади: –** *Вой-вуй***...** ***– деди Ўрмонжон кайфи учиб, – агар шуларнинг ҳаммаси рост бўлса... Кўрпамни қўйиб атрофга шундай қарасам...*** *вой-вуй,* ***Мирзачўл шунақами ҳали, деб юборибман!*** **(А.Қаххор).** *Вой-вуй-й,* ***осмонда ҳам кап-каттакон фил, Сичқондан қочмоқда — хартумлари зил*** **(А.Суюн).**

*Дод***. ЎТИЛда «Руҳий ва жисмоний азобга чидай олмай чиқарилган қаттиқ товуш; бақириқ, фарёд», деб изоҳланган. [I.634]. Энг фаол қўлланадиган эмоционал ундовлардан бири. Бу фаоллик, айниқса, икки ҳолатда, биринчидан,** ***дод деб юбормоқ, дод овози, дод солмоқ, дод демоқ, дод айламоқ, арзу дод қилмоқ, додламоқ, дод урмоқ, дастингдан дод*** **сингари ясама ва фразеологик бирликлар тарзида, иккинчидан,** ***вой*** **сўзи билан биргаликда қўлланганда яққол сезилади. Аммо таҳлиллар унинг ўзи якка ҳолда қўлланиш имкониялари тобора чегараланиб бораётганлигини кўрсатади:** *-Дод!..* ***Анваржоннинг онасидан қолган тақинчоқлар ичида меники, ўз-ўзимники ҳам бор эди,***

айтинглар, меникини беришсин!.. **(А.Қаххор).** ***Ўғри урган киши «дод, ўғрини ушла!» дейди, пора берган киши «дод, порахўрни ушла!» демайди-да!*** **(А.Қаххор).**

А.Қаххор «Шоҳи сўзана»да ишлатган *дод устига дод!, дод-бедод* вариантлари нутқда жуда кам қўлланилади ва стилистик оҳори кучли ундовлар ҳисобланади: ***Нетайхон. Нима гап ўзи? (Аҳволни кўриб ваҳимага тушади, капитанни четга суриб сандиқни қучоқлайди.) Войдод!*** *Дод устига дод!* ***Бўстон.*** *Дод-бедод!* ***Войдод, ҳукуматга арзим бор!***

Ёҳу. ***Худога қарата кучли ҳис-ҳаяжон билан айтиладиган илтижо*** **[II.59] маъносини берадиган ушбу ундов китобий характерга эга ва юқори услубни белгилайди:** ***Йигитлар мактубин битганда қондан, Келинлар фироқда чекканда*** *ёҳу* **(А.Орипов).** ***Термилар оҳу кўзинг,*** *ёҳу,* ***кўзим яйратгали, Кўздаги қайғуларин қайғуларимга отгали (М.Али). Қуш баланд учарди, Жуда ҳам баланд. Қаноти бор эди қушчанинг,*** *ёҳу!* **(У.Азим). Шу сабабли сўзлашув нутқида деярли учрамайди.**

Иби. **ЎТИЛда маъноси «ажабланиш, ҳайронлик каби ҳис-туйғуни билдиради» тарзида изоҳланган *иби* сўзи [II.209] худди шу оттенкаси билан сўзлашув услубига, асосан же-ловчи шевалар тилига хосланган:** *Иби, нима деяпсан? Иби, сенга нима бўлди?* **каби. Шундай бўлишига қарамасдан, бу услубда ҳам фаол қўлланилмайди ва изоҳланган мазмунда *вой, ие* ундовларига синоним бўлади.**

Ие. **ЎТИЛда маъноси «ажабланиш, ҳайронликни ёки норозиликни билдиради» тарзида изоҳланган [II.175]:** *-Ие, Ҳусанхўжа-ку! "Ўлмаганмидинг?"* **(Ў.Ҳошимов),** *Ие, скелет-ку, бу?* **(Ў.Ҳошимов).** ***Ие*** **сўзи таркибидаги *е* чўзиб талаффуз қилинганда норозилик оттенкаси намоён бўлади: –** *Ие, қатиқ бузилади!.. Ҳаммаси зардобга айланади!* **(А.Қаххор). Лекин ушбу ундов ифодалайдиган маънолар фақатгина ажабланиш ва ҳайрон бўлиш доирасида чегараланиб қолмайди. Уларга хурсанд бўлиш оттенкаси ҳам қўшилиши мумкин:** *-Ие, ўзингмисан, ўртоқ?- деди дадилланиб.- Марҳамат, қани ичкарига!* **(Ў.Ҳошимов) каби.**

Ийи **[II.185],** ***ийе*** **[II.185],** ***ийя*** **[II.185],** ***ия*** **[II.262] каби ундовлар эса «айнан *ие*» деб талқин қилинган. ЎТИЛ хулосаларига асосланиб, уларни ўзаро вариантлар сифатида қараймиз. Ҳатто алоҳида ундов сифатида берилган** *ий* **ни ҳам шу вариантлар таркибида қарашга тўла асослар бор. Чунки бу ундов изоҳида берилган «хавфсираш, эҳтиёт бўлиш» оттенкалари [II.184] юқоридаги вариантларда ҳам мавжуд.**

Иҳ. **ЎТИЛда маъноси «норозиликни билдиради» тарзида изоҳланган [II.265]:** ***Нурининг ғазаби тутақиб ёниши учун ҳар вақт биргина сўз кифоя эди. У «иҳ» деб тескари бурилди*** **(Ойбек)**

каби. Нутқда ниҳоятда кам қўлланилади. Юқоридаги мисолда ҳам муаллиф нутқида берилганлиги буни исботлайди.

О **(чўзиқ). ЎТИЛда маъноси «завқланганликни ёки мамнунликни билдиради» тарзида изоҳланган [III.70]. Мана бу мисол луғатда айтилган фикрни тасдиқлайди:** *О, айланай, медаллик Бўстонбуви Норматовани ким билмайди!* **(А.Қаҳҳор). Лекин, бошқа мисоллар таҳлили унинг шу маънолар доирасида чегараланиб қолмаганлигини, риторик мурожаат даражасига кўтарилганлигини кўрсатади:** *О, тақдирнинг аччиқ ўйини! Гувоҳ бўл, эй мўйсафид тарих* **(М.Али) каби.**

Шу билан бирга, ушбу ундов туфайли юзага келган қуйидаги маъно оттенкалари унинг нутқий жараёндаги имконияти янада кенгая борганлигидан далолатдир:

-эътироз, «йўқ-йўқ» маъносида: *О, қўрқаман! Юргайман доим шафқатинг излаб* **(М.Али).**

-афсусланиш, алам, надомат оттенкаси: *О, шўрбахт инсон! Ортиқ ҳиммат кўрганмидинг ҳеч?* **(М.Али).** *О, кўрмаган роҳат тўшагин, Жанг-жадал деб туғилган инсон* **(М.Али).**

-фахрланиш, ғурурланиш оттенкаси: *Қарангиз, о! Фотиҳ, жаҳонгир! Бир вақт унга дунё эди тор* **(М.Али).** *О, мен учун, Ватан ва подшо Икки тимсол — яхлит бир сиймо!"* **(М.Али).**

-нафрат оттенкаси: *Биров билмас. Билурлар аён: Уруш борар, уруш... о, уруш...***(М.Али)**

Шунингдек, ушбу ундовнинг қўлланишида кўтаринкилик, пафос сезилади ва бу унинг функционал чегараланишини ва юқори услубга хосланишини белгилайди: *Қайлардасан, о, сен бояқиш? Жонга тегди бу кеча фироқ* **(М.Али) каби.**

Обба. **ЎТИЛда унинг «1.ҳайрат, таажжуб», «2.ачиниш, нафрат», «3.зорланиш, норозилик» тарзидаги уч хил маъноси изоҳланган (III.70).** *Обба* **ва** *оббо* **(III.70),** *ўббў* **(V.132) сўзлари ўзаро вариантдош ҳисобланади:** *оббо, ёмон иш бўлибдику; оббо, ҳали етиб бормаганмикан?; оббо, шу етмай турувди; оббо, ҳали сен ҳам бормидинг* **каби. Яна:** *Оббо хотинталоқ-эй, шунақа қилган денг, Ҳожим!..* **(А.Қаҳҳор).** *Оббо... нималар қилдим экан?* **(А.Қаҳҳор).** *Оббо! Эсингиздан чиқдими, келганингизда оёғингиздаги ботинканинг ипи симдан эди...* **(А.Қаҳҳор).**

Таҳлиллар ушбу ундовнинг матнда бошқа стилистик оттенкалари юзага чиқишини ҳам кўрсатади. Масалан, – *Оббо... Жодугарликни билсам ҳовлингизни минг чақирим нарига сурар эдим* **(А.Қаҳҳор) гапидаги ундовдан «фикрингиз тўғри эмас», «фикрингизга қўшила олмайман», «ундай эмас» каби маънолари келиб чиқади. —** *Оббо! Боринг энди!* **(Ў.Ҳошимов) гапида эса у субъектнинг «ўжарлик қилманг», «қайсарлик қилманг» ёки «кўп гапирманг», «эзмалик қилаверманг» сингари фикрларининг ифодаси бўлиб хизмат қилади.** *Оббо... сизга ёлғончи бўлдим-да!*

(А.Қаҳҳор) гапида эса афсусланиш маъноси айнан шу ундов орқали реаллашмоқда. –*Оббо, нима қилибсизки, чарчайсиз... ётинг, чўзилинг*…(А.Қаҳҳор) гапида суҳбатда фикрнинг муштарак эмаслиги, суҳбатдошларнинг бири иккинчисининг фикрига қўшилмаётгани маълум бўлади.

Сўзлашув нутқида *оббо* ундови, одатда, якка ҳолда қўлланмайди. У иккинчи бир ундов – ё *эй,* ёки *а* нинг келишини тақозо қилади: *оббо сенэй, оббо сизай, оббо укамай/оббо укама* каби. Бундай пайтда ундов ёрдамида юзага чиқаётган маънолар кўлами кенгаяди. *Оббо Раҳимжон-эй, – деди Салимхон сочини тараган тароғини пуфлаб, – шунча кўришни орзу қиламан, ҳеч тўғри келтириб бўлмайди* (А.Қаҳҳор) мисолини қиёслаб кўрамиз: *Оббо* *Раҳимжон, – деди Салимхон сочини тараган тароғини пуфлаб, – шунча кўришни орзу қиламан, ҳеч тўғри келтириб бўлмайди = Оббо Раҳимжон-эй, – деди Салимхон сочини тараган тароғини пуфлаб, – шунча кўришни орзу қиламан, ҳеч тўғри келтириб бўлмайди = Оббо Раҳимжон-а, – деди Салимхон сочини тараган тароғини пуфлаб, – шунча кўришни орзу қиламан, ҳеч тўғри келтириб бўлмайди.* Англашиладики, *оббо* нинг қандай оттенка ифодалаши ўзидан кўра кейин келган ундовга боғлиқ бўлиб қолмоқда – биринчи мисолда ифодада қатъият, иккинчи мисолда субъектнинг объектни ўзига яқин олиши, учинчи мисолда афсусланиш оттенкалари намоён бўлмоқда. Бу эса ушбу ундовнинг ЎТИЛда акс этмаган ва у туфайли юзага келган қўшимча стилистик оттенкаларидир.

Оҳ. **ЎТИЛда у кенг изоҳланган ва беш маъноси изоҳланган: «1.қувонч, завқ, қойил қолиш», «2.соғиниш, интизорлик», «3.ачиниши, дард-алам, ҳасрат», «4.оғриқ, дард» «5.дод, фиғон, нола, афғон, зорланиш» каби ҳис-туйғуларни ифодалаши айтилган [III.194]: –*Оҳ, ёш бўлсангиз ҳам авлиёдек дилимдагини топиб айтдингиз, Алишержон!* (П.Қодиров).** *Оҳ, айланай, сизлардан! Келин-куёвлик икковларингга ҳам беҳад ярашибди!* **(П.Қодиров).** *Келиб қўлларимдан хабар олгин, оҳ, Йўлларингни пойлаб кўзим йиғлайди* **(У.Азим).** *Акалар, шошилманг!... Оҳ, умрим абас!... Ўқ тегди... Бир қалқиб тўхтади юрак...* **(У.Азим) каби.**

Ушбу ундов *оҳ-оҳ* тарзида такрор қўлланади. Унинг такрорланиши билан юқоридаги маънолар кучайтирилади, деб бўлмайди. якка қўлланган *оҳ* га хос бўлмаган бошқа стилистик оттенкалар вужудга келади. Масалан, *Оҳ-оҳ, бунча ширин бўлибди бу бола!* дейилганда эркалаш оттенкаси мавжуд. *Оҳ-оҳ-оҳ. Яхши бўлди, алам қилсин сенга!* гапидан сўзловчини мазах қилаётгани англашилади.

***Оҳо*. ЎТИЛда маъноси «кутилмаган воқеа ёки ҳодисадан таажжубланганликни ифодалайди» тарзида изоҳланган [III.196].**

Оҳ-ҳо **нинг маъноси эса «айнан *оҳо*» тарзида изоҳланган [III.197]. Баъзан учрайдиган *ох-хо* ни унинг шева ёки бузилган варианти сифатида қараш мумкин. Иккинчи бўғин чўзиб талаффуз қилинганда бу ундовнинг изоҳланган маъноларидан ташқари яна тасвир объектининг меъёрдан кўплигига ишора қилиш оттенкаси ҳам юзага чиқади:** *Оҳ-ҳо, қаерга жой бўлади бу!* **каби.**

Ўзбек тилида тақлидий сўз *туф* ва феъл *туфламоқ* негизида юзага келган, лекин луғатларда қайд этилмаган *тфу* **сўзини ҳам ундов санаш мумкин: – *Жинни бўлманг! Олинг қўлингизни! Бу нимаси!? Қўйиб юборинг! Қўйиб юбор дейман!* *Тфу* *аҳмоқ!..* (А.Қаҳҳор). Чунки бирон нарса-ҳодисадан аччиғланганда, унга қаттиқ эътирози бўлиб, ғазабланганда, уни ифода этиш учун шу сўзни қўллайдилар: *Сен ҳам одам бўлдингми, тфу!* каби. Унинг ўзини алоҳида сўз-гап сифатида шакллантириш ҳам мумкин: *Тфу! Сен ҳам одам бўлдингми!***

Уф. **ЎТИЛда маъноси «бирор нарсадан шикоят, ранжиш, бўғилиш каби туйғуларни ифодалайди» тарзида изоҳланган (IV.304). Оғзаки нутқда унинг, одатда, бир товуш орттирилган *уфф* шакли қўлланилади: —** *Уфф, неча киши турасизлар?* **(Ў.Ҳошимов). —** *Уфф! Боринг, дедим-ку!* **(Ў.Ҳошимов) каби.**

Ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи ундовлар орасида *э* **товуши билан бошланадиган ундовлар алоҳида мавқега эгалиги ва фаоллигига кўра ажралиб туради. Жумладан, якка ҳолда талаффуз этиладиган *э* нинг ўзи ҳам бемалол субъектив муносабатни ифодалай олади. Унинг ЎТИЛда тўрт маъноси берилган бўлиб, учтаси ундовдир: «1.ажабланиш, таажжуб, ҳайрат; 2.кейин билганлик, энди эслаганлик; 3.чақириш, мурожаат ҳис-туйғусини билдиради» тарзида изоҳланган [V.16]: –** *Э, бу Исҳоқ афанди-ку! Буни биламан* **(А.Қаҳҳор).** *Э, бўлди, эсимга тушди!* **(Ў.Ҳошимов). —** *Э, бўлди, анави йигитми?* **(Ў.Ҳошимов). —** *Э, қаёқда юрибсиз? — десам, маъюс жилмайиб қўйди* **(Ў.Ҳошимов) каби.**

Мисоллар таҳлили унинг матнларда яна бошқа оттенкалари намоён бўлишини ҳам кўрсатади. Масалан, сохта илтифот, ёқтирмаслик: – *Э, келинг...– деди ва кўзини ишқаб ўрнидан турди* **(А.Қаҳҳор); фикрга қўшилмаслик, эътироз: –** *Э, қайтган хатни сақламасангиз унинг юборилгани ва қайтганини қандай биламиз?* **(А.Қаҳҳор); хурсандчилик:** *Э, акажоним келаяпти* **(оғзаки нутқдан); мурожаат: -** *Э, Худо! Бизга раҳминг келсин* **(Ў.Ҳошимов) каби оттенкалар шулар жумласидандир.**

***Э* ундовининг фаоллиги унинг стилистик жиҳатдан дифференциациялашувига олиб келган. Унинг қўлланиши нутқ субъектининг ёши нуқтаи назаридан чегараланган. Масалан, сохта илтифот, ёқтирмаслик ёки ўзини жуда хурсанд бўлиб кетгандек қилиб кўрсатиш ёши катта кишилар, айниқса,**

эркаклар нутқига хос: *Э, Умаров ака, келинг, келинг, қадамларига ҳасанот!* **каби. Болалар нутқида эса у кўпинча хурсандчилик оттенкасини ифодалайди. Шунингдек, кейин билганлик, эслаганлик, фикрга қўшилмаслик маъноларини ҳам у катталар нутқида ифодалайди. Унинг** *э-э; э-э-э* **тарзида чўзиб қўлланиши орқали у ифодалаётган маъно яна ҳам кучайтирилади.**

Аслида *э* **кучайтирадиган маънолар қуйидагилар: эътироз:** *Э сўрама!* **—** ***Чумоли деди. — Асло-асло кутмаган эдим*** **(М.Али); афсусланиш:** *Э дариғ.* ***Нечун бу зот унга ёпишиб олди? Нечун бу нопок юмушни унга топширди?*** **(О.Ёқубов); меҳрибонлик:** *Э, бобожоним.* ***Меҳри дарё бобожоним*** **(О.Ёқубов); ажабланиш ва ҳайратланиш:** *Э, тавба,* **—** ***деди, — сенга ким қўйибди бундай гапларни? Нима бало, инглиз лордимисан ё француз қиролимисан?*** **(Т.Мурод) каби. Аммо шундай ҳолатлар бўладики, бу каби оттенкалар фақат ундов орқали амалга ошади:** *Э, эгачим, бундай қарасам, келбатинг овулимиздаги Давлатбийнинг қизига менгзайди* **(У.Азим) каби.**

Э **ундовининг нутқ жараёнида чўзиқ тарзда ёки плеонастик шаклда қўлланилишида ҳам муайян стилистик мақсад – субъектив муносабатни аниқ ифодалаш, ифода мазмунини кучайтириш кабилар кўзда тутилади. Масалан, чўзиқлик: ижобий эмоция:** *Э-э,* ***бунинг ҳангомаси узоқ, иним.*** *Э-э, амирим,* ***бир девона бор эди, шу санамни деб ҳушидан айрилган..*** *Э-э, ассалому алайкум, биродари азиз!..***(О.Ёқубов); салибий эмоция:** *Э-э!* **—** ***Гриша асабий кул силтади.*** *Э-э!* ***Тезроқ даф бўлсанг-чи!*** **(Ў.Ҳошимов); плеоназм: “***Вой-бу,* ***қорбобо бўп*** *кетинг-э!”* **—** ***деса*** **(Ў.Ҳошимов), —** *Вой, Рустамжон-эй! Вой муғомбир-эй!* **—** ***У навбатдаги машинани қувиб ўтаркан, сигнални бибиблатди*** **(Ў.Ҳошимов).** *Э-э, ҳа, мавлоно Али Қушчи!* ***Хуш келибсиз, мавлоно, хуш келибсиз...*** **(О.Ёқубов).** ***Ўз макримнинг қурбониман, ўзим,*** *э воҳ,* ***Бутун фақат айтадурган сўзим,*** *э воҳ.* ***Дарё кечигидан, оқишдан қўрқиб Хоннинг кўпригидан ўтибман,*** *э воҳ!* **(А.Суюн).**

Ундов таркибидаги кейинги товушнинг чўзилиши маънони янада кучайтиради: *-Эй-й-й...–* ***деди домла қўл силтаб,–*** ***марг унинг саккиз-тўққиз фоизига!*** *–* ***Эййй... одамларнинг гапи...*** **(А.Қаҳҳор). Бундай пайтларда** *э* **ва** *эй* **ундовлари шаклдош бўлиб қолади.**

Э, эй **ундовларининг сўз охирига қўшилиши уларни юкламага яқинлаштиради, унинг семантикасидаги оттенкани янада кучайтиради ёки баъзан ўзгартириб юборади. Жонли сўзлашувда фаол бўлган бу қўлланиш усули (*боринг-эй, қўйинг-эй, шошманг-эй, туринг-эй, юринг-эй* каби), айни пайтда, бадиий матнларга кўчиб, шеърий матнларга халқона руҳ бағишлайди. Биз бу ҳолни Усмон Азим ва Азим Суюн шеъриятида кўп кузатамиз:** *Ҳуш қол, ёрим, чимматларинг Кўз ёшингдан ҳўлдир-эй, /* ***Бировларга ёр бўлгунча Ҳасратингда ўлдир****-эй!* **(У.Азим).**

Пичан ғарам устида Ухлабман-эй, донг қотиб; Унутайин дебман-эй, Гуллар, кенглик, далани, Очиқ қилсамми экан Шаҳар билан орани? **(А.Суюн) каби.**

Ифодага халқона руҳ бағишлаш бу ундов бажарадиган вазифалардан биттаси, холос. Матн синчиклаб ўрганилса, унинг бошқа хизматлари ҳам юзага чиқиб қолади. Уларни аниқлашимиз учун юқоридаги матнлардан *эй* ни тушириб қолдирамиз: *Хуш қол, ёрим, чимматларинг Кўз ёшингдан ҳўлдир / Бировларга ёр бўлгунча Ҳасратингда ўлдир!; Пичан ғарам устида Ухлабман, донг қотиб; Унутайин дебман, Гуллар, кенглик, далани, Очиқ қилсамми экан Шаҳар билан орани?* **Гапларнинг ифода мазмуни ўзгаришга юз тутади – аниқлик, кескинлик, қатъият оттенкалари пайдо бўлади. *Эй* ундови жойига қайтарилганда, ифода фокуси ўзгаради ва бу ўзгариш натижасида ифода мазмуни ҳам ўзгаришга юз тутади, юқоридаги аниқлик, кескинлик, қатъият каби оттенкалар хотира майдонидан йироқлашади. Нутқ субъектининг диққати *эй* га кўчирилгач, ифодада субъективизим яна кучаяди, юқоридаги оттенкалар ўз ўрнини эркалаш, юмшоқлик оттенкаларига бўшатиб беради. Зеро, ифода мақсади ҳам шуни тақозо этади.**

Ў.Ҳошимов «Тушда кечган умрлар» романидан олинган қуйидаги мисолларни таҳлил қилиб кўрайлик: *Йўғ-э, **ахир мен етмиш иккидаман-ку!** Йўғ-э, **бундан ҳам осони бор;** Отангга раҳмат-э, **шоввоз!;** Ўт-э, эшонвачча! **- деди Ҳусаннинг қўлини ёқасидан олиб ташлашга уриниб;** Худойим-эй, **неча марта тушунтириш керак бунга, а?; —** Нари тур-э! **- “Соат ака” ҳазар қилгандек, ўзини четга олди. Хат қани, хат?- деди ўкириб; -** Жиннивой-эй! **Сенга жевачка ваъда қилувдим-ку!*** **гапларини олиб кўрайлик.**

*Йўқ, **ахир мен етмиш иккидаман-ку!*** **– гапдаги *йўқ* қатъият, фикрдаги аниқликни шакллантиради. Мазкур сўзга *э* қўшилганда *йўқ* нинг мазмуни ўзгаради – айтилган фикрга қўшилмаслик, рад этиш маъноси келиб чиқади:** *Йўғ-э, **ахир мен етмиш иккидаман-ку! Йўғ-э, бундан ҳам осони бор*** **каби;** *- Отангга раҳмат, **шоввоз!*** **миннатдорлик, тан бериш оттенкасини берса,** *Отангга раҳмат-э, **шоввоз!*** **қойил қолиш маъносини ифодалайди;** *Ўт, эшонвачча! **- деди Ҳусаннинг қўлини ёқасидан олиб ташлашга уриниб,*** **дейилганда буйруқ оҳанги устунлик қилса,** *Ўт-э, эшонвачча! **- деди Ҳусаннинг қўлини ёқасидан олиб ташлашга уриниб,*** **дейилганда унга нафрат оттенкаси ҳам қўшилади;** *Худойим, **неча марта тушунтириш керак бунга, а?*** **дейилганда, гўё вазиятдан келиб чиққан чорасизликдан Аллоҳга мурожаат қилиш англашилса,** *Худойим-эй, **неча марта тушунтириш керак бунга, а?*** **худди шу нутқий вазият туфайли Аллоҳ тилга олинади, аммо бунда мурожаат оттенкаси бўлмайди;**

-Жиннивой! ***Сенга жевачка ваъда қилувдим-ку!*** **дейилганда эркалаш оттенкаси намоён бўлса,** *-Жиннивой-эй!* ***Сенга жевачка ваъда қилувдим-ку!*** **дейилган** ***бекор қилибсан*** **демоқчи бўлганлик ифодаланади.**

Бир-бирига яқин бўлганлиги туфайли баъзан ***э*** **ва** ***эй*** **ундовлари талаффузда фарқланмай қолади. Бинобарин, нутқ жараёнида уларни аралаштириб юбориш, қўллашда баъзан бефарқликлар кузатилади. Масалан,** *Э ҳаким!* ***Даво топ тошдан, чечакдан. Руҳин саломат қил,*** *э тангрим!* **(Зулфия).** ***Ибодат маскани, тоат маскани... Ёниб кетмиш! Кечир,*** *э парвардигор!* **(М.Али).** ***Ўзинг инсоф бергайсен уларга,*** *э яратган эгам.* ***Ўзинг инсоф бергайсен...*** **(О.Ёқубов) каби.**

ЎТИЛда маъноси «қаттиқ афсус, изтироб, ўкинч билдиради» тарзида изоҳланган ***эвоҳ*** **[V.17]** ***э/эҳ*** **ҳамда** ***воҳ*** **ундовларининг қўшилишидан ҳосил бўлган ва бадиий услубга хосланганлиги билан характерланади:** ***Бугун бир сесканиб танидим — эвоҳ, Рақибим, наҳотки, сен эдинг, ўлим?*** **(У.Азим).** *Эвоҳ,* ***билдим, ҳатто тасодиф: Беролмаскан севгингни менга!*** **(А.Суюн).** *Эвоҳ!* ***Одамга ташна илон, Заҳрин сочди беомон!*** **(М.Али).** ***Эҳ-воҳ*** **унинг варианти ҳисобланади.**

ЎТИЛда маъноси «1.завқ-шавқни, қувончни, шодликни; 2.афсусланиш, ачиниш, ўкинч ёки пушаймонни билдиради» тарзида изоҳланган ***эҳ*** **[V.68] ҳам нутқда ғоятда фаолдир:** ***Онанг ато этмиш сенга бир ҳусн, Эҳ, кимлар йўлингга қўймаслар тузоқ!*** **(У.Азим).** *-Эҳ,* ***танкист, танкист! - деди ҳамкасбим аламнок ил-жайиб*** **(Ў.Ҳошимов).** *Эҳ,* ***не-не очилмак истаган ғунча Интиқ кутишмакда пойи қадаминг!*** **(М.Али) каби.**

ЎТИЛда маъноси «ажабланиш, таажжуб ёки қувонч, шодликни билдиради» деб берилган ***эҳа*** **[V.68] баъзан эсга келганлик маъносини ҳам билдиради:** *Эҳа* ***айтмоқчи: Салимхоннинг синглисини мақтади*** **(А.Қаҳҳор). Гарчи,** ***э-ҳа*** **унинг варианти эмас, балки ёзувдаги ўзгарган шакли дейиш тўғридай туюлса-да, уларнинг қўлланишида маълум стилистик фарқлар сезилади. Масалан:** *Эҳа,* ***гапираверинг, гаправеринг*** **ва** *Э-ҳа,* ***гапираверинг, гаправеринг*** **гапларини таҳлил қилайлик. Биринчи гапда юқорида айтилган оттенкаларнинг бирортаси ҳам йўқ. Унда суҳбатдошини тинглаб ўтирган кишининг бир лаҳза чалғигандан кейинги эшитишга яна чоғланганлиги ифодаланаяпти. Иккинчи гапнинг маъноси эса бутунлай бошқача, ундан «ичингда шунча гапинг, дардинг бор экану, жим юраверган экансан-да» маъноси англашилмоқда. Бу ҳар икки маъно оттенкаси фақат ундов орқали реаллашмоқда.**

Баъзи ҳолатларда у гапнинг маъносини кучайтириш вазифасини бажаради ва, айни пайтда, субъектив муносабатни

ҳам ифодалайди: ***Оқ нодшонинг нима дахли бор? У — у ёқда, эҳ-ҳа, йўл узоқ*** **(М.Али) каби.**

ЎТИЛда маъноси «айнан ***эҳа*****» тарзида изоҳланган** ***эҳе*** **ва** ***эҳ-ҳе*** **[V.68] ундовлари ҳақида ҳам айнан шу гапларни айтиш мумкин:** ***Қишлоқдан чиқиб кетганига,*** *эҳ-ҳе,* ***қанча бўлди!*** **(Ў.Ҳошимов).** ***Кичкина кўнглимда,*** *эҳ-ҳе,* ***не ўйлар! Кичкина кўнглимда улуғ муҳаббат*** **(М.Али) сингари.**

Ўҳ. **ЎТИЛда маъноси «қўрқув, оғриқ, ачиниш, нафратланиш каби ҳисларни ифодалаш учун қўлланади» тарзида изоҳланган [V.195].**

А.Суюннинг «Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча достони» асарида Толиб темирчи тилидан келтирилган парчадаги ҳар тўртликнинг охиридаги ***Ўҳ, ботирим, қайдасан?*** **мисрасида бу ундов юқорида қайд этилган маъноларнинг биттасини – ачиниш оттенкасини ифодалаган:** ***Эрлигини унутган эл — Эрклигини унутган эл. Ўҳ, ботирим, қайдасан?; Ўзбек, қачон эл бўласан, Тўлиб тошган сел бўласан Ўҳ, ботирим, қайдасан?***

Матнда ундовдан кейин кўп нуқта қўйилганда луғатда берилган ҳис-туйғуларнинг кучли тарзда, кўнгилнинг тубидан чиқаётганлиги ифодаланади: ***Ити йўқ қуллар, ўҳ... ити йўқ элим, Қачон ҳур яшайсан, озод яшайсан?..*** **(А.Суюн). Ушбу ундов такрорий қўлланганда ҳам маъно ифодаси кучаяди:** *Ўҳ-ўҳ,* ***отам шўрлик, бу қўшиқни Ўроқчи бўлиб бўзлаб айтарди*** **(А.Суюн) каби.**

Тилда ***уҳ-ҳ*** **ундови ҳам мавжудки, уни** ***ўҳ*** **нинг варианти сифатида қараш мумкин:** *Уҳ-ҳ,* ***жонимга ҳам тегиб кетдинг*** **каби.**

Ўҳў. **ЎТИЛда маъноси «таажжуб, ҳайрат каби ҳисларни ифодалайди» тарзида изоҳланган [V.195]:** ***Болохонага Бир чиқиб қаранг... Ўҳ-ҳў, қанча китоб... Сариқ, оч сариқ, оқиш китоблар, оҳ, Бобонгиз бобосидан қолган балки! Болохонада йўқ!..*** **(А.Суюн). “***Ўҳ-ҳў!” — деди йигитлар бари, — Тушибди-да ҳазрат назари!”* **(М.Али) каби. Бундан ташқари,** *Ўҳ-ҳў!..* ***Бундай хирмонни Отларимиз еёлмас*** **каби ҳолатларда у нарса-ҳодисанинг мўл-кўллигига ишора қилади.**

Уҳ-ҳу, ўҳ-ҳу, ўҳу **каби элементлар, шунингдек, алоҳида ундов сифатида келтирилган** *ўҳҳў, ўҳ-ҳў* **[V.195],** *ҳўҳ-ҳўў* **[V.571] лар ҳам** *ўҳў* **нинг вариантидир. Улар бир-бирларидан фақат ҳис-туйғунинг кучли-кучсизлик даражаси билан фарқланади, холос.**

Ў. **ЎТИЛда икки маъноси келтирилган бўлиб, биринчиси «бировга мурожаат қилганда унинг диққатини ўзига жалб этишни билдиради» тарзида изоҳланган [V.132]. Ундовнинг қўлланишида индивидуаллик сезилади. Масалан, А.Суюн бу бирликка кўп мурожаат қилган:** ***Зор бўлдим, ў, тангрим, ўзинг қўллагил! Ў, тангрим, русумда, жамики нарса Кўкламда бўй бериб, кузда хазондур!; Калавий, Бухорий, ў, устодларим, Сирдош-мунгдошларим; Қандайин малҳам у? Ў, қайси табиб Уни топа***

билар?.. **каби. Таҳлиллардан яна шу нарса англашиладики, унинг маъноси луғатда келтирилган маънолар билан чегараланиб қолмаган. Масалан,** *Ў-ў* ***шўрлик Сархон... қадрдоним-эй;*** *Ў,* ***Мовароуннаҳр, сенинг қисматинг! Қоп-қора тун эди...*** *Ў,* ***даҳшатли тун*** **каби матнларда ҳамдардлик, ҳамфикрлик, ичдан яқинлик ифодаси ана шу ундов орқали берилган.**

Шунингдек, ушбу ундов достонлар матнида учрайди ва луғатда ифодаланган мурожаат маъносини беради: ***Думалоқ повон айтди:—*** *Ў,* ***чўлкезар, аҳмоқ, сен ҳали ўзингни билмайсан, тентаксанми, қандай қилиб гапирасан? Аввал ўзингни ўнглаб ол, ҳали эсинг йўқ-ку*** **(«Холдорхон»). Унинг** ***ў-ў*** **варианти мавжуд.**

Ҳа. **ЎТИЛда ўнга яқин маъноси келтирилган бўлиб, уларнинг бирида «ундов гаплар таркибида (*а* товуши турлича - кучли, чўзиқ ва бошқача айтилиб) маъқуллаш, норозилик, таажжуб каби ҳис-туйғуларни ифодалайди» тарзида изоҳланган [V.466].**

У.Азимнинг халқ қўшиқлари руҳида ёзилган «Чапани ёхуд жайдари шеърлар» туркумидаги шеърлардан бирида ***ҳа*** **даъват, ундаш маъноларида қўлланган:** ***Ўйнагунча ўйнагин,*** *Ҳа,* ***дўст, ёр. Ўйнашингни қўймагин,*** *Ҳа,* ***дўст, ёр. Ўйнаб-ўйнаб дунёда,*** *Ҳа,* ***дўст, ёр. Менинг каби куймагин,*** *Ҳа,* ***дўст, ёр*** **каби. Яна:** ***Бўл,*** *ҳа,* ***бўл! Ҳей! Анграйган ким, у? Имиллаган қайси бадкирдор?*** **(М.Али).**

Сўз охидаги ***а*** **нинг чўзиқлиги баъзан аниқ ифода этилади:** ***«Бойман!»... — деб бақиринг, чақиринг, ҳайқиринг!*** *Ҳа-а!..* ***Қаттиқроқ!.. Қаттиқроқ!..*** **(А.Суюн).** *Ҳа-а!..* ***Дарҳақиқат, бизнинг бувилар…*** **(А.Суюн). Калавий.** *Ҳа-а,* ***эсладим... Кўрганман...*** **(А.Суюн) каби. Бинобарин, субъектив баҳо муносабати ҳам ёркин намоён бўлади.**

Ҳа **ундови юклама билан биргалик** *ҳа-я* **тарзида оғзаки нутқда қўлланилади ва** ***эсимга тушди*** **маъноси англашилади:** *Ҳа-я,* ***унутай дебман*** **каби.**

Ушбу ундов такрорланган *ҳа-ҳа* **шаклида ҳам фаол қўлланилади. Унинг ЎТИЛда икки маъноси келтирилган бўлиб, «1.бирор иш-ҳаракатга ундаш, қисташ маъноларини; 2.айнан** ***ҳа*** **маъноларини ифодалайди» тарзида изоҳланган [V.523]. Аммо** ***ҳа*** **ва** ***ҳа-ҳа*** **нинг қўлланишида стилистик фарқлар мавжуд. Масалан,** *-Ҳа, ҳа,* ***ишонаверинглар, тагларингда шундоқ ғуж-ғуж олтин!*** **(А.Суюн) -** *Ҳа,* ***ишонаверинглар, тагларингда шундоқ ғуж-ғуж олтин!*** **Мисоллар қиёсидан сўзни такрор қўллаш натижасида маъно кучайтирилаётгани билиниб турибди. Маънони кучайтириши унинг бир хизмати. Иккинчидан, такрорий қўлланиш ифодада пафосни кўтаради ва шунинг учун шеърий ва драматик асарларда фаол учрайди:** *Ҳа, ҳа,* ***танҳо, — деди, — танҳо бурундан*** **(А.Суюн).** *Ҳа, ҳа,* ***шундай у, Кўз тикармиш тунлари кўкка*** **(А.Суюн) каби. Матнларда учрайдиган** ***ҳа-ҳа*** **ҳам**

ҳа,ҳа нинг айнан ўзи ва стилистик фарқларга эга эмас: *Ҳа-ҳа, кўрганман денг? Ўқиганмисиз?* **(А.Суюн).** ***Телба Сархон!*** *Ҳа-ҳа!* ***Тўғри айтдинг сен, Мен! Мен! Телбаман! Сен телба эмас!*** **(А.Суюн). Шунингдек, мазкур ундов фахрланиш ва ғурурланиш оттенкаларини ҳам ифодалайди:** *Ҳа, ҳа,* ***элга нур сочсин қуёш, Бир қуёшки, оти — маърифат*** **(М.Али).** *Ҳа, ҳа,* ***улар! Йўқ, ўзга эмас! Самарқанддан биттаси, ана!*** **(М.Али) каби.**

Таажжуб, тасдиқ маъноларини ифодаловчи *ҳаҳа-ҳаҳа* **[V.523], таажжубланиш, эътироз, ғазабланиш каби туйғуларни ифодаловчи** *ҳаҳҳа* **[V.523] ҳамда уларнинг вариантлари** ***ҳа-ҳа-ҳа, хах-ха*** **кабилар оғзаки нутқда учрайди.**

Ҳаҳ. **ЎТИЛда маъноси «норозиликни, дўқ-пўписа ва ш.к.ни ифодалайди» тарзида изоҳланган [V.523]:** ***–Ҳаҳ! – деб таажжубланди Гавҳаршод бегим. – Шундай йигит ҳам улуснинг можаросидан бу қадар безор бўлган эканларми?*** **(П.Қодиров).**

Ҳаҳ **– бу аслида бирон бир ҳаракатни бажариш олдидан журъатсизликни енгиш ёки руҳан диққатни бир жойга йиғиш ва куч тўплаш мақсадида инсон чиқарадиган овоз, ички нидонинг зоҳир бўлиши. Масалан,** ***Болтани ҳар урганда, «ҳаҳ» деган овоз чиқарарди*** **каби. Шу маънода у тақлидий сўз. Аммо кейинчалик унинг маъноси кенгайиб, ҳис-ҳаяжонни ифодалаш оттенкаси пайдо бўлган:** ***Лекин Бургут Маржонтовда ўтадиган курашлардагидек, юраги мислсиз бир шавққа, йигитлик ғурурига тўлиб, «Ҳаҳ!» деб бақирди-да, ҳамон зўр бериб типирлаётган Бўрсиқни гурсиллатиб ерга ағдарди*** **(О.Ёқубов). Бу каби маъно кенгайиши натижасида қўшимча оттенкалар пайдо бўлган. Масалан, афсусланиш:** *Ҳаҳ!* ***Ёруғ дунёда юриб-юриб етиб келган жойим шу бўлдими?*** **(А.Қаҳҳор); койиш: –** ***Ҳаҳ, шумтакалар, оғизларингда эриб кетадиган сузма қурутни берсам олмайсизлар, шу тош қурутни талашасизлар (Ойбек).***

Мана бу ҳолатда уни тўғри қўлланган деб бўлмайди: – *Ҳаҳ,* ***мундай денг*** **(Ойбек). Аслида** ***ҳа-а*** **бўлиши керак эди.**

Ҳе. **ЎТИЛда уч маъноси келтирилган бўлиб, «1.мурожаат, чақириқ пайтида ишлатиладиган нидо; 2.норозилик, нохушлик маъноларини ифодалайди; 3.жирканиш, нафрат билдиришда, қарғаганда ишлатилади» тарзида изоҳланган [V.523]:** ***Кимдир яна қўшилди: «Кун-тун Санқийди у, ҳе, садқаи... кет»*** **(А.Суюн). Бундай пайтда унга** ***эй*** **ундови синоним бўла олади.**

Ушбу ундовнинг охирги товуши ***е*** **нинг анча чўзиб талаффуз этилиши унинг стилистик имкониятларини яна ҳам кенгайтириб, тасвирланаётган манзил-маконнинг йироқда эканлигига ишора қилинади:** ***Умганин кўтарган тоғлар кифтидан Боқишларим оқди, Ҳе, узоқ узоқ*** **(М.Али).** ***Далалар, ҳе, бир чети мағриб, Бир четида ухлайди машриқ*** **(М.Али). Синонимии:** ***эй, ҳей.***

Ҳей. **ЎТИЛда маъноси «айнан *ҳе*» тарзида изоҳланган [V.524] *ҳей* ундови *ҳе* га мурожаат, чақириқ маъносида мувофиқ келиши мумкин: *Тулпорингга қамчини бос! Асабингни тобла, ҳей!* (М.Али). *Йўрғала, ҳей, тўриқ, Қайдасан, Қашқар? Олдда ўзга йўл йўқ* (М.Али). *Бўл, ҳа, бўл! Ҳей! Анграйган ким, у? Имиллаган қайси бадкирдор?* (М.Али) каби. Ушбу мурожаатда икки хил оттенка намоён бўлади: 1. ижобийлик – фахрланиш, ғурурланиш туйғуси ифодаси: *Қўрғон! Ўзим — қўрғон, ҳей, баланд қўрғон! Собит деворларинг нечун толмайди?* (У.Азим). *Ҳей куйлагил, тирикликнинг боқий қўшиғин, Яшил ўрмон, жоним ўрмон, жонажон ўрмон* (А.Суюн); 2.салбийлик – бетакаллуфлик: *Ҳей, ол машинангни бу ердан!* каби.**

А.Суюн «Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча достони» асарида Олтибой дўмбирачи тилида *ҳай* ундовини ишлатганда бу ифодада халқ оҳанглари услубига ғоятда мос бўлган жўшқинликни юзага келтира олган: *Яхши бўлса хотининг агар, Шўх даврани изламоқ нечун? Яхши бўлса хотининг агар, Уйингда-ку байрам туну кун. Уйингда-ку қизғин байрам, ҳей*. Шу тарзда парчадаги ҳар бешликнинг охирида *Уйгинангда мозористон, ҳей; Илон билан ухлайсан-ку, ҳей; Тайёр ўчоқ ёнгинангда, ҳей; Баҳорда ҳам қиш ётоғинг, ҳей; Ўзин ғамин етиб ортар, ҳей* мисралари таркибида қўллаган.

Ҳеҳ. **ЎТИЛда маъноси «норозиликни ифодалайди» тарзида изоҳланган *ҳеҳ*, «таажжуб ифодалайди» тарзида изоҳланган *ҳе-ҳа*, маъноси «айнан *ҳе-ҳа*» тарзида изоҳланган *ҳеҳ-ҳа* ва *ҳеҳ-ҳе* [V.525] ундовлари ёзма нутқда ниҳоятда кам қўлланилади ва асосан сўзлашув услубига хосланган. Шундай бўлишига қарамасдан бу услубда ҳам ундовларнинг шу шаклда қўлланиши чегараланган. Уларнинг ўрнига *эҳ, эҳ-ҳа, эҳ-ҳе* ундовлари фаол қўлланилади. Бунинг сабаби *ҳ* товуши билан бошланувчи юқоридаги ундовлар талаффузида айнан ана шу товуш талаффузи талаб қиладиган куч билан боғлиқлиги билан изоҳланади.**

Ҳимм. **ЎТИЛда унинг уч маъноси келтирилган бўлиб, «1.таажжуб, шубҳа, ишонмаслик, кесатиш, пичинг кабиларни; 2.фикр билдиришда қийналишни, иккиланишни, тутилишни билдиради; бирор нарсани тушуниб етганликни, ундан қаноат ҳосил қилганликни, мамнун бўлганликни ифодалайди» тарзида изоҳланган [V.530]: *Ҳимм... Кўп хат ёзишмаслик керак...– деганини ўзи ҳам билмай қолди* (А.Қаҳҳор). *Мухторхоннинг фикри яна мудофаа билан банд бўлиб, нима деганини ўзи билмай жавоб берди,– ҳимм... Ўзгантда..* (А.Қаҳҳор). *Шах! Ҳимм... Ўзгантда... Йўқ, йўқ, очмас... Ўз...гантда...* (А.Қаҳҳор) каби.**

Ҳо. **ЎТИЛда унинг ундов сифатида беш хил маъноси келтирилган: чақириқ, мурожаатни билдириши; чақириққа жавоб маъносида ишлатилиши; чўзиқ талаффуз қилиниб,**

таажжубланиш, ишонмаслик, кесатиш каби маъноларни билдириши; рози эмаслик, рад этиш каби маъноларни ифодалаши, чўзиброқ талаффуз этилиб, суюнч ва ҳаяжонни ифодалаши кабилар [V.540]. Варианти: *ҳо-о.*

Кўплаб мисоллар таҳлили унинг субъектнинг бошқаларга мурожаати ва чақириғи жараёнида фаол қўлланишини кўрсатади: *Олим бува эртасига эрталаб йўлакда шовқин солди: - Ҳо шайтон арава!* (А.Қаххор). *Ҳо келгинди! Буёққа чиқ! Чиқ дейман буёққа!* (А.Қаххор).

Мана бу – *Ҳо-о, ўйин кўрсатяптилар-ку, акамлар!–деган овози келди* (О.Ёқубов) мисолида луғатда кўрсатилган таажжубланиш оттенкаси ифодаланган. – *Ҳо, Ҳо! – Шарановский кенг меҳмонхонада у ёқдан – бу ёққа югуриб, ҳавода чархпалак қилган қоғоз пулларни тутар экан, мамнун хитоб қилди* (О.Ёқубов) мисолидаги у ифодалаган мамнуният оттенкаси эса луғатда қайд этилмаган.

А.Суюндан олинган мана бу мисолларда ҳам у ҳақиқий маънодаги, айни пайтда, ўзига хос ундовлар саналади: *Ғоз тутгил-эй, бошингни, Бошлар қайтиб келмайди! Ўйна, ҳо, ўйна! Ўйна, ҳо, ўйна!* (А.Суюн). У матнда ҳеч қандай лексик маънони ифода этмайди. Айни пайтда, усиз ифодалилик ҳам юзага келмайди: *Ғоз тутгил-эй, бошингни, Бошлар қайтиб келмайди! Ўйна, ўйна! Ўйна, ўйна!* Ифодада ритм бузилади, қуруқ даъватнинг ўзи қолади, ички туғу берилмай қолади, ҳаяжон кузатилмайди. Бир сўз билан айтганда, ифодада пафос йўқолади. Мана шу маънода *ҳо* матнда ҳақиқий экспрессив аҳамиятга эга бўлган восита саналади. Худди мана шу мазмунда у *ур* сўзининг таркибига сингиб кетган, халқ жонли тилида фаол қўлланилади: *урҳо-ур **қилиб ётибди, урҳо-ур **бўлиб кетди*** каби. Яна: ***Бўри қочди, бўри қочди.** Урҳо-**ур,** урҳо-**ур!/ Бўрининг қорни очди,** Урҳо-**ур,** урҳо-**ур!/ Қайга қочиб боради,** Урҳо-**ур,** урҳо-**ур!/ Сенинг молинг ёради,** Урҳо-**ур,** урҳо-**ур!*** (А.Суюн).**

Ушбу сўз ундов сифатида айрим жумлалар, масалан, *урҳо-ур* таркибида турғунлашган. Аммо у ЎТИЛнинг эски нашрида ҳам, янгисида ҳам акс этган эмас. Тилимизда мазмунан унга тўғри келадиган ва синоними бўла оладиган *ур-йиқит, ур-калтак* сўзлари мавжуд [V.295]. Маъноси шу луғатларда берилган ва маъноси «жанжал, тўполон, муштлашиш, уриш» бўлган *ур-сур* сўзи ифодалаган кўчма маънога асосан тўғри келади: *Ҳамма томон урҳо-ур **бўлиб ётибди/кетди* каби. Сўзлашув нутқида қўлланилади ва шу ҳолатда бадиий нутққа кўчган: ***Қилич, қалқонлар шарақлаши, шовқин-сурон,** «урҳо-ур», «чопҳо-чоп», «бўшашма»лар авжига минади* (А.Суюн) каби.**

Шунингдек, А.Суюн қўллаган *ўйна, ҳо, ўйна!* жумласи халқ оғзаки ижоди намуналарида мавжуд:

Биз ўтказган умрлар, Жўра, қайтиб келмайди. *Ўйна, ҳо, ўйна***!**

Бу кўркамлик, бу чирой, Жўра, қайтиб келмайди. *Ўйна, ҳо, ўйна***!**

Ўқдай учар қирғийлар, Бу шашт қайтиб келмайди. *Ўйна, ҳо, ўйна***!**

Ғоз тутгил-эй, бошингни, Бошлар қайтиб келмайди! *Ўйна, ҳо, ўйна***!**

Мана шундай қўлланишларда *ҳо* нинг маъноси *ҳа* га тенг келади ва бирон вазифани бажаришга даъват қилинади. Қуйидаги мисолда эса у мурожаат маъносидаги *ҳой* нинг варианти сифатида қаралади: *Ҳо, биқиниб тургунча, Бу ён чиқинг, кўрайлик!* **(М.Али).**

Бирон-бир ишни амалга ошираётганда гўё мадад сифатида ушбу ундовга мурожаат қилинади: ***Олим майналарини боғбонлар ва айниқса уларнинг зумраша болалари «гала-гала», ҳо-о-о...» деб палахмонда кесак отиб, темир-терсак, тунукалар осилган сим дорларни силкитиб, шақир-шуқурлатиб қувлаётганда ҳайрон бўлиб, елка қисиб, кўкда текис учиб дарахтларга қўнаётган «малика»ларига хушнуд қўл силкитарди...*** **(А.Суюн).**

Кучайтирувчи восита вазифасини бажаради: ***"Ёв қочди, ҳо, ёв қочди!" деган қийқириқ билан тўғри унга томон бостириб келарди...*** **(О.Ёқубов).**

Ҳо-ҳо **нинг маъноси ҳам ЎТИЛда гарчи «айнан *ҳо*» тарзида изоҳланган [V.554] бўлса-да, аслида уларнинг қўлланишида стилистик фарқлар бор. Бу фарқланиш нутқий вазиятга боғлиқ тарзда намоён бўлади. *Ҳо* нинг бешинчи маъноси бўлган бирон нарсани кўрганда суюниш, ҳаяжонга тушиш ҳолати *ҳо* нинг такрорланиши билан кучлироқ ифода этилади. Агар ундов *ҳоҳ-ҳо* тарзида талаффуз этилса, оттенка яна ҳам кучайтирилади. Масалан, жуда кўп йиллардан бери учрашмаган ўртоғини куриб қолган киши «мен сени кўриб, жуда қувониб кетдим», деган фикрини, ҳаяжони ва хурсандчилигини ана шу ундов ёрдамида бир қадар эмоционал-эксперсив ва қисқа тарзда ифодалай олади. Унга мурожаат маъносидаги сўз эмас, балки кулишга тақлид деб қараш ҳам мумкин:** *«Ҳо-ҳо!.». Кулишинг зўр-ку!* **каби.**

Ҳу. **ЎТИЛда ундов сўз сифатида унинг икки маъноси изоҳланган. 1.қарғиш, сўкиш ифодаловчи сўз-иборалар билан бирга қўлланиб, кучли қаҳр, ғазаб, нафрат ҳис-туйғусини билдиради [V.554]. 2.илоҳий кучга ёрдам сўраб мурожаат қилганда айтиладиган нидо [V.555].** – *Баҳри! Ҳу, афтинг қурсин!* **–** *деди* **(А.Қаххор).** *Ҳу, участканг бошингдан қолсин!* **(А.Қаххор).** *Қорним оч дейди! – Ҳу қорни ёрилсин!* **(А.Қаххор) каби.**

Узоқдаги кимса ёки нарсага ишорани билдирганда у ундов ҳисобланмайди: *Ҳу, қишда айтганинг шу қизми?* **(А.Қаххор).** ***Ёронлар, худонинг қудрати кучли,/ Ҳу тордан бир қузғун давр олиб***

учди **(«Кунтуғмиш»).** ***Буни ёш қиз вақтимда, ҳу, мундан қанча йил илгари, ойим сотиб олиб берганди*** **(Ойбек).**

Бу ундов такрорланганда маъносида яна ўзгариш содир бўлади: ***Бир, икки, ўн икки, Ўн икки, деб ким айтди. Ҳу-ҳу-ҳу*** **каби. Унинг қўлланиши, одатда, болалар тилига хос бўлиб, ўзи айтган гапдан завқланиш маъносини беради. Мана бу ўринда у бировнинг устидан кулиш, масхаралаш оттенкасини беради:** ***Сиз ҳам уйда димиқиб ётган эдингиз, ишлаб, ўқиб, кўкрагингизга шабада теккандан кейин шунақа бўлдингиз-да! Эсингиздан чиқдими, ҳу... ҳув!..*** **(А.Қаххор).**

ЎТИЛда маъноси «пўписа учун ишлатилади» тарзида изоҳланган *ҳуҳ* [V.569], «сакраш, ҳатлаш пайтида айтиладиган нидо» деб берилган *ҳўп* [V.570] нутқда кам қўлланилади.

Ундовлар ҳақида юқорида айтилган фикрлар муайян хулосаларга келишимизга имкон беради. Жумладан:

-ундовлар инсониятнинг мулоқот эҳтиёжини қондирувчи тил воситаси сифатида тарихий-лингвистик категориядир. Унинг бошқа тил воситаларидан жиддий фарқ қилувчи томони эса нутқий жараёнда субъектив муносабатни алоҳида тарзда ифода этиши билан характерланади. Шу маънода ундовларни тил амалиётининг юқори босқичида олиб қараш мумкин. Тил ривожи ҳақидаги қарашлар тизимида ундовларнинг бирмунча кейин пайдо бўлганлиги, сон ва сифат жиҳатдан аста-секинлик билан тараққий этиб борганлиги ҳақидаги мулоҳаза ҳам шунга боғлиқ равишда келиб чиқади;

-номинативлик хусусиятининг йўқлиги уларнинг бир хусусияти бўлса, нутқий жараёнда сўзловчининг субъектив муносабати, ҳис-ҳаяжонини ифода этиши ва тингловчининг руҳиятига ижобий ёки салбий таъсир ўтказиши ундовларнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлардир. Шу маънода ундовлар ҳар қандай тилда, жумладан, ўзбек тилида ҳам стилистик мазмун ва аҳамият касб этади;

-ундовларнинг стилистик ранг-баранглиги уларнинг қўлланиш чатотасига тўғри пропорционал. Улар нутқда қанчалик фаол бўлса, стилистик имкониятлари ҳам шу қадар кенг бўлади;

-ундовлар эволюцияси дастлаб алоҳида ундовлар, улар негизида эса вариантлар ҳосил бўлганлигини кўрсатади. Кейинчалик ундовларнинг айримларида маъно тараққиёти юз бериб, алоҳида ундовлар ажралиб чиққан. Ҳар икки ҳолат ҳам стилистика учун аҳамиятли ҳисобланади;

- аксарият ундовлар унли товушлар билан бошланувчи элементлар саналади ва бунда ҳам маълум бир қонуният бор. Унли товушларнинг айтилишидаги чўзиқлик ва давомлилик, уларнинг ҳосил бўлиши тана ичкарисидан бошланиши,

инсоннинг маълум бир руҳий ҳолатида ўпкада йиғилиб турган ҳавони чиқариш зарурияти билан боғлиқлиги ана шу қонуниятни белгилайди;

-гап таркибида келган ундов алоҳида бир урғу билан талаффуз қилинади. Вужудга келган оҳанг ушбу элементнинг стилистик қийматини белгилаб беради. Аммо бу урғу автоном урғу эмас. У микроматн урғуси билан яхлитликда вужудга келади. Ифодада маълум мақсадни кўзлаб айтилган ва урғуга эга бўлган гап таркибидаги ундов унга мос ва ҳамоҳанг бўлиши лозим. Акс ҳолда уни ёрдамчи восита сифатида эътироф этиб бўлмайди. Гапдан ташқарида олиб қаралган ундов сўзнинг гап билан мазмуний уйғунлиги қай даражада эканлиги ҳақида эса фақат вазиятга қараб муносабат билдириш мумкин;

-ундовлар ҳосил қиладиган стилистик оттенкалар микроматн билан узвий боғлиқ бўлганлиги туфайли айрим ундовларда ҳам тасвирийлик, ҳам экспрессивлик имкониятлари намоён бўлади ва оралиқ ундовлар сифатида эътироф этилади;

-ундовлар субъектив баҳо ва модаллик хусусияти мавжудлиги билан стилистик қимматга эга бўлган алоҳида сўз туркумидир.

-айрим ундовларнинг нутқий фаоллги уларнинг услубий хосланиши ва дифференциаллашувига олиб келади ҳамда микромайдон чегарасини белгилаб беради;

-лингвистик табиатига кўра дастлаб сўзлашув нутқида пайдо бўлиши ундовларнинг асосан шу услубга хосланишини ва у орқали бадиий ва публицистик услубга кўчиши мумкинлигини кўрсатади. Уларнинг қўлланиши илмий ва расмий услубларга хос эмас.

АДАБИЁТЛАР

1. *Муҳиддинова Ҳ.* Тақлидий сўзлар ва ундовдан ясалган феъллар / Ўзбек тили ва адабиёти.-1978.-№3.-Б.52-54.

2. *Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д.* Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. -164 б.

3. *Солихўжаева С.* Эмоционал гапларда ундовларнинг роли / Ўзбек тили ва адабиёти.-1972.-№3.-59-61.

4. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. -612 б.

4. *Қўнғуров Р.* Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. I қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1978. – 67 б.

Қўшимча

Искандарова Ш.:
-Хотин-қизлар нутқининг индивидуал хусусиятларини «вой» ундовининг қўлланиши асосида ҳам ойдинлаштириш мумкин: маълум бўлишича, «вой» ундови ўндан ортиқ маъно нозикликларини ифодалайди. Севиниш, эркалаш, ачиниш, қўрқиш, ҳавас, саросималаниш, койиш, алам сингари қатор ички ҳолатларнинг юзага чиқишида бу сўз маълум даражада аҳамиятга эга. (*Искандарова Ш.* Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол.фан.номз. …дис.автореф. – Самарқанд,1993,19-бет).

Саккизинчи мавзу:
Синтактик услубият.
Содда гаплар услубияти

Р е ж а:

1. Синтактик услубиятнинг мундарижаси, мақсад ва вазифалари.

2. Синтаксиснинг стилистик имкониятлари.

3. Илмий услуб синтаксиси элементлари.

4. Сўзлашув услубининг синтактик элементлари.

5. Бадиий услуб синтаксиси элементлари.

6. Синтактик синонимия стилистик восита сифатида.

-гап бўлаклари синонимияси;

-сўз бирикмаси доирасида синонимия;

-гаплар синонимияси: содда гаплар синонимияси, қўшма гаплар синонимияси.

7. Ифода мақсадига кўра гап турларининг стилистик хусусиятлари.

8. Тасдиқ ва инкор гапларнинг қўлланиши.

9. Бир таркибли гапларнинг стилистик хусусиятлари: -шахси аниқ гап; -шахси ноаниқ гап; -шахси умумлашган гап; -эгаси топилмайдиган гап; -номинатив гап.

10. Гап бўлакларнинг функционал қўлланиши.

11. Гапда сўзлар тартибининг стилистик вазифаси.

12. Уюшиқ бўлакларнинг стилистик вазифаси.

13. Ундалма стилистик восита сифатида.

14. Кириш бўлакларнинг ва киритмаларнинг стилистик хусусиятлари.

1. Синтактик услубиятнинг мундарижаси, мақсад ва вазифалари. **Верли М.: «Услуб сўзга қараганда кўпроқ гапда шаклланади». Гальперин И. Р.: услубнинг ўзига хос белгилари унинг синтактик қурилишидадир. Гвоздев А. Н.: «Синтаксиснинг стилистика учун жуда муҳимлиги шу билан белгиланадики, гап нутқнинг асосий бирлиги сифатида тафаккур ва алоқа учун хизмат қилади.**

Гапда сўзларнинг оддий тартибининг ўзи турли вариантларни ҳосил қилади, турли маъно ёки экспрессив оттенкалар ифодалайди.

Функционал услубларнинг шакланишида синтаксис муҳим роль ўйнайди. Айрим синтактик ҳодисалар стилистик восита сифатида функционал чегараланганлиги билан ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Масалан, сифатдош ва равишдош оборотлар, боғловчиларнинг айрим турлари кўпроқ китобий нутққа хос бўлиб, ифодага китобий колорит беради, тўлиқсиз гаплар, кўпгина эллиптик қурилмалар, кесими ундов ва ҳаракат номи билан ифодаланган гаплар кўпроқ сўзлашув нутқида қўлланади. Поэтик синтаксис воситалари эса бадиий нутқ учун характерлидир. Айрим синтактик бирликлар маълум функционал стилларда кенг қўлланиб, бошқалари учун эса типик бўлмайди. Масалан, эргашган қўшма гаплар, йиғиқ гаплар функционал стилнинг бир кўринишида кўп, бошқа кўринишида эса кам

қўлланади. *Аммо* бундай ҳолларда ҳам гапнинг конкрет типи, унинг тузилиши, лексик ва морфологик таркиби функционал стиллар учун умумий характерда бўлади.

Айниқса, ҳозирги ўзбек адабий тилида ривожланган синтактик ҳодисалар синонимияси функционал стил учун туганмас манбадир.

2. Синтаксиснинг стилистик имкониятлари. **Синтактик стилистика бирликларини белгилаш бу соҳанинг предметини белгилаш демакдир. Риторика, поэтика, адабиёт назариясида синтактик фигуралар деб аталган қурилмалар стилистик сннтаксис воситалари деб қаралади. Бундан ташқари, ўринли ва оригинал қўлланган синтактик қурилмалар ҳам стилистик воситалар бўлиб хизмат қилади.**

Антик риторикадан бошлаб синтактик фигуралар деб аталаётган ҳодисалар (риторик сўроқ, эллипс, градация, банд, анафора, эпифора, такрор, антитеза кабилар) бадиий-поэтик синтаксис бирликлари ҳисобланади. Ўзбек тили бадиий-поэтик синтаксиси элементлари ҳақида фикр юритилганда ҳам, шулар тилга олинади.

Ўзбек тили тараққиётининг ҳозирги босқичида функционал услублар фарқланиб, унинг илмий, бадиий, публицистик, расмий иш қоғозлари, сўзлашув каби услублари шаклланди.

Синтактик қурилмалар нутқ услубларида нейтрал бўлгани каби, функционал характерда ҳам бўлади. Синтактик стилистика учун нейтрал характердаги синтактик воситалар эмас, нутқ услубларига хосланган функционал синтактик воситалар муҳимдир.

3. Илмий услуб синтаксиси элементлари. **Илмий нутқ учун фикрни аниқ, логик изчиллик билан ифодалаш характерлидир.**

Умуман, ифоданинг логик изчил бўлиши, бунда логик уқув, логик зеҳн, логик қобилиятга мўлжалланиши, мана шу мақсадда ифоданинг интеллектуал элементларига кўп мурожаат қилиниши илмий услубнинг асосий белгиларидан ҳисобланади.

Илмий асарлар мулоҳаза ва исботдан иборат бўлади. Исбот аниқ **баён қилинади. Бунинг учун ифоданинг тўлиқ бўлиши лозим. Шунга кўра ҳам илмий матнлар учун тўлиқ гаплар характерли. Бунда тўлиқсиз гап фикрнинг аниқлигига путур етказади.**

Илмий ифодада логик изчилликни таъминловчи муайян сўз тартибига амал қилиш муҳимдир. Бунда ўзбек адабий тилининг грамматик қурилиши талабларига риоя қилинади. Шу билан бирга, фикрни аниқ, изчил ифодалаш учун баъзан гап бўлакларининг тартибини ўзгартиш ҳам мумкин.

Илмий нутқнинг ўзига хос белгиларидан яна бири унда қўшма гап, унинг мураккаб типларининг кенг қўлланишидир. Қўшма гап компонетлари кўпинча семантик муносабатларни аниқроқ ифодаловчи боғловчи ва боғловчи вазифасидаги бошқа воситалар орқали бирикади. Жуда кўп ҳолларда *чунки, шунинг учун, шу сабабли* каби боғловчилар, шарт майли ва равишдош шакллари, -дек аффикси кабилардан кенг фойдаланилади.

Илмий услубда пассив қурилмали гаплар, бир таркибли гап типларидан эгаси топилмайдиган гаплар кенг ишлатилади.

Илмий асарларнинг исбот, хулоса қисмларида *шундай экан, айтилади, деб аталади, масалан, тўхтаб ўтайлик, диққат қилайлик, диққат қилинг, қиёсланг, қиёс қилинг* каби иборалардан кенг фойдаланилади.

Илмий матнлар учун ўқувчининг диққатини баён қилинаётган ҳодисага жалб қилиш мақсадида айрим сўзлар, сўз бирикмалари, гапларни ажратиш, ҳавола ва турли изоҳлар бериш ҳам характерлидир.

4. Сўзлашув услубининг синтактик элементлари. **Сўзлашув услуби сўзлашув нутқи тушунчасидан фарқ қилади. Сўзлашув нутқи адабий сўзлашув услуби бўлиб, тилнинг адабий нормаларига мос келади. У «ишланган», «тартибга солинган» бўлиб, касби ёки мутахассислигидан қатъи назар, шу тилда сўзлашувчи ҳар бир киши учун тушунарли бўлган асосий услуб ҳисобланади.**

Сўзлашув услуби эркин ҳолда шаклланиши билан фарқланади, унда эмоционаллик кучли бўлади. Сўзлашув нутқида адабий сўзлашув нутқига хос элементларнинг бирор жиҳатдан адабий тил нормаларига мос келмайдиган қурилмаларининг қўллаиииши мумкинлиги ҳам унинг характерли белгиларидан ҳисобланади.

Сўзлашув нутқи синтактикасининг ўзига хос белгилари унинг нутқ моментида шаклланиши билан боғлиқ бўлади.

Оддий сўзлашувнинг асосий синтактик белгилари қуйидагилар:

1.Фикр кўпроқ тўлиқсиз гап шаклида ифодаланади.

2.Фақат кесимдан ташкил топган тўлиқсиз гаплар кўп қўлланади.

3.*Сифатдош + эмиш, сифатдош+экан* қурилмалари ҳамда тусланган равишдошлар билан ифодаланган гаплар кўп ишлатилади.

4.Мақол ва ҳикматли сўзлар, турли халқ иборалари кенг қўлланади.

5.Инверсия характерли.

5. Бадиий услуб синтаксиси элементлари. **Бадиий нутқ коммуникатив ва эстетик вазифа бажаради. «Бадиий услубнинг бошқа услублардан ажралиб турадиган асосий белгиси,— деб ёзади А. И.**

Ефимов,— унинг эстетик вазифаси, образлилиги ва экспрессивлигидир».

Бадиий услубнинг қўлланиш доираси жуда кенг бўлиб, тематик ва стилистик томондан чегараланмаган. Бунда барча услуб имкониятларидан фойдаланилади, шу билан бирга, адабий тил нормаларидан чекинилиши мумкин.

Бадиий услуб синтаксиси сифатловчининг кенг қўлланиши, сўз тартибида тескари, субъектив тартибга кенг йўл қўйилиши, риторик сўроқ ва ундов гаплар, синтактик фигураларнинг кўп қўлланиши каби ҳолатлар билан характерланади.

6. Синтактик синонимия стилистик восита сифатида. **Фикрни тўғри ва таъсирчан ифодалашда синтактик синонимия имкониятидан кенг фойдаланилади.**

Стилистикада *синоним* ва *вариант* тушунчалари фарқ қилинади. Синоним маъно оттенкасини кўрсатади. Вариант эса аниқ маъно оттенкасига эга бўлмайди. У бир маъно оттенкаси доирасида бўлади. Шенделье Е. И.: «Вариантлар синоним ҳисобланмайди, улар ё маъно жиҳатидан бир хил дублет бўлади ёки маъносидаги фарқи грамматик маънолар системасига таъсир кўрсатмайди». Қиёсланг: *Бу боққа жуда кўп меҳнатимиз сингган (0) - Меҳнатимиз бу боққа жуда кўп сингган;*

Синтактик синонимия гап бўлаги, сўз бирикмаси, гап доирасида бўлиши мумкин.

-гап бўлаклари синонимияси. **Одатда, гап бўлакларининг ҳар бири синонимия ҳосил қилиши мумкин. Масалан:**

1. Бир таркибли гапларнинг бир турида кесим ҳаракат номи *(ўқиш, ўқимоқ, ўқув)* ҳамда *керак, зарур, лозим, даркор* каби сўзларнинг қўшилишидан ташкил топган қурилмалар билан ифодаланади. Булар кесим синонимиясидир. Қиёсланг: *Жасоратларига* офарин ўқимоқ керак. *(0.) Лекин зарур*

вақтдагина тилга *эрк бермоқ лозим. (0.)* ***Шунинг учун уларни ғафлатдан*** *уйғотиш даркор. (0.)* ***Ақл, фаҳм-фаросат би-лан кўнгилни*** *йўлга солиб туриш керак.* ***(А. Қ.)***

Кўмакчили ва келишикли шаклдаги тўлдирувчи ва ҳоллар синонимия ҳосил қилади.

Тўлдирувчи синонимияси: *Олим учун* ***виждон ҳам ўткир илм каби зарур. (Ж. А.)*** *Олимга* ***виждон ҳам ўткир илм каби зарур.***

Ҳол синонимияси: ***Абдулла*** *севинганидан* ***сакраб юборай деди. (У. У.)*** ***Абдулла*** *севингани учун (сабабли)* ***сакраб юборай деди.***

-сўз бирикмаси доирасида синонимия. **Бундай синонимия кўпроқ тобе бўлак шакллари асосида ҳосил бўлади. Тобе бўлаги турли келишик шакллари билан ифодаланган сўз бирикмалари синонимия ҳосил қилади:**

-бош ва тушум келишиклари ўртасида: *Зулфияни,* ***боради, деб ўйладим. —*** *Зулфия* ***боради, деб ўйладим.***

-тушум ва жўналиш келишиклари ўртасида: *Ўқишни* ***ўргандим.—*** *Ўқишга* ***ўргандим;*** *велосипедни* ***минмоқ —*** *велосипедга* ***минмоқ.***

-қаратқич ва чиқиш келишиклари ўртасида: *студентларнинг* ***бири —*** *студентлардан* ***бири.***

Тобе бўлаги тушум ва ўрин-пайт келишиклари билан ифодаланган сўз бирикмалари: *кўчада* ***изғимоқ —*** *кўчани* ***изғимоқ.***

- тушум ва чиқиш келишиклари ўртасида: *камчиликларни* ***гапирмоқ — камчиликлар****дан* ***гапирмоқ.***

Келишикли ва кўмакчили қурилмалар синонимия ҳосил қилади: *телефон орқали* ***сўзлашмоқ —*** *телефонда* ***сўзлашмоқ;*** *телевизор орқали* ***кўрсатиш —*** *телевизорда кўрсатиш;* ***Зулфия учун олмоқ —*** *Зулфияга* ***олмоқ*** **ва бошқалар.**

Қаратувчи-қаралмиш бирикмаси сифатловчи-сифатланмиш бирикмаси билан синонимия ҳосил қилади: *Гуруҳимиздаги барча талабалар* ***спорт билан***

шуғулланади — *Гуруҳимизнинг барча талабалари* ***спорт билан шуғулланади.***

Аниқловчи-аниқланмиш бирикмаси тожикча изофали бирикма билан синонимия ҳосил қилади: ***азим дарё — дарёйи азим, истироҳат боғи — боғи истироҳат, достон мадҳи — мадҳи достон, бедаво дард — дарди бедаво, нафс балоси — балойи нафс, суҳбат аҳли — аҳли суҳбат.***

Изофали бирикма кўпроқ бадиий, сўзлашув услублари учун характерлидир. Айниқса, эски услубда ёзилган шеърий асарлада, тарихий темага оид прозаик асарларда изофали бирикмаларга кўп мурожаат қилинади.

-гаплар синонимияси: содда гаплар синонимияси, қўшма гаплар синонимияси.

Содда гап синонимияси. **1. Икки таркибли ва бир таркибли гаплар синонимияси:** ***Элга қўшилган эр бўлади, элдан ажралган ер бўлади.— Элга қўшилсанг, эр бўласан, элдан ажралсанг, ер бўласан.*** **2.Бир таркибли гаплар синонимияси:** ***Кечага таклиф қоғози билан киритишади — Кечага таклиф қоғози билан киритилади.*** **3.Деярли барча риторик сўроқ гаплар ўз синонимига эга бўлади:** ***Менга нима қилибди?! Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўладими?!*** **4.Актив ва пассив қурилмали гаплар синонимияси. Бунда бир хил типик мазмун актив ва пассив қурилмали гаплар орқали ифодаланади:** ***Аълочи студентларга мукофотлар бериш Зулфия Назировна Раҳимовага топширилди.— Биз аълочи студентларга мукофотлар беришни Зулфия Назировна Раҳимовага топширдик.*** **Ҳар икки мисолда бир хил типик мазмун ифодаланган. Лекин биринчиси пассив, иккинчиси — актив қурилмали гап. 5. Тасдиқ ва инкор шаклдаги гаплар синонимияси:** ***Қараб тур, сени отангга чақмасамми! (0.) — Қараб тур, сени отангга чақиб берай.***

7. Ифода мақсадига кўра гап турларининг стилистик хусусиятлари. ***Дарак гап*** **нутқда бошқа гап турларига қараганда кўп қўлланади. Одатда, бутун бир матн дарак гапдан ташкил топади.**

Дарак гаплар нутқ услубларининг ҳар бир турида қўлланади. Илмий, расмий ва иш қоғозлари услубига оид матнлар деярли дарак гаплардан иборат бўлади. Бадиий ва публицистик, сўзлашув услубларида ҳам дарак гаплардан кенг фойдаланилади. Бадиий адабиётда табиат манзараси, образларнинг портрети, уларнинг ҳолати, асосан дарак гаплар орқали ифодаланади. Драма асарларидаги ремаркалар, турли изоҳлар фақат дарак гаплардан иборат бўлади.

Дарак гап бирор воқеа-ҳодиса ҳақидаги хабарни ифодалаганда тинч оҳанг билан талаффуз қилинади, оҳанг кесим томон пасайиб боради. Гап таркибидаги бирор бўлак логик урғу олса, оҳанг кўтарилиб, кейин яна сусаяди. Дарак гап гумон, севинч кабилар ифодалаганда, оҳанг ҳам шунга мосланади.

Сўроқ гап **ларга тасдиқ ёки инкор талаб қиладиган сўроқ гаплар киради. Бунда сўроқ гап сўроқ олмошларисиз, оҳанг ёки сўроқ юкламалари орқали ҳосил қилинади. Бундай сўроқ гаплар кўпроқ -*ми* юкламаси ёрдамида ҳосил бўлади. Улар бадиий, публицистик, илмий, сўзлашув услубларига оид адабиётларда кенг қўлланади. -*чи* сўроқ юкламаси ёрдамида тузилган сўроқ гаплар эса сўзлашув нутқи учун характерли бўлиб, тўлиқсиз гаплардагина қўлланади. -*а* юкламаси ёрдамида тузилган сўроқ гаплар ҳам сўзлашув нутқига хос: — *А?— деди эшон, кўзлари бақрайиб. (П. Т.)***

Наҳотки **юкламаси тааҗжуб ифодаланган сўроқ гаплар таркибида келади. Бундай гаплар кўпроқ бадиий, публицистик, сўзлашув услубларида қўлланади.**

Улар таркибида *шекилли, чоғи* каби сўзлар ҳам келади. Бундай сўроқ гапда тахмин, гумон оттенкаси бўлади.

Сўроқ гапларнинг жавоби ҳамма вақт ҳам тасдиқ ёки инкор *(ҳа, йўқ)* шаклларида бўлавермайди. Баъзан жавобда *ҳа, йўқ* гапларини қўллаб бўлмайди: *Бу нима? Унгимми ёки тушимми?* (77. *Т.)* Бу тип гаплар асосан бадиий, публицистик ва сўзлашув услублари учун характерлидир.

—Нутқда баъзан сўзловчи сўроқ жавобини кутмасдан, ўз фикрини давом эттираверади: *Энди бу ёққа қара ҳу анави мадрасани кўрдингми? Ҳу ана. (П. Т.)*

Бадиий адабиётда нутқ таъсирчанлигини ошириш учун сўзловчининг ўзига ўзи савол бериши усулидан кенг фойдаланилади: *У ўзига савол беради: «Мабодо, мен буни илгарироқ, масалан, аввалги кун ёки кеча сезган бўлсам, ҳаётимни, қулаётган иморатимни, ёнғин ўз гирдобига ютаётган уйимни, эримнинг номуси, садоқатини омон сақлаб қола билармидим? У ўз саволига ўзи жавоб бера олмади. (Ҳ. Ғ.)*

Баъзан бу тип сўроқ гаплар таркибида *а* юкламаси келади. Бу сўроқ маъносини кучайтиради: *Ҳаммасини айтиб берайми ҳозир, а? (П. Т.)*

Бадиий нутқнинг эмоционал-экспрессивлигини ошириш учун бу шаклдаги гаплардан кенг фойдаланилади: *Буларку бутун-бутун республика, йирик шаҳарларнинг беминнат дўстлиги оқибати. Айрим кишиларнинг қалб ҳароратларини айтмайсизми? (Р. Ф.)*

Бу тип сўроқ гапларнинг расмий услубга хос қуйидаги кўринишига эътибор берайлик: *Лойиҳага ўзгартишлар бўладими?* (Овозлар: Йўқ.) *Қимки шу қарор қабул қилинсин деса, қўл кўтарсин. Туширинг. Қаршилар? Йўқ. Бетарафлар? Йўқ.*

Баъзан сўзловчи ўзига номаълум бўлган кўп нарсани билишга интилади. Бу вақтда бирин-кетин

сўроқ берилаверади: ***Нима деяпти, а, амаки? Қанақа озодлик бўляпти-а? Кимларга озодлик бўляпти? (П. Т.)***

Сўроқ гаплар, сўзловчининг қандай жавоб кутишига қараб ҳам турлича тузилади:

1. Сўроқ гапларда сўзловчи жавобнинг қандай бўлишини олдиндан тасаввур қилолмайди: ***Тоғаси, холаси бўлди нима-ю, бўлмади нима? (П. Т.)***

2. **Сўроқ гапларда жавобнинг ижобий бўлишига шубҳа билдирилади:** ***Нима, хўжайининг уст-бош бермайдими? (П. Т.)***

Сўроқ гапларнинг бу типида баъзан жавоб сўзловчининг ўзи томонидан берилади. Сўроқ гапларнинг бу тури бадиий ва публицистик услуб учун характерлидир.

Сўроқ гаплар расмий-юридик матнларда деярли қўлланмайди. Илмий услубга оид адабиётларда баъзан ўқувчининг диққатини бирор масалага тортиш воситаси сифатида сўроқ гапларга мурожаат қилинади. Бундай сўроқ гаплар кўпинча илмий тадқиқот проблемаларини белгилашда қўлланади:

Моддий майдон қандай хоссаларга эга? Энг аввало, моддий майдон хоссаларини билишни ер тортиши ва электромагнит ҳодисаларини текширишдан бошламоқ керак.

Сўроқ гаплар илмий услубга оид адабиётларнинг амалий қисмларида (топшириқ ва масалаларда) кўп қўлланади. Бундай сўроқлардан айримларининг жавоби қўлланма охирида кўрсатилади.

Баъзи сўроқ гаплар жавоби билан (жавоб сўзловчининг ўзи томонидан берилганда) шундай бирикиб кетадики, уларни сўроқ ва жавобга ажратиш сунъийликка олиб келади: ***Сиз жон-жигар укаларингиз қони учун қонга қон, жонга жон олдингизми — олдингиз (Қ. Я.)*** **Бу тип гаплар сўзлашув, бадиий, публицистик услуб учун**

характерли бўлиб, фикрнинг аниқ ва таъсирчан бўлишига хизмат қилади.

Буйруқ гаплар **бадиий адабиётларда, диалог шаклидаги нутқда, расмий иш қоғозлари услубида, турли чақириқларда, илмий услубга оид машқ ва топшириқларда кўп қўлланади.**

Буйруқ гаплар кесими буйруқ майлининг I шахс шакли билан ифодаланган бўлса, истак, ҳаракатни бажаришга хоҳиш, аҳд қилиш, сўзловчининг ўзи иштирокида иш-ҳаракатни бажаришга ундаш кабилар ифодаланади. Бундай гаплар сўзлашув ва бадиий услубга хос матнларда кўп учрайди: ***Олимжон ака, ерларимизни қондириб-қондириб*** *суғорайлик,* ***ана шунда бу ерлар ҳам ҳосил кони бўлади. (Ш. Р.)***

Бадиий услубда баъзан бу тип гапларнинг кесимига ***-ин*** **аф-фикси қўшилиб келади:** ***Қайси бир истак баёнин ошкоро*** *айлайин,* ***Қайси дардимни*** *дейин* ***ҳамда кимга даъво*** *айлайин.* ***(С.Абд.)***

Буйруқ гап кесими ҳаракат номи ***керак, зарур, лозим, даркор*** **шаклидаги қурилмалар билан ифодаланганда, иш-ҳаракатни бажариш зарурийлиги ёки зарур эмаслиги англашилади:** ***Ваъдага вафо*** *қилмоқ керак.* ***(Мақол.)***

Буйруқ гаплар илмий услубга оид адабиётларда ҳам қўлланади. Баъзан ўқувчининг диққатини баён этилаётган фикрга жалб қилиш учун ***Қиёсланг, Яна бир масалага аҳамият беринг, Чоғиштиринг*** **типидаги буйруқ гапларга мурожаат этилади.**

Расмий услубга хос турли қарор ва буйруқларда буйруқ гаплар кўп қўлланади: ***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади: Ўзбекистон Республикасининг никоҳ ва оила кодекси тасдиқлансин.***

Буйруқ гапларнинг айрим типлари стандарт ҳолда бўлиб, уларда истак, маслаҳат оттенкалари сезилиб туради. Бу тип гаплар сўзлашув услубига хослиги билан характерланади: ***Барака топинг. Ҳушёр***

бўлинг. Яхши қолинг. Хафа бўлманг. Бор бўлинг. Шукур қилинг **каби.**

Буйруқ гапларнинг иккинчи шахсга қаратилган баъзи турларининг кесими учинчи шахс шаклида келади: ***Қани, кирсинлар! (С. Абд.)*** **Бу тип гаплар кўпроқ сўзлашув услубига хосдир.**

Буйруқ гап ўзига хос оҳанг билан айтилади. Бунда оҳанг гапнинг модал маъноларига қараб турлича бўлади. Қатъий буйруқ, дўқ кабилар ифода қилинганда, кучли оҳанг билан айтилади. Маслаҳат, таклиф кабилар ифодаланганда эса, оҳанг кучсизроқ, лекин дарак гап оҳангидан кучлироқ бўлади.

Ундов гап**ларда сўзловчининг ички ҳис-ҳаяжони, туйғуси ёки воқеликка бўлган турли эмоционал муносабати ифодаланади. Сўзловчининг ички ҳаяжони, туйғусини ифода қилувчи гаплар соф ундов гаплардир. Бунда эмоционаллик гапнинг асосий магзини ташкил қилади. Дарак, сўроқ, буйруқ гаплар ҳам ҳис-ҳаяжон билан айтилиб, ундов гапга айланиши мумкин. Буларда асосий мақсад маълум фикрни ифода қилиш бўлиб, эмоция, эффектларни ифодалаш эса қўшимча вазифадир.**

Ундов гапларда завқланиш, шодлик, ҳайратланиш, таажжуб, ачиниш, газаб, нафрат каби ички кечинмалар ифодаланади. Умуман, ундов гаплар эмоционаллиги билан ажралиб туради. Улар кўпроқ бадиий, сўзлашув ва публицистик услублар учун характерлидир. Уларнинг шаклланишида ***қандай, қанақа, нақадар, қанча, қайси*** **каби эмоционал-кучайтирув маъносидаги олмошлар, ундов сўзлар иштирок этади.**

8. Тасдиқ ва инкор гапларнинг қўлланиши. **Гарчи тасдиқ ва инкор логик категория бўлиб, барча тиллар учун умумий бўлса ҳам, лекин барча тилларда ифодаланишига кўра фарқ қилади. Бу стилистик жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.**

Нутқда инкор шаклидаги гап тасдиқни ифодалаши мумкин: *У келмайди-я!* Бу гап инкор шаклида бўлиб, тасдиқ *(У келади)* ни экспрессивлик орқали ифодалаб, сўзлашув услубига хос.

Тасдиқнинг оддий шаклидан бошқа экспрессив шакли ҳам мавжуд. Қиёсланг: *Раъно келди — Раънонинг келмаслиги мумкин эмас эди.* Бундай экспрессив тасдиқ маъно оттенкаси билан оддий тасдиқдан фарқ қилади.

Гап кесими таркибли бўлиб, инкор шакли етакчи феъл — равишда келганда, тасдиқ ифодаланади. Бундай гаплар кўпроқ риторик сўроқ гап бўлади:— *Э, ука, шундоқ канал қазилади-ю» ҳукумат тақдирламай қўядими?! (С. А.)*

Гапда икки инкор кўрсаткичи қўлланса тасдиқ англашилади, бунда тасдиқ кучайиб, гап модал оттенка олади: *Одатда, келган вакиллар ётоқхоналарни ҳам бирма-бир кўздан кечирмай кетмас эдилар. (П. Т.)*

Сўзлашув нутқида баъзан бу тип қурилмалардан кейин тасдиқ ифодаловчи сўз ҳам келтирилиб, тасдиқ кучайтирилади: *Заводимизда интизом йўқ эмас, бор.*

Инкор махсус грамматик кўрсаткичлар, лексик, синтактик, интонацион воситалар орқали ифодаланади. Бўлишсизлик аффикси *-ма,* тўлиқсиз феълнинг бўлишсиз шакли *эмас, на* юкламаси, *йўқ* сўзи мана шундай кўрсаткичлардир.

Инкор гап *на* ёрдамчиси орқали ҳам тузилади: *Зулфия на ўқийди, на ёзади. — Зулфия на ўқимайди, на ёзмайди.*

Инкор гаплар баъзан оҳанг ёрдамида ифодаланиши мумкин: *Бу вазифани якка ўзингиз бажариб бўпсиз. Кошки, яхши ўқиса.* Баъзан инкор тасдиқ шаклдаги гаплар орқали ифодаланади: *Келади-я? (Келмайди.)*

Баъзан суҳбатдош тасдиғидан ҳайратланиб, сўзловчи унинг фикрига қарши ёки унга киноя қилиб, унинг гапини қайтаради: ***У хизматчи.— У хизматчи?***

9. Бир таркибли гапларнинг стилистик хусусиятлари. **Бир таркибли гапларнинг структура асоси (грамматик маркази) эга ёки кесимдан иборат бўлади.**

Бир таркибли гаплар, структура асосининг табиатига кўра, яъни структура асоси гапнинг бош бўлаклари эга ёки кесимдан бўлишига қараб, эгасиз ва кесимсиз гаплардан иборат бўлади.

Эгасиз гапларнинг структура асоси кесим бўлиб, унинг табиати икки хил: айрим гапларнинг кесимидан унинг <u>эгасини топиш мумкин</u>: кесим эганинг сўроғини қабул қилади. Баъзиларида эса <u>эгани топиб бўлмайди</u>: кесим эганинг сўроғини қабул қилмайди. Қуйидаги икки гапни қиёсланг:— ***Ҳозирлик кўрингиз, токи ғафлатда қолиб пушаймон бўлмайлик!— асабланиб деди Ҳусайн Бойқаро. (0.)Ақча билан ўлчаб бўлмас у бошни, Танга билан тўсиб бўлмас қуёшни. (Ҳ. 0.)***

Эгаси топиладиган шахси аниқ, шахси ноаниқ, шахси умумлашган гапларга бўлинади.

-шахси аниқ гап. **Бунда гапнинг эгаси бўлмайди. Унинг структура асоси кесимдан иборат бўлади. Гапнинг кесимига қараб, ҳаракат қайси шахс томонидан бажарилаётганлигини аниқ билиш мумкин.**

Бир таркибли гаплар ичида бундай гаплар нутқда энг кўп қўлланади. Қишилик олмошлари билан ифодаланган эганинг қўлланмаслиги айниқса поэзия учун характерлидир. Бундай гаплар нутққа экспрессив-эмоционал оттенка беради, нутқни силлиқлаштиради, уни яна ҳам таъсирчан, ифодали қилади, фикрнинг йўналиш марказини кесимга

кўчиради: ***Яхшилигин билиб яхшилик қайтар,***
Аммо бил: ***нокасдан ёмонлик қайтар, (М. Бобоев.)***

Шахси аниқ гаплар кесимининг учинчи шахс шакли кўпинча кўчма маънода қўлланиб, II шахсга қаратилган бўлади. Бу диалог шаклидаги нутққагина хосдир: *Гапирсинлар,* ***эшитайлик!— илтимос билан боқди Умарали. (0.) Муқимий.*** *Саломат бўлсинлар!* ***(С. Абд.)***

Шахси аниқ гапнинг кесими феълнинг I шахс шакли билан ифодаланганда, II шахсга қаратилган буйруқ, илтимос, маслаҳат оттенкаларини ифодалайди:— ***Тилингизга шакар, отахон, қани,*** *кетдик.* ***(Ҳ. Ғ.)***

Баъзан I шахснинг кўплик шакли бирлик маъноси учун ҳам қўлланади. Бу вақтда гап ҳурмат, кесатиш, камтарлик оттенкаларига эга бўлади: ***Маҳмуддан гина қилди:— Келинг. Маҳмудхон, нечук? Қанақа шамол учирди?—Мана,*** *келдик.* ***(А. Убайдулла.)***

Баъзан шахси аниқ гаплар диалог шаклидаги нутқда кетма-кет келади: ***Буюринг! Табриклайман!*** **(*П.Қ.)***

Шахси аниқ гапларнинг баъзи типлари сўзлашув услубида расм-одат ифодаловчи қурилмаларга айланиб бормоқда: ***Хуш кўрдик. Салом бердик*** **ва бошқалар.**

-шахси ноаниқ гап**. Бундай гапларнинг кесими феълнинг III шахс шакли билан ифодаланади. Лекин кесимидан иш-ҳаракатни бажарувчи шахсни аниқлаб бўлмайди. Бунда эга нутқдан маълум мақсадда четлаштирилади, бажарувчи шахс маълум мақсадда номаълум, ноаниқ бўлади.**

Шахси ноаниқ гапнинг кесими кўпроқ III шахсдаги номаълум шахснинг иш-ҳаракатини ифодалайди. Бунга бош бўлакнинг III шахс билан муносабатга киришуви туфайли эришилади. Бундай гаплар бадиий, публицистик, сўзлашув услубларида

кучли стилистик воситадир: ***Тана — қўрғон, дард — меҳмон*** *дейдилар.* ***(К. Я.)***

Шахси ноаниқ гапларда эганинг қўлланмаслиги қуйидаги ҳолатларда юз беради:

1.Бажарувчи шахс сўзловчи учун ҳам, тингловчи учун ҳам номаълум бўлади: ***Деҳқонбой ака, деворий газета чиқди. Клубга осиб*** *кўйишди. (А.* ***Қ.)***

2.Ҳаракатни бажарувчи шахс сўзловчи учун маълум бўлади, лекин у нуткда қўлланмайди: ***Сизга ҳали Умри тўғрисида*** *гапиришди. (А. Қ.)*

3.Ҳаракатни бажарувчи шахсни аташ мўлжалланмайди. Асосий диққат ҳаракатга жалб қилинишидан ташқари, сўзловчи бирор сабабга кўра уни ифода қилишни ноқулай деб билади: ***Николай Васильевич! Телефонга! Полкдан*** *чақиришяпти* ***(Н. С.)***

4.Ҳаракатни бажарувчи шахс конматндан билиниб туради. Шунинг учун ҳам у нуткда қўлланмайди: ***Эшитганмиз, чиройли қизларни тортиқ қилиб, подшодан катта*** *амал оладилар.* ***(0.)***

5.Ҳаракатни бажарувчи шахсни сўзловчи аниқ кўрсата олмайди: ***Орадан кўп ўтмасдан, Бадиуззамоннинг келганидан*** *хабар беришди. (0.)*

6. Бажарувчи сўзловчи шахснинг ўзи бўлиши мумкин. Лекин тинглрвчи шахснинг диққатини бунга жалб қилиш талаб этилмайди. Бу вақтда бажарувчи шахс номаълум кўпчилик билан қўшилиб кетади: ***Ўларни колхоз машъаллари деб аташади. («Ўзб.мад.»)***

Шахси ноаниқ гаплар илмий адабиётларда, расмий услуб ва иш қоғозларида деярли.қўлланмайди: илмий асарлар, расмий иш қоғозларида бажарувчи шахснинг аниқ бўлиши талаб этилади.

-шахси умумлашган гап**. Бунда бош бўлак кесимдан иборат бўлиб, ҳар уч шахс билан муносабатда бўлади. Бундай гапларда ҳаракат умумга қаратилиб, ҳаётий хулосалар, умумий қоидалар, меҳнат якунлари, умумлашган мулоҳазалар ифодаланади. Сўзловчи бу тип гапларни қўллаш билан ўз хабарига насиҳат, маслаҳат, ундаш тусини беради, ифодаланаётган ҳаракатнинг типиклигини таъкидлайди.**

Шахси умумлашган гаплар семантик жиҳатдан қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

1.Иш-ҳаракат, умуман, барчага қаратилади. Бу кўпроқ чақириқ, ундаш характерида бўлади: ***Ўзининг бутун кучи ва қувватини, билимини ҳормай-толмай халқ хизматига сарф этаётган ўқитувчиларимизни шарафлайлик!***

2.Халқнинг донолиги, анъанаси, узоқ асрлик ҳаётий тажрибалари, умумий қоидалар, умумлашган мулоҳазалар ифодаланади. Булар умумга қаратилади, конкрет ўрин ё вақт билан боғланмайди. Шунинг учун ҳам бу тип гаплар кўпинча мақол характерида бўлади: ***Ўзинг сув ичадиган қудуққа тупурма.***

Бадиий адабиётда, ташвиқот-тарғибот ишларида, дидактик характердаги нутқларда шахси умумлашган гаплардан таъсирчанлик воситаси сифатида кенг фойдаланилади.

-эгаси топилмайдиган гап. **Бу тип гапларда кесим орқали гапнинг эгасини топиб бўлмайди. Лекин ҳаракат субъекти бирор шахсга боғланмаган ҳолда мавжуд бўлади.**

Эгаси топилмайдиган гапнинг кесими грамматик шахсни кўрсатади, лекин шахс ёки предметни кўрсатмайди. У бирор воқеа-ҳодиса ҳақида тасдиқ ёки инкор, сўроқ ифода қилади, холос.

Эгаси топилмайдиган гапларнинг семантик-стилистик белгилари қуйидагича:

1. Ҳаракатни бажариш учун йўл қўйиш-қўйилмаслиги кесимдан англашилади: ***Мавлон ака, битта мих билан иморат*** *солиб бўл****майди. (А. Қ.) — Ҳа, қизларнинг кўнглини*** *тушуниб бўлмайди. (П.* ***Т.)*** **Эгаси топилмайдиган гапларнинг бу типи нутқда кўпинча риторик сўроқ гап шаклида :бўлади.** ***Қандоқ қилай, умрда бир бўладиган тўйни*** *ташлаб кетиб бўладими?! (А. Қ.)*

2. Киши истаги, иродасига боғлиқ бўлмаган ҳаракат ёки ҳолатни ифода қилади: ***Дастлаб, қўрғоннинг шикастларини тузатишга*** *киришилди.* ***(0.)***

3. Иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиши мумкин ёки мумкин эмаслиги ифода қилинади: ***Тошни тоғдан кўчириш мумкин, лекин менинг айтганимни*** *муҳайё қилиш мумкин эмас.* ***(Я.)***

4. Иш-ҳаракат ёки ҳолатни бажариш зарур-зарур эмаслиги ифодаланади. Бош бўлак ҳаракат номи ва ***керак, зарур, лозим, даркор, ҳожат, маъқул, шарт*** **каби сўзли қурилмалар билан ифодаланади:** ***Қўзиевга сушилка*** *солдириш керак.* ***(А. Қ.)***

5. Баъзан бош бўлак ***эди*** **тўлиқсиз феъли билан келади:** ***Шуни Деҳқонбойга илгарироқ*** *маслаҳат бериш керак эди.* ***(А. Қ.)***

Эгаси топилмайдиган гапларнинг бу тури бадиий адабиётда, расмий қоғозларда, маъруза ва суҳбатларда кенг қўлланади. Бу тип гаплар сўроқ гап вазифасида келганда, бадиий адабиётда, айниқса, асар қаҳрамонларининг ички дунёсини очишда, воқеа ривожида кенг фойдаланилади. Масалан, Ғафур Ғулом Ёдгорнинг ички кечинмаларини очиш учун мана шу тип гапдан жуда ўринли фойдаланган: *Нима қилиш керак?* ***Ахир «Ҳой биродар-лар, бу хотин менинг хотиним эмас. Мен ёлланиб уни қўйдим, боланинг ҳам ҳали қиз-ўғиллигини билмайман,— десам, балога қоламан. Балки жиноий масъулиятга*** *тортарлар.* ***Гарангсиб*** *қолдим».* ***(Ғ. Ғ.)***

Бадиий адабиётда воқеаларни ривожлантириш усули сифатида бу тип гаплардан кенг фойдаланилади. Бундай гап кўпинча мурожаат, чақирув оттенкасига эга бўлади:*—Халойиқ!—деди Йўлчи ҳаяжонланиб.— Бўш келманглар,* оёқни тираш керак, муштни кўрсатиш керак*. (0.)*

5. Ноиложликдан келиб чиққан заруриятнинг бажарилиш-бажарилмаслиги ифодаланади: *Ковун сайилчилар кечки пайт келишиб қолишса,* ош қилишга тўғри келади. *(С. Абд.)*

Эгаси топилмайдиган гаплар барча нутқ услубларида қўлланади:

Илмий услубга оид адабиётларда эгаси топилмайдиган гапларга кўп мурожаат қилинади. Бунда ҳодиса ва ҳаракатлар унинг субъектини кўрсатмасдан ифодаланади. Иш-ҳаракат, ҳолатни сўзловчига боғламай, ундан четлаштириб ифодалаш, уни таъкидлашда бу тип гаплар энг қулай воситадир: *Мисолдаги сифатдош-га қўшилган эгалик аффиксини у боғланиб келган отга қўшса ҳам бўлади. (Ўзб. т. грам., 1 т.)*

-номинатив гап. **Бу кесимсиз гапларнинг асосий кўринишидир. Бунда предмет, воқеа-ҳодисаларнинг номи аталиб, унинг мавжудлиги тасдиқланади.**

Номинатив гап бадиий ва публицистик услубда кучли стилистик воситадир. Айниқса, проза ва поэзияда, драма ремаркаларида шароитни тасвирлашда номинатив гаплардан кенг фойдаланилади. *Миллий нақшлар билан безалган меҳмонхона,* маданият саройи, магазинлар, *ранг-баранг гуллари билан дилни хушнуд этувчи* кенгкенг майдонлар, *ишчи шаҳарчалари, комсо-мол кўли, ойнадай шаффоф йўллар... Моҳидил сайр қилиб тўймасди. (Ж А.)*

Номинатив гап грамматик қурилиши лўнда бўлганлиги учун ҳам сўз усталари бу тип гапларни кўпроқ қўллайдилар. Бу тип гаплар сюжетнинг тез

ривожланишига имкон беради. Айниқса, нутқ бошида қўлланган номинатив гаплар кўпроқ шу вазифани бажаради. Унинг мазмуни кейинги гапларда очилишига ўқув-чи диққатини жалб қилади: ***Мана бўзлик. Бунда қанча семиз, серҳосил ерлар ястаниб ётибди. Бўз ўтларнинг минг-минг йиллардан буён чириб ётган илдизлари бу ерларни ўғитлаб, семиртириб юборган, агар сув бўлсами, тоғ-тоғ ҳосил битарди. (Ш. Р.)***

Баъзан номинатив гап матн охирида келади. Бунда у олдинги гап билан семантик муносабатда бўлиб, якун, хулоса ифодалайди. ***Қизнинг отаси, Мирзакаримбойнинг йигирма йиллик хиз-маткори, бир кечада Салимбойваччани чавақлаб, ўлигини жарга тепиб юборди.*** *Ана офат! (0.)*

Номинатив гап баъзан олдинги фикр билан кейинги фикрни боғлаш учун ҳам хизмат қилади: ***Қор кучли ёғарди. Кўчалар, гомлар, деворлар, дарахтлар оппоқ.*** *Сокин, ғариб қиш оқшоми.* ***Қор капалаклари Йўлчининг қошларига, киприкларига қўнади, юзларига ёпишиб томчиланади. (О.)***

Номинатив гаплар мураккаб қўшма гап шаклида келиб, пейзаж картиналарининг умумий тасвирини ифода қилади.

Номинатив гапнинг қўлланиши кўпинча кишининг ҳолатига боғлиқ бўлади. Киши ҳаяжонланганда кўпроқ фикрни қисқа ифодалайди. Бу, айниқса, репортаж, хотира дафтарлари, саёҳатчиларнинг ён дафтарларида кўп ишлатилади. Драма, киносценарияларнинг бутун-бутун ремаркалари номинатив гаплардан иборат бўлади.

Номинатив гаплар илмий асарларда, сўзлашув услубида жуда кам қўлланади.

10. Гап бўлакларнинг функционал қўлланиши. **Гап бўлаклари нутқ услубларида қўлланишига кўра ўзига хос хусусиятларга эга.**

Эга кўпинча кишилик олмошининг биринчи ва иккинчи шахс шакллари билан ифодаланади: ***Мен бутун ҳаётимни ўқитувчилик ишига бағиш-лайман. Бутун ҳаётимни ўқитувчилик ишига бағишлайман.*** **Иккинчи гапда кесим шакли асосий роль ўйнаган.**

Мен **олмоши билан ифодаланган эга кўпинча публицистик нутқда туширилмайди. Бу публицистик нутқ табиатидан келиб чиқади: сўзловчи шахс муҳим ҳисобланиб, суҳбатдош диққати субъектга. қаратилган бўлади:** ***Лекин бахт тушунчаси бахтли ҳаёт тушун-часидан юқорироқ туради — мен бу гапни ёшларга айтаётирман. (Т. Қориниёзий.)***

Бу жиҳатдан илмий услуб ўзгача: унда бундай эга ўрнида би-ринчи шахснинг кўплик шакли қўлланади. Илмий услубда ҳаракат субъектини кўрсатмаслик тенденцияси кучли.

Эганинг бир таркибли гап турларидан шахси аниқ, шахси но-аниқ, шахси умумлашган турларида қўлланмаслиги норма ҳисобланади, уни туширилган ёки яширинган деб бўлмайди. Агар эга нутққа киритилса, гапнинг мазмуни ҳам, структураси ҳам ўзга-ради. Қиёсланг: ***Бошингга қилич келса ҳам, тўғри гапир.— Бошингга қилич келса ҳам, сен тўғри гапир.***

Сўзлашув услубида эга вазиятга кўра нутқда қўлланмайди: ***Терим машинаси йўлда кўринган заҳоти онаси: — Келди! Келди!— деб, бизга пешвоз чиқди (П.Қ.)***

Кесим, нутқ услубларида қўлланишига кўра, айрим хусусиятларга эга. Масалан, от-кесим (содда от-кесим ҳам, таркибли от-кесим ҳам) кўпроқ илмий ва расмий идоравий услубларга, феъл-кесим (содда феъл-кесим ҳам, таркибли феъл-кесим ҳам) эса кўпроқ сўзлашув, бадиий, публицистик услубларга хосдир. Бу ҳол уларнинг мақсад ва вазифалари билан изоҳланади. Қиёсланг:

Илмий услубдан: ***Организм билан муҳит бир бутун системадир. Бу системани ҳосил қилувчи иккала компонент зиддият бир-лигини ташкил қилади. Бу зиддият организмнинг яшаш манбаи-дир ва муҳитнинг ўзгариши, ривожланиши воситаларидан биридир.***

Расмий-идоравий услубдан: ***Сайлов биносида тартиб сақланиши учун участка сайлов комиссиясининг раиси жавобгардир.***

Бадиий услубдан: ***Икромжон на бўри товушини*** *эшитар,* ***на юзларига урилаётган камишларнинг шитирлашини*** *эшитар* ***эди.*** *(С. А.)*

Сўзлашув услубидан:— ***Сени аканг боқолмай тақачига*** *топширган* ***экан. — деди Эргаш, — мени ўз отам қашшоқликдан бир бойга*** *топширди.* ***(П. Т.)***

Публицистик услубдан: ***Бу концерт кечасидан кўчага бепоён Ватанимиз, ажойиб халқимиз, нуроний ҳаётимиз учун ифтихор туйғуси билан мағрурланиб чиққанимизда бир аччиқ тарихий фактни*** *айтиб беришди* ***менга. (В. З.)***

Бадиий, публицистик ва сўзлашув услубларида таркибли феъл-кесимларнинг мураккаб шакллари кўп кузатилади: ***Майли, мен сизни*** *саводли килганим бўлсин!***— деди Элмурод. (П. Т.)***

Бадиий услубнинг образлилигига сабаб унда сифатловчиларнинг кўп қўлланишидир.

Бу ҳол публицистик услуб учун ҳам характерли: ***Ҳар бириси*** *асрларга тенг келадиган бу азамат йиллар* ***шу дўстлик, шу ҳам-корликнинг тантанасидир. (В. З.)***

Сўзлашув услубида эгалик аффикслари қўлланмасдан тааллуқлилик белгисиз ифодаланиши мумкин. ***Эсимни танибманки, бизнинг*** *хонадонда* ***аёлга қўл кўтарган кимсани билмайман. («Саодат» журн.)***

11. Гапда сўзлар тартибининг стилистик вазифаси. **Сўз тартиби нутқ услубларининг**

дифференциялашувида асосий омиллардандир. Сўз тартибига оид адабиётлар ҳамда фактик материалларга кўра, ўзбек тилида сўз тартиби ҳақида гап борганда асосий ахборот ташувчи бўлаклар гап охирида, ёрдамчи ахборот ташувчи бўлаклар эса гап бошида келади.

Гапда ёрдамчи ахборот ташувчи бўлак тема**,** берилган **деб, асосий ахборот ташувчи бўлак** рема**,** янгилик **деб ҳам юритилади.**

Сўз тартибини ўрганишда гапнинг актуал бўлиниши билан формал бўлиниши бир-бирига зид қўйилмайди. Аксинча, улар бир-бирини тўлдиради.

Гапда сўз тартиби синтактик ва стилистик роль ўйнайди. Тартиб синтактик роль ўйнаганда, унинг ўзгариши қурилманинг семантик-грамматик табиатини ўзгартади: *Кўм-кўк дала. — Дала кўм-кўк.*

Тартиб стилистик роль ўйнаганда, унинг ўзгариши гап мазмуни ва грамматик табиатини бутунлай ўзгартиб юбормайди. Бундай сўз тартибининг ўзгариши маълум мазмун ўзгариши, стилистик оттенка билан боғлиқ бўлади.

Эга ва кесимнинг нормал, объектив, тўғри тартиби кўпроқ дарак гапларга хос бўлиб, илмий, расмий иш қоғозлари услуби учун характерлидир. Сўзлашув, бадиий ва публицистик услубга оид адабиётларда эса бу тартиб ўзгариши мумкин.

Кесимнинг эгадан олдин келтирилиши нутқни таъсирчан, эмоционал қилади: — *Қуриб кетсин* ***бу Тошкент зилзиласи, ҳеч эсингиздан чиқмайди-я. (П. Қ.)***

Инверсиянинг бу турида баъзан эмоционаллик жуда кучли бўлади. Бу вақтда бундай гаплар охирида ёзувда ундов белгиси қўйилади: *Ҳа,* *зое кетмади* ***ўша курашлар, уйқусиз тунлар!— деди у илгаригидек жўшиб. (Й. Ш.)***

Эга-кесим инверсияси кўпинча сўроқ гапларда учрайди:. ***Эсингдами Катта Фарғона каналини қуриш қандай бошлангани? (Й. Ш.)***

Чақириқларда кўпинча кесим биринчи ўринга қўйилади. Бу экспрессивлик, эмоционаллик учун хизмат қилади: ***Яшасин спортчиларимиз!***

Эга ва кесим инверсияси айниқса поэзия учун характерлидир.

Тўғри, нормал, объектив тартибда тўлдирувчи ва ҳол кесимдан олдин келади. Бу илмий, расмий иш қоғозлари услуби ҳам-да бадиий нутқ учун характерлидир. Сўзлашув услубида эса бу ҳолат кўпинча инверсияга учрайди. Умуман, сўзлашув услубида инверсия ҳодисаси кучлидир.

Тўлдирувчи ва кесим инверсияси: ***Овозингни чиқарсанг... Ҳа билиб қўй!. Кўрдингми кучимни? (П. Т.)***

Ҳол ва кесим инверсияси: ***Ичимга чироқ ёқса, ёримасди*** *ўша кунлари.* ***(Я.)***

Тўғри тартибда аниқловчи аниқланмишдан олдин келади. Бадиий ва сўзлашув услубларида эса бу тартиб инверсияга учраши мумкин: — ***Ҳеч кими йўқ*** *шўрликнинг,* ***— деди отинойи, етимнинг ҳоли га ачингандай. (П. Т.)***

Поэзияда қофия, вазн, туроқ талабига кўра таркибли кесим таркибида ҳам тартиб ўзгариши учрайди: ***Билмаганин ўрганиб, Одамзод*** *топди камол.* ***(Ғ. Ғ.)***

Сўзлашув услубида баъзан ажратилган бўлаклар ҳам гап охирида келтирилади: ***Кечқурун идорада мажлис бор,*** *соат еттида.* ***(С. А.).***

Инверсия бой стилистик имкониятларга эга.

12. Уюшиқ бўлакларнинг стилистик вазифаси. **Бундай бўлаклар ёрдамида умумий картиналарнинг деталлари, ҳаракат динамикаси тасвирланади, кучли экспрессив-лик ифода қилувчи эпитетлар қатори ҳосил қилинади:** ***Одам ўқийди, ишлайди, дардга чалинади, қийинчиликларга уч-райди, оила қуради,***

бола тарбиялайди, дўст орттиради, яхшиликдан қувонади, ёмонликдан азоб чекади, адолат, ҳақиқат учун курашади. (Ҳ. Ғ.)

Феъл кесимларнинг уюшиб келиши нутқнинг динамиклиги ҳақида тасаввур беради: ***Дилдор илгарилари ҳам эри билан кўп марта баҳслашган, айтишган, уришган, аразлашган. (Ҳ. Ғ.)***

Уюшиқ сифатловчилар нутқнинг экспрессивлиги учун хизмат қилади: ***Ҳамро Раҳимов тўладан келган, ўрта бўй, қўйкўз, буғдой ранг, қирқ ёшлардан ошмаган киши экан. (Ж. А.)***

Уюшиқ бўлаклар баъзан синонимик қатор ҳосил қилиши мумкин. Бу, айниқса, бадиий, публицистик услубда кўп учрайди: ***Бошқа илож қолмагач, она энг тубан бир «ҳунар»га тутинди,*** *дўкондорларга, мулкдорларга, бадавлат одамларга* ***янада зиёд давлат тилаб, хайр-садақа сўрай бошлади. (П. Т.)***

Гап бўлаклари кўпинча боғловчиларсиз, бириктирувчи пауза ва санаш оҳангси ёрдамида уюшиб келади. Бу кўпроқ сўзлашув, бадиий ва публицистик услубларга хос бўлиб, нутққа кескинлик тусини бериш эҳтиёжи билан изоҳланади. Мисоллар:

Бадиий услубдан: ***Низомжон ўз иши билан, ахлоқи билан кўпчиликнинг оғзига тушиб қолганди. (С. Аҳм.)***

Публицистик услубдан: ***Ташаббус ташаббусни туғдиради. Унга, халқ ташаббусига, мадад беринг, у қанот ростлайди, парвоз қилади! (Й.Ш.)***

Сўзлашув услубидан: — ***Ҳа, мулла. Чарчамасдан, сиқилмасдан юрибсанми? (П.Т.)***

Поэзияда уюшиқ бўлаклар қатори кенг бўлса, улар қофия, вазн, туроқ талабига кўра гуруҳланиб келиши мумкин: ***Мен Сяо, Робсон билан, Пабло Неруда билан,Нексе, Барбослар билан суҳбатда бўлган кшии. (Ғ. Ғ.)***

Илмий ва расмий услубларда уюшиқ бўлакларнинг қўлланишида айрим ўзига хослик

кузатилади: илмий матнларда уюшиқ бўлаклар рақам—(1), (2), (3), ҳарф (а), (б), (в) шаклларида ҳам кўрсатилади. Расмий услубда, айниқса, юридик адабиётларда, уюшиқ бўлаклар алоҳида-алоҳида сатрда ҳам берилади. Баъзан уюшиқ бўлаклар анча кенг бўлиб, улар алоҳида абзацдан ёзилади. Бундай ҳолатларда уюшиқ бўлаклар ёзма нутқда нуқтали вергул (;) билан ажратилади.

13. Ундалма стилистик восита сифатида. **Ундалма, сўзловчи нутқи қаратилган шахс, жонли ва жонсиз предметни ифодалашига кўра, кучли стилистик восита ҳисобланади. Ундалмалар сўзловчининг тингловчига муносабатини ифодалаб, баҳо характеристикаси оттенкаси (ижобий, салбий, нейтрал, кўтаринки-тантанали кабилар)га эга бўлади.**

Ундалмалар кўпроқ сўзлашув, бадиий, публицистик услубларда, қисман расмий-идоравий услубда қўлланади. Илмий услубда ундалмага деярли мурожаат қилинмайди.

Ундалмаларни баҳо характеристикаси оттенкасини ифодалашига кўра, икки катта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Стилистик нейтрал ундалмалар. Бундай ундалмаларда сўзловчининг баҳо тавсифи нейтрал ва кўпроқ сўзлашув, расмий-идоравий услубларга хос:— *Сени,* *Диёрова,* *Карим ҳам, директор ҳам лақиллатишибди. (Ҳ. Ғ*

Монологик нутқда қўлланадиган *Депутат ўртоқлар, Делегат ўртоқлар* каби ундалмалар логик жиҳатдан бутун матнга қаратилган бўлади.

2. Баҳо тавсифини ифодаловчи ундалмалар эмоционал-

экспрессив бўёққа эга бўлиб, фақат нутқ адресатини ифодаламай, уни характерлайди, унга муносабат билдиради:

1) Ундалма ўз лексик маъносига кўра баҳо ифодалайди. Бу ижобий ёки салбий бўлиши мумкин: ***Чучварани хом санабсан,*** *ифлос!* ***(С. Аҳм.)***

2) Баҳо характери, ундалманинг образлилиги у билан бирга келган сўзларга боғлиқ. Образли аниқловчилар, изоҳловчилар билан келган ундалмалар нутқни образли қилади: *Курашаётган муаззам Шарқдаги азиз биродарларимиз!* ***Қудратли совет халқлари сизларга ажойиб баҳор байрами саломини ва севгисини йўллай-ди, сизларга яна ҳам улуғвор ютуқлар тилайди. (В. З.)***

3) Баҳо ифодалашда оҳангнинг ҳам роли каттадир: *Ҳой яхшилар,* ***сизлардан илтимос: машина ичига семичка пўчоғи ташланмасин.***

Баъзан ундов сўзларнинг ўзи ундалма вазифасида келади. Бу вақтда сўзловчи нутқи қаратилган шахс конматн ёки вазият-дан билиниб туради: ***Нима қилаётибсан,*** *эй,-* ***деди Дўсмат хотинига,— ақлингни едингми? (П. Т.)***

4) Ундалманинг баҳо тавсифи ифода қилишида эгалик ҳамда ***-жон, -хон, -ча, -чоқ*** **аффиксларидан фойдаланилади:** *Шигитча,* ***тушмайсизми?— деди кимдир орқадан(Ў.У.)***

Сўзлашув услубида ундалманинг III шахс эгалик аффикси билан келиши кузатилади: ***Вой,*** *отаси,* ***келдингизми? Нима гап? (П.Т.)***

5) Сўзлашув услубида буйруқ майлининг I шахс бирлик шаклининг ундалма вазифасида келиш ҳоллари учрайди: ***Ўингиз ўйланг,*** *айланай,* ***олтита болани боқиш осонми? (У. У.)***

6) Ундалмаларнинг такрорланиб келиши ҳам баҳо оттенкасини кучайтиради. Бу сўзлашув, бадиий ва публицистик услублар учун характерлидир: ***Ҳой,*** *юксак тоғ, юксак тоғ,* ***Дея ёлворди ўтлоқ (Ҳ. Ғ.)***

Баъзан гап бошида келган ундалма гап охирида такрорлана-ди:—*Мен Ёлқин акамнинг:—* *Турсун,*

қаёққа йўқ бўлдинг, *Тур-сун?* ***деган ҳайқириғидан чўчиб уйғондим. (П. Қ.)***

7) Ундалмалар градация (кучайтириш) учун хизмат қилади: ***Ҳа,*** *аблаҳ, ёлғончи, муттаҳам!..* ***Кет бу рдан, кўзимга кўринма!..*** *(П. Т.)*

Ундалма умумлаштирувчи бирлик ва уюшиқ ундалмалар шаклида ҳам учрайди: *Азиз тожик дўстларимиз: тожик пахтакори ва агрономи, тожик ишчиси ва олими, ажойиб сеҳргар тожик доктори ва санъаткори!* ***Сизларнинг меҳнатингиз ва пахтангиз ўзларингизга ўхшаган бениҳоя кўркам ва гўзал! (В.З.).***

Сўзлашув услубида ундалма таркиби баъзан мураккаб ҳолда бўлади: *Эй менинг ёруғ шамим! Ёруғ шамимгина эмас. Йўқ. Эй кўзимнинг равшан нури!* ***Сўзларингнинг латофати юз минг жондан ортиқ. (Н.)***

Расмий-идоравий услубда ундалмалар сўзловчи нутқи қаратилган шахсни ифодалайди. Бадиий, публицистик, сўзлашув услубларида эса ундалмалар жонли ва жонсиз предметларга қаратилиши ҳам мумкин: ***Эй-вой, осмон йироқ-у ер қаттиқ. Чархинг бузилсин,*** *фалак! (П.* ***Т.)***

Ундалма бадиий адабиётда персонажлар нутқини характерлаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан, тарихий темада ёзилган асарларда эскирган сўз бўлган ундалмаларга мурожаат қилинади: ***Чақиртирган экансиз,*** *аъло ҳазрат? (В. С.)*

7)Ундалмаларнинг гапдаги ўрни (гап бошида, ўртасида, охирида) ҳам баҳони кучайтиришда муҳимдир: ***Тўғри айтасиз,*** *эгачи!—* ***деб унинг сўзларини тасдиқлади. (Ҳ. Ғ.)***

Ундалмалар кўпинча гап бошида келади.

14. Кириш бўлакларнинг ва киритмаларнинг стилистик хусусиятлари. **Киришлар сўз, сўз, бирикмаси, гап шаклида бўлиб, барча нутқ услубларида қўлланади.**

I. Киришлар сўзловчи шахснинг айтилаётган фикрга бўлган муносабатини ифодалайди. Булар қуйидаги семантик-стилистик хусусиятларга эгадирлар:

1. Ишонч ёки тасдиқ ифодалайди. Бу тип киришлар деярли барча нутқ услублари учун характерли. Лекин булар сўзлашув, бадиий, публицистик услубларда нисбатан кўпроқ қўлланади: ***Зокир ота, шубҳасиз, жуда тажрибали пахтакор. (А. Қ.)***

Бу тип киришлардан ***сўзсиз, ўз-ўзидан, аниқки*** **кабилар кўпроқ илмий услуб учун характерлидир:** ***Агар равишдош шаклидаги феъл кейинги феълнинг белгисини кўрсатса,*** *ўз-ўзидан,* ***кейинги феъл мустақил феъл бўлади. (Ўзб. т. грам., I т.)***

2. Гумон ифода қилади. Бу тип киришлар ҳам кўпроқ сўзлашув, бадиий ва публицистик услубларга хосдир: *Афтидан,* ***Даврон унга жой банд қилиб ўтирибди! (П.Қ.) Менинг сўзларим сизга,*** *эҳтимол,* ***аччиқ татиётгандир. (Ҳ. Ғ.) Бошлаган ишимиз олло таолога ёқмади,*** *чоғи.* ***(С. Аҳм.) Сирини айтишига, юрагини***
бўшатишига ғурури йўл бермади, *шекилли.* ***(Ҳ.Ғ.)***

Илмий, расмий-идоравий услубнинг экстралингвистик белгилари бу тип кириш қурилмаларнинг илмий, расмий-идоравий матнларда қўлланишини чегаралайди.

Сўзлашув услубида башарти, борди-ю **киришлари кўп қўлла-нади:** *Борди-ю,* ***ўша юлдузларда инсон ҳам бўлса-чи? (Ж.*** *А.) Башарти,* ***Ҳакима кеч қолса-чи?***

Сўзлашув услубида ***ким билади*** **қурилмаси ҳам нутқдаги вазифаси ва маъносига кўра кириш вазифасида келади:** ***Мана шу воқеа,*** *ким билади,* ***нима учундир Абдулланинг хаёлидан сира кўтарилмасди. (У.У.)***

3.Орзу-умид, истак, мамнунлик ифодалайди. Бу тип киришлар кўпроқ сўзлашув услубига хос:

ишқилиб, қани энди, кошкийди, яхшиямки, хайрият **каби.**

3. Тааҗжуб ифодалайди. Бу тип киришлар кўпроқ сўзлашув, бадиий, публицистик услубларда қўлланиб, илмий, расмий-идоравий услубларда кузатилмайди: ***нима бало, наҳотки, тавба*** **каби**

4. Ухшатиш ифодалайди. Бу тип кириш қурилмалар ҳам сўзлашув, бадиий услубларга хос: ***Оқшом пардаси қоплаган кўча. Хиёбонда қуёш чарақлаб кетди,*** *мисоли.* ***(Р. Ф.)***

5. Таъкид ифодалайди: ***ахир, холос, қайтага.***

6. Тахмин ифодалайди: ***чамамда.***

II. Айтилаётган фикрнинг кимга қарашли эканлигини ифодалайди: ***менимча, фикримча, назаримда, айтишларича, билишимча... айтмоқчи*** **кабилар кўпроқ сўзлашув, бадиий ва публицистик услуб учун характерли.**

Бу тип киришлардан ***бизнингча, бизнинг фикримизча, унингча, маълум бўлишича, ... нинг қайд қилишича, ... нинг фикрига кўра, ... нинг ёзишича*** **кабилар илмий услуб учун, айниқса, унинг илмий баҳс соҳаси учун характерлидир.**

Расмий-юридик услубда зса … ***га мувофиқ, ... га биноан, ... бўйича, ... га асосан*** **каби киришлар кўп учрайди.**

III. Айтилаётган фикрнинг олдинги фикр билан алоқасини ифодалайди. Бунда қуйидаги ҳолатлар кузатилади:

1. Бир гап, абзац ёки мураккаб синтактик бутунлик таркибида айтилган кейинги фикр олдинги фикр билан муносабатда бўлади. Бунда кўпинча кейинги киришли гап олдинги фикр хулосаси, якунидай ҳисобланади. Бу вазифада сўзлашув, бадиий, пуб-лицистик услубларда ***бундан чиқди, қўйинг-чи, барибир, яхшиси, шу-шу, қилди-қилди, шундай қилиб, бир сўз билан айтганда, хул-ласи калом,***

вассалом, бинобарин, қарабсизки, қўйингки, умуман **каби сўзлар келади.**

Сўзлашув услубида: ***яхшиси, қўйинг-чи, шунақа қилиб, шу-шу*** **каби.**

Публицистик услубда: ***бир сўз билан айтганда, шундай қилиб, барибир*** **каби**.

Бадиий услубда: *бинобарин, қўйингки, қарабсизки* **каби.**

Илмий услубда: ***демак, умуман олганда, шундай экан*** **каби.**

Бир абзац, мураккаб синтактик бутунликда айтилган фикр олдинги матнда айтилган фикр билан муносабатга киришиб, унинг хулосаси, якунини ифодалайди. Бу вақтда ***кўринадики, англашиладики, кўриб ўтдикки, хуллас*** **каби киришлар келади.**

IV. Айтилаётган фикрнинг тартибини ифодалайди. Бу вазифада ***биринчидан, иккинчидан, аввало, ниҳоят, сўнгра, охири, дастлаб, иннайкейин*** **каби сўзлар келади. Булардан** ***ниҳоят, дастлаб, аввало, охири*** **кабилар бадиий, публицистик, сўзлашув услубларида кўпроқ қўлланади.**

Сўзлашув услуби учун ***иннайкейин*** **кириши хос.**

Биринчидан, иккинчидан **каби кириш сўзлар кўпроқ илмий услубга хосдир.**

V. Фикрнинг одатда юз бериб турадиган воқеа-ҳодисани англатишини ифодалайди: ***одатда, одатга кўра, одат бўйича*** **каби**

Киритмалар тушунарсиз ёки тушунилиши қийин сўзлар (диалектизм, профессионализм, термин, жаргон, архаизм, историзм кабилар) маъносини, айрим лексик бирликларнинг талаффузи ёки этимологиясини изоҳлаш, сўзловчининг субъектив-эмоционал муносабатини ифодалаш, хабар манбаини кўрсатиш, қўшимча маълумотлар бериш учун хизмат қилиб, айрим бўлак, бирикма, гап шаклида бўлади.

Одатда, сўзлашув услубида киритмаларга кўпроқ эҳтиёж сезилади.

Киритмалар бадиий ва публицистик услубларда ҳам фикр баён қилишнинг махсус усули ҳисобланиб, персонаж кечинмала-ри, образлар ҳаракатининг ички мотивлари, ҳис-ҳаяжоннинг сабаблари, тасвирланаётган воқеликка бўлган муносабат кабилар-ни ифодалайди, ифода қилинаётган фикрни изоҳлайди ёки бу ҳақда қўшимча маълумот беради: ***Шундай кезларда*** *(бунақа кезлар икки-уч бор бўлган)* ***Азизхон кетишга шошилмайди. (С. А.)***

Илмий ва расмий-идоравий услубларда: ***Бу нарса сўзнинг ўзаро боғланган уч хил структурага эга эканлигини кўрсатади: сўзнинг семантик структураси*** *(сўз англатадиган маъноларнинг бутун системаси),* ***сўзнинг фонетик структураси*** *(сўзнинг типик фонетик хусусиятлари),* ***сўзнинг морфологик структураси*** *(морфемаларга бўлиниши).* ***(Ўзб. т. грам., I т.)***

Тўққизинчи мавзу:
Қўшма гаплар услубияти

Р е ж а :

1. Боғловчили ва боғловчисиз қўшма гаплар синонимимяси.

2. Боғловчиларнинг услубий вазифаси, улар орасидаги синонимия.

3. Эргаш гапнинг стилистик хусусиятлари.

4. Равишдош оборот ва қўшма гап стилистикаси

5. Сифатдош оборот ва эргаш гапли қўшма гап стилистикаси.

6. Мураккаб қушма гаплар стилистикаси.

9. Мураккаб синтактик бутунлик.

1. Боғловчили ва боғловчисиз қўшма гаплар синонимимяси. **Ушбу гапларни солиштириб кўрайлик:** ***Ватан қўлимиздан етаклади ва биз ғалаба қилдик. Ватан қўлимиздан етаклади-ю, биз ғалаба қилдик. Ватан қўлимиздан етаклагани учун, ...Ватан қўлимиздан етаклаб, ... Ватан қўлимиздан етаклагач, ... Ватан қўлимиздан етаклади: биз ғалаба қилдик.***

Бу гаплар мазмун томондан бир хил ёки жуда яқин: ҳаммасида ҳам сабаб-натижа муносабати ифодаланган. Улар ўзаро синонимик гаплар қаторини юзага келтиради ва исталганидан фойдаланиш мумкин бўлади. Лекин бу гаплар грамматик томондан, маъно оттенкасида маълум даражада бир-биридан фарқ қилади: бу, аввало, боғловчиларда, оҳангда, гаплар тартибида кўринади.

Эргашиш йўли билан ҳосил бўлган қўшма гапларнинг аксарияти икки хил қўлланади: боғловчи орқали ва боғловчисиз — ёлғиз оҳанг воситасида: *Биламизки, тинчлик урушни енгади.— Биламиз: тинчлик урушни енгади.*

Боғловчили ва боғловчисиз қўшма гаплар аввало услуб талаби билан қўлланади. Масалан, илмий нутқда фактлар қиёсланади, фикр исботланади, нарса-ҳодисалар орасидаги мантиқий боғланиш қайд этилади: *Агар ихтиро ёки рационализаторлик таклифи бир неча шахс томонидан берилган бўлса, улар шерик авторлар бўладилар ва уларнинг ҳар қайсиларига таклифни яратишда автор бўлганликларини гувоҳлантирадиган ҳужжатлар олиш ҳуқуқи берилади.*

Айирувчи боғловчилар *(гоҳ, баъзан, дам, ёки* ва б.) гап мазмунини ёки қўшимча маънони тайин этишда муҳим белги саналади: *Баъзан* ***равон туғилса мисра,*** *баъзан* ***бир сўз — соатлаб меҳнат. (Ж. Ж.)***

Умумлашган ва қиёсий муносабат ифодаловчи гапларда нисбий олмошлар ҳалқа вазифасини бажаради, демак, бундай қурилмалар ҳам доимо боғловчилар орқали шаклланади: *Нима* ***эксанг,*** *шуни* ***ўрасан. (Мақол.)***

Бўлишсизлик — инкор билдирган гаплар ҳам боғловчили қўллаиади. Бу вақтда *на* боғловчиси ҳам ўз вазифасида (қатъий бўлишсизлнк, кучайтириш), ҳам боғловчи ўрнида келади: *На сен назар қилдинг ҳолимга бир бор, На мен айта олдим сенга бирор сўз. (А. 0.)*

Ҳозирги ўзбек тили нутқ услубларининг қарийб ҳаммасида, айниқса бадиий ва публицистик асарларда компонентлари *ҳатто, фақат, ёлғиз, -гина* юкламалари; *яъни, масалан, айниқса, жумладан, шахсан* каби кириш сўзлар; *дейлик, демак, бошқача айтганда, шундай қилиб* каби феъл-киришлар, *шу билан бирга, шундай қилиб* каби бирикмалар, *эмас* тўлиқсиз феъли ва бошқалар ёрдамида боғланган қўшма гап типлари кўп учрайди. Бу воситалар, асосан, услубий вазифа бажаради: улар орқали шаклланган қўшма гаплар миқдор-қурилиши жиҳатидан боғловчили

қўшма гапнинг у ёки бу типига (боғланган ё эргаш гапли) ўхшаса ҳам, мазмун-ҳукм нуқтаи назаридан ўзига хос айрим томонлари билан ажралиб туради. Бундай гапларда айни бир фикр икки содда гап орқали берилиб, иккинчи қисм биринчи гапда берилган фикрга аниқлик киритади, изоҳлайди; у ёки бу белгини таъкидлаш, кучайтириш мақсадида у гап алоҳида зарб билан айтилади; факт ё ҳодисалар солиштирилади; ниҳоят, бадиий ва публицистик асарларда фикр тадрижий ривожлантирилади (градация): *Яшагил, кетмоним, ноним, меҳнатим, Яъни она-Ватан, сенга ташаккур! (Ғ.Ғ.)*. Илмий нутқда эса ана шу икки гап орқали умумийлик ва хусусийлик орасидаги нисбат очилади.

Боғловчили қўшма гапларда ифода имкониятлари, боғловчисиз қурилмаларга нисбатан, хийла кенг бўлади. Жумладан, эргаштирувчи боғловчи орқали ҳосил бўлган қўшма гапларда бирор стилистик эҳтиёж билан эргаш гапнинг ўрнини ўзгартиш (инверсия) мумкин: *Она кулганда, олам яларар.— Олам яшарар, она кулганда.*

Боғловчисиз қўшма гаплар учун қуйидаги тип гапларни киритиш мумкин:

1.Бош гап таркибида кўпинча кўрсатиш олмошлари *(у,бу, шу)* ва уларнинг турли шакллари *(уни, шуни* ва б.) бўлади: *Одатим шу: ишнинг чаласини ёмон кўраман.* Бундай гаплар оғзаки нутқда кўп учрайди.

2. Қўшма гап қисмларида антонимлар қўлланиб, улар ёрда-мида гаплар мазмуни аниқланади: *Яхши ошини ейди, ёмон — бошини.*

3.Айрим гапларда бўлаклар такрорланиши мумкин: *Бунда булбул китоб ўқийди, бунда қуртлар ипак тўқийди. (Ҳ. 0.)*

4. Қўшма гапнинг биринчи қисми шундай мазмун ифодалаб, шундай оҳанг билан айтиладики, ундан кейин иккинчи гап керак-лиги аниқ сезилиб туради: *Шукур, бефарзанд эмасман: икки ўғил-чам, бир қизим бор. (0.)*

Бадиий нутқда бир неча содда гап воситасида бирор шахсга тавсиф берилса ёки табиат манзараси чизилса, ортиқча белгига ўрин қолмайди. Агар улар орасида ҳар сафар бирор боғловчи қўллайверсак, ифодага «ортиқча» юк бўлади; айрим боғловчи такрорланиб қолса, фикр ғализлашади. Поэтик асарда ритм, вазн талаби туфайли боғловчига сира эҳтиёж қолмаслиги мумкин: *Дарёлар қурийди, нурайди тоғлар, Хазон бўлар ҳатто ям-яшил боғлар...*

Она меҳри яшар қалблар-да, Дилларни-дилларга умрбод боғлар...(Ҳ.О.)

Боғловчисиз шаклланган қурилмалар мазмунан узвий боғлиқ бўлади; улар шундай тартибда жойлашадики, бир гап иккинчиси учун жуда зарур элементга айланади, бир-бирини талаб қилади. Улар орасидаги оҳанг эса ифодага тасвирийлик, образлилик, жонлилик киритади.

Боғловчисиз қўшма гапларда таъсирий бўёқ, тасвирийлик, жозибалилик кучли бўлади; ифода равонлиги туфайли енгил ўқилади.

Боғловчисиз қўшма гаплар боғловчили қўшма гапларга синоним бўлиб, услуб томондан икки хил қўлланади:

а) боғланган қўшма гапга тенг келадиган боғловчисиз қўшма гапларнинг қисмлари пайт билдирса, улар орасига бириктирувчи боғловчини, зидлик муносабати ифодаланса, *лекин, аммо, бироқ* боғловчиларидан бирини (баъзан *-у, -ю, -да* юкламаларини) қўйиш мумкин: *Офтоб сўнди, уфқда қип-қизил шафақ ёнди. (С. Аҳм.) — Офтоб сўнди* ва *уфқда қип-қизил шафақ ёнди. Булбул кетди — гул қолди;— Булбул кетди,* *лекин* *гул қолди. Олам қуёш билан ёруғ„ одам* *эса* *илм билан;— Олам қуёш билан ёруғ, одам — илм билан.* Бу гаплар мазмунан бир-бирига тенг бўлиб, ифода ва услубда фарқ қилади.

б) боғловчисиз қўшма гаплар эргаш гапли қўшма гапларга синоним бўлади: *Отангиз бор: белингиз бақувват, ўғлим (0.) - Отангиз бор,* *шунинг учун* *белингиз бақувват, ўғлим. Юрт тинч — сен тинч.— Юрт тинч бўлса, сен ҳам тинч.*

Боғловчисиз қўшма гапларда айрим мазмуний муносабатлар хийла умумлашиб кетади: *Сен яна келдинг, ясанди дунё, Саҳроларга тўшалди гилам.* (Қиёс учун қўшма гапга айлантириш зарур).

2. Боғловчиларнинг услубий вазифаси, улар орасидаги синонимия. **Қурилманинг боғловчига қараб ўзгарадиган вариантлари: *Кўнглимни завқ асир этди-ю, ёш боладай ҳар ён югурдим. (Ҳ.О.). Кўнглимни завқ асир этди* *ва* *ёш боладай ҳар ён югурдим. Кўнглимни завқ асир эт*гач*, ёш боладай ҳар ён югурдим .Кўнглимни завқ асир эт*иб*, ёш боладай ҳар ён югурдим. Кўнглимни завқ асир эт*гани учун*, ёш боладай ҳар ён югурдим. Кўнглимни завқ асир этганда, ёш боладай ҳар ён югурдим.***

Юқоридаги ҳар бир гапда стилистик маънолар (сабаб, натижа, ҳолат, пайт)ни ифодалаш учун турли

боғловчилардан фойдаланилган. Боғловчилар кўпроқ китобий услубга хосдир.

Ва* боғловчиси, асосан, икки содда гап орасида келади. *Ҳамда, ҳам* боғловчилари нисбатан кам қўлланади. Лекин публицистика ва бадиий нутқда, баъзан илмий услубда бу боғловчининг такрорий шаклидан фойдаланилади: *Ер ҳам соз, ўғит ҳам яхши. (У.)

***Ҳам* боғловчиси такрор қўлланиб, гапда инкор маъноси берилса, унинг ўрнида *на* боғловчисидан фойдаланиш мумкин: *На ота қолди, на она қолди.* Демак, *на* боғловчиси бундай ҳолда ҳам юклама, ҳам боғловчи вазифасини бажаради.**

Лекин, бироқ, аммо* боғловчилари ёрдамида кўпроқ тазод (антитеза) ҳосил қилинади: *Эй сен, буюк шаҳар, музаффар пойтахт, Шоҳи жаҳонларни тупроққа қординг, Аммо менга ясаб шундай тахт, Жаҳон шоҳи қилиб кўтардинг. (Э. В.)

Бу боғловчилар ўрнида *фақат, ёлғиз, -у (-ю), -да* юкламала-ри, *эмас, бўлса, эса* феъллари, *балки* сўзи келиб, хилма-хил маъ-но бўёқлари (кутилмаганлик, тўсиқсизлик, зидлик, таъкид, киноя, воқеа-ҳодисаларнинг алмашинуви каби) ифодаланади. Бу ҳол сўзлашув, бадиий ва публицистик нутқда кўпроқ учрайди.

***-у (-ю), -да* юкламалари бириктирув боғловчиларига синоним бўла олади. Бу вақтда қиёслаш, зидлик, тенглик, сабаб, натижа каби маънолар англашилади: *Машина хўп яхши нарса-ю, ўзига яраша унинг ҳам нағмалари бор-да. (С. А.) Икки йил бурунги еоқеани эслайман-у, вужудим титрайди. (Й. Сулаймон.)* .**

Демак, зидлов, бириктирув, қиёс, инкор боғловчилари орасида услубий вазифадошлик бор. Шунинг учун ҳатто зндлик билдир-ган гапларда баъзан *ва* боғловчиси ҳам қўлланиши мумкин: *Бахт ахтарар ва қора тақдир Мазах билан қилар ҳақорат. (Ҳ.0.)*

Ҳозирги замон поэтик асарларида, баъзан прозада ҳам, хилма-хил услубий бўёқларни (риторика, савол, таъкид) бериш учун ҳатто боғланган қўшма гап қисмлари орасида эргаштирувчи боғловчи вазифасида келадиган *-чи* юкламаси қўлланмоқда: *Бир челак сув бўлиб айланар жаҳон, Мен-чи, бир томчиман ўша тўлқин-да. (Э. В.) Офтоб оламни яратгани рост, Она-чи, одамни яратган зот. (Ж. Ж.)*

Мумтоз адабиётда ҳам, бугунги поэтик ва публицистик асарларда ҳам бир гапнинг ўзида икки ва ундан ортиқ ҳар хил маъноли боғловчилар қўлланиб, услубий вазифа бажарганини кўриш мумкин: *Агарчи **аҳли наводур** вале **ул ой боқмас. (Н.) Лекин у камроқ топилди,** гарчи **бисёр истадим (Н.).***

Бу фактлар синонимиянинг боғловчилар орасида ҳам кучли эканини кўрсатади. Демак, боғловчиларнинг якка ёки қўшалоқ, ҳатто уч марта қўлланиши ҳам муайян-мақсад билан боғлангандир: таъкид ва зидлик маъносини бериш учун *-у (-ю), -да* юкламалари билан бир қаторда *лекин, аммо, бироқ* боғловчилари ҳам қўлланади: ***Колхозда ишларим бошдан ошиб ётибди-ю, лекин келмасликка иложим йўқ. (Ас. М.)***

Тенглик ва зидлик маъноларини ифодалаш учун *ва, лекин (бироқ, аммо)* боғловчилари ёнма-ён келади: ***Дўсти содиқ йўқ экан, деб ўртаниб куйма** ва лек **Меҳр уйин кенг очсанг, Эркин, дўст бўлур бегона ҳам. (Э. В.)***

Тенглик ва айирув маъноларини бир йўла бериш учун *ва, ё (ёки)* боғловчилари ишлатилади: ***Кўл узра оққушлар парвоз этдими Ва ё ўйларингни олиб кетдими, Сочларингни силаб ўтганда шамол? (Э. В.)***

Зарурият туфайли баъзан, айниқса, сўзлашув услубида икки бир хил боғловчи ёнма-ён келади: *Аммо лекин, Шоҳистахоним, ваҳима бўлиб қолибсиз. (У.)*

Хуллас, боғловчиларнинг ўзига хос моҳияти, гапда ўз ўрни ва услубий вазифаси бўлади. Бадиий адабиётда, баъзан публицисти-када тенг боғловчилардан олдин нуқта қўйиб, иккинчи гапни бош ҳарф билан бериш ҳоллари ҳам учрайди.

Айрим феъл шакллари *(-гач, -ганда, -иб)* ўрни билан бириктирувчи боғловчилар *(ва, ҳам, ҳамда)* ўрнида қўлланиши мумкин: ***Орадан ўн йил ўтди** ва гўзал **Фарғона Бориб туташа олди коммунизмга. (Ғ. Ғ.)***

Ҳозирги нутқ жанрларида *-гач, -иб* шаклларининг вазифаси анча кенг, Масалан, *-гач, -иб* шакллари услуб талаби билан баъзан эргаштирувчи боғловчилар *(чунки, шунинг учун, -гани учун* ва б.) вазифасини бажаради: ***Фарзанди бу ерда студент бўлгач, Отаси яшайди тинч ва осуда. (Ғ. Ғ.)***

***-ган (-кан, -қан...)* шаклидан кейин келиб, пайт билдирган *-да* (келишик шакли) ўрнида турли кўмакчилар *(чоғда, пайтда, зумда, ҳамон, дамда* ва (бошқалар) қўлланади:**

Кремль куранти занг урган дамда, Қон тўла тепади жонон юраклар. (Ғ. Ғ.)

Ўхшатиш эргаш гапни ўзаро боғлайдиган воситалар ҳам бир-бирининг ўркини қоплайди: *-дек, -дай, каби, гўё, худди, янглиғ, ўхшаб, бамисоли* ва бошқалар: *Бахтимга ўхшайди юлдузлар, гўё Менинг тупроғимда энг гўзал баҳор. (Р. Парфи.)*

Сабаб эргаш гапда қўлланадиган ҳамма боғловчилар бир-бирининг синоними саналади: *Бахтим бор,* *шунинг учун* ***ҳар нарса кўзимга гўзал кўринади. Бахтим борки, ... Бахтим бор бўл-****гани учун,* ***... , Бахтим*** *борлиги сабабли,* ***... ,Бахтим борлиги-дан, ...***

Тўсиқсиз эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар ҳам бир-бирига жуда яқин туради, шунга кўра улар ўзаро алмашиниб қўлланилиши мумкин: *Ер кўпчиб ётганига қарамай, гўзани суғораверишди. Қуёш ҳамма ерга баравар нур сочган ҳолда, боғда гул, чўлда янтоқ кўкаради. (Н.)*

Зидликни кучайтириш учун шеъриятда, баъзан публицистикада ана шу феъл шакллари билан бир қаторда *афсус, барибир, қанча* каби модал сўзлар, юклама вазифасидаги *ҳам* боғловчиси, айрим олмошлар қўлланиши мумкин: *Олисда шаҳарлар вайрон бўлишига, одамлар ўққа учишига қарамай, баҳор* *барибир* ***одам-лар қалбига аллақандай илиқлик олиб келди. (С. А.)***

Оғзаки сўзлашув услубида феълнинг шарт майли, ундан ке-йин аниқ майли такрор қўлланиб, тўсиқсиз эргаш гап билан бош гап ўзаро *-ки* юкламаси ёрдамида боғланади: *Хотин кишининг юрагидан фарзанд доғи кетса кетадики, бундай гапнинг алами кетмайди. (С. А.)*

Демак, айрим эргаш гаплар мазмуни билан ҳам, боғловчи во-ситалари билан ҳам бир-бирига синоним бўла олади.

Эргаш гапларнинг иккинчи бир типи бош гапга нисбий-сўроқ олмошлари ёрдамида боғланиб, ғоятда умумлашган-қиёсий мазмун муносабатларини ифодалаш учун хизмат қилади. Бу олмошлар қаторига *ким, нима, қайси, қаер, қандай, қачон, қанча, нечта нечанчи* олмошлари, уларнинг турли шакллари ёки кўмакчили ҳолатлари киради.

Нисбий олмошлар иштирокида шаклланган қўшма гаплар оғ-заки сўзлашув услубида кам (нисбатан) учрайди: *Катта арава кайси йўлдан юрса, кичиги ҳам шу йўлдан боради.* Публицистик ва поэтик нутқда эса бу олмошлар ёрдамида шаклланган гаплар етакчи ўрин эгаллайди: *Ким*

қуёш нурин ниҳон қилди, Бадрни мис табақ гумон қилди (Навоий).

Нисбий-сўроқ олмошили қурилмалар ҳозирги адабий тилимизда ҳам кенг тарқалган. Нисбий сўроқ олмошлари, айниқса *ким* олмоши ўрнида классик мавбаларда *ҳар ким, биров, улки, киши* сўзлари қўлланиб, сўроқ олмошининг синонимн вазифасини бажарган. Лекин маънода умумийлик оттенкаси сақланган: *Бировким **бир оёқ ош учун қул, Юзига керакдир қозоннинг қароси. (Н.)** Улки **буюриб, ўзи қилмағай Ва ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай. (Н.)***

Қўшма гап ва унинг боғловчилари билан алоқадор бўлган масалалардан бири содда гаплар тартибидир. Қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг ўз ўрни бўлади. Бу ўрин, айниқса, боғлов-чисиз қурилмаларда қатъийдир.

Сабаб эргаш гап бош гапга *-ки, учун, шунинг учун, деб, -га-нидан, сабабли* каби воситалар ёрдамида боғланса, ҳар доим би-ринчи ўринда келади: *Ҳар кун ортар кўзларимда нур, Шунинг **учун йўқ асло ғамим. (Ҳ. 0.)***

Боғловчи эргаш гап учун муҳим белгидир. Бош ва эргаш гап-ларнинг мазмуний муносабатини, эргаш гапларнинг тЎрин и аниқлашда боғловчилар маълум даражада роль ўйнайди. Бош ва эргаш гапларнинг ўрни стилистик ва логик талабларга кўра ўзгариши мумкин, бунда мазмунга путур етмайди. Ҳатто оғзаки сўз-лашув услубида фикран биринчй ўрингa қўйилган содда гап, масалан, иккинчи ўринда келиши лозим бўлган бош гап биринчи ўринда қўлланади ва услуб томондан ўзини оқлайди: *Эгилганга эгилгин, бошинг ерга теккунча. (Мақол.)*

Поэтик асарларда эса вазн, қофия, туроқ кабилар талаби би-лан бош ва эрга.ш гапларнинг ўрин алмашуви (инверсия) табиий бир ҳол саналади. Ҳол эргаш гапларнинг деярли ҳаммасида инверсия ҳодисаси бор: *Улуғ муаллимдан мен олдим ўрнак, юлдуз-лар қуёшдан нур олганидек. (А. 0.)*

Бу ҳол илмий ва публицистик нутқда ҳам учрайди: *Санъат асарининг ҳаммаси шу сабабли бадиийдирки, улардан бирорта сўз, товуш ёки чизиқчани бошқаси билан алмаштириб бўлмайди. (В. Белинский)*

Шундай қилиб, ҳозирги ўзбек тилида (қисман классик асарларда ҳам) эргаш гап бош гапга нисбатан тўрт хил ўринлашуви мумкин:

а) бош гапдан олдин: *Терлар олтин бўлиб, оппоқ бахт бўлиб, **Барака қўшилди кузда хирмонга. (М. Бобоев.)***

б) бош гапдан кейин: ***Кишининг ҳолини сўзидан билиш мумкин,*** *чунки сўз кишининг кўнглидан хабар беради.* ***(«Қобуснома» дан).***

в) бош гапнинг ўртасида: ***Рўзимат,*** *кулги босилмасдан,* ***сўзини давом эттирди. (А. Қ.)***

г) эргаш гап бош гапнинг икки томонида келади: ***Шараф қўл*** *ёзмаси деб аталган бу катта хатда, Билиб қўйки,* ***азизим,*** *Сенинг улуғ* ***номинг*** *бор.* ***(Ғ. Ғ.)***

Эргаш гаплар тартиби эркинлигининг асосий сабабларидан бири ёзувчи ё сўзловчининг услубидир: ***Ер ўрик эмаски, ўзи гуллаб, ўзи мева берса...***

3. Эргаш гапнинг стилистик хусусиятлари. **Эргаш гап семантик ва стилистик томондан муҳим услубий вазифа бажаради: берилган гап мазунига бирор аниқлик киритади, бирор муҳим ўринни изоҳлайди, умумий тушунчани конкретлаштиради, мазмунни тўлдиради; ўрни билан ҳатто зарур бадиий восита (ўхшатиш, сифатлаш, муболаға каби) сифатида қўлланади.**

Бирор гапнинг тўла шаклини, тугаллигини ва етакчи маъносини кўрсатишда иккинчи даражали бўлаклар ўзига хос моҳият касб этади.

Солиштиринг: ***Навоий туғилди. — Навоий 1441 йилда Ҳиротда туғилди.***

Эргаш гаплар ҳақида ҳам шуни айтишга тўғри келади. Ҳозирги ўзбек тилининг ҳамма нутқ услубларида ***«Нур борки, соя бор», «Одам борки, одамларнинг нақшидир», «Сездимки, раис хафа»*** **типидаги қурилмалар кўп учрайди. Ҳар икки қисмда ҳам маълум бир мақсад бор, ҳар бири ўзига хос интонацион тугалликка эга. Лекин услуб томондан** ***«Соя бор», «Одам бор», «Сездим»*** **гапларида нимадир, жуда зарур, ҳукмни ойдинлаштириш эҳтиёжини қондирадиган бўлак етишмайди. Буни гапларнинг мантиқий йўналиши ҳам, структура ҳам, ифода ҳам аниқ кўрсатиб турибди; биринчи бош гапга** ***(Соя бор)*** **сабаб ҳоли, иккинчи бош гапга** ***(Одам борки)*** **аниқловчи, учинчисига** ***(Сездим)*** **тўлдирувчи зарур.**

Бош гапда ифодаланмай қолган бирор бўлак ўрнида эквивалент тарзида бирор эргаш гап олиниши мумкин.

Эга ўрнида: ***Ҳаммага маълумки*** **(нима?),** ***пахтанинг сифати унинг тезроқ териб олинишига ҳам боғлиқ.***

Кесим ўрнида: ***У ҳам донгдор. Пахтачилик институтида ўқий-ди... Лекин Умароводан фарқи — у ҳали ёш. («С. Узб.»)*****—Биринчи гапда** ***(Умароводан фарқи)*** **кесим,** ***У ҳали ёш*** **гапи бош гапнинг** ***фарқи*** **деган эгаси учун кесимлик функциясини бажаради.**

Тўлдирувчи ўрнида: ***Сен сездингми*** **(нимани?),** ***бизнинг на-фасдан Коинотда отган эди нур. (З.)***

Аниқловчи ўрнида: ***Бир ўлкаки*** **(қандай?),** ***тупроғида олтин гуллайди. (0.)***

Ҳол ўрнида: ***Мен осмонга қўл узатганда, Сайёралар қўнар кафтимга. (Э. В.)***

Бундай қурилмаларда бош ва эргаш гаплар семантик жиҳатдан бир-бирининг зарур элементига айланади: бири иккинчисисиз қўлланмайди.

Булар стилистикада параллел қурилмалар номи билан юритилади: ***Кўрдимки, командир келаётир.— Командирнинг келаётганини кўрдим. Сездимки, дарё саёз.— Дарёнинг саёзлигини сездим.***

Бадиий ва публицистик нутқда нисбий олмошли қурилмалар кўп учрайди. Бунда мазмун ғоят умумлашган бўлади. Бу вақтда эргаш гап шахс, предмет, ўрин, ҳолат, сифат-белгилар орасидаги муносабатни қиёслаш, уларга маълум даражада аниқ-лик киритиш учун хизмат қилади: ***Ким эгри бўлса, сўзи ҳам тўғ-ри эмас. (Н.) Ҳар кимки вафо қилса, вафо топгусидир. (Бобир.) Кимики мард эрур, инсоф лозим. (Фузулий.) Қайга десанг, қайтмай борурман. (Ҳ.*** **0.)— Биринчи эргаш гап бош гап учун аниқловчилик, иккинчи эргаш гап бош гап учун эга, учинчи эргаш гап** ***(Кимики мард эрур)*** **бош гап учун тўлдирувчи ва тўртинчи эргаш гап** ***(Қайга десанг...)*** **бош гап учун ўрин ҳоли вазифасини бажарган.**

Бош гапда ифодаланмай қолган бўлак ўрнида баъзан ***шу, шуни, у, унга, ундан, у ерда, ўша*** **каби кўрсатиш олмошларини қўллаш мумкин.**

Бундай гаплар ёйиқ содда гапга айлантирилганда, эргаш гап бош гапнинг олмош бўлаги ўрнини эгаллайди: ***Ким истаса салтанат саховатдир анга шарт. — Салтанат истаганга саховат шарт. (Н.)***

Албатта бу гаплар орасига узил-кесил тенглик қўйиб бўлмайди: ҳукмда, мақсадда яқинлик бўлади, лекин гап таркибида, боғловчиларда, демак, қўшма гап ва ёйиқ содда гап орасида айрим тафовутлар бўлади.

4. Равишдош оборот ва қўшма гап стилистикаси. **Равишдош ўзига эргашган сўзлар билан кенгайиб, қуйидаги гап бўлаклари билан синонимик муносабатда бўлади:**

1. Бирикмали кесимлар билан: ***Хотин узоқ йиғлади, эрига қаттиқ гапирганига пушаймон бўлди, ўзини қарғади, ўлим тилади.— ..эрига қаттиқ гапирганига пушаймон бўлиб, ўзини қарғади... (С. А.).*** **Ҳар икки вариант ҳам бир хил мазмун англатади. Лекин биринчи тип гаплар кўпроқ оғзаки нутқ учун хосдир: унда ҳаракат-ҳолатлар кетма-кет қайд этилади ва санаш (тенглик) оҳанги билан айтилади.**

Равишдош оборотли гаплар эса кўпроқ бадиий ва публицистик нутқда қўлланиб, таъсирий томони ва қўшимча маънолари билан ажралиб туради. Феъл равишдош шаклида тур-са, икки хил вазифа бажаради: а) дастлабки маъно — ҳаракаг ё ҳолатни билдиради; б) асосий феъл-кесимдан англашилган иш-ҳаракатнинг қайтарзда бажарилганини, сабабини, пайтини, зидлик ва бошқа маъно бўёқларини ҳам англатиб, бош бўлак билан релятив (* ***релятив*** **– нисбат, муносабат, белги тушунчаларини билдиради) муносабатга киришади:** ***Фарзанд доғи ҳар қандай иродали кишини ҳам букиб, юзига ажин солади. (С. А.) Улуғ йўлдан етаклаб, мактабингга элтмоқчи. (Ғ. Ғ.)***

Маъно томондан ўзаро яқин бўлган равишдошлар якка ҳолда ҳам қўлланиб, уюшади; бунда фикр кучайтирилади, тадрижий ривожлантирилади: ***Эй Фарғона, Эй мушкул кунлар боласини ти-ишда*** *тишлаб, ювиб,* ***тараб,*** *севиб, ўпиб, опичлаб,* ***Эй бахтларни балоғатга етказган она! (Ҳ. 0.)***

Равишдош оборот ўз тузилиши билан айрим эргаш гапларга ўхшаб кетади: улар орасида баъзан синонимия ҳосил бўлади, Бундай ёйиқ структураларни бир оз ўзгартиш билан эргаш.гапли қўшма гап ҳосил қилиш ва, аксинча, эргаш гапли қурилмаларни оборотли содда гапга айлантириш мумкин: ***Нури Гулнорни жўнатгандан сўнг, анча вақт хаёл суриб ўтирди. (0.) Гулнор жўнаб кетгандан сўнг, Нури анча вақт хаёл суриб ўтирди***

Бундай қурилмаларнинг ўзига хос мазмун ва услубий хусусиятлари бўлади, албатта. Равишдош кесим вазифасида келса, эга ҳақидаги тасаввурни ифодалайди; оборот бўлса, асосий феълга боғланиб, турли ҳолат маънолари англашилади.

Гап структурасини ўзгартиш автор услубига боғлиқдир: ***Хўжлик теримни бошлаб, ўн иш кунида планни бажарди.—***

Хўжлик теримни бошлаб, план ўн иш кунида бажарилди.— Хўжлик бошланиб, колхоз ўн иш кунида планни бажарди.

5. Сифатдош оборот ва эргаш гапли қўшма гап стилистикаси. **Таркибида сифатдош бўлган қурилмалар ва нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган гаплар ўзаро синонимик қатор ҳосил қилади. Улар бир-бирини тақозо этади, мазмунда фарқ қилмайди:** ***Жаҳлни кечиктирган ютар, Экинни кечиктирган ютқазар. (Мақол.) — Ким жаҳлни кечиктирса, у ютади, Ким экинни кечиктирса, ютқазади.***

Лекин содда гап шакллари кўпроқ оғзаки сўзлашув услубида, қўшма гаплар ***(ким, нима, қаер*** **олмошлари билан келган типлар) публицистик ва бадиий нутқда учрайди.**

Ёйиқ (мураккаб) қурилмаларда бир хил шакллар ***(...-ган, ...-ган)*** **такрорланиб қолмасин учун, синоним шакллар танлаш ва улардан энг мувофиғини қўллаш услуб томондан тўғри ҳисобланади:** ***Раъно оҳистагина Анвар ёнига келиб, супага суянди, икки қўли билан иягини кўтариб, оралиқдан Анварнинг таҳририга қаради, Анвар ҳам мулойимгина кулимсираб, Раъно-га кўз қирини ташлаб олгач, гўё илтифотсиз, яна қаламини қоралаб, қоғоз устига бир-икки калима ёзди, аммо учинчи калима-га ўтганда, қалами қўлида, ўйланиб қолди ва боягидек ёнида-гига кулимсираб қаради. Раънонинг кўзи ҳам унга тўқнашиб, бир оз бир-бирларига кулимсираган ҳолда тикилишдилар. (А. Қод.)***

Сифатдош шаклларни ортиқча такрорламаслик йўлларидан бири оборот ўрнида эргаш гапли қўшма гаплардан фойдаланишдир.

Сифатдош оборотлар билан айрим эргаш гаплар орасида параллеллик бор. Масалан, нисбий олмош ёрдамида ҳосил қилинадиган кўпгина эргаш гаплар сифатдош оборотларга синоним бўлади: ***Баҳорни ёмон кўрган одам қалдирғоч уясини бузади.— Ким баҳорни ёмон кўрса, қалдирғоч уясини бузади.***

Сифатдош оборотларни эргаш гапга айлантиришнинг яна бир йўли бор: сифатдошдан кейинги от сифатдошдан олдин қўлланади ва бош келишик шакли орқали предикатив алоқа ҳосил қилинади: ***Қўйнинг изидан кетган қўзи каби, Орқангдан қолмасдан жўнадим жангга.— Қўйнинг изидан қўзи кетган каби, ... (Ҳ. О.)***

6. Мураккаб қўшма гаплар стилистикаси. **Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» романида Раънонинг ташқи кўринишини таъриф-тавсифлаш учун биргина абзацда 28 содда гапдан фойдаланган. Агар айрим ўринларда ишлатилган нуқтани шартли белги — услуб талаби билан қўйилган, деб фараз қилсак, ана шу содда гаплар бир бутун образнинг, гўё бир картинанинг таркибий қисмлари саналиб, бизга чиройли расмнинг турли бўёқларини эслатади: бир-бирини муқояса қилади, тўлдиради, изоҳлайди; белгилар ўхшатилади; бири иккинчисининг сабаб-натижасини кўрсатади; орада ёзувчининг ҳис-туйғулари ҳам ўрин олади. Хуллас, ўзаро боғланган бир неча гап ёрдамида тугалликка эга бўлган яхлит бир манзара чизилади, гўё ўзига хос бир иншо юзага келади.**

Мураккаб қўшма гаплар бир неча воқеани санаш мақсадида қўлланса, санаш оҳанги билан айтилади. Айрим ўринлар турли воситалар билан ажратилса, қайд этилса, оҳанг бир оз кўтарилади: ***Кун ботган, тоғлар устидаги нафис бўёқлар сўнган, лекин ҳа-ли ёруғ; пастдаги сой, сойнинг у юзидаги тор кўчалар, машъум полиз, узоқда, боғлар орасида, оқариб турган мактаб — ҳаммаси, ҳатто тўғон бўйидаги терак учида —уясида қўниб ўтирган лай-лаккача аниқ кўринарди, гўё офтоб сўниши билан, қишлоқни тўсиб турган аллақандай парда кўтарилган-у, ҳамма нарса. бў-лакча бир тиниқлик касб этган. (О.Ё.)***

Мураккаб қўшма гаплар орасидаги муносабат алмаша бошласа (тобелик тенглик билан ва, аксинча, тенг маъно тобелик билан), оҳанг ҳам бир оз кўтарилади: ***Меҳнат қанчалик оғир бўл-масин, Машраблар турмушдан нолишмайди, чунки иш оғирлаш-ган сайин, улар ўзларини фронтга, урушда юрган йигитларга яқинроқ ҳис этишади-ю, виждонлари қийналмайди, ҳатто ёздаги кўнгилсиз воқеалар... эсларидан чиқади, чунки фронт деган сўз олдида буларнинг ҳаммаси қандайдир жуда майда кўринади, фақат бир нарса йигитларни сал қийнайди: у ҳам бўлса Гулчеҳра! (0. Ё.)***

Мураккаб қўшма гаплар баъзан оғзаки сўзлашув услубида ҳам учрайди: ***Дунёда нима ёмон, десалар, ўлим ёмон, деб жавоб берадилар. Лекин, ўғлим, ўлимдан ҳам ёмон нарса бор: бу — обрўнинг тўкилиши.***

Мураккаб қўшма гаплар публицистик-поэтик асарларда, айниқса, кенг тарқалган. Факт ва далилларни

қиёслаш, тегишли хулоса чиқариш, икки нарсани қарама-қарши қўйиш каби услу-бий мақсадлар мураккаб қўшма гаплар ёрдамида берилади: *Ҳаётимиз — дарё, тубида инжу, Одамлар шу дарё тубида ғаввос, Биров шодлик топар, бошқаси қайғу; Ким яшар, ким эса кун кўрар лоҳас. (С. Воҳидов.)*

Матбуот тилида, бадиий асарларнинг публицистик саҳифаларида учрайдиган мураккаб қўшма гапларда воқеалар саналади, муҳим ўринлар изоҳланади, ҳаракат-ҳолатнинг натижаси кўрсати-лади: *Сўнгги пайтда ишлар анча юришиб кетди; ёзда чекилган қийинчиликлар, қилинган оғир меҳнат беҳуда кетмади: пахта ях-ши бўлди, колхоз районда илғорлар сафида боряпти: айниқса, Қизил Армия фондаги 500 000 сўм ўтказиб, алоҳида танк заказ этишга қарор қилингандан бери, колхознинг обрўси ошиб кетди. (0. Ё.)*

Поэтик асарлар ичида Ҳ. Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеъри, Э. Воҳидовнинг «Ўзбекистон» фахрияси, А. Ориповнинг худди шу номдаги балладаси ва бошқа шеърлар мураккаб қўшма гап таркибидаги содда гапларни танлаш ва мутаносиб жойлаштириш санъатининг энг яхши намуналари саналади.

Қўшма гапларнинг моҳияти ва стилистик қиммати улардати содда гапларнинг сони билан эмас, уларнинг мантиқан тўғри тан-ланиши, тартиби, боғловчиларни меъёрида қўллаш, бунда боғловчи синонимлардан фойдаланиш кабилар билан ўлчанади.

Демак, қўшма гап,аввало, мазмунан бир-бирини тақозо этувчи содда гаплар йиғиндисидир: улар ўзидаги маъно орқали бир-бирига боғланади.

Баъзан содда гапларнинг «тасодифий» тизмасидан ҳосил бўлган, мантиқан бир-бирига мос тушмайдиган қисмлардан тузилган қўшма гаплар ҳозирги адабий тил услубларида учраб туради: *Ва.~ танга муносиб фарзанд бўламиз, Жангларда чиниқдик, ўқиймиз-аъло; Денгизда сузамиз, кўкда учамиз. Меҳнатда тобландик,. юрт дер тасанно! («Ёшлик дафтари», I том, 32- бет.)*

Қўшма гап тузишда учрайдиган асосий стилистик хатолар қуйидагилардан иборат:

1.Мазмунан ва мантиқан мос бўлмаган гаплар қатори тузилиб, қўшма гап сифатида берилади: *Янги ҳосилларга барака бўлиб, Қор ёғсин далага, шудгорга қишда;*

Уқитувчиларга, ўқувчи-ларга ғалаба тилаймиз ўқишда, ишда. (У.)

2.Гап бўлаклари ва бош гап билан эргаш гап ўрнини нотўғри белгилаш, бунда ҳаракат ё ҳолатнинг бўлиш навбатини ҳисобга олмаслик: ***Тоғлар боши оқариб, тонг ота бошлади. (У. Исмоилов.)*** **Бу гапда тонг отиши билан боғланган ҳукм биринчи ўринда ифода этилиши керак.**

3.Боғловчиларни ортиқча ё ўринсиз қўллаш, ҳатто айрим оборот ёки гапларни зўрма-зўраки қўллаш натижасида ифодада ғализлик юзага келиши мумкин: ***Ҳикмат икки йилдан бери мактаб деворий газетасини ўз расмлари билан безатади. Бу унга ёт эмас. Болалар: «Қойил қилибсан-ку, Ҳикмат!» — деса ажабланмайди, чунки бунинг нимасига ажабланади: ўзи кўриб юрган нарсаларни чизяпти. (Шуҳрат. «Эскиз» ҳикоясидан.)*** **—Бу гапда иккинчи сод-да гап ва** ***чунки*** **боғловчиси ортиқча.**

4.Боғловчиларни танлашда мантиқий амалларга риоя қилмас-лик. Тўғри, шеъриятда баъзан ҳижо талаби туфайли иккита бир-бирига зид боғловчи бир ўринда қўлланади: ***Ва лекин шу фур-сатда қалбимда ҳасрат билан Узбегим диёрининг кечмишини ўй-лайман. (Э. В.)*** **Прозаик асарларда эса шундай қилиш хато саналади:** ***У жуда мунғайиб қолди ва лекин шартта орқасига бури-либ, ўз пулемёти қошига келиб чўкди. (С. Муқанов. «Қаҳрамон қиз», С. Худойберганов таржимаси.)***

5.Боғловчисиз қўшма гапларда айрим бўлаклар такрорланади.: ***Еридан айрилган етти йил йиғлар, Элидан айрилган ўлгунча йиғлар.*** **— Бу гапда кесим такрорланган, услуб томондан бу такрор ўринли ҳисобланади. Аммо қуйидаги такрор услуб томондан ўзини оқламаган:** ***Алимардоннинг қўллари пардадан пардага енгилгина*** *кўчар,* ***тошқин садолар енгилгина*** *кўчар* ***эди. (У. Ҳ.)***

6. Вазн, қофия, туроқ, градация талаби билан бўладиган такрор услуб томондан ўринли саналади. Лекин бирор мақсадсиз кайтарилган шакллар нутқни оғирлаштиради, ифода таъсирини сусайтиради, қулоққа ёқимсиз эшитилади: ***Йиғлаб-йиғлаб чарчаган Раҳбархон қизарган кўзларини чаман бўлиб очилган ўрик гулларига тикиб, айвонда ўтирар эди. (Ҳ. Нўъмон.)*** **— Бу гапда сифатдош ва равишдош шаклларининг уч мартадан қайтарилиши ифода-услуб меъёрларига бир оз путур етказган.**

9. Мураккаб синтактик бутунлик. **Академик В. В. Виноградов қайд қилганидек, «Стилистик синтаксиснинг бутунлай янги соҳаси пайдо бўлиб, унинг асосини мураккаб синтактик бутунлик қурилиши масалалари ташкил қилади».**

Гапнинг реал «ҳаёти» боғланишли нутқ оқимида намоён бўлади. Матндан ажратиб олинган гап грамматик мустақиллигини сақласа ҳам, матндаги бошқа гаплар билан боғлиқ бўлган фикрий тугаллигини йўқотади. Нутқ оқимидан ажратиб олинган гапларнинг фикран мустақиллиги нисбийдир.

Фикран ва синтактик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган гаплар бирлашмаси *мураккаб синтактик бутунлик* дейилади. Бунда фикр гапга нисбатан тўлиқ ифодаланади. Бу бутунлик конматн таркибида фикран гапга хос бўлмаган мустақилликка эга бўлади. Унинг компонентлари орасида пауза қўшма гап компонентлари орасидагига нисбатан чўзиқроқ бўлади, кесимлари эса мустақил шаклда бўлади.

Нутқда гапларнинг ўзаро боғланиши асосан олдинги гапдаги бирор бўлакни кейинги гапда такрорлаш, олдинги гап структура қисмларини кейинги гапда кенгайтириш орқали юз беради: *Янги Тошкентим кўчаларини, осмонўпар биноларини, сўлим хиёбонларини завқ билан томоша қилиб, ажиб кошона қаршисида бир зум тўхтайман. Оппоқ мармардан тикланган чиннидай қаср. Бу бинони қўли гул усталар, мўъжизакор наққошлар яратишди. Қадоқ қўл иморатсозлар ва моҳир муҳандислар унга кўрк ва фусун бахш этдилар. Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан келган қон-қардошларимиз бу қасрни биз билан бирга қуришди. Бу бино пойтахтимнинг айни марказида — Тошкент юрагида қад кўтарди. У Шарқ қуёши нурларига чўмилиб, оппоқ товланиб турибди. (Р. Ф.)*

Бу матнда 7 та гап бўлиб, улар фикран ва грамматик жиҳатдан боғланиб, мураккаб синтактик бутунлик ташкил қилган. Бунинг таркибидаги ҳар бир гап грамматик жиҳатдан тугал, фикран эса тугал эмас. Масалан, 3-гап *(Бу бинони қўли гул усталар, мўъжизакор наққошлар яратишди)* ни олиб кўрайлик. Бу гапдаги *бу бинони* қурилмасининг маъносини англаш учун олдинги гаплар керак бўлади. Ҳар бир гапда такрорланиб келган бўлаклар: *қаср, бу бинони, унга, бу қасрни, бу бинони, у, бу бино, уни* гапларни логик ва

грамматик жиҳатдан ўзаро боғлаш учун хизмат қилган. Кўринадики, мураккаб синтактик бутунлик компонентларининг боғланишида лексик такрор, олмошлар муҳим роль ўйнайди.

Мураккаб синтактик бутунлик ўзига хос композицион тузилишга зга. Унинг компонентлари турли вазиятда бўлади. Одатда, унинг биринчи компоненти анча мустақил бўлиши билан бошқа-ларидан фарқ қилади. Бу гап б о ш л о в ч и бўлиб, мураккаб синтактик бутунликни ташкил қилувчи синтактик марказ ҳисобланади. Кейинги гаплар фикрнинг ривожланишини ифода қилади. Охирги гап эса т у г а л л о в ч и бўлиб, кўпроқ хулоса, натижа, якун ифодалайди. Қуйида илмий ва бадиий матндан мисол келтирамиз:

Адабиётларда -лар кўп маъноли битта аффикс сифатида тал-қин қилинади. Бундай ёндашув тарихий-этимологик нуқтаи на-зардангина тўғри. Ҳозирги тилнинг грамматик системасидан келиб чиқсак, ягона -лар аффиксиники деб келтириладиган баъзи маънолар ҳам мазмунан, ҳам вазифада мустақиллигини кўрамиз. Ана шундай маънолардан бири — ҳурмат маъноси. Мисолларни таҳлил қилиш кўрсатадики, ҳурмат маъносини ифодаловчи -лар алоҳида аффикс деб, сон категорияси ва эгалик категорияси системасидан ташқарида турувчи мустақил форма деб қаралиши лозим. (Ш. Раҳматуллаев.)

Она-бола ўз юртларига пиёда секин-аста етиб олиш ниятида йўлга чиқдилар. Улар боғлар, чорбоғларни оралаб, катта дала йўлига чиқдилар. Бироқ йўл-йўлакай онанинг дарди зўрайди. Юрган сари кўз олди қоронғилашиб, оёғи тола бошлади. У йўл четларига ўтирар, дам олар ва ҳол йиғиб ўзига келгач, яна туриб ҳаракат қилар эди. Лекин узоқ юролмадилар. Бувинисо ҳарсиллаб, оёқда туролмайдиган бўлиб қолди. (П. Т.)

Мураккаб синтактик бутунлик интонацион жиҳатдан ритмик-интонацион бутунлиги билан характерланади: бир мураккаб синтактик бутунлик иккинчисидан гаплар орасидаги паузага қараганда чўзиқроқ пауза билан ажратилади.

Мураккаб синтактик бутунлик логик бутунликни ифодалайди. Одатча, боғланишли нутқдан ажратиб олинган ҳукм фикрни тўлиқ ифода этолмайди. Ҳар бир ҳукмнинг диалектик табиати шундаки, у структура жиҳатидан тугал, фикран эса

нотугал харак-терда бўлади. Фикр ривожи ўзаро боғлиқ бўлган ҳукмлар йиғиндиси орқали ифодаланади. Бунда ҳукмлар уларнинг компонент-ларини такрорлаш орқали боғланади. Бу вақтда олдинги ҳукмнинг предикати кейинги ҳукмнинг субъекти ёки, аксинча, олдинги ҳукмдаги субъект кейинги ҳукмда предикат вазифасида кели-ши мумкин. Мана шу асосда фикрлар бир томонлама ривожланаётган логик бутунликка бирлашади. Бу ҳам хулоса каби фикр шаклидир.

Мураккаб синтактик бирликларни ўрганиш жуда кўп синтактик тушунчаларимизни, биринчи навбатда гап ҳақидаги тушунчаларимизни кенгайтиради, чуқурлаштиради. Гапни нутқнинг кичик бирлиги сифатида ўрганишдан ташқари, мураккаб синтактик бутунликнинг компоненти сифатида ўрганиш унинг диалектик табиатини очишга ёрдам беради: бир томондан, унинг фикран нисбий мустақилликка эга бўлган модель эканлиги, иккинчи томон-дан эса мураккаб синтактик бутунликдаги бошқа гаплар билан ҳам фикран, ҳам грамматик жиҳатдан боғлиқ эканлиги англа-шилади.

Ўнинчи мавзу:

КЎЧИРМА ВА ЎЗЛАШТИРМА ГАПЛАРНИНГ СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Р е ж а :

1. Кўчирма гапларнинг функционал услубларда қўлланиш хусусиятлари.

2. Кўчирма гапларнинг бадиий услубда персонажлар ички дунёсини, ташқи қиёфасини, табиатини чизишда муҳим восита эканлиги.

3. Ўзлаштирма гапларнинг стилистик хусусиятлари.

1. Кўчирма гапларнинг функционал услубларда қўлланиш хусусиятлари. **Ҳар бир функционал услубда кўчирма гапларнинг қўлланиши ўзига хос тарзда кечади ва ўзбек тилидаги барча услубларда у ёки бу даражада учрайди. Масалан, илмий услубда улардан муаллиф ўз фикрини асослаш, тўғри эканлигини тасдиқлаш мақсадида фойдаланади – шу фикрга мос келадиган қарашлардан цитата – иқтибослар келтиради. Ёки, аксинча, ўз фикрининг**

тўғри эканлигини тасдиқлаш мақсадида унга зид бўлган қарашларни ҳам келтириши ва унинг нотўғри эканлигини, унга қўшила олмаслигининг сабабларини асослаши мумкин.

Бунга мисол тарзида Р.Қўнғуровнинг «Ўзбек тили стилистикасидан очерклар» (Самарқанд, 1975) асарининг 11-бетидан қуйидаги парчани келтиришимиз мумкин: «А. М. Пешковский ўзининг «Она тили методикаси, лингвистика ва стилистикаси» номли асарида стилистик кузатишлар қандай йўл билан бориш кераклигини, хусусан, грамматик стилистиканинг характерли хусусиятини жуда тўғри кўрсатиб берган эди. У ёзади: «Бошқа бўлимлардаги каби, сўз фақат нафис оттенкалар ва нозикликлар ҳақида бориши мумкин, чунки стилистика, умуман, худди шулар билан шуғулланади. «Укамни юбораман» ва «укамга юбораман» бирикмалари ўртасидаги фарқ қанчалик нозик бўлмасин, у ҳали стилистика учун дағал ҳодисадир. Бу стилистик фарқ эмас. «Менга ясади» ва «мен учун ясади» гаплари ўртасидаги фарқ эса фақат грамматик эмас, балки стилистик фарқ ҳамдир. Худди шу каби «пичоққа олдим» ва «пичоқ билан олдим» бир-биридан фақат грамматик фарқланади, «тош отди» ва «тошбўрон қилди» эса бир-бирларидан ҳам грамматик, ҳам стилистик жиҳатдан фарқланади. Бошқача қилиб айтганда, стилистикада, умуман, грамматик маънолар ўрганилиши ва чоғиштирилиши керак эмас, балки фақат грамматик синонимлар, яъни грамматик маъноси билан бир-бирларига яқин сўз ва сўз бирикмалари ўрганилиши ва қиёсланиши керак»* (Цитата А. Н Гвоздевнинг “Очерки по стилистике русского языка" асаридан олинди, Москва, 1955 й., 133-134-бетлар).

Юқорида айтганлардан хулоса қилиб, А. М. Пешковский грамматик стилистиканинг, жумладан, морфологиянинг стилистик имкониятлари жуда ҳам чекланганлигини таъкидлайди.

Расмий услубда бу каби ҳолатлар кам кўзга ташланади.

Публицистик услубда ҳам худди илмий услубдаги сингари ҳолатларда кўчирма гапларга мурожаат қилинади. Масалан: «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 8-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади», деб таъкидланган.

Бугунги кунда ушбу қонунга тўлиқ амал қилинмоқда, дарсликлар, қўлланмалар, қонунлар, илмий асарлар давлат тилида нашр қилинаяпти. («Huquq» газетаси, 2009 йил 15 октябрь).

Функционал услубларда кўчирма гапларнинг қўлланиш хусусиятларини ушбу гаплар таркибида қўлланган феъллар таҳлилида яна ҳам ойдинлаштириш мумкин. Масалан, турли услубларда *айтмоқ, демоқ* феълларининг бир неча синонимларидан фойдаланса бўлади. Жумладан, публицистикада оддий хабар айтилса, мазкур феълларнинг одатдаги шакллари қўлланади: *Докладчи айтдики, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартиш учун кураш давом этади.*

Агар бу феъллар орқали услуб бўёқлари, таъсирийлик ҳам берилмоқчи бўлса, *таъкидламоқ, уқтирмоқ, эътироф этмоқ, қайд қилмоқ, эслатмоқ, огоҳлантирмоқ, тўхталмоқ, даъво қилмоқ, таъна қилмоқ, таърифламоқ, талаб қилмоқ, мурожаат қилмоқ, ўтинмоқ, ёлвормоқ, сўрамоқ* каби феъл-синонимлардан фойдаланилади, М и с о л л а р: *Нотиқлар таъкидладиларки, шаҳар меҳнаткашлари давлатимизнинг саноатни янада ривожлантириш олдига қўйган вазифаларини бажариш учун курашда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар (Газетадан). Ўтиниб сўрайман: тезроқ отинг. (М. Лермонтов.) Аввало, шуни қайд қилиш керакки, дўстлик мавҳум нарса эмас, у йўқдан пайдо бўлмайди. (В. З.)*

2. Кўчирма гапларнинг бадиий услубда персонажлар ички дунёсини, ташқи қиёфасини, табиатини чизишда муҳим восита эканлиги. **Илмий манбаларда кўчирма гап бадиий нутқда бой стилистик-синтактик восита эканлиги таъкидланган (Кожина М.Н. Стилистика русского языка.- М., 1983, 161-бет).**

Кўчирма гап ўзга кишининг нутқини айнан, ўзгаришсиз келтириши билан алоҳида аҳамиятга эга бўлиши масаланинг бир томони. Иккинчидан эса, ана шу вазифани адо этиш боробарида у нутқ эгасининг фикр ва мулоҳазаларини аниқ бера оладиган ҳамда нутқ муаллифига тавсиф ҳам бера оладиган хусусиятга эга.

«Ўзгаларнинг ҳеч ўзгаришсиз, сўзма-сўз берилган гапи кўчирма гап бўлиб, унда ҳам, аввало, тугал фикр, ҳис-туйғу ифодаланади. – дейилади «Ўзбек тили стилистикаси» асарида. - Шу билан бирга, ёзувчи кўчирма гапдан услубий

мақсадда ҳам фойдаланади: унинг воситасида образ яратилади, қаҳрамонга маълум даражада характеристика берилади. Баъзи персонажлар нутқидан уларнинг ички дунёсини, ташқи қиёфасини, табиатини ҳам англаб олиш мумкин:

— Чеховми? Ҳимм... буржуазия реализми тўғрисида сўзлаганда, энг аввал, ушинг объектига диққат қилиш керак. Буржуазия реалистлари тушунган, улар акс эттирган объектив воқеликни англаш лозим бўлади. Турган гапки, Чеховнинг ижоди бошдан-оёқ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни... ҳимм,.. Мукаррам, товуққа мояк қўйдингми? Қўйиш керак, бўлмаса дайди бўлиб кетади... Тавба, товуқдан ҳам аҳмоқ жонивор йўқ — мояк қўйсанг, туғади! Нима учун мояк қўйсанг, туғади? Хўроз нима учун саҳарда қичқиради? Ажойиб психология! Биология ўқийсиз-ларми? (А. Қ. Адабиёт муаллими).

Кўчирма гап бўлган кейин, сўзсиз у билан биргалик муаллиф сўзлари ҳам иштирок этади. Муаллифнинг ана шу сўз ва жумлалари нутқда маълум экспрессив аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Драматик асарларда қатнашувчи шахсларнинг репликалари муаллиф ремаркалари ҳам айрим қаҳрамонлар характерини ёки улар орасидаги муносабатларни тушунишда ўзига хос ўрин тутади:

Х о л м а т *(ўзича). Вой хом калла-ей, сен ҳали ҳайвон деб юрган эдингми?*

Х о л м а т *(ўзича). Мана қўй, деб тумшуғига солмайсанми сийниталоғни!*

Х о л м а т *(ўзича). Бўлмаса ҳали сурма ичган итдек овози бўғилиб, имоматга ўта олмай қоладилар. (Имомга.) Чарчамайсиз, домла почча, фақат қуруқ қошиқ оғиз йиртади, холос! Садқаи гапингиз кетсин бу гадога! Бунга ўхшаган мингта сарпоёқдан сизлар учун бойга ўхшаган битта хўл таёқ яхши! (Ҳ. Ҳ.)*

Навоий кулади. Мансур кириб ерга ташланади, йиғлаб, Навоийнинг этагини ўпади.

Ҳарам. Сочлари паришон, озғин Гули тўшакда ётибди. Нозик қўллари билан Алишер берган девонни кўкрагига босган. Ёнида энага. («Алишер Навоий» драмасидан.)

Кўчирма гап кўпроқ муаллиф гапи билан бирга қўлланади. Бу вақтда ҳар икки содда гап бирикиб,

тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлади: кўчирма гап ҳам муаллиф гапини, унинг кесимидан англашилган хилма-хил маъноларни тўлдиради. Муаллиф гапининг кесими, асосан, *айтмоқ* ва *демоқ* феълларининг тусланган (аниқ) шакллари орқали ифодаланади. Кўчирма гапли қўшма гапларни услуб талабларига кўра, турлича қуриш мумкин: *Ёзувчи айтган эди: «Сўз барча фикрлар ва фактлар либосидир». «Сўз барча фикрлар ва фактлар либосидир»,— деган эди ёзувчи.*

Кўчирма гапдан шу тарзда фойдаланилса, *айтмоқ, демоқ* феъллари бетараф маънода — хабар қилиш, хабарни айтиш усули вазифасидагина ишлатилади. Бу вақтда кўчирма гап оғзаки нутқда ўзига хос оҳанг билан айтилади, ёзувда эса қўштирноқ орқали белгиланади ва ҳар икки гап орасидаги чегара аниқланади.

Турли нутқ услубларида *сўрамоқ* ўрнида *илтимос қилмоқ, арз қилмоқ (арз айламак* – архаик) каби шакллар; *пичирламоқ, шивирламоқ, дўнғиллamоқ, вақилламоқ* (ва бошқа кўринишлари), *жавоб бермоқ, эълон қилмоқ, маълум қилмоқ* ва бошқа феъллар қўлланади.

Бундай феъллар маъносини янада очиш, фикрни кучайтириш, тингловчига буюриш, даъват, эслатиш каби мақсадларда бош гап таркибида *-ки, -чи, -ми, -ку* каби юкламаларни ҳам келтириш мумкин: *Қани айтинг-чи, бу шиферларни қайси колхозчига бердингиз? (Н. Сафаров.) Айтдим-ку, борамиз деб.*

Сўзловчининг хилма-хил кайфияти, ҳис-туйғуси, ҳаракат ва ҳолати, мимикасини айнан бериш учун хабар қилиш, суроқлаш ифодаловчи феъллар ўрнида муаллиф кўпинча *кулимсирамоқ, шод бўлмоқ, табассум қилмоқ, жилмаймоқ, илжаймоқ, очилиб кетмоқ, олқишламоқ, қарши олмоқ, сўзини бўлмоқ, рад этмоқ, ман қилмоқ, қайтармоқ, маъқулламоқ, тасдиқламоқ, бош ирғамоқ, ҳис этмоқ, ўйламоқ, тасаввур қилмоқ, назарда тутмоқ, ишонтирмоқ, асасламоқ, исбот этмоқ, таажжубланмоқ, буюрмоқ, тушунтирмоқ, эслатмоқ, жеркмоқ, аччиқланмоқ, койимоқ, бўғилмоқ, кесатмоқ, говга солмоқ, юзига солмоқ, шовқин кўтармоқ, оҳ чекмоқ, бақирмоқ* каби модаллик маъноси кучли бўлган феъл ёки феъл-иборалардан фойдаланади:

Анвар ўйланиб яна кулимсиди:— Сенинг фотиҳанг бўлмасин? (А. Қод.) Моҳлар ойим Раънони бағридан чиқариб

буюрди:— Бор, Анвар акангга салом қил. (А. Қод.) Раъно тўхтаб, Маҳмудни койишга мажбур бўлди:— Маҳмуд, Маҳмуд, эси йўқ Маҳмуд!. (А. Қод.) «Қулоқ тешиш фазл эмас, пулни топиш ҳазил эмас, жевак тақиш фарз эмас!»— ғовға солар тақсирим. (А. Қод.) Фаришта ҳам шунчалик бўлар деб ўйлаб қолдим. (А. Қод.) Маҳдум қўлини бир-бирига уриб оҳ чекди:— Шарманда бўлдим, расво бўлдим! (А. Қод.) Шаҳодат муфти бош чайқади:—Биз янглишамиз. (А. Қод.) Сафар бўзчи Маматқулнинг сўзини бўлди:— Кимга ёмонлабди? (А. Қод.)

Бадиий асарларда диалогларни бериш ёзувчининг ихтиёрига боғлиқ: шахслар гапи орасида (олдин ё кейин) муаллиф гапи ҳам келтирилиши мумкин.

3. Ўзлаштирма гапларнинг стилистик хусусиятлари. **Кўчирма ва муаллиф гапи орасида, айниқса, мазмун яқинлиги кучли бўлади: биринчиси иккинчисини тўлдиради. Шунинг учун бундай қурилмаларни шаклан ўзгартириш ва икки содда гапни бирлаштириб, бир гапга келтириш мумкин. Бу вақтда мазмун сақланган ҳолда, гап бўлакларининг миқдори ва шакли ўзгаради: кўчирма гапнинг кесими тўлдирувчига, эгаси эса қаратқич аниқловчига айланади: *Донолардан бири айтган эди: «Ҳеч кимга ёмонлик қилмаган одам элга ёқади».— Донолардан бири ҳеч кимга ёмонлик қилмаган одамнинг элга ёқишини айтган эди.***

Демак, кўчирма ва ўзлаштирма гап орасида синонимия: — параллеллик бўлади.

Кўчирма гап ўзлаштирма гапга ўзига хос грамматик қонун-қоидалар ва стилистик талаблар асосида айлантирилади.

Кўчирма гапнинг кесими от, сифат, равиш ва сон билан ифодаланса, уни тўлдирувчига айлантиришда *экан* тўлиқсиз феълидан ҳам фойдаланилади: *«Ёлғон сўздан олам безор»,— деган эди Абай .— Абай ёлғон сўздан олам безор эканини айтган эди.*

Айрим гапларни эса ўзлаштирма гапга айлантириш учун қўшимча воситалардан фойдаланилади: *— Сен уй эгасидан қочиб ўтирма, ўзи менинг оғам... Тузукми, Раъно? — деди Анвар. (А. Қод.) - Анвар уй эгасининг ўзига оға эканлигини, шунинг учун ундан қочмасликни Раънодан илтимос қилди.*

Ҳис-туйғу кучли ифодаланган гапларни, сўз-гапларни ҳатто ўзлаштирма гапга ҳам айлантириб бўлмайди: *У фавқулодда бир нарса кашф этгандай ҳовликиб: «Чироқ! Электр» — деди. (А.Қ.)*

Бундай гапларни бирор эҳтиёж билан ўзлаштирма гапга айлантириш зарур бўлса, гапни қайта қуриш керак: *У бирдан ялт этиб кўзига ташланган электр чироқни кўриб, фавқулодда бир*

нарса кашф этгандай ҳовлиқиб «чироқ» ва «электр» сўзларини айтиб юборди.

Кўчирма гапли қўшма гапиинг яна бир синоними тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплардир. Булар икки хил бўлади:

1.*Айтди, деди, уқтирди* феълларидан кейин *-ки (-ким), деб* каби боғловчилар қўлланади: *Ҳикматой съезд делегатларини ишонтириб айтдики, унинг бригадаси бу йил ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 50 центнерга етказади.*

2.*Айтди, деди, уқтирди, ваъда берди* каби феъл кесимлардан кейин изоҳий оҳангдан фойдаланилади; бу вақтда бош ва эргаш гаплар (муаллиф гапи ва кўчирма гап) орасига икки нуқта қўйилади: *Дейман: қувончингга тор келур жаҳон... (Э.В.) Мен ундан сўрадим: меҳрингни қўйиб, шунчалар саралаб гул тердинг кимга? Ишидан кўзини узмайин синглим, қисқа жавоб берди: ўқитувчимга. (С. Зуннунова.)*

Кўчирма гаплар кириш сўз ё иборали содда гаплар орқали ҳам берилиши мумкин: *Абу Али ибн Синонинг айтишича, агар ҳавода чанг бўлмаса, одам минг йил яшаши мумкин.*

Гапларнинг ушбу турларидан фойдаланишда муаллифларнинг ўзига хос баён услублари ҳам намоён бўлиши мумкин. А.Қаҳҳорнинг «Адабиёт муаллими» ҳикоясини таҳлил қилиб кўрамиз:

Ўзининг айтишига кўра «нафис адабиёт муаллими» ўртоқ Боқижон Бақоев оғилга кириб таъби хира бўлди: сигирнинг қулоғига яна кана тушибди! Канадан ҳам кўра сигир унинг аччиғини келтирди: канани терай деса қўймайди – бошини силкийди, пишқиради.

– Ҳайвон! Сигир эмас, ҳайвон!– деди оғилнинг эшигини қаттиқ ёпиб.– Ҳайвон!

Хотини Мукаррам ҳовлида самоварга сув қуяр эди.

– Ҳайвон!– деди Бақоев,– бу сигирни сотиб пулига чўчқа олиш керак!

– Шаҳарда чўчқа асраш мумкин эмас,– деди Мукаррам самоварга кўмир солаётиб.

– Нима учун? Тақиқ қилинганми? Ким айтди? Мен айтиб эдимми? Тўғри, мумкин эмас... албатта, мумкин эмас...

– Уйга киринг, Ҳамида келди.

Ҳамида ўн олти ёшлардаги тийрак, қувноқ қиз, поччасини кўриб севиниб кетди.

– Сиз уйда экансиз, билсам дафтаримни олиб келар эканман... эсизгина...

Ўртоқ Боқижон Бақоевнинг таъби очилди – сигир, унинг қулоғидаги кўм-кўк кана, ғўқиллаб тумшуғи билан арик ёқаларини бузиб юрган чўчқа кўз олдидан кетди.

– Техникумдан рабфакка ўтибсан деб эшитдим, ростми?– деди.– Ҳмм... яхши қилибсан. Рабфакка ўт, деб мен айтиб эдим шекилли? Ҳмм... Ауфф, зарда бўлибман... Рабфак яхши. Мен бир борган эдим. Канцеляриянинг эшигига практикум деб ёзиб қўйипти. Тўғри эмас. Практикум, минимум, максимум булар ҳаммаси лотинча ёки лотинчага яқин сўзлар. Мен шахсан шундай деб биламан.

Бир оз жим қолишди.

– Боқижон ака,– деди қиз уялиброқ,– бир нарсани сиздан сўрамоқчи эдим: биз синфда Чеховнинг «Уйқу истаги»ни ўқидик, гўдакни ўлдирган қизни суд қилмоқчимиз. Даъвогар гўдакнинг онаси – Раҳима бўлади, қораловчи – Шарифжон. Судьялар ҳам бўлади. Мен қизни оқлаб, бутун гуноҳни унинг хўжайинига, ёш қизни бу қадар бераҳм эксплуатация қилган кишига қўймоқчиман. Мана шу... Шуни ёздим. Шу тўғрида сизнинг фикрингизни билмоқчиман. Чехов шундай демоқчи эмасми?

Ўртоқ Бақоев ўйлаб туриб, сўради:

– Нафис адабиёт дарсини сизларга ким беради? Ҳакимов? Аҳмоқ одам! Ўз устида ишламайди. Савол аломати ҳаммавақт «ми»дан кейин қўйилади десам, кулади. Гап бунда ҳам эмас...

Мукаррам самовар кўтариб кирди. Ҳамида ирғиб туриб, самоварни опасининг қўлидан олди ва столга қўйди. У ҳомиладор хотинга самовар кўтартириб, қараб ўтирган поччасидан ўпкаламоқчи эди, бироқ уялди, индамади. Ўртоқ Боқижон Бақоев жуда чанқаб турган экан, устма-уст тўрт пиёла чой ичди ва терлади.

– Чучварадан кейин чой жуда яхши кетади-да,– деди юзидаги, терни артиб.– Ҳмм... соқол ҳам ўсипти, сартарош бўлмаса одамлар маймун бўлиб кетар эди. Маймун жуни тўкилиб, одам бўлган. Бу ҳақда Энгельснинг фикри бор...

– Ҳалигини айтмадингиз, Боқижон ака,– деди қиз,– Чехов шундай демоқчи эмасми?

Ўртоқ Бақоев яна бир пиёла чой сўради.

– Чеховми? Ҳмм... буржуазия реализми тўғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиш керак. Буржуазия реалистлари тушунган, улар акс эттирган объектив воқеликни англаш лозим бўлади. Турган гапки, Чеховнинг ижоди бошдан-оёқ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни... ҳмм... Мукаррам, товуққа мояк қўйдингми? Қўйиш керак, бўлмаса дайди бўлиб кетади... Тавба, товуқдан аҳмоқ жонивор йўқ – мояк қўйсанг туғади! Нима учун мояк қўйсанг туғади? Хўроз

нима учун саҳарда қичқиради? Ажойиб психология! Биология ўқийсизларми?

Ҳамида биологиядан нималар ўқиганини, бу ўқиш йилида яна нималар ўтилажагини сўзлаб берди ва ўзининг оқлаш нутқида физиологик асослар ҳам кўрсатиш нияти бор эканини айтиб, яна сўзни Чехов устига бурди.

– Ҳмм...– деди Бақоев,– Чехов тўғрисида ўзимнинг фикрим бор. Бошқалар нима деса десин, ҳарҳолда унинг дунёга қарашида... Унинг дунёга қараши Пушкин ва Лермонтовларнинг дунёга қарашидан фарқ қилади. Бир давр, бир синф, бир мамлакат ёзувчилари бўлишларига қарамасдан мутлақо фарқ қилади!

– Чехов Пушкин билан бир даврда яшаган эмас-ку,– деди Мукаррам,– бизнинг кутубхонада унинг Максим Горький билан олдирган сурати бор. Чехов 1904 йилда ўлган бўлса керак.

Ўртоқ Бақоев бир оз ўнғайсизланди.

– Сизлар қайси Чехов тўғрисида гапираётибсизлар? Чойдан қуй!.. Бу Чехов ҳақидами? Тўғри, бу 1904 йилнинг биринчи ярмидами, иккинчи ярмидами ўлган... Бошқа рўмолча бер, бундан пиёз ҳиди келаётипти. Мен ана у Чехов, илк буржуазия реализмининг намояндаси бўлган Чехов ҳақида сўзлаётибман.

– «Уйқу истаги» қайси Чеховники?– деди Ҳамида.

– Ҳеч шубҳасиз, бу Чеховники. Бу нарса биринчи марта «Современник» журналида босилган.

Шундан кейин ўртоқ Боқижон Бақоев узундан-узоқ сўзлаб кетди. Унинг нима тўғрида сўзлаётганини Ҳамида билмас эди. Детирдинг деган аллақандай машҳур танқидчи Шеллинг деган ёзувчига «сен дастёрга зор бўлгунча ўғлинг дастёр бўлади» деб хат ёзган; Маркс Добролюбовни Меринг билан бир қаторга қўйган; Стендинг деган аллақандай бир драматург ўлар чоғида Демпинг деган бир танқидчига: «Агар бутун жониворларни худо яратган бўлса, мен унинг завқига қойил эмасман, эчкиэмар ҳам жонивор бўлдими?» деган... Ҳамиданинг боши оғирлашиб кетди, икки марта секин, оғзини очмасдан эснади.

Ҳамида мезбонлар билан хайрлашиб кўчага чиққанда қоронғи тушган эди, «Уйқу истаги» тўғрисида поччасидан ҳеч қандай фикр ололмади. Унинг сўзларидан нима олгани ҳақида ўзига ҳисоб берар экан, ғувиллаб турган бошида шундан бошқа ҳеч нарса йўқ эди: практикум, минимум, максимум; Детирдинг, Стендинг, Шеллинг, Меринг, Демпинг...